

Комилхон КАТТАЕВ

ТАСАВВУФ АЛЛОМАЛАРИ



УЎК 297.1
КБК 86.38
А 15

Нашр учун масъул мухаррир:
Алишер Назар

Комилхон Каттаев
Тасаввуф алломалари. – Т. Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа
ижодий уйи, 2017. – 320 б.

Ушбу китобда юртимизда яшаб ўтган ўнлаб улуғ авлиёлар
ва ориф зотларнинг ҳаёти ва ижоди қаламга олинган. Хусусан,
манзумада ҳазрат Аҳмад Яссавий, Занги ота, Ҳожа Аҳрор
Валий, Маҳдум Аъзам сингари табаррук сиймоларнинг ҳаёти,
қароматлари ва асарларига ўзига хос чизгилар берилган.

Ўйлаймизки, ушбу тўплам мухтарам ўқувчиларимизга ҳам
манзур бўлади.

УЎК 297.1
КБК 86.38



САЙИИД ОТА ВА
ЯССАВИЯ ТАРИҚАТИ
МУРШИДЛАРИ
ТАРИХИ



МУҚАДДИМА

Муҳташам тарихимизга тўғри кўз билан қараш, маънавий кадриятларимизга бўлган эътиборнинг жонланиши, истиқлол берган буюк неъматдир. Ўтган йилларда халқимизнинг маънавий меросига янгича ёндашиш ва янгича фикрлаш тақозоси туфайли бизга номаълум бўлган кўпгина тасаввуф алломалари бўлган юртдошларимизни кашф этдик. Эндиликда уларнинг илмий-маърифий меросларини ўрганмоқдамиз, ҳаётга татбиқ этмоқдамиз ва у буюк зотларнинг фаолиятларига бағишланган илмий-амалий анжуманлар ўтказмоқдамиз.

Шубҳасиз, бу каби ишлар халқимизнинг ва, асосан, ўсиб келаётган ёш авлод дунёқарашининг ижобий шаклланишида ўз таъсирини кўрсатмай қолмайди. Шуниси қувонарлики, кадриятларимизга ва маданий бойликларимизга катта эътибор бериш билан биргаликда уларни кенг миқёсда тиклаш ишлари олиб борилмоқда.

Кейинги йилларда бир қатор буюк алломаларимиз, чунончи, Имом ал-Бухорий, Имом Мотуридий, Имом Марғиноний, Мирзо Улуғбек, Хожа Аҳрор Валий, Махдуми Аъзами Даҳбедий, Шайх Худойдод Валий, Шайх Махдуми Хоразмий каби зотларимизнинг хотираларига бағишланган бир неча халқаро анжуманлар бўлиб ўтди. Юртимиз тарихида чуқур из қолдирган ана шундай буюк зотлар қаторида Ҳазрати Саййид Ота ҳам турадилар.

Ҳазрати Хожа Аҳмад Яссавий тариқатидаги «жаҳрияи султония» силсила сулукининг ўз замонасидаги пешвоси ҳисобланган Саййид Ота фаолиятлари ҳақида неча асрлар илгари мақомот ҳамда рисоалар ёзилган бўлиб, улар юртимиз ва хориждаги Шарқ қўлёмалари фондларида сақланмоқда. Аммо негадир, охириги даврларда бу зот тўғрисида оммабоп нашрларни ҳисобга олмаганда, бирор илмий-монографик асар чоп этилмади ҳисоб. Ваҳоланки, дунёга тарқалган яссавия-султония-жаҳрия тариқатининг Ҳазрати Яссавийдан кейинги бармоқ билан санокли машхур муршидларидан бири ҳисобланган Ҳазрати Сай-

йид Ота тўғриларида қадимий манбалар кўп ва етарлидир.

Кейинги йилларда тасаввуф аҳли тарихини манбалар асосида ёритишга саъй-ҳаракат этиб, бошқа тариқатлар қатори яссавия тариқати тарихига оид бир неча китобларни таржима қилиб, чоп қилган эдим. Қўлингиздаги ушбу рисола ёзилишига сабаб, яқинда сурхондарёлик баъзи илм аҳллари ташриф буюришиб, Ҳазрати Саййид Ота шажарасини тақдим этиб, ул зот тўғрисида манбалар асосида бир рисола ёзишни таклиф этишди. Биз бу таклифни мамнуният билан қабул қилдик. Зеро, ҳозирги кунгача яссавия тариқати борасида бир-икки китоб таълиф қилинган бўлса-да, Саййид Отанинг тарихларисиз бу ишларимиз мукамал эмас эди. Қўлингиздаги ушбу рисола яссавия тариқатининг буюк муршидларидан бири Саййид Ота тўғрисидаги илк изланишлар самарасидир.

Китоб жуда қисқа фурсатда манбалар асосида ёзилгани боис, зукко ўқувчи китобдаги нуқсонларни ақл қалами ила ислоҳ қилади, деб умид билдирамыз.

САЙИД ОТА КИМ ЭДИ?

Ул зотнинг муборак номлари Саййид Аҳмад бўлиб, «Саййид Ота» лақаби ила машҳурдир. Яссавия тариқати пирлари орасида ҳасаби ҳам, насаби ҳам энг улуғ муршидлардан эди. Шу билан бирга соҳиби каромат, хорик ул-одат ва ислом тасаввуфи тарихида энг улуғ ғазовот қилган пиру муршидларнинг бири сифатида тарихда чуқур из қолдирган табаррук зотлардандир.

Саййид Аҳмадхожанинг оталарининг номи «Амир Абу Бакр» лақабли Саййид Яҳё (баъзи манбаларда Саййид Маҳмуд деб келтирилган) бўлиб, насаби мусавий саййидларига бориб тақалган. Оналари эса кубравия тариқати асосчиси Ҳазрати Шайх Нажмиддин Кубронинг авлодларидан эди. Шундай хонадонда туғилган Саййид Аҳмадхожа илк тарбия ва билимни оилада олади. Вояга етгач, тасаввуф ғояларига мойиллик сезиб, яссавия тариқати муршиди Занги Отага шогирд тушади.

Олим Шайх Азизоннинг «Ламаҳот мин нафаҳот ул-қудс» асарида келтирилишича, Саййид Ота Тошкентдан икки тош йўл масофа узокликдаги мавзеда йигирма саккиз йил муддат Занги Отага халифа бўлиб хизмат қилиб юрган даврида ҳар қандай риёзат чекса-да, ботинида ҳеч хидоятни кўрмас ва дилида ҳеч эшик очилмас эди. Охири дилини пирининг аёли Анбар Онага очиб:

– Сизнинг сўзларингиз Ота ҳузурида тўлиқ қабул қилинади, умид қиламанки, мен ҳақимда бир неча сўз айтарсиз. Шояд мен ҳам ҳазрати Занги Отанинг хос назарларига тушиб қолсам, дейдилар.

Шунда Анбар Она айтадики:

– Бу кеча ўзингни қора наматга ўраб, у киши ўтадиган йўлларида ёт. Сени ушбу ҳолда кўриб раҳм қилишлари мумкин.

Анбар Она ўша кеч эрларига айтадилар:

– Саййид Аҳмад фақир ва олимдур. Неча йилдурки, сизнинг хизматингизда. Ҳаргиз бу жанобга назари илтифот қилмаяпсиз.

Ота табассум қилиб дедилар:

– Саййидлик ва билими унинг йўлидаги ғов бўлиб, иши битмаслигига сабаб бўлди. Биринчи учрашган куни у: «Мен саййид бўлсам, олим бўлсам, наҳотки шу подачига бўйсунаман»,

– деб фикрлаган эди. Сен бўлса, унинг гуноҳини кечиришни сўраб ўртага тушяпсан?! Ҳа, майли! Унинг гуноҳидан ўтдим.

Сахар пайти Ота ташқарига чиқсалар, бир қора нарса оёқлари остида ётар эди. Оёқларини унинг кўкрагига қўйдилар. Шу пайт у киши пирнинг оёқларидан ўпади.

Ота сўради:

– Қайсинг у?

– Саййид Аҳмаддур, – деб жавоб эшитдилар.

Ота айтдилар:

– Тур ўрнингдан, мана шу синиқлигу хоксорлик туфайли сенинг ишинг битди.

Сўнг меҳрибонлик кўрсатдилар ва Саййид Ота ўрnidан туриб ҳар не мақсади бўлса ҳосил бўлди. Бир оз муддатдан сўнг иршод даражасига етиб, касбу камолга эришади ва пиридан файзу баракотлар қабул қилиб, баркамоллик даражасига етишади.

Шундан сўнг пиридан иршод рухсатини олган Саййид Ота Хоразмга йўл олади ва халқни ҳидоятга бошлашдек масъулиятли ишни бошлайди. Каттаю кичик барча ул зот суҳбатига етишгач, мартаба даражасига эришиб, атрофларига халқ тўпланишар эди.

«Тухфат уз-зоирин»да келтирилишича, Ҳазрати Саййид Ота тасаввуф тариқатлари ичида яссавияи-жаҳрия силсиласи замирида ўтган пирларининг сулуқини давом эттирар, аммо она томонидан насаби Ҳазрати Шайх Нажмиддин Куброга етишгани боис, гоҳо кубравия тариқатига ҳам риоя қилар эди. Бу борада ул зот касирул-вирд, яъни кўп зикр айтувчи зокир бўлиб, бу амалда мустақим эди. Шу билан бирга пири тайинлаб кетган тасаввуфий вазифаларни доимий бажарар, аксар ҳолларда муътакиф, яъни хилватда танҳо гўшанишинлик қилар, бунақа эътикоф – чилладаги доимий ибодат, қирқ кун давом этарди. Гоҳо ўн кунда, гоҳида эса икки ва уч чиллани узлуксиз давом эттирарди.

Нақл борким, Ҳазрати Саййид Отага жазабанинг ҳақиқийси етган эди. Эллик йил мажзуб (яъни, жазабада Худо йўлида мажнунсифат, девонавор юриш) ва мустағрик (бу ишларда тамоман фарқ бўлиш) бўлиб, бу муддатни қирқ чиллада адо этган. Ва бу улуғ чиллада ўн бир минг толиби содикни ва солик (тариқат йўлидан юрувчи)ни тарбият этиб, Валийликнинг олий даража-

сига етказган ҳамда рухсати куллий (доимий қўл олиш рухсати) ва ҳар бирига халқни иршод (пирликка рухсат берувчи ҳужжат) этиш ҳуқуқини бериб, ҳидоятга бошлашни буюрганлар.

Ҳазрати Саййид Ота йигирма бир йил диний илмларни ўрганиш билан машғул бўлиб, йигирма саккиз йил тариқат ишларида бардавом бўлганлар ва ўн беш йил пирлик ҳидоят маснадига ўтириб, халқни Ҳақ йўлига бошлаганлар.

Қачонким, умрлари охирлашиб рихлат этиш (дунёдан кетиш) вақти яқинлигини тушуниб, барча халифаю асҳобларини жамладилар. Сўнг, тўнғич ўғиллари Саййид Умарни чақириб, ўз жойнамоз ва муборак ридоларини унга топшириб шундай васият қилдилар: «Ўтган пирлар тариқини дўст тутиб, уни ривожига ҳисса қўшинг, муршидлар чироғини равшан ёқинг».

Шундан сўнг иккинчи фарзандлари Саййид Абдулло Зарбахшни чорлаб, ўз пирлари Ҳазрати Занги Отанинг муборак асоларини бериб, бу зотга ҳам васиятлар қилдилар. Кейин эса зикрга охирги марта машғул этиб, Ҳақ раҳматига восил бўлдилар ва жонларини Ҳақга таслим этдилар. Ул зотнинг вафот саналарини манбалар 691/1292 йил деб хабар беришади. Муборак қабрлари Хоразмга қарашли Орол мавзеида, Жайхун дарёси яқинидаги «Оққўрғон» деган ерда Ҳаким Ота бир-ла бир ҳазирада дафн этилган.

Кубравия тариқати муршиди Шайх Ҳусайн Хоразмийнинг мақомоти «Жодат ул-ошиқин» муаллифи Шарафиддин Ҳусайний бу мавзенинг XVI аср иккинчи ярмидаги ҳолатини шундай тасвирлайди: «...сахро ўртасида «Боқирғон Ота» деган мавзе бўлиб, Хоразмдан икки кунлик йўлдур. Ҳазрати Саййид Ота, Ҳубби Хожа ва Ҳаким Оталарнинг мазорлари ўша мавзедадир, унинг яқинида сувли жар (чашма) ҳам мавжуд, зиёратчилар ҳам бориб туришади. У ерда «Ғойиблар масжиди» деган жуда катта жой ҳам бор».

Фитратнинг фикрича, вафотидан бир муддат олдин Саййид Ота ўз пири (Занги Ота)нинг пири Ҳаким Ота мазорида шайхлик қилган эканлар. Ҳаким Отанинг ўғли Ҳубби Хожа ҳам отасининг мазорида шайхлик қилиб вафот этгач, отаси ёнида кўмилган.

САЙИД ОТА ВА ЎЗБЕКХОН

Дунёдаги аксарият туркшунос олимлар ўзбек миллати ва давлати номининг келиб чиқишини Олтин Ўрда хони Ўзбекхон ва унинг пири Саййид Отага боғлаб келишади. Негаки, «ўзбек» топоними Саййид Ота ва Ўзбекхон даврларигача умуман тарихда тилга олинмаган ва учрамаган эди.

Устоз домла академик Бўрибой Аҳмедов бу соҳада кўп тадқиқотлар олиб борган ва асарлар ёзган. Шу билан бирга Н.Аристов, А.Якубовский, П.Иванов каби йирик рус тарихчилари, Г.Ховорс, А.Вамбери, М.Чапличка каби Европа тарихчилари айнан юқоридаги фикрни ёқлаб асарларида ёзишган. Аммо, В.Григорьев ва А.Семёнов каби бошқа фикрни ёқловчи олимлар ҳам мавжуд эди.

1290-1312 йилларда Олтин Ўрдада ҳукм сурган Тўқтағухон ўлгандан сўнг ўн уч ёшли ўғли Ўзбекхон (1312-1342) хон бўлади. Ўша даврларда ғазовот саъйи билан бу юртларда юрган ҳазрати Саййид Ота бу хонга исломнинг устувор ва ҳақиқий динлигини исботлаб бергач, Ўзбекхон ислом динини қабул қилиб, мусулмонлик билан шарафланади ҳамда Саййид Отага иродат қўлини бериб, мурид тушади.

Саййид Ота унга «Муҳаммад Ўзбекхон» номини бериб, барча халқини Мовароуннаҳрга олиб ўтиш таклифини беради. Бу, Муҳаммад Ўзбекхонга маъқул тушади ва аксарият халқини ҳозирги Ўзбекистон заминига кўчиртиради. Халқининг қолган қисми қалмоқ (яъни, кўчмай қолиб кетган маъносида) номини олади ва бу халқ ҳозирги Русия давлатининг Қалмикия худудида жойлашган. Ушбу нақл ҳозирга қадар устувор тарзда ёзилиб келинмоқда.

Бу борада қадимий манбаларга мурожаат этсак. Мирзо Улуғбекнинг «Тарихи арбаъи улус» асарида: «Ўзбекхон ўзбек улусига (дар улуси ўзбак) подшоҳ бўлди», деб ёзилган. Сўнгра, 720/1320 йилда Саййид Отанинг саъй-ҳаракати билан Дашти Қипчоқ аҳолисидан мусулмон динини қабул қилганларни ўзбеклар, қабул қилмаганларни эса қалмоқ (қалмиқ) деб атаб бошлаганлари ёзилган.

Абулғозийнинг «Шажараи турк» асарида эса куйидагича келтирилган: «Ўзбекхон бин Тўқтағухон бин Мангу Темурхон бин Буғахон бин Ботухон бин Жўжихон бин Чингизхон. Отаси ўлгандан сўнг ўн уч ёшинда Ўзбекхон хон бўлди. Тақи элни ота-бобосининг дастури бирлан забт қилди. Ҳар кимнинг мартабасини лойиқ ҳурмат қилиб инъомлар берди. Эл-улусни дини исломга киргузди. Барча халқ ул соҳиби давлатнинг сабабиндин шарафи исломга мушарраф бўлдилар. Андин сўнг барча Жўжи элини «ўзбек эли» дедилар. То қиёматгача ҳам айтқуси турурлар. Дод ва адлнинг додин берди. Икки мартаба Эрон юртига Абусаидхон устига борди. Тақи Эронни ола билмай қайтиб келди. Охирул-амр дунёдин накл қилди»¹.

XIII асрнинг 40-йилларида Ботухон томонидан тузилган Олтин Ўрда давлати «Жўжи улуси деб ҳам аталиб) Қуйи Дунай, Фин қўлтиғидан Иртиш ҳавзаси ва Қуйи Обгача, Қора, Каспий ва Орол денгизлари ҳамда Балхаш қўлидан Новгород ерларигача бўлган жуда катта ҳудудни эгаллаган. Бошдан давлат 14 улусга бўлиниб, Жўжининг 14 ўғли идора қилишган ҳамда барчаси бош ўғил Ботухонга бўйсунушган. Давлатда кетмакет Мангу Темур (1267–1280), Тўда Мангухон (1280–1287), Тўда Буғахон (1287–1290), Тўқтағухон (1290–1312), Ўзбекхон (1312–1342) ва унинг вориси Жонибек (1342–1357) ҳукм суришган. Ўзбекхон ва Жонибек даврларида Олтин Ўрданинг ҳарбий қудрати ниҳоят даражада ошган². Шул тарика, Ҳазрати Саййид Ота ана шундай қудратли давлат ҳудудида ўзининг тарихий саъй-ҳаракатларини бошлайди.

Татаристон илмий тарихшунослигининг асосчиси Шаҳобиддин Маржонийнинг «Мустафодул-ахбор фи аҳволи Қазон ва Булғор»³ асарида ёзилишича, ўша юртнинг машҳур мақоли «Дин Ўзбекдин қолди» дейилган. Кўриб турганимиздек, Саййид Ота сабабидан исломга кирган Ўзбекхон тарихда шундай шухратли ном қолдирди.

¹ Абулғозийхон. Шажараи турк. – Тошкент: Чўлпон, 1992. 108-б.

¹ Аҳмедов Б. Тарихдан сабоқлар. – Тошкент: Ўқитувчи, 1994. 60-б.

² Шаҳобиддин Маржоний. Мустафодул-ахбор. – Қозон: 1885. 104-саҳифа.

ХОЖА АХМАД ЯССАВИЙ

Номлари Хожа Аҳмад, тахаллуслари эса Яссавий, Қул Хожа Аҳмад, Қул Аҳмад. Таваллуди Ясси шахрида воқеъ бўлган. Бу зоти бобаракот яссавия-султония силсиласининг асосчиси бўлиб, Ўрта Осиё тасаввуфининг тузувчи устунларидан бири Ҳазрати Хожа Юсуфи Ҳамадонийнинг (1140 йил вафот этган) учинчи халифаларидир. «Хожа Аҳмад Яссавий мақомоти» китобини ёзган Сўфи Донишманд ва «Ниҳоя» китобига шарҳ ёзган муаллифлардан бири Имом Сиғноқийларнинг таъкидлашларича, бошқа томондан Ҳазрати Хожанинг иродатлари Шайх Шаҳобиддин Сухравардий-Сиддиқийга ҳам уланар экан.

Ёшликда бу силсила пешқадамларидан бири Арслонбобга шогирд тушади ва шу зотнинг васиятларига кўра, Бухорога бориб Ҳазрати Хожа Юсуфи Ҳамадонийнинг хизматларига эришади. Сўфи Донишманднинг «Маноқиб» китобига қараганда, Ҳазрати Яссавий ботиний тарбиятни Ҳазрати Хизрдан олган. Мавлоно Абдурахмони Жомийнинг «Нафаҳот ул-унс» асарида Хожаи Жаҳон – Абдулхолиқи Гиждувоний ҳам хуфия тариқида зикр айтишни Ҳазрати Хизрдан олганини ёзади. Аммо, Ҳазрати Яссавийга ҳам устозлари Ҳазрати Ҳамадоний каби жаҳрий зикр айтиш буюрилган.

Ҳазрати Хожа Аҳмад Яссавий турк машойихларининг султон ул-орифини ва маънавий отаси ҳисобланадилар. Шул боис ҳам баъзи манбаларда ул зотни «Яссавий Ота» деб ҳам атаб, издош ва пайравларини ҳам «Ота» қўшимчаси билан атай бошлаганлар. Ҳазратнинг туғилмиш жойлари Ясси (ҳозирги Туркистон) шаҳридир.

Ҳазрати Ҳамадоний тўрт халифани тарбиялаганлар. Булар: Хожа Абдулло Барқий, Хожа Ҳасан Андоқий, Хожа Аҳмад Яссавий ва Хожа Абдулхолиқ Гиждувонийлардир. «Қандия» ва «Рашаҳоту айнул-ҳаёт» китобларида келтирилишича, Ҳазрати Ҳамадонийнинг вафотларидан сўнг шогирдлари бирин-кетин иршод маснадида ўтирадилар.

Қачонким, Ҳазрати Хожа Аҳмад Яссавийга навбат етгач, Бухоро халқини даъват этиш билан машғул бўладилар.

Неча вақтдан сўнг Ҳазрати Яссавийга ғайбдан ишора бўлгач, ўзларига тобеъ бўлган жами асҳоб ва муридларини Ҳазрати Хожа Абдулхолиқ Гиждувонийга топшириб, Туркистон ташрифига сафар қиладилар.

Носириддин тўра ал-Ҳанафий ал-Хусайний ал-Бухорийнинг «Тухфат уз-зоирин» асарида келтирилишича, Ҳазрати Хожа Аҳмад Яссавий тариқати хонадонидан ўттиз машойиху бузургворлар етишиб чиқадиладар. Ҳазрати султон ул-орифин Яссавийнинг 99 минг комилу мукамалликка етишган муриду издошлари бўлган эди.

Ҳар кимгаким турк машойихлари ахволларидан хабар топиш завқи бўлса, юқоридаги асарлардан ташқари Носириддин ал-Ҳанафий ал-Хусайн ал-Бухорийнинг «Канз ул-атақия» номи асарига ҳам ружуъ қилсин.

Ҳазрати Хожа Аҳмад Яссавий 562/1166 йилда Ясси (Туркистон) шаҳрида вафот этган ва қабрлари устида соҳибқирон Амир Темур томонидан мақбара қурдирилгандир.

ХАЛИФАЛАРИ

Аҳли тасаввуфнинг аксарият арбоблари каби, Ҳазрати Хожа Аҳмад Яссавийнинг ҳам тўрт халифалари бўлган. Булар – Мансур Ота, Саид Ота, Сулаймон Ота ҳамда Ҳақим Оталардир.

Ушбу халифалар тўғрисида кўплаб қадимий асарлар маълумот беришган. Чунончи, Абдурахмон Жомийнинг «Нафахот ул-унс», Али ас-Сафийнинг «Рашахоту айн ул-хаёт», Олим Шайх Азизоннинг «Ламаҳот мин нафаҳотул-қудс», Мақсуд ибн Носириддин Бухорийнинг «Равойих ул-қудс», Носириддин тўра Бухорийнинг «Тухфат уз-зоирин», яссавия тариқатининг туркум мақомот ва манокибларида ушбу халифалар тарихлари баъзан нисбатан тўлиқ, баъзан йўл-йўлакай ҳамда у ёки бу тарзда тилга олинган. Булардан ташқари, яна XIX аср охиридан бошлаб, турли ўлкаларда чоп этилган литографик китоблар ҳам бўлиб, кўпинча улар юқорида келтирилган асосий қадимий манбалардан фойдаланишган.

БИРИНЧИ ХАЛИФА – МАНСУР ОТА

Бу зот Хожа Аҳмад Яссавийнинг биринчи халифалари бўлиб, Арслонбобнинг фарзандлари эди. Зохирий (дунёвий) ва ботиний (руҳий-тасаввуфий) билимлар соҳиби эди. Ёшлигида илк тарбиятларни отаси Арслонбобдан олган. Отаси вафот этгач, ота васиятига кўра, Ҳазрати Хожа Аҳмад Яссавийга шогирд тушиб, такомилга етишган. Ул зотнинг вафоти 594 (1197) йилда содир бўлган.

АБДУЛМАЛИК ХОЖА

Мансур Отанинг тўнғич фарзанди. Отаси вафотидан сўнг ўрнига қоиммақом (ўринбосар) халифа бўлади. Толибларга тариқат йўлига иршод берар ва солиқларни тарбияси билан машғул бўлиб, то вафот этганича фаолият кўрсатади.

ТОЖ ХОЖА

Бу зот Абдулмаликхожанинг фарзанди бўлиб, Занги Отанинг отаси эди. Халқни тариқат йўлида ҳидоятга бошлар эди. Мақомотларда халифалардан ташқари Абдулмаликхожа ва унинг ўғли Тож хожаларнинг келтирилиши уларнинг фарзанди Занги Ота туфайлидир. Чунки, Ҳазрати Хожа Аҳмад Яссавий асос солган яссавия тариқатининг энг машҳур йўналиши бўлмиш «силсилаи шариф сулуки» (яъни, яссавия жаҳрияи султония) айнан Занги Ота уланган олтин занжир орқали тарқалган.

ИККИНЧИ ХАЛИФА – САИД ОТА

Фахриддин Али ас-Сафийнинг «Рашаҳоту айн ул-хаёт» аса-рида ёзилишича, бу зот Хожа Аҳмад Яссавийнинг иккинчи халифаси бўлиб, пирининг ишорати ила муридлар тарбияси билан машғул бўлган. Умуман манбаларда бу зот тўғрисида жуда кам маълумотлар мавжуддир.

УЧИНЧИ ХАЛИФА – СУЛАЙМОН ОТА

Ҳазрати Хожа Аҳмад Яссавийнинг учинчи халифалари бўлиб, туркийзабон ҳикматсароларнинг улуғларидан эди. Ул зотнинг ҳикматлари дарвешларнинг турмуш тарзи нуқтаи назаридан айтилган ва Туркистонда жуда машхур бўлган.

ТҶРТИНЧИ ХАЛИФА – ҲАКИМ ОТА

Ҳазрати Хожа Аҳмад Яссавийнинг тўртинчи халифалари. Ҳазрати Ҳаким Ота туркий назмда минглаб ҳикматлар айтган ва бу ҳикматлари халқ орасида машхуру манзур бўлган. «Ламаҳот мин нафаҳот ул-қудс» китобида келтиришларича, Ҳазрати Ҳаким Ота шариат илмида 30 мингта ҳикмат, тариқат борасида 30 мингта ҳикмат ва ҳақиқат борасида ҳам 30 мингта ҳикмат айтган экан. Силсилаи шариф ул зотга боғлангандир.

Манбаларнинг далолат беришича, Ҳаким Ота доим пири Хожа Аҳмад Яссавий ёнларида юрар эди. Бир куни, хотирларидан шу кечади: «Кўплар халқ иршоди мақомига етишди. Бу камина эса қолди». Бу султонул-орифин Хожа Аҳмад Яссавийга аён бўлиб, шу ондаёқ буюрдиларким: «Биз истар эдикки, ҳаётлик чоғимизда бирга бўлсак, вафотимиздан сўнг бир жойга дафн қилинар эдик; энди сизга рухсати куллий бердик ва халифа қилдик. Сиз Хоразм вилоятига бориб толибларни тарбия қилинг».

Ҳаким Ота туяга миниб сафарга чиқади ва Хоразмга етади. Хоразм вилоят подшоҳи ул зотни бир кўриқда синаб кўрмоқчи эди. Ўша кўриқда бир шайх қўлига чўп олиб, Ҳаким Отанинг туясини уриб турғазмоқчи бўлади ва шу заҳоти қўли қуриб шол бўлиб қолади. Подшоҳ буни кўриб, синаб кўрганлиги учун узр сўрайди ва қизи Анбар Онани Ҳаким Отага никоҳлаб беради. Улардан Ҳубби Хожа туғилади.

Нақл борким, Ҳубби Хожа камолотга етгач, ундан ғаройиб ишлар зоҳир бўлар, жумладан, озгина вақтда узоқ масофани босиб ўтарди. Ҳаким Ота бир куни Анбар Онага дедилар:

– Сенинг ўғлинг Ҳубби Хожа яхшими ё менинг ўғлим-муридим Занги Ота яхшими?

Ўша пайтда Занги Ота Тошкентда, Ҳубби Хожа эса Туркман вило-

ятларидан бирида бўлган экан. Шу чоғ Ҳақим Ота «ё Занги» деб чақирадилар. Занги Ота дарҳол ҳозир бўлдилар. Анбар Она уч марта чақиргандан сўнгина Ҳубби Хожа ҳозир бўлади.

Яна нақл қилишларича, бир савдогар Ҳақим Ота ҳузурига келиб катта нарзу ниёзни қўйди.

– Бу Ҳубби Хожа ҳазратларига нарз қилинди. Бизнинг кемамиз чўкаётганида биз ул зотга атаб нарз қилгандик, омон қолдик, – дедилар.

Ҳақим Ота Ҳубби Хожани чақириб бу ҳақда сўрайдилар. Шунда у зот:

– Бу кема аҳли мендан ёрдам сўрашди, мен бир тасмани дарёга отиб, кемани тортдим ва уларга ёрдам бердим, – дедилар.

Буни эшитган Ҳақим Ота ғайратга келиб дейдилар:

– Икки кўчқорнинг боши бир қозонда қайнамас.

Бунга жавобан Ҳубби Хожа дейди:

– Шохини синдирса қайнайди.

Шундан сўнг ул зот ота ҳузурдан чиқиб ўз хужрасига кириб кетди.

«Рашаҳоту айн ул-хаёт» китобида келтиришларича эса, бу ҳикматлар «Фавоиди анфос» туркуми остида машҳур бўлган. Ул зотнинг машҳур фалсафий ҳикматларидан бири ушбу эди:

*«Ҳар ким кўрсанг – Хизр бил,
Ҳар тун кўрсанг – қадр бил».*

Яъни, ҳаётда, муомалада барчани ўзингдан улуғ кўриб, тақсир бўл ва ҳар кунни ғанимат ва қадрли билиб, беҳуда сарфлама, деганидир.

Бу ҳикматлар билан Ҳазрати Ҳақим Ота инсонларни бир-бирларига нисбатан меҳрли бўлишга ҳамда ҳар бир ўтган кунни беҳуда ўтказмай, халққа хизмат билан, меҳнат билан фойдали ўтказишга чақирадилар.

Ва нақл борким, Ироқ шайхлари Хуросон уламоларидан тавҳидга оид бир мушкул саволга жавобни сўрабдилар. Хуросон шайхлари ҳам ўз навбатида жаҳрия тариқати шайхларидан ушбу саволга жавоб беришни сўрайдилар. Тариқат ақибларлари Ҳақим Отанинг ушбу ҳикматини жавоб тариқинда юборибдилар:

*Барча яхши, биз ёмон,
Барча бугдой, биз сомон.*

Ироқ машойихлари бу жавобни қабул қилган эканлар. Чунки, бу ҳикматда тасаввуф аҳлининг асосий атворларидан бири камтарлик сифати ҳақида мушоҳадалар юритилган.

Ҳазрати Ҳаким Ота пирлари Ҳазрати Хожа Аҳмад Яссавийнинг ишоралари билан Хоразм вилоятига бориб, у ердаги халқни тариқат йўлига бошлаган ва 1191 йилда¹ ўша ердаги Оккўрғон мавзеида вафот этган экан.

СЎФИ ДОНИШМАНД

Бу зот Хожа Аҳмад Яссавийнинг издош муридларидан бўлиб, пири тўғрисида илк «Мақомот» тасниф этган эди. Ниҳоятда донишманд, ўта такводор бўлгани учун ҳам лақаби «Донишманд» бўлган. Вафот этгач, Яссининг Ўтрор мавзеида, Арслонбоб қабри ёнида дафн этилган. Кўпгина ёзишма ва чоп этилган китобларда юртимизнинг йирик олимлари ул зотни «Яссавийнинг учинчи халифаси» деб янглиш ёзишмоқда.

ЗАНГИ ОТА

Бу бузурқвор Тошкент (Шош) шаҳрида туғилган ва вафот этган бўлиб, Ҳазрати Ҳаким Отанинг энг аввалги халифаларидан эди ва “Занги бобо” деб ҳам атардилар. Шунинг учун ҳам “Занги” деб ном олган эдиларким, баданлари ва юзлари қорамтир, қорачадан келган киши эди. “Тухфат уз-зоирин” (муаллифи Носириддин Бухорий) китобида ёзилишича, Занги Отанинг насаби шул тариқадур: Занги Ота ибн Тожхожа ибн Абдулмаликхожа ибн Арслонбоб эди.

“Рашаҳоту айн ул-ҳаёт” ва “Ламаҳот мин нафаҳот ул-қудс” асарларида келтирилишича, Занги Отанинг пирлари бўлмиш Ҳаким Отанинг Анбар она номли хотинлари бўлиб, бир куни бу аёлнинг хотирига эри Ҳаким отанинг қорачадан келган чехрасига нисбатан бир афсус уйғонибди. Ҳаким Ота каромат юзасидан хотинининг хотирасидаги бу фикрни ўқиб дебди: “Яқиндурки, мендан ҳам қорароқ одамга мушарраф бўласан”.

¹ Йирик адабиётшунос Фитрат фикрича Ҳаким Ота 1186 йилда вафот этган.

Кўп ўтмай Ҳақим Ота вафот этгач, муриди Занги Ота тул қолган хотинни ўз никоҳига олиш мақсадида одам юборибди. Занги отага тегишни ўзига ор билган Анбар она рад жавобини беради ва ўша кун боши гарданига қийшайиб қолади. Шунда Занги Ота маҳрам орқали шу сўзларни айтади: “Хотирингда бўлса, сен Ҳақим Отанинг юзи қорамтирлигини айблаганингда, Ҳақим Ота: “Яқиндурки, мендан ҳам қорароқ одамга мушарраф бўласан” – деган эдилар”. Маҳрам келиб бу сўзларни Анбар онага айтади. Анбар она Ҳақим Отанинг башоратини эсга олиб йиғлайди ва никоҳга рози бўлади. Ўша кунёқ у аёлнинг боши сихат топиб тузалади. Яна бир нақл қилишларича, Шайх Нажмиддин Кубро¹ Занги Отага асрдош бўлган ва ўзининг ҳасса ва жойнамозини тухфа қилиб юборган. Занги Ота 1258 йилда вафот этган эканлар. Ул зотнинг тўрт халифаси бўлиб, улар: Узун Ҳасан Ота, Саййид Ота, Садр Ота ва Бадр Ота эдилар.

УЗУН ҲАСАН ОТА

«Ламаҳот мин нафаҳот ул-қудс»да Узун Ҳасан Отанинг номи яна Усуллик Ҳасан Ота лақаби билан машҳур бўлгани ҳам ёзилган. Бу зот Занги Отанинг тўрт халифаларини аввалгиси эди.

Олим Шайх Азизоннинг нақл қилишича, Узун Ҳасан Ота, Саййид Ота, Садр Ота ҳамда Бадр Оталар Бухорода бир хонадонда туриб дарс ўқишган. Булар барчаси зоҳирий (дунёвий) илмни тамомлаб, ботиний (руҳий-тасаввуфий) илм талабида хонумонларини тарк этиб, Туркистон сари йўлга чиқишади ва Тошкент яқинидаги бир саҳродан ўтишарди. Бир қора рангли, лаблари туя лабидек киши молларини боқиб юрганини кўришади. Бу киши Занги Ота эди. Аҳли хонадонларини боқиш мақсадида, Тошкент аҳлининг подасини боқар, бомдод намозидан сўнг зикр ва жаҳрга машғул бўлар, моллари эса ҳеч қаёққа тарқалмай, атрофларида айланиб юрарди.

Толиби илмлар Ота хузурига келиб кўришсаки, бир оёқ яланг киши дашт тиконларини йиғиб арқонга боғлар, лекин оёғига тикон кирмас эди. Ажабланиб, у киши олдиларига келишади ва салом беришади. Ота алик олиб, «Сиз бу диёрларда бегона кўринасизлар,

¹ Кубравия тарикати асосчиси Абулжаноб Аҳмад ибн Умар Хивақий (1145-1221).

кимсизлар ва қаердан келаётирсиз», деб сўрайдилар.

Келгиндилар: «Биз толиби илмлармиз, Бухорода ўқиб юрар эдик. Ногоҳ бизларнинг дилимиз мутолаа ва мубоҳасадан зерикди ва ботиний йўлларга кириш истаги туғилди. Ҳақиқат талабида йўлга чиқдик, токи ҳақиқат ҳиди бизнинг ҳам димоғимизга етса. Ҳар тарафга юриб бир муршиди комил излармиз, топсак ундан мулозамат ва мутобиатини қоим қилиш ниятидамиз. Шояд, шундан сўнг (илоҳий) висол даражасига етсак».

Ота дедилар: «Ундай бўлса, мен бир ҳидлаб кўрай-чи, сўнг ўша муршидга бориш йўлини сизга кўрсатурман». Кейин Ота тўрт тарафга қараб бир муддат оламнинг тўрт рукнидан ҳидлаб, дедилар: «Тўрт тарафдан ҳид олдим, аммо ўзимдан бошқа муршидни сизлар учун топа олмадим, энди ўзим нуксонларингизни поклаб сизни Ҳаққа еткарғум».

Узун Ҳасан ва Садр Ота инкор қилмай ўйлабдиларки, «Ҳақ субҳона ва таоло мана шу қора одамга ўз нурини омонат қўйишга ҳам қодирдир», деб шу заҳотиёқ иродат қўлларини Занги Отага берибдилар.

Саййид Ота ва Бадр Оталар дилида эса инкорлик кайфияти пайдо бўлади. Саййид Ота ўйланибди: «Мен саййид бўлсам, энди мана шу қора подачига бўйсунаманми?!». Бадр Ота ҳам ўйлабди: «Бу туя лабли нима даъво қилмоқда?». Аммо, Занги Ота ушбу тўрттовлоннинг кўнглини тасарруф этиб, ўз томонларига буриб қўяди. Ушбу тўрт нафардан биринчи бўлиб иршодга сазовор бўлган зот Узун Ҳасан Ота эди.

Узун Ҳасан Ота ботиний илмдан ташқари зоҳирий усул илмида ҳам замонасида беҳамто ва беназир бўлганлари боис, «Усуллик Ота» лақабини ҳам олган эдилар.

Ушбу пир-муршиднинг қабри Туркистон яқинида, Сайхун (Сирдарё) дарёси соҳилидаги Узунада номи билан танилган мавзедадир.

САЙЙИД ОТА

Ушбу китоб ёзилишига сабабчи бўлмиш бу зот Занги Отанинг иккинчи халифалари бўлиб, зикрлари алоҳида бобда юқорида берилди. Шунини айтиб ўтишимиз жоизким, агарчи яссавия-жаҳрия силсила сулуки арбоблари Занги Отанинг учинчи халифаси Садр

Ота орқали тарқалган бўлсада, яссавия тариқатининг ўнлаб, балким юзлаб машҳур арбоблари орасида Саййид Ота қўл билан санокли буюк арбобларидан бири сифатида танилганлар ва яссавияи-султония силсила сулукининг давомчиси бўлганлар.

ИСМОИЛ ОТА

Бу зот Саййид Отанинг яқин асхоби ва энг улуғ халифалари эди. Исмоил Ота туғилган вақтларида оталари чақалоқни Узун Ҳасан Ота ҳузурларига олиб бориб дуои хайр сўраганларида, Узун Ҳасан Ота чақалоқнинг оғзига табаррукан туф-туфлаб кўйган эканлар. Баракотларнинг ҳаммаси ўшандан бошланган.

Исмоил Ота Сайрам билан Тошкент ўртасида жойлашган Ҳузиён мавзеида яшар эдилар. Одамлар доим ул зотнинг орқаларидан ғийбат ва мазаммат қилсалар, Ота бу ишдан ранжмай, муллалар менинг сабуним ва нонимдур, – дер эканлар.

Нақшбандия тариқатининг буюк арбоби, «Иккинчи Нақшбанд» лақабини олган Ҳазрати Хожа Аҳрор Валийнинг Исмоил Отанинг бу сўзларини бағоят чиройли ҳисоблар ва яхшилик ила эсга олиб дер эдилар: «Одамлар Исмоил Отага эътироз билдирар эканлар, бунга жавобан Исмоил Ота дердиларки, «Менинг уларни сўзларига ишим йўқ, ошини бердим, таблини (яъни, ноғорасини) қоқарман».

Яна ул зотнинг чиройли фалсафий сўзларидан ушбуким, дер эдилар: «Офтобда соя бўл, совуқда жома (тўн) бўл, очликда эса нон бўл».

Исмоил Ота вафот этгач, юртлари Ҳузиён мавзеида, оталари ёнида дафн этилганлар. Замонаси келиб, Амир Темури соҳибқирон Исмоил Отанинг қабри узра катта мақбара курдирган эди.

Исмоил Отанинг «Исҳоқ Ота» исмли ўғиллари бўлиб, Саййид Отанинг ўғилларига халифа эди. Исҳоқ Ота ҳам отасидек камолга етишган ва Тошкент ва Сайрам ўртасидаги Исфинжоб қишлоғида умрининг охирларига қадар яшаган эди.

САДР ОТА¹

Ушбу бузургвор Занги отанинг учинчи халифаси бўлиб, асл номи Мавлоно Садриддин эди. Насаби амир ул-мўъминин Ҳазрати Алига бориб етарди. «Музаққир ул-аҳбоб» муаллифи Ҳасанхожа Нисорий ўз насабини Садр Отага етказди ва Садр Отани эса Занги Отанинг фарзанди, деб таъкидлайди.

Яссавияи-жаҳия силсиласи арбоблари Садр Ота орқали боғланадилар. Муршиди Занги Отага дарҳол иродат келтирган ва хизматлар туфайли такомиллаша бориб улуғ муршидга айланган. Манбаларга қараганда ул зот вафот этгач, Ўртасаро(й) деган қишлоқда, Тошкентдан икки фарсах (24км) йўл узоқликдаги жойда дафн этилган.

БАДР ОТА

Юқоридаги бобларда айтиб ўтганимиз, қачонким тўрт толиби илм – Узун Ҳасан Ота, Саййид Ота, Садр Ота ва Бадр Ота дунёвий илмларни эгаллашгач, сўфийлик тариқати илмларини ҳам эгаллаш ниятида пири комил ахтаришиб, Занги Отага учрайдилар ва пир ахтариб юришганликларини айтишади. Шунда Занги Ота уларга пир топишга ёрдам беришини айтиб, тўрт тарафга қараб бирма-бир ҳар тарафдан келаётган ҳавони ҳидлай бошлайди. Анча вақтдан сўнг шундай дейди: “Мен сизларга пир топиб бериш учун дунёнинг рубъи маскуни (яъни, Ернинг одам яшайдиган етти иқлимдан тўрти) жаги жамии жойларидан муршид изладим; Ва лекин, сизларнинг нуқсонларингизни ҳайдаб баркамолликка етказувчи ўзимдан бўлак кишини топа олмадим”.

Занги отанинг бу сўзларини эшитган Узун Ҳасан Ота ва Садр Оталар шу ондаёқ иродатга қўл беришган. Аммо Саййид Ота ва Бадр Оталарнинг кўнгилларидан кечади: “биз саййид ва комил кишилар бўлсак-у, бу қора танли одам бизга қандай қилиб пиру-устозлик қила олади?” Каромат юзасидан уларнинг фикрлари Занги Отага аён бўлади. Шунинг учун ҳам кибрлари кетгунга қадар Занги Ота уларни анча йил тарбиялайди.

¹ «Музаққир ул-аҳбоб»да Садр Отани Занги Отанинг ўғлидир, дейилган.

Дарҳол иродатга юз тутган Узун Ҳасан Ота ва Садр Оталар эса тезда иршод ҳуқуқини оладилар.

Демак, тасаввуфда наслу насаб, бойлику давлат инобатга олинмайди; фақат дин ривожии ва халқ манфаати йўлида қилинган хизмат ва тоат-ибодатлар каби амалларгина ҳисобга олинади. Тасаввуф аҳли ислом дини замиридаги кибру ҳаво, нафслардан парҳезде бўлган энг такводор табақа ҳисобланиб, ўз фазилятлари билан оддий халққа ибрат бўлишган.

САЙИД ОТА АВЛОДЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Сайид Ота авлодлари бошқа йирик авлодлар каби юртимиз Мовароуннаҳр заминида катта мавқега эга бўлиб келганлар. Кўп ҳукмдор сулолалари бу табақа вакиллари вақти-вақти билан нақиблик ва элчилик мансаби билан сарафроз этишганликларини қуйида яна кўриб ўтамиз. Саҳиҳ манбалар бундан дарак беради.

Ҳофиз Танишнинг «Абдуллонома» («Шарафномаи шоҳий») асарида Шайбонийхон даврида сарой аъёнларидан бўлган Сайид Ота авлодидан бири тўғрисида ушбулар ёзилган: «Шоҳ Исмоил Шайбонийхонни шаҳид қилиб, унинг аскарларини пароканда қилгандан сўнг, бўйсундириш арконини Ҳирот қалъасининг кунгираси устига отди. Мирзо Бобурнинг эгачиси Хонзода бегимни шаҳид хон (Шайбонийхон) талоқ қилиб, Сайид Отанинг авлодларидан бирига (хотинликка) берган эди»¹.

Профессор А.Семёнов эса Шайбонийхон Хонзода бегимни ўзига ҳамиша содиқ бўлган ва Саид Ота авлодидан бўлган Сайид Жаъфархожага хотинликка берган бўлса керак, деб фикр билдириб, шахс номини аёнлаштиради².

Бу ҳақда профессор Б.Аҳмедовнинг «Ўзбеклар улуси» китобида хусусан шундай ёзилган: «..1503 йилнинг баҳорида Шайбонийхон томонидан Балхга, Бадиуззамон Мирзонинг хузурига Сайид Жаъфархожа исмли одам юборилган».³

¹ Ҳофиз Таниш. Абдуллонома. – Тошкент: «Фан» 1966. 1-том, 107–108-бетлар.

² Ўша асар, 267-изоҳ; А.Семёнов. Шайбанихан и завоевание империи темуридов. стр. 80; Мусаххир ул-билод; Б.Аҳмедов. Ўзбек улуси. – Т.: Абдулла Қодирий номидаги Халқ мероси нашриёти, 85-б.

³ Аҳмедов Б. Ўзбеклар улуси. 85-бет.

Демак, Шайбонийхон даврида ушбу авлод вакили нафақат тақдирланган, шу билан бирга нозик масалаларда элчи сифатида фойдаланилган.

Биз қадимий манбалардан келтираётган шажараларнинг бирида шахс номи келтирилган бўлса, бошқасида лақаби келтирилган ва шу жиҳат билан фарқ қилади. Баъзи шажараларда китоб хаттотлари томонидан бир ё икки шахс ташлаб кетилган бўлса, бошқа китоб ё ҳужжатларда булар тўлиқ келтирилганини кўрамиз. Ва шу тариқа шажаралар тикланади.

Юқоридаги бобларда айтилганидек, Ҳазрати Саййид Отанинг асосан икки ўғилларининг номи китобларда келтирилган: тўнғич фарзанди Саййид Умар ва иккинчи фарзанди эса Саййид Абдулло Зарбахшдир. Саййид Отанинг асосий самараи шажараи таййибаси (пок авлоди давомчилари) ушбу иккинчи ўғли Саййид Абдулло Зарбахшдан тарқалганини манбалар кўрсатиб турибди.

САЙЙИД АБДУЛЛО ЗАРБАХШ

Носириддин Хусайн Бухорийнинг «Тухфат уз-зоирин» асарида келтирилишича, бу зот Саййид Отанинг иккинчи фарзандларидир. Номи Саййид Абдулло, лақаби эса Зарбахш эди. Саййид Ота тўрт юзта муридларини Саййид Абдуллога ҳамроҳ қилиб Бухорога жўнатади. Саййид Абдулло отасининг амрига кўра, Бухородаги Вардонзе хонақоҳи шайхлиги маснадида ўтириб, йигирма йил давомида минг нафар муридиани Валийликнинг олий даражасига етказди.

Умри поёнига етганини билгач, барча асҳобларини жамлаб ўз қабр-жойлари ўрнини ҳасса билан чизиб кўрсатади. Шундан сўнг, тўрт юз сўфийга хатти иршод бериб васият қилади: «Ким бизнинг зиёратимизга келса мушқули осон бўлғай ва хожати раво бўлғай, агар толиб фарзанд бўлса, сидку ихлос ила келиб, ниёзу назрини авлодга бериб бизнинг руҳимизга фотиҳа ўқиса муродига етар».

Ул зотнинг қабри Кўхна Пойканд мавзеининг Қарокун йўлининг бошидадир.

Носириддин Хусайн Бухорийнинг «Тухфат уз-зоирин»

асарида Саййид Отанинг иккинчи ўғиллари Саййид Абдулло Зарбахшдан тарқалган авлод силсилаларидан бир қанчаси келтирилганлиги, Саййид Отанинг авлоди ушбу иккинчи ўғилларидан юртимизга тарқалган бўлса керак, деган тахмин юқоридаги фикримизни тасдиқлайди. Ҳар ҳолда шу соҳага оид биз кўриб чиққан барча қадимий кўлёзма манбаларда асосан, ушбу иккинчи ўғилдан тарқалган авлод зикр этилган. Ушбу ўғилдан ушбулар тарқалган:

Саййид Абдулло Зарбахш, унинг ўғли Саййид Акбар (лақаби Амир Алоуддин Порсо), унинг ўғли Саййид Шох Шамсимоҳрўй, унинг ўғли Саййид Амир Абдулмалик (лақаби Амир Аббоси Офтоб), унинг ўғли Саййид Фирузшоҳ (Амир Умар Қаттолқул), ул зотнинг онаси подшоҳ қизи бўлганким, йигирма уч йил салтанат тахтига ўтириб адолатли бўлган; унинг ўғли Саййид Мир Усмони тариқат (лақаби эса Саййид Ота Соний, яъни кейинги Саййид Ота) эди. Ул зот подшоҳликни тарк этиб, етти марта пиёда ҳаж зиёратига борган, рутбаси баланд бўлиб, каромотлари машҳур бўлган; Саййид Ота Сонийнинг муборак қабри Бухоро вилоятининг Шофиркоғ тумани Каттақишлоқ мавзеининг Работ маҳалласида бўлиб, у Вардонзе ва Ғиждувон оралиғида жойлашган. Бу мавзеда Имом Али Жуйборийнинг ҳам қабри мавжуд бўлган. Бу ерда файзли мазор бошидаги мармар иморат ҳам Саййид Ота Сонийга тааллуқлидир).

Унинг (яъни, Саййид Ота Сонийнинг) ўғли Амир Абулқосимнинг, унинг ўғли Саййид Муртазоқули, унинг ўғли Саййид Шохмуҳаммад Азиз, у зотнинг қабри Шофиркон туманининг Чақар мавзеида, Вардонзе қўрғонига бир фарсах яқин масофада бўлиб, яқин даврга қадар «Чақар Ота» номи билан аталиб келинган, авлодлари ҳам унинг оёқ томонига кўмилишган. Унинг ўғли Саййид Муҳаммад Фозил, унинг ўғли Саййид Азизулло, унинг ўғли Саййид Муҳаммад Содик, унинг ўғли Саййид Муҳаммад Бурҳон. Ул зотнинг уч нафар ўғли бор эди: Саййид Низомиддин, Саййид Абдулазиз ва Саййид Ҳидоятулло. Аммо ушбу уч нафар саййидзода она томонидан насаб силсиласи шул тариқаким, Бийхоним бинти Саййид

Кулмуҳаммадхожа ибн Саййид Яҳё ибн Саййид Муҳаммадниёз ибн Саййид Иброҳим ибн Саййид Ҳидоятулло ибн Саййид Вилоятулло ибн Саййид Усмони тариқият лақаби Саййид Ота Соний¹, бу зот Саййид Абдулазизхожадан² таваллуд топган.

Носириддин Бухорийнинг «Тухфат уз-зоирин», Мирзо Шамс Бухорийнинг «Тарихи Бухоро, Хўқанд ва Кошғар»³ китобларида Саййид Отанинг бир қанча авлодлари силсиласи келтирилган бўлиб, куйида уларни келтирамиз: “Саййид Иброҳимхожа нақиб Саййид Ота авлодидан бўлиб, Нуриддин Шайхнинг муриди эди. У Аҳмад Шайхнинг муриди, унинг силсиласи эса Ҳазрати Саййид Отага уланган. Ҳазрати Иброҳимхожа дарвешларга меҳрибон ва Бухоро давлатида нақиблик вақтида ота-бобосининг сунний тариқат сулукини маслак тутар, суҳбат асносида хонақоҳ атрофини айланиб, ҳар даврвешларга навозишлар этар эди. Умри охирида подшоҳ Имомқулихон билан муборак ҳаж сафари вақтида вафот этган эди”.

Ушбу асарда яна бир авлод тўғрисида ёзилган. Мазмуни: «Фозил Муҳаммадхожа Иброҳимхожанинг қариндошларидан бўлиб, насаби Саййид Отага ушбу тариқада етишади: Муҳаммад Фозилхожа бин Шох Муҳаммадхожа бин Муртазохожа бин Саййид Қосимхожа бин Саййид Усмонхожа бин Саййид Умархожа бин Саййид Муҳаммадхожа бин Саййид Алоуддин Порсохожа бин Саййид Абдулло Зарбахш бин Султон Саййид Ота (қоддасоллоху асрораҳум). Мазкур хожа ботиний ва зоҳирий билимлар олими, тариқатга тамоман берилган бўлиб, Саййид Иброҳимхожадан ижозат олиб иршод маснадида ўтирган ҳамда йиллар давомида муридларини ҳидоятга бошлаган эди. Қабри Шофиркон туманида, аждодлари хонақоҳининг шарқий тарафидадир».

Иброҳимхожанинг бошқа жияни ҳам ёзилган. Мазмуни: «Муҳаммад Қоҳирхожа Саййид Иброҳимхожа авлодидан ҳамда ул зотдан байъат иродатини олган, сўнг ижозат ва рухсат олиб, Абдулазизхон даврида Бухорода нақиблик мансабида эди ҳамда жаҳрия, ишқия ва бошқа силсилаларни тутар, ишқияда

¹ Бу силсила Саййид Отаи Сонийнинг иккинчи ўғли Вилоятуллодан тарқалган.

² Абдулазизхожа лақаби Фирузшоҳ (Амир Умари Қаттолқул) эканлиги айtilган.

³ Мирзо Шамс Бухорий. Тарихи Бухоро. Техрон, Оинаи мерос. 1388 х.к.

эса мураххас эди. Умри охирида ҳамма амалларни тарк этиб ҳаж асносида Хоразмга бориб ўша юртда вафот этади, қабри ўша ерда».

Саййид Ота тўғрисидаги мақомот китобини туздирган зот Аҳмадхожа нақиб ҳам шу авлодлан бўлиб, у ҳақда манбаларда ёзилган.

Амири Саид лақаби ила машҳур бўлган манғитлар сулоласи ҳукмдори Амир Ҳайдар даврида Саййидатои авлодидан бўлган Саййид Аҳмадхожаи нақиб амри билан ёзилган «Фавоиди мунтажех» (Фойдали натижалар) китобида (асарнинг бошқа номи «Маноқибӣ Ҳазрати Саййид Ота») Бухоро шаҳри ва давлатида яшаб ўтган баъзи машҳур саййидатоилар тўғрисида нақл этилган бўлиб, асар бошида табаррукан Ҳазрати султон Хожа Аҳмад Яссавийдан бошлаб то Саййид Аҳмадхожаи нақиб давригача бўлган воқеалар келтирилган.

«Тарихи Абулфайзхоний» асарининг давоми сифатида ёзилган «Тухфат ул-хоний» китобида ёзилишича, манғитлар сулоласининг асосчиси Муҳаммад Раҳимхоннинг тахтда ўтириш тантанасида биринчи навбатда Мовароуннаҳрдаги тўрт асосий табақа вакиллари: Махдуми Аъзам Даҳбедий, Саййид Ота, Хожа Муҳаммад Ислои Жўйборий ва Хожа Аҳрор Валий авлодлари намояндалари таклиф этилишган.

Юқорида келтирилган асарнинг дарак беришича аштархоний ва манғит ҳукмдорлари сулолалари даврида ушбу авлод вакиллари энг юқори диний лавозимларни эгаллаб келишган¹. Чунончи, манғит сулоласи ҳукмдори Муҳаммад Раҳимхон даврида олий диний лавозимлар ушбу тартибда бўлинган: барча диний-мусулмончилик ишлар раҳбари бўлган ўрини шохнишини (шоҳ ўринбосари) лавозимига Махдуми Аъзам авлодидан Исохожа², давлат шайхулисломлигига Хожа Ислои Жўйборий авлодидан Насруллохожа, нақиблик лавозимига Саййид Ота авлодидан Муҳаммадхожа, пойтахт Бухоро қозикалонлигига Миракон авлодидан бўлган Низомиддинхожаи Ҳусайн, илм ва маданият маркази Самарқанд вилояти

¹ Яна, қаранг: Саидкулов Т. Очерки историографии, Т., Укитувчи. 1992. 104-стр.

² Ушбу зот нақшбандия-аълия пешвоси Мусохонхожа Даҳбедийнинг отасидир.

шайхулисомлик лавозимига эса Хожа Аҳрор Валий авлодидан бўлган Шаҳобиддинхожа сайланишган.

Бу тартибдаги авлодий лавозимлар бўлиниши кейинги манғит ҳукмдорлари даврида ҳам давом этган. Чунончи, «Тухфат уз-зоирин» асарида саййидатойилардан Саййидхожаи нақиб, унинг ўғли Саййид Қулмуҳаммад нақиб, унинг ўғли Саййид Қоҳирхожа нақиб, унинг ўғли Саййид Жаъфархожа нақиб ва Саййид Аҳмадхожаи нақиблар номларининг келтирилиши бунга мисол бўла олади. «Равойиҳ ул-қудс» асарининг дарак беришича, фақатгина Амир Ҳайдар даврига келиб нақиблик лавозими яна Махдуми Аъзам авлодидан бўлган Хонхожа ибн Мусохон хожага берилган.

Кубравия тариқати машхур муршиди Шайх Махдуми Хоразмийнинг мақомоти бўлмиш қадимий «Жодат ул-ошиқин» асари Хоразмийнинг ҳозирги авлодларига боқий қолган ва шу авлоддан Темурхон Бобохоновнинг шахсий кутубхонасида мавжуддир. Китобнинг муаллиф дастхати билан 450 йилча илгари ёзилган қадимий ушбу нусхасини кўриб чиқдик. Қўлёзма китобнинг охири саҳифасида чиройли хат услуби билан Саййид Отанинг пайғамбаргача етказилган шажараси ҳамда ул зотнинг 18-авлоди бўлмиш Алихожа ибн Умархожагача бўлган авлод шажараси келтирилган эди.

Қизиғи шундаким, авлодномада Отанинг номларини «Саййид Ота лақабли Саййид Аҳмад Хилватий» деб, яъни хилватгўшанишинда турувчи маъносида келтиришган. Бу авлоднома олдинги асрларда илгари шу авлоддан бўлмиш ўқимишли одам томонидан жуда чиройли ёзувда ёзилгани кўриниб турибди. Аммо, ҳужжатда Саййид Отанинг оталарини номини Саййид Маҳмуд ибн Саййид Муҳаммад деб келтирилган бўлиб, шажара занжирини саккизинчи Имом Али Ризонинг Муҳаммад (Таки) номли фарзандларига олиб боришган. Юқоридаги «Тухфат уз-зоирин»да ва бошқа баъзи ҳужжатларда эса оталарининг номини Саййид Яҳё Амир Абу Бакр деб, авлод занжирини еттинчи Имом Мусо Козимнинг ўғиллари Иброҳим Ризога етиштиришган эди. Фикримизча, Саййид Отанинг насаблари еттинчи Имом Мусо ал-Козимнинг иккинчи ўғиллари Иброҳим Ризога етиши тўғри

ва ишонарли бўлиб, бошқа сулола авлодларига боқий қолган хужжатлар каби, саййидатойи авлодларига қолган хужжатлар ҳам баъзи камчиликлардан холи эмаслигини кўрмоқдамиз. Ва бу юртимиз манбашунослигида кўп учрайдиган ҳолдир.

«Жодат ул-ошиқин» асарида келтирилган юқоридаги шажарада Саййид Отанинг оталарини фақатгина куният-лақаблари «Абу Бакр Ризо» деб келтирилган бўлиб, асл номи «Махмуд Яҳё» эканлиги ҳақиқатга яқин. Яъни, бир хужжатда Саййид Ота оталарининг куният-лақаблари келтирилса, бошқасида ҳақиқий исмлари келтирилган ва бунақа келтиришлар ҳам кўп манбаларда учраб турадиган ҳолдир. Боз устига, ушбу шажарада Саййид Отанинг ўғилларини номини Саййид Абдулло Зарбахш деб келтирилгани авлодномани айнан Саййид Отага тегишли эканини билдиради ва бошқа шажаралар билан мувофиқлигини кўрсатади. Ҳозирги замон Саййид Ота авлодлари ўзларида мавжуд хужжатларни бизнинг ушбу таснифимизга солиштириб аёнлаштиришади, деб ўйлаймиз.

САЙЙИД АҲМАДХОЖАИ НАҚИБ

Бу зотдан кўпгина фарзанд ва набиралар боқий қолгандир (Саййид Ота тўғрисидаги маноқиб китоби ушбу шахс далолатида ёзилган ҳақида юқорида айтилди).

САЙЙИД АБДУЛМАЛИК – АМИР АББОС СОНИЙ АВЛОДИ

Саййид Абдулмаликнинг бир лақаби «Амир Аббос», иккинчи лақаби эса «Офтоб» эди. Амир Аббоснинг икки ўғли бор эди: бири Саййид Фирузшоҳ Амир Умар Қаттолқул, иккинчиси Саййид Ҳисомиддин. Саййид Фирузшоҳ Умарнинг авлоди юқорида баён этилди.

Саййид Ҳисомиддиннинг авлоди шу тариқададир:

Саййид Ҳисомиддиннинг ўғли Саййид Носир, унинг ўғли Саййид Абдулло, унинг ўғли Саййидхожаи нақиб, унинг ўғли Саййид Қулмуҳаммад нақиб, унинг ўғли Саййид Қохирхожа нақиб, унинг ўғли Саййид Жаъфархожа нақиб; Ушбу хожадан савоб ишлар бисёр бўлиб, жумладан «Жаъфархожа»

маҳалласида шу номдаги мадраса машхур эди. Чунончи қирқ мударрис ушбу мадрасада дарс беришар эди. Мадраса ўртасида ул зот мрамар ҳовуз ҳам қурдирган эди. Хожанинг қабри ҳам мадрасанинг шарқ тарафида, ўша зот хонақоҳининг шимолида жойлашган бўлиб, қабр бошида бир кенг байроқ осилган эди. Бухоро шахрининг ичкарасида, Шох Нақшбанд мазори дарвозасининг яқинида, бир маҳаллада.

Жаъфархожанинг ўғли Абдурахмонхожа, унинг ўғли Абдулфаттоҳхожа садр, унинг ўғли Умархожа ва ундан тўрт ўғил туғилган: Иброҳимхожа, Зикриёхожа, Сулаймонхожа, Абдулжабборхожа ҳофизи каломуллоҳ. Ушбу тўрт нафарнинг онаси Абдулазизхожа ибн Бурҳонхожанинг қизидир. Ва аштархоний подшоҳ Абулфайзхон ибн Субҳонқулихон қизи шу Абдулазизхожага никоҳ этилган эди. Шу масалага бироз тўхтасак.

Мирзо Шамс Бухорийнинг «Тарихи Бухоро, Хўқанд ва Кошғар» асарида¹ ёзилишича, охириги аштархоний подшоҳ Абулфайзхоннинг тўнгич қизини Шамсбону ойим (бошқа номи Юлдузбегим) ни манғитлар сулоласининг биринчи ҳукмдори Раҳимбий Оталик (Амир Раҳимхон) ўз никоҳига киритиб тахтини мустаҳкамлайди. Раҳимбий вафот этгач, ушбу маликани Амир Шохмурод ўз никоҳига олади ва ундан Валийаҳд Амир Ҳайдар туғилган;

Абулфайзхоннинг иккинчи қизи Эрон шоҳи Нодиршоҳнинг (бошқа манбага қараганда шоҳнинг жияни Алиқулихон) никоҳига кирган;

Абулфайзхоннинг учинчи қизи Хива хони Ботир Султоннинг ўғли Ғойибхон никоҳига кирган;

Абулфайзхоннинг яна бир қизи Саййид Ота авлодидан бўлган Абдулазизхожа ибн Бурҳонхожа никоҳига кирганлиги тўғрисида Носириддин Ҳусайн Бухорийнинг «Тухфат уз-зоирин» асарида келтирилган.

Абулфайзхоннинг бошқа қизи Хожа Муҳаммад Юсуф нақиб ибн Хожа Муҳаммад Амин никоҳига кирган. Мирзо Шамс Бухорийнинг «Тарихи Бухоро, Хўқанд ва Кошғар» асарида ёзишича, Эшони Нақиб ибн Эшони Маҳдум номли шахс ушбу Муҳаммад Юсуф нақибнинг айнан ўзи бўлса керак ва фикри-
1 Мирзо Шамс. Тарихи Бухоро... Техрон, 1377/1998. Оинаи мерос. 125-126 саҳифа.

мизча бу зот ҳам Саййид Ота авлодидан.

Абулфайзхоннинг охириги кенжа қизи эса Махдуми Аъзам авлодидан бўлган Муҳаммад Хонхожаи нақиб ибн Мусохон хожаи Дахбедийнинг никоҳига кирган. Амир Ҳайдар ёшлигида Хонхожани пирларидан бири ҳисоблаб, Самарқанд вилояти нақиб¹ этиб тайинлаган. Яъни вилоятдаги барча саййидларнинг раисини нақиб деб аташган ва даражасини вилоят ҳокими билан тенглаштиришган. Аштархоний ва айниқса манғитлар сулоласи даврида бу лавозимга аксарият ҳолда асосан Махдуми Аъзам ва Саййид Ота авлодларидан бўлган вакиллар сайланишган.

Муқаддимада айтиб ўтганимиздек, Ҳазрати Хожа Аҳмад Яссавий ва Саййид Оталар даврларидан бошлаб то манғитлар сулоласи ҳукмдори Амир Ҳайдар замонигача бўлган воқеалар шу авлоддан бўлган Аҳмадхожаи нақиб далолатида ёзилган «Ғавоиди мунтажеҳ» (Ғойдали натижалар) номли китобда келтирилган. Асарнинг бошқа номи «Мақомоти Саййид Ота» деб аталиб, «Равойиҳ ул-қудс», «Тухфат уз-зоирин» каби асарлардаги Саййид Ота тўғрисидаги маълумотлар ушбу мақомотдан фойдаланган ҳолда ёзилган. Ўз навбатида бу мақомот ҳам асосий фактларни Шайх Олим Азизоннинг «Ламаҳот мин нафаҳот ул-қудс» асаридан кенг истифода этган.

ҲАЗРАТИ САЙЙИД ОТА ШАЖАРАСИ

Қиёсан бошқа насабномаларга деярли мос, фарқи-номлардан ташқари лақаблар келтирилган:

«Саййид Ота лақабли Аҳмадхожа ибн Саййид Яҳё (Амир Абу Бакр ар-Ризо) ибн Саййид Аҳмади Кабир (Амир Ҳасан) ибн Саййид Абдулло (Амир Аббос Боқирғон) ибн Саййид Маҳдий (Амир Абул Қосим) ибн Амир Абдулҳай (Амир Мусо Такий) ибн Носириддин Амир Абдулло ибн Шамсиддин Муҳаммад (Амир Азизулло шахид) ибн Нуриддин Амир Жаъфар ибн Саййид Ҳасан (Амир Абдулҳақ) ибн Ҳисомиддин Амир Муҳаммад Кубро (Саййид Ризо Жавҳарий) ибн Саййид Али Имом Иброҳим ар-Ризо ибн Мусо ар-Ризо² ибн Имом

¹ Нақиб – вилоят раҳбари, ҳокими билан тенг лавозим ҳисобланган.

² Номлар ўрни алмашган. Аслида Мусо Ризо ибн Иброҳим Ризо, бўлиши

Мусо Козим ибн Имом Жаъфари Содиқ ибн Имом Муҳаммад Боқир ибн Имом Зайнулобидин ибн Саййиди шаҳид (Имом Ҳусайн) ибн Ҳазрати хайрун-нисо Фотимаи Захро бинти Он Ҳазрат-Пайғамбар (с.а.в.)¹.

Саййид Отадан жуда кўп авлод боқий қолган бўлиб, юртимизнинг барча ғўшаларида, жумладан қўшни Қозоғистонда истикомат қилишади. Юртимиздагилар эса асосан билишимизча, Самарқанднинг Оқдарё, Иштихон каби туманларида, Сурхондарёда муқимдирлар. Иштихон туманидан топилган бир ҳужжат-вақфнома ҳам бу ҳақда далолат беради.

СОҲАДАГИ БАЪЗИ ЧАЛКАШЛИКЛАР

Саййид Ота тарихлари борасида ва умуман яссавия тариқатини ёритиш соҳасида бирмунча чалкашликларга йўл қўйилган ва ҳозирга қадар бу хатоликлар давом эттирилмоқда. Уларнинг баъзиларини кўриб чиқсак.

Яссавия тариқати тўғрисида етарли манбалар мавжуд. Аммо, бу соҳада юртимизда энг кўп тарқалган манба нақшбандия тариқати муршиди Хожа Аҳрор Валийнинг мақомотларидан бири ҳисобланган Фаҳруддин Али ас-Сафийнинг «Рашаҳоту айн ул-хаёт» китоби бўлиб, асарда яссавия тариқати пешволари тўғрисида ҳам анча сўз боради. Шунинг учун ҳам турк машойихлари тўғрисида қалам юритган ва китоб ёзган аксарият олимлар бирламчи навбатда ушбу асарнинг ўзбекча таржимасидан фойдаланиб келишган. Аниқроғи, асарнинг асл форсий кўлёзма нусхаларидан эмас, балки XIX асрда Домла Худойберган номли шахс томонидан Хоразмда таржима этилган туркча нусхасининг 2003 йилда Тошкентда чоп этилган транслитерация нашридан фойдаланиб келишмоқда.² Ўз навбатида таржима муаллифи Домла Худойберган ҳам «Рашаҳот»нинг 1897 милодий (1315 ҳижрий) йилда Ҳиндистоннинг Лакхнавидаги Навалкишвар матбаасида чоп этилган литографик нусхасидан таржима қилгани кўриниб турибди. Ҳатто, 1904 ва 1909 йил-

керак.

¹ Носириддин Бухорий. Тухфат уз-зоирин. Бухоро. 1904. 90-саҳифа.

² Али Сафий. Рашаҳот. – Т.: Ибн Сино нашриёти. 2003.

ларда Бухорода чоп этилган «Тухфат уз-зоирин» асари муаллифи ҳам яссавия тарқати муршидлари тарихини ёритишда «Рашаҳот»нинг ушбу Ҳиндистон нусхасидан фойдаланган ва бу нусха кўпгина давлатларга тарқалган.

Самарқанддаги шахсий архивларда «Рашаҳот» асарининг форс тилида ёзилган асл қадимий нусхалари мавжуд бўлиб, биз ушбу таснифимизда «Рашаҳот» қўлёзмаларининг икки қадимий тўлиқ нусхаларидан истифода этиб, иқтибослар келтирамиз. Улардан бири, санаси йўқлиги учун қоғози, ёзилиш услуби ҳамда палеографик тузилиши жиҳатидан юртимиздаги энг қадимий нусхалардан бири эканлиги кўриниб турибди; иккинчи қўлёзма китоб эса хатти шикаста ёзувида 1145/1732 йилда кўчирилган.¹

Ушбу икки қадимий қўлёзма китобларни Хоразм таржимаси ва Ҳиндистон нашр нусхалари билан солиштириб кўрганимизда кўпгина жиддий тафовутлар борлигини кўриб ҳайратда қолдик. Яъни, битта асарнинг қўлёзма ва нашр нусхаларида катта фарқ борлиги аниқланди.

Бошқа бир манбани ҳам шу тарзда бир қиёслаб кўриш мақсадида машхур бобурийзода тарихчи Доро Шукухнинг «Сафинат ул-авлиё» асарининг қўлёзма ва нашр нусхаларини олиб солиштириб кўрсак, уларда ҳам катта тафовут борлигини сездик. Тўғри, бир асарнинг қўлёзма ва нашр нусхасида сезилар-сезилмас чалкашликлар бўлиши оддий ҳол. Аммо, бу чалкашликлар бирор тарихий воқеага сезиларли таъсир кўрсатадиган даражада бўлмаслиги керак. Хаттот ва таржимонлар иложи борича кўпроқ нусхаларни топиб солиштирган ҳолда кўчиришлари ёки таржима этишлари лозим. Шундагина, асар тўлиқ ва хатоларсиз таржима этилган ҳисобланади.

Энди, «Рашаҳот» асарининг икки қадимий қўлёзма нусхаси асосида кейинги давр нусхалари орасидаги баъзи тафовутларни кўриб чиқайлик.

I. Бошда таъкидлаганимиздек, 2003 йилда Тошкентда ўзбек тилида таҳия-транслитерацияси чоп этилган Хоразм нусхаси XIX аср охирларида Ҳиндистонда чоп этилган литографик

¹ Каттахон Хожанинг шахсий кутубхонасида ушбу қўлёзма китоблар мавжуд.

нусхалардан фойдаланган ҳолда таржима этилганлиги шундай билиниб турибди. Иккинчидан, бу икки нашр учун эталон ҳисобланган Ҳиндистон нусхасидаги баъзи ортиқча боблар бизнинг Самарқанд қўлёзма нусхаларида учрамайди, демак, улар кейинчалик қўшилган, деган фикрга келамиз. 500 йил илгари айнан Самарқандда ёзиш бошланган ушбу асарнинг ватани Самарқанддан топилган қўлёзма нусхалари биз учун барча нусхалардан ишонарлироқ ҳисобланиши қонуний ҳолдир.

Асосий чалкашликлардан бири шулким, «Рашаҳот»нинг қадимий қўлёзмаларида «Сўфи Донишманд» боби умуман ёзилмаган бўлса-да, юқоридаги кейинги давр нашр ва таржима нусхаларида бу боб негадир киритилган¹.

Бу борада яссавия тариқати тўғрисидаги машҳур муршидлардан бирининг қаламига мансуб энг ишонарли манбалардан бири Олим Шайх Азизоннинг «Ламаҳот мин нафаҳот улқудс» асари нима дейди? Асарнинг бир-икки жойида Сўфи Донишманд «Маноқиб» китобнинг муаллифи тарзидагина келтирилган. Чунончи: «...Ва бу зоти бобаракот (яъни, Яссавий)нинг «Маноқиб»лари соҳиби Сўфи Донишманд номи билан машҳур кишининг ёзишича...».² Кўриб турганимиздек, Сўфи Донишманд халифа-ўринбосар сифатида эмас, балким машҳур лақаби ҳамда мақомот асари муаллифи сифатидагина келтирилмоқда. Шундан келиб чиқиб айта оламизки, «Рашаҳот» китобида «Сўфи Донишманд» боби асар муаллифи Фахруддин Али ас-Сафий томонидан эмас, балки Сўфи Донишманд номини илк марта «учинчи халифа» сифатида тилга олган Муҳаммал Тоҳир Эшон томонидан ёзилган «Тазкираи нақшбандия» асари сабабли бўлса керак, Ҳиндистон нашрларида киритила бошлангани кўринади. Буни аниқлаш мушкул эмас; бунинг учун яссавия тариқати билан шуғулланувчи мутахассислар давлат ва шахсий архивларда мавжуд «Рашаҳот» асари қўлёзмаларининг 4-5 тасини солиштириб кўришлари кифоя қилади (аммо, бу асар борасида барча хатоликлар илк хаттотлар томонидан амалга оширилган, кўринади. Чунки,

¹ Али Сафий. Рашаҳот, Т., Ибн Сино нашриёти. 2003. 17-бет.

² Олим Шайх. Ламаҳот (К.Қатгаев, А.Нарзуллаев тарж.). Самарқанд. СамИСИ. 2007.

хатто ишонарли ҳисобланган баъзи қадимий нусхалар хаттотлари ҳам Саййид Ота ва Сулаймон Ота боблари ёзилган варақ ҳошиясида ўзларини хатоликдан эҳтиётлаш мақсадида бўлса керак, белгилар қўйишган. Бу хаттотларнинг «ушбу икки шахс борасидаги хатони тўғриладим», деганими ёки эҳтиётдан шу масалани мавҳум қолдирганларими? Ҳар ҳолда, мутахассислар бу масалани ҳам аёнлаштиришлари лозим кўринади.

II. Кейинги давр нусхаларида: «Сўфи Донишманд – Ҳазрати Хожа Аҳмад Яссавийнинг учинчи халифаларидур», – деб ёзилгани ғалати. Ваҳоланки, Хожа Аҳмад Яссавийнинг учинчи халифалари «Сулаймон Ота» эканлиги биз кўриб чиққан қадимий қўлёзмаларда аниқ келтирилган. Бугина эмас, 2003 йилги Тошкент нашрида Мансур Ота билан Саид Отани (бир йўла иккаласини) Яссавийнинг биринчи халифалари сифатида берилгани, Хоразм нусхасининг нисбатан ноқислигидан далолат беради. Бу ерда, шарқшунос олимлар учун нашр ва кейинги давр нусхаларга қараганда қадимий қўлёзма китобларнинг саҳиҳ манба сифатида устунлиги яна бир қарра тасдиқланмоқда.

Тўғри, биздаги қўлёзма китоблар ҳам камчиликлардан холи бўлмаса керак, аммо айнан яссавия тариқати борасида Ҳиндистондаги нашр ва Хоразм таржима нусхалари ноқис эканлигини бир эмас, бир неча қадимий «Рашаҳот» қўлёзма китоблари исботламоқда.

III. «Рашаҳот»нинг 2003 йилда Тошкентда чоп этилган транслитерация нашрининг «Ҳаким Ота» бобининг таҳия этувчилар томонидан берилган изоҳда: «Ҳаким Ото ва Сулаймон Ото аслида бир киши бўлиб, котиблар томонидан алоҳида кишилар сифатида хатога йўл қўйилган» деб ёзилиши назаримизда унча тўғри бўлмай, бизнингча Сулаймон Ота билан Сўфи Донишманд бир киши бўлишлари мумкин.

Насабнома, саналар бобида «Саййид Ота мақомоти» ва «Тухфат уз-зоирин» асарлари нисбатан ишонарли манба ҳисобланишади. Негаки, биринчиси шу авлоддан етишиб чиққан энг олим мусаннифоти бўлса, иккинчиси эса манғитлар сулоласи шахзодаси томонидан ёзилганлиги учундир. Чунки, биринчиси ўз авлодини ҳаммадан яхшироқ билади. Бу борада

устоз домла академик Садриддин Айнийнинг «Самария» китоби муаллифи Абу Тохирхожа тўғрисида айтган гаплари ушбу муаллифлар борасида ҳам жуда ўринлидир: «Абу Тохирхожа ўз бобоси бўлган бир кишининг нисбатида хато қилмаса керак».¹ Худди шунингдек, «Саййид Ота мақомоти» муаллифи ўз бобоси нисбатида адашмаса керак, деб ўйлаймиз. Ва «Тухфат уз-зоирин» асари муаллифи ҳам манғитлар даврининг олим шахзодаси сифатида ўз давридаги барча манбалар унга таниш бўлгани учун унинг ёзишмалари ҳам нисбатан ишонарлидир.

IV. Охирги давр нашрларида баъзи жиддий чалкашликлар туфайли Саид Ота билан Саййид Отани баъзан бир шахс деб ёзишмоқда, баъзан эса номларини айнан бир хил ёзишиб, натижада бошқа илм аҳлларини адаштиришмоқда. Ваҳоланки, бирлари Хожа Аҳмад Яссавийнинг халифалари, иккинчилари эса Занги Отанинг халифаларидир. Ҳатто араб алифбосида бу икки номнинг ёзилиши турлича ва маъноси ҳам ўзгача бўлсада, барибир адашиб бир шахс деб кўрсатиш ҳоллари учрамоқда. Бирининг номи «саид» (хушбахт, маъносида) талаффуз этилиб, араб алифбосида эса (айн-ъ) ҳарфи орқали ёзилади; иккинчи шахс талаффузда «саййид» (пешво ва пайғамбар авлоди, маъносида) талаффуз этилиб, ёзувда эса (йо-и) ҳарфи билан ёзилади. Демак, аслида бу икки нафар бошқа-бошқа шахслардир.

V. Бошқа масала шундаки, тарихда шу номли шахслар 4-5 нафар бўлишиб, баъзан буларни ҳам адаштиришади. Булар: хозирги даврда кўп адаштирилаётган Саид Ота ва Саййид Оталардан ташқари яна Шайх Саййид Аҳмад (қабри Самарқандда, ул зот Шайх Шамсиддин Ўзгандийнинг пири), Саййид Ота Соний (кейинги Саййид Ота, биринчи Саййид Ота авлодидан бўлган машҳур шахс, қабри Шофирконда) ва бошқалар эдилар. XIX асрнинг 20-йилларида профессор Фитрат ҳам Шайх Саййид Аҳмад билан Саййид Отани адаштирмасликка чақирган эди². Қизиғи шундаки, адаштирилаётган барча шахслар яссавия тариқати намояндаларидир.

Энди, тарихий шахсларнинг саналарига оид хато ва чалкашликларга келсак!

¹ Абу Тохирхожа, Самария, Т., Камалак, 1991. 25-бет, 170-изох.

² Яссавий ким эди? (Нашрга тайёрловчи Б. Дўстқораев). – Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги Халқ мероси нашриёти, 36-бет.

VI. Хожа Аҳмад Яссавий (1166 й. ваф.)нинг биринчи халифалари Мансур Ота 1197 йилда вафот этган ҳисобланади. Яссавийнинг иккинчи ва учинчи халифалари вафот саналари унча аниқ эмас. Аммо, тўртинчи халифа Ҳаким Ота 1186 йилда вафот этган, деб барча манбаларда ёзилган. Ваҳоланки, халифаларнинг санок тартиби кўпинча пирининг вафотидан кейин кетма-кет фаолиятига қараб қўйилиши ҳаммага маълум. Ҳатто, Яссавийнинг ўзлари ҳам Ҳамадонийнинг олдинги халифалар (Баркий ва Андоқийлар) вафот этгач, учинчи халифа аталиб фаолият кўрсатганлар. Қандай қилиб, биринчи халифа – Мансур Отадан 11 йил илгари тўртинчи халифа – Ҳаким Ота вафот этган? Халифалар орасида биринчи вафот этган шахс сифатида Ҳаким Ота биринчи халифа аталишга жоиз-ку?! Аксарият мақомотларда халифалар саноғи олдинги халифанинг вафот этганидан кейингина қўйилган. Пир вафотидан кейин санок пастидаги халифалар юкоридаги халифаларга бўйсунган.

VII. Бундан ҳам қизикроғи шулки, Ҳаким Ота (1186 й. вафот этган) билан халифалари Занги Отанинг (1258 й. вафот этган) вафот саналари орасидаги фарқ 72 йилни ташкил этади ва бу пиру муридлар орасида энг катта масофа бўлиб, ишониш жуда қийин. Бу саналарни кўрган тадқиқотчи пиру муриднинг учрашишганлигига шубҳа қилиши ёки Ҳаким Ота ва Занги Ота орасида яна бир-иккита пир бўлиши керак, деган хаёлга бориши мумкин. Шунинг учун соҳа мутахассислари саналарни (жумладан, Занги Ота ва Саййид Оталар ўрталаридаги фаолият саналарини ҳам) қайтадан кўриб чиқишса ёмон бўлмас эди.

VIII. Баъзи манбаларда Ҳаким Отанинг уч ўғли бўлганлигини таъкидлашиб, Отанинг икки тўнғич ўғиллари Хоразмга – Имом Замахшарий (Жоруллоҳ)нинг хизматида жўнатилганлигини ёзишган. Савол туғилади, 1075–1144 йилларда яшаб ўтган Имом аз-Замахшарий билан 1186 йилда вафот этган Ҳаким Отанинг ўғиллари орасида қандай алоқа бўлиши мумкин? Ахир Имом вафот этган пайтда Ҳаким Отанинг ўзи нари борса 30-35 ёшда бўлган-ку?!

IX. Саййид Отанинг вафот саналари борасида қадимий манбаларда ҳам, ҳозирги нашрларда ҳам кўпгина ноаниқликлар

мавжуд. Масалан, «Тухфат уз-зоирин»да вафот санаси 1292 йил дейилса, юқоридаги яссавия мақомотларидан истифода этган «Ислом Энциклопедияси»да 1311 йил санаси ҳам тилга олинган. XX аср бошларида профессор Фитрат 710/1310 йил санасини, Тохир Эшоннинг «Тазкираи нақшбандия» асарида 708/1308 сана,¹ яқинда чоп этилган яна бир нашрда эса 702/1323² саналар Саййид Отанинг вафот йили сифатида келтирилган. Бунақа чалкашликлар ҳар қандай тадқиқотчининг чалғитади ва биз шу соҳа мутахассисларига, энг аввало, ушбу саналар борасидаги чалкашликларни тўғрилаш устида тадқиқотлар олиб боришларини маслаҳат берар эдик.

Х. Саййид Ота ва Ўзбекхон муносабатлари борасидаги баъзи масалалар ҳам тадқиқотталаб масала. Зеро, бу масала кўриб чиқилганда бир қанча ва турли саналар тилга олинди ва бу илм аҳллари чалғитади, албатта. Ўзбекхон ҳақида сўз кетганидан фойдаланиб, яна шунини айтиш жоизки, кўпгина қадимий ва ҳозирги замон нашрларида Ўзбекхоннинг шажараси борасида ҳам бироз чалкашликка йўл қўйилган. Ўзбекхон отасининг номи бир манбада «Тақтухон»³ аталса, бошқасида «Тақтағуҳон»⁴, учинчи манбада эса «Туғралхон»⁵ деб аталиши тадқиқотчиларни чалғитади ва бу масалани ҳам аниқлаш лозим.

Баъзи манбаларда Ўзбекхоннинг хонлик даврини 1312 йилдан 1342 йилгача деб белгилаган ҳолда Саййид Ота эса 1292 йили вафот этган, деб ёзишлари ҳам мантиққа тўғри келмайди. Боз устига, юртимиз олимларининг баъзи бир ишларида Ўзбекхонни 750/1349 йилда вафот этгани ёзилган. Юқоридаги саналарни кўриб хаёлимизда беихтиёр савол туғилади: шу саналар рост бўлса, Саййид Ота қачон вафот этганлар-у, Ўзбекхон қачон исломга кирган? Ўзбекхон Ота билан қачон учрашган, хонлик давридами ё олдинроқми? Ўзбекхоннинг вафот этган йили аниқми? Кўриб турганимиздек, тарихий саналар ҳеч қовушмаяпти ва соҳа мутахассислари бу тарихга доир

¹ Ҳамидхон Исломий. Султонул-орифин... – Тошкент: Фан. 2005. 29-бет.

² Аслида хижрий 702 йил милодийга айлантирилса 1302 бўлиши керак.

³ Аҳмедов Б. Тарихдан сабоқлар. – Тошкент: Ўқитувчи. 1994. 423-бет.

⁴ Абулғозий. Шажараи турк. – Тошкент: Чўлпон. 1992. 108-бет.

⁵ Шаҳобиддин Маржоний. Мустафодул-ахбор. Қазон. 1885. 103-саҳифа.

саволларга жавоб топмасдан даврга оид тадқиқотларни тўла амалга ошира ололмайдилар.

XI. Саййид Отанинг шажараси борасида ҳам баъзи саволлар туғилади; шунинг учун бу соҳада саҳиҳ китоб ва шахсий кутубхоналарда мавжуд авлодномалар асос сифатида фойдаланилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Шажаралар борасидаги чалкашликларни ҳам кўриб чиқсак!

Кези келганда, Тошкент вилоятида Саййид Отага тегишли бир қабр тўғрисида айтиш жоизки, бу Саййид Отага тегишли бўлмай, балки шу авлоддан чиққан бошқа бир машхур зотники бўлса керак. Негаки, саййидатойи авлодидан етишиб чиққан бир неча машхур шахслар аجدодларига ҳамном бўлгани туфайли «Саййид Атойи Соний» (иккинчи Саййид Ота) лақабини олишгани тарихдан маълум. Ўша машхур зотлардан бирининг қабридир.

Ислом қомуси (энциклопедияси) 205-бетда: «Саййид Ота – Саййид Аҳмад ибн Саййид Абу Бакр (? – 1292 ёхуд 1311) – яссавия тариқатининг йирик вакили, Тошкентда таваллуд топиб, таълим олган. Занги Отанинг 2-халифаси. Саййид Ота нафақат солиҳ амаллари, тариқат йўлида чеккан заҳматлари, балки жиҳодда иштирок этганлиги билан ҳам машхур. Умрининг охирида Тошкентдан Оролга кўчиб бориб, ўша ерда вафот этган, дейилган.

Ислом қомуси (энциклопедияси) 91-92 бетлар: «Занги Ота – асл исми Ойхожа ибн Тошхожа (?-1258) – авлиё, ҳақим. Тошкентда туғилиб, яшагани ҳақида маълумотлар бор. Аҳмад Яссавийнинг устози Арслонбоб эшоннинг авлоди (эвараси). Ўта қора танли бўлгани учун занги (занжи) дейишган. Тасаввуфни тарғиб қилган. Эл-юрт молини боқиб подачилик билан шуғулланган. Ривоят қилишларича, унинг қарамоғидаги моллар яйловда ўтлаб кечкурун уйга қайтишда кишиларнинг экинзорларига кирмас, ўт-ўландан бир чимдим ҳам емас экан (шу боисдан ҳам чорвадорлар Занги Отани ўз пирлари деб ҳисоблашади).

ЯССАВИЯ ПИРЛАРИ ВА МАҚОМОТЛАРИ

ШАЙХ ХУДОЙДОД ВАЛИЙ

Ўрта Осиё тасаввуфи яссавияи-султонияи-жаҳрия тариқатининг етук намояндаси “Шайх Худойдод Валий” номи билан тарихда чуқур из қолдирган бу зот Ҳазрати Хожа Аҳмад Яссавий тариқатларининг Занги Ота, Саййид Оталар каби улуг намояндаларидан бири, шу билан бирга оддий халқдан етишиб чиққан буюк муршидлардан бири эди.

Унинг асл номи “Худойберди” бўлиб, аجدодлари бир замонлар Хоразмга келиб қолган эдилар ва уларнинг хонадонлари катта обрў-эътиборга эга эди.

Ёш Худойберди отасининг номи Азизон Ортиқ Шайх бўлиб, илмли ва ориф кишилардан эди. Ўша замонларда Хоразм вилоятидаги аҳоли орасида ихтилофу гина-қудуратлар ёйилиб кетганлиги сабабли Азизон Ортиқ Шайх ўз биродари Азизон Зикриё Шайхга шундай дейди: “Бу ихтилофлар тугагунча бошка жойда яшаб турсак яхши бўлармиди!?” Зикриё Шайх дейди: “Бу ишимиздан подшоҳлик амалдорлари инсофга келиб, шариат назоратини кучайтирсалар дуруст бўларди”.

Шундан сўнг улар ўз аҳлу аёлларини олиб, Бухоро шаҳрига кўчиб келишади ва бироздан сўнг катта ва гавжум шаҳардан кўра кичикроқ мавзеъни орзу қилишиб, Миёнқолдаги Кармана мавзеига қўнишади ҳамда Кармана яқинидаги тоғли Саранж (Шаранж) мавзеида жойлашган туркийзабон қавмлар орасида маскан топишади. Тоғу тошларда фақирона яшайдиган ва “Оқ қавм” деб аталувчи бу аҳоли орасида яшашни улар ўзларига маъқул топадилар.

Шу даврга келиб, яъни 1461 йилда Ортиқ Шайх ўғил фарзанд кўради. Манбаларда келтирилишича, кўп саргардонлик ва офатлардан омон қолганликлари учун ҳам Худодан саодатмандлик тилаб, фарзандларига “Худойберди” деб ном қўйишади. Илмли киши бўлган Ортиқ Шайх туғилганидан валийлик асари зоҳир бўла бошлаган ўз фарзандига илк таълимни бера бошлайди.

Ота-онасидан жуда ёш етим қолган Худойберди мактабхонада илм олишни, қийинчиликлар билан бўлса-да, давом эттиради. Энг аввалги ва саодатли муаллимига ғайбдан бир овоз зоҳир бўлган эканки: “Бу ёш гўдакни яхши тарбия қилғилки, қиёмат куни сенинг шафоатингга кўмак бергусидир”.

Ёш Худойберди мактаб таълимидан сўнг Самарқандга келиб, Жавзония мадрасасида шариат илмларидан сабоқ ола бошлайди. Ушбу мадрасада ўқиётган кунлардан бирида Худойбердининг асл она юрти бўлган Кармана Миёнколидан бир неча дўстлари меҳмон бўлиб келадилар. Шунда бир таниш қассоб гўшту ёғ келтириб, уларни зиёфат қила бошлайди. Қассоб бу ишларни бир неча бор қайтариб, Худойбердини сийлагач, у қассобнинг тайёр масаллиқларини ейишни ўзига орбилиб, мадраса хужрасидан бутунлай чиқиб кетади. Бу воқеа ҳали жуда ёш йигит бўлган Худойбердининг шайхлик йўлига кириб, парҳезгорликка ва умуман тариқат сулукига жуда эрта кириб келганлигидан далолат бериб турибди.

Шундай қилиб, хужрадан бутунлай чиқиб кетган Шайх Худойберди Регистон майдони яқинидаги Кўйи Бўстони Хон мавзеидаги болохонали одмигина уйда уч йил фақирона умр кечиради. Бу ерда шу воқеани эслаб ўтиш ўринлики, Ҳазрати Шайх умрларининг охириги йилларида Самарқанд подшоҳи Абу Саидхон ибн Кўчкунчихон (шайбоний ҳукмдор, 1530-33 йиллар ҳукм сурган) ул зотга мухлис бўлиб, ўз саройига таклиф қилганида, Ҳазрати Шайх саройга бораётиб, ўзларининг болохонали ушбу фақир кулбаларига қараган ҳолда ҳайқариб, афсус чеккан эканлар. Демак, Ҳазрати Шайхнинг мижози шундай тузилган эдики, саройдаги кошонадан кўра ушбу фақирона кулбани афзал кўрар ва бу фано даражасига етишганликнинг белгиси эди.

Шайх Худойбердининг талабалик йиллари ҳақидаги сўзларни давом эттириб, “Ламаҳот” китобидан ушбу нақлни келтирамизки, у Ҳазрати Шайхнинг ўз сўзларидан олингандир: “Бир куни мен Самарқанддаги Мирзо Улуғбек мадрасасида толиби илмларнинг фалакиёт фани соҳасидаги мунозараларини ҳавас билан кузатдим. Уларни бир-бирига

мухалиф топдим ва ўзим учун риёзатчилигим туфайли самовий сирларни кашф этдим”. Бу маълумотлардан икки нарсга биз учун аҳамиятли; биринчиси шуки, тасаввуф тарбиясини олган Шайхнинг фалакиёт соҳасидаги мунозараларга “ҳавас билан” қараши бўлиб, ҳанузгача бизга тасаввуф аҳлини бу илмга зид бўлиб келган, деб ўргатишар эдилар; иккинчиси шуки, Шайхнинг Самарқанддаги талабалик йилларида (яъни, XV аср охирларида) ҳам Мирзо Улуғбек мадрасасида илоҳиёт илми ўқитилганлигининг эътирофи этилишидир. Чунки, шу чоққача, Улуғбек шаҳид бўлгач, мадраса ва расадхоналарда бу илмлардан дарс бериш тўхтатилган эди, деб уқтириллар эди.

Илм ва риёзатчилик туфайли юқори мартабаларга етишган Шайх Худойберди ўзига маънавий пир ахтариб, жаҳрия тариқатининг машҳур арбоби Шайх Жамолиддин Азизоннинг хузурларига боради ва қўл бериб, иродатига киради. Манбаларда қайд этилишича, учрашув чоғида Шайх Жамолиддин ул кишидан: “Исмингиз нима?” деб сўраганларида: “Исмим Худойберди”, деб жавоб берган эканлар. Шунда Шайх Жамолиддин: “Моро Худой дод (Менга сизни Худо етказди), энди сизнинг исмингиз “Худойдод” бўлғусидир”, – деган эканлар. Ва шундан эътиборан, ул зот “Худойдод” номи ила машҳуру манзур бўлганлар.

Соҳиби каромату мақомот ва ҳаддан ташқари хориқ одат сифатларига эга бўлган Шайх Худойдод кибру ҳаво ва нафсдан парҳезда бўлган энг тақводор табақа намояндаларидан бири бўлиб, сабру қаноат ва риёзатчиликлари туфайли фано даражасига етганлар ҳамда «Валий» деган улуғ номга сазовор бўлганлар.

ҚОСИМ ШАЙХ АЗИЗОН КАРМИНАГИ

Бу зот Яссавия султония тариқатининг энг машхур муршидларидан бўлган. Ёшлигида Ифтихор Шайхнинг суҳбатига етишган бу муборак зот Шайх Мавлоно Валийнинг муриди бўлиб, ул зот эса ўз навбатида Шайх Худойдод Валийнинг халифаларидан эди.

Қосим Шайх Азизон тариқий ишлари орқали Мовароуннаҳр сиёсатида сезиларли таъсир кўрсата олган мутасаввиф бўлган. Ул зотгача яссавия тариқатидан Саййид Ота, нақшбандия тариқатидан Хожа Аҳрор Валий ва Махдуми Аъзам ва Хожа Ҳошим Даҳбедийлар тасаввуфий фаолиятларини халқ фаровонлиги йўлида сиёсатга унумли татбиқ этган эдилар.

Соҳибқирони соний (иккинчи соҳибқирон) деб эътироф этилган Абдуллохон II Шайбоний ушбу Қосим Шайх Азизонга иродат кўлини бериб, ўзига пир ҳисоблаган.

ОЛИМ ШАЙХ АЗИЗОН ВА УНИНГ “ЛАМАҲОТ МИН НАФАҲОТ УЛ-ҚУДС” КИТОБИ ТАҲЛИЛИ

Миллий-маданий ва илмий-тарихий қадриятларимиз манбаларидан бири – қадимий қўлёзма китоблардир. Бирок, наdomатлар бўлсинки, олиму фузалолар яратган асарларнинг энг нодирлари асосан XVIII асрлардан бошлаб чет элларга олиб кетила бошланди. Буюк Британия, Россия, Туркия, Эрон каби мамлакатларнинг китоб хазиналарида тўпланиб қолган қўлёзмалар фикримизни исботлайди. Лекин, шунга қарамай, ноёб манбалар ҳисобланган нодир китобларнинг бир қисми ўзимизнинг юртимизда, давлат хазиналарида ҳамда айрим кишилар қўлларида сақланиб қолган. Жумладан, Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва Фарғона вилоятларининг қўлёзмалардан ва тошбосма китоблардан иборат хазиналарида, юртимизнинг турли бурчакларида яшовчи зиёлилар хонадонларида кўплаб ноёб китоблар мавжуд. Давлат хазиналари ва шахсий кутубхоналардаги нодир китоблар тартибли равишда мутахассислар томонидан ўрганилмоқда.

Қатағон йиллари жабр-зулмларига қарамай, ўз ҳаётларини

хавфга қўйиб бўлса-да, ушбу нодир китобларни асраб қолган кишиларга қанча таҳсинлар айтсак оз. Ана шундай нодир китоблардан бири: “Ламаҳот мин нафаҳот ул-қудс” (“Муқаддас хушбўйликлардан лаҳзалар”) деб аталиб, илмий жиҳатдан жуда нодир китоблар сирасига киради. Қисқача “Ламаҳот” деб аталган ушбу китоб муаллифи Олим Шайх ибн Мўъмин Шайх ибн Дарвеш Шайх Азизон бўлиб, “Тухфат уз-зоирин” ва “Хужжат уз-зокирин” китобларига қараганда ота томонидан насаби биринчи ислом халифаси Абу Бакр Сиддикқа етган. Она томонидан бобоси эса “Самария” китобига қараганда, Тошкент вилоятига қарашли Қуйлук деган мавзеда яшаган Мавлоно Ҳофиз Қуйлуқий бўлиб, у алавий-насаб¹ ҳисобланган.

Олим Шайх Азизон ботиний иродат қўлини Шайх Азизонга берган, у эса Қосим Шайх Азизоннинг муриди бўлган. Аммо, Олим Шайх зоҳирий илм таҳсилани ўша замоннинг машҳур алломаси ҳисобланмиш Мавлоно Исматуллоҳдан ўрганган.

Фикҳ (ислом ҳуқуқшунослиги), усул, тафсир, ҳадис, тасаввуф тариқати каби ҳол ва қол илмларини ниҳоят даражада мукаммал эгаллаган Олим Шайх Азизон Мовароуннаҳр юртининг энг олиму фозил кишиларидан ҳисобланиб, “ҳамма илмлар соҳиби” (“олим ба ҳаммаи улум”) бўлган. Чунончи, тарихчи олим, қози ва муфтий Абу Тохирхожа ул киши ҳақида ўзининг “Самария” китобида шундай ёзади: «...Олим Шайх Азизон 972 (1564) йилда туғилгандир... Ҳазрати Олим Шайх Азизон подшоҳ Имомқули Баҳодурхон даврида Самарқандда аълам эди ва у замонаси имомларининг имоми эди. У Мирзо Улуғбек мадрасасининг жануби-ғарбий тарафида олий хонақоҳ бино қилган. Ҳозирда у хонақоҳ қолмаган. Ёшлари саксонга бориб қолган эди. У жаҳрияи султония сулоласи баён қилинган “Ламаҳот” китобининг мусаннифи эди ва яна шиа мазҳабининг раддига “Дар радди мазҳаби шиа” номли рисола тартиб бериб, у рисолада чорёрлар улуғлигини кучли далиллар билан исбот қилган. Унинг вафоти ҳижрий 1041 (1631-32) йилида содир

¹ Алавий – Али (р.а.)нинг Биби Фотимадан ўзга хотинидан туғилган фарзандлари.

бўлиб, “фахр ул-ислом” сўзи (абжад ҳисобида) вафотининг тарихидир. У кишининг асрида Алиобод мавзеи обод шаҳарча эди ва Ҳазрати эшон у ерга жомъе масжиди, хонақоҳ ва мадраса бино қилган эдилар. У биноларнинг асари ҳозирда ҳам бор»¹.

Дарҳақиқат, алломаи замон бўлган Ҳазрати Олим Шайх Азизон нафақат олим ул-уламо, балким яссавия силсиласи жаҳрияи султония тариқат сулукининг замонасидаги муршиди эди.

Лекин, Олим Шайхнинг тарихда номини абадий қолдирган нарса у ёзган “Ламаҳот” китоби бўлиб, бу китоб илм аҳли томонидан ниҳоятда қадрланган ҳамда мадрасаларда ўқитилган. Китобнинг илм аҳли учун энг аҳамиятли томони шундаки, унда нафақат яссавия силсиласи сулуклари, балким бошқа силсилаларнинг моҳияти, тариқат пирлари сулоалари тарихи ҳам берилган. Шу билан бирга ундаги ҳар бир воқеа ва ривоятлар ҳадиси қудсиялар билан мустаҳкамланганки, булар китоб қадрини янада оширади.

Китобнинг таҳсилига келсак! Китоб, ўтган XIX асрнинг охирларида Тошкент шаҳрининг “Ғулом Ҳасан Орифжонов” матбаасида чоп этилганлиги унвон муқовасида ёзилган.

«Нафаҳот ул-унс» «нафҳа»га; «Рашаҳоту айн ул-ҳаёт» «рашҳа»га; «Равойиҳ ул-қудс» «равҳа»ларга (яъни, қисмларга, К.К.) бўлингани каби «Ламаҳот мин нафаҳот ул-қудс» китоби ҳам «ламҳа»ларга бўлинган. Китобда ҳар хил нақллар, назму байтлар келтирилган бўлиб, улар ояту ҳадислар ёрдамида ўринли келтирилгани китобнинг илмий ва бадиий қийматини оширади.

Китобда жаҳрия тариқатининг муршидлари Яссавий, Занги Ота, Саййид Ота, Қосим Шайх Азизон каби алломалар тарихи кенг берилган ҳамда, асосан, Шайх Худойдод Валийнинг мақомоти сифатида ёзилган.

¹ Абу Тохир Хожа. Самария. – Тошкент: Камалак, 59-бет.

ХУЛОСА

Шуни айтиш жоизки, Саййид Ота ва ул зот даври, атрофи борасида ҳали кўп нарсани билмас эканмиз.

Дўсту ёронларнинг илтимосларига кўра, ёзилган ушбу китоб жуда оз фурсатда, бир-икки ой муддат ичида ёзилгани боис баъзи камчиликлардан холи бўлмаслиги мумкин. Магарки, ундаги хато ва камчиликлар учраса, зукко ўқувчидан узр сўраймиз ҳамда ўткир ақл қалами ва килклари ила ислоҳ қиладилар, деб яна бир қарра умид билдириб қоламиз.



ХОЖА АҲРОР
ВАЛИЙ ТАРИХИ



МИРЗО УЛУҒБЕК ФОЖЕАСИГА КИМ АЙБДОР ЭДИ?

Қўлингиздаги ушбу китобнинг ёзилишига сабаб, шу вақтгача бўлган тадқиқотларда Хожа Аҳрор Валий ва Мирзо Улуғбек ўрталарида атайлаб уюштирилган тарихий муаммолар, яъни, Мирзо Улуғбекнинг ўлдирилишида Хожа Аҳрор хазратларининг қўллари йўқлиги ҳозирга қадар ўзининг илмий баҳосини олмаганлигидир. Бу муаммо илк марта бундан қарийб 15 йил илгари – мустақиллигимиз арафасида ушбу сатрлар муаллифининг матбуот саҳифаларида чоп этилган мақолаларида кўтарилган эди. Ҳазрати Хожанинг анжуманлари арафасида ушбу тадқиқотга қайтиб, уни китоб ҳолида чоп эттириш лозимлиги ҳақидаги илм аҳллариининг таклифларини инобатга олган ҳолда, айтилмай қолган баъзи бир фикрларни ҳам айтишга жазм этдик.

Бу муаммо Ўзбекистон Фанлар академиясининг биринчи президенти академик Қори Ниёзийнинг 1951 йилда рус тилида чоп этилган «Астрономическая школа Улугбека» (Улуғбекнинг мунажжимлик мактаби) номли монографик китобидан бошланган бўлиб, асарда муаллиф Ҳазрати Хожа Аҳрорни Мирзо Улуғбекнинг ўлдирилишида айблади. Академикнинг бу фикрига биринчи бўлиб қарши чиққан киши – ушбу сатрлар муаллифининг бобоси – Каттахонхожа Даҳбедий (1868–1969) эди.

Самарқанд давлат университетининг бир гуруҳ професор-ўқитувчилари академикнинг бу китобини келтиришиб, раҳматлик Каттахонхожа Даҳбедийга таржима қилиб ўқиб беришади (Хожа Аҳрор Валий у кишига она томондан бобокалон эди). Ўз бобоси нисбатида бирор олим адашмаслиги ҳаммага маълум. Шу сабабли, илмли Эшоннинг бу соҳадаги фикрлари олимлар учун қимматли ҳисобланарди.

Каттахонхожа Эшон бу янгиликни ислом динига, тасаввуф аҳлига ва маърифатга қарши янги фитна деб тушиниб, ўша суҳбатда Ўзбекистон Фанлар академияси ва раҳбарига ўз номларидан хат ёздириб жўнатадилар. Хатда академикнинг жуда

катта тарихий хато қилаётганлигини уқтириб, тошкентлик катта аллома-олимларни Дахбедга чорлайдилар, токи манбалар асосида уларга бобма-боб жавоб берсинлар.

Ўша йили Қори Ниёзийнинг кўрсатмаси билан бўлса керак, Тошкентдан 3-4 нафар олим Дахбедга келади ва Каттахонхожа Эшонда ашёвий манбаларни кўришиб: «Ҳақиқатан ҳам исботингиз жуда ўринли экан. Аммо вақт ўтди, энди ҳеч ким буни тўхтата олмайди», дея афсуслар қилишади.

Бобом Каттахонхожа билан бўлган бу воқеаларни бир неча бор СамДУ домлалари ва амакиларимдан эшитган эдим, аммо ул зотнинг қайси манбалар асосида бу далилларни келтирган эканлар, деб кўп йил қидирдим. Ва ниҳоят, далил бобомерос «Рашаҳоту айн ул-ҳаёт» қўлёзмасидан топилди (қўлёзмадаги матн қуйироқда келтирилади).

Хожа Аҳроп Валий ва Мирзо Улуғбек муаммоси тўғрисидаги ушбу сатрлар муаллифининг тадқиқоти 1991 йилда «Гулистон» журналининг №3 (март) сониди «Хожа Аҳроп Валий» номи билан эълон қилинди. Бу – Хожа Аҳроп Валийнинг Улуғбек фожиасига умуман алоқалари йўқлигини исботловчи юртимизда чоп этилган илк тадқиқот эди. Унда, Хожанинг Мирзо Улуғбек билан учрашмагани ва зиддиятда бўлмаганлиги, аслида эса Мирзо Улуғбекка қарама-қаршилик қилиб, унинг фожиасига сабабчи бўлган тариқат пиру муршиди Хожа Аҳроп Валий бўлмай, балки машхур мутасаввиф муршид Мавлоно Низомиддин Хомуш эканлиги илмий манбалар асосида таҳлил этилган эди.

Орадан икки ой ўтгач, «Фан ва турмуш» журналининг 1991 йил №5 (май) сониди «Ҳар бир одам – бир олам» номи мақолада машхур шарқшунос олим «Улуғбекнинг шахид бўлишига Мавлоно Низомиддин Хомуш ноҳақ айбланмоқда...» деган фикр билан тадқиқотимизга ўз муносабатини билдирди ва лекин, негадир ўз қарашларини факт-манбалар билан тасдиқламаган.

Бу соҳадаги илк тадқиқотимиз натижаларини чоп эттирган «Гулистон» журналининг бош муҳаррири, таниқли адиб Мирмуҳсиннинг камина номига йўлланган мактублари келди.

Унда домла Мирмуҳсин мендан шу соҳадаги ишларни давом эттиришимни сўраганларидан сўнг, бу масалага янада киришиб кетилди.

Бу масалага қайта-қайта мурожаат этишимизнинг сабаби, илм аҳлини, айниқса, улуғ олимларимиз эътиборини бу муаммога жалб этиш эди. Зеро, ҳозирги даврга келиб, бу масала аксарият илм аҳлларининг фикрларича, Хожа ҳазратларининг тарихларини ҳаққоний ёритишдаги асосий нуқталардан бири ҳисобланмоқда. Чунки бу муаммони ҳал қилмай туриб, Хожа Аҳрор фаолиятларини тўла ёритилди, деб ҳам бўлмайди.

Шу тариқа, бу масалада қарийб 15 йиллик жимлик ҳукм сурди. Бу орада бир қанча монографик китоб ва мақолалар чоп этилса-да, аср сўнгида юзага келган ушбу муаммони ечишда деярли бирор илмий ҳаракат қилинмади. Қизиғи шундаки, бу муаммо мавжудлиги ҳамда Хожа ва Улуғбек ўрталаридаги адоват бўҳтондан иборат эканлиги деярли барча кейинги давр манбаларида қайд этилса-да, у бирор марта илмий тадқиқот объекти бўлмади.

Шундай қилиб, собиқ иттифоқ даврида Хожа Аҳрорга, умуман ислом динига қарши атайлаб уюштирилган бу фитна ҳозирга қадар ўзининг расмий таҳлилини ҳам, йирик мутахассис олимлар томонидан илмий асосланган хулосасини ҳам олмай келмоқда. Қилинган тадқиқотларда эса, гарчи далили бўлса-да, унчалик аҳамият берилмаганлиги ажабланарлидир.

Хуллас, ушбу рисоламизнинг асосий мавзуи сифатида шу муаммога яна қайтмоқчимиз.

ХОЖА АҲРОР ВАЛИЙ МАЪНАВИЯТИ

Халқимизнинг бой ўтмиш тарихи онгли равишда бузиб талқин этилиши мозий ҳақиқатини чигаллаштириб юборди. Узоқ вақт сохта ҳақиқатга суяниб иш кўрдик. Маданият, маърифат ва сиёсатга улкан ҳисса кўшиб, ўзларидан мислсиз мерос қолдирган илм ва сиёсат арбобларининг хотиралари ноҳақ таҳқирланди. Уларининг фаолияти бир томонлама ўрганилди, ва, кўпинча, салбий баҳоланди. Оқибатда кўп юртдошларимизнинг эзгу ишларидан беҳабар қолдик. Демократик ва ошқора-

лик сабаб, кеч бўлса-да, йўл қўйилган хатолар тўғриланмоқда. Улуғ аждодларимизнинг номлари қайта тикланмоқда. Ана шундай холис талқин этилиши лозим бўлган масалалардан бири Хожа Аҳрор Валий ҳаёти ва фаолиятидир.

Хожа Убайдулло ибн Маҳмудхожа – Аҳрор Валий 806 ҳижрий йилнинг рамазон ойида (1404 йилнинг март ойида) Шош (Тошкент) вилояти Бўстонлик туманининг Боғистон мавзеида, машҳур Шайх Хованди Таҳур хонадонидан бўлган Хожа Маҳмуд оиласида дунёга келган.

Хожа Убайдуллоҳ болалигидан шайхлар хонадонига монанд тарбият кўради. 1427 йилда Самарқандга келиб, Мавлоно Қутбиддин Садрнинг кигиз бозорида жойлашган мадрасасида таҳсил кўра бошлайди. Лекин мадраса ўқишидан қониқмай, тасаввуфга рағбат сезган Хожа Убайдуллоҳ қўл бериш мақсадида иршод ҳуқуқини берувчи пир ахтариб 1428 йилда Ҳирот шаҳрига боради ва тўрт йил машҳур мутасаввиф Сайид Қосим Табризий (Қосим Анвор)нинг даргоҳида кўним топади. Ҳиротдаги фаолияти ҳам уни қониқтирмайди. Чунки, у Ҳазрати Нақшбандийга бевосита қўл берган муршид излар эди. Шу тариқа, Чағониён мавзеида яшовчи Мавлоно Яқуб Чархий (Ҳазрати Нақшбандийнинг шогирдлари) билан танишади ва унга қўл бериб, халифа-шогирд тушади. Бу ҳақда Алишер Навоий ўзининг «Насойимул-муҳаббат» асарида қуйидагича ёзади: «Хожа Убайдуллоҳ йигит бўлгондин сўнграким, Хуросон машойихидин Ҳазрати Мир Сайид Қосим Анвор хизматлариға етишибдурлар ва Шайх Баҳоуддин Умар мулозаматлариға мушарраф бўлибтурлар ва Шайх Заъиддин Хавофийнинг суҳбатлариға етишибдурлар ва Мавлоно Муҳаммад Асад ва Мавлоно Саъиддин Қошғарий бирла суҳбат тутубтурлар ва Мовароуннаҳр машойихидин Хожа Муҳаммад Порсо мулозаматлариға етибтурлар ва Хожа Абу Наср суҳбатига етибтурлар ва Мавлоно Низомиддин Хомуш бирла суҳбат қурубтурлар. Мавлоно Яқуб Чархийдин иршодлар ва тарбиялар топибтурлар».

1432 йилда Шош (Тошкент)га қайтган Хожа Убайдулло тоат-ибодат ва деҳқончилик билан машғул бўлади. Халқ ораси-

да анча танилгандан сўнг, 1450 йилда (Улуғбек ва Абдуллатиф мирзолар замонларидан кейин!) Самарқандга келиб, ҳукмдор Абдулло мирзонинг (Улуғбекнинг куёви ва жияни) қабулига кирмоқчи бўлади. Хожа унга шариатни мустаҳкамлаш йўлида ёрдам ва йўл-йўриқ кўрсатмоқчи эди. Лекин Абдулло мирзо Хожа душманларининг маслаҳатига кириб, уни қабул қилмайди ва ул зот ноилож Тошкентга қайтиб кетади.

Бир ойдан сўнг, Абусаид мирзо (Мироншоҳнинг набираси) Туркистондан келиб, Хожа Убайдулло билан Тошкент ва Паркентда учрашади. У Хожанинг маслаҳату дуолари ёрдамида Самарқандни босиб олади ва Хожа Убайдуллони расмий равишда Самарқандга таклиф этади. Самарқанд шайхулисломи Хожа Мавлоно ибн Исомиддин бошчилигидаги руҳонийлар Хожа Убайдуллони саройга келганлигидан норози бўлишиб, уни камситишга ҳаракат қиладилар. Лекин Хожа Убайдулло ўзининг зукколиги билан улардан устун эканлигини намойиш этади ва тез орада “Хожа Аҳрор Валий” номини олиб, нафақат Мовароуннаҳрда, балки бошқа юртларда ҳам машхуру манзур бўлади.

Алишер Навоий ўзининг «Насойим ул-муҳаббат» асарида шундай ёзади: «...Ва сўнгралар Ҳазрати Хожага онча мукнат даст бердики, маълум эмаски, машойихдин ҳеч кимга ул даст берибтур ё йўқ. Мовароуннаҳр салотини ўзларини аларнинг муридзодалари ва маҳкуми ҳукми тутарлар эрди. Йўқки, ёлғуз Мовароуннаҳр салотини, балки Хуросон ва Ироқ ва Озарбайжон, ҳаттоки бир саридин Рум ва Мисргача ва бир саридин Хитой ва Ҳиндистонгача барча мулук ва салотин ўзларин Хожа-нинг маҳкуми ва маъмури фармони тутарлар эрди...»

Ҳазрати Хожа Аҳрор Валий Самарқандда диний фаолиятларидан ташқари, мамлакатнинг сиёсий ва ҳарбий ишларига ҳам халқ манфаати йўлида ижобий таъсирларини кўрсатиб келганлар. Масалан, 1454 йилда Хуросон ҳукмдори Абулқосим Бобур Самарқандга лашкар тортиб келганида Самарқанд подшоҳи Абусаид Мирзо ва сарой аъёнлари кўркувдан ўзларини йўқотиб, туяларга юкларини ортиб қочишни хаёл қилганларида, Хожа Аҳрор шаҳар ҳимоясини ўз қўлларига олади ва халқни душ-

манларга қарши сафарбар қилади. 1485 йилда эса Шохрухияда ўзаро урушаётган уч подшоҳни – Мирзо Султон Аҳмад, Мирзо Умаршайх ва Султон Маҳмудхонни яраштириб, халқ орасида обрўлари яна ҳам ошади. Ҳақиқатан ҳам, Мовароуннаҳрда тинчлик таянчи бўлган Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор Валий оддий фуқароларнинг ҳаётидан ҳам хабардор бўлиб турганлар. Хожа Аҳрор Мовароуннаҳрнинг ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий ҳаётида жуда катта таъсир кўрсатганлигига мисол қилиб, 1460-61 йилларда ул зотнинг илтимосига кўра, темурий ҳукмдор Абусаид Мирзо халқни жуда оғир «тамға» солиғидан озод қилганлигини келтириш мумкин. Яна эътиборингизга ул зоти муборакнинг ўз қўллари билан Хуросон подшоҳи Ҳусайн Бойқарога мактуб ёзиб, ноҳақ қамалган икки маҳбусни озод қилиш тўғрисидаги илтимосномаларини ҳавола қилмоқчимиз (ушбу илтимоснома Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик институтининг № 2178 рақамли Хожа Аҳрор мактублари жамланган альбомда 464-инвентар рақами билан сақланади). Мазмуни: «Сиздан ўтинчилтимосимиздан сўнг умид шулки, Дарвеш Муҳаммад ва Дарвеш Аҳмад Кўкалтошлар Мирзо Султон Маҳмуд (кейинчалик Мовароуннаҳр ҳукмдори бўлган) хизмати билан ўша ерда (Хуросонда, камокда) қолиб кетдилар. Бу ерда (Самарқандда) уларга тегишлилар (қариндош уруғлари) кўп зорланиб, бизфақирдан хат олдилар. Шу муддатда ўша ердан (яъни, Султон Ҳусайн Бойқаро ерларидан) бир киши келиб, илтимос қилиб айтдики: «Агар сен илтимос қилсанг, Ҳазрати салтанатшиор (Ҳусайн Бойқаро) уларни озод қилар эрди. Яна зарурат юзасидан илтимос қилурманки, хоотири шарифни тутиб, ул Ҳазрат уларни озод этсинларким, биз – фақир ҳам таскин топайлик, бу ташвишдан қутулайлик. Аниқки, агар иноят қилсалар, Ҳақтаолодан иноят топулар ва Муҳаммад саллоллоҳи алайҳи ва олиҳи васалламдан афв этмак раво бўлгандир. Омонлик ва хурмат тилаб, ал-фақир Убайдуллоҳ» (Таржима бизники. – К.К.).

Оддий халқ ташвиши билан яшаб, фаолият кўрсатган Ҳазрати Хожанинг ушбу мактублари ул зотнинг қандай инсон

бўлганликларини ойнадек кўрсатиб турибди.

Ўрта асрларда бирор шахснинг бойлиги Ҳазрати Хожанинг бойликларичалик кўп бўлганлиги тарихда учрамаган ва бирор шахс ул зотчалик бойлигини халқ манфаатига сарф этмаган. Тасаввуф тарихида ҳам бирор муршид ул зотчалик сиёсатга халқ манфаати йўлида кўшилмаган. Бирор муршид ул зот каби бир йўла уч подшоҳни яраштириб, урушнинг олдини олмаган. Дарҳақиқат, Ҳазрати Хожада буюклик ила камтарлик муҷассамлашгандир. Ўз халқига, ўз муридларига хизмат қилиш Ҳазратнинг қон-қонига сингиб кетган.

Хожа Ҳазратларининг ўзлари ҳам, хулқу атворлари ҳам жуда хушсурат ва гўзал бўлган. Тарихчи Абу Тоҳирхожа ибн Абу Саид Самарқандий ўзининг «Самария» китобида шундай ёзади: “Хожа Аҳрорнинг ўзига жалб қилувчи оҳанрабоси шу даражада кучли эдики, унинг ширинсухан суҳбатлари умрбод эсда қолади”.

Хожа Аҳрор Валий одамларни ром қилувчи нутқ ва ривоятларга, илми фикҳ ва рубоиётларга, Куръон тафсири ва ҳадисларга шу даражада бой бўлганларки, ўша давр олим ва тарихчилари мадрасани хатм қилмаган бу зотнинг баланд иқтидорини кўриб, “Худонинг унга берган инояти”, деб баҳолаганлар.

Хожа Аҳрорнинг ҳаёт йўллари ва фазилатларини баён қилувчи кўпгина тарихий асарлар орасида энг биринчилардан бўлиб ёзилган «Масмуот» («Эшитилган») асари ул зотнинг куёвлари ва издошлари Мир Абдулаввал Нишопурий томонидан XV аср охирларида битилган. Унда Хожа Аҳрорнинг юриш-туриши, фазилатлари, сўфийлик дунёқарашлари ҳақида сўз борган. Китобда Муҳаммад пайғамбар (с.а.в.) ва чаҳорёрлардан тортиб, Хожа Аҳрор Валий яшаган давргача етиб келган тасаввуф силсиласи сулуқларининг энг улуғ намояндалари фаолияти ҳамда Хожанинг замондошлари бўлган темурийлар сулоласи билан муносабатлари баён қилинган.

Хожа Аҳрорнинг улуғ халифалари Мавлоно Муҳаммад Қози ибн Бурҳониддин ўзининг «Силсилат ул-орифин ва тазкират ус-содиқин» («Донолар маънавий занжираси ва сиддиқлар

тазкираси») деб номланган асарда пирининг ҳаёти ва ижоди тарихини баён қилган. Бу асарда Хожа Аҳрорнинг наслу насаби, фаолияти, ёшлиги, фазилатлари ҳамда ирфоний- фалсафий мушоҳадалари ҳақида муфассал маълумотлар берилган.

Фаҳриддин Али ас-Сафийнинг «Рашаҳоту айнул-ҳаёт» («Ҳаёт чашмаларидан томчилар») асари 1504 йилда ёзилган бўлиб, муаллиф Хожанинг шахсан ўзлари билан бир неча маротаба суҳбат қуриб, кўп гапларни Хожанинг ўзларидан эшитиб ёзиб олган. Бу китобда Хожадан ташқари, ул зотнинг маънавий пиру устозлари ва шогирду издошлари фаолияти ҳақида ҳам мукамал ахборот берилган.

Хожа Аҳрор Валийнинг таржимаи ҳолидан ташқари, ул кишига тегишли мол-мулклари, дўсту яқинлари ҳақида эса Ҳазратнинг издошларидан бири – Мавлоно Шайх ўзининг «Маноқиб» («Фазилатлар») китобида айтиб ўтади.

Ҳазрати Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор ҳақларида юқоридаги муаллифлардан ташқари, яна Абдураззоқ Самарқандий, Мирхонд, Хондамир, Зайниддин Восифий, Бобур Мирзо ва бошқалар ўз асарларида қалам тебратганлар. Шу билан бирга, XVI асрдан бошлаб ёзилган барча маноқиб ва макомот туркумидаги тасаввуфий китобларда Ҳазрати Хожанинг фазилатлари, ибратомиз сўзлари ва фалсафий мушоҳадалари келтирилган. Замон муаллифлари ўз асарларида Ҳазрати Хожанинг жуда катта нуфузлари ва зукко билимлари ҳақида, туганмас мол-мулки бўлса-да, дарвешона ҳаёт кечиришларини ҳамда камбағалпарварликларини, подшоҳлар ҳадяси ва нарз-ниёзларни ўзларига олмай одамларга, мадрасаларга ва илмга сарфлаганликларини, ўзларига эса томорқада етиштирилган мева-сабзавотлардан тановул қилганликларини ёзишган. Чунки нақшбандия сулукининг бир рукни (рукн – устун, таянч) шундан иборатки, четдан келган нарсани емай, луқмани ҳалол-пок тутиб, Ҳақга етишишдир. Бундай фазилатлар ўша вақтлардаги пиру муршидларга хос бўлган.

Вақфномалардан бизга маълумки, Хожа Аҳрор Валий мадрасалар ва масжиди жомеларга катта-катта маблағлар ўтказганлар. Собиқ иттифоқ даври тарихшунослигида ай-

тилганидан фаркли ўларок, мадрасаларда нафақат диний, балки илми хайъат (астрономия), ҳандаса (геометрия), риёзиёт (математика), ал-жабр (алгебра), тиббиёт (медицина), фикх (хуқуқшунослик), мантиқ (логика), сарфу наҳв (морфология ва синтаксис) ва аруз каби аниқ ҳамда ижтимоий фанлар ҳам ўргатилган. Шаркнинг Ал-Бухорий, Ал-Мотуридий, Ал-Беруний, Ал-Фаробий, Ал-Хоразмий, Ибн Сино, Мирзо Улуғбек, Жомий ва Навоий каби буюк алломалари ҳам ўз вақтида шундай мадрасаларда илм олишган. Демак, Хожа Аҳрор Валий, ўзбек ва тожик қомусларида айтилганидек, маърифат душмани бўлмай, балки унинг равнақи учун бор маблағини аямаган ва уни ривожлантиришда улкан хизмат қилган буюк инсондир.

Самарқанд ҳоқими Аҳмад Ҳожибек ибни Султон Малик Кошғарий 860 (1455) йилда Хожа Аҳрор маблағи ҳисобидан Сўзангарон дарвозасига олиб борувчи кўчада икки қаватли мадраса қурдирган. Хожанинг боғи жойлашган Камангарон мавзеидаги Хожага қарашли ерлар шу мадраса фойдасига вақфга айлантирилган бўлган, ундан ташқари, Хожанинг маблағига яна «Масжиди Атторон» ҳам қурилган. XVI аср бошларида ушбу масжидга машхур адиб Восифий имомлик қилганлиги манбаларда зикр этилган.

Хожа Аҳрорнинг «Шайхзода» дарвозаси ёнида жуда катта ховлиси бўлса-да, уни бошқаларга фойдаланишга бериб, ўзи доим Хожа Кафшир мавзеида яшаган. Мовароуннаҳр тақдири подшоҳ саройида эмас, балки Хожа Аҳрорнинг ушбу турар жойи – Хожа Кафшир мавзеида ҳал қилинган, – деб ёзишган тарихчилар ҳақ эдилар.

ХОЖА АХРОР ВА МИРЗО УЛУҒБЕК МУАММОЛАРИ

Юқорида таъкидланганидек, собиқ иттифоқ даври тарих-шунослигида Хожа Аҳрор ва Мирзо Улуғбек муаммоси масаласида жуда кўп чалкашликларга йўл қўйилган. Ўнлаб йиллар давомида бу икки буюк зотларни бир-бирига қарши қўйиб келдилар. Қуйида шу ҳақда гап боради.

Авалло, шуни айтиш керакки, Хожа Аҳрор ва Мирзо Улуғбек учрашмаганлар! Хожа Аҳрор халққа танилгандан кейин, Самарқандга биринчи марта 1450 йилда келади (Самарқандга ўқишга келган 1427 йил эътиборга олинмайди. Зеро, бу вақтда у ёш йигитча бўлиб, ҳеч ким уни танимас ҳам эди. Чунки, шаҳардаги ўнлаб мадрасаларда ёш Хожа Убайдуллоҳ каби таълим олаётган юзлаб, балки минглаб муллаваччаларнинг подшоҳ Улуғбек билан шахсан таниш бўлганлиги гумондир). Мирзо Улуғбек эса Хожанинг расмий келишларидан бир йил илгари шаҳид этилган эди. Яъни Ҳазрати Хожа нафақат Мирзо Улуғбек, балки унинг ўғли Абдуллатифнинг ҳам шаҳид этилганидан кейин, ҳокимият Улуғбекнинг куёви ва жияни Абдулло Мирзо кўлига ўтган вақтдагина Самарқандга келадилар.

Шу далилнинг ўзи Ҳазрати Хожанинг Улуғбек фожиасига умуман алоқалари йўқлигини кўрсатади. Бу ҳолатнинг эса кейинги давр тарихчи олимлари назаридан четга қолганлиги кишини ажаблантиради. Бироқ ўшанда ҳам Абдулло мирзо Хожани ҳатто қабул қилмайди. Қизиғи шундаки, ўша вақтда Самарқанд шайхулисломи вазифасида ишлаган Хожа Мавлоно ибни Исомиддин бошчилигидаги руҳонийларнинг кўли баланд келиб, Хожа Аҳрорни Тошкентга қайтиб кетишга мажбур этганлар. Бу ҳам юқоридаги асосли ҳукми яна бир бор тасдиқлайди.

Савол туғилади: Мирзо Улуғбек ва ўғли ўртасидаги низоларнинг авж олишига сабабчи ким ҳамда бунда нақшбандия тариқати пирларининг қанчалик алоқаси бор?

Ота-бола (Улуғбек ва Абдулатиф) низоларини авж олдирган ва Улуғбек мирзонинг шаҳид бўлишига сабабчи мутасаввиф шахс ҳақиқатан ҳам тарихда бўлган. Лекин тарихчи ва олим-

ларимиз яқин орагача бу шахсни Хожа Аҳрор деб нотўғри талқин қилишган. Аслида бу шахс Мавлоно Низомиддин Хомушдир! Бизнингча, ўз вақтида Хожа Аҳрорни Улуғбекнинг шаҳид бўлиш тарихига тиқиштирган олимлар қадимий қўлёзмаларнинг фақатгина «Хожа Аҳрор» деган бобларини ўқиб, бошқа бобларни, жумладан, «Мавлоно Низомиддин Хомуш» бобини, умуман, ўқимай, ташлаб кетган бўлсалар керак. Акс ҳолда, бу муаммога жавобни ўша заҳотиёқ топишган бўлардилар. Ваҳоланки, қадимий қўлёзмаларда, масалан, XVI асрнинг машҳур ва илмий аҳамиятга молик асарларидан ҳисобланмиш Ас-Сафийнинг «Рашаҳоту айн ул-хаёт» асарида Улуғбекнинг шаҳид бўлишига Мавлоно Низомиддин Хомуш сабаб бўлганлиги қатъий таъкидланган.

Мирзо Улуғбек ва Мавлоно Низомиддин Хомуш ўрталаридаги адоват на диний-ақидавий ва на илмий-тариқатий характерда бўлиб, фақатгина шахсий хусуматдан бошқа нарса бўлмаган. Ўша вақтда Самарқанд шайхулисломи Хожа Мавлоно Исомиддин бўлиб, у Мавлоно Низомиддин Хомушни Улуғбекка ёмонлаб, унинг устидан кўп иғволар ёғдирган (Хожа Мавлоно Исомиддиннинг ўғли – Мавлоно Бурҳониддин ҳам отаси ўрнига Самарқанд шайхулисломи бўлгандан сўнг, унинг Хожа Аҳрор Валий устидан кўп иғволар қилиб турганлигини, ҳали унчалик машҳур бўлмаган нақшбандия тариқати арбобларига қараганда шариат арбобларининг подшоҳлар наздида нуфузлари ортиқ бўлганлигини кўрсатмоқда; нақшбандия тариқатини энг буюк даври – Хожа Аҳрор номлари билан боғлиқ даври ҳали олдинда эди).

Шайхулисом Мавлоно Исомиддиннинг иғволарига ишонган Мирзо Улуғбек Мавлоно Низомиддин Хомушни Боғимайдондаги саройига олиб келишни буюради. Навкарлар Мавлонони уйдан бош яланг чиқаришиб, шаҳарликлар кўз ўнгида саройга ҳурматсизларча олиб келишади. Хожа Баҳоуддин Нақшбанднинг бевосита халифаси ва тариқатнинг Самарқанддаги пиру муршидини бу аҳволда кўрган шаҳарлик хосу авом ва бою камбағалларнинг жуда ғазабланганлиги шубҳасиздир.

Бош яланг ҳолда ерда ўтирган муршид ёнидан Мирзо Улуғбек ўтар экан, ғазабли оҳангда Мавлонога аччиқ сўзлар айтади. Бунга жавобан Мавлоно Хомуш дейдилар: «Айтганларингнинг ҳаммасига жавоб бир калима сўздир: мен мусулмонман, ишонсанг хўб, агар ишонмасанг, кўнглинг не истаса, шуни қил». Бу сўзлардан қаттиқ таъсирланган Мирзо Улуғбек Мавлонони қўйиб юборади. Бу икки зот ораларида адоват шу тарзда пайдо бўлган.

«Рашаҳоту айн ул-хаёт» китобидан бизга керакли кейинги воқеаларни айнан келтирамиз: «Баъд аз ин беодоби ба Мирзо Улуғбек шикаст ва ташвиши бисёр расид ва дар он зуди писари вай Абдуллатиф Мирзо омаду вайро бикушт». Таржимаси: «(Улуғбекнинг Мавлоно Хомушни) беодабона камситишларидан кейин Мирзо Улуғбекка кўп ташвиш ва шикастлар етказилди ҳамда тез фурсатда ўғли Абдулатиф мирзо (тахтга) келиб, уни (Улуғбекни) қатл эттирди». Кўринадики, шу воқеа сабаб Мавлоно Низомиддин Хомуш Мирзо Улуғбекка «кўп ташвиш ва шикастлар етказган». Бу ташвиш ва шикастлар нималардан иборат эди? Аввало Абдуллатиф отасига қарши қўйилди; иккинчидан, Улуғбек Абдуллатифдан мағлубиятга учрагач, Самарқанд ва Шохрухияга киритилмади; учинчидан, Улуғбек тахтдан воз кечишга мажбур этилди ва, ниҳоят, ўғлининг хайрихоҳлигида Аббос томонидан қатл этилди. Бу каби ҳолатлар «Рашаҳот» китобида ўзининг аниқ ифодасини топган.

«Рашаҳот» китобида келтирилган маълумотларни муаллиф Хожа Аҳрорнинг ўзларидан эшитиб, китобда қайд қилганлиги ҳам диққатга сазавордир. Бу Хожанинг Улуғбек фожиасига умуман алоқалари йўқлигини яна бир қарра тасдиқлайди.

Мавлоно Низомиддин Хомуш замонасининг обрўли зотларидан бўлиб, кейинчалик Хожа Аҳрор ул киши билан бир неча бор суҳбатлар қургани ва ул зотни пир каби жуда ҳурмат қилганлари ҳақида бошқа муаллифлар қатори Алишер Навоий ҳам ўзининг «Насойим ул-муҳаббат» асарида ёзган.

Хожа Аҳрор ва Улуғбек муаммоларини биринчилардан бўлиб нотўғри талқин қилганлардан академик Бартольддир.

Унинг таъкидлашича, «Ўн бешинчи аср Ўрта Осиё учун икки дунёқарашнинг кураш замони бўлди. Бу дунёқарашлардан бирининг намояндаси Темурнинг невараси – Улуғбек бўлиб, ўтмишда Темурнинг пойтахти – Самарқандда ҳукмронлик қилди. Иккинчи дунёқарашнинг намояндаси нақшбандийлар бошлиғи Хожа Аҳрор бўлиб, Улуғбек ўлиmidан сўнг икки йил ўтгач, ўзининг диний обрўсини ишга солиб, сиёсий ҳокимиятни ўз кўлига олди ва уни Темурнинг ҳақиқий ҳамда сохта авлодлари вакиллари орқали идора қилди». Кўриб турганимиздек, Бартольднинг сўзларидан бу икки шахс бир-бирига қарши кураш олиб борган, деган хулоса чиқарилган.

Шу ерда эътиборингизни яна Бартольднинг охириги, яъни «Хожа Аҳрор... Темурнинг ҳақиқий ҳамда сохта авлодлари вакиллари орқали идора қилди» жумласига тортамыз. Биринчидан, Хожа Аҳрорнинг Самарқандда ўтган фаолияти даврида фақатгина икки подшоҳ – Абусаид Мирзо (ҳукмронлиги 1451-1469 йиллар) ва унинг ўғли Аҳмад Мирзо (ҳукмронлиги 1469-1494 йиллар) ҳукмронлик қилган ва иккинчидан, ушбу иккала подшоҳ ҳам Мироншоҳ ибн Амир Темурнинг неваралари бўлиб, уларнинг ҳақиқий темурийлардан эканлигига ҳеч шубҳа йўқдир.

Бартольднинг ана шунақа фикрлари рус ва ўзбек олимлари, ёзувчилари томонидан яна ҳам «айлантирилиб» давом эттирилди. Жумладан, Қори Ниёзий ўзининг «Улуғбек ва унинг астрономик мактаби» номли асарида, Максуд Шайхзода ўзининг «Мирзо Улуғбек» трагедиясида, ўша давр тарихчи ҳамда адиблари ҳам ўз ёзишмаларида шунақа хато фикрларга асосланиб, Хожа Ҳазратларини Мирзо Улуғбек ўлимига айбдор қилиб кўрсатишган ва бу «жонбозликлар»да рус олимларини ҳам орқада қолдириб кетишган. Балки, бу ишлар совет тузуми таъсири ва тазйиқида қилинган бўлиши мумкин. Регистон мажмуаси раҳбари Қурбон Ҳасановнинг бизга ҳикоя қилишларича, Қори Ниёзий ҳар йили Мирзо Улуғбек туғилган санада Самарқандда келиб, расадхонани зиёрат қилиш билан нишонлар экан (у вақтда Қ.Ҳасанов Улуғбек расадхонаси музейининг раҳбари бўлган экан). Ана шу учрашувларнинг би-

рида Қ.Ниёзий надомат билан Мирзо Улуғбек ва Хожа Аҳрор можароси рус олимлари томонидан сунъий равишда киритилганлигини афсусланиб айтган экан.

Баъзи бошқа юртдош олимларимиз эса, гарчи Хожани Улуғбек ўлимида айбламасалар-да, ул зотни «реакционер ва маърифат душмани» сифатида халққа кўрсатишлари эса, юқоридагидек, балки унга қараганда икки карра ортиқроқ жонбозлик кўрсатиш, деган гапдир.

А.Н.Болдирев, Аълохон Афсаҳзод каби рус, тожик ва бошқа юрт тарихчилари мустабид тузум даврида ҳам Хожа Аҳрор Валий тўғрисида ҳақиқатни ёзишга ҳаракат қилишган бўлсалар, айна ўша даврда юртдошларимиздан баъзилари Ҳазрати Хожани «тараққиёт душмани ва Улуғбекка қарши чиққан шахс», деб китобларига, мақолаларига ёзган эдилар. Атиги 25-30 йил илгари Ҳазрати Хожани «реакцион шахс», деб ўз асарларида ёзишганларнинг баъзилари ҳозир Хожа ҳақларида оғиз кўпиртириб ёзмоқдалар!? Ҳолбуки, академик Иброҳим Мўминов ўша пайтларда ҳам Амир Темур ҳақида ҳақиқатни айта олган эди.

Ҳазрати Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор Валийдек буюк маърифатпарвар ва халқпарвар инсонни жоҳил одамга айлантириб, Мирзо Улуғбекнинг ўлимида айблаш катта гуноҳ ва бу тарихимизнинг ҳолисона ўрганилмаганлиги оқибатидир.

УЛУҒБЕК ФОЖИАСИ САБАБЧИЛАРИ

“Дин – афюндир”, дея қораланиб келинган даврда қадимий қўлёзма китоблардан фойдаланиш маҳаллий олимларнинг ўз бўйниларини сиртмоқ солишдек гап эди. Ушбу қўлёмалардан кўр-кўрона, бир томонлама фойдаланиш ҳуқуқи эса рус ва яҳудий тарихчи-шарқшунос олимларга бериб қўйилган эди. Натижада, маҳаллий олимлар ва ижодкор адиллар билиб-билмай тарихимизни сохталаштиришда улардан ўрнак олдилар. Мирзо Улуғбекнинг шаҳид бўлишига ҳам, юқоридаги олимларнинг саъй-ҳаракатлари натижасида ислом дини ҳамда тасаввуфнинг улуғ намояндаларидан бўлган Хожа Аҳрор Валийни айбдор қилиб кўрсатганлар. Яъни Мирзо Улуғбек расадхонасининг вайрон бўлишида ислом динини, ўзининг шаҳид бўлишида эса

Ҳазрати Хожа Ахрорни сабабчи қилиб кўрсатишган ёки уни салкам даҳрийга айлантириб қўйишган.

Авалло шуни айтиш керакки, Мирзо Улуғбек ва Хожа Ахрор Валий, умуман, учрашишмаган ёки улар Хожа муршидлик даражасига етганларидан сўнг учрашишмаган (бу масаланинг аввалги бобда батафсил баён этилгани боис, у ҳақда бу ерда тўхтамаймиз).

Иккинчидан, нима учундир баъзи китобларда Улуғбекнинг шаҳид бўлиш сабабини унинг расадхонасига, мунажжим-астрономлигига ва, умуман, илми ҳайъат билан шуғулланишига боғлашади. Яъни Мирзонинг ўлдирилиши асосий сабабларидан бири, унинг юлдузларни кузатиши бўлган ва бу ислом динига тўғри келмаган, деб даъво қилинади.

Мирзо Улуғбек ҳеч қачон ғайридин бўлмаган, бинобарин, у беш вақт намозни қанда қилмаган. Аксинча, унинг мадрасаларда дарс берганлиги ҳамда ўзининг нужум ва тарихга оид асарларида ислом дини ва ақидасини ҳимоя этганлиги тарихдан маълум. Унинг нужумга оид «Зижи Кўрагоний» китоби диний мунажжимлик нуқтаи назаридан ёзилган. Ўша даврларда мунажжимлар юлдуз туркумларини 12 буржга бўлиб ўрганишган. Мусулмон оламида Улуғбекдан илгари ҳам расадхоналар қуришган ва юлдузларни кузатишган. Масалан, ўз вақтида мусулмон дунёсининг маркази бўлган Бағдоднинг Ал-Маъмун расадхонасида Ал-Хоразмий (780-899), Исфаҳон расадхонасида Умар Хайём (1040-1123), Мароға расадхонасида Носириддин Тусий (1201-1274) каби алломалар фаолият кўрсатишган. Ҳатто, Амир Темур ҳам мунажжимлар дарак берган саодатли кунда Самарқанд масжиди жомесидек ислом уйини қуришга илк пойдеворни қўйдирган. Бундан: Улуғбекнинг илмий мунажжимлик фаолияти ва расадхонаси унинг ўлимига сабаб бўла олмайди, деган хулоса чиқади.

Тарихчи Абдураззоқ Самарқандий ўзининг «Матлаъ усаъдайн ва мажмаъ ул-бахрайн» («Икки саодатли юлдузларнинг ярқираши ва икки денгизнинг қўшилиши») номли асарида ёзишича, «Илму фанлар бўйича етарли насиба ва тўлиқ сармоя эгаси бўлган Мирзо Улуғбек, замон Афлотуни Мавлоно

Салоҳиддин Мусо Қозизодаи Румий, ўзи тарбиялаб иноят билан «фарзандим», деб атагани даврон Батлимуси бўлмиш Мавлоно Алоуддин Али Қушчи, бу икки донишманд тадқиқотчи Самарқандда муқим яшар эди ҳамда Кошондан Самарқандга келтиргани улуғ Мавлоно Ғиёсиддин Жамшид ва ҳурматли Мавлоно Муиниддинлар каби барча илмлар билимдонларини Самарқандга таклиф қилди».

Сегаётган бўлсангиз, муаллиф ўзининг 1367–1470 йилларда, яъни Хожа Аҳрорнинг Мовароуннаҳрдаги фаолиятларининг айна қизиган вақтида ёзилган китобида Улуғбекнинг ўзини ҳам, касбу кори ва устозу шогирдларини ҳам мақтаб ёзаётир. Агар Хожа Аҳрор ёки ислом дини Улуғбекнинг ишларига қарши бўлганда, муаллиф бу сўзларни ёзишга журъат этмаган бўлар эди.

Яна бир қизиқ ҳолат шундан иборатки, Хожа Аҳрор қурдирган ва Сўзангарон кўчасида жойлашган мадрасанинг жанубий деворига чегарадош бўлган ҳовли Улуғбекнинг энг яқин шогирди Али Қушчига тегишли бўлган. Мавлоно Абдурахмони Жомий хатларининг ўрганиш шуни кўрсатадики, Али Қушчи 1471 йилгача, яъни Мирзо Улуғбек шаҳид бўлгандан кейинги ўтган 22 йил вақт мобайнида Самарқандда турибгина эмас, балки Хожа Аҳрор қурдирган мадрасанинг ёнгинасидаги уйда тинчгина яшаган. Ваҳоланки, XX аср охирилари тарихшунослигида Улуғбек расадхонаси Хожанинг фатвоси билан вайрон этилиб, унинг шогирди Али Қушчи эса ўша йилиёқ шаҳардан қувилган, деган фикрлар ҳукм суради. Ҳолбуки, Улуғбек ўлимидан ярим аср вақт ўтгач, Самарқандга келган Бобур мирзо «уч ошёналик расадхона» ўз кўзи билан кўрган.

XVII аср охири ва XVIII аср бошларида рўй берган «Самарқанд вайроналиклари» давригача расадхона қад кўтариб турган. Али Қушчининг расадхонада Самарқанддан кўчиб кетганига қадар ишлаганлиги эҳтимолга жуда яқиндир. Агар, Али Қушчидек ўз касбининг фидойиси бўлган алломага 22 йил давомида ўзи ёқтирган ишларини бажаришга имконият бермаган бўлсалар, шунча йил Самарқандда яшаган бўлармиди?!

Ота-бола Мирзо Улуғбек ва Абдуллатиф ўртасида низолар-

ни авж олдирган шахс тарихдан маълум. Бу Мавлоно Низомиддин Хомуш эканлиги юқорида таъкидланди.

Тарихга ҳақиқат назари билан қарайдиган бўлсак, Мавлоно Низомиддин Хомушнинг Мирзо Улуғбек билан адоватда бўлиши пишиб етилган воқеаларни тезлаштирди, холос. Мирзонинг ўлдирилишига асосий сабаблардан бири – бу сиёсий важ, тожу тахт учун курашидир. Буни тушуниш учун тарихга мурожаат этамиз. Маълумки, Амир Темур Кўрагон ўзининг валиаҳди бўлган невараси Муҳаммад Султоннинг бевакт ўлими муносабати билан ўзига бошқа ворисни бутун халққа эълон қилишга улгурмай вафот этади (охирги дақиқаларда тайинланган Пир Муҳаммад Мирзони темурийлар тан олмади). Курашлар натижасида Халил Султон оз вақт тахтни эгаллаб турганидан сўнг, Амир Темурнинг кенжа ўғли Шохрух Мирзо ҳокимиятни тўла эгаллайди. Кейинчалик Шохрух мирзонинг вафоти ҳам отаси соҳибқирон Темур вафоти каби чалкашликларга олиб келади. Шохрухнинг ўзи невараси Абдуллатифни (Улуғбекнинг ўғлини) жуда яхши кўриб, уни ворис этиш ниятида эди. Шохрухнинг хотини Гавҳаршодбегим эса давлат ишларига аралашиб, унинг бошқа неварасини – Алоуддавла ибн Бойсунғурни тахтга ўтказмоқчи бўлади.

Иброҳим, Бойсунғур, Жўки ва Суюрғатмиш каби биродарлари вафот этган Улуғбек Мирзо эса ўзини ягона валиаҳд деб хисобларди.

Тарихчи Абдураззоқ Самарқандий ўзининг «Матлаъ ус-саъдайн» асарида ёзишича, 850 ҳижрий йилнинг 25-зулҳижжасига ўтар кечаси (1447 йил 12 март) Шохрух Мирзонинг аҳволи ёмонлашади. Унинг вазирлари Хожа Ғиёсиддин Пир Аҳмад Хавофий ва Хожа Шамсиддин Самнонийлар Абдуллатифнинг олдига келиб, марҳум Шохрухнинг кўрсатмасига биноан ёрликқа муҳр босишган (яъни «Ба ҳузури шахзода Абдуллатиф илтижо намудаанд ва бо дастури замони ҳокони марҳум дар девон муҳр заданд»).

Кўриниб турибдики, жон таслим қилаётган Шохрух Мирзо вазирларини Абдуллатиф ҳузурида, кўз олдида девон ёрлиғига унинг валиаҳд эканлиги ҳақида муҳр босишларини амр этган.

Лекин Шохрух Мирзо вафот этгач, унинг уч невараси – Алоуддавла, Абдуллатиф ва Абулқосим Бобурлар ўзаро тахт талашадилар. Бу урушларга Улуғбек Мирзо ҳам қўшилади. Тахтнинг барча даъвогарларидан кўра, унинг даъвоси ҳақлироқ эди, чунки у Шохрухга ўғил, бошқа даъвогарлар эса набиралар эдилар. Улуғбек Мирзо ўғли Абдуллатиф билан бирлашиб, Алоуддаврани Ҳиротдан қочишга мажбур этадилар ва Шохрух пойтахтини эгаллашади. Лекин кўп ўтмай Абдуллатиф жияни Абулқосим Бобур билан тил бириктириб, отаси Улуғбек Мирзога қарши юриш бошлайди.

Не сабабдан ўғил отасига душман бўлди?

Мирзо Улуғбекнинг Абдуллатифдан ташқари, яна Абдулло (1420 йил туғилган), Абдурахмон (1424 йил туғилган) ва Абдулазиз деган уч ўғли бор эди. Лекин Абдулло ва Абдурахмон ёшлик вақтларида вафот этганлар. Фарзандлари номини абадийлаштириш учун Мирзо Улуғбек улар номидан обидалар, иншоотлар қурдиради. Масалан, шахзода Абдулло номидан кигиз бозорида мадраса ва Сиёб дарёси устида кўприк қурдирган. Шахзода Абдулазиз номидан ҳам Шохизинда мақбарасига кираверишдаги бош пештокни қурдирган ва ҳоказо. Бироқ Абдуллатиф номидан бирор обида қурдирганлиги манбаларда келтирилмаган. Бундан ташқари, Алоуддавла устидан қозонилган ғалаба ёрлиғи ҳам кенжа ўғли Абдулазиз номига ёзилади ҳамда Ихтиёриддин қалъасидаги (Абдуллатиф уни ўзиники ҳисоблаган) ўлжа ҳам давлат хазинаси ихтиёрига ўтказилади. Адоватни бошлаб берган ушбу сабаблар билан бирга, Абдуллатифнинг тахтга ўтириш иштиёкида ёниши ҳамда Мирзо Улуғбекка қарши бўлган Мавлоно Низомиддин Хомуш бошчилигидаги шахсларнинг уринишлари туфайли ота-бола ўртасига нифоқ солинган. Натижада Самарқанд чеккасидаги “Дамашк” деб аталган мавзеда Абдуллатиф отаси Мирзо Улуғбек устидан ғалаба қозонади. Қолган аскарлари билан Самарқандга чекинган Улуғбекни шаҳар дарвозасидан киритмайдилар. Албатта, бу ишда Самарқандда мавқеи улуғ бўлган Мавлоно Низомиддин Хомушнинг кўли борлиги кўриниб турибди. Негаки, Улуғбекдек 40 йил ҳукм сурган подшоҳни пойтахтга киритмасликка ҳеч бир амирда журъат топилмас эди. Ғалаба қозонган

Абдуллатиф ҳали-вери шаҳарга етиб келмаган эди. Шак-шубҳа йўқки, бу ишга журъат қилган киши, «Рашаҳот»да ёзилганидек, нақшбандия тариқати муршиди Мавлоно Низомиддин Хомуш эди. Фақат ул зотгина шаҳар дарвозаларини ҳали тахтдан туширилмаган подшоҳ қаршисида ёптира олишдек салоҳиятга эга эди.

Кейинчалик Шохрухия қалъасига ҳам киритилмаган Мирзо Улуғбек тахтдан воз кечади ва Маккаи мукаррама ҳажини ихтиёр этади. 1449 йилнинг 25 октябрида “Аббос” исмли саркарда Самарқанд шаҳридан ҳажга йўл олган олим-подшоҳ Мирзо Улуғбекнинг бошини танасидан жудо этади.

Падаркуш Абдуллатиф ҳукмдор сифатида бу ишнинг олдини олиши мумкин эди. Унинг бу жирканч ишини ҳеч нарса билан оқлаб бўлмайди.

Мирзо Улуғбек шаҳид этилган мавзе Самарқанд шаҳрининг чеккасида жойлашганлиги ҳақида баъзи манбаларда ёзилган. Лекин бу мавзенинг аниқ ўрни ҳозиргача номаълум бўлиб қолди. «Равзат ус-сафо» асарининг муаллифи Мирхонд «бу воқеа Самарқанд чеккасидаги «Оби Суж» ариғи бўйида бўлган эди», деб ёзади; «Таърих» асарининг муаллифи Шох Маҳмуд Чарос ибн Мирзо Фозил эса бу ариғни «Оби Сўх» деб атайди. Мавзе номининг бундай чалкашиб кетишига, бизнингча, бу асарларни кўчирган хаттотлар сабабчи бўлишган, кўринади.

Улуғбек Мирзонинг айнан қайси мавзёда қатл этилгани тарихчилар оламини кизиктирса керак. Бизнингча, (бунга аминмиз) Самарқанд шаҳрининг шимол томонида жойлашган Боғи Майдон қишлоғида ушбу воқеа рўй берган. Бу ҳақда алоҳида китобда гапириш ниятимиз ҳам бор.

Хулоса қилиб айтганда, Мирзо Улуғбекнинг шаҳид бўлишига ислом дини ҳам, Хожа Аҳрор Валий ҳам сабабчи эмас. Фожиа фақатгина унинг тариқат муршиди билан шахсий адовати ва ота-болаларнинг ўзаро тахт талашувлари натижасидир. Шундай экан, тарихий манбалардаги бу чалкашликларни олиб ташлаш вақти етди.

ХОЖА АХРОР ХОНАҚОҲИ, ҚАБРТОШИ ВА МАДРАСА

Ҳазрати Хожа Аҳроп Валий 895 ҳижрий (1490) йилнинг ражаб ойида шанбага ўтар кечаси Камангарондаги ўз боғларида вафот этадилар. Ул зотнинг муборак жасадларини Хожа Кафшир (ҳозирги Хожа Аҳроп) мавзеига келтириб, катта ҳовуз ёнидаги тепаликка дафн этишади. Кейинроқ оқ мармар билан тўртбурчаксимон дахма тарзида қайта куришади.

Ушбу сатрлар муаллифи Ўзбекистон Фанлар академияси тизимида 1998-1999 йилларда «Самарқанд қабристонлари қабртошларидаги эпиграфик ёзувлар таҳлили» номли Грант раҳбари бўлган кезларимда ушбу зиёратгоҳдаги барча қабртош ёзувларини таҳлил қилган эдик. Бунгача, 1991 йилда «Гулистон» журналида Хожа қабртошида ёзилган шажараларига доир қисмини илк марта эълон қилдирган эдик.

Ҳазрати Хожа Аҳроп Валий туғилганлари санасининг 600 йиллигига ўтказиладиган анжуман муносабати билан қабристондаги қабртошлар ёзувларига бағишланган маҳсус асар тайёрланаётганлиги сабабли биз бу ерда фақат энг катта ва ёзуви кўп, илмий аҳамиятга молик қабртош ҳисобланган Ҳазрати Хожа Аҳроп Валийнинг ўзларига тегишли мармар қабртошнинг асл ёзувини ва таржимасини келтирамиз (Қабртош ёзувлари рус шарқшунос олими Семёнов мақоласидаги тиниқ олинган фотосуратдан ўқилди)¹. Қабртош ёзувлари илк марта тўла ҳолда тадқиқ ва чоп этилмоқда. Ҳозирга келиб, қабртошдаги ёзувларнинг баъзилари табиат таъсиридан ўқилиши мураккаблашган.

Ҳазрати Хожа Аҳроп Валийнинг қабртошлари юртимиздаги энг катта ва нақшин ёзувларга бой мармартошдир. Куйида ушбу ёзувлар таҳлилига ўтамиз. Қабртошнинг баландлиги тахминан икки метр, эни 70 см. ва қалинлиги 20 см. атрофида бўлиб, четлари ҳамда ўртасида уч қисмдан иборат юқори хатотлик услубидаги кошиний ёзувлар мавжуд. Аввало, қабртош ўртасида битилган ёзувлар таржимасини кўриб чиқсак.

¹ «Справоч. книж. по Самаркандской обл.» китобида ҳам факсимильеси келтирилган.

ХОЖА АХРОР ҚАБРТОШИНИНГ ЎРТА ҚИСМ ЁЗУВЛАРИ

من الملك اليوم لله الواحد القهار

هذه روضة استراضت من الأنهار السَّبَّوحِيَّةِ
وَجَنَّةٌ اسْتَجَّتْ بِجَنَّةِ الْأَنْوَارِ الْقُدْسِيَّةِ ارْتاحَ اللهُ لِصَاحِبِهَا بَعْدَ
مَا أَراحَ وَابْتَغَى رِيحَانَ اللهِ فِي الصَّبَاحِ وَالرَّوَّاحِ وَأَراحَ
رُوحَهُ الْمَلِكِ الْعَلِيمِ فَرُوحَ وَرِيحَانَ وَحَمَّةَ نَعِيمٍ وَهُوَ الَّذِي جَعَلَ
مِزْرَعَةَ الدُّنْيَا ذَرِيْعَةً لِمِزْيَادَةِ حَرْثِ الْآخِرَةِ وَأَسْبَغَ عَلَيْهِ نِعْمَهُ الظَّاهِرَةَ
وَالْبَاطِنَةَ بِشَرْنَا رَسُولَ اللهِ بِظُهُورِهِ فِي آخِرِ الزَّمَانِ مِنْ عِذَةِ الْبِلَادِ وَهُوَ مِمَّكَ
لَأَلِ مُحَمَّدٍ عَلَيْهِ السَّلَامُ إِلَى يَوْمِ التَّنَادِ لَمَّا رَوَى عَلَيٌّ عَنْهُ بِمَحْرَمِ رَجُلٍ مِنْ وَرَاءِ
النَّهْرِ يُقَالُ لَهُ الْحَارِثُ حَزَاتُ الْحَدِيثِ وَلَهُ كِرَامَاتٌ ظَاهِرَةٌ وَمَقَامَاتٌ
بَاهِرَةٌ فَمَنْ جَلَّتْهَا أَنْ عُلِيَاءَ الزَّمَانِ وَفَضْلَاءَ الْأَوَانِ كَانُوا مُتَجَبِّرِينَ فِي
مَجَالِسِهِ الْعُلَمِيَّةِ لِقَلْبَتِهِ عَلَيْهِمُ فِي الْعِلْمِ الْعَقْلِيَّةِ وَالنَّفْطِيَّةِ وَمِنْهَا أَنَّ
سُلَاطِينَ الْأَطْرَافِ وَخَوَاقِينَ الْأَكْنَائِ شَرْقًا وَغَرْبًا وَبَعْدًا وَقُرْبًا وَضَعُوا
رَأْسَ التَّسْلِيمِ عَلَى خَطِّهِ الشَّرِيفِ وَجَبْهَتِهِمْ عَلَى سَدِّ بَابِهِ الْمُنِيفِ فَسَكَنَتْ
الْفِتْنُ بِمَحْرَمَةِ قَلْبِهِ وَارْتَفَعَتْ الْحَمْنُ بِبِرْكَةِ قَدَمِهِ وَهُوَ مَعَ هَذَا الْمَسْبُوبِ فِي
غَايَةِ عُلُوِّ النَّسَبِ وَطَرِيقِ مَشَايِخِ سُلْسَلَةِ الذَّهَبِ وَأَنَّ مِنْ جَانِبِ الْأَبَاءِ صَدِيقٍ
فِي الْإِنْتِسَابِ وَمِنْ جَانِبِ الْأُمَّهَاتِ مُنْتَسِبٍ إِلَى عَمْرِيْنَ الْحَطَّابِ مَعَ نِسْبَةِ
بَعْضِ الْأُمَّهَاتِ إِلَى السَّادَاتِ فَلَمَّا فَاضَتْ نَفْسُهُ الْعَزِيزُ وَفَاضَ خَبْرُ فَيْضِهِ وَفَاضَتْ
الدَّمْعُ كَالْفَيْضِ فَاضَ عَلَى بَعْضِ الْعَارِقِينَ تَارِيْعَهُ مِنْ فَيْضِهِ فَقَالَ

بهشتتصد (1) ونسود وپنج درشب شنبه * كه بسود ساخ مه فوت احد مريل
كشيد خواجه دنيا ودين عبید الله * شراب صافی عیش ابد زجام اجل
فرارگاه دلش بساد در مدارج قرب * معارج درجات مشاهد كحل
يقين (2) كه تا ابد آثار او بخواد ماند * چو او صحیفه لوح وجود شد رازل

I. Қабртошнинг юқори қисмидаги кошиний нақшли куббалар устида муҳаққак ва райҳоний хатлар услубида: «Ло илаҳа иллоллоху Муҳаммад ар-расулуллох» деб калимаси келтирилган.

II. Қабртошнинг ўрта қисмидаги Хожага тегишли асосий ёзувлар кошиний кубба тагида жойлашган бўлиб, унда райҳоний услубда, араб тилида Қуръон ва ҳадислар ҳамда Хожанинг насаб силсилалари (шажаралари) битилган. Ёзувлар 21 қатордан иборат (17 қатори арабий насрда, 4 қатори эса форсий қасида) бўлиб, улар таржимаси қуйидагича: «Ушбу, мусаффо анҳорлардан қондирилган равза (яъни, қабр) ва муқаддас нур каби чарақлаган боғ (бўлиб); Оллоҳ унинг (қабрнинг) эгасига, эртаю кеч илоҳий раҳмат излагани учун (вафотидан сўнг) раҳматларини ёғдирсин; унинг руҳини билгувчи Подшоҳ (яъни, Оллоҳ) тинчлантирсин ва (унинг жойи) «Роҳат-фароғат, гўзал ризқ ва ноз-неъматли жаннат бордир!» (Қуръон. 56-сура, 89-оят) да бўлсин; У шундайким, ушбу дунё экинзорида қилинган меҳнат ҳосилини нариги – абадий дунёда ортиғи билан ўриб олади; Ва (Оллоҳ) унга (Хожа Аҳрорга) Ўзининг зоҳирий ва ботиний неъматларини сочғандир; Оллоҳнинг элчиси (яъни, пайғамбар) унинг (яъни, Хожа Аҳрорнинг) «охирзамонда» ушбу билодлардан (шаҳарлардан) зухур этиши (пайдо бўлиши) ҳақида хушхабар берган эдилар ва Муҳаммад алайҳиссалом авлодидан қиёматга қадар (ҳокимиятни қўлга) олиши мумкин, чунонким, Али (р.а.) ул зотнинг сўзларидан (ҳадисларидан) айтди: «Дарё ортидан бир киши чиқади ва унинг номи ал-Ҳорис бўлиб, у (исломий) экин экувчидир» ва давоми ҳадис бўйича охиригача; Унга (Хожа Аҳрорга) зоҳирий каромотлар ва боҳирий (аниқ, равшан) мақомотлар мавжуддир. Жумладан, замон уламолари ва даврон фузалолари у билан илмий суҳбат қилишганларида, ақлий ва нақлий илмлар борасида улардан устунлигини кўриб хайратланар эдилар; Ва яна, узоқ-яқиннинг атрофу акнофидан, Шарку Фарбидан бўлган султон ва ҳоқонлар унинг (Хожа Аҳрорнинг) хат ва ҳукмлари олдида иродат бошларини таслим қилиб, ерга эгишар ҳамда пешоналарини унинг юқори эшиги остонасига суртар эдилар;

Ул зот қаламининг бир ҳаракатидан ва пойқадамининг баракатидан балову бузғунчиликлар тўхтатилар эди; Шунингдек, ҳасабу хизматлари ҳамда насаби ғоят улуғ бўлгани билан, яна машойихларга тариқатий уланиши «Силсилаи заҳаб» (Олтин силсила)да эди; Ва ота томонидан Сиддикий (биринчи халифа Абу Бакр Сиддикга), она томонидан эса интисоби Умар бин ал-Хаттобга (иккинчи халифа) бориб етади ҳамда она томонидан баъзи боболари сайидлардан эди. Қачонки, унинг (Хожа Ахрорнинг) азиз нафаси (танасидан) ажралиб, вафоти ҳақида хабарлар тарқалганида, кўз ёшлар дарё бўлиб оқди ва баъзи орифлардан бири унинг вафоти тарихини فيضه «файза» ($\text{ف} = 80$) + ($\text{ب} = 10$) + ($\text{ض} = 800$) + ($\text{ه} = 5$) сўзидан чиқарди (жами 895 санасига, яъни Хожанинг вафот этган йилларига тўғри келади, К.К.) ва деди:

Ба ҳаштсаду наваду панч, дар шаби шанба,
Ки буд салхи маҳ фавт Аҳмад мурсал.
Кашид Хочаи дунё ва-д-дин Убайдуллоҳ
Шароби софии айши абад зи чоми ажал.
Қароргоҳи дилаш бод дар мадоричи қурб,
Маъоричи дарачот машоҳиди куммал.
Яқин, ки то абад осори ў бихоҳад монд,
Чу ў саҳифаи лавҳ вучуд шуд зи азал.

Таржимаси:

«895 йил, ойнанинг охири куни, шанба оқшомида Пайғамбар элчиси вафот этди;

Дунё ва дин Хожаси Убайдуллоҳ абадий айш соф шаробининг ажал жомидан ичди;

Ул зот кўнглининг қароргоҳи (Худога) энг яқинлик даражасигача етиб, аъло даражаси ҳаммага аёндыр;

Шубҳасиз, унинг хотираси абадий қолади, Чунки, у азалдан лавҳ саҳифасида ёзилганди».

III. Қабртошнинг чет қисмларида, ўша хаттотлик услубида қуйидагилар ёзилган бўлиб, хат ёзилган томонлар ўзгартирмаган ҳолдаги тасвири ва таржимасини келтирамиз.

ХОЖА АХРОР ВАЛИЙ ҚАБТОШИ ЧЕТ
ҚИСМЛАРИДАГИ ЁЗУВЛАР

حساب تاريخه منها كالبربر ومن العجائب
ان آخر السورة دال على غايه هذه اللبلة

كان تاريخ نزوله الى طالع عالم الاكوان في شهر رمضان الذي انزل فيه
القران ونطق من خلاله فوره النوران لا قال انا انزلناه في ليلة القدر الى
آخيه و اللهون الوافقون على الاسرار بهتمون بانار هذا المولد المبارك وانوار
هذا المشهود المبارك الى ان نزله في هذا الشهر وقع في ليلة القدر حيث تنور

وهو حتى مطلع الغيمر نزل حروفه الملقطة على غايه عمره فدلالة ليلة القدر
على بدايته و اشارة هي حتى مطلع الغيمر الى نهايته بشيران الى ان جمع عمره
من اوله الى آخيه مثل لبلة القدر شرقاً و المتكّن الواقف على حسن هذا الاتفاق
ينيق على ان بينهما في نفس الامر من الرفاق

«Унинг зоҳирий оламга келиши тарихи «Рамазон ойидирки, бу ойда одамлар учун ҳидоят бўлиб ва ҳидоят ва фуқоннинг очиқ оятлари бўлиб Қуръон нозил қилинган» (Қуръон. 2-сура, 185- оят), қачон десаки: «Албатта Биз у (Қуръон)ни кадр кечасида нозил қилдик» (Қуръон. 97-сура, 1-оят) ва давоми сура охиригача давом этади. Сиру асрорлардан воқиф кишилар бу муборак зот таваллуди аломатларидан шуни билиб оладиларки, унинг шу ойда туғилиши, айнан *ليلة القدر* «кадр кечасида» (Қуръон. 97-сура, 1-оят) воқеъ бўлиб, ундан тўлин ойдек (туғилиш) санаси чиқади.

Ажойиблиги шундаки, ўша суранинг охирги, яъни *الفجر* *هى حتى مطلع* «У (кеча) то тонг отгунича тинчлик-омонликдир» (Қуръон. 97-сура, 5-оят) сўзлари уни (Хожа Аҳрорни) вафот санасини кўрсатиши, унинг буткул бошдан-оёқ ҳаёти кадр кечаси каби шарофатли (эканлиги айтилган). Бир-бирига мос ушбу бетакрор ўхшашлик (ақлли кишини) ҳақиқатда қандай мувофиқлик борлигига ишонтиради».

Қабристонда Хожага тегишли яна бир тош бўлиб, кичикроқ ва фақатгина Хожанинг номи келтирилган. Фикримизча, бу – ҳозир мавжуд тошга қадар қўйилган ёки Камангарондан келтирилган бўлиши ҳам мумкин.

Хожа Аҳрор зиёратгоҳида кўпгина бошқа тарихий шахслар ҳам дафн этилган бўлиб, баъзиларининг қабртошлари ҳозирга қадар топилмаган.

Кейинчалик Хожанинг фарзанду набиралари ҳамда Мавлоно Муҳаммад Қози каби халифаю шогирдлари ҳам шу даҳмада дафн этилган. Шундай қилиб, даҳмада ўнга яқин бузургворлар кўмилган.

Бир муддатдан сўнг ҳовузнинг ғарб томонидан нақшли шифтларга эга бўлган ёзги масжид ва хонақоҳ қурилади. Ҳовуз атрофидаги чинор дарахтлари ёнидан эса азон учун минора тикланади. XIX асрнинг охиригача Хожанинг даҳмалари атрофи девор билан ўралган ва деворларда эса нақшли дарвозалар бўлган. Бино ёзги ва қишки масжиддан иборатдир.

XX аср бошида тахт талашиш натижасида Самарқандга кочиб келган Афғонистон подшоҳи Муҳаммад Исҳоқхон (Сар-

дор Исҳоқхон) вафот этгач, ўз васиятига кўра, Хожа Аҳрор Валий дахмаларининг яқинида, яъни ҳовузнинг шарқ тарафида кўмилади. Унинг мозори устидан айвон қурилган.

Самарқанднинг аъламул-уламоси Мавлоно Исматуллоҳ ибн Маҳмуд ибн Неъматуллоҳ ҳам 1009 (1600) йилда вафот этгач, Хожа Аҳрор мазорлари ёнига дафн қилинади.

МАДРАСА

Бухоро подшоҳлигининг нуфузли сарой аъёни Нодир Девонбеги томонидан ва уста Дўстмуҳаммад меъморчилигида Хожа Аҳрор Валий хонақоҳлари ёнида катта мадраса қурилади. Мадрасанинг тузилиши ва, айниқса, пештоқидаги шер ва оху тасвири каби нақшу нигорларининг Регистондаги Шердор мадрасасига жуда монандлиги туфайли уни “Шердорнинг акси” ёки “Ташқи Шердор” деб аташган.

Баъзи манбаларга қараганда,¹ Самарқанд ҳокими бўлган Нодир Девонбеги Бухоро хонлигининг нуфузли сарой аъёни, шу билан бирга аштархонийлар сулоласи ҳукмдори Имомқулихоннинг тоғаси бўлгани учун ҳам «Тағойи» лақабига эга бўлиб, Мавлоно Мутрибий тазкирасида² ёзилишича, «Низомиддин Нодир Мирзо тағойи сўзимиз» деб давлат ёрликларида имзо чеккан.

Мадраса тўридаги пештоқ деворида тўққиз қатор байтдан иборат ушбу қасида ёзилган бўлиб, биз унинг ўзбекча таржимасини келтирамиз:

«Улуғ султон, имомул-миллат, ҳоқон ибн ҳоқон давлати даврида;

Юксак фалакдек имомсифат бу подшоҳ дарвозасида Жамшиддек дарвозабон бўлса арзир;

Ушбу олий иморат бино бўлиб, осмондаги тўққиз фалак шояд унга минбар бўлса ҳам арзир;

(Пойдеворининг) биринчи ғишти балиқ елкасида бўлиб, байроғининг учи эса ойгача етар;

(Сарой) аъёнларининг мақбули, адолатли Мир олийжоҳ На-

¹ Ҳодизода Р. Самарқанднома. Техрон-Душанбе. 2002. 287-бет.

² Аҳмедов Б. Тарихдан сабоқлар. Т. Ўқитувчи. 1994. 285-бет.

дирбек тоғонинг амри ила;

Бу тўққиз гумбазли феруза айвонда ҳеч ким ушбу амирдек бошқа кишининг нишонини бермас;

Мен (абжад йўли ила) тарих йили ҳисобини (аниқлашга) ҳаёт кишварига шитоб этдим;

Жавонбахт Мирнинг давлат иқболидан, (ва) Эшоннинг (Хожа Аҳрорнинг) файзли руҳи покларидан;

Иморат (қурилишининг) бошланиш йили ҳисобини, «Худонинг файз (улашиш) макони» сўзидан олдим».

«Маҳалли файзи Яздон», яъни, «Худонинг файз улашиш макони» сўзи абжад ҳисобида 1040 ҳижрий (1630 милодий) йилига тенг бўлади.

Ўрта аср тарихчиси Саййид Роқим ҳам ўзининг «Тарихи Роқимий» асарида мадраса қурилишига доир юқоридаги қасида мактаъсини ушбу тарзда келтиради:

«Агар хоҳи ту тарихи бинояш,

Талаб кун аз «маҳалли файзи Яздон»

Таржимаси:

«Агар сен бино тарихини билмоқчи бўлсанг,

«Маҳалли файзи Яздон» сўзидан талаб қил»

1892 йилнинг декабрида Хожа Аҳрор мадрасасининг бош гумбази зилзила туфайли бўлса керак, ағдарилиб тушган.

ХУЛОСА

XV асрнинг йирик сиймоларидан бўлган Хожа Убайдуллох Аҳрор Валий нақшбандия тариқатининг энг буюк муршидларидан бири бўлиш билан бирга ўз замонасидаги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий ҳаётда катта из қолдирган арбоблардандир. Ўз даврида ул зотнинг шуҳрати фақат Мовароуннаҳрдагина эмас, балки Хоразм, Дашти Қипчок, Хуросон ва Ҳиндистонгача бўлган кенг жуғрофий минтақаларда тарқалган эди. Алишер Навоийнинг таъбири билан айтганда эса, Шарқий Туркистон (Хитой)дан то Туркиягача бўлган кўп давлатларнинг халқи ва подшоҳлари Ҳазрати Хожанинг ҳукмида эдилар.

Ҳазрати Хожанинг сиёсий аҳамиятга эга хизматлари эса шундан иборатки, тасаввуф тарихида ул зот биринчи бўлиб халқ равнақи йўлида тариқатни сиёсатга, подшоҳларга таъсир кўрсатувчи амалиётга айлантирдиларки, унгача ҳеч бирор тариқат муршиди ул зотчалик подшоҳларга таъсир кўрсата олмаган. Ва ул зотнинг бу фаолиятларидан Мовароуннаҳр халқи жуда катта фойдалар ҳам кўрди.

Замонасидаги темурий ҳукмдорлар Султон Абусаид Мирзо ва унинг ўғли Султон Аҳмад мирзолар қошида Хожа Аҳрорнинг обрў-эътибори шунчалик баланд эдики, улар ўз муршидларининг маслаҳатларидан баҳраманд бўлмай туриб, бирор бир масалани ҳал қилишга шошилмас эдилар. Шу билан бирга, машхур мутафаккирлар Мавлоно Абдурахмон Жомий ва Алишер Навоийлар ул зотга нисбатан жуда катта ихлосу ҳурматда бўлганлар.

Ҳазрати Хожа Аҳрор Валийнинг тасаввуф тарихидаги мисли кўрилмаган буюк хизматлари шундан иборатки, айнан Ҳазрати Хожа туфайлигина нақшбандия силсиласи ислом оламидаги энг улуғ тариқатга айланади. Бунгача, нақшбандия тариқати ислом оламидагина эмас, Марказий Осиёда ҳам унча машхур бўлмаган ва бу даврда яссавия, кубравия, суҳравардия, қодирия ва чиштия тариқатлари устувор эди. Сўзимизнинг тасдиғи учун биргина мисол келтиришимиз мумкин: тариқат

асосчиси Баҳоуддин Нақшбанд соҳибкирон Амир Темур даврида кам эмас, кўп эмас 20 йил яшаб, фаолият кўрсатган бўлсалар-да, Темур давридаги бирор саҳиҳ тарихий манбага зикр этилмаган. Бу шундан далолат берадики, тарикат асосчисининг ахлоқий-фалсафий қарашлари ва назариялари ҳаёт вақтларида кенг тарқалмаган бўлиб, фақат Ҳазрати Хожа Аҳрор Валий туфайлигина ушбу тарикат кенг миқёсда тарқалибгина қолмай, бутун ислом оламида устувор силсилага айланади. Ҳазрати Хожанинг буюк хизматлари ҳам шунда. Шу боис Хожа Ҳазратларини баъзи бир манбаларда бежиз «Иккинчи Нақшбанд» деб аташмаган.

Хожа Ҳазратларининг Мовароуннаҳр заминидagi фаолиятларини илмий-амалий давом эттирган буюк издошлари Ҳазрат Махдуми Аъзам Даҳбедий эдилар.

Нақшбандия силсиласининг Ҳиндистон заминида ривожланишида эса Ҳазрати Хожа Аҳрорнинг икки буюк издошлари – Имом Раббоний (Алфи Соний) ва Мусохон Хожа Даҳбедийларнинг хизматлари бениҳоядир. Улар туфайли Хожа Аҳрор Валий орқали ўтган силсила сулуқлари «Силсилаи Аълия» (Олий силсила) аталган. Тарихий манбалар ушбу муборақ зотларнинг бирини – пайғамбаримиз даврларидан кейин бошланган иккинчи минг йилликдаги энг буюк сўфий (яъни, Алфи соний – Имом Раббоний) деб аташган бўлсалар, иккинчилари – Мусохон Хожаи Даҳбедийни эса нақшбандия «тарикатини қайтадан янгиловчи, тирилтирувчи, буюк назариётчи мутасаввиф», (тарикатнинг мужтаҳид имоми, қайюми замон), деб аташганларининг ўзи уларнинг мартабаларини кўрсатиб турибди (ушбу Мусохон Хожа Ҳазрати Махдуми Аъзамнинг олтинчи авлодлари ҳамда ушбу сатрлар муаллифининг олтинчи бобокалонидир).

Қуйида Мусохон Хожаи Даҳбедийнинг авлодларига мерос бўлиб қолган ва қадимий нодир манба ҳисобланган иршодномаларини келтирамыз.

Таржимаси:

(Ушбу нусха Мусохон Хожа Дахбедийнинг «Касир ул-фавоид» асари тўғрисидаги ёзишмадан олинган.)

Оғзимни мушки гулобда минг бор ювсамда,

Сенинг номингни аташ мушқилдир.

(Ул зот, яъни Мусохон Хожа) олам муршиди, ўткир нафасли, ирфон дарёси ва равон йўл муктадоси, яъни Ҳазрати Мавлоно Шайх Обиддин хожагон тариқати таълимини олганлар. Ул зот эса қудрат ул-орифин Шайх Абдулаҳаддан олганлар. Ул зот оталари Шайх Муҳаммад Саиддан олганлар. Ул зот вафотидан сўнг Шайх Муҳаммад Маъсум билан бирлашган. Ул зот ўз оталари имамул-орифин Ҳазрати Шайх Аҳмад Мужаддад Алфи Сонийдан олганлар. Ул зот эса Ҳазрати Боқи Биллоҳдан, ул зот эса Ҳазрати Мавлоно Имканагийдан, ул зот эса оталари Ҳазрати Мавлоно Муҳаммад Дарвеш Имканагийдан, ул зот эса тоғалари Мавлоно Зоҳиддан, ул зот эса қутб ул-кибор Ҳазрати Хожа Убайдуллоҳ Ахрордан олганлар. Ул зот эса Ҳазрати Мавлоно Яъқуб Чархийдан, ул зот эса қутби доираи валоят Ҳазрати Хожа Баҳоуддин Нақшбанддан олганлар. Ул зот эса Сайид Амир Қуллолдан, ул зот эса Ҳазрати Хожа Бобои Самосийдан, ул зот эса Ҳазрати Али Ромитанийдан, ул зот эса Ҳазрати Хожа Маҳмуд Анжир Фағнавийдан, ул зот эса Ҳазрати Хожа Ориф Ревгарийдан, ул зот эса хожагон тариқатининг сархалқаси Ҳазрати Хожаи Жаҳон – Абдулҳолиқ Гиждувонийдан олганлар. Ул зот эса Ҳазрати Хожа Юсуфи Ҳамадонийдан, ул зот эса Абу Али Формадийдан, ул зот эса Ҳазрати Шайх Абул Қосим Гургонийдан олганлар. Ва Шайх Абул Қосимга ботиний илмдаги интисоб икки тарафдандир. Бири Шайх Абул Ҳасан Харақонийким, унга Шайх Абу Язид Бастомийдан етгандир... Ва Шайх Абул Ҳасан Харақоний эса Шайх Абу Язиднинг вафотларидан кейин туғилганлар... Ва Шайх Абу Язид иродат нисбатини Ҳазрати Имом Жаъфари Содикдан олганлар. Ул зот эса падари бузургворлари Имом Муҳаммад Боқирдан, ул зот эса падари бузургворлари Имом Зайнулобидиндан, ул зот эса падари бузургворлари Имом Ҳусайндан, ул зот эса падари бузургворлари амир ул-мўминин Али (р.)дан олганлар. Ул зот

эса Ҳазрати рисолатпаноҳ (Муҳаммад пайғамбар) саллоллоҳи алайҳи васалламдан олганлар. Тамом. 1297 сана».

Ҳужжатда тўрт муҳр бўлиб, биринчисида: «Бисмиллоҳир раҳмонир раҳим. Абу Бакр, Умар, Усмон, Али розиёллоҳу анҳум. Сана 1081 (?) ёки 187» рақамлари қўйилган. Иккинчи муҳрда «Бисмиллоҳ...» дан сўнг, «Ясмун ё ясмаъун. Сана 1288», деб ёзилган. Учинчи муҳрдаги ёзувларни ўқишнинг иложи бўлмади. Тўртинчи муҳрда эса «Абу Мусо ёки Мусо шарияти эҳё» ёзувлари ўқилди. Хожа Аҳрор Валий анжуманларигача оз вақт қолганлиги боис ҳужжат мукамал тадқиқ этилмади. Келгуси тадқиқотларда уни тўлдириш ниятимиз ҳам йўқ эмас.

Мустақиллигимиз туфайли 1995 йилда Хожа Аҳрор Валий фаолиятларига бағишланган Республика илмий-амалий анжумани бўлиб ўтди. Ҳазрати Хожанинг ҳаёт-фаолиятларини ёритган рисоалар, туркум мақолалар эълон қилинди. Аммо булар билан Хожа Аҳрор Валийдек зотнинг бутун фаолиятлари ёритилди, деб бўлмайди, албатта. Ҳозирги даврда Ҳазрати Хожа фаолиятларининг ёритилмаган жиҳатлари устида олимлар иш олиб бормоқдалар. Шунинг ҳам таъкидлаш жоизки, тошкентлик ва самарқандлик дўсту устоз олимларининг таклифлари билан ёзилган ушбу мухтасар рисола жуда оз фурсатда ва шошилич ёзилгани боис баъзи камчиликлардан холи ҳам эмас, албатта.

Хулоса қилиб айтганда, Хитой чегарасидан то Туркия худудигача бўлган давлатлардаги халқлар иродатда бўлган Хожа Аҳрор Валийдек зотнинг анжуманларини 2004 йилда халқаро тарзда ўтказиш айна вақтда кўрилган тadbирдир. Самарқандлик илм аҳллари ҳам анжуманга қўлингиздаги ушбу рисоладан ташқари, яна ушбу сатрлар муаллифининг шарқшунос олим Фирдавс Ҳалимов ҳамкорлигида «Хожа Аҳрор ва унинг «Рисоалар тўплами» номли китобини ҳамда бошқа бир гуруҳ олимларнинг Хожа Аҳрор қабристонларидаги қабртошлар таҳлили тўғрисидаги асарни туҳфа сифатида тайёрлаганлар.



МАҲДУМИ
АЪЗАМ ТАРИХИ
ВА МУКАММАЛ
ДАҲБЕДИЙЛАР
ТАРИҚАТИ



СОҲАГА ДОИР ИЛК ТАДҚИҚОТЛАР

Марказий Осиёдан тортиб шарқий Туркистон, Афғонистон, Ҳинду Покистон, Эрону Хуросон ва жануби-шарқий Осиё мамлакатларигача халқларнинг диний, маданий-маънавий ва ижтимоий-сиёсий ҳаётларида сезиларли таъсир кўрсатган Махдуми Аъзам, ул зотнинг авлодлари бўлмиш даҳбедий хожалар ҳақида мустақилликка қадар охириги ўнлаб йиллар мобайнида ҳеч бир рисола ёзилмай, уларнинг фаолияти тарих саҳифаларидан ва халқ хотирасидан онгли равишда ўчириб келинди.

Шукурлар бўлсинки, охириги вақтларда қадрият ва маънавиятларимиз тикланмоқда, ушбу зотлар тарихлари чуқур ўрганилмоқда.

Қўлингиздаги ушбу рисола фақатгина тарихий, қўлёзма манбалар ҳамда ҳозирги замон маълумотларига суянган ҳолда ёзилган бўлиб, олдинги тадқиқотларни тўлдирган ва нуқсонларни ислоҳ этган ва ҳажман икки қарра кенгайтирилган ҳолда битилди. Рисолада Даҳбед тарихи, Махдуми Аъзамнинг фаолиятлари, ул зот ўз замонасида муқтадо бўлган аҳли тасаввуф ҳамда даҳбедий хожалар силсиласига мансуб тарихий шахслар ҳақидаги маълумотлар келтирилиб, бу соҳа тарихи билан қизиқувчи ва тадқиқ қилувчилар учун холисанилмоқда, қўлдан келгунча соҳага доир қадимий асарлар тизимини ҳам келтирдик.

Бобокалонларим ҳақидаги бу рисолани ёзишни маслаҳат беришган марҳум устозларим – академиклар Ботирхон Валихўжаев, Бўрибой Аҳмедов ва Расул Ҳодизодадар руҳи покларига осойишталик тилайман.

МИЁНКОЛДАГИ ДАҲБЕД МАВЗЕИ ТАРИХИ

Шарқнинг, жумладан, Ўзбекистоннинг Самарқанд ва Бухоро каби машҳур шаҳарларидан ташқари «Ҳожа Исмоил», «Ҳожа Аҳрор» ҳамда «Даҳбед» каби кичик мавзелари ҳам ислом оламида машҳурдирлар.

Даҳбед – Самарқанд шаҳрининг шимолий-ғарбий тарафида, Оқдарё ва Қорадарё оралиғидаги Миёнкол¹ оролида жойлаш-

¹ «Миёнкол» сўзи баъзи манбаларда, миён – “ўрта”; кол – “яйлоқ”, “тақир”,

ган қадимий ва тарихий мавзелардан биридир.

Шайбонийлар даврига мансуб манбаларга қараганда, Дахбед Офаринкент туманида жойлашган. Дахбеднинг пайдо бўлиши XVI асрнинг биринчи ярмида Фарғона водийсининг Косон шаҳрида яшаган Саййид Аҳмад Жалолиддин Косоний (1461-1542) номи билан боғлиқ. У Самарқанд ҳукмдорлари, хусусан, шайбонийлардан Жонибек Султоннинг таклифига биноан Миёнколга кўчиб келган ва шу ерда дастлаб ўнта тол эккан. Натижада ул зот яшаган мавзе «Дахбед» (форсча “ўн тол” дегани) номи билан аталиб кетган. Бошқа бир маъни бўйича «Дехаи бед» (“Толлар дехаи”), учинчи ривоятимиз талқин бўйича эса «Дах бор бед» (“Зиёратга ўн бора келинг”) маъносида, тўртинчи талқин бўйича «Дахбанд» (“Ўн йўл (тарикат) боғлами”) маъниларида бўлиб, илк икки маъни тўғридир.

Фарғона водийсида фаолият кўрсатган Ҳазрати Махдуми Аъзам Самарқандга доимий яшаш учун 1515-1528 йиллар оралиғида келган бўлишлари керак. Чунки, 1515 йилда ул зотнинг устозлари Мавлоно Муҳаммад Қози вафот этган бўлса, 1528 йилда ул зотни Самарқандга таклиф этган Жонибек Султон вафот этган. Яъни, устози ва ҳукмдор муриднинг вафотлари оралиғида келган.

Шайбоний, аштархоний ҳамда манғит ҳукмдорлари сулолалари даврида Офаринкент (Суғди Хурд) туманининг маркази Дахбед ҳисобланган. Унинг атрофи деворлар билан ихоталанган бўлиб, унда кўпгина масжидлар мавжуд эди. Дахбед мавзеида Кўкчи, Мир Отабой, Сафедук, Сартарошхона, Шахоб, Тонготар, Бештут, Ойнақўрғон, Каттақўрғон ва Очидоқар каби гузар ва маҳаллалари бўлган. Манбаларда қайд қилинишича, ўтган асрда Дахбедда ва атрофидаги мавзеларда 1206 хонадон бўлгани ҳолда 45 масжид фаолият кўрсатиб турган¹.

Кичик мавзелигига қарамай Дахбед XVI асрдан бошлаб ислом дини тасаввуф оқимининг энг катта силсиласи нақшбандиянинг энг йирик сулуки маркази эди. Шуниси қизиқки, нақшбандия силсиласидек улуғ бир тарикат сулукини орқам-кетин бир оиладан, яъни махдуми аъзамийлар “кимса юрмайдиган очиклик” деган маънони англатади.

1 Веселовский Н. ЗВО, т-III. Дагбит, А.Икромов музейи кутубхонаси.

табақасидан чиққан бир қанча вакиллари асрлар давомида бир зайлда бошқариши ҳам тасаввуф тарихида кам учрайдиган ҳолдир.

Ўз тарихида Дахбед турли-туман воқеаларни бошидан кечирган. Масалан, аштархонийлардан бўлган подшоҳ Абдулазизхон даврида (1645–1680 йиллар ҳукм сурган) Дахбед кўзғолон ўчоғига айланган. Саййидо Насафийнинг қайдларига қараганда, Махдуми Аъзамнинг набираси бўлган Хожа Ҳошимнинг набиралари Хожа Розик ибн Абдулмўъминхожа ва Хожа Махди ибн Мусохожалар Дахбедда пешво бўлиб турган ўша вақтларда Соғарждан Абдулазизхоннинг лашкари Дахбедга кириб келган. Бу низоларга сабаб шу эдики, Дахбед ва Миёнколнинг баъзи амиру беклари подшоҳнинг ҳукмини назар писанд қилмай қўйишган кўринади.

Бу воқеаларни замона зайлига қараб бўрттириб ёзган Саййидо Насафийга кўра, Абдулазизхон даврида Дахбед халки кўп ташвишларни бошидан кечирган.

Кейинчалик, Бухоро манғитлари сулоласи даврида ҳам Дахбедда, XIX аср ўрталарида яна бир кўзғолон бўлиб ўтган. Ўша замонда «амирингга Маъмурим, Аннакулим зиёда» каби халқ тўқима-мақоллари пайдо бўлганки, ундан “Маъмур” ва “Аннакули” номли бекларнинг Бухоро амирига бўйсунмаганлиги ҳақидаги маълумотларни англаш мумкин.

Ўрта Осиёда ва ундан ташқарида Дахбед тарихи билан узвий боғлиқ бир қанча тарихий-маданий обидаларни учратиш мумкин. Чунончи, Дахбеднинг ўзида мадраса, икки масжид ва дахмали хонақоҳ; Самарқандда Шердор мадрасаси (бу ҳақда куйида алоҳида сўз боради), шаҳарнинг Сўзангарон кўчасида Хожа Авлиё (Махдуми Аъзамнинг набираларидан) хонақоҳ масжиди, Боғи Баландда Хожа Исҳоқ Валий хонақоҳ масжиди; Бухорода хонақоҳи Шоҳ Аҳси (яъни, хонақоҳи Махдуми Аъзамия); Фарғона вилоятидаги Косон, Ахсикент шаҳарларида; Тожикистоннинг Ҳисор, Урметан, Фулғор мавзеларида; Қирғизистоннинг Ўзганд шаҳрида; Шарқий Туркистон (Хитой)нинг Ёркент ва Қашқар каби шаҳарларида ҳамда қўшни Афғонистон мавзеларида Дахбед тарихига оид, махдуми аъ-

замий хожаларга аталиб қурилган бир қанча обидаларни шу билан бирга Дахбедга ҳамном топонимларни учратиш мумкин. Бунга қўшимча қилиб шуни ҳам айтиш жоизки, XVI–XVII асрларда Самарқанд шаҳрининг марказий қисмида «Гузари Дахбедий» ташкил топади¹. Гузар Регистон майдонининг Шайбонийхон мадрасаси (ҳозирги “универмаг”) ёнидан бошланиб, Амир Темурнинг масжиди жомеси орқасигача давом этган. Ҳозирги Дахбед шоҳ кўчаси ҳам шаҳарнинг марказий кўчаларидан бири бўлиб, Мотуридга қадар чўзилган.

Бизнинг замонамизда, шаҳар ҳокимияти қошидаги топонимик комиссия таклифи билан 1993 йилда Махдуми Аъзам қадриятига ҳурмат сифатида Самарқанд кўчаларидан бири ул зотнинг номи билан аталди.

Ҳазрати Махдуми Аъзамнинг фарзандларидан қолган авлодларнинг аксарияти ҳозир ҳам Дахбед мавзеида яшайдилар ва уларнинг аниқ ёзилган шажаралари мавжуд. Иншооллох, Махдуми Аъзам каби улуғ аждодларимиз қадриятлари мустақиллик сабаб тикланиб, хайрли ишлар боис уларнинг тарихлари тиклана боришидан далолат бериб турибди.

СУЛТОН БУРҲОНИДДИН ҚИЛИЧ ВА МАХДУМИ АЪЗАМ НАСАБНОМАСИ

Ҳазрати Махдуми Аъзамнинг асл номлари Саййид Аҳмадхожа Косоний бўлиб, 1461 йилда Фарғона водийсининг Косон шаҳрида Саййид Жалолиддин ибн Жамолиддин Косоний оиласида дунёга келади. Онаси Саййид Абдуллои Аржанд наслидан бўлган Мир Саъд Юсуфнинг қизи эди.

Саййид Аҳмадхожанинг ота-оналари Ҳазрати Пайғамбар (с.а.в.) авлодига мансуб оилалардан бўлиб, уларнинг насабномалари кўплаб эски китобларда, ҳужжатларда, қабртошларда ва тарихий обидаларнинг пештоқларида битилган. Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш жоизки, насабнома ва шажара масаласига тўхталадиган бўлсак, Ўрта Осиёда шажаралари манбаларда энг кўп қайд этилган ва ёзилган авлод махдуми аъзамийлар табақасидир. Жумладан, «Жомеъ ул-мақомот», «Равоийх ул-

¹ М. Абрамов. Гузари Самарқанда. – Т.: «Ўзбекистан». 1989. 36-стр.

қудс», «Тухфат уз-зоирин», «Тазкираи азизон», «Ҳидоятнома», «Девони ҳақойиқ ва маорифи ҳилоли афғонистоний», «Маноқиби Ҳазрати Мусохон», «Матлаб ут-толибин», «Рисолаи тарихи Даҳбедия» каби жуда кўплаб китобларда Махдуми Аъзам ва авлодларининг Пайғамбар (с.а.в.)гача етадиган шажаралари тўлиқ келтирилган. «Қандия», «Машраб девони», Веселовскийнинг «Дагбит» каби китобларда эса уларнинг табақалари қисқароқ баён этилган.

Нодир манба ҳисобланган «Равойиҳ ул-қудс» (муаллифи Мақсуд ибн Носириддин Бухорий) асарининг «Махдуми Аъзам Даҳбедий» бобида ушбу сатрлар ёзилган: «Ул зотнинг муборак номлари Саййид Аҳмад Косоний бўлиб, “Мавлоно Хожаги Махдуми Аъзам” исми ила машҳурдирлар ва Ҳазратнинг нафису шарафли нисбатлари Шайх Бурҳониддин Қиличга бориб, ул зотнинг асил насаб гавҳари эса Карбало даштининг шаҳиди Абу Абдулло Имом Ҳусайн (яъни, Пайғамбар набиралари Имом Ҳусайн) розиёллоҳу анхунинг шарафли садафига етади» (таржима бизники. – К.К.).

1910 йил Бухорода чоп этилган «Тухфат уз-зоирин» китобининг (муаллифи Носириддин ал-Ҳанафий ал-Ҳусайний ал-Бухорий) «Ҳазрати Хожаги Махдуми Аъзами Косоний» деган бобида қуйидаги насабнома келтирилган:

«Ҳазрати Саййид Аҳмад - Махдуми Аъзам
ибн Саййид Жалолиддин
ибн Саййид Жамолиддин
ибн Саййид Бурҳониддин Хожам
ибн Саййид Амир Мажнун (Мир Девона)
бин Саййид Бурҳониддин Қилич
ибн Саййид Камолиддин Маданий
ибн Саййид Жалолиддин
ибн Саййид Шоҳ Ҳусайн
ибн Саййид Ҳасан
ибн Саййид Муҳаммад
ибн Саййид Аҳмад
ибн Саййид Абдулло ал-Афзал

ибн Саййид Абдуллои Акмал (Аъраж)¹
ибн Саййид Абу Толиб хужжатулло – Муҳаммад Али Аршад
ибн Ҳазрати Имом Али Мусо ар-Ризо
ибн Ҳазрати Имом Мусо Козим
ибн Ҳазрати Жаъфари Содик
ибн Ҳазрати Имом Муҳаммад Боқир
ибн Ҳазрати Имом Зайнулобидин
ибн Ҳазрати Имом Хусайн (р.)
ибн Ҳазрати Имом Али (р.) ва Фотимаи Захро (р.)
бинти Ҳазрати Муҳаммад Мустафо (с.а.в.)

Тарихий обидаларда (мадрасаларда), қабртошларда ҳамда эски қўлёзма ва тошбосма китобларда ёзилган маҳдуми аъзамийлар насабномалари келтирилган бир қанча шажара-авлодномалар ва тариқати силсилаи маънавийлари ушбу китобимизнинг кейинги бобларида, иншооллох, зикр этилади.

Маҳдуми Аъзамнинг аждодларидан Ўрта Осиёда туғилган биринчи бобокалони Султон Саййид Бурҳониддин Қилич бўлиб, ўша даврдан бошлаб унинг авлодлари Фарғонада ҳукмронлик ва диний пешволик қилиб келишган.

Султон Бурҳониддин ким эди? Кўп манбаларда “Шайх Бурҳониддин Қилич” деб номланган бу зотнинг отаси Саййид Камолиддин шариф шаҳар – Мадинаи Мунавварадан бўлиб, диққатга молик манбалардан бири Хожа Абулбақонинг «Жомеъ ул-мақомот» китобида келтирилишича, ногаҳон зоҳидлик талабида у ерлардан чиқиб, Ўрта Осиёга, Фарғона вилоятига келиб қолган. Аслида, ҳаққоний талқин қилинганда эса Саййид Камолиддин ва у каби ашрафзодаларнинг Ўрта Осиёга келиб қолишлари замирида бошқа сабаб ётади.

Бу каби имомзодалар ўз замонасида халқ орасида жуда катта мавқеъга эга бўлсалар-да, ҳам диний ва ҳам дунёвий ҳокимиятга асосий даъвогарликлари учун ҳукмдорлар томонидан таъқиб остига олинган. Айниқса, уммавийлар (661–750), қисман аббосийлар (750-1258) даврларида кўплаб имомзодаларни қирғин ва қувғин қилинган. Қўшни мамлакатларнинг,

¹ Баъзи қўлёзмаларда хаттот айби билан ота, бола ва набираларнинг уччаласи ҳам Абдулло номланишган; аслида ота ва болагина Абдуллодир.

жумладан юртимиз Мовароуннахр хукмдорлари уларни ўз паноҳига олишган. Масалан, аббосийлар даврида, 850 йилда имомзода Ҳасан ул-Амир Самарқандга оиласи билан келганида бутун шаҳар аҳли пешвоз чиққан ва у ўн бир йил Самарқандда яшаб сўнг Балхга қайтиб кетган.¹

Сомонийлар давлатининг асосчиси Исмоил Сомоний даврида (892-907) имомзода Амир Абдулло Бухорога келган ва кейинчалик подшоҳ Исмоил Сомонийнинг қизи Моҳи Сиймога уйланган².

Амир Темур Кўрагоний даврида унинг музофотига келган имомзода Мир Саййид Барака эса соҳибқиронга пир бўлган. Аштархонийлар даврида Эроннинг Машҳад шаҳридан Бухорога имомзода Мир Абу Толибхожа ўз укаси Абу Тоҳирхожа билан олдинма-кетин келиб, аштархоний Динмуҳаммадхонга ўз қизи Шаҳрабону бегимни никоҳлаб берган. Бу никоҳдан аштархоний подшоҳ Нодир Муҳаммадхон туғилган. Бу ака-укалар Самарқанд ва Бухорода ҳозиргача яшаб келаётган мираконий уруғи асосчиларидир. Шулар каби XIII асрда Мадина шаҳридан Саййид Камолиддин (Махдуми Аъзамнинг бобокалони) ҳам Фарғонага келган ва Фарғона подшоси Султон Илик Мозийнинг ёлғиз қизига уйланиб, кейинчалик ҳаж зиёратига борганида Мадинада вафот этган. Султон Бурҳониддин Қилич мазкур Саййид Камолиддиннинг ёлғиз ўғли бўлиб, у ҳақида теурий Бобур мирзо ўзининг «Бобурнома» асарида қуйидагиларни ёзган: «Бу табақа муктадо ва шайхулисом ва қози бўлиб келгандурлар»³. Машҳур «Қандия» китобида ҳам бу зот ҳақида: «Саййид Бурҳониддин Қилич – Имом Абдуллонинг наслиданур ва Даҳбед хожалари ул зотнинг авлодидур», деб ёзилган.⁴

Ўша даврларда Фарғона давлатининг маркази Ўзганд шаҳри бўлиб, унга Султон Илик Мозий подшоҳлик қилар эди. Кези келганда шуни ҳам таъкидлаш жоизки, кейинги вақтларда баъ-

¹ Кн. «Протоколы заседаний... 1913-1914 гг.» (История термезских сейидов)

² Ўша манба, ўша жой.

³ Захириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. – Т.: «Юлдузча». 49–51-бетлар.

⁴ «Қандия». 1908 йил литографияси. – Самарқанд: Сугдиён. 1994. (К.Каттаев таржимаси).

зи тарихчилар Султон Илик Мозий билан Султон Санжарни бир шахс деб адаштириб ёзмоқдалар.

Султон Илик Мозий невараси Саййид Бурҳониддин тўққиз ёшга етгунга қадар унинг тарбияти билан махсус ажратилган муаллимлар шуғулланишади. Сўнг ёш Бурҳониддин саройга келтирилиб, унинг тарбияси билан бобоси машғул бўлади. Тасаввуф тарихида тариқатга изчил раҳнамолик қилган етти султоннинг бири ҳисобланган Султон Илик Мозий ўз набираси Саййид Бурҳониддинга тариқат сулукларидан дарс бера бошлайди. Кўп ўтмай Султон Илик Мозий вафот этиб, васияти бўйича (ўз ўғли бўлмаганлиги учун) қизининг ўғли Саййид Бурҳониддинни Фарғона тахтига ўтқозишади. Шундан сўнг Султон Бурҳониддин анча вақт подшоҳ бўлиб, салтанатда адолат ўрнатади. Манбаларнинг шаҳодат беришларича, Султон Бурҳониддин подшоҳ бўлиб турган вақтидаёқ давлатни бошқаришда тасаввуф тариқатига суянган ҳолда иш қўрган ва халқни ҳидоятга бошқарган. Манбаларда келтирилишича, ул зот муслимларга ниҳоятда раҳм-шафқатли, «Худонинг неъматларидан баҳраманд бўлиб, шукронасини адо қилмайдиган жоҳилларга нисбатан эса қаҳрли бўлган» экан. Жоҳиллардан бир нечтаси ул зот ҳақида ғийбат қилганларида, уларни ўз хузурларига таклиф этиб, шифтга соч толасига осилган жуда ўткир тиғли қилични кўрсатган эканлар. Икки дамли тиғи ўткирланган ва ойнадек мусаффо (ялтирок) қилич шуъласига пашша ва кўнғизлар ўзларини урар эди ва қилич дамига тегиб, икки бўлиниб ерга тушар ва ҳалок бўлишар эди. Шунда Султон Бурҳониддин ғийбатчиларга қараб: «Айтинглар-чи, айб шамширдами ёки кўнғизу пашшадами? Сиз айбингиз билан ўзингизни қиличга уриб, ҳалок этасиз!» деган экан. Шу воқеа ҳам сабаб бўлиб, Султон Бурҳониддинга «Қилич» лақаби мусаллам қўйилган экан.

Тасаввуф тарихида Султон Бурҳониддин Қилични «Шайх Бурҳониддин Қилич» номи билан аташиб, Султон Иброҳим Адҳам билан бир ўринда қўйишган. Чунки, бу икки зот подшоҳ бўла туриб, тахтдан ўз хоҳишларича воз кечиб, дину тариқат йўлида хизмат қилишни ўз олдиларига вазифа қилиб қўйишган.

Шайх Бурҳониддин Қилич пир ҳисоблаган кишилардан бири Шайх Муслиҳиддин Хўжандий эди. Манбаларда айтилишича, Султон Бурҳониддин устози Шайх Муслиҳиддиннинг уйига меҳмон бўлганларида, Шайх мулозимларига буюриб, Султон Бурҳониддин учун етти қават кўрпа-тўшак солдирган. Султон Бурҳониддин эса, «жуда баланд экан», деб уч қаватини олиб қўйиб, қолган тўрт қават кўрпага ўтирганлар. Шунда устозлари дебдиларки: «Агар ул уч қаватни олиб ташламаганингизда эди, сизга етти қават осмон кашф этилган бўлур эди; Энди сизга фақат тўрт қаватигина аён бўлди».

«Жомеъ ул-макомот», «Қандия» ва бошқа манбаларда келтирилишича, кимки Шайх Бурҳониддинга нисбатан ғийбат ёки одобсизлик қилиб бўхтон ёғдирса, албатта бир балога мубтало бўлар экан. Шайх Бурҳониддин соҳиби каромот ва макомот тасаввуф арбоби сифатида ўз замонасининг қутб ул-авлиёси ҳисобланган.

«Қандия»да келтирилишича, самарқандлик авлиё Шайх Нуриддин Басир (Қутби Чаҳордахўм) ва ул зотнинг ўғли Шайх Шамсиддин билан Шайх Бурҳониддин Қилич ўрталаридаги алоқа жуда мустаҳкам бўлган. Шундай борди-келдиларнинг бирида, яъни Шайх Шамсиддин Шайх Бурҳониддинни зиёрат қилиб, суҳбатлашиб келиш мақсадида Ўзгандга борганида Шайх Шамсиддин ва Шайх Бурҳониддин Қилич иккалалари олдин-кетин вафот этадилар; ва иккалаларининг ҳам жанозалари бирга ўқилиб, бирга дафн этиладилар. Кўп ўтмай Самарқандда Нуриддин Басир (Қутби Чаҳордахўм) ҳам вафот этган¹.

Амир Темур Самарқанд Тепақўрғонидаги Арқда (ҳозирги «Кўксарой» меҳмонхонаси ёнида) Нуриддин Басирга атаб макбара барпо эттиради. Шу билан бирга Ўзгандда ҳам Шайх Бурҳониддин Қилич макбарасини қайта қурдиради.

Амир Темур тарихи ҳақидаги асосий манба ҳисобланган Шарафиддин Али Яздийнинг «Зарафнома» асарида келтирилишича, сафарда юрган Амир Темурнинг тушига Шайх Бурҳониддин Қилич киради. Шунда Темур ул зотнинг истиқболига шо-

¹ Имом Насафий. Кандия (под ред. К.Каттаева). – Самарқанд: Сугдиён, 1994. 43-стр.

шилиб, Самарқандда касал ётган ўгли Жаҳонгир Мирзонинг саломатлигини Худои таолодан тилашни ул зотдан илтижо қилади. Шайх ўшанда бундай деган: «Бу иш Худогагина аёндир!» Уйкусидан чўчиб уйғонган Амир Темур зудлик билан Самарқанддан хабар келтириш учун чопар йўллайди. Кейин маълум бўладики, Жаҳонгир Мирзо вафот этган экан.

Шу каби баъзи асарларда аҳамиятли воқеалар тафсилоти Ҳазрати Бурҳониддин Қиличнинг тушларга кириб башорат қилишлари билан баён этилади.

Ҳазрати Махдуми Аъзам мазкур Султон Бурҳониддин Қиличга ушбу тариқа етади: Махдуми Аъзам ибн Саййид Жаллолиддин ибн Саййид Жамолиддин ибн Бурҳониддин Хожа ибн Саййид Мир Али (Мажнун) ибн Саййид Бурҳониддин Қилич!

САЙЙИД АҲМАД-МАХДУМИ АЪЗАМ ҲАСАБИ ВА ИЛМИЙ-ТАРИҚИЙ ФАОЛИЯТИНИНГ БОШЛАНИШИ

Ёш Саййид Аҳмадхожа аввало мактабда саводини чиқариш билан бирга, отасининг раъйига биноан деҳқончилик билан ҳам машғул бўлади. Бу ҳақда темурий тарихчилардан бўлган шахзода Муҳаммад Доро Шукуҳ (Бобур мирзонинг авлодларидан) ўзининг «Сафинат ул-авлиё» номли машхур китобида Ҳазрати Махдуми Аъзамнинг ўзлари айтган ушбу сўзларни келтирган: «Ёшлигимда падари бузургворим мени деҳқончилик ишларига жалб қилар эдилар. Лекин мен бунга рози бўлмай, илм олишга иштиёқим катта эди ва Қуръони каримни қироат ва тиловат қилишда мойиллик кучли эди. Бир куни тушимда бир киши менга Қуръонни тухфа қилади. Уйғониб қарасам, ёнимда ўша Қуръон турганини кўрдим ва бу Китоб менга Оллоҳнинг инояти билан етказилгани маълум бўлди. Сўнгра Қуръонни тиловатига машғул бўлдим» (таржима бизники. – К.К.).

Саййид Аҳмадхожа ўзининг энг биринчи устози бўлмиш Мавлоно Мир Саййид Али қошида сарфу наҳвни (морфология ва синтаксис илмини) қунт билан ўрганеди. «Занжонийхон-

лик» ва «кофияхонлик» каби мадраса дастури асосидаги илмларни Саййид Аҳмадхожа шу даражада мукамал ўрганадики, бу соҳанинг энг олиму фозиллари билан баҳсу мунозаралар ўтказадиган бўлади. Шундан сўнг, Саййид Аҳмадхожа тасаввуф илмига рағбат сезиб, бу борада ҳам билимини ошириш ва кўнглидаги саволларга жавоб топиш учун устози Мавлоно Мир Саййид Алининг маслаҳатлари билан Ҳазрати Хожа Аҳрор Валининг Тошкентда яшаётган энг яқин шогирд ва халифалари бўлган Мавлоно Муҳаммад Қози ҳузурларига бориб, ул зотга кўл беради ҳамда энг севикли шогирдларига айланади.

Оз фурсатда такмилга етиб, тасаввуф асрорларидан воқиф бўлган Саййид Аҳмад Косоний чандон муқтадои олам бўлиб етишадики, тамоми Мовароуннаҳр ва Туркистон эли унинг остонасида бошларини иродатга эгар эдилар.

Мавлоно Муҳаммад Қози Тошкентдалиги вақтида ёш Саййид Аҳмад Косоний бориб ул зотга иродат келтирганди. Шунинг учун ҳам бу каби улуғ алломалар тарбияларини кўрган Саййид Аҳмадхожа баркамоллик даражасига етиб, шарафли «Махдуми Аъзам» номига сазовор бўлади. Тасаввуф ва фикҳшунослик илмлари бобида ул зотдан олдин «Аъзам» (яъни “улуғ”) шарафли унвонини фақатгина Имоми Аъзам¹ ва Ғавсул Аъзам² каби алломаларгина олишган эдилар.

«Махдуми Аъзам» атамасини европалик олимлар ҳам турлича талқин этганлар: академик Бартольд ва профессор Веселовскийлар «Дунё ҳукмдори» (“Властитель мира”), «Улуғ ҳукмдор» (“Величайший властитель”) деб; тарихчи профессор Иванов «Олий ҳукмдор» (“Верховный властитель”) деб; Энциклопедия ва Европа қомусларда эса «Улуғ жаноб» (“Величайший господин”) деб таржима этишган.

Илмий-адабий муҳитда эса ул зотни Мавлоно Хожагий³ Косоний» деб аташ қабул қилинган. Ул зотнинг нақшбандия силсила сулукидаги фаолиятлари ана шу тариқа бошланган эди.

Махдуми Аъзамнинг издошлари, муридлари ва мухлислари жуда кўп бўлган. Бутун Мовароуннаҳр ва Хуросонда, ҳатто

¹ 689-767 йилларда яшаган; ханафия мазҳабининг асосчиси.

² 1079-1166 йилларда яшаган; кодирия тариқатининг асосчиси.

³ Хожагий – улуғлик, олийтабиатлик, баландҳимматлик, маъносида.

Ҳиндистонда ҳам ул зотни пир деб эъзозловчилар ҳисобсиз эди. Кўпгина манбаларда Махдуми Аъзамнинг маърифатпарварлик ва устозлик қарашларини улуғлашиб «Пири шасти», яъни «Олтиш авлиёни етиштирган муршид», деб ёзиб қолдиришган.

Бу зот ҳақида кейинчалик даҳбедлик тарихчи шоир Каттахон хожаи Музнибий-Даҳбедий ўзининг «Рисолаи тарихи Даҳбедия» асарида шундай сатрлар ёзиб қолдирган:

*Ҳазрати Махдуми Аъзам дунёда қутби замон
Равзаси¹ аҳли тариқатга эрур дорул-омон.
Марқади² покин зиёрат айлангиз, эй дўстон
Токи бўлгайсиз икки оламда ҳар ғамдин омон.*

Ҳазрати Махдуми Аъзам, манбаларга қараганда 1542 (949) йилда Даҳбедда вафот этиб, хонакоҳга, ўзлари севган дарахт ёнига дафн этиладилар. Тарихий китобларда ул кишининг вафотлари абжад ҳисобида қуйидагича келтирилган:

Тариқатда орифу, аср пешвоси эди,
Ҳақиқат йўлидан юрган аҳли диллар раҳнамоси эди.
Муҳаррам ойнинг йигирма бири, шанба куни, туш вақти
Бу ташвишли дунёдан унинг руҳ куши парвоз этди.
Баски, унинг юзини фироқидан шуни билдим,
Вафот тарихин топдим: «Воҳ, афсуски, олам қутби кетди».
(Қутби олам рафт, вой)

قطب عالم رفت وای

Абжад йил ҳисобида ушбу мисралардаги «Қутби олам рафт, вой» сўзи тарих моддаси бўлиб, хижрий 949 (милодий 1542) йилга тенг бўлган матлуб рақамдир. Бу Ҳазрати Махдуми Аъзамнинг вафот этган йилларини англатади.

¹ Равза – жаннат боғи.

² Марқад – қабр.

ПИРУ МУРШИД МАВЛОНО МУҲАММАД ҚОЗИ

Махдуми Аъзамнинг пиру муршиди Мавлоно Муҳаммад Қози бўлиб, ул зотнинг асл исми “Муҳаммад ибн Бурҳониддини Мискини Самарқандий” эди. Мавлононинг отаси Бурҳониддин ўша замон машхур шариат алломаси Қози Имодиддиннинг яқинларидан (яъни, шариатпаноҳлардан) бўлгани учун ҳам ўғли Мавлоно Муҳаммадга «Қози» нисбасини берган¹.

Мавлоно Муҳаммад Қози пири Хожа Аҳрор тўғрисида ёзилган йирик мақомот китоби соҳиби ҳам бўлиб, китоб нақшбандия тариқати тўғрисидаги асосий манбалардан бири бўлиб хизмат қилган². Шу жиҳатдан олганда ҳам, Мавлоно Ҳазрати Хожанинг шариат ва тариқат борасидаги энг билимли шогирди эканлиги билиниб турибди.

Мавлоно Муҳаммад Қози дунёвий ва шаръий билимларни мукамал эгаллаганидан сўнг, унда тасаввуф билимига ҳам майли кучайиб, Хуросонга отланади. Манбаларда қайд этилишича, Мавлоно Қози Хожа Аҳрор билан 885/1480 йилда учрашишган экан (Рашаҳот). Йўли Самарқанд орқали ўтиб, Хожа Убайдулло Аҳрор Валий билан учрашади. Мирзо Ҳайдар Дуғлатнинг «Тарихи Рашидий» асари далолатига кўра, Хожа Аҳрор ундан «Қаерга бораётирсиз?» деган саволига Мавлоно Муҳаммад Қози «Хуросонга», деб жавоб беради. Хожа Аҳрор: «Ўқиш учунми ё бошқа юмуш учунми?» деб сўраганларида ёнида турган ҳамроҳи: «Мавлоно Муҳаммад Қозининг фикрлари дарвешликка мойилдур», деган. Шунда Хожа Аҳрор Валий «Бироз кутинглар», деб боғнинг ичига кириб кетиб, анча вақтдан сўнг қайтиб чиқади ва Мавлонога икки мактубни тутқзади. Бири Мавлоно Саъдиддин Қошғарийнинг ўғли Хожа Калонга ёзилган тавсиянома, иккинчиси дарвешлик тариқати ҳақида ёзилган йўл-йўриқлар эди.

Кейинчалик Мавлоно Муҳаммад Қози ўзининг «Силсилат ул-орифин» асарида эътироф этишича: «Ҳазрати Хожанинг менга қилган илтифотларига қарамай, менинг Хуросонга бо-

¹ Мирзо Муҳаммад Ҳайдар. Тарихи Рашидий. Т. Фан. 1996 (русча нашри) 136а.

² Б.Валихўжаев. Хожа Аҳрор Вали. Самарқанд, Зарафшон. 1993.

риш иштиёким сўнмади. Аммо йўлда биз билан бир воқеа содир бўлиб, Хуросон сафарини тўхтатишга мажбур бўлдик».

Шундан сўнг, Мавлоно Муҳаммад Қози Самарқандга қайтиб, Хожага мурид бўлади ва кўп йиллар Хожанинг шахсий ошхона ва меҳмонхонасини бошқариб, аввалида ул зотнинг энг яқин асҳобларидан бирига ва охир-оқибатда эса Хожа Аҳрорнинг биринчи халифасига айланади. «Тарихи Рашидий» муаллифининг далолат беришича, Хожа Аҳрор Валий халифаси Мавлоно Муҳаммад Қозига барча тариқат ва хўжалик ишларини ишониб топшириб қўйгани боис, Хожанинг улуғ халифа ва фарзандларининг норозиликлари намоён бўла бошлаган. Шу сабабли Мавлоно Қози ижозатсиз Хуросонга кетишга мажбур бўлган. “Равойих ул-қудс”да қайд этилишича, Мавлоно Муҳаммад Қози Хуросонда олти ойча яшаб, замон алломаси Мавлоно Абдурахмон Жомий билан дўстлашган ва доимий учрашиб, илмий мунозаралар, суҳбатлар қуриб туришган.

Мавлоно Хуросонда бўлгани билан фикру хаёли пири Хожа Аҳрорда бўлгани учун Мовароуннаҳрга қайтади. Бу вақтда Хожа Аҳрор Валий Тошкентда бўлган. Мавлоно анча вақт пирининг қабулига киришга истиҳола қилиб юрган. Хожа Аҳрорнинг ўзлари ул зотни йўқлаб чақирган ва «кўнгли кенг одамларнинг одатлари шулки, улар хато қилиб қўйганларни кечирим сўрашга мажбур этмайдилар», деб Мавлонони қайта суҳбатларига қабул қилганлар. Мавлоно Муҳаммад Қози ҳам Хожа Аҳрорнинг хизматларига сидки дилдан киришиб кетган (Силсилат ул-орифин).

Хожа Аҳрорнинг энг улуғ халифалари сирасига Мавлоно Муҳаммад Қози, Мавлоно Қосим ва Мавлоно Хожа Алилар ҳисобланишиб, замон подшоҳлари ушбу халифалар орқали Хожа Аҳрор Валий қабулига йўл топишар эди. Манбаларда келтирилишича, Мавлоно Қосим билан темурий Султон Абусаид мирзо; Мавлоно Хожа Али билан Султон Аҳмад мирзо; Султон Маҳмуд Мавлоно Муҳаммад Қози билан алоқа қилишиб, улар орқали Хожа Аҳрор Валий кўнглига йўл топишга уринганлар (Тарихи Рашидий).

Ҳазрати Хожа Аҳрор оғир касалликка чалинганларида, Мав-

лоно Муҳаммад Қози Хуросонга табиб излаб кетганларида, Хожанинг энг яқин халифаси Мавлоно Қосим касал пири атрофидан айланиб, дардни ўзига олади ҳамда ўз жонини фидо қилиб, вафот этади (Рашаҳот). Шундан сўнг Мавлоно Муҳаммад Қози Ҳазрати Хожанинг улуғ халифасига айланади (ушбу сатрлар муаллифи 1996 йилда Мавлоно Абул Қосим Жонфидонинг қабр ўрнини «Хожа Аҳрор Дарвозаси» мавзеидан аниқлаган ва ўша йили шаҳар ҳокимияти қошида комиссия тузилиб, Мавлоно Қосим Жонфидонинг мақбараси қайта тикланган эди).

Тарихда бу каби воқеалар кўп учраган. Ҳумоюн мирзо касал бўлиб, оғир дардга чалинганида, Бобур мирзо ўғли атрофидан уч айланиб, дардни ўзига олган ва кўп ўтмай вафот этган эди.

Ўз замонида Мавлоно Муҳаммад Қози ҳам оғир касалликка чалинганида, дард алаmidан барча асхобларига қараб: «Менга содиқлик лофини ураётган бу жамоа ичида бирор ҳақиқий сиддиқ бўлса-ю, дардимдан халос этса», деб зорланганида, бир муддат барча жим тургач, ёш Саййид Аҳмад Косоний ўрнидан туради ва устози атрофидан уч айланиб, «Дардингизни сиздан кўтардим» дейиши биланок, Мавлононинг дард йироқлаб, соғая бошлаган. Аҳмадхожа Косоний-Махдуми Аъзамнинг эса ҳоли бироз оғирлашган. Шунда, Мавлоно Қози шогирди Махдуми Аъзамни кўзларига ёш олиб дуои хайр этган: «Дунё тургунча мендан олган бу нисбати шариф сенга ва фарзанду авлодинга насиб этсин ҳамда асрлар оша охиратгача авлодинг замон пешволари бўлиб юришсин» (Тухфат уз-зоирин). Пиру муршидликда хайрли дуолар ана шу тариқа ижобат бўлган!

Ҳазрати Мавлоно Муҳаммад Қози 921/1515 йилда вафот этиб, пирлари Хожа Аҳрор Валийнинг энг яқин халифалари сифатида ўз пирининг ёнида дафн этилган.

МАХДУМИ АЪЗАМНИНГ НАҚШБАНДИЯ ТАРИҚАТИДАГИ ФАОЛИЯТЛАРИ

Улуғ машойих Хожа Аҳрор Валий ва ул зотнинг ўринбосари Мавлоно Муҳаммад Қози вафот этишгач, XVI асрнинг биринчи чорагидан бошлаб нақшбандия силсила сулукининг раҳбарлиги Махдуми Аъзамга ўтади. Бу сулукка ўша даврдан бошлаб XX аср бошларига қадар, яъни парокандаликка учраганига қадар, ул зот авлодлари намояндалари ўз замоналарида вақти-вақти билан раҳбарлик қилиб келишган. Шуниси қизиқки, нақшбандиядек бир улуғ силсила сулукини бир оиладан чиққан бир неча вакилларнинг узоқ вақт бошқариши ҳам тасаввуф тарихида кам учрайдиган ҳол.

«Шарафномаи шоҳий» асарининг далолат беришича, у киши (Махдуми Аъзам) ўз замонасида ғоят улуғ зот бўлиб, олийнасаб Ҳазратдан турли кароматлар ва хорик одатлар зоҳир бўлар, ва бу Мовароуннаҳрнинг жами шаҳарларида барча синфлар иродат бошларини у кишининг шарафли инобат остонасига урардилар; содиқ толиблардан 60 киши ул кишининг тарбия этагида парвариш топган, шу туфайли ул Ҳазрат «Пири шисти» («Олтмиш авлиёни тарбиялаган пир») деб ном олган эди.

Машҳур тазкиранавис тарихчи Саййид Роқимнинг далолат беришича эса, «Махдуми Аъзам муридларидан бир қанча номдор авлиёлар ул зот мақомларида номлари мастур ва мазкурдир. Ҳазрати Махдумнинг авлод ва аждодлари ҳар бир шаҳарда пири иршодлик маснадида ўлтириб, халойиқни хидоятга бошқаришган. Жаҳон аҳлига равшанки, ул зотнинг нур таратишини баён қилишга эҳтиёж йўқ. Бу ҳақир (муаллиф Саййид Роқим) ул хуршиди анвор ҳақида нима ҳам ёза оларди, ул зотнинг васфлари тақрир ва таҳрир ҳаддидан ташқаридир», деб ёзганида минг қарра ҳақ эди.

Саййид Роқимнинг юқоридаги баҳосини машҳур тарихчи ва ҳуқуқшунос олим, муфтий ва қози Абу Тохирхожа Самарқандий ўз асарида тасдиқлаб, Махдуми Аъзам ва ул зот ҳақидаги мақомот китобига шундай баҳо беради: «Ҳазрати Махдуми Аъзам жанобларининг мақомот, ҳолат ва кароматла-

ри шундайки, бу нодоннинг (яъни, Абу Тохирхожанинг) қалами уни таҳрир ва тақрир қилишга ожизлик қилади. Ул кишининг мақомотлари ҳақида машҳур бир китоб бўлиб, унда ҳам ул зотнинг ҳолатлари қисқа ёзилган»¹. Демак, Абу Тохирхожа фикрича, «Жомеъ ул-мақомот» каби машҳур асар ҳам Махдуми Аъзамнинг фазилатларини тўла ёритишда камлик қилар экан.

Махдуми Аъзамнинг машҳур шогирдларидан бири Мавлоно Лутфулло Чустий пири ҳақида шундай деган: «Бир навбат ул зотнинг мулозаматларида ўтирганимда сафар нияти учун ижозат ва фотиҳа сўрадим, индамадилар. Яна бирор соатча ўтирдим. Ўзимда қандайдир қувват сезиб иккинчи бор илтимос қилдим. Махдуми Аъзам жаҳл ила дедилар: «Бошим кетса-кетсину, сенга ижозат бермайман». Жаҳлдан бошларидаги саллалари тушиб кетди. Яна дедилар: «Бошим мана шундай кетса ҳам сени кетишга қўймайман». Қалбимдаги интилиш сўнди. Шу гаплардан сўнг ул зотнинг ҳузурларида муроқабада ўтирган эдим, ногоҳ воқеада кўрдимки, рижол ул-ғайб ва мардони Хожаи Бузург (яъни, Нақшбанд)нинг ва хожагон сулукининг пешволари кириб келдилар ҳамда ниёзмандлик билан Ҳазрати Махдуми Аъзамнинг кўнглини кўтардилар. Махдуми Аъзам менга таважжуҳ қилиб: «Барча бу ерга келмоқда-ю, сен қаерга бормокчисан?», дедилар. Дарҳол ўрнимдан туриб авф сўрадим» («Маноқиб Лутфулло Чустий»).

Ўз эътиқоидида суннийсалаф, ҳанафиймазҳаб, мотуридий-маром, авлиёмақом бўлган Махдуми Аъзам Дахбедийнинг қарашлари шундан иборат эдики, суфий аксарият ҳолларда хонақоҳда яшаши, фақат халқ, ислом ва тариқат манфаатини тарғиб қилиш учунгина узоқ вақт хонақоҳдан четга чиқиши мумкин; ул зот таркидунёчилик ва гўшанишинликни инкор этиб, руҳоний устози Ҳазрати Баҳоуддин Нақшбанднинг «Даст ба кору дил ба ёр» тезисига амал қилишга чақирарди; расмий эътироф этилган «зикри хуфия»ни қаттиқ ҳимоялаш билан бирга, яссавия тариқатининг «зикри жаҳрия» ва кубравия тариқатининг «рақсу самоъ»ларини инкор этмас, шу билан бирга мусиқий самоъни шу тариқатдагилар учун жоиз,

¹ Абу Тохирхожа. Самария. – Т.: Камалак.1991, 56-бет.

деб ҳисоблар эди. Бу билан Махдуми Аъзам «Мо ин кор наме-
кунем, аммо инкор намекунем» (Биз бу ишларни қилмаймиз,
аммо инкор ҳам қилмаймиз) тезисига қатъий амал қиларди.

Махдуми Аъзам мўътадил сунний қарашлар тарафдори
эди. Зеро, ул зот суянган маънавий устозлари – Имом Аъзам
фикҳу шариятда, Имом Мотуридий калому ақидада, Баҳоуддин
Нақшбандий ва Хожа Аҳрор Валийлар ҳам тариқат ва тафак-
курда мўътадил сунний қарашлар тарафдорлари эдилар.

Ул зотнинг назари бўйича суфий хонақоҳда муқим яшаш
билан бирга, халқ манфаати йўлида жамият ва ҳукмдорлар
билан узвий, таъсирли алоқа боғлаш учун, тариқат фаолияти
ҳамда ислом тараққиёти йўлида анжуманга чиқиб туришлари
ҳам лозим эди.

Махдуми Аъзам гўшанишинлик ва хилватни инкор этар, зи-
кри хуфия тарафдори эди. Шу билан бирга, жаҳрий ва само
зикрларни жоиз билар ҳамда мусиқани самойи зикр асослари-
дан бири деб тушунарди.

Унинг зикр масалаларидаги бу қарашлари Мавлоно Жало-
лиддин Румий қарашларини эслатар, сиёсатга тариқат нуқтаи
назардан жуда фаол аралашуви ва ҳарбий низолар олдини олиб,
солиқларни енгиллаштириш каби ишлари эса Хожа Аҳрор Ва-
лий таъсирларидан дарак берарди.

МАХДУМИ АЪЗАМИЙЛАРНИНГ ҲУКМДОРЛАР БИЛАН МУНОСАБАТЛАРИ

Махдуми Аъзамга Мовароуннаҳр, Хуросон, Ҳиндистон ва
Шарқий Туркистон давлатларининг ҳукмдор, султон ва бекла-
ри ихлос қўйишган ҳамда иродат келтириб инобат этишган
эди. Улар орасида энг машҳурлари Убайдуллоҳон, Бобур мир-
зо, Искандархон, Жонибек Султон кабилар эди.

Махдуми Аъзам халқ манфаати йўлида давлат ва сиёсат
ишларига аралашнишнинг ўзининг яна бир маънавий устози, ша-
рафли «иккинчи Нақшбанд» номини олган Хожа Убайдуллоҳ
Аҳрор Валийдан қолган мерос деб билар, ҳукмдорларнинг
ўзаро урушларини тўхтатиш учун, халқ фаровонлиги йўлида
қўлдан келганча қатъий фаолият олиб борарди. Уларни сиё-

сий фитналардан, урушлардан чалғитиш ва узоқлаштириш йўлларида бири сифатида илмий-адабий баҳс-мунозаралар уюштирарди.

Чунончи, Хожа Абулбақонинг 1617 йилда ёзилган «Жомеъ ул-мақомот» асарида ёзилишича, «Бароқхон (Наврўз Аҳмадхон) билан Абдуллатифхон 200 минг лашкар билан Бухорони қамал қилганларида Ҳазрати Махдуми Аъзам ўз асхоблари билан Бухородаги хонақоҳларида бўлган. Ул зот хузурига Абдулазиз ибн Убайдуллохон (1539–1550 йиллар ҳукм сурган) ва Муҳаммад Раҳим султонлар келиб таъзим ва тақрим бажо келтириб, ул зотдан мадад сўрадилар ва: «Ҳазратимиз раҳму шафқат кўргузиб шаҳардан чиқсалар ва хонлардан қамални бўшатишни сўрасалар» дедилар. Ҳазрати Эшон Бухоро султонлари илтижосига кўра, муридлари ҳамроҳлигида шаҳардан чиқиб, Бароқхон қароргоҳига бордилар ва бир оз тааммулдан кейин дедилар: «Лашкар тортиб ўз мулкингдан чиқишнинг не хожати бор эди. Беҳуда тараддуд қилиб, мусулмонларни безовта қилишдан мақсадинг не?». Хон жим ўтираверди. Ҳазрат яна илтифот билан: «Убайдуллохон билан Жонибек, ҳар қайсиси ўз даврида, сенга мурувват ва ёрдам кўрсатган; бугун бўлса сен уларнинг фарзандларига қасд қилмоқдасан. Бу ишинг билан Оллоҳ ва расулидан кўркмайсанму?» Хон яна лом-мим демагани учун амири Султон Иброҳим густоҳлик қилиб деди: «Хонимиз Маккагача бўлган барча юртларни эгаллайди, лекин энг аввало Бухорони эгаллайди».

Ҳазрати Эшон ғазаб ила қўл бармоқларини ишора қилиб, «Мана буни оласанлар!» деб, кўшинни тарк этдилар. Кўп ўтмай, Кистин Қора султон Бухорога мадад бермоққа жўнаётганини Ҳазратга маълум қилиб, оқ фотиҳа сўрайди. Буни эшитган хонлар ўлжаларини ҳам ташлаб қочадилар»¹.

Хожа Абулбақонинг (XVI аср охири – XVII аср боши) «Жомеъ ул-мақомот»; Ҳофиз Танишнинг (1549–1605) «Абдуллонома» («Шарафномаи шоҳий»); Ҳасанхожа Нисорийнинг (1516–1597) «Музаққир ул-аҳбоб», Муҳаммад Содиқ Кошғарийнинг (1762–1849) «Тазкираи азизон» каби асарларининг далолат

¹ Хожа Абулбақо. Жомеъ ул-мақомот. Қўлёзма (муаллифнинг шахсий кутубхонасидан).

беришича, теуурий Заҳириддин Муҳаммад Бобур мирзо ҳам Махдуми Аъзамга мурид бўлган.

Бундан ташқари Бобур ўзининг «Бобурнома» асарида, Махдуми Аъзамнинг амакизодалари (Султон Бурҳониддин Қилич авлодидан) Хожа Мавлоно Қози лақабли Хожа Абдуллони ўзига илк пир тутганини ёзган.

Бобур Самарқандни эгаллагач, она шаҳри Андижонни унинг душманлари ишғол қилиб, пири Мавлоно Қози (Хожа Абдуллони) қатл этишади. Бунга сабаб, «Бобурнома»да айтилганидек, Хожа Мавлоно Қози Бобурнинг пири бўлибгина қолмай, балки ўзининг 18 минг қўй ва молларини Бобур қўшинига улаштириб, унинг давлатдорлигини ҳар томонлама ёқлаб турган тарафдори ва маслаҳатгўйи ҳам эди¹.

Муҳаммад Содик Кошғарий ўзининг «Тазкираи азизон» асарида Бобурнинг Махдуми Аъзамга нақадар катта ихлос қўйганлигини англатадиган мактуб ва янги шеърини содиқ аёнларидан, совғалар билан қўшиб юборганлиги ҳақида ёзади.

Таржимаси:

*Гарчи дарвешлар биз каби бўлмасалар-да,
Лекин, жону дилимиз ила уларга эътиқодлимиз.
Шоҳ билан дарвеш орасида қанча фарқ бўлмасин,
Биз шоҳ бўлсак-да, дарвешлар ҳукмидадурмиз.*

Махдуми Аъзамнинг авлодлари қўлидаги «Мажмуа ур-расоил» тўпламига киритилган «Рисолаи Бобурия» асарида форсийда назмланган ушбу рубойнинг иккинчи байти ҳам ўзгача тарзда келтирилган.

Таржимаси:

*Шоҳликдан дарвешликни узоқ дема,
Шоҳмиз, лекин дарвешлар бандасимиз².*

Фикримизча, бу ерда ҳам кейинги айтилган мисралар Бобур мирзо қаламига яқин кўринади. Нега деганда, юкоридаги ҳар икки форсий рубойнинг учинчи мисралари Махдуми Аъзамнинг ўз қўллари билан битилган асарда ёзилган. Чунки, Бобур мирзонинг ушбу рубойлари айнан Махдуми Аъзамнинг

¹ Заҳириддин Бобур. Бобурнома. – Т.:Юлдузча. 1989, 49-51-бетлар.

² Ўша қўлёзма, 299а-саҳифа.

«Мажмуа ур-расоил» қўлёзмасида учрайди ва бу қадимий қўлёзма муаллиф дастхати билан ёзилиб, бизгача етиб келган. Нисбатан кейинги даврларда ёзилган Ҳасанхожа Нисорийнинг «Музақкири аҳбоб» ва Муҳаммад Содик Кошғарийнинг «Тазкираи азизон» асарларидаги ушбу рубоий айнан Махдуми Аъзам рисолаларидан олинган ва хаттот хатоси туфайли бўлса керак, нотўғри кўчирилган. Шунинг учун бу борада бирламчи манбага суяниш мумкин.

Кўриб турганимиздек, Бобур ул зотга мактублар йўллаб турган, ўз навбатида Махдуми Аъзам ҳам номалардан бирортасини жавобсиз қолдирмаган. Жумладан, Махдуми Аъзамнинг «Рисолаи Бобурия» асари шундай хатлардан бирига жавоб тарзида битилган эди.

Шуниси ҳам борки, баъзи олимлар иккинчи рубоийни Бобур эмас, балки Убайдуллохоннинг Махдуми Аъзамга бағишлаб ёзган рубоийси, деб билишади ва адашишади. Негаки, «Мажмуа ур-расоил» қўлёзмасининг энг қадимий нусхаси буни исботлайди¹.

Шайбоний хукмдор Убайдуллохоннинг пири Махдуми Аъзамга атаб ёзган рубоийлари тўғрисида Махдуми Аъзамнинг «Мажмуа ур-расоил» тўпламига киритилган «Шарҳи абёти Убайдий» ва Ҳасанхожа Нисорийнинг «Музаққир ул-аҳбоб» асарларида маълумотлар келтирилган. Жумладан, Ҳасанхожа Нисорий ёзади: «(Шайбоний хукмдор Убайдуллохоннинг) тасаввуфдаги фикрлари мазмуни асосли ва кучли намоён бўлар, баланд маъноларни дилписанд иборалар билан баён қилар эди. Ва бу рубоийни Ҳазрати Махдумий Мавлоно Косоний (Махдуми Аъзамга)га юборган:

Мазмуни:

Ғилайликда, эй дўст, зўр-базўр кўрарман,

Ҳар не кўрсам, фақат У кўрарман.

(Илми) ҳолда «Ҳу»га сингиб гарқ бўлдим,

«Ҳу» дейману, «Ҳу» эшитиб, «Ҳу» кўрарман.

Алар (Махдуми Аъзам) бу рубоийга яхши шарҳ ёзганлар ва

¹ Махдуми Аъзам. Мажмуа ар-расоил, 298аб ва 299а саҳифа (муаллифнинг шахсий кутубхонасидан).

рубойй яратувчиси мақомотини баён қилганлар».¹

Махдуми Аъзамнинг халқ манфаати йўлидаги сиёсий фаолиятини авлодлари ҳам давом эттиришди.

«Тухфат ул-хоний» («Тарихи Раҳимхоний») асарида ёзилишича, Бухоро амирлари – манғитлар сулоласининг асосчиси Муҳаммад Раҳимхоннинг тахтга ўтириш маросимида, энг аввало (ушбу тартибда): Махдуми Аъзам, Саид Ота, Хожа Ислон Жўйборий ва Хожа Ахрорларнинг авлодларидан бўлганлар тақлиф этилган². Яна шу манбада ёзилишича, Бухоро хонлигининг олий-диний лавозимлари қуйидагича тақсимланган:

1) «Ўрини шохнишини» (шоҳ ўринбосари), яъни олий диний лавозимга Махдуми Аъзам авлодидан бўлган Исохожа³ тайинланган;

2) Бухоро давлати шайхулислонлигига Хожа Ислон Жўйборий (Махдуми Аъзамнинг 1-халифалари) авлодидан Насруллохожа тайинланган;

3) Нақиблик лавозимига Саид Ота авлодидан Муҳаммадхожа;

4) Қози Калон лавозимига миракон уруғидан Низомиддинхожа тайинланган (кейинроқ уни Давлат Қушбеги билан бирга Амир Маъсум – Шохмурод қатл эттирган);

5) Самарқанд шаҳри ва вилоятининг шайхулислонлик лавозимига эса Хожа Ахрор авлодидан бўлган Шаҳобиддинхожа тайинланган. Кўриб турганимиздек, ҳокимият ва ҳукмдорлар сулоласи қанча ўзгармасин, диний лавозимларнинг бу тартиби асрлар ўтиб ҳам ўзгармаган⁴.

Ўша даврлардаги бир одатга кўра, агарда Ўрта Осиё, Эроннинг Хуросон вилояти ва бошқа ерлар ҳукмдорлари фарзанд кўришса, аксарият ҳолларда Махдуми Аъзам авлодидан бўлган машхур пирлар хузурига чақалоқни ном қўйиш учун юборар

¹ Ҳасанхожа Нисорий. Музакирул-аҳбоб (И.Бекжон таржимаси). – Т.: Абдулла Қодирий номидаги Халқ мероси нашриёти, 23-бет (бу бетда таржимон ушбу рубойини негадир ўзгача маънода талқин этган).

² Саидкулов Т. Очерки историог. народов Ср. Аз. 1992. Укитувчи. Т. Стр. 104.

³ Исохожа ибн Бобохожа – машхур пиру муршид Мусохонхожа Дахбедийнинг отаси.

⁴ Аҳмедов Б. Историко-географическая литература Ср. Азии XVI-XVIII вв. Письменные источники. – Т.: 1985. Стр. 118-119.

эдилар. Масалан, таниқли тарихчи Ҳофиз Танишнинг «Шарафномаи шоҳий» («Абдуллонома») асарида ёзилишича, Бухоро хони Искандархоннинг (1560–1583 йиллар ҳукм сурган) ўғли Абдуллахон (1583–1598 йиллар ҳукм сурган) номини Махдуми Аъзам қўйган эканлар. Асарда ёзилган: «Искандархон... устоди Мавлоно Муҳаммад Дарвеш охунни ниёз тариқасида муносиб ҳадя ва лойиқ тухфалар билан валоят мартабали ва ҳидоят ҳислатли, шариат фалагининг кутби, ҳақиқат осмонининг куёши, субҳоний сарой хилватининг маҳрами Ҳазрати Мавлоно Ҳожа-гий Косоний – Махдуми Аъзамга юборди ва ул зотдан ўғлига фотиҳа беришларини ва улуғ исм ҳамда машхур ном қўйиб беришларини сўради. Ул Ҳазрат ҳам (чақалокни) дуо қилиб, ғайбий илҳом ва шаксиз ишорат билан ҳадиси саҳихда айтилган «исмларнинг энг яхшиси Абдулла ва Абдурахмондир» сўзи бўйича унинг кутлуғ номини Абдулла деб тайин қилдилар ва гавҳар сочувчи тилига шу сўзларни олдилар: «Абдулла шавкатли подшоҳ бўлади ва олам аҳли унинг давлати соясида кўп йиллар тинч бўлади»¹.

Ҳақиқатан, Махдуми Аъзамнинг айтган бу сўзлари Абдуллохоннинг чақалоклигидаёқ ёзилган китобларда қайд этилган бўлиб, бу шахзоданинг шайбоний ҳукмдорлар орасида энг қобилиятли ва қудратли хон бўлиб етишгани пиру муршиднинг буюк кароматидан дарак берарди. Ҳатто Бартольд ҳам Абдуллохонни шайбонийлар орасида энг қудратли ҳукмдор эканлигини таъкидлаган².

«Тарихи Муқимхоний»га кўра, Бухоро подшоҳи Субҳонқулихон (1680–1702 йиллар ҳукм сурган) ўғил кўрганида унга ном қўйиш учун «бурҳон ул-авлиё ва-латкиё, ҳидоятпаноҳ, ҳақиқатогоҳ Носириддинхожа ибн Абдулғаффорхожа ибн Солиҳхожа ибн Хожа Калонхожа ибн Махдуми Аъзам қоддасаллоҳу сиррахунинг хузурига вазирини юборади ва ул зот Қуръони Карим саҳифаларини очиб, ундан: «Рабби жаални муқим ус-салоти ва мин зуррияти» (Парвардигоро, мени ва зурриётимни намозхон қилгил) деган ояти каримага кўзлари тушиб, чақалокқа Муқимхон (1697–1704) деб

¹ Ҳофиз Таниш. Шарафномаи шоҳий. – Т.: Фан. 1966. 156-157 бетлар.

² Бартольд. Абдулла бин Искендер. Сочинение, т. II, ч. 2, М., 1964, стр. 487-488.

ном кўяди. Балх ҳокими бўлган ушбу ҳукмдор ҳам тарихда нафақат сиёсий жиҳатдан, балки унинг номи билан энг машҳур китоблардан бири аталгани билан ҳам катта из қолдирган.

Ҳукмдорлар ҳам ўз навбатида даҳбедий хожалар билан қариндошчилик ипини боғлашга ва шу орқали ўзларига йирик тарафдорларни жалб қилишга уринганлар. Жумладан, охирги аштархоний подшоҳ Абулфайзхоннинг қизлари кўп бўлиб, тўнғичини Эрон шоҳи Нодиршоҳ ўз никоҳига олган; иккинчисини аввалига манғитлар сулоласининг илк амири Раҳимхон, у вафот этгач, маликани Амир Маъсум Шоҳмурод никоҳлаб олган; Абулфайзхоннинг учинчи қизини эса Мусохонхожа Даҳбедийнинг тўнғич ўғли Хонхожаи Нақиб ўз никоҳига киритганлар¹ (ушбу нашрда Хонхожа ибн Мусохонхожа Даҳбедий номи ўрнига адашиб Юсуфхожа ибн Муҳаммад Аминхожа Даҳбедийнинг номини келтиришган; ваҳоланки, уларнинг орасида 100 йиллик фарқ бор эди).

Махдуми Аъзамийлар сиёсий фаолиятларига келсак, тарих китобларида бу табақа бир қанча подшоҳликларни бошқарганликлари эътироф этилган. Жумладан, юқорида айтиб ўтганимиз, Султон Бурҳониддин Қилич Фарғонада подшоҳ бўлгани маълум. Тарихчи Муҳаммад Содик Кошғарий ва йирик рус шарқшунос олими, академик Бартольднинг далолат беришларича, XVIII асрда Шарқий Туркистонда подшоҳлик махдуми аъзамий хожалардан бўлган Офоқхожа кўлига ўтган². XVIII аср охирида ҳукм сурган Самарқанд ҳокимлари (Шарафиддин Абу Иброҳим ва Саййид Муҳаммад Амин) Махдуми Аъзам авлодларидан бўлишган³. Шунингдек, Абдурахмон Мустажир «Рўзномаи сафари Искандаркўл» асарида қайд қилишича, Тожикистоннинг Масчоҳ, Урметан, Фулғор каби юртлари подшоҳи Раҳимшоҳдан халқ норози бўлиб, уни тахтдан ағдаргандан сўнг, даҳбедий хожалар силсиласидан бўлган ёш йигит (“Пошшохожа” номи билан тарихга кирган) подшоҳ бўлади⁴. Яқинда

¹ Мирзо Шамс Бухорий. Тарихи Бухоро, Хўқанд, Кошғар. Техрон. 1377 х.ш. 120-125 сах.

² Бартольд. «Сочинение». том-11. 275-276 бетлар.

³ Абрамов М. М. «Махдуми Аъзам ва Даҳбед тарихи» китобига тақриз.

⁴ Абдурахмон Мустажир. Рўзномаи сафари Искандаркўл. – Душанбе: Ирфон. 1989.

маълум бўлган маълумотларга қараганда, XX асрнинг 40-йилларида эса Шарқий Туркистонда ушбу табақадан бўлган Алихонтўра Соғуний бошчилигида мустақил давлат ташкил топган бўлиб, у киши машҳур саркарда сифатида танилган эди. Султон Бурҳониддин Қилич наслидан бўлган Алихонтўра (маршал Соғуний) шахсан Сталиннинг буйруғи билан Шарқий Туркистондан алдов натижасида ўғирланиб келиниб, ўнлаб йиллар давомида Тошкентда уй қамоғига ҳукм қилинган эди.

Демак, бу табақа фақат ислом дини шариати ва тариқатининг пешволари бўлибгина қолмай, балки сиёсий жихатдан ҳам ўша даврларда асосий тахт даъвогарлари ҳисобланиб, Дахбед мавзеини Ўрта Осиё халқлари ижтимоий, сиёсий ва маданий тарихида ўз ўрнини топишини таъминлаганлар.

Махдуми Аъзами Дахбедий шайбонийлар – Убайдуллоҳон, Жонибек Султон, Искандархон ҳамда Ҳиндистондаги темир-Бобур мирзо каби ҳукмдорларнинг маънавий муршиди даражасигача кўтарилган, улар томонидан ниҳоятда ҳурмат ва эҳтиром қилинган. Шайбоний султонлардан «Убайдий» тахаллусида қатор шеър-девлар битган Убайдуллоҳон пири Махдуми Аъзам суҳбатларидан тез-тез баҳраманд бўлиш учун ул зотни ортиқча ташвишлантирмаслик мақсадида ўз қасри ичида махсус уй ясади ва шу ерда бўлишни илтимос қилади. Махдуми Аъзам қасрдаги уйда доимий турмасалар-да, ҳар-ҳар замон келиб, шу уйда хон билан ирфоний суҳбатлар уюштириб, ёзган асарларидан ўқиб берар эди.

Нақшбандия тариқати устувор бўлган Мовароуннаҳрда Хожа Аҳрор Валий ўз замонида фаолият кўрсатгани каби Махдуми Аъзам Дахбедий ҳам ўз даврида уруш-низоларни тўхтатар, халқ фаравонлиги йўлида ҳукмдорларга катта таъсирлар кўрсатиши натижасида урушларнинг олди тезда олиниб, ноҳақликларга чек қўйилар эди. Хожа Аҳрор ва Махдуми Аъзам даврларидан кейинги замонларда нафақат турли тариқатлар ичида, балки нақшбандия тариқати замиридаги пиру муршидлар орасида ҳам тортишувлар бошлангани ҳолатини учратиш мумкин. Масалан, Махдуми Аъзам вафотларидан кейин ул зотнинг икки машҳур халифалари Хожа Исом Жўйборий (Бухоро хони Абдуллоҳоннинг пири)

ва Мавлоно Лутфулло Чустий (Фарғона вилояти ҳукмдорлари муршиди) орасида ўтган баъзи низоларни келтириш мумкин (“Маноқибӣ Мавлоно Лутфуллоҳ”). Нақшбандия тариқати замиридаги бу низолар икки аср давомида авж олиб, Маҳдуми Аъзамнинг чевараси Мусохонхожа Даҳбедий даврига келибгина барҳам топган. Яъни, Мовароуннаҳрда Мусохонхожа келтирган «тариқаи аълияи муҷаддияи нақшбандия» (“янгиланган нақшбандия тариқати”) фаолият кўрсата бошлагач, тариқат ичидаги низоларга чек қўйилди.

Маҳдуми Аъзамнинг ҳукмдорлар орасида айниқса Бобур мирзо билан олиб борилган муносабатларни алоҳида кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

МАҲДУМИ АЪЗАМ ВА БОБУР МИРЗО МУНОСАБАТЛАРИ

Мустақиллик сабаб, юртимиз маънавий кадрияти асосларидан бири – буюк алломаларимиз хотиралари тикланмоқда, асарлари таржима ва чоп этилмоқда, анжуманлари ўтказилмоқда.

Алломаларимизнинг аксарият қисми тасаввуф таълимотлари замирида фаолият кўрсатишган. Ўрта асрларда бу таълимотлар маркази бўлган юртимизда нақшбандия, яссавия, кодирия, кубравия, чиштия ва неъматуллоҳия каби тариқатлар фаолият кўрсатишган бўлиб, улар орасида айниқса нақшбандия силсиласи Хожа Аҳрор Валий фаолиятлари сабаб, устувор даражага етишади.

Нақшбандия тариқатининг йирик назариётчи олими, Хожа Аҳрор Валийдан кейинги буюк вакили Маҳдуми Аъзам бўлиб, бу тариқатнинг улуғлигини илк бора илмий жиҳатдан асослаб берган шахс эди.

Ушбу муборак зотнинг асл исми “Саййид Аҳмад ибн Жалолдин Косоний”, олимлар орасидаги номи “Мавлоно Хожагий Косоний”, халқ орасида эса “Маҳдуми Аъзами Даҳбедий” номи билан машҳур бўлиб, нақшбандия тариқатининг машҳур муршиди бўлган бу зот ўз даврининг халқ ва ҳукмдорлари эргашувчи замон муқтадоси эди. Қизиғи шундаки, ўша давр теурий мирзолар етакчиси Ҳиндистон подшоҳи Бобур мирзо ва шайбоний султонлари сардори Мовароуннаҳр хони Убайдуллоҳон каби

икки машхур сулола ҳукмдорлари бир-бирларига қондош душман бўлишларига қарамай, пирлари бир шахс – Махдуми Аъзам эди. Шу билан бирга, Искандархон, Жонибек Султон каби бир қанча ҳукмдорлар ҳам ул зотга мурид бўлганлар.

Тариқат муршиди Махдуми Аъзам Даҳбедий (1461–1542) ва ул зотнинг муриди, назмдаги шогирди, буюк маърифатпарвар шоир, олим ва давлат арбоби Заҳириддин Муҳаммад Бобур (1483–1530) буюк давлат арбоби сифатида юртимиз тарихида алоҳида ўрин эгаллаб келмоқда.

Махдуми Аъзам ва Бобур мирзолар тўғрисида Хожа Абулбақонинг «Жомеъ ул-мақомот» ҳамда «Бобурнома» каби дунёга машхур асарлардан ташқари, бевосита ҳамда у ёки бу тарзда мазкурлар зикр этилган бир қатор тарихий манбалар кўп бўлиб, жумладан Ҳасанхожа Нисорийнинг «Музакир ул-аҳбоб», Ҳофизи Танишнинг «Шарафномаи шоҳий», Шарафиддин Ҳусайннинг «Жодат ул-ошиқин», бобурийзода шахзода Доро Шукуҳнинг «Сафинат ул-авлиё», Олим Шайх Азизоннинг «Ламаҳот мин нафаҳот ул-қудс», Муҳаммад Юсуф Муншийнинг «Тарихи Муқимхоний», Шоҳ Маҳмуд Чароснинг «Ат-Таърих», Мақсуди Бухорийнинг «Равойиҳ ул-қудс», Носириддин Бухорийнинг «Тухфат уз-зоирин», Абу Тохирхожанинг «Самария», Мусохонхожанинг туркум асарлари, Жумақули Ургутийнинг «Маноқибӣ Эшони Мусохонхожа», Каттахонхожа Даҳбедийнинг «Рисолаи тарихи Даҳбедия», Садриддин Айнийнинг «Намунаи адабиёти тоҷик» асарлари ҳамда замондош устоз олимларимиздан, академиклар Бўрибой Аҳмедов, Ботирхон Валихўжаев, Расулхон Ҳодизодаларнинг бу борадаги бир қатор илмий мақолаларини ҳам мисол тариқасида келтириш мумкин. Ушбу сатрлар муаллифи ҳам 1989–1990 йилларда Самарқанд вилоят¹ ва республика² нашрларида мақолалари, 1994 йилда чоп этилган «Махдуми Аъзам ва Даҳбед тарихи»³ да ҳам Махдуми Аъзам ва Бобур мирзо муносабатлари ҳақидаги чиқишлардан ҳисобланади.

¹ Каттаев К. Даҳбеддаги муборак излар. «Ленин йули» газ., 1989 й. 11-сент.

² Каттаев К. Шердор мадрасаси ёзувлари. «Гулистон» журн., 1990 й. 8-сон.

³ Каттаев К. Махдуми Аъзам ва Даҳбед тарихи. – Самарқанд: Сугдиён, 1994.

СОҲАДАГИ БАЪЗИ ИЛМИЙ ЧАЛКАШЛИКЛАР

Махдуми Аъзам ва Бобур мирзолар тўғрисида мустикал юртимизда бир қанча илмий тадқиқотлар олиб борилган, баъзи рисола ҳамда илмий мақолалар ёзилган. Аммо, бу тадқиқотларда ёритилган жиҳатлар асосан Махдуми Аъзам фаолияти тарихи, Бобур мирзонинг эса «Бобурнома»си, девони ва шоирлик фаолияти билан боғлиқдир. Ваҳоланки, бу икки зотни боғлаб турган ришталар – шеърятдаги (зоҳирий) устозу шогирдлик ва тариқатдаги (ботиний) пиру муридлик нисбатлари ҳозирга қадар деярли ўрганилмаган бўлиб, бир-икки чиқишлардагина кўтарилган, холос¹. Бошқача айтганда, Бобур мирзонинг зоҳирий, яъни унинг сиёсий, ижтимоий ва ижодий фаолияти «Бобурнома» каби асарлари ва шеърини девони микёсида қайта-қайта ўрганилмоқда. Аммо, унинг ботиний, яъни Махдуми Аъзам билан боғлиқ тариқий ҳаёти эса илмий тарзда умуман ўрганилмаган, дейишга тўла асосимиз бор (охирги вақтларда ушбу икки шахс ҳақида ёзаётган олимлар юқоридаги манба ва тадқиқотлардан келиб чиқиб, уларнинг пиру шогирд эканликларини эътироф этишади, холос).

«Бобурнома» асарининг Махдуми Аъзам ва Мовароуннаҳр алломалари ёзилган боблари (1509 йилдан 1520 йилга қадар 10 йиллик воқеалар) йўқолгани боис, Бобур мирзонинг Махдуми Аъзам ўртасидаги баъзи бир жиҳатларни шоир ғазалиёти ёрдамида тиклаш ҳам мумкин. Бу иш ҳам тадқиқотчиларини кутаётир.

Охирги даврларда юртимизда, бу борада олиб борилаётган илмий тадқиқотларда ҳатто баъзи таниқли олимлар томонидан ҳам чалкашликларга йўл қўйилмоқдаки, буларни ислоҳ этиш зарур ва долзарб ишдир. Баъзи чалкаш масалаларни кўриб ўтсак!

Бобур мирзонинг Махдуми Аъзам шарафига ёзган баъзи рубойилари муаллифлигини шайбоний ҳукмдор Убайдуллоҳон номига нисбат бериб ёзишмоқдалар. Бу чалкашликка Махдуми Аъзамнинг «Мажмуа ур-расоил» тўпламидаги Бобур мирзо ва

¹ Каттаев К. Махдуми Аъзам ва Даҳбед. Самарқанд, 1994. Сугдиён.

Убайдуллохонга аталган рисоалари ва улардаги ғазалларнинг кетма-кет келиши сабаб бўлаётир.

Шайбоний ҳукмдор Убайдуллохон томонидан пири Махдуми Аъзамга атаб ёзган рубойлари масаласига келсак, бу назмлар тўғрисида Махдуми Аъзамнинг «Мажмуа ур-расоил» тўпламига киритилган «Шарҳи абёти Убайдий» ва Ҳасанхожа Нисорийнинг «Музаккир ул-ахбоб» асарларида маълумотлар келтирилган.

Яссавия тариқати муршидларидан баъзиларини Бобур мирзонинг асосий пири деб кўрсатиш ҳоллари кўринмоқда. Жумладан, шайбонийлардан енгилган Бобур мирзога Махдуми Аъзамнинг: «Энди сенинг юртинг қаро ердур», деган Ҳиндистон замини назарда тутилган пандларини яссавия тариқатидаги бошқа муршидга нисбат бериб, яна ўша муршидни Бобур мирзонинг тариқатдаги пири, деб манба кўрсатмай даъво этишлари ҳам ажиб ҳолдир.

Бошқа ҳукмдорлар каби Бобур мирзо ҳам барча тариқат муршидларини ҳурмат қилган, улардан мадад сўраб аъёнларини юборган, аммо отамерос нақшбандия тариқати муршиди Махдуми Аъзамгагина иродат этгани манбаларда келтирилган¹. Зеро, Ҳиндистонни эгаллаган Бобур мирзо иссиқ ўлкани, қорайган одамларни кўриб, пири Махдуми Аъзамнинг юқоридаги сўзларини ҳамда ўз юртида қизилбошлар босқинида иштирок этганини ўқинч билан эслар ва буни мисраларида акс эттирар эди:

«Ё Раб, бу не юз қаролик бўлди».

Бундан-да қизиғи шуки, бир юртдош олимимиз рус академиги В.В.Бартольдга таянган ҳолда иддао этади: «В.В.Бартольд кўрган бир қўлёзма асарда ёзилишича, Нажмиддин Кубро мактабининг хоразмлик машҳур намояндаларидан Шайх Хожа Муҳаммад Хабушоний кароматлари ҳақида Бобур кўп эшитган ва уни ўзининг пири ҳисоблаб юрган эди. Шайх 1517 йили Самарқандга кўчиб келганидан Бобур хабар топган эди. Шарқий ва жанубий Ҳиндистоннинг бош рожаси Рано Санго-

¹ Хожа Абулбако. Жомеъ ул-мақомот. Қўлёзма (муаллифнинг шахсий кутубхонасидан) 75а-77б саҳифалар.

нинг энгиш учун барча азиз авлиёлардан тунги ибодатларида мадад сўрарди. Хужум олдидан Бобур Шайх Хожа Муҳаммад Хабушоний хузурига – Самарқандга салом хати ва ҳадялар билан махсус одам юборади ва дуо қилишни сўрайди. Шайх унга ўз ҳассасини ҳадя қилиб юборади. Бобур хужум олдидан кечки пайт мехробга ушбу ҳассасини қўйиб, йиғлаб намоз ўқийди. Ўша куни тушида Шайх уни қўрқаётганликда айблади ва кўркмасликка ундаб, мадад беражагини айтиб ғойиб бўлади. Дарҳақиқат, 1527 йили ёзда шарқий ва жанубий Ҳиндистон учун жангда Рано Сангонинг 120 мингли армияси устидан 30-40 мингли армияси билан Бобур ажойиб ғалаба қозонади ва «Ғозий» унвонини олади. Ғалабадан сўнг Бобур катта ҳадялар билан Самарқандга яна одам юбориб, Шайхга миннатдорлик изхор қилиб, совғалар юборади. Аммо, Шайх Бобур юборган ҳадядан озгина олиб, қолганидан воз кечади»¹.

Кўриб турганимиздек, энди кубравия тариқати муршидларидан бири пирликка даъво эттирилмоқда.

Бу ерда айтилган воқеа-тарихнинг барчаси тўғри, аммо Бартольд фақатгина шахсга ва тариқатга ном қўйишда адашган. Яъни, Бобур пир деб билган; нақшбандия тариқатида фаолият кўрсатган; ўша санада Самарқандга кўчиб келган; махсус киши орқали совға-салому назмлар юборилган ўша муршиднинг номи Махдуми Аъзам Дахбедий эди.

Академик Бартольд ва юртдош олимимизнинг адашишаётганини исботи тариқасида 1626 йилда ёзилган ва кўчирилган «Жомеъ ул-мақомот» асаридан иқтибосни айнан келтирамиз:

«Ўша замонким, кофир Рано Санго Бобур подшоҳ бошига жанг талабида лашкар тортиб келганида, подшоҳнинг боши гангиб фикру андишага чўмади. Подшоҳнинг Амир Дарвиш Муҳаммад Сорбон номли вазирларидан бири ўз вақтида Ҳазрати Мавлоно Муҳаммад Қозининг муридларидан эдиким, у подшоҳдан ғамгинлиги сабабини сўрайди. Бобур подшоҳ дейди: Нега ғамгин бўлмайд, кофирлар лашкари мусулмонларни қиришга келишди ва бизнинг лашкар эса жуда заифдир. Шунда вазир дейди: Биздан шариат ва тариқат хи-

¹ Имом Бухорий сабоқлари, 2004 й. №1, 34-бет.

лофига не ўтган бўлса тавба қилиб, Худо даргоҳига ва хожагон тариқати акобирлари арвоҳига мутаважжих бўлиб мадад сўрайлик. Улар Худодан мадад сўрагач, подшоҳ туш кўрадики, бир хожагон тариқати муршиди унга мадад тиламоқда экан. Уйғониб вазирига воқеада кўрганини айтади ва кучига куч қўшилиб, оз сонли қўшин билан неча карра кўп сонли душманни тор-мор этгач, Ҳиндистон мамлақати унга муқаррар бўлади. Сўнг, ўша пир ҳақида вазиридан сўрайди; вазир пирнинг номи Мавлоно Хожагий Косоний-Махдуми Аъзами Даҳбедий эканлигини айтади.

Бу орада Ҳазрати Махдуми Аъзам ҳам ёронларига қараб айтадилар: «Тарихга ёзингизким, биз бу кеч Оллоҳ иродаси ва хожагонлар руҳониятлари мадади билан Бобур подшоҳга ёрмандлик етказдик». Бу сўзларни ёзиб қўядилар.

Бу вақтда Ҳиндистонда Бобур мирзо душмандан тушган жуда катта ўлжанинг энг сарасидан бир неча олтин қуймаси ва беҳисоб жавоҳирларни ўзининг рисолаю рубойларига қўшиб бошқа бир вазири – Амир Қўзи орқали Даҳбедга юборади ҳамда ўзининг ғойибдан иродат қўлини берганлигини эълон қилади. Шундан сўнг, Даҳбедда уч-тўрт кун меҳмон бўлиб пиру муршид суҳбатини олган вазир Амир Қўзи ҳам ҳукмдори каби қўл бериб иродатга киради. Ҳазрати Махдуми Аъзам вазирга жавоб бераётиб подшоҳ Бобурнинг рубоиётига ёзган «Шарҳлар»ини бериб юборади» (таржима бизники. – К.К.)¹.

Бобур мирзонинг қизи Гулбаданбегимнинг «Хумоюннома» асарида отасининг Рано Санго жанги олдидан тавба қилиб тариқатга кирганлиги юқоридаги муаллифлар фикрини яна бир бор тасдиқлайди: «Рано Санго жангидан икки кун бурун подшоҳ ҳазратлари (яъни, Бобур мирзо) шароб ичишдан ва бошқа номуносиб ишлардан тавба қилган эдилар... Шароб ичишга керак бўладиган ҳамма тилла ва кумуш асбобларни, олтин пиёлаларни ва бошқа қимматли идишларни синдириб, камбағал бечораларга бўлиб бордилар»².

¹ Хожа Абулбақо. Жомеъ ул-макомот. Қўлёзма. 75а-76б саҳифалар.

² Гулбаданбегим. Хумоюннома (С.Азимжонова тарж.). – Т.: Маънавият, 1998. 39-бет.

Маълумки, подшоҳлар тариқат йўлига киргандагина шу каби ишларни амалга ошириб тавба қилишади. Ушбу аён иддаога – ҳеч баён шарт эмас кўринади.

Энди, савол туғилади: нега Бартольд каби жуда йирик олим тариқатни ва шахсларни адаштирди? Кубравия тариқати манбаларида Шайх Хабушоний лақабини баъзан «Махдуми Аъзам» деб ёзишган. Чунончи, шахзода Доро Шукухнинг тасаввуф алломаларига бағишланган «Сафинат ул-авлиё»¹ ва кубравия тариқати тарихи бўйича машҳур мақомот ҳисобланган Шарафиддин Ҳусайннинг «Жодат ул-ошиқин»² асарларида Шайх Хабушонийни ҳам баъзан Махдуми Аъзам номи билан аталганини ёзишган.

Юртдош олимнинг «В.В.Бартольд кўрган бир қўлёзма асарда»(?), деб ёзиб, манбани мавҳум қолдиришининг ўзи номуносиб ишдир. Нега манба номини келтиришмаган? Фикримизча, рус олими Хожа Абулбақонинг (XVI–XVII аср) «Жомеъ ул-мақомот» ёки Муҳаммад Содик Кошғарийнинг (1762–1849) «Тазкираи азизон» асарларидан бирини кўриб, нуқсонли нусха бўлгани учун номини аниқламай туриб, унда Бобур мирзонинг пири Махдуми Аъзам эканлигини ўқигач, кубравия тариқатига доир «Жодат ул-ошиқин» китобида Шайх Хабушонийни шу ном билан аташларини эсга олиб, шу тариқа хатоликка йўл қўйган. Натижада, нақшбандия тариқати кубравияга, Махдуми Аъзам Даҳбедий эса илм аҳлига унча таниш бўлмаган шу тахаллусли Шайх Хабушонийга осонгина адаштирилган³.

Бугина эмас, Бартольд Хабушонийнинг халифаси Камолиддин Ҳусайн Хоразмийни (1465-1551) худди шу номли бошқа бир тарихий шахс Ҳусайн Хоразмий (1426 йилда шаҳид этилган) билан адаштириб юборгани учун, кейинги кўплаб йирик рус ва ўзбек олимлари ҳам Бартольдга таянган ҳолда шу хатоликни давом эттираверишган. Ваҳоланки, ушбу икки

¹ Доро Шукух. Сафинат ул-авлиё. Ҳиндистон, «Мунши», 1318 х. 191-саҳифа.

² Шарафиддин Ҳусайн. Жодат ул-ошиқин (шу авлод вакили Темурхон Бобохоновда сақланади).

³ Ҳатто Мавлоно Муҳаммад Қози ҳам баъзи манбаларда Махдуми Аъзам аталган бўлсада, бу ном фақат Мавлоно Хожаги Косонийга боқий қолган.

хамном шахслар орасидаги фарқ камида 150 йил бўлган¹. Бу ходисанинг тафсилоти қуйидагича:

Биринчидан, кўрсатилган санада шайбоний Жонибек Султон таклифи билан Самарқандга Махдуми Аъзам Дахбедий кўчиб келган (Шайх Хабушонийнинг эса Самарқандга кўчиб келгани ё яшагани тўғрисида бирор манбада ёзилмаган).

Иккинчидан, Шайх Хабушонийнинг Бобур мирзога пир бўлгани ё учрашгани ҳақида ҳам бирор манбада учрамайди.

Учинчидан, Шайх Хабушоний умрининг охириги йилларида Хоразмдан ташқарида чиқмай, 1520 йилда Вазир қишлоғида вафот этган. Ушбу шайхнинг халифаси бўлган Шайх Махдуми Хоразмий мақомоти ҳисобланган «Жодат ул-ошиқин» китобида Шайх Хабушоний тўғрисида барча тафсилотлар берилса-да, бу ҳақда бирор нарса дейилмаган. Ваҳоланки, Шайх Хабушоний тарихи мукамал ёзилган ягона манба ушбу китобдир.

Қизиғи шундаки, Шайх Хабушоний тўғрисида Доро Шукуҳнинг «Сафинат ул-авлиё» ва Ҳасанхожа Нисорийнинг «Музаккир ул-аҳбоб» асарларида ҳам бу ҳақда лом-мим дейилмаган, аксинча, унда Махдуми Аъзам Бобур мирзонинг пири эканлиги аниқ таъкидланган.

Ҳиндистон подшоҳи бўлган Бобур мирзо мовароуннаҳрлик пири Махдуми Аъзамга ниёзмандлик юзасидан бир неча қуйма олтин ва дил изхори юзасидан эса ушбу рубойни юборади ҳамда унда: «Бизга (Ҳиндистонда турганлигимизда ҳам) бир бор назар қилингким, Хожаликни (яъни, подшоҳлик)ни ташлайлигу, Хожагийга² (яъни, Хожагий Косоний-Махдуми Аъзамга) қайта мурид бўлайлик» деган маънодаги фикрини очикдан-очик назмда баён этади.

Таржимаси:

Гумроҳ ҳавоий нафс туфайли умрни зое этдик,
Авлиёлар наздида атворимиздан шармандамиз.
Биз-кўнгли хаста бечораҳолларга назар қилким,

¹ Бу ҳақда батафсил маълумот олиш учун қ.: Каттаев К. Шайх Махдуми Хоразмий ва хонақоҳи тарихи; Яна ўша муаллиф. Шайх Махдуми Хоразмий тарихи. – Самарқанд: Зарафшон. 2003.

² Хожагий – Махдуми Аъзамнинг бюоошқа бир номлари Мавлоно Хожагийдир.

Шоҳликни ташлаб, Хожагийга банда бўлайлик¹.

1993 йилда Тошкентда таржимаси чоп этилган Ҳасанхожа Нисорийнинг «Музаккир ул-аҳбоб» китобида эса рубойининг иккинчи қисми бу тарзда келтирилган (таржима мазмуни ҳам ўша китобдан):

Биз томонга ҳеч бўлмаса бир назар сол, вафо ила,
Хожага боғланганмиз, хожага бандамиз.²

Махдуми Аъзамнинг «Рисолаи Бобурия» асарида Бобур мирзонинг келтирилган ушбу мисраси оригинал мисрадир. Чунки, унинг рубойиси битилган мактуб Махдуми Аъзамга шахсан юборилган ва ул зот рисоласига киритган бу назм ҳақиқий. Аммо бошқа томондан, Ҳасанхожа Нисорийнинг «Музаккир ул-аҳбоб» асарига киритилган мисра ҳам шунчалик кучли ва Бобур мирзо услубида ёзилганки, бунга ҳам шакшубҳа йўқ. Демак, Махдуми Аъзам Бобур мирзонинг ушбу мисрасини устоз сифатида ислоҳ қилиб қайта жило берган ва «Рисолаи Бобурия» асарига киритган бўлиб чиқади.

Махдуми Аъзам Бобур мирзонинг рубойиси таҳлилида мирзонинг «бандалик изҳори» билан мурид тушиши амалга ошганини айтиб, ёзади:

Ва яна ул жаноб (Бобур мирзо)нинг бул томондагиларга (яъни, муаллифга) «бандалик» хоҳиши, унинг жамии аъмолини англаган ҳолда амалга ошди (яъни, Бобур мирзо муаллифга банда-мурид бўлиш ниятига етди).

«Рисолаи Бобурия»да айтилган ушбу икки алломанинг муносабатлари, улар ўртасидаги ботиний робиталар муаммосига нуқта қўяди, деб ўйлаймиз. Гарчи Бобур мирзо яссавия ва кубравия тариқати алломаларини жуда ҳурмат қилган бўлсада, ҳукмдор бобоси ва отаси (Абусаид ва Умаршайх мирзо)лар каби нақшбандия тариқатидан бир қадам ҳам четга чиқмаган.

Мисра:

Як қадам берун нашуд аз гуфтаи Пайғамбарам.³
(Пайғамбар сўзларидан бир қадам четга чиқилмади.)

¹ Хожагий икки маънода: подшоҳлик ва Хожағи - Косоний номи маъносида.

² Нисорий. Музаккирул-аҳбоб. И.Бекжон тарж. Т. А.Қодирий 1993, 53-бет.

³ Каттаҳонхожа Даҳбедийнинг «Рисолаи тории Даҳбедия» китобидан.

«Бобурнома»дан баъзи боблари йўқолиб, бизгача етиб келмаган бўлса-да, боқий қолган нусхасидан ҳам қимматли маълумотларни топишимиз мумкин. Бобур мирзо бу асарида Махдуми Аъзамдан олдинги илк пири тўғрисида ёзади: «устод ва пиримким, Хожа Мавлоно Қозининг... оти Абдуллодур. Ота тарафдин насаби Шайх Бурҳониддин Қиличқа етар... Хожа Қози Хожа Убайдуллонинг муриди эди»⁴.

Демак, Бобур мирзонинг ёшлигидаги илк пири Хожа Мавлоно Қози бўлиб, асарида ёзилишича, бу зот Шайх Бурҳониддин Қилич авлодидан ва Хожа Аҳрор Валийнинг халифаларидан бўлган. Хожа Аҳрор Валий вафот этганларидан сўнг, Бобур мирзонинг отаси Умаршайх мирзо ушбу Хожа Мавлоно Қозини пир тутган. Шунинг учун ёш Бобур мирзо ҳам отаси вафотидан сўнг ушбу муршидни пир ва устоз деб билган.

Теурий ҳукмдор Умаршайх мирзо вафот этгач, ўғли Бобур мирзо тахтга чиқади. Ёш ҳукмдорга пир бўлган Хожа Мавлоно Қози машҳур шайх Саййид Бурҳониддин Қилич авлодидан бўлиб, шу авлоддан бўлган Махдуми Аъзамнинг амакизолалари эди. Душманлар Бобур мирзони синдириш мақсадида пири Хожа Мавлоно Қозини шаҳид этгунларига қадар у ёш шахзодага ҳам пир, ҳам мураббий эди.

Илк пири шаҳид бўлгач, анча вақт ўтиб Шайх Бурҳониддин Қилич авлодига ҳурмати қатта бўлган Бобур мирзо яна ўша авлоддан бўлмиш Махдуми Аъзамга узоқ Ҳиндистондан туриб иродат келтиради ва барча ғалабаларини унинг кароматидан деб билади. Бу каби жиҳатлар ҳозирча, илм аҳллари томонидан маҳсул ўрганилмаган ва тадқиқот этилмаган.

Яна бир масала шундаки, баъзи олимлар ушбу Хожа Мавлоно Қозини Хожа Аҳрорнинг бошқа машҳур халифалари Мавлоно Муҳаммад Қози билан чалкаштиришади. Бизнингча, бунинг боиси уларнинг номлари жуда ўхшаш бўлгани учун бўлса керак. Бу зотларнинг бири Махдуми Аъзамга амакизода бўлса, иккинчилари пиру муршидлари эди.

Бошқа яна бир масала шундаки, ҳатто бизнинг давримизда ҳам юртдош олимлардан баъзилари Бобур мирзо-

⁴ Бобур. Бобурнома. – Т.: Юлдузча. 1989. 51-бет.

нинг қизилбошлар ёрдамида бобоси Темурнинг пойтахти Самарқанд шахрини эгаллаши борасидаги хатосини яна бир карра кўтариб, унинг номига доғ туширмоқчи бўлмоқдаларки¹, бу масала Махдуми Аъзамга ҳам у ёки бу тарзда тегиб кетади. Негаки, ул зот Бобур мирзо ҳаётида пиру мураббий сифатида муҳим рол ўйнаган эди ва ярим минг йилча муқаддам ушбу пир ўз асарлари ва назмларида Бобур мирзони очиқчасига оқлаган эди. Юртимиз тарихида соҳибқирон Темурдан кейинги буюк саркарда, Алишер Навоидан кейинги улуғ мутафаккир шоир, олим ва тарихчилар пешвоси бўлган Бобур мирзога таъна тошини ота билиш учун ҳеч бўлмаса унинг ярмичалик даражага эга бўлиш керак. Зеро, «Танбият ус-салотин» асарида Махдуми Аъзам ўринли байт келтирган.

Мазмуни:

Гар Худо нокас пардасин йиртмоқчи бўлса,
У пок одамларни таъна қила бошлайди.

МАХДУМИ АЪЗАМНИНГ БОШҚА ТАРИҚАТ МУРШИДЛАРИ БИЛАН МУЛОҚОТЛАРИ

Махдуми Аъзам ёзган илмий-назарий асарларини амалиётда татбиқ эттирарди. Бунинг исботи учун бошқа тариқат пирлари билан ўтказган баъзи бир мулоқотларини эсга олсак кифоя.

Махдуми Аъзами Даҳбедий билан Шайх Худойдод Валийларнинг ёшлари тенг бўлиб, иккаласи ҳам 1461 йилда туғилган. Бири ўз замонасида энг улуғ силсила ҳисобланган нақшбандиянинг назариётчи олими ва пешвоси ҳисобланса, иккинчиси эса яссавия тариқатининг йўлбошчиси сифатида фаолият кўрсатган.

Ўзаро дўстлик муносабатида бўлган бу икки буюк зот тасаввуфий мунозараю баҳслар олиб боришганликлари туфайли ўз тариқатларини бир-бирларидан фойдаланган ҳолда бойитишган. Махдуми Аъзам Даҳбедий ва Шайх Худойдод Валий ўрталаридаги дўстона муносабатлар, мулоқотлар ушбу икки силсила намояндалари учун ибратли характерга эга бўлган.

¹ Каттаев К. Олимларни хайрли ишларидан қайтармаслик керак. «Андижоннома» газ., 2011 йил 26 март.

Ўзбекистон ФА академиги Ботирхон Валихўжаев «Махдуми Аъзами Дахбедий» номли мақолаларида ёзадилар:

«...Хожагий Махдуми Аъзам Ғазирага етганларида, шу даврнинг танилган шайхларидан Бобо Худойдод Вали билан учрашиб, бир бирларининг суҳбатларидан бахраманд бўладилар. Маълумки, Бобо Худойдод Валий яссавияи жаҳрияи султония тариқатининг кўзга кўринган муршидларидан бўлиб, Шайбонийхон ҳамда теурийзода Бобур мирзонинг хурматиға сазовор бўлган эди. Махдуми Аъзам Дахбедий Бобо Худойдод Валийға шундай катта таассурот қолдирганки, натижада Бобо Худойдод Валий туя жунидан ўзлари тўқиган тўнни мамнуният билан Махдуми Аъзамға туҳфа қиладилар. Бу ҳол тасаввуф тариқатида эътироф этиш ва юксак даражада кадрлаш рамзи сифатида тушунилади...»¹

Тарихчи Хожа Абулбақо ўз китобида ушбу таъсирли воқеани келтиради: «Нақл қилибдурлар, қачонким Ҳазрати Махдуми Аъзам Ахсикат вилоятидан Самарқандга кўчиб келаётганларида Ҳазрати Шайх Худойдод Валийнинг манзилларига (Ғазирага) ташриф буюрадилар. Улар орасида ошночилик ва дўстлик мулоқотлари ўша вақт бошланган эди. Ҳазратнинг ташрифларидан хурсанд бўлган жаноби Шайх ҳазратлари меҳмонга ўзлари хизматда бўладилар. Онҳазрат (Махдуми Аъзам) айтар эдилар: «Сиз ёнимда турунг, токи бир-биримиз билан суҳбатда бўлайлик». Ҳазрати Шайх эса дедилар: «Агар туриб қолсам, қўрқаманки мулозимлар хизматида камчилик бўлиб қолиши мумкин, шу жиҳатдан ўзим (меҳмонга) хизмат қилмоқдаман». Қачонким, аср намозининг вақти киргач, муаззин азон айтиб, такбир келтиради. Онҳазрат (Махдуми Аъзам) Ҳазрати Шайхга дедилар: «Сиз намоз имоматлигига ўтинг». Ҳазрати Шайх кутиб, индамай турдилар. Иккинчи бора илтимос қилинганда, Ҳазрати Шайх дедилар: «Ҳазрати Махдумано! Аввалги бора имоматликка ўтишимни сўраганингизда, узрхоҳлик тариқи юзасидан индамай кутиб турдим ва шунинг учунким, охириги вақтларда шу ҳолга тушиб қолганманки тўрт ракаатлик намозларни икки ракаат қилиб ўқийман ва икки ракаатли намозларни эса тўрт ракаат қилиб ўқийман. Ва бу каби

¹ «Зарафшон» газ., 1993 йил, 11 сентябрь.

хаёлий эсдан чиқаришлар ҳолатимда бўлиб туради».

Бунга жавобан Онҳазрат – Махдуми Аъзам дедилар: «Сиз бу мартаба ва мақомдан янада (юқори) ўтибсиз ва энди бу даражада туриб қолишингиз жоиз эмасдур» (яъни, янада юқорирок мартабага эришганлигингизни ҳис этишингиз лозимдур. – К.К.), дедилар ва ушбу байтни ўқидилар...

Таржимаси:

Эй биродар, бу бениҳоят улуғ даргоҳ (тариқат)ким,
Қайси даражага етсанг ҳам, тўхтамай ўтиб кет.

Икки бузургвор ўз суҳбатларининг адосидан сўнг, Ҳазрати Шайх ўз қўллари билан туя жунидан тўқилган тўнларини ниёз тариқасида улуғ меҳмоннинг муборак қўлларига тутқаздилар. Онҳазрат (Махдуми Аъзам) ҳам ўз фараж-рўмол ёпинғичларини ул зотга кийгиздилар. Шундан сўнг ушбу икки тариқат (нақшбандияи хожагон ва жаҳрияи султония) раҳбарлари кўп йиғлашиб хайрлашадилар».

Ушбу икки бузургворнинг яна бир учрашувлари «Ламаҳот мин нафаҳот ул-қудс» китобида келтирилган:

«...Бозор айёмида Мавлоно Хожагий Косоний (яъни, Махдуми Аъзами Дахбедий) Самарқанднинг Дахбед мавзесидан Фарғона водийсининг Ахсикат мавзеи томон жамии ёронлари билан бораётиб, Шайх Худойдод Валий яшайдиган Фазирага бориш йўли бошида тўхтайдилар. Ул зотнинг келганларидан хабар топган Шайх Худойдод Валий учрашувга пешвоз чиқиб, ўз манзиллари – Фазирага таклиф этадилар. Лекин, Махдуми Аъзам ҳамроҳларнинг ва от-уловларнинг кўплигини айтиб, Шайх Худойдодни ташвишга кўймаслик учун узр сурайдилар. Ночор, Шайх Худойдод Валий уйларига қайтадилар ва йўлда ўз ҳамроҳларига дейдилар: «Мавлоно Хожагий – Махдуми Аъзамни зўрлик ила ўз уйимизга келтирамиз».

Кеч кириб, оқшом пайти ёмғир ёға бошлаб, Махдуми Аъзамнинг чодирларидан сув ўта бошлайди. Шунда Махдуми Аъзам ўз ҳамроҳларига жилмайиб дейдилар: «Мавлоно Худойдод бизни ўз уйларига олиб бормагунча, қўймайди». Ва жамии ёрону асҳоблари билан Шайх Худойдод Валийнинг манзилларига отланадилар. Ўша кеча Шайх Худойдод Валий меҳмонлар

шарафига улуғ меҳмондорчилик буюриб, эртаси бомдод намозидан сўнг катта маърифий мажлис барпо қиладилар. У мажлисда мезбон меҳмонларга яссавия тариқати юзасидан мушоҳадалар билдиради. Меҳмон бўлиб келган Махдуми Аъзам эса бу мушоҳадаларни тинч ўтириб эшитиб борарди. Бу тоифадаги зоҳид кишилар шу одатни қабул қилишганки, мезбон тариқат баёнини сўзласа, меҳмон жим ўтириб эшитиб бориши керак. Шу маънода, қачонким, нақшбандия тариқати пешвоси Ҳазрати Хожа Муҳаммад Порсо Ҳирот шаҳрига келиб, Шайх Зайниддин ал-Хавофийнинг уйларига ташриф буюрганларида мезбон сўзлаган, меҳмон эса кунт билан эшитган. Ва аксинча, қачонким бошқа вақт Шайх Зайниддин ал-Хавофий Ҳазрати Хожа Муҳаммад Порсоникига меҳмон бўлиб келганида мезбон сўзлаб, меҳмон эса эшитиб борган.¹

XVI асрнинг биринчи ярмида Марказий Осиё ҳудудида фаолият кўрсатган уч йирик тариқат бўлган нақшбандия, яссавия ва кубравия силсилаларининг машхур арбоблари Махдуми Аъзам Даҳбедий, Шайх Худойдод Валий ва Шайх Хусайн Хоразмийлар шул тариқа ҳар-ҳар замонда учрашиб, силсила-сулук ва муридларини бир-бирларига яқинлаштирар ҳамда халқ тинчлиги йўлида фаолият кўрсатар эдилар. Шу билан бирга, ўз тариқатлари ва бошқа тариқат соликлари камчилликларини кўрсатишиб, ҳазиломиз ёзишмалар ёзишарди. Жумладан, кубравия тариқати муршиди Шайх Хусайн Хоразмий нақшбандия муршиди Махдуми Аъзамга мактуб ёзиб: «Балх вилоятида тариқатингизда раҳбарлик қилаётган икки халифангиз тортишувлари боис шундай катта шаҳарга сиғишмаётирлар. Ваҳоланки, менинг тариқатимдаги юзта суфий мен курдирган бир хонақоҳ дориламонидирлар», деб тариқатлар ўртасида бўлаётган баъзи тортишувлар ҳақида фикр билдирган. Унга жавоб хатида Махдуми Аъзам деган: «Дарҳақиқат, юзта мокиён-товуқни бир хонада сақлаш киши учун қийин эмас, аммо икки хўрозни бир хонада жангу жадалсиз сақлаш мушкулдур».

Махдуми Аъзамнинг бу жавобларини олган Шайх Хораз-

¹ Олим Шайх Азизон. Ламахот (К.Каттаев ва А.Нарзуллаевлар тарж.). – Самарқанд: 2007.

мий ул зотнинг иддаоларини тўғри топиб, дуои хайр билан ёдга олган.

«Ламаҳот»да¹ яна бир қизик ҳолат баён этилган. Миёнколда яшайдиган Мавлоно Иброҳим садрнинг ота уйига Махдуми Аъзам, Шайх Худойдод ва Шайх Ҳусайн Хоразмий каби уч тариқатнинг (яъни нақшбандия-хуфия, яссавия-жаҳрия ва кубравия-самоия тариқати) уч буюк намояндалари меҳмон бўлиб келишади. Анча давом этган мулоқотдан сўнг, Шайх Ҳусайн Хоразмий машшокни чақириб най чалишни буюради. Най чалина бошлагач, ул зот ўз тариқалари бўйича самоия зикрига ўйин тушиб кетади. Қолган иккаласи ҳурмат юзасидан тик туриб эшитишади. Кейин Махдуми Аъзам ва Шайх Худойдод Валий ҳам навбатма-навбат ўз тариқатлари зикрларини қилишганда, қолганлари тик туришиб бошқа тариқатга ҳурмат бажо келтиришади. Ушбу уч улуғ зотлар бир-бирларининг тариқатларига бундай ҳурматда бўлишлари тасаввуф тарихида катта ижобий рол ўйнаган.

Махдуми Аъзам турли тариқатлардаги хилма-хилликларни инкор этмас, аксинча, уларнинг ижобий томонларини маъқуллар эди. Хулосада нақшбандия тариқатини назарий жиҳатдан бойитар, унинг назарий-ахлоқий асосларини ишлаб чиқар эди.

«Жомеъ ул-макомот»да келтирилишича, Махдуми Аъзам Ахсикентдан Самарқандга келаётиб, Шохрухия яқинида дарё бўйидаги жар ёқасида қўнишади. “Шох Ҳусайн” номли созанда куй чалмоқчилигини айтганда, Махдуми Аъзам рози бўладилар. Созанда асбобни олиб куй чала бошлайди. Шох Ҳусайннинг куй чалишда моҳирлигини, у чалганда эшитувчилар завқдан рақсга тушиб кетишини ҳамма биларди. Улар Махдуми Аъзамга: “Созанданинг салоҳияти ҳаммага маълум. У куй чалганда дарвишлар рақсга тушиб кетиб, жарликка йиқилишлари хавфи бор”, дейишади. Бунга жавобан Ҳазрати Махдуми Аъзам дедилар: “Қўйинлар, созини чалсин, рақсга ҳам тушишсин, иншооллоҳ, ҳеч бокиси йўқ”. Айтганларидек, Шох Ҳусайн чалган куйга ҳамма рақсга тушиб, кўплари завқу шавқдан самоий жазбага тушишса-да, тинч ўтади. Шу тариқа,

¹ Ўша асар.

тариқат суҳбати ва зиёфат яхши ўтади. Сўнг эса Ҳазрати Махдуми Аъзам асҳоблари билан сафарни давом эттиришади. Бу воқеа Махдуми Аъзамнинг бошқа тариқат русумларига катта ҳурмати билдирибгина қолмай, ўша даврларда энди авж ола бошлаган тариқат тортишувлари олдини олишда ижобий рол ўйнаб, издозлари ҳам бундан ибрат олиб шу фаолиятни давом эттирганини кўрамыз.

Баҳоуддин Нақшбанддан самоъ ва жаҳрия тўғрисидаги фикрларини сўрашганда, “Мо ин қор намекунем, аммо инкор намекунем” (“Биз бу ишни қилмаймиз, аммо инкор ҳам қилмаймиз”) деганларини Махдуми Аъзам билар ва шунинг учун тариқатдаги хилма-хиллик жоизлигини илк бора илмий жиҳатдан асарларида асослаб берган эди. Зеро, ўз вақтида Шайх Саъдий Шерозий ҳам бу тоифанинг самовий зикри борасида шундай деган эди:

Шутурро чу шўру тараб дар сар аст,
Агар одамеро набошад, хар аст.¹

Мазмуни:

Ҳатто туя фарёд ёки шодмонлигидан бош тебратида,
Гар одамда бу хислат бўлмаса, эшакдан фарқи қолмайди.

Буюк силсилалардан фақатгина нақшбандия ва яссавия тариқати замирида фаолият кўрсатишган Махдуми Аъзам, Шайх Худойдод Валий, Саййид Ота ва баъзи «тўрт сулук» сулолаларига ҳозирга қадар муридлар мавжуд. Қизиғи шундаки, ҳозирга келиб, бу сулолаларнинг деярли барчалари нақшбандия тариқатига ўтиб бўлишган.

МАХДУМИ АЪЗАМИЙЛАР ИЖОДИЁТИ

Ўрта асрлар тариқат олимлари фикрига кўра, Марказий Осиё тасаввуфий муҳитида Махдуми Аъзам Дахбедий нақшбандия силсиласининг энг йирик назариётчиси, пешвоси ҳамда жуда кўп сермахсул асарлар ёзган олими сифатида кўзга ташланади.

Мавлоно Саййид Аҳмад Хожагий Косоний – Махдуми Аъзам

¹ Шайх Саъдий Шерозий. Бўстон, Техрон (Эрон). 1367х.ш. (муаллифнинг шахсий кутубхонасидан).

замонасининг улуғ мутасаввиф олими ва назариётчиси бўлиб, унинг авлодлари ислом дини тасаввуф тариқатининг йирик намояндалари, бинобарин олиму фозил кишилари бўлишган.

Табақа асосчисининг ислом дини, тасаввуф фалсафасига доир ўттиздан ортиқ асарлари замонасининг забардаст олимларидан саналганлигини билдиради. Ул зотнинг ёзган асарларида тарих, адабиёт, дин, тасаввуф, панду насихат, давлатни бошқариш ҳақида батафсил мушоҳадалар юритилган.

Тариқатнинг бошқа улуғ сиймолари каби Махдуми Аъзамнинг ҳаёти ва фаолиятлари ўзининг ҳаётлик давридан бошлаб тарихий мақомотларда ёритила борган эди. Ул зотнинг суҳбатдош муридларидан Мавлоно Дўст, Ҳофиз Иброҳим ва Мулло Қосим Котиб каби асхоблари муршидлари ҳақида мақомот-китоблар таълиф қилишган. Булар билан танишган Махдуми Аъзам булардан мутлақо фарқли бир мақомот ёзишни маслаҳат берган эди.

Махдуми Аъзамнинг бу истакларини эътиборга олган олим набираларидан бири Абулбақо ибн Хожа Баҳоуддин 1026 ҳижрий (1616 милодий) йилда ул зотнинг ҳаёти, фаолияти ва фазилатларига бағишланган «Жомеъ ул-мақомот» номли асарни ёзади. Бу асар бошқа мақомотларга нисбатан анча мукамаллиги билан эътиборга сазовор бўлиб, ҳозирги кунга қадар кўплаб қўлёзма нусхалари давлат ва шахсий хазиналарда бизгача етиб келган. Хорижий давлатлар ва юртимиз хазиналарида мавжуд бу китобнинг барча нусхаларда асарнинг ёзилган йилии ҳижрий 1028 (милодий 1619) йил деб қабул қилинган. Аммо, биз фойдаланган (яъни, Каттахонхожа Даҳбедий шахсий кутубхонасида мавжуд) асл нусхада эса янада қадимийроқ, 1026//1616 йил санаси қўйилганини ҳисобга олсак, биз фойдаланган ушбу қўлёзма китоб муаллиф дастхати билан ёзилган илк нусха бўлиб чиқмоқда. Ҳар ҳолда Даҳбедда яшовчи авлодга мерос қолиб келаётган ушбу нусхани барча даҳбедийлар «муаллифнинг асл дастхат нусхаси» деб ҳисоблаб келишади.

Тасаввуф силсиласининг энг улуғи бўлган нақшбандия сулуки тартиб-қоидаларини силсила асосчиси Баҳоуддин Нақшбанд баён қилиб ўтган бўлсалар, бу қоидаларни наза-

рий жиҳатдан илк бора илмий асослаб берган киши Махдуми Аъзам бўлиб, бу тариқатнинг афзаллигини илмий ёндашиш орқали тарғибот қилган. Ул зотнинг бу соҳада ёзган асарлари жуда кўпдир. Махдуми Аъзам ва авлодларининг тарихлари, ижодлари ва фаолиятларига тегишли манбаларни уч қисмга бўлиш мумкин:

1. Махдуми Аъзамнинг ўзлари ёзган асарлар;
 2. Махдуми аъзамийлар ёзишган асарлар;
 3. Махдуми аъзамийлар ҳақида бошқа муаллифлар асари;
- I. Махдуми аъзам ёзган асарлар:

Нақшбандия тариқатининг асосий назариётчи олими ҳисобланган Махдуми Аъзамнинг ёзган асарлари асосан тасаввуф таълимотига бағишланган бўлиб, улар замирида Қуръони Карим ва Ҳадиси шарифдан келтирилган оятлардан фойдаланиб, тасаввуфнинг илмий-назарий қонуниятларини баён этади. Шу билан бирга, тарихий шахслар ва воқеалар келтирилганлиги асарлар қийматини янада кўтаради. Ул зот нафақат мумтоз адабиётнинг улуғ вакиллари бўлмиш алломалар ижодидан, балки ўзларининг назмларидан шу даражада ўринли фойдаланганки, байту мисралар насрий-илмий хулосалар билан ҳамоҳанг жаранглайди.

«МАЖМУА УР-РАСОИЛ» ТЎПЛАМИ

Махдуми Аъзамнинг 30га яқин рисоаларини ўз ичига олган «Мажмуа ур-расоил» тўплами нусхаларини дунёдаги барча йирик Шарқ қўлёзмалари хазиналарида учратиш мумкин. Аммо, унинг мукамал нусхаси Махдуми Аъзамнинг шажараи самараи таййиба (яъни, сара авлодлари) ҳисобланган Каттахонхожа эшон Даҳбедий (1868-1969)нинг шахсий кутубхоналарида мавжуд бўлиб, ул зотдан авлодларига мерос қолган. Ушбу қўлёзма кўп илм аҳлларини қизиқтириб келмоқда. Масалан, АҚШнинг Мичиган университети манбашунослик доктори Вика Гарднер хоним АҚШ қўлёзма хазиналарида бу китоб нусхалари бўлгани ҳолда, ушбу мукамал нусхамизни кўриш учун махсус келиб, тадқиқ этган; тожикистонлик машҳур олим, профессор Расул Ҳодизода ва бошқалар ҳам ушбу қўлёзмани текширишган эди-

лар ва ҳ.к.

Ушбу қўлёзма муаллифнинг оригинал дастхат (яъни, автограф) нусхаси бўлиб, уни шахсан Махдуми Аъзам ўз қўллари билан кўчирганлар. Боз устига, қўлёзма тўлиқ ва камчиликсиз бўлгани учун, дунёдаги энг мукаммал нусха деб топилган¹. «Мажмуа ур-расоил» қўлёзмасининг ушбу асл нусхаси билан йирик олимларимиз, академиклар Ботирхон Валихўжаев ва Бўрибой Аҳмедовлар ҳам яқиндан танишишган ва унинг мукамаллигини эътироф этишган.

1994 йилда Махдуми Аъзам Дахбедийнинг 535 йиллигини нишонлаш арафасида ушбу нодир қўлёзмага қизиқиш ортади ҳамда анжумани арафасида «Махдуми Аъзам ва Дахбед тарихи» рисоласи нашр этилди. Унда камина муаллиф «Мажмуа ур-расоил» куллийети тўғрисида илк бора маълумотлар бериш билан бирга, Махдуми Аъзам ва Бобур ўртасидаги пиру муридлик алоқалари ҳам илк баён қилинган эди.

Махдуми Аъзам ёзган асарларнинг аксарияти «Мажмуа ур-расоил» куллийетида жамлангани боис, 1994 йилда мархум устозимиз академик Ботирхон Валихўжаев ҳамкорлигида тўпламни бир бошдан таржима этиб чоп этиришга ният қилиб эдик; аммо ўша йили бор-йўғи икки асарларини - «Зубдат ус-соликин» ва «Танбият ус-салотин»ни таҳиясини (тожик тилида) ва таржимасини (ўзбек тилида) чоп эттириб, илмий анжуманга тухфа этишга муваффақ бўлган эдик, холос. Ушбу икки рисоладан ташқари ҳозиргача, Махдуми Аъзамнинг бирорта рисоалари таржима ва чоп этилмади ҳамда илмий тарзда ўрганилмади.

Нақшбандия тариқатининг назарийчиси сифатида Махдуми Аъзамнинг ёзган ва ушбу куллийетда жамланган асарлари, асосан, тасаввуф таълимотига бағишланган бўлиб, уларда Қуръони Карим, Ҳадиси шариф ва илғор шарқ тафаккур таълимоти намояндалари мулоҳазаларидан кенг фойдаланилган ҳамда тасаввуф нуқтаи назаридан таҳлил этилиб, илмий-назарий хулосалар баёни берилган. Шу билан бирга, тарихий шахслар ва воқеалар баёни ҳам келтирилганлиги асарлар қийматини янада оширган.

¹ Қўлёзма К.Каттаевнинг шахсий кутубхонасида сақланади.

Махдуми Аъзамнинг куллиётидаги асарлар замирида ўша даврнинг устувор тариқати ҳисобланган нақшбандия силсиласининг назарий тартиб-қоидалари жамланган десак, адашмаган бўламиз. Ўша вақтларда бу тариқат устувор бўлган Мовароуннаҳр, Хурсон, Ҳиндистон, Афғонистон ва Шарқий Туркистон каби жуда кенг ҳудудларда тасаввуф тариқатига боғлиқ вазиятлар жуда кескинлашган, бу юртларда тарқалган нақшбандия тариқати шайхлари бошқа тариқатдагиларни сиқиб, барча ижтимоий ва сиёсий соҳаларни ўз қўлларига олган, ҳатто ҳукмдору подшоҳлар ҳам улар таъсиридан чиқолмай қолган бир таранг вазият вужудга келган, бошқа тариқат вакиллари эса бу вазиятга чидамай, кўтарилиш арафасида тургандилар.

Ана шундай бир вазиятда, Махдуми Аъзам пири Хожа Аҳрор Валий каби сиёсий-ижтимоий соҳада юқори мавкени эгаллагач, илмий фаолият орқали барча тариқатларни халқ фаравонлиги йўлида келиштиришга киришади. Бу йўлда нақшбандия тариқатининг йирик пирларини норозилигини енгиши лозим эди. Унинг бу фаолияти ўзига зарар етказиши ҳам мумкин эди. Илми ва иқтидори бениҳоялигидан бу олишувни у ўзининг илмий-назарий рисоалари ёрдамида енгишга эришиб, бошқа тариқатдагиларни инкор этишни тўхтатади.

Чунончи, Махдуми Аъзам ўзининг «Рисолаи самоия» асарида кубравия тариқатидаги само зикрини, «Рисолаи Бобурия»да эса ясавия тариқатидаги жаҳрия зикрини жоизлигини ҳимоя этади.

Куллиёт насрда битилгани билан юзлаб ғазалу рубоийлардан намуналар келтирилган. Бу назмлар Шайх Саъдий, Абдурахмон Жомий, Мавлоно Румий, Фаридиддин Аттор, Нажмиддин Кубро каби алломаларга тегишли бўлиб, Махдуми Аъзам нафақат мумтоз адабиётнинг улуғ вакиллари назмидан, балки ўзининг назмидан ҳам шу даражада ўринли фойдаланганки, байту мисралар насрий-илмий хулосалар билан ҳамоҳанг жаранглайди.

Тўпламдаги икки рисола ул зотга ихлос қўйган икки муридлари – Мовароуннаҳр ҳукмдори Убайдуллоҳон ва Ҳиндистон шоҳи Бобур мирзоларга махсус бағишлаган.

Куллиётдаги асарлар ва уларнинг қисқача тавсифи куйидагича:

1) «Асрор ул-никоҳ». Рисолада ислом дини ва шариати-нинг никоҳ тўғрисидаги шарт-шароит ва сир-асрорлари ҳамда никоҳнинг муқаддаслиги, барча яхши-ёмон ишлар оиладан бошланиши, никоҳдан олдинги ва кейинги маънавий поклик кабилар тўғрисида фикр юритилган. Сўзбошида ёзилишича, рисоланинг сабаби таълифи шуки, ўша даврда жамиятнинг кичик бўғини ҳисобланган оилага маърифатсиз ва маданиятсиз муносабатлар юз бераётганлиги туфайли бу масалага муаллиф илк рисоласини бағишлаган.

2) «Рисолаи самоия». Рисолада Нақшбандия тариқатига нисбатан фарқли равишда, бошқа силсила тариқатларида намоён бўладиган зикрлар ҳақида, жумладан кубравия тариқидаги мусиқа ҳамоҳангида самоий зикр айтиш жоизлиги ҳақида мушоҳадалар юритган. Зеро, ўша даврда нақшбандия ва баъзи бошқа тариқат суфийларининг аксарияти самоъ зикрини инкор этар эдилар. Муаллиф илк марта илмий тарзда ўзга тариқат зикрининг жоизлиги, уларни инкор этмасдан, ҳурмат қилиш, келишиш каби руҳларни суфийларга сингдиради.

3) «Рисолаи вужудия». Рисола тавҳид ҳақида, ваҳдат ул-вужуд – Худонинг ягоналиги, ҳар нарсадан огоҳлиги, мавжудлиги, шу билан бирга инсоний-махлуқий мавжудлик тўғрисида ҳадиси шарифлардан сўз боради.

4) «Рисолаи одоб ус-солиқин» тариқатдаги солиқ билиши лозим бўлган пиру муршид ва муридларнинг одоб-ахлоқи, вазифалари ҳамда нафс, Арш каби тушунчалар баёнини берувчи рисоладир.

5) «Рисолаи одоб ус-сиддиқин» – илоҳий севги, кўнгилдан олий мақом бўлмиш Худога содиқлик, лукмани пок тутиб Ҳаққа етишиш ҳақидадир.

6) «Ганжнома» – Ҳақиқий ганж Оллоҳники, унинг Ҳусни конга бойлиги, ахлоқий хазиналарнинг энг олийси бўлган илоҳий севгига (ҳалол яшаш орқали) Унинг жамолига мушарраф бўлиш ҳақида.

7) «Рисолаи буқоия» – Инсоннинг билиб-билмай қилган

гуноҳлари учун кўнгилдан оху нола ва кўз ёши тўкиб тавба қилганларга Худо томонидан раҳм-шафқат ваъда қилингани ҳақидадир.

8) «Насихат ус-соликин» – Ҳазрати пайғамбар (с.а.в.)нинг ҳадислари: «Қалб ул-мўъминин аршуллоҳил-азим» (Мўминлар қалби улуғ Аршдир) мазмуни жиҳатидан ахлоқ қоидалари асосида ва Оллоҳ буюрган маънавий қониқишга келишда кўнгилга қулоқ солиш, унинг оинасини ғубордан тозалаш ҳақидаги рисоладир.

9) «Шарҳи савод ул-важҳ» – маънавий қашшоқлик инсон учун икки дунёда ҳам шармандалик, юзқоралик каби эканлиги Ҳазрати пайғамбар (а.с.)нинг бир ҳадислари мисолида, тариқат нуқтаи назаридан ёритилган.

10) «Танбият ус-салотин» – ҳукмдорлар фазилатлари, уларнинг оддий халққа адолатли бўлиши лозимлиги «Подшоҳнинг бир соатлик адолати олтмиш йиллик ибодат савобига тенг» ҳадиси атрофида олиб борилган мушоҳадалардир. Шу билан бирга рисолада инқилобий руҳ олға сурилади: қайси давлатда тирикчилик осон бўлса, инсоннинг ўша юртга бориб яшаши лозимлиги уқтирилади, негаки у ерда Оллоҳнинг раҳмати нозил бўлган, деб ҳисобланади (унгача бу ишни номақбул саналган).

11) «Шарҳул-валаду сарри абиҳи» – тарбия ҳақида, ўғил отасига баъзи сифатларда ўхшашга ҳаракат қилганидек, мурид ҳам ўз пирига ўхшашга ҳаракат қилиб, унга эргашиши кераклиги ҳақида.

12) «Нафаҳот ус-соликин» – суфийлик тариқатининг хушбўй файзлари ҳақида, бу йўлда Оллоҳдан бошқа ҳамма нарса иккинчи даражада бўлиши кераклиги уқтирилади. Муаллиф рисолаи отаси хотирасига бағишлаган.

13) «Рисолаи зикр» – энг яхши ва асосий зикр: «Ла илаҳа иллаллоҳу» шарҳи билан бирга, бошқа турли зикрлар шарҳи ҳам берилган.

14) «Рисолаи шарҳи рубоиёт» (бошқа бир номи «Шарҳи рубоиёти Убайдй») – 1533-1539 йилларда Мовароуннаҳрда ҳукм сурган шайбоний Убайдуллахон ибн Маҳмуд Султоннинг «Убайдий» таҳаллуси билан ёзган рубоийлари тўпламига

Махдуми Аъзамнинг ёзган шарҳидир. Рисола яна «Шарҳи газалиёти Убайдуллохон» деб ҳам юритилган.

15) «Рисолаи баёни силсила». Бу рисола нақшбандия сулуки маънавияти, унинг Ҳазрати пайғамбар (с.а.в.) ва Абу Бакр Сиддикдан бошлаб Махдуми Аъзамнинг пиру устозларигача бўлган вакиллари баёнига бағишланган. Рисола шайбоний Жонибек Султон илтимосига кўра ёзилган.

16) «Рисолаи чаҳор калима». Рисола хожагон тариқати асосчиси Хожа Абдуллохик Ғиждувоний томонидан тариқатга киритилган «Хуш дар дам», «Назар дар қадам», «Сафар дар ватан» ва «Хилват дар анжуман» каби тўрт назарий калималарининг мушоҳадалари шарҳига бағишланган.

17) «Рисолаи силсилат ус-сиддиқин» аҳли тасаввуфнинг Ҳазрати пайғамбар (с.а.в.) ва Абу Бакр Сиддикдан бошланган силсила баён қилиниб, унда Абу Барк Сиддикнинг сиддиклик фазилати куйланган ва ҳар толиб ўз пирига нисбатан шу фазилатда бўлиши таъкидланган. Муаллиф бу рисолани ўз устози Мавлоно Муҳаммад Қозининг пири Хожа Убайдуллох Аҳрорга бағишлаб ёзган «Силсилат ул-орифин ва тазкират ус-сиддиқин» асарларидан илҳомланиб ёзганга ўхшайди.

18) «Рисолаи биттихия» («Қовун ҳақида рисола») деб аталган бу асар ҳосилни яхши йиғиб олишни ўйлашдан олдин яхши сувли ерга уруғ сепишни ўйлаши, сўнг ундан хабардор бўлиши керак бўлган деҳқон каби, ҳар бир мусулмон ҳаёт вақтидаёқ боқий дунё (нариги дунё) ҳақида ўйлаши кераклиги тўғрисида фикр юритади. Рисолада пайғамбар (с.а.в.)нинг: «Ад-дунё мазраатул-охират» (Дунё – охират экинзоридир) ҳадиси шарифлари атрофида мушоҳадалар юритилган.

19) «Рисолаи миръот ус-сафо». («Поклик кўзгуси»)да маънавий тозалик соф кўзгуга қиёсланса-да, кўзгу баъзи ғуборлардан холи эмаслиги ҳам эслатилади. Суфийлик тариқатининг асосий вазифаларидан бири, бу кўнгилни – кўзгуни пок тутишга кўмаклашишдир.

20) «Рисолаи зубдат ус-солиқин ва танбехус-салотин»да ошиқ ва маъшук ўртасидаги ҳижоб (парда)лар тўғрисида мушоҳида этилади. Улар тўртта: «дунё» («давлат»), «нафс»,

«халқ» (“дунёвий ишлар”) ва «шайтон»дир.

Дунё – укбо (охират)дан парда бўлиб, ҳар ким дунё (мол-мулк) деб келса, у охиратдан айрилади; Нафс Ҳақдан парда бўлиб, ҳар ким ҳавойи нафсга машғул бўлса, у Ҳақдан айрилади; Халқ (дунёвий ишу ҳавас) тоатдан парда бўлиб, ҳар ким дунёвий ҳавас билан машғул бўлса, тоатдан айрилади; Шайтон диндан парда бўлиб, ҳар ким шайтонга мувофиқат қилса, динидан айрилади.

Асарда муаллиф амир ва олимларнинг барча ишлари халқ манфаатини кўзлаб амалга оширилиши лозимлигини уқтиради. Яна асарда зикр, одоб, суфийлик ва шарият шартлари турли ҳадис ва назмлар билан исботланган.

21) «Рисолаи Гули Наврӯзий». Бу рисола суфийлик маънавияти, халқ билан ҳукмдорлар ўртасидаги муносабатлар ҳақида бўлиб, баҳор айёмида – Наврӯзда барча салбий ишлар орқага ташлангани каби, муносабатларга ҳалал берувчи ортиқча нарсалар ҳам ташланиши лозимлиги уқтирилади. Рисола Махдуми Аъзамнинг ҳукмдор муриди Искандар Султон¹ (1561-83 йиллар хон бўлган) илтимоси билан ёзилган.

22) «Ғазалиёти Қосимий». Бу мухтасар назм «Қосим» ва баъзан «Қосимий» таҳаллуслари билан ижод этган ғазалсароларнинг назмларига бағишланган. Бизнингча, бу Қосими Анворга тегишли байтлар бўлмаб балки, Махдуми Аъзамнинг ўзлари шу таҳаллусда ижод этган бўлсалар керак. Чунки, тўпламда илгари ўтган барча улўғ шоирларнинг ашъорларидан мисра ва байтларгина намуна келтирилган. Бу ерда эса 42 мисрадан иборат ғазаллар тўла келтирилган бўлиб, бирида «Қосим», бошқасида «Қосимий» таҳаллуси қўйилиши шундан дарак бермоқда (Қосим Анвор эса фақат Қосим таҳаллусида ижод қилган). Боз устига, тўпламдаги бошқа рисола-ларда ҳам шу таҳаллусдаги байтларни бошқа улўғ шоирлар байтига қараганда кўпроқ келиши, фақат муаллифнинггина ғазали кўп келтирилиши мумкинлигидан дарак бермоқда.

23) «Рисолаи меърож ул-ошиқин». Рисола шайбоний султонлардан бири Исфандиёр Султоннинг Хуросон вилоятига юзланганига бағишлаб ёзилган асари бўлиб, суфийлик тариқатларида халқнинг ҳукмдорлар кўнгилларига етказадиган таъсири ва

¹ Искандархон ибн Жонибек Султон – Мовароуннахр хони; ўзи ва отаси Махдуми Аъзам муридлари эди. Ўғли Абдуллохон II га ул зот исм қуйган.

хукмдорларнинг халқ турмушига етказадиган таъсири ҳақида ёзилган. Бу – энг катта рисолалардан биридир.

24) «Рисолаи муршид ус-соликин». Шайх Мурташнинг суфийлик тарзи тўғрисидаги мулоҳазасидан бошланган бу рисола ҳақиқий суфий ва тариқат йўлбошчисининг вазифалари ҳақида мушоҳада юритади. Шу билан бирга, суфийлик арконларидан бўлган фано ва бақо даражасига ҳам муаллифнинг илмий нуқтаи назари берилган.

25) «Рисолаи воқеаи ҳаққония». Рисола ўша замон подшоҳларига панду насихат ва танбеҳ сифатида ёзилган бўлиб, улуғ пир ва тариқат ақибчилари руҳониятлари томонидан муаллифга аён бўлган бир воқеа таҳлилига бағишланган.

26) «Рисолаи Бобурия». Рисола Хожа Убайдуллоҳ Ахрор Валийнинг «Рисолаи волидия» асарини ҳинд подшоҳи, темурий Бобур мирзо томонидан ўзбек тилига ўгирилган назмий таржимасининг биринчи нусхасини пири Махдуми Аъзамга юбориб, ул зотдан фикр сўраб мурожаат этган хатига жавоб тариқасида ёзилган асардир. Асар яссавия тариқатидаги жаҳрий зикрнинг жоизлиги ҳақида нақшбандия тариқати назариётчиси томонидан илк бора илмий-назарий жиҳатдан эътироф этилиши тўғрисида бўлиб, муаллифнинг йирик асарларидан биридир.

27) «Шарҳи як ғазали Убайдуллоҳон» шайбонийлар сулоласи хукмдори Убайдуллоҳоннинг бир ирфоний ғазали шарҳига бағишланган.

28) «Шарҳи 12 рубоиёти форсий». Ушбу рисола форс тилида битилган 12 дан зиёдроқ ирфоний рубоийнинг илмий таҳлилига бағишланган. Рисолада шайбоний хукмдор Убайдуллоҳоннинг Махдуми Аъзамга бағишланган ҳамда бошқа бир қанча ирфоний ғазаллар шарҳи берилган.¹

Махдуми Аъзам Даҳбедий қаламига мансуб «Мажмуа ур-расоил» куллиёти юқорида келтирилган ушбу рисолалардан иборат. Куллиёт муқоваси жигаранг кийик терисидан ишланган бўлиб, муғзий услубида, икки томонлама уч тамғали қилиб

¹ Булардан ташқари, Махдуми Аъзам: “Воқеаи ҳаққония”, “Рисолаи баёни воқеа”, “Рисолаи фатҳнома”, “Рисолаи танбиятул-уламо”, “Рисолаи фаноия”, “Рисолаи шайбия”, “Рисолаи илмия”, “Рисолаи аҳволиул-уламо” каби асарларни ҳам ёзгани тўғрисида турли манбалар дарак бермоқда.

ясалган ҳамда 616 саҳифадан иборат.

Нақшбандия тариқатининг Хожа Аҳрор Валийдан кейинги даврдаги муршиди комили бўлган Махдуми Аъзам ахлоқий поклик ва инсоннинг маънавий камолоти учун зарур бўлган фазилатлардан баҳс юритувчи масалаларга бағишланган юқорида келтирилган асарларни ижод қилганлар. Бу асарлар ҳозирги даврда ҳам ўзининг маънавий қувватини йўқотмаган.

II. МАХДУМИ АЪЗАМИЙЛАР ЁЗГАН АСАРЛАР:

Бу гуруҳда даҳбедий хожалар табақаси ичида Махдуми Аъзамдан кейин тасаввуфнинг бир машҳур назарийтчи олими Мусохонхожаи Даҳбедийнинг асарлари аксариятни ташкил қилади ва у ёзган рисоалар диққатга сазовор. Зеро, бу зот нақшбандия сулукининг олий раҳбарлари ичида энг охириги «Кутб ул-актоб» (“Кутблар кутби”) ҳисобланган мазкур аллома тасаввуфга оид асарлари қуйидагича:

1. «Касир ул-фавоид» (“Фойдалар жамланмаси”). бошқа бир номи «Тазкираи эшони Мусохонхожа» деб аталган бу китоб суфийлик тарзи, ахлоқ қоидалари кабилар ҳақида сўз боради.

2. «Жоми жаҳоннамои» тасаввуф маърифати ҳақидадир.

3. «Айн ул-маоний»да тавҳид (Худонинг ягоналиги), маърифат ҳақида сўз юритилган.

4. «Ашраф ул-ҳолиқ»да машҳур тасаввуф олимларидан Шайх Аҳмад Сарҳиндийнинг айтган сўзлари, мактублари ҳақидадир.

5. «Махзан ул-таъриф»да машҳур шайхларнинг ёзишмалари ҳақида сўз боради.

6. «Зубдат ул-ҳоқиқ»да нақшбандия тариқатининг 13 аркони, маънавияти ҳақида; Хожа Абдулҳолиқ Ғиждувонийнинг васиятномаси ва тасаввуфнинг тартиб-қоидаси ҳақида фикр юритган.

7. «Дурар ул-асрор ва санад ул-аброр». Асар 7 бобдан иборат бўлиб, тасаввуф маънавиятига бағишланган: 1) Ҳадислар ва силсилаи аълиянинг баёни; 2) Илоҳий илм баёни; 3) Маърифат зикрининг баёни; 4) Эътиқод ва тавҳиднинг баёни; 5) Маърифат ҳақида; 6) Ҳақиқат зикри ҳақида; 7) Одобнинг баёни; Бу

етти боб яна 21 фаслга бўлинади.

8. «Наводир ул-маориф». Бу асар ҳам 7-қисмдан иборат: 1) нашқбандия силсиласи; 2) Ҳазрати Махдуми Аъзам аҳволи баёни; 3) Муҳаққиқлар салавати зикри; 4) пирлик ҳақиқати ва муршидлик шароити баёни; 5) Ҳазрати Хожагоннинг айтган сўзлари баёни; 6) Зикр баёни; 7) Муҳаммад Ҳакими Термизий мақолотлари зикри;

9. «Дура ул-макнун». Бу асар 3 қисмдан иборат: 1-қисмда «иттиҳод», «ваҳдат», «тавҳид», «шукр», «фасл», «васл», «шақоват» каби тушунчалари баёни берилган. 2-қисм Шайх Аҳмад Сарҳиндий тариқати ҳақида; 3-қисмда «ҳақиқат», «маърифат» каби тасаввуф асослари ҳақида сўз боради.

10. «Дар фазилати пайғамбар (с.а.в.)»да ҳадислар ҳамда Ҳазрати пайғамбар (а.с.)нинг фазилат ва ҳаётлари ҳақида сўз боради.

Юқорида келтирилган 10 асарнинг ҳаммаси Ҳазрати Мусохонхоннинг қаламига мансубдир.

11. «Жомеъ ул-мақомот». Муаллифи: Хожа Абулбақо ибн Хожа Баҳоуддин ибн Махдуми Аъзам. Юқорида айтганимиздек, 1619 йилда ёзилган бу асар «Самария»нинг муаллифи Абу Тоҳирхожа қайдига кўра, Махдуми Аъзам фазилатлари ҳақидаги машҳур асар бўлса-да, лекин ул зотнинг ҳаёт йўллари тўла қамраб олинмаган.

12. «Мунтахаб ут-таворих». Муаллифи: Хожа Муҳаммад Ҳалимхон ибн Саййид Маъсумхон (1806–1872). Бу шахс Махдуми Аъзам авлодидан бўлиб, Қўқон хони Умархоннинг дўсти бўлган. Лекин ораларида келишмовчилик чикқач, ҳажга кетган. Сўнг Россия, Миср, Туркия ва бошқа давлатларга сафар қилган.

13. «Рисолаи тарихи Даҳбедия». Муаллиф: Каттахонхожа Музнибий Даҳбедий (1868-1969). Муаллиф Махдуми Аъзам авлодларидан бўлиб, нашқбандия-аҳрория-даҳбедия-жумбония тариқатининг охириги пиру-муршидларидан бўлган. Асарнинг учданбирқисми Даҳбедва унда яшаган пирлар тарихига бағишланган бўлиб, қолган икки қисми, асосан, форс-тожик ва ўзбек тилида муаллиф томонидан ёзилган шеър, мухаммас, ғазалиёт, рубоиёт,

абжад ҳисобидаги назмий таърихлардан иборат. Ушбу асарнинг тарихий қиммати шундаки, муаллиф кўп воқеаларни ўз кўзи билан кўрганлиги учун манбага бой ҳисобланади.

МАҲДУМИ АЪЗАМНИНГ ХАЛИФА-ШОГИРДЛАРИ

Махдуми Аъзам ўзларидан кейин бир қанча халифа-шогирдлар қолдирган бўлиб, булар ўз навбатида халқни ва ҳукмдорларни тинчликка, адолатга чақирганлар, уларни ҳидоятга бошлаганлар. Чунончи, «Тухфат уз-зоирин» асарида ўқиймиз: «...Асҳоби эшон аз ҳадд ва шумор берун аст. Аз он чумла ҳафтоду ду кас аз асҳоби худ ба ичозат ва иршод мурахас намуданд». Таржимаси: «...Ул зотнинг асҳоб-шогирдлари ҳаддан зиёда бўлиб, санокдан ташқаридир. Шу жумладан, ўз шогирдлардан етмиш икки киши тариқатга ижозат ва иршод бериш ҳукуки олишга эришганлар». Бир неча тарихий манбаларда Ҳазрати Махдуми Аъзамни «Пири шастй» («Олтмиш пиру муршидни тарбиялаган устоз») деб ёзишади.

Ул зотнинг беш ўғиллари: Муҳаммад Аминхожа (Хожа Калонхожа); Хожа Дўст, Хожа Исҳоқ Валий, Хожа Баҳоуддин ва Хожа Абдулҳоликлар иршод маснадига ўтириб, оталарининг ишларини давом эттирганлар. Булар ичида Хожа Калонхожа эса падари бузургворлари вафотидан сўнг, нақшбандия сулукининг олий раҳбарлигига ўтиришлари керак эди. Лекин 25-26 ёшли камтарин ва шоиртабиат бўлган бу зот шундай лавозимдан ўз устози Хожа Ислом Жўйборий фойдасига воз кечиб, йигирма йилдан зиёд вақт устозининг паноҳида юрди. Шунинг учун ҳам Хожа Калонхожаи Даҳбедий номи тарихий китобларда жуда кам зикр қилинган.

Махдуми Аъзамнинг шогирд ва издошлари ҳисобланган фарзандларидан ташқари кўпгина халифа-шогирдлари ҳам бўлиб, улар орасидан баъзи таниқлиларини кўриб ўтамиз:

ХОЖА ИСЛОМ ЖЎЙБОРИЙ

Хожа Муҳаммад Ислоом ибн Хожа Тоҳир ибн Хожа Музаффар Жўйборий Хожа Ислоом Жўйборий Махдуми Аъзамнинг бош халифалари (халаф ул-хулафо) эди. 1494 йилда Бухоро шаҳри яқинидаги Жўйбор мавзесида таваллуд топган.

Манбаларга кўра, Хожа Ислоом 12 ёшлик вақтида бобоси уни келтириб Махдуми Аъзамга шогирдликка (муридликка) беради. Бу воқеа Косонда рўй берган бўлса керак; чунки у вақтда Махдуми Аъзам Самарқандга кўчиб келмаган бўлган.

Ёш Хожа Ислоом пирининг даргоҳида яшаб, хизмат қилиб, шу билан бирга тариқатдан сабоқ ола бошлаган.

Кейинчалик эса Махдуми Аъзам, қондалари бўйича, ўзларининг бош фарзандлари Хожа Калонхожани Хожа Ислоом Жўйборийнинг тарбиясига ишониб топширади.

1542 йилда Махдуми Аъзам вафот этгач, тариқат раҳбарлигига Хожа Калонхожани сайлашга ҳарчанд ҳаракат қилишмасин, ул зот кўнмай ўз ўрнига устози Хожа Ислоом Жўйборийни тақлиф қилади ва ул зотдан, пир сифатида, қўлларини олишни талаб қилади. Шу борада «Жомеъ ул-мақомот» асарида Хожа Жўйборийнинг шу сўзлари келтирилган: «Махдумзодам не буюрадилар?... Ҳазрати Махдуми Аъзам бизларни ҳаммамизни Сизга топшириб, байъат (қасамёд) буюрган эдилар; Сиз иноят қилиб тариқат тахтига ўтиринг, биз ҳаммамиз сизнинг хизматингизда бўлайлик... Махдумзодам ҳам ва подшоҳим ҳам сиздурсиз; Бобонгизнинг (отангизнинг) нисбатини (фақат) сизгина талаб қилишингиз мумкин; Валлоҳки, ул зотнинг шариф нисбатлари менда ҳам, Мулло Лутфуллода ҳам, Мулло Хурдда ҳам, қолган бошқа халифаларда ҳам йўқдир».

Лекин Хожа Калонхожанинг қаттиқ туриб талаб қилиши натижасида ниҳоят Хожа Ислоом Жўйборий шогирди Хожа Калонхожанинг қўлини олиб, шу вақтдан эътиборан Хожа Ислоом Жўйборий нақшбандия силсиласи бош сулуқининг олий раҳбари ҳисобланиб, тариқатда унинг даври бошланади. Натижада, ул зот йигирма йилдан зиёд вақт тариқатга, Махдуми Аъзамнинг барча фарзандлари ва муридларига, жумладан Искан-

дархон, Абдуллахон каби подшоларга раҳнамолик қиладилар.

Манбаларда келтирилишича, Бухоро ҳукмдори Абдуллохон бир куни Хожаи Жўйборийнинг орқасидан ғийбат қилган ва ўша куни қорин оғриғи касалига мубтало бўлган. Хожа Ислом Жўйборий келиб унга шифо бағишлаган экан. Бу мисол Ҳазрати Хожаи Жўйборийнинг соҳибқаромат эканликларидан дарак беради.

Хожа Ислом Жўйборий, ул кишининг фарзандлари ва хўжаликлари ҳақида рус тарихчиси П. Иванов ўзининг «Хозяйство жуйбарских шейхов» («Жўйборий шайхлар хўжалиги») деган асаарида кенг тўхталган.

Йирик шарқшунос, академик Б.Ғафуров ва юқоридаги профессор П.Ивановларнинг таъкидлашларича, жўйборийлар катта мол-мулкка эга бўлган. Манбаларда ёзилишича, уларнинг қўл остиларида минглаб йилқилар (отлар), овчи-қушлар ва итлар, туялар ва ерлар бўлган. Хожа Ислом Жўйборий даргоҳида 300 киши хизматда бўлган ва карвонлари эса савдо-сотик ишлари билан Москвагача боришган экан.

Хожаи Жўйборийнинг уч ўғли бўлиб, улардан бирининг номи Хожа Саъд эди; Ислом Жўйборий унга ўз мероси ва муридларини қолдирган экан. «Тухфат ул-зоирин»да қайд этилишича, Хожа Ислом Жўйборийнинг Хожа Муҳаммад Исо исмли номдор бобокалони Саййид Амир Ҳамзанинг (Саййид Амир Кулолнинг ўғли) муриди бўлган Хожа Яҳёдан зикр таълимини олган экан.

Хожа Ислом Жўйборий ҳижрий 971 йил сафар ойининг 25 кунида (милодий 1563 йилнинг 15 октябрида) 73 ёшида вафот этган. Қабрлари Бухоронинг ғарбий дарвозаси ташқарисида, «Чор Бакр» мавзесидадир.

Жўйборий шайхлар ҳақидаги «Матлаб ут-толибин» асарини Хожа Ислом Жўйборийнинг эвараси Абул Аббос Муҳаммад Толиб ёзган. «Тазкираи Фаҳмий» асаарида эса Хожа Ислом Жўйборийнинг бир қанча шеърлари берилган бўлиб, бу ул зотнинг шеърятдан ҳам хабардор эканидан дарак беради. Бундан ташқари, «Канз ул-атақия» асаридан ҳам ул зотнинг тафсилотлари билан танишиш мумкин.

МАВЛОНО ПОЯНДА

Махдуми Аъзамнинг энг яқин халифаларидан бири – Мавлоно Поянда бўлган. Тарихий манбаларда ул зот ҳақида турли маълумотларни учратамиз; чунончи, баъзи манбалар бўйича ул зотнинг асл номи Муҳаммад бин Мир Дарвеш Муҳаммад бин Мир Обид ал-Ҳусайний ал-Ахсикатий ал-Аббосий бўлиб, Фарғона вилоятининг Ахсикат мавзеида, яъни Наманган яқинидан ўтган Сирдарё бўйида туғилган экан.

Мавлоно Мутрибий маълумотларига кўра, Мавлоно Поянда назм бобида яхши шеърлар ҳам ёзган. Саййид Аҳмад Жалололдин Косоний Махдуми Аъзам ва ул зотнинг халифалари Мавлоно Пояндаи Ахсикатий ҳамда Файзий Косоний (Махдуми Аъзамнинг жиянлари) кабилар XVI аср Мовароуннаҳр адабий муҳитида ижод қилган Фарғона адиблари ҳисобланганликлари манбаларда келтирилган.

Махдуми Аъзамнинг иршод маснадида ўтириб, тариқат пешволаридан бири бўлган ўғиллари Хожа Абдулхолиқ ушбу Мавлоно Поянда билан бир кунда вафот этганликлари учун ўша замон шоири Боқи Дарзий Бухорий икки бузургворнинг вафот тарихларини абжад ҳисобида, муаммо либоси кийдирган шаклда битган...

Мазмуни:

Икки бузург ушбу жаҳондан кетдилар,
кўнгилдан бутунлай сабру қарорни элтдилар.
Таърих денгизидан кўнгил лавҳига,
Рақам қилинди: «Оҳ, такрор кўнгил».

Пинҳон бўлиб қолмасинки, «Оҳ дил» – «Оҳ қалб» маъносида келиб, абжад ҳисобида «10»га тенг; бу сон такрорланса, яъни мукаррар этилса, «1010» сонига айланади. Бинобарин ушбу рақам 1601 бўлиб, икки бузургнинг вафот этган милодий 1601 йилни билдиради.

Хожа Абдулхолиқнинг қабрлари Дахбеддаги дахмада бўлиши эҳтимолга яқин; Мавлоно Поянданинг қабрлари эса Бухородаги Ҳазрати Баҳоуддин Нақшбандий макбаралари дарвозасининг ташқарисидаги “Файзобод” номи билан машҳур ўринда.

Мавлоно Поянда ҳақида Муҳаммад Хусайннинг «Мажмуа ал-фазоил» асарида бу зотнинг фазилатлари, мақомотлари ҳақида фикр юритилган.

МАВЛОНО ЛУТФУЛЛО ЧУСТИЙ

Махдуми Аъзамнинг улуғ асхоб ва халифаларидан бири бўлиб, Чустда туғилган. Ёшлигида Мавлоно Муҳаммад Қози муриди бўлган. Ул зот вафот этгач, Махдуми Аъзамга қўл бериб инобат этади. Шундан сўнг, Мавлоно Лутфулло уч йилга яқин ул зотнинг мулозаматларида тарбият топади.

Махдуми Аъзам ҳаёт вақтларидаёқ Мавлоно Лутфуллони иршод маснадига ўтказди. «Маноқиби Лутфулло Чустий» асарида келтирилишича, бир куни ул зот Мавлоно Лутфуллога қараб: «Эй мулло! Мен қаридим, баъзи бир ишларда ёрдам бериш вақти етди. Ёронлар билан тариқат суҳбатларини ўтказ», дедилар. Мавлоно Лутфулло бу ишдан ўзларини қанчалик тортмасинлар, Махдуми Аъзам унамадилар ва дейдилар: «Мақсадим имтиҳон қилиш эмас, балки ўз меҳнатим самарасини мулоҳаза қилиб кўрмоқчиман, вақтни бекор ўтказмаганмикинман, деб. Агар нуқсонга йўл қўйган бўлсак, уни имкон борида тузатайлик».

Шундан сўнг, Мавлоно Лутфулло Чустий иршод ҳуқуқини олиб, халқни ҳидоятга бошлаш тариқига ўтади.

Махдуми Аъзам ўз фарзандлари Хожа Исҳоқ Валийни ёшлиқларида тарбия қилиш учун Мавлоно Лутфулло Чустийга ҳавола қилган эди.

Ул зот 967 (1559) йилда, бошқа бир манба бўйича эса 979 (1571) йилда вафот этиб, Чустда дафн этилади. Ул зотнинг невараларидан бири Дахбед хонақоҳида дафн этилганлиги мавзе қабртошларини тадқиқ этаётганимизда маълум бўлган эди.

Махдуми Аъзамнинг ушбу зикр этилган таниқли халифаларидан ташқари яна Мавлоно Ҳамидиддин, Мавлоно Хурд Азизон, Хожа Муҳаммад Шариф, Мавлоно Дўст Саххоф, Мавлоно Исмоил Ширвоний, Шайх Убайдулло Илоҳий, Амир Аҳмад Бухорий, Махмуд Чалабий, Мирак Қутбиддин ибн Мавлоно

Қози ва Мавлоно Лутфулло Жувайний каби кўплаб машхур халифа-шогирдлари бўлган ва улар ҳам устозлари каби халқни ҳидоятга бошлаб, тариқат маърифатига катта хизматлар қилишган. Биз ул зоти бобаракотни баъзи шогирд-халифаларинигина келтириб, таснифимизни мухтасар қилдик.

МАХДУМИ АЪЗАМ ФАРЗАНДЛАРИ ВА АҲЛИ БАЙТЛАРИ

Манбаларга кўра, Махдуми Аъзам тўрт хотиндан ўн уч ўғил кўрганлар. Лекин бу фарзандларнинг айримларидан насл қолган.

I. Косон саййидларидан бўлган Мир Толиб Юсуфнинг Руқайя номли қизидан тўрт ўғил;

II. Биби Маликаи Косонийдан икки ўғил;

III. Қашқар бегининг қизи Бибичаи Кошғарийдан уч ўғил;

IV. Биби Бухорийдан эса тўрт ўғил туғилган.

Махдуми Аъзамнинг аҳли байти (оиласи)

| Мир Толиб Юсуф қизи Руқайядан | Биби Маликаи Косонийдан | Қашқар бегининг қизи Бибичаи Кошғарийдан | Биби Бухорийдан |
|---|--|--|--|
| 1. Муҳаммад Амин (Хожа Калон) 2. Хожа Дўст 3. Хожа Баҳоуддин 4. Хожа Абдуллоҳлик | 1. Муҳаммад Хожа 2. Султон Иброҳимхожа | 1. Хожа Исҳоқ Валий 2. Хожа Муҳаммад Али 3. Хожа Илохий хожа | 1. Муҳаммад Сиддиқхожа 2. <u>Ҳасанхожа</u> 3. <u>Хожа Шайх</u> 4. <u>Абдуллохожа</u> ¹ |

Махдуми Аъзамнинг боқий қолган авлодлари асосан Муҳаммад Амин – Хожа Калон Даҳбедий ва Хожа Исҳоқ Валийнинг зурриётларидир. Бу ерда Махдуми Аъзамнинг тўнғич ўғиллари Муҳаммад Амин – Хожа Калон, кенжа ўғиллари Хожа Исҳоқ Валий авлодлари силсиласи тизимини келтирдикки, бу тизимдаги шахслар силсилаи нақшбандия-ахрория-даҳбедия-жумбония деб аталган силсила пешволари бўлишган (жумбо-

¹ «Равоийх ул-қудс» қўлёзмаси (80а-бети)да белгиланган бу уч шахс номи: “Хожа Абдулкарим”, “Хожа Убайдулло” ва “Хожа Абдулазиз” деб келтирилган.

ния, яъни нақшбандия-аҳрория-дахбедия силсиласи номига кейинчалик киритилган қўшимча ном бўлиб, «нақшбандия силсиласининг охирги тебратиб турувчилари», маъносидадир. «жумбонидан» – форсча “тебратувчи”, маъносини англатади).

Махдуми Аъзамнинг фарзандлари ичида беш ўғиллари иршод маснадида (яъни, пирлик тахтида) ўтириб, халқни хидоятга бошқаришган бўлиб, булар: Муҳаммад Амин (Хожа Калонхожа); Хожа Дўст; Хожа Исҳоқ Валий; Хожа Баҳоуддин ва Хожа Абдулҳолиқдир. Лекин ушбу фарзандлар ичида бош ўғил – Хожа Калон ва учинчи ўғил Хожа Исҳоқ Валийлар жуда машхур бўлишган.

Хожа калонийлардан (Муҳаммад Амин авлодлари) бир неча киши Махдуми Аъзам каби нақшбандия силсиласининг олий раҳбарлари бўлишган. Чунончи, Хожа Калоннинг ўзи; ул зотнинг тўнғич ўғли Хожа Ҳошим; Офоқхожа, Isoхожа, Мусохонхожа, Султонхонхожа, Умархожа кабилар. Булар ўз даври подшоҳларининг пиру муршидлари ҳам эдилар.

Хожа Исҳоқ Валий авлодлари (хожа исҳоқийлар) эса кўпинча ҳокимиятни бошқаришган. Таъбир жоиз бўлса шуни айтиш лозимки, аксарият ҳолларда хожакалонийларга диний-илмий раҳбарлик, хожаисҳоқийларга ҳукумат раҳбарлиги на-сиб этган.

Шундай бўлса-да, Шарқий Туркистонда ташкил топган биринчи хожалар давлати сулоласига хожакалонийлар асос солишган.

Дахбедий хожалар силсиласидан етишиб чиққан нақшбандия сулуки кутбларининг кўпчилиги хожакалонийлардан эди. Жумладан, Хожа Калон, Хожа Ҳошим, Солиҳхожа, Офоқхожа, Султонхонхожа, Абдулғаффорхожа, Isoхожа ва Мусохонхожа каби ўнга яқин кутб ул-актоблар (яъни, кутблар кутби)ни мисол тариқасида келтириш мумкин. Шу билан бирга бу кутблар кўпгина ислом давлатларида катта нуфузга эга бўлишган. Масалан, Махдуми Аъзамнинг ўзлари ва ўғиллари Хожа Калонхожа – темурий ва шайбонийлар давлатида; Хожа Ҳошим – аштархонийлар давлатида; ул кишининг биродари Солиҳхожа – Эрон Хуросонида; Офоқхожа – Шарқий Туркистонда; Isoхонхожа

– сўнги шайбонийлар ва Бухоро манғитлари давлатининг аввалги даврларида; Мусохонхожа – Ҳиндистон, Покистон ҳамда Марказий Осиёдаги манғитлар давлати даврларида; Умархонхожа – XIX аср иккинчи ярмидаги Бухоро давлати даврларида замонасининг кутблари эдилар. Ўша замон ҳукмдорлари ушбу пирларнинг иродатларида қойим эдилар.

XVI аср бошларидан бошлаб, XX аср бошларига қадар бўлган давр мобайнида Марказий Осиё, Афғонистон, Шарқий Туркистон, Хуросон, Ҳиндистон, Покистон ва бошқа ерлардаги ижтимоий, сиёсий ва диний ҳаётда Махдуми Аъзамийларнинг таъсирлари катта эди.

МУҲАММАД АМИНХОЖА (ХОЖА КАЛОНХОЖАИ ДАҲБЕДИЙ)

Махдуми Аъзамнинг тўнғич ўғиллари Муҳаммад Аминхожа бўлиб, Хожа Калонхожаи Даҳбедий (ёки оддийгина Хожа Калон) лақаби ва Абу Муҳаммад кунияси билан танилган (бундан ташқари кўп манбаларда Эшони Калон, Хожаи Даҳбедий номлари билан ҳам аталган). Ул зот 1517 йилда Фарғона водийсининг Косон шаҳрида туғилган. Самарқанд ҳукмдорлари таклифи билан бу ерга келган Махдуми Аъзам Фарғона водийсида ўғли Хожа Калонхожани тариқат тарбияси билан шуғулланиши учун халифасига қолдирган.

Хожа Калонхожа жуда ёшлик вақтларидан бошлаб отасидан «рухсати куллий», яъни ҳар кунлик ва доимий пирлик рухсатини олган эди. Махдуми Аъзам айтган эдиларки: «Мендан нима талаб қилсангиз, Хожа Калонхожадан ҳам талаб қилингиз», – деб ўғилларига пирлик ижозатини берган эди. Ўша давр шоири бу зот ҳақида шундай битиклар битган:

Муҳаммад деган ном икки жаҳоннинг кутбидирким,

У (Муҳаммад Амин)нинг хулқи, пайғамбар (с.а.в.) хулқига ўхшашлиги таҳсинга сазовордир.

Кундан-кунга унинг файзли фазилатлари ортиб,

Гўё пайғамбар (а.с.) фазилатлари қайтиб келгандай бўлди.

Махдуми Аъзамнинг авлодлари асосан икки фарзандлари – Хожа Калон ва Хожа Исҳоқ Валий орқали тарқалган. Ва махдуми аъзамийлар авлоди ҳақидаги гап кетганда аксарият китобларда хожакалонийлар табақасини асосий самарали шажара, деб ёзадилар. Масалан, «Равойиҳ ул-қудс» асарида ёзилган: «Хожа Муҳаммад Амини Даҳбедй – самараи шажараи таййибаи қутбул-авлиё Ҳазрати Мавлоно Хожағй Махдуми Аъзами Даҳбедй аст». Таржимаси: «Ҳазрати Мавлоно Хожағий – Махдуми Аъзамнинг асосий самарали шажараси Хожа Муҳаммад Амин Даҳбедий авлодидандир».

Манбаларда ёзилганидек, Хожа Калонхожа 82 ёшга кириб, 1005 (1596) йилда вафот этганлиги ҳисобга олинса, таъкидлаганимиздек, 1517 йилда туғилган бўлади. Юқорида айтиб ўтганимиздек, Махдуми Аъзамнинг доимий яшаш учун Самарқандга кўчиб келишлари 1515–1528 йиллар оралиғида содир бўлган. Демакки, Махдуми Аъзам ўғиллари Хожа Калонхожага пирлик рухсатини у кишига жуда ёшлигида берган ва Хожа Калонхожа китобларда айтилганидек, нақшбандия силсиласининг энг ёш пиру муршиди бўлган. Шу жиҳатдан ҳам, Махдуми Аъзам вафот этганларида 25 ёшлик Хожа Калонхожани нақшбандиядек сулукнинг олий раҳбарлигига сайлашмоқчи бўлганларида, ниҳоятда камтарин бўлган бу инсон ушбу олий диний лавозимга ўз устозлари 50 ёшли Хожа Ислон Жўйборий (яъни, Махдуми Аъзамнинг биринчи халифалари) сайланишини қаттиқ туриб талаб қиладилар.

«Жомеъ ул-мақомот»га кўра, Махдуми Аъзам вафот этганларидан сўнг, ул зотнинг жамии халифа, асҳоб ва ёронлари тўпланишиб, Хожа Калонхожага «илтимосу илтижо қилиб» айтишадики: «отангиз Ҳазрати Махдуми Аъзам сизга ўз ўринларини буюрганларида бирор шак-шубҳа ва хилофлик йўқдир; Сиз иноят қилиб ул Ҳазратнинг ўринларига – иршод маснадига (тахтига) ўтирингизким, токи биз умримизнинг охиригача сизга хизматда ва мулозаматда бўлайлик».

Лекин Хожа Калонхожа камтаринлик қилиб, ўз устозлари Хожа Ислон Жўйборийни раҳбарликка таклиф этадилар (шу ўринда, нақшбандия сулукининг олий раҳбарлик лавозими

нақадар юксаклигини тасаввур қилиш учун шуни айтиш кифо-
яки, бу олий диний лавозимга сайланган кишига бир неча дав-
латларнинг ҳукмдорлари ва халқлари бўйсунган, унинг ирода-
тида қойим бўлишган. Хожа Калонхожа устози Хожа Ислон
Жўйборийнинг раҳбарликка таклиф этгач, Хожа Жўйборий
айтадилар: «Махдумзодам! Отангиз Ҳазрати Махдуми Аъзам
бизларни ҳаммамизни сизга топширганлар; Сиз иршод мас-
надида ўтиринг, биз хизматингизда бўлайлик». Шундан сўнг
анча вақт тортишувлардан сўнг Хожа Ислон Жўйборий Хожа
Калонхожанинг қўлларини олиб нақшбандия силсиласи ша-
риф сулукига раҳбарлик қилади, Хожа Калон эса 22 йил пири-
нинг хизматида пинҳон юради.

Хожа Ислон Жўйборийнинг лақаби ҳам Хожа Калон бўлган.
Ўша давр шоири Боқи Дарзий Бухорий Хожа Калонхожаи
Даҳбедийнинг 1005 (1596) йилда вафот этиши муносабати
билан ёзган марсиясини тарихчи Саййид Роқим ва академик
Садриддин Айний ўз асарларида: «вафоти 1005 (1596) йилда
воқеъ бўлган Хожа Муҳаммад Амин – Хожа Калон Жўйборийга
Боқи Дарзийнинг ёзган марсияси», деб ҳатто улар ҳам нотўғри
фикр билдиришган.

Биринчидан, Хожа Калонхожа Даҳбедий ҳақиқатан ҳам
марсияда кўрсатилганидек 1005 (1596) йилда вафот этган;
Хожа Калони Жўйборий эса 971 (1563) йилда вафот этган. Ик-
кинчидан эса, Хожа Калонхожа Даҳбедийнинг асл номи мар-
сиянинг сўзбошисида ёзилганидек, Хожа Муҳаммад Амин
бўлган; Хожа Калон Жўйборийнинг асл номи эса Хожа Ислон
Жўйборий бўлган; Демак, ҳар иккала ҳолда ҳам ушбу марсия
Хожа Калонхожаи Даҳбедий ҳақида бўлиб, юқоридаги муал-
лифлар бу икки зот номини адаштирганлар. Бу марсия тарихчи
Саййид Роқим ва Садриддин Айнийларнинг асарларида келти-
рилган бўлиб, уни куйида келтирамиз:

Саломимни сендек Ҳазратга энди ким етказди?
Сенга хизмат қилишга борганимизда завқланардик.
Сендан айрилгач, шам каби куйиб айтурмиз,
Бизга шу лойиқмиди, суҳбатинг қадрини билмадик.
Сен ул найсанки, фироқинг ўз ишини қила олмас,

Мен ул найманки, муҳаббатинг ўтидан зорлансам.
Ажал! Қайғули фироқимиздан бўлма миннатдор,
Мени, унинг жудолиги ўлдурур, сенга не миннат.
Оҳ урмасдан сукут сақлаганинг маъкулдурки,
Боқи, насиҳатгўйингдан айрилгач, энди сенга не ҳиммат?

Хожа Калонхожаи Даҳбедий 22 йил мобайнида устози Хожа Ислом Жўйборийнинг «халафул-хулафоси» (яъни, бош халифаси) бўлиб юрди.

Хожа Ислом Жўйборий 971 (1563) йилда вафот этгандан сўнг, Хожа Калонхожа 34 йил нақшбандия тариқати сулуки раҳбари сифатида фаолият кўрсатгандан кейин, 1005 (1596) йилда Самарқанд шаҳрининг Регистон майдониغا яқин жойлашган Булбулак маҳалласидаги ўз ховлисида вафот этади. Ул зотнинг ёши саксон иккида эди. Хожа Калонни Даҳбедга, падари бузургвори Маҳдуми Аъзамнинг қабрлари ёнига дафн этишади.

Хожа Калонхожаи Даҳбедий (Муҳаммад Аминхожа)нинг шеърият бобида соҳибдевор ва ширин назм эгаси бўлганликлари давримиз тарихчи ва адабиётчилари учун деярли номаълум ҳол. Бизга таниш маълумотлар шу эдики, Хожа Калон Даҳбедийнинг ашъорлари «Аминий» таҳаллуси билан Мутрибийнинг китобида келтирилган ҳамда муаллиф ёзишича, у ёшлигида маҳдумзода Хожа Ҳошим билан ҳамсабақликда Хожа Калоннинг Ҳавзи Булбулак гузаридаги ховлиларида Жомийнинг «Фавоиди Зиёия» асаридан сабоқ олган экан¹.

Яна бир манбада эса бу даврдаги 104 нафар Мовароуннаҳр адибларининг соҳибдевор шоирлари орасидан биринчи навбатда Аминийни келтиришган².

Қадимий қўлёзма манбалар тадқиқи жараёнида профессор Ботирхон Валихўжаев кейинчалик топилган маълумотларни матбуот саҳифаларида чиқардилар.³ Унда Хожа Калонхожаи Даҳбедийнинг «Аминий» таҳаллуси билан қалам тебратиби, шеъ-

¹ Зехний Т., Саъдиев С. Суханварони рӯи замин. – Душанбе: Ирфон. 1973. 90 сах.

² Ҳодизода Р. Адабиёти тоҷик (асрҳои XVI-XIX). – Душанбе: Маориф. 26 сах.

³ Валихўжаев Б. Даҳбедийни суҳангӯ. Овози Самарқанд. 1992 й. июл-август.

рий девон тузганликлари, замонасининг бир қанча машхур шоирларига устозлик қилганликларини билиб олиш мумкин. Бу маълумот, Б. Валихўжаевнинг ёзишларича, Муҳаммад Саид Хужрадorning «Жамарот» ва Мавлоно Мутрибий Самарқандийнинг «Тазкират уш-шуаро» китобларида келтирилган. Ушбу икки манбага кўра, иккала муаллифлар ҳам «Ҳазрати қутб ул-аброр Абу Муҳаммад» куняси билан танилган Хожа Калонхожа Дахбедий (Сайид Муҳаммад Аминхожа)нинг энг яқин ёронларидан бўлишган ҳамда ул зот ташкил қилган бир қанча мажлису суҳбатларда иштирок этишган.

Маълум бўлишича, Хожа Калоннинг Дахбеддаги ҳовлиларидан ташқари, Самарқанднинг Регистон майдонига чиқадиган Булбулак гузаридида ҳам ҳовлилари бўлган (бу гузарнинг боши ҳозирги «Растан нав» ёки «Зоологический» магазини аталмиш мавзе яқинида жойлашган).

Мавлоно Мутрибий далолатига кўра, у (Мутрибий) йигитлик даврида Хожа Калоннинг тўнғич ўғиллари Хожа Ҳошим билан гоҳо мадрасаларда, гоҳо Хожа Калоннинг Булбулак маҳалласидаги ҳовлиларида таҳсил кўришар экан. Назмда қалами чархлана борган Мутрибий бир куни Хожа Калоннинг уйларида илм аҳллари ва шоирлар билан шариятдан сабоқ олиш ва такрорлаш мақсадида тўпланишган вақтда ҳозир бўлади. Шунда Хожа Калон Мутрибийдан форсча ғазал ўқишни сўрайди. Мутрибий бир байт (матлаъ) ўқийди. Мажлисида ҳозир бўлганлар орасида “Мавлоно Солиҳ Ғиждувоний” деган шеърят донишмандларидан бири: “Мутрибий ўқиган байт қофиясида хато кетган”, деб даъво қилади. Ўз навбатида Мутрибий ҳам аруз қоидаларидан мисоллар келтириб ўзини оқлайди. Шунда бу баҳсга Хожа Калонхожа кўшилиб, Мутрибий байти аруз қоидаларига мос келишини ва муаллифнинг ўзи ҳам аруз фанининг донишманди эканлигини баён қилади. Бу сўзлардан таъсирланиб кетган Мавлоно Мутрибий ўрнидан туриб Ҳазрати Хожага таъзим бажо келтиради ва Ҳазрати пирнинг илтимосларига кўра, Мавлоно Жомийнинг бир ғазалига мухаммас қилиб ёзган шеърини ўқийди. Шеърдан мамнун бўлган Хожа Калонхожа айтадики: «Шоирлар орасида бир

ажиб одат борки, шеъриятга киришишдан олдин шогирдлар ўз устозларига шоирлик ҳалвосини берар эдилар; агар сен ҳам шоирлик ҳалвосини келтирсанг, шояд дуо қилсак, яна бундан ҳам дилрабоқ шеърларни айтар эдинг». Мутрибий дейди: «Агар сизнинг мулозимларингизни бирортасини қўлидан шоирлик ҳалвосини есам, ўзимни жуда бахтиёр ҳисоблаб, яна ҳам ширинроқ шеър ёзардим». Мутрибийнинг бу сўзларидан илҳомланиб кетган Ҳазрати Хожа Калон кулимсираб: «Сенинг бу ширинсуханлигинг жиҳатидан бизга вожиб бўлдики, сенга ўзим шоирлик ҳалвосини келтирурман», деб ўринларидан даст кўтарилиб, қўшни хонага кириб кетдилар ва кўп фурсат ўтмай кўлларига қоғозга ўралган иссиқ ва ҳозиргина пиширилган ҳалвони келтириб: “Бу шоирлик ҳалвосидур”, деб Мутрибийнинг этагига соладилар. Шунда мажлисда ҳозир бўлганларнинг баъзилари ҳайрон бўлиб айтдилар: «Шу икки кеча-кундуздирки, Ҳазрати Хожа билан бирга Даҳбеддан келдик; ул зот бир лаҳза ҳам меҳмонхонадан ташқарига чиқмадилар; иссиқ ҳалво қаердан пайдо бўлди экан?» деб таажжуб қилдилар ва ҳаммалари қасам ичиб: “Бу Ҳазрати Хожанинг ғайбдан қилган кароматларидур”, деган бир фикрга келишган.

Шуниси аҳамиятлики, бу воқеалар устида тазкиранавис Мавлоно Мутрибийдек шеърият фозили туриб, бу ишларга айнан ўзи гувоҳ бўлган ва унинг таъкидлашича, XVI асрнинг иккинчи ярмида ижод этган 104 нафар Самарканд адиблари ичида Аманий Даҳбедий етакчи ўринни эгаллаган соҳибдевон шоир бўлган.

Кези келганда, яна шуни ҳам таъкидлаш керакки, устоз Б. Валихўжаев ўзларининг бу тадқиқотларида шеърият аҳлига номаълум бўлган яна бир даҳбедий хожалар силсиласига мансуб бўлган ширинсухан шоирнинг, Амир Муҳаммад Файзий Косонийнинг шеърларидан намуналар келтирган. Ул зот юз ёшга кириб, 1597-98 йилда Даҳбедда вафот қилган эканлар. Фикримизча, ушбу шоир Маҳдуми Аъзамнинг набира-жианларидан бири бўлса керак.

Таассуфки, Хожа Калонхожа ва Амир Муҳаммад Файзий Косонийнинг тўлиқ девони ҳозирга қадар номаълум бўлиб келаётир.

Тарих саҳифаларидан икки номаълум шоирнинг номлари топилган экан, ишончимиз комилки, келгуси тадқиқотларда ушбу ширинсухан шоирларнинг девонлари топилиб қолар, деган умиддамиз.

Ҳазрати Махдуми Аъзамнинг тўнғич фарзандлари Муҳаммад Амин – Хожа Калонхожанинг авлод шажарасини алоҳида ҳавола қилинмоқда.

ХОЖА ИСҲОҚ ВАЛИЙ

Даҳбедий хожалар силсиласининг энг машҳур намояндаларидан яна бири Хожа Исҳоқ Валий бўлиб, ул зот Махдуми Аъзамнинг тўртинчи (баъзи манбаларга қараганда еттинчи) ўғиллари эди. Кўп манбаларда ул зотни «кенжа ўғил» деб ёзилишига сабаб, Махдуми Аъзамнинг энг машҳур фарзандлари Хожа Муҳаммад Амин (Хожа Калон) ва Хожа Исҳоқ Валий бўлганлини учун ушбу икки ўғил орасида ёшдаги фарқ туфайли «бирлари катга», иккинчилари эса «кенжа ўғил» деб аталиб келинган (ваҳоланки, Хожа Исҳоқнинг кўп укалари бўлган). Яна шуни айтиш жоизки, даҳбедий хожаларнинг сон жиҳатидан кўпчилик қисмини хожаисоқийлар авлоди ташкил этади.

Махдуми Аъзам ёш Хожа Исҳоқни ўзларининг машҳур халифаларидан бири Мавлоно Лутфулло Чустийнинг қўл остига, тасаввуф тариқатларидан тарбия топиш учун топширади.

Хожа Исҳоқ тариқат камолига етиб, муршиди ва қайнотаси Мавлоно Лутфулло Чустийдан хатти иршод олади ҳамда пирлик даражасига етади. У Шарқий Туркистон (Хитой) ҳудудида жойлашган муғул давлати ҳукмдори Абдул Каримхон (967–1000//1559–1591 йиллар ҳукм сурган) томонидан у юртларга таклиф этилади.

Хожа Исҳоқнинг онаси Бибичаи Кошғарий қорахонийлар сулоласидан бўлгани учун ҳам, хожаисоқий хожалар Шарқий Туркистон тахтига (хожакалонийлардан бўлган Офокхожа авлодлари билан бир қаторда) ворис ҳисобланишган.

Хожа Исҳоқнинг бу юртда 64 халифани тарбиялаб камолга етказди. Хожа Исҳоқ ва халифалари Шарқий Туркистонда ис-

лом дини ва тасаввуф таълимотини тарғиб қилганлиги билан машхур. Тарихчи Абу Тоҳирхожа «Самария»да ёзади: «Хожа Исҳоқ кўп йиллар (халққа) йўл кўрсатиш ўрнига ўлтириб, халқни такомиллаштирди. Хожа кўп йиллар умр кўрди, камолот ва ҳолати ҳаддан ташқаридир. Кенг таржимаи ҳоли ўзининг мақомотида (яъни, ўзи ҳақидаги китобда) ёзилгандир. Қашқар музофотидан эл (халқ) ота-боболаридан бери, хожа муридлиги исирғасини қулоқларига тақиб олганлар ва унинг авлодига ўзларини фидо этгандирлар»¹.

Накшбандия тариқатининг Ҳиндистондаги намояндаси Хожа Муҳаммад Бақо Сирҳиндий (1563/64–1603/04) топшириғи билан 1622 йилда Муҳаммад Ҳошим ибн Муҳаммад Қосим ан-Нуъмоний ал-Бадахший тарафидан ёзилган «Насимат ул-қудс мин ҳадойиқ ул-унс» асаридаги сўзлар юқоридаги Абу Тоҳирхожанинг сўзларини тасдиқлайди. Унда Хожа Исҳоқ Валий тўғрисида ёзилган: «Ул Ҳазрат Мовароуннаҳрдан Қашқар ва Хўтан тарафга отландилар. Унинг саъй-ҳаракатлари билан халқ ҳақ йўлга тушиб олди. Қашқар ҳокими Муҳаммадхон ҳам унинг садоқатли муридларидан бирига айланди. Хуллас, накшбандия тариқати у ерларда Хожа туфайли томир отди. Кейин ўрнига муриди Девон Аштарни² қолдириб, ватанига қайтиб келди ва 1599 йилда вафот топдилар. Отасидан кейин ўзи яшаган Даҳбед яқинидаги Сафед қишлоғида дафн этилган»³.

Юқоридаги санани тарихчи Шоҳ Маҳмуд Чарос яна ҳам таъкидлаб, ул зотни 1008 ҳижрий йилининг 10 рабиъ ул-аввал ойида, яъни 1599 милодий йилнинг 30 сентябрида 94 ёшда вафот этганини ёзади⁴. Доро Шукуҳ эса ул зотни 1007/1598 йилда вафот этган деб ёзади. Бизнингча, аввалги саналар тўғри. Бошқа масала шундаки, Шоҳ Маҳмуд Чароснинг ёзишича, Хожа Исҳоқ Валий 1505-07 йилларда, акаси билан ҳам олдинроқ туғилган бўлиб чиқаётир. Аммо, Хожа 1517 йилда туғилган акаси Хожа Калондан олдин туғилиши мумкин эмаску?! Демак, хожанинг вафот санасини манбалар аниқ тасдиқласаларда,

¹ Абу Тоҳирхожа. Самария. – Тошкент: Камалак. 1991. 45–46-бетлар.

² Шутур (Уштур) халифа назарда тутилмоқда.

³ Аҳмедов Б. Тарихдан сабоқлар. – Тошкент: Ўқитувчи, 1994. 268-бет.

⁴ Шоҳ Маҳмуд Чарос. Анис ут-толибин. л. 94а.

ёшини ўн беш йилдан зиёдроқ ошириб ёзишмоқда. Ваҳоланки, отаси вафот этганда хожанинг жуда ёш бўлганлигини манбаларда таъкидланади.

Хожаи Исҳоқ пири Мавлоно Лутфуллоҳ ва биродари Муҳаммад Амин (Хожа Калон)ларнинг паноҳсида узоқ қолиб кетмади, балки отаси каби дунёга машхуру манзур бўлди. Хожа Исҳоқни Шарқий Туркистон хонликларида «Хожа Азизони Калон», Қашқар ва Ёркент шаҳарларида «Хожаи Кошғарий», юртимиз Мовароуннаҳрда эса Ҳазрати Хожа Аҳрор Валийдек ўз замонасидагилар ул зотни «Хожа Исҳоқ Валий» деб аташган ва бу бежиз эмас, албатта. Ул зот ҳам отаси ва катта биродари каби нақшбандия сулуки раҳбарларидан эди.

Хожа Исҳоқ Шарқий Туркистонда, Хўтанда 3 йил турган (“Жолис ул-муштоқин”), баъзи маълумотларга (“Тазкираи хожагон”) қараганда эса 12 йил яшаган. Унинг бу ердаги яқин халифаси Шутур Халифа бўлиб, ёшлик вақтидан хожа ошхонасида 7 йил хизмат қилган. Такмилга етгач, хожа уни Шарқий Туркистонда халаф ул-хулафо ва ҳукмдор Муҳаммадхонга ўринбосар қилиб Самарқандга қайтади.

Ҳазрати Хожа вафот этгач, Даҳбед яқинидаги Сафедук мавзесида дафн этилади. Анча вақтдан кейин Қорадарё суви Хожа Исҳоқнинг мазорларига яқинлашгач, ул зотнинг авлодларидан Абдуллохожа бобосининг жасадини у ердан олиб, ўз қишлоғи Боғи Баландга, Амир Темур чорбоғи ҳавзи ёнига кўмдиради. Кези келиб таъкидлаш жоизки, «Самария»нинг 1991 ва 2009 йилда Тошкентда чоп этилган нашрларида: «Хожанинг ўғли Абдуллохожа унинг жасадини Боғи Баландга келтириб кўмди»¹ деб ёзилгани нотўғри бўлиб, қўлимиздаги «Самария»нинг асл муаллиф дастхати нусхасида «Хожага беш восита билан етувчи сулолаи изомларидан бўлмиш Абдуллохожа бобоси жасадини Боғи Баландга кўчирди», деб ёзилгани тўғри. Чунки, биринчидан, Хожа Исҳоқнинг “Абдулло” деган фарзандлари бўлмаган; иккинчидан эса, Боғи Баланд хонақоҳидаги Хожа Исҳоқ Валий даҳмаси ёнида ушбу авлоддан бўлган Сулаймонхожанинг қабр тошида ёзилган шажарада Абдуллохожанинг беш восита билан Хожа Исҳоққа етиши ҳақидаги ёзувлар «Самария»нинг бизда-

¹ Абу Тохирхожа. Самария. – Тошкент: «Камалак» 1991, 45-бет.

ги кўллёма нусхасидаги сўзларни ва фикримизни тасдиқлайди.

Кейинчалик Хожа Исҳоқнинг Боғи Баланддаги қабри устида дахмали мақбара ва хонақоҳли масжид барпо этилди.

Хожа Исҳоқ Валий тўғрисида иккита маноқиб ва мақомот типидида китоб бизгача етиб келган: 1012 йил ҳижрий (1603-04 милодий)да Мовароуннаҳрда Муҳаммад Аваз томонидан ёзилган «Зиё ул-қулуб»; 1008//1599 йилда, яъни Хожа вафотидан кўп ўтмай, Ёркентда ҳукмдорлардан Муҳаммадхон ёрдамида Шоҳ Муҳаммад Пайравий томонидан ёзиб тугатилган «Жолис ул-муштоқин» китобларидир.

Хожа Исҳоқ Валийнинг фарзандлари тўғрисида манбалар икки хил фикр билдириб, баъзилари ул зотдан уч ўғил қолган дейишса, бошқа манбалар ул зотнинг тўрт ўғли бўлганлигини таъкидлайди. Хожанинг тўнғич ўғиллари Хожа Қутбиддин бўлиб, у отаси мазори ёнида яшаган; иккинчи ўғиллари Хожа Шоҳбоз отаси ҳаётлигида 7 ёшида вафот этган; учинчи ўғиллари “Хожа Шоди” лақабли Муҳаммад Яхё Шарқий Туркистоннинг Ёркент шаҳрида отаси ўрнида қолган. Аммо, ҳозир Даҳбедда муқим яшаётган хожаисоқийларга қадимий шажара мавжуд бўлиб, унда Хожа Исҳоқ Валийнинг тўртинчи ўғиллари Убайдуллоҳхожанинг ҳам мавжудлигини кўрсатмоқда¹.

Хожа Исҳоқнинг ҳаёт ва фаолиятлари ҳақида кўп асрлар ҳамда мақомотлар ёзилган; «Зиё ул-қулуб» шундай асарлардан биридир.

Ҳазрати Хожа Исҳоқ Валийнинг вафотлари тарихини Каттахонхожаи Даҳбедий ўзларининг «Рисолаи тарихи Даҳбедия» китобларида келтирганлар.

Мазмуни:

Водариғ, бу дунёдан даврон кутби Хожа Исҳоқ кетди.

Вафотидан ҳамма халқ мотамау фирокда қолди.

Худонинг дийдори муштоқида унинг руҳи файзли
қалб қолибидан парвоз қилди.

Худонинг берган мададу қуввати билан у бутун
оламни эгаллади.

Васфини неча китобларда кўрдим,

¹ Шажара Эшони Саъдуллоҳон ибн Исмоилхон Даҳбедий хонадонидида мавжуд.

бўсағасини тождорлар ўпар эдилар.
Файзга тўла тупроғи Боғи Баланддек
хуш маскандаги равоқ ёнидадир.
«Дилнинг бошини олиб, аъзам деди:
Бу Хожа Исҳоқнинг тарихидур».
Хаста Музний Сендан тилайди:
Айрилиқ куни карам ила боқ!

Ушбу тарихдаги охирги мисралар, яъни, «Сари дилро рабуду, аъзам гуфт» (Дилни бошини олиб, аъзам деди) сўзи тарих моддасидир. Бу ерда «дил» сўзининг бош ҳарфи абжад ҳисобида- «Д» - (4); «Аъзам» сўзи эса 1011 га тенг. «Аъзам» сўздан «дил» сўзини бош ҳарфини (яъни - «Д»ни) олсак: $1011 - 4 = 1007$ келиб чиқади; ҳақиқатан ҳам, Хожа Исҳоқнинг вафот йиллари 1007 ҳижрий (1598 милодий) йилидир. Куйида Ҳазрати Хожа Исҳоқ Валий авлодларининг турли жойлардан кўлимизга келиб тушган ҳужжатлардан тузилган шажараларини эътиборингизга ҳавола қиламиз:

ХОЖА ҲОШИМ ДАҲБЕДИЙ

Даҳбедий хожалар силсиласининг энг кўзга кўринган намояндalarидан бири Муҳаммад Ҳошимхожаи Даҳбедийдир. Бу зот Махдуми Аъзамга неvara ва Хожа Калоннинг фарзандидир. Хожа Калонхожанинг Хожа Ҳошимдан ташқари яна Солиҳхожа ва Муҳаммад Юсуфхожа деган икки фарзанди бор эди. Солиҳхожа Балхда (Хуросонда) фаолият кўрсатган бўлса, Муҳаммад Юсуфхожа (Офокхожанинг отаси) Шарқий Туркистонда фаолият кўрсатиб, халқни ҳидоятга бошлашган.

Муҳаммад Доро Шукуҳ Ҳанафий ал-Қодирий ўз китобида ёзади: «Ҳошимхожа ва Солиҳхожа ака-ука бўлиб, Хожа Калонхожанинг фарзанларидир ва иккаласи ҳам замонларида Моварауннаҳр муктадоси (халқ бўйсунган, дин раҳбари) эдилар. Ҳошимхожа катта биродар бўлиб, Солиҳхожа эса укалари эди. Уларнинг ҳар иккаласи ҳам соҳиби каромат ва ҳаддан зиёд «хориқ одат» (авлиё маъносида) эдилар. Укалари Солиҳхожа Балх шаҳрида фаолият кўрсатиб, 1048 (1638) йил-

нинг муҳаррам ойида 78 ёшида вафот этдилар. Қабрлари Балх шаҳридадир».

Мақсуд ибн Носириддин Бухорий эса ўз асарида шундай келтиради: «Хожа Муҳаммад Ҳошим Даҳбедий – самарайи шажарайи таййибаи Хожа Калон – Хожа Муҳаммад Амин бин Мавлоно Хожағи Маҳдуми Аъзами Даҳбеди аст». Таржимаси: «Хожа Муҳаммад Ҳошим – Хожа Калон ибн Маҳдуми Аъзамнинг асосий самарали авлодидир».

Ўша давр машойихлари орасида бирор зот Хожа Ҳошимнинг мартабаси билан тенглаша олмаган. Мавлоно Абдурахмон Жомийнинг «Нафаҳот ул-унс» китобининг давоми сифатида ёзилган «Равойиҳ ул-қудс» асарининг Хожа Ҳошимга аталган бобида ушбулар ёзилган: «Ҳазрати Маҳдуми Аъзамнинг фарзандлари ичида самарали шажара (асосий шажара) Хожа Калондан кетган бўлса, хожакалонийлар ичида самарали шажара Хожа Ҳошимдан бошланган; Ушбу варақларни ёзувчи (муаллиф) маҳдуми аъзамий хонадони авлодлари ва бошқа бирор кимсани бу зотнинг муборак номини бош эгиб, таъзим бажо келтирмасдан тилга олганлигини эшитмаганман. Ҳазрати Хожа Ҳошим мартабада Ҳазрати Ғавсул Аъзам билан ва соҳиби мақомотда Ҳазрати Баҳоуддин Нақшбанд билан бир ўринда турдилар. Охириги замон машойихлари орасида ва даҳбедийлар табақаси ичида ҳеч бир машойиҳ унинг мартабасига эриша олмаган. Унинг замонида Даҳбеддаги файзли хонақоҳ биносини муриди Ялангтўш Баҳодир курдирган эди»¹.

Хожа Ҳошимнинг ҳаёт йўлларига назар ташлар эканмиз, юқоридаги сўзларнинг бирортасида шубҳа йўқлигига иқроп бўламиз. Ул зот ўз фаолиятларини Хожа Аҳроп Валий каби тариқат ишларини халқ манфаати йўлида сиёсат билан бирлаштирган.

Даҳбедий хожалар табақасини ва Даҳбед мавзеини шуҳратини Маҳдуми Аъзамдан кейин оширган шахс ҳам айнан Хожа Ҳошимдир. Хожа Аҳроп Валий каби сиёсий-тариқий фаолият юргизган ул зотнинг улуғлигини шундан ҳам билинадик, қабрининг оёқ томонида Афғонистон подшоҳлари **Шоҳ Ҳидоят** ибн **Шоҳ Қосим**, **Шоҳ Саодат** (XVII асрнинг ик-¹ Ўша қўлёзма. 1852; 89-саҳ. (муаллифнинг шахсий кутубхонасидан).

кинчи ярмида вафот этишган), Самарканд ҳукмдорлари Амир Ялангтўш Баҳодир, Амир Султонқули ва малика Иқлимабону кабилар кўмилган.

Гўри Амир мақбарасини ҳисобга олмаганда, Даҳбеддан бошқа бирор жойда бир пирнинг оёқ остида бунчалик кўп ҳукмдорлар ётишмаган.

Хожа Ҳошим болалик вақтида хонақоҳга келган зиёратчиларнинг калишларини «бу жаннати одам калиши, бу дўзахийнинг калиши», деб ажратар экан. Шунда калиш эгалари ёш Хожанинг бу қилмишидан норози бўлган. Воқеани эшитган Хожа Калонхожа бир одамга, «Новвойхонадан нон солиб олиб Хожа Ҳошимга едиргин», дейдилар. Бегона луқмани еган ёш Хожа бундай кароматларни қилмай қўяди.

Хожа Ҳошим Даҳбедий отаси Хожа Калонхожа ва амакиси Хожа Исҳоқдан сўнг нақшбандийлар силсиласининг асосий сулуки раҳбари сифатида фаолият кўрсатган. Хожа Ҳошим замонларида Даҳбед яна нақшбандия силсиласининг марказига айланган.

XVII асрнинг баринчи ярмида Ўрта Осиёда Хожа Ҳошим Даҳбедийнинг сиёсий таъсири кучаяди. Муҳаммад Юсуф Муншийнинг далолат беришича, Бухоро тахтидан ағдарилган аштархоний Вали Муҳаммадхон (1605–1611) Эрон ҳукмдори Шоҳ Аббос томонга қочади. У эронлик 80 минг қизилбош аталмиш аскарларни Вали Муҳаммадхонга қўшиб, Бухоро устига юборади. Бу вақтда Бухоро тахтига Хожа Ҳошим ёрдамида Вали Муҳаммадхоннинг жияни Имомқулихон (1611–1642) кўтарилган эди. Вали Муҳаммадхоннинг Эрон қўшини билан Бухоро устига уюштирган юриши хабарини эшитган Имомқулихон ташвишга тушиб, пири – авлиёлар кутби Хожа Ҳошим Даҳбедий ҳузурига келади ва қўлларини ўпиб маслаҳат сўрайди. Ўша мажлисда Хожа Ҳошим Даҳбедий ўзларининг бир қанча халифалари билан ўтирган эдилар. Назмдан хабарлари бўлган Ҳазрати Хожа Мавлоно Соқийга қараб ушбу байт-ни ўқийди:

Агар ғам лашкар ангезад, ки хуни ошиқон резад,

_____ Ману Соқий бо ҳам созему, бунёдаш бар андозем¹.

¹ Ўша қўлёзма, 37-саҳифа (муаллифнинг шахсий кутубхонасидан).

Мазмуни:

Агар лашкарни ғам чўлғаб, ошиқлар қони тўкилса,
Мен ила Соқий белни боғлаб, томиридан юлайлик.

Кўрсатилган асар муаллифининг таъкидлашича, соҳибқаромат пири бузургворнинг уюштирган жиҳод уруши натижасида собиқ фитначи подшоҳ Вали Муҳаммадхон асир олинади ва Хожа Ҳошимнинг фатвоси билан қатл этилади. Бу ҳақда Хожа Ҳошим Даҳбедий ушбу байтни ўқиганлар:

Рахнагари мулк сар афканда бех,
Лашкари бадахд пароканда бех¹.

Мазмуни:

Давлат зиёнкорининг боши кесилгани яхшироқ,
Бевафо лашкарнинг пароканда бўлгани яхшироқ.

Тарихчи Муҳаммад Салим ўз асарида шундай келтиради: «Тахтдан қувилган Вали Муҳаммадхон Эрон ҳукмдори Шох Аббосдан 80 минг қизилбош аскар ёрдам олиб, Бухорога юриш қилади. 1017/1608 йили қизилбошлар лашкари кутб ул-ақтоб Ҳазрати Хожа Ҳошим ҳаракатидан шикаст еди».

Айни вақтда Хожа Ҳошимнинг хоҳиш иродаси билан Самарқанд тахтига Ялангтўш Баҳодирнинг ҳоким қилиб кўтарилиши, Самарқанд ободончилиги ва бинокорчилигига ижобий таъсир кўрсатади.

Кўриб турганимиздек, ўша замонларда Ўрта Осиёдаги сиёсий ўзгаришлар бир ҳисобда Даҳбеддан туриб ҳал қилинган. Бухоро ва Самарқанд ҳукмдорлари қанақа хайрли иш қилишмасин ёки обида қуришмасин, аввало, пир сифатида Хожа Ҳошимдан фатво ва дуолар олиб ишлар бошлашган. Ул зотни баъзан «Имом», «Муҳаммад Вали» деб улуғлашар эдилар.

Самарқанддаги Шердор мадрасасида Ялангтўш Баҳодир томонидан пири Хожа Ҳошим Даҳбедий шарафига қурилганлиги ҳақида қасида мавжудлиги ҳақида ушбу сатрлар муаллифи ёшлигимда бобом Каттахонхожа Даҳбедийнинг мусавваларида ўқиган эдим. Унда қасиданинг икки мисра мақтасигина ёзилган

¹ Ўша асар, ўша саҳифа.

эди, холос. XIX асрга оид манбада қасиданинг 24 қаторда русча мазмуни берилганлигини архивлардан топдим¹. Аммо русча мазмун хато берилганлиги шундай кўриниб турар эди. Қасида мадрасанинг қаерида ёзилган экан, деб номаълум бўлиб келатган асл форсий матнни кўп йиллар қидирдим.

Мадрасага кираверишдаги бош пештоқнинг камалак ёйида ушбу қасиданинг матлаъси изларини аниқладим, аммо мадраса ичидаги ёзувли мрамртош топилмади. Орадан яна анча вақт ўтди.

1992-93 йилнинг куз ё қиш фасли эди, шекилли, ҳар куни мадрасага борардим. Чунки, бу вақтда Регистонда Мирзо Улуғбекнинг 600 йиллик Халқаро анжуманга тайёргарлик кўриш вилоят ҳокимлиги комиссиясининг штаб йиғилиши ҳар куни Улуғбек мадрасаси орқасидаги боғда ўтказилар ва мен ҳам штаб аъзоларидан бўлиб, кунни шу ерда ўтказардим.

Шердор мадрасасида фаррош бўлиб ишлайдиган ва менга ихлосманд дўст бўлиб қолган раҳматлик Тошқул бобо бир куни: «Домла, шунча вақтдан бери нимани излаяпсиз?» – деб қолди. Мен мақсадимни тушунтиргач, Шердор мадрасаси ҳовлиси ичида «Шарқ тароналари фестивали» учун тахтадан қурилган сахна тагида қолиб кетган ва деворга қадимий катта миҳлар билан тескари бириктирилган каттагина мрамр тошни кўрсатиб: «Шу эмасми?» деди.

Сахна тагига тушиб, деворга тескари ўрнатилган мрамр-тошнинг қурту ўргимчаклар уяси жойлашган тирқишдан қўлимни солиб пайпасладим, ёзувларга ўхшаш ҳарфлар борлиги сезилди. Қорақоғоз калька орқали аниқладим. Шундан сўнг, комиссия йиғилишида бу ҳақда гапирдим ва тарихий ёзувли тошни девордан ажратиб, мадраса тўридаги ўз жойи бўлган пештоққа ўрнатиш лозимлигини айтдим.

Мрамртош олинса, юқорисидаги нақшинкор девор тўкилиши мумкин, деб мажмуа маъмурияти ва комиссиянинг кўп аъзолари қарши чиқишди; неча ой тортишдик ва жавобгарликни ўз бўйнимга олганимдан сўнг, ҳокимият ҳамда комиссия раҳбарлари ҳажми 1,5x1 метр, қалинлиги эса бир қарич бўлган

¹ Лапин С.А. Перевод надписей исторических памятников Самарканда. СКСО.

бир тонна оғирликдаги мрамартошни нақшли деворга зарар етказмасдан олдиришди. Бахтимга, девор нақшлари тўкилмади, мен ҳам жавобгарликдан қутулдим. Аммо ҳокимият қарор чиқарган бўлса-да, ёзувли мрамартош мадраса тўридаги пешток деворига суянган ҳолда яна бир йилча турди. Бу иш учун масъул Регистон мажмуаси маъмурияти негадир мрамарни ўз жойига ўрнатишга шошилмас, аксинча қаршилиқ қилишар эди. Яна ишни ҳокимият орқали тезлаштирдим. Ниҳоят, Регистон дирекцияси тарихий мрамарни мадраса тўридаги марказий пештоққа домкрат (пишанг) ёрдамида ўрнатишга мажбур бўлишди.

Орадан 18 йил ўтиб, 2011 йилда Тошкентда уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз) чоп этилган «Ўзбекистон обидаларидаги дурдона битиклар» номли китоб-албомда менинг ушбу тадқиқотимни Регистон мажмуаси раҳбарияти амалга оширганлиги (?) ҳақидаги қайдлар мени ва барча илм аҳлини жуда хайратга солганди. Ахир, айнан шулар тадқиқотимга қарши эдилар-ку?! Ҳозирги даврга келиб ўчиб кетган ёзувларни улар кимдан кўчиришди экан?¹

...Мрамартош ёзувлари ҳақиқатан ҳам Ялангтўш Баходирнинг пири Хожа Хошим Даҳбедийга аталган 24 қаторли тарихий қасида бўлиб чиқди. Ёзувларнинг аксарияти ўчиб кетган ва ўқиб бўлмас ҳолда эди. Ёзувларни вазни ва қофиясига қараб бир амаллаб тиклашга эришдим ва адабиётшунос устозларим, академик Ботирхон Валихўжаев ҳамда тожикистонлик профессор Расул Ҳодизодадар назаридан ўтказдим. Қуйида Шердор мадрасаси қурилгандан бери ҳозирга қадар бирор манбада учратилмаган (ва деярли ярми ўқиб бўлмас ҳолга келган) қасиданинг илк марта тикланган асл форс тилидаги нусхасининг таржимасини эътиборингизга ҳавола этамиз:

Амирлар фаҳри Ялангтўш саховат
Кўрсатиб қўйди ва битди иморат.
Кўкка интилиб у мардона шахдам,
Бахт юлдузи сари қўйди илк қадам.

1 *Ўзбекистон обидаларидаги дурдона битиклар.*
Тошкент, 2011.

Тўрт токи анинг тўрт устуни олам,
Жаҳонни асрайдур улуғлиғи ҳам.
Бу биноки олий сифатга монанд,
Сухбатга йиғилур аҳли анжуманд.
Битди, мутлоқ Саййид – ҳазрати эшон,
Хожа Ҳошим инояти ила кошон.
Тинчлик посбон чехрасидин шохсувор,
Байрам айёмидек нур қайнар виқор.
Саройдаги гулки анға йўқ эътироф,
Муаттар ҳидлардин хушбўйдир атроф.
Кароматдин анинг барча баҳраманд,
Унга хабар келди Валий Муҳаммад:
“Олиб ердан гўзал қайрилма тошим,
Қўйғил равоғиға Имом Хожа Ҳошим.
Жилвагар тош топиб мисли камалак,
Равоғи мадраса қўймоғи керак”.
Хабар берди таърих абжад саноғи,
“Тошни олиб қўйғил пештоқ равоғи”.
Даҳбедийлар хоки пойида бўлгин,
Ҳасан Самарқандий фақиру мискин.

(Мусаввир-шоир Аҳмад Камолиддин Орий таржимаси)

Амир Ялангтўш Баҳодир замонида Самарқанд маликуш-шуароси бўлган Ҳасани Самарқандий томонидан ёзилган ушбу қасиданинг «Сангро дар равоқи тоқ баном» (Бу мрамар тошни пештоқнинг равоғиға қўйғил) мисраси абжад ҳисобида 1045 (1635) йилга тенг бўлиб, тош қўйилган жой ва йилини аниқ кўрсатиш билан бирга, ушбу мисра Хожа Ҳошимни вафот этган йилини ҳам билдириб турибди. Демак, кўриб турганимиздек, Шердор мадрасаси қурилиши Хожа Ҳошим Даҳбедийнинг ҳаёт ва фаолиятлари билан боғлиқлигини ҳамда бу битиклар мадрасанинг Хожа Ҳошим Даҳбедий шарафига қурилганлигини англатиб турибди.

Мавлоно Носириддин Ҳусайний-Бухорийнинг «Равойих ул-қудс» китобида келтирилишича, Ҳазрати Хожа Ҳошим 1045 (1635) йили рабиул-аввал ойининг бешинчисида, душанба куни вафот этганлар. Самарқанд ҳукмдори Ялангтўш Баҳодир пири-

нинг вафоти муносабати билан юртда мотам эълон қилдиради ва Хожа Ҳошимнинг жасадини Шердор мадрасаси саҳнида дафн этиш ҳақида фармон чиқаради. Лекин, Хожанинг фарзандлари Хожа Абдулмўмин, Мусохожа ва Хожа Мажнунлар бунга кўнишмаган, шекилли, шундан сўнг Ҳазрати Хожани Даҳбедга – бобоси Махдуми Аъзам хонақоҳига, бобоси ва отасининг ёнига дафт этишади. Аммо, ҳозирга қадар Шердор мадрасасининг ўнг гумбаз остидаги хонада «Имом Муҳаммад ибн Имом Жаъфари Содикнинг қабри», деб янглиш фикрлар мавжуд. Аслида эса, бу – Хожа Ҳошимнинг кўмилишларига мўлжалланган илк қабр ўрнидир. Юқоридаги Шердор мадрасасида келтирилган қасидада Хожа Ҳошимни «Имом Муҳаммад Вали» таҳаллуси билан аталишлари бу муаммога очиклик киритади. Яъни, ул зотнинг таҳаллуслари туфайли кейинчалик бу қабр Имом Жаъфари Содикнинг ўғли Имом Муҳаммаднинг қабри бўлса керак, деган нотўғри талқинларнинг келиб чиқишига сабаб бўлган.

Хожа Ҳошим Даҳбедий насл-насаб жиҳатидан (мадрасадаги қасида-қитъада ва китобларда ёзилганидек) икки томондан, яъни ота-она томонидан тамоман саййид ва имомзодаларга бориб етиши туфайли ул зотни ўз даврида «Саййид ут-тамом» (тамоман саййид), «Имом Муҳаммад Вали» каби номлар билан ҳам атаганлар.

Мустақиллик йилларида Самарқанд шаҳар ҳокимияти қошидаги топономик комиссия таклифи билан шаҳар кўчаларидан бири Хожа Ҳошим Даҳбедий номи билан аталди.

АМИР ЯЛАНГТЎШ БАҲОДИР

Ифтихоримизга айланиб қолган кўплаб меъморчилик обидаларнинг бунёдкори бўлган Амир Ялангтўшбий Баҳодир Самарқанд тарихида жуда катта таъсирли из қолдирган машҳуру манзур ҳукмдор бўлиб, унинг ҳаёти ва фаолияти Даҳбед билан узвий боғлиқ. У олчин уруғининг пешволаридан бири бўлган Бойҳожибийнинг ўғли бўлиб, 12 ёшида аштархоний Динмуҳаммадхон қўшинида хизмат қила бошлайди¹.

¹ Динмуҳаммаднинг 1601 йилда қисқа вақтда хон бўлганини инобатга олсак, бу вақтда 12 ёшлик Ялангтуш 1589-90 йилларда туғилган бўлиб

Ўша даврларда отаси билан келиб, Хожа Ҳошим Даҳбедийга (Махдуми Аъзамнинг набираларига) қўл бериб, мурид тушади ва унинг тарбиясини олади. Кейинчалик нақшбандия тариқатининг ўз замонасидаги раҳбари бўлган Хожа Ҳошим ёрдамида Самарқанд тахтини эгаллайди.

Серғайрат саркарда Ялангтўш Баҳодир Бухородаги марказий ҳокимиятга деярли бўйсунмаган. У уч нафар аштархоний подшоҳ: Имомқулихон, Нодир Муҳаммадхон ва Абдулазизхон даврларида Самарқандни бошқарган эди. Унинг сўзи аштархоний ҳукмдорлар учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган; у бир неча маротаба мустақил равишда хорижий давлатларга, жумладан, Эроннинг Хуросон вилоятига, Афғонистонга юришлар уюштирган эди. Бундан ташқари, Тошкент ва Туркистон ерларига ҳам сафар қилиб, у ердаги маҳаллий низоларни тинчлик йўли билан ҳал қилган. Умуман, олганда, Бухоро давлати лашкарбошиси лавозимида Ялангтўш Баҳодир турган эди, десак адашмаймиз. Шу туфайли кўпгина кўшни подшоҳликлар Ялангтўшга совға-салом юбориб туришган. Хориждаги юришлардан у кўпгина асир ва хазиналар билан қайтар эди.

Махмудибн Валининг «Баҳрул-асрор» асарида Ялангтўшбий оталиқ «жасур нўён, иш билган амир, олчин қабиласи улусидан чиққан, асл исми “Хатой Баҳодир” Динмуҳаммадхон замонида у Сиғноқнинг Азоқ мавзеидан келиб унинг хизматига кирди; саъй-ҳаракати орқасида унинг яқин кишиларидан бири бўлиб олди. Нодир Муҳаммадхон (1642–1645) даврида мартабаси юксалиб, унинг оталиғи этиб тайинланди. Дараи Суф, Мўлтон, Коҳмард вилоятлари; тулкичи, сайқончи, зеранги, килаги, ҳазораи некудари қабилаларининг юртлари, Ғазна, Қандаҳор, Замини довар, Ғур, Хуросон ҳудудларигача бўлган қабилалар ерлари унга иктоъ тариқасида инъом этилган эди. Қандаҳор, Сеистон ва бошқа вилоятлар ҳокимлари унинг қаршисида зир-зир титрар эдилар. Кўрган-билганлар унинг бойлиги давлат хазинасига тенг эканлиги, нуфузи подшоҳларникидан қолишмаслигини айтадилар», дея тилга олинади.

Ғазна ва Қандаҳоргача бўлган ҳудудни ўз ичига олган Гарчистон иктоъ (катта ер-мулк) тарзида Ялангтўш Баҳодирга чикади.

инъом этилган эди. Ўша даврларда юртимизга келган рус элчиси Анисим Грибов (1641) ҳам Ялангтўшбийга тегишли иқтоъ хуудларини юқоридагидек тартибда баён қилган эди. Унинг ахборотида шуни ўқиш мумкин: «Балхдан солиқ йиғиш учун Ҳиндистон давлати сарҳадларида жойлашган Ҳиндикуш қишлоқларигача борилади. Балхдан то Ҳиндикуш бағридаги хинд қишлоқларига олиб борувчи йўл отлик учун 7 кун, туяда эса 14 кунлик йўлдир. Балх ва Ҳинд сарҳадлари оралиғидаги қишлоқлар, шаҳарлар Бухоро ва Балх хонларининг яқин кишиларидан бўлмиш Амир Ялангтўшнинг мулки ҳисобланади». «Бахр ул-асрор» муаллифи Ялангтўшни хондан кейин иккинчи энг бадавлат шахс деб таърифлайди, унинг мол-мулки миқдорини эса давлат хазинаси билан қиёслайди¹.

Аmmo Имомқулихон даврида (1611–1642) Амир Ялангтўш бинокорлик соҳасида ўзини темурийлардан кам кўрмаган ҳолда бойликларини мадрасаю масжидлар қуришга сарфлади. Бинокорлик ишларини эса ўзининг пири Хожа Ҳошим Даҳбедийнинг бобоси Маҳдуми Аъзам шарафига Даҳбедда даҳмали хонақоҳ, икки масжид ва 40 дан зиёд хужраси бўлган мадраса қуришдан бошлайди (мадраса ҳозирги «Ойбарчин» универмаги ўрнида қурилган эди). Айни вақтда у Самарқандда Шердор мадрасаси қурилишини ҳам бошлаб юборади. Даҳбеддаги хонақоҳнинг пештоқига ёзилган қитъа-қасида ва Самарқанддаги Шердор мадрасасининг бош равоғидаги ёзув бу қурилишлар кетма-кет, бир йилда бошланганини англатади.

Рус манбаларида фақатгина «жойи ҳузур» сўзи хонақоҳ қурилиши санасининг абжод ҳисобидаги тарих моддаси эканлиги айтилади². Шунда илк устозим бўлмиш катта онамнинг айтиб юрадиган ушбу рубойиси хотирамга келди:

Даҳ бед мағўй, ки жойи нур аст,
Ҳар гумбазҳои хонақоҳ Тур аст.
Ҳар нахли чанори он чй тубист
Ба дили ошиқон «жойи ҳузур» аст.

Мазмуни:

¹ Аҳмедов Б. Тарихдан сабоқлар. Тошкент. Ўқитувчи, 1994. 58-бет.

² Лапин С.А. Перевод надписей ист-ких памятн. Самарқанда. СКСО.

(Дахбедни) дарахтзор дема, у нурли мавзедир,
Хонақоҳнинг ҳар гумбази мисли Тур тоғидир.
Чинорларнинг ҳар шохи мисоли жаннат дарахти,
Ошиқлар кўнгли учун бу ер ҳузур-ҳаловат жойидир.

Бу хонақоҳ пештоқида ёзилган қасида-китъанинг айнан ўзи эканлигига шубҳа йўқ эди. Аммо, катта онам бу қасидани қайси манбадан олганлиги ҳозиргача менга номаълум бўлиб келмоқда. Равон ёзилганлиги, айниқса юқоридаги манбада «жойи ҳузур» сўзи Дахбед хонақоҳининг абжад ҳисобидаги моддаси, деган ягона сўз, ушбу қасиданинг ҳақиқатан ҳам хонақоҳ деворида аниқ мавжуд бўлганига далилдир.

Бу қасида-китъадаги «жойи ҳузур» тарих моддаси бўлиб, абжад ҳисобида 1028 (1618) йилни билдиради. Бундан шу нарса маълум бўладики, Дахбеддаги хонақоҳ ва мадраса 1618 йилда қурилган экан. Ялангтўш Баҳодир Самарқандда ўша йил 48 хужрали (икки дарсхонали) Шердор мадраса қурилишини ҳам бошлаган. Бунга мадраса пештоқидаги абжад ҳисобида битилган қитъа-қасида далолат беради (1925 йилда устоз Айний ўзларининг «Намунаи адабиёти тожик» тазкираларида илк бор келтирганлар).

Мазмуни:

Душман сафларини бузувчи одил Ялангтўш келди,
Унинг камолоти мадҳига зўр тил дурларга тўлди.
У ер юзида шундай бир мадраса курдиким,
Бу билан фахрланишни фалакка қадар етказди.
Неча йиллар ақл бургути унинг чўққисига интилиб,
Бор қуввату тадбир қаноти ила интилса-да, етолмас.
Доно ҳариф тафаккур арқони-ла неча аср тиришса,
Мадраса минорининг маъносига етолмас.
Меъмор унинг тоқларини шундай эгибдурким,
Фалак Ердаги ойни кўриб, бармоқ тишлаб қолади.
Уни бино этган Ялангтўш Баҳодир бўлгани учун,
Қурилган йили ҳам «Ялангтўш Баҳодир» бўлди.

Демак, «Ялангтўш Баҳодир» сўзини абжад ҳисоби билан сонларга айлантирсак, 1028 ҳижрий (1618 милодий) йили-

ни англатиши, кишини хайратга солади ва бинони қурдирган кишининг номи билан бино қурилиши бошланган йил тўғри келиши қандайдир ғайритабиий, таъбир жоиз бўлса, илоҳий мўъжизадек туюлади. Ушбу қасида баъзи бир нашрларда ҳам келтирилган¹.

Тарихда уч машҳур ҳукмдор – Амир Темур, Улуғбек Мирзо ва Амир Ялангтўш Баҳодир ўзлари қурдирган меъморчилик обидалари билан шаҳримиз Самарқандни «Ер юзининг сайқали»га айлантиришган. Амир Темур Самарқандни пойтахтга айлантириб, нақшинкор бинолар силсиласини қуришни бошлаб берган бўлса, шаҳарнинг юраги ҳисобланган Регистон майдони Улуғбек Мирзо даврида вужудга келган (у вақтда бу майдон «Сардавонак» деб аталиб, тахминан «Сари жўйи давонак» («Тезоқар ариқ боши») маъносидадир. Улуғбек бу майдонда мадраса, хонақоҳ ва қарвонсарой каби уч бинодан иборат ўзига хос обидалар гулдастасини яратади.

Ўз даврида, Ялангтўш Баҳодир ҳам Улуғбекнинг қурдирган бу бинокорлик мажмуаси тузилишини бузмаган ҳолда, вайронага айланган хонақоҳ ва қарвонсарой ўрнида Шердор ва Тиллокори мадрасаларини қурдиради. Кези келганда шунинг ҳам айтиш жоизки, Тиллакори мадрасасининг масжиди ичкарасида сарфланган олтиннинг ўзига бир катта обида қуриш мумкин бўлган (шунинг учун ҳам мадраса Тиллакори (тилладан ишлов берилган) деб аталган.

Шердор ва Тиллокори мадрасаларини қурдирган Ялангтўш Баҳодир бундан ҳам улуғвор обидалар бунёд этишга қурби етар эди. Бу сўзни шунинг учун ҳам келтираётгирмизки, баъзи хорижий ва маҳаллий обидашуносларнинг фикрларича, Ялангтўш Баҳодир Улуғбек Мирзонинг обидаларидан фақатгина кўчирма олиб, гўё бошқача тусдаги обидалар яратишга унинг давридаги усталар қодир эмас эканлар. Ваҳоланки, Шердор билан Тиллакори мадрасалари Самарқанд шаҳрига зеб бериб турган энг кўркем обидалардан. Ўзининг олчин уруғини темурийларнинг барлос уруғидан кам кўрмаган Ялангтўш Баҳодир камтарлик қилиб, темурийларга ҳурмат юзасидан, ўз обидаларига Улуғбек мадрасасининг тузилишини нусха қилиб олади. Бошқача қилиб

¹ С.Айний. Намунаи адабиёти тожик. Москва, 1925й.

айтганда, у Регистон майдонида ҳар хил обидалар куриб аралаштириб юбормай, архитектурани уйғунлаштириб, фақатгина бир хил обидалар гулдастасини барпо этишни хоҳлаган эди.

Шуни ҳам айтиш зарурким, Шердор – «Шер акси бор» деган маънода бўлиб, ундаги қуёш, шер ва кийик (оҳу) 12 буржлик ҳижрий йил ҳисобига шама қилинаётгир; яъни, қуёш – ҳижрий шамсий (қуёш йили); шер (Асад) йилнинг бешинчи ойи; кийик (Жадй) эса ўнинчи ойдир; Мадраса қурилишининг бошланиши ва тугалланиши ҳам, эҳтимол, шу ойларда юз бергандир. Бундан ташқари, мусулмон астрономиясида қуёшнинг Асад буржида бўлиши, «Саъди замон», яъни бахтли замонга ишора. Бу тасвирлар салжуқийлар, элхонийлар сулоалари ҳукмдорлари даврида ҳамда XVI–XVII асрларда Эронда ҳам кенг қўлланилган бўлиб, тангаларда зарб этилган ва байроқларда акс эттирилган. Ҳатто, Амир Темур ҳам Шаҳрисабздаги (Кешдаги) Оқсарой пештоқида шер билан қуёшни акс эттиришни буюрган. Кўриб турганимиздек, баъзи рус ва маҳаллий тарихчиларнинг «Шердордаги шер ва кийик тасвирлари ҳукмрон синф ва оддий халқнинг рамзий ифодасидир», – каби тўқималари бекор гап экан.

Шердор мадрасаси муҳандиси уста Абдужаббор ва нақшинкор тасвирлар мусаввири Муҳаммад Авазнинг номлари мадрасага кираверишдаги мармар панжарали деразанинг пештоқида ёзиб қўйилган.

Мадраса деворлари ва гумбазларида Қуръони Каримнинг еттидан бир қисми ҳисобидаги оятлар ва ҳадиси шарифдан ҳам калималар келтирилган.

Ялангтўш Баҳодир даврида маданият ниҳоятда ривожланиб, ўнлаб обидалар қурилди. Ялангтўшдан ўрнак олган сарой аъёнлари, олиму донишмандлар ва сарватмандлар мадраса, масжид, хаммом, кўприк, кудуқ каби халқ эҳтиёжи учун зарур иншоотларни хайр сифатида қуришарди. Унинг даврида Самарқанднинг ўзида шунчалик кўп мадрасалар қурилдики, ўрта асрларда бунақа ҳол кам учрарди¹.

Ҳукмдорликдан кўра, бинокорлик ишларини афзал кўрган

¹ Каттаев К. Самарқанд мадрасалари, илм-фан ривожи. Самарқанд, Зарафшон, 2003.

Ялангтўш Баходир 1656 йилда вафот этади. Ўз васиятига кўра уни Даҳбеддаги Махдуми Аъзам хонақоҳига, пира Хожа Ҳошим Даҳбедий (Махдуми Аъзамнинг неваралари) қабрининг оёқ томонига дафн этишади.

Амир Ялангтўш шундай васият қилган экан: «Мени пирларимнинг оёқ томонларига кўмингиз; пиримни зиёратларига келувчилар менинг қабримни босиб ўтишсинким, мен пиримга ярашгулик хизмат қила олмадим!» Нақадар улуғлик билан камтарликнинг мужасамлаши акс этади бу васиятдан.

Амир Ялангтўш Баходирнинг қизлари – малика Икклимабону ва малика Ойбибининг қабрлари ҳам отаси қабри каби Даҳбед хонақоҳидадир.

Самарқандни Амир Темур ва Мирзо Улуғбеклар каби бинолар қуриб, шуҳратига шуҳрат қўшган ҳокими Амир Ялангтўшбий Баходирдек серғайрат саркарда, шу билан бирга камтарин бинокор инсон Ўзбекистоннинг янги тарихий ва қомусий китобларида ўз ўрнини ҳозирча топа олганича йўқ.

Совет даври китобларида эса у ҳақда золим, мадрасаларни қон тўкиб қурган, деган нотўғри фикрлар айтилган. Ахир, золим ва қонхўр ҳукмдор бўлса, унинг даврида маданият ва маърифат ривожланармиди, диний ва илмий аҳамиятга эга бўлган обидалар қурилармиди?!

Ўзбекистоннинг тарихий, маданий ҳаётида қатта ижобий роль ўйнаган Самарқанднинг Ялангтўш Баходирдек асл фарзанди ўз тарихини, қадриятини тикланишини Даҳбеддаги қабрида кутиб ётибди.

Мустақиллик йилларида Самарқанд шаҳар ҳокимлиги қошидаги топономик комиссия тақлифи билан шаҳар кўчаларидан бири Самарқанднинг буюк бинокор ҳукмдори Амир Ялангтўш Баходир номлари билан аталди.

ШАРҚИЙ ТУРКИСТОН ХОЖАЛАРИ

Махдуми аъзамий хожалар Шарқий Туркистонда, асосан Ёрқент ва Қашқар вилоятларида жуда қатта нуфузга эга бўлганлар. Ҳатто ўз даврида улар тахт эгаллашиб, давлат

бошқарувида фаолият олиб борган. Манбаларда Махдуми Аъзамнинг тўнғич ўғли Хожа Калон авлодидан бўлган хожалар гуруҳи «оқтоғликлар» (ишқия тариқати), Хожа Исҳоқ Валий авлодидан бўлган хожалар гуруҳи эса «қоратоғликлар» (исҳоқия тариқати) аталиб, улар яшайдиган Қашқар ва Ёркент шаҳарлари атрофидаги тоғлар номига нисбатан айтилган¹. Аммо, уйғур олимлари ушбу терминни «оқтоқилик» ва «қоратоқилик» (оқ қалпоқ ё қора дўппи) деб изохлашиб, бош кийими билан боғлашган².

Оқтоғ яқинидаги Қашқар шаҳри ва вилояти азалдан халқ назарида Хожа Калоннинг кенжа ўғли Хожа Юсуф (1640 йилда вафот этган) авлодига, Қоратоғ яқинидаги Ёркент шаҳри эса Хожа Исҳоқнинг “Хожа Шоди” лақабли Хожа, Муҳаммад Яхё (1645/46 йилда вафот этган) номли кенжа ўғлига тегишли бўлган.

«Оқтоғли» ва «қоратоғли» хожалар гуруҳи Шарқий Туркистон тахти учун бир-бири билан, ҳатто, қонли кураш олиб борган вақтлари ҳам бўлган. Тариқат борасидаги қарашлари ҳам фарқ қилган: Хожакалонийлар «ишқия» деб аталган тариқатни бошқарган бўлишса, Хожайсҳоқийлар эса «исҳоқия» тариқатни бошқаришган (25). Қизиғи шундаки, Шарқий Туркистон хожаларига нисбатан Мовароуннаҳр ва Хуросонда яшаб, нақшбандия тариқатига раҳбарлик қилган Даҳбедий (хожакалоний ва хожайсҳоқий) хожалар тахт учун на талашишган ва на янги тариқат тузишган, фақатгина аجدодларидан мерос тариқатни тоза ҳолда сақлашга ҳаракат қилишган.

¹ Шоҳ Махмуд Чарос. Анис ут-толибин. л. 94а.

² Абдулахатов Н., Бек А. Хожам подшоҳ зиёратгоҳи. «Фарғона». 2009. 30-бет.

ХОЖАКАЛОНИЙ ОФОҚХОЖА

Махдуми Аъзам хонадонининг яна бир йирик намояндаларидан бири, бу – Ҳидоятулло Офоқхожадир. Бу зот 1625 йилда туғилган бўлиб, Шарқий Туркистоннинг ижтимоий-сиёсий ва маданий-маърифий ҳаётида жуда катта таъсир кўрсатган.

Ҳидоятуллохожа Махдуми Аъзамнинг тўнғич ўғли – Хожа Калонхожанинг учинчи фарзандлари бўлмиш Муҳаммад Юсуфхожанинг катта ўғли бўлиб, тасаввуф ва давлат сиёсати борасида катта нуфузга эга бўлган ва «Офоқхожа» (яъни, уфқ ва кутб маъносида) номи билан машҳур бўлган.

Мустақиллик даврида чоп этилган баъзи асарларда бирор аниқ манба кўрсатилмагани ҳолда, Офоқхожани Хожа Исҳоқнинг (яъни, Махдуми Аъзамнинг кенжа фарзандининг) ўғли, деган хато фикрлар чоп этилган. Лекин, барча аҳамиятга молик қадимий китоблар, ҳужжатлар ва Дахбед хонақоҳидаги қадимий қабртошдаги насабнома ёзувлари фикримизни тасдиқлайди¹.

Муҳаммад Содиқ Кошғарийнинг «Тазкираи азизон» китобида, Мирзо Муҳаммад Ҳайдар Дуғлатнинг «Тарихи Рашидий» (асарининг туркий тилда таржима қилинган илова)сида, Мир Холиддин ал-Ёрқандийнинг «Ҳидоятнома», Шоҳ Маҳмуд Чароснинг «Таърих» каби асарларида Офоқхожа Хожа Калонхожаи Дахбедийнинг “Муҳаммад Юсуфхожа” деган ўғлидан туғилганлигини аниқлаш мумкин. Қўлимизга тушиб қолган ва ноёб манба ҳисобланган иршоднома (Хатти иршодий)да ҳам пирлик ҳуқуқи (яъни, иршод бериш ҳуқуқи) Махдуми Аъзамдан тўнғич ўғиллари Муҳаммад Амин – Хожа Калонга, ул зотдан ўғиллари Хожа Муҳаммад Юсуфга; ул зотдан ўғиллари Хожа Ҳидоятулло – Офоқхожага (яъни, отадан ўғилга) ўтганлигини кўрсатиб турганлиги ҳам Офоқхожанинг хожакалонийлардан эканлигини яна бир бор тасдиқлаб турибди².

Шарқий Туркистонда Махдуми Аъзамнинг фарзандлари Хожа Калонхожа ва Хожа Исҳоқ Валийларнинг авлодлари

¹ Қабртош ёзувларини «Дахбеддаги мазорот зикри» бобида ўқишингиз мумкин.

² Мазкур иршоднома матнини «Умархожаи Дахбедий зикри»да ўқийсиз.

муқтадолик – пешволик қилганлар. Ушбу хожалар сулолалари «оқтоғликлар» ва «қоратоғликлар» деб аталган гуруҳга бўлинган; Шарқий Туркистон пойтахти бўлган Ёркент шаҳри атрофидаги тоғлар “Қоратоғ”, кейинчалик пойтахт бўлган Қашқар шаҳри атрофидаги тоғлар эса “Оқтоғ” деб аталгани учун бўлса керак. Аммо, уйғур олимлари, юқорида айтилганидек, ушбу терминни «оқтоқилик» ва «қоратоқилик» (оқ қалпоқ ё қора дўппи) деб изоҳлашиб, бош кийими билан боғлашган¹.

XVII асрнинг иккинчи ярмида Ёркент тахтида Чиғатой сулоласига мансуб Исмоилхон ҳукмронлиги даврида (1670–1682) Офокхожанинг тахт учун кураши бошланади. Унинг муридлари «юртни Пайғамбар авлоди бошқариши керак», – деб таклиф қилганларида Офокхожа розилик билдириб, қўшни давлатлар ҳукмдорлари ёрдамида хонлик тахтига чиқади. Мана шунинг билан 300 йил давом этган Чиғатой авлодлари ҳукмронлигига чек қўйилиб, Бартольд таъкидлаганидек, Шарқий Туркистонда хожалар сулоласига асос солинади². Сулола Шарқий Туркистонда 78 йил ҳукм сурди. Офокхожадан сўнг Хонхожа, Маҳдихожа, Мўъминхожа, Хожаи Жаҳон, Ёқубхожа, Бурхониддинхожа каби фарзанд ва қариндошлари ҳукумат юритишди. 1760 йилга келиб эса Хитойнинг Чин сулоласи Шарқий Туркистонни босиб олгач, хожалар сулоласи ҳукмронлиги тугатилади.

Офокхожа сиёсий фаолиятдан ташқари тасаввуф бобида замонасида йирик машойих ҳам эди. Шу билан бирга у назмда ҳам қалам тебратиб, айна вақтда бошқа иқтидорли шоирларга устозлик қилган. Бунга Офокхожанинг, йирик мутасаввиф шоир Шоҳ Машрабни тарбиялаганлигини мисол келтириш мумкин. Бироқ баъзи адабиётшунослар Офокхожа ва унинг сингари тасаввуф арбобларини Машраб каби шоирларнинг ижодиётига тўсиқ сифатида кўрсатиб келдилар. Афсуски, шу каби фикрлар ҳозир ҳам учраб турибди. Бу жуда нотўғри тасаввурдир. Чунки, Машрабнинг улуғ мутасаввиф шоир бўлиб

¹ Абдулахатов Н., Бек А. Хожам подшоҳ зиёратгоҳи. «Фарғона». 2009. 30-бет.

² Бартольд В. «Сочинение», том II. 275–276-бетлар.

етишида айнан тасаввуф тариқатининг пешволаридан бири бўлган Офокхожанинг хизматлари катта. Агарда, пирдан тариқат ўғитларини ўрганмаганида эди, қандай қилиб тасаввуфни куйлаб ўтар эди?!

Ҳаёт мушкулотларига тасаввуф фалсафасидан жавоб топмоқчи бўлган Машрабнинг Офокхожага мурид бўлиб келганлигини англаувчи ғазали бунга мисолдир¹:

Азалдан то абад, дўстлар, ҳамиша ох, деб келдим,
Тилимда “Раббиял-аъло”, яна “Оллох”, деб келдим-
Ки, сен авлоди Пайғамбар, отингдур Ҳазрати Офок-
Ки, ноумид кўймагайларким, улуғ даргоҳ, деб келдим.
Азалдан менга солди ушбу ўтти, эй мусулмонлар,
Анинг учун куярман тун юз ох, деб келдим.
Ҳидоят кўргузинг Офокхожам, пушти-паноҳимсиз
Адашган, йўлда қолган мен ғарибга роҳ, деб келдим.
Кел, эй Машраб, умид этгил, ки авф этгай гуноҳингни
Ҳасан бирла Ҳусайним хурмати ул Шох, деб келдим.

Шу аниқки, Офокхожа каби тасаввуф алломалари шариат, илми қолу илми ҳолда беназир олим ҳисобланиб, ғазалиёт бобида ҳам етук тушунчага эга бўлган. Зеро, Шох Машрабнинг ғазалиётида тасаввуф алоҳида ўринни эгаллаган бўлиб, бу шаклланиш Офокхожанинг даргоҳида узил-кесил қарор топган.

Шох Машраб Офокхожа даргоҳидан қувилди, деган фикрларга келсак; Офокхожа Машрабдаги илоҳий севгини кўриб, уни ўзининг руҳониятли тарбиясига олган. Ривоятларга қараганда, Машрабнинг бир чўри қизга дунёвий севгини изҳор этганини эшитиб, пири Машрабдан кўнгли совиган, деган гапга келсак, тасаввуфда уйланиш, севиш тақиқланмаган ҳолдир. Барча пиру муршидлар уйланишган, оилали бўлишган. Аммо тасаввуф йўлига кирганлар дунёвий йўлдан ўз хоҳишларича воз кечиб, Ҳақ йўлини, тариқат йўлини олишлари керак бўлиб, фақатгина халққа ва динга хизмат қилишни ўз бурчлари, деб билишган. Эҳтимол, даргоҳидан қувилди, деган иборани Машрабнинг ҳаддан ташқари озодфикру андишаллиги учун «иршод бериш ҳуқуқидан маҳрум этилди», деб тушунилиши ке-

¹ Бобораҳим Машраб. Қиссаи Машраб. Тошкент. «Ўзувчи».

ракдир?!

Машрабнинг илк девони унинг хаётлигида китобат қилинганлиги ҳамда бу девондаги бир қанча ғазаллар Офокхожанинг мадҳига бағишланганлигини инобатга олсак, улар ўртасидаги бу совуқлик умуман бўлмагандек туюлади. Тасаввуф тарихида иршод ҳуқуқини олгунларича халифа-муридлар ўз пирларининг даргоҳларида бир неча йиллар (хатто, ўнлаб йиллар) хизмат қилишиб, етуклик даражасига етишганликлари қайд қилинган. Халифалардан салгина бўлса-да киборлик, таъма ёки кичик хато содир бўлса, яна бир неча йиллар шу хатоларни ювиш учун хизмат қилишган.

Машраб ва Офокхожа ораларида ҳам шунга ўхшаш гаплар ўтган кўринади. Зеро айтилганидек, Машраб умр бўйи тасаввуф маърифатини кўйлаб ўтган экан, унинг тасаввуф маърифати йўлида кўйган биринчи қадами эса Офокхожанинг даргоҳида содир бўлганлигини унутмаслигимиз керак. Демак, Офокхожани Машраб ижодиётига, унинг маърифат йўлига қарши кўйиш нотўғридир. Хулоса шуки, Машраб ғазалиётида, ижодиётида унинг пири бўлган Офокхожанинг ижобий ролини ўз ўрнига кўйиб тадқиқ этиш Машраб руҳини шод этар эди.

Дахбед хонақоҳи зиёратига келган Машраб пири Махдуми Аъзам эккан тол дарахти тагида соялаб ушбу байтларни битган эди:

Пирим, Махдуми Аъзам, подшоҳим кўргали келдим,
Итидек остониға юзумни сўргали келдим.
Қиёмат боргоҳида тузар ул кун малоиклар-
Ки, сен кимёназарсан, мен – мис, зар бўлгали келдим.

Офокхожа 1105 йил ражаб ойида, чоршанба куни (1 ёки 8 март 1694 йилда) Ёркентда вафот этади.

ХОЖА АБДУЛЛО (ХОЖАМ ПОДШОҲ)¹

Хожа Исҳоқ Валийнинг энг машхур авлодларидан бири – Хожа Абдулло (лақаби “Хожам Подшоҳ”) бўлиб, ул зот Хожа Муҳаммад Яҳё (Хожа Шоди) ибн Хожа Муҳаммад Исҳоқ Валий ўғлидир. Шарқий Туркистон Чигатойлар давлатида² жуда катта нуфузга эга бўлган.

Тарихга назар ташласак, Махдуми Аъзамнинг еттинчи (баъзи манбаларга қараганда тўртинчи) ўғли бўлган Хожа Муҳаммад Исҳоқ такомилга етишиб, пири Мавлоно Лутфуллоҳ Чустийдан иршод бериш ҳуқуқини олгач, тахминан 1582–1591 йиллар орасида Шарқий Туркистон ҳукмдори Абдулкаримхон ва бошқа султонлар таклифи билан Самарқанддан Қашқарга келади. Уни Қора Ҳажжож мавзеида хон аъёнлари билан кутиб олади (Зиё ул-қулуб). Хожанинг онаси Бибичаи Кошғарий Қашқар бегининг кизи бўлгани учун унинг нуфузи бу ерда жуда баланд бўлиб, «Хожаи Кошғарий», «Ҳазрати Азизони Калон» номлари ила шуҳрат қозонганди.

Қашқарга келган Хожа Исҳоқни ҳукмдорнинг иниси (бўлғуси хон) султон Муҳаммадхон кутиб олади. Хожа ундан сўрайди: «Ё султон, номинг нима?». Султон дейди: «Номим Муҳаммад». Хожа хурсанд бўлиб дейди: «Менинг бу мамлакатга келишимга асосий сабаб, ушбу муборак номни³ улуғламоқ учундир» (Шоҳ Махмуд Чарос. “Тарих”).

Сўнг Хожа Исҳоқ Қашқардан Ёркентга ўтади. Бу ерда уни кўриш учун яна бош ҳукмдор Абдулкаримхон вазири Убайдуллохожа билан қадам ранжида этишади. Бу вақтда Хожа ибодат қилаётган эди. Ибодатдан сўнг, хон келганини эшитиб дарҳол қабул қилмоқчи бўлади. Аммо, халифалари уни шошилмасликка чақирадилар. Хожанинг қабул қилишини Абдулкаримхон яна кутади. Аммо вазирининг ифвоси билан аччиғланиб, саройга қайтади ва бир ҳафта ўтиб Хожани Хўтан орқали Даҳбедга

¹ Баъзан бу зотни “Хожа Убайдулло” деб ҳам ёзишади, сабаби араб ёзувида бу номлар деярли бир хил ёзилади.

² Европа тарихшунослигида бу давлат «чигатойлар давлати» деб аталган.

³ Яъни, Пайғамбар (с. а. в.)нинг муборак номлари назарда тутилади.

қайтиб кетишини буюради ҳамда устига эски гиламча ёпилган кичик отча (пони оти)ни мазах тариқасида унга юборади. Хожа индамай «бизни ишимиз кутишдур, қани кўрамиз нима бўлади», деб Хўтанга жўнайди. Кўп ўтмай хон вафот этади ва буни Хожанинг кароматига йўйишади. Сўнг Хожанинг тавсияси билан Муҳаммадхон тахтга кўтарилади. Хожанинг бу давлатдаги бош халифаси (иршоди халифатул-хулафо) Саййид Шутур Халифа пирига густохлик қилган вазир Убайдуллохжани бадарға эттириб, ҳовлисини отхонага айлантиради.

Хожага мурид тушган янги ҳукмдор Муҳаммадхон пирининг Хўтан яқинидаги хонақоҳи учун бутун давлатнинг дарё ва қуруқликларида жойлашган яшм (нефрит) конларини унга вақф мулки қилиб беради. Ваҳоланки, давлатнинг асосий фойда берувчи манбаларидан бири ушбу конлар эди (Анис ут-толибин). Қиёслаш учун, олдинги ҳукмдорлардан бўлган Абдурашидхон Хожа Аҳрор Валийнинг чеваралари бўлмиш Хожа Муинга «як рудхонаи санги яшм» (нефрит кони бўлган бир дарё-конни) тухфа этган ва Хожа Муин биргина кондан олинадиган яшм савдосидан жуда бойиб кетган. Бу ерда эса Хожа Исҳоққа давлатдаги барча яшм конлари тухфа этилганини кўрамиз.

Баъзи манбаларга қараганда, Хожа бу давлатда уч йил (Жолис ул-муштоқин), бошқа манбаларга қараганда 12 йил (Тазкираи Хожагон) яшаб, Самарқандга қайтади. Шарқий Туркистон мамлақатида у 64 та етук халифа етиштирган эди (Анис ут-толибин).

Хожа Исҳоқ Валийнинг тўнғич ўғли Хожа Қутбиддин отасининг Самарқанддаги ўринбосари ва хонақоҳи қаровчиси бўлгани туфайли кенжа ўғли етти ярим ёшли Хожа Яхё (Хожа Шоди)ни 1004 (1595/96) йилда Қашқарга юборади. Ёш хожабаччани Шарқий Туркистон подшоҳи Муҳаммадхоннинг шахсан ўзи аъёнлари билан шаҳар ташқарисига чиқиб кутиб олади ҳамда ёш Хожа минган отнинг узангисини бўйнига осиб ўзи пиёда саройга олиб келади. Сўнг Файзобод ва Санкаш мавзеларини ушбу пирзодасига ҳадя этади.

1008 йил 10 рабиул-аввал оyi (1599 йил 30 сентябр)да Хожа

Исҳоқ Валий Самарқандда вафот этгач, Шарқий Туркистонда қолган 7 ёшар ўғли Хожа Шоди (Хожа Яҳё)нинг тарбияси билан халифаси Шутур халифа шуғулланган. Отаси етти ярим ёшга қирган ёш хожабачча Шутур халифа ҳамроҳлигида Ёрқентга юборади. Шарқий Туркистон ҳукмдори Муҳаммадхоннинг шахсан ўзи аъёнлари билан шаҳар ташқарисига чиқиб ёш хожани кутиб олади ва Хожа Шодининг отининг жиловини бўйнига осиб пиёда шаҳарга олиб қиради ҳамда бир қанча мавзеларни хожабаччага тухфа этади.

Шундай қилиб, халқ орасида «Азизлар Хожам» лақабини олган Хожа Шоди бу юртнинг сиёсати ва тариқатида қатта фаолият кўрсата бошлайди. Унинг хошиш-иродаси ила ҳукмдорлар ва ҳокимлар тахтдан туширилар ёки тахтга қўтарилар эди. Ўнг минглаб, балки юз минглаб хонадонлар унга тобе ва иродатига қирган эдилар. Хожа ҳам халқ манфаати йўлида хизматни отаси каби давом эттирарди.

1053/1642-43 йилда Хожа Шоди 65 ёшида Қашқарда вафот этади. Унинг жанозасида юрт ҳукмдори Абдуллахон аъёнлари билан қатнашади. Хожа жасадини Ёрқентга келтириб Олтин мавзеида дафн этишади. Хожанинг меросхўр ўғли Хожа Муҳаммад Абдуллоҳ (Хожам Подшоҳ) вояга етгунга қадар тариқат ишларини отасининг халифаси Саййид Муҳаммад халифа (Сепи Халифа) юргизиб туради.

Хожа Муҳаммад Абдуллоҳ (Хожам Подшоҳ) 1049/1639-40 йилда туғилган бўлиб, Хожа Шодининг тўнғич ўғли эди. У отасидан сўнг Шарқий Туркистон заминида қоратоғли хожалар сардори, шоҳу гадо пешвоси ҳамда отаси тариқатини давомчиси сифатида фаолият юргизди. Унинг яшаган йиллари Махдуми Аъзамнинг яна бир машҳур авлоди – оқтоғли хожалар пешвоси, Қашқар подшоси Офокхўжа даврига тўғри келган.

Шарқий Туркистондаги ушбу икки уруғ сиёсат ва тариқатда бир-бирига зид фаолият юргизишган ҳамда тахт учун доимо қурашиб келишган.

Бу каби қурашларда Хожам Подшоҳ тўрт ўғлини олиб Ҳиндистонга – бобурийлар давлатига қочади ва у ерда 1096/1684-85 йилда 47 ёшида вафот этади (Анис ут-толибин).

Хожа Муҳаммад Абдуллоҳ (Хожам Подшоҳ) Махдуми Аъзам Дахбедийнинг энг кўзга кўринган авлодларидан бири сифатида тарих зарварақларида боқий қолди.

СИЛСИЛАИ НАҚШБАНДИЯИ-ИСҲОҚИЯ

Махдуми Аъзам Дахбедий



Мавлоно Лутфуллоҳ Чустий



Хожа Исҳоқ Валий (лақаби: Хожа Азизони Калон)



Муҳаммадхон (Шарқий Туркистон ҳукмдори)



Шутур халифа



Хожа Шоди (Хожа Яхё, лақаби: Азизлар Хожам)



Сепи Халифа (Саййид Муҳаммад ибн Шутур Халифа)



Хожа Абдуллоҳ - Хожам Подшоҳ

САЙЙИД МУСОХОНХОЖА ДАХБЕДИЙ

Дахбедий хожалар силсиласининг энг буюк ва таникли намояндаси Муҳаммад Мусохонхожа ибн Исохожаи Дахбедий бўлиб, тасаввуф илмида шухрати бузург аждоди Махдуми Аъзам даражасида, халифаю муридлар ва ҳудудларни камраб олиш микёси Хожа Аҳрор Валийдан кейинги даражада ҳамда мужтаҳидликда эса тасаввуф илмининг имоми аталиб, Имоми Раббоний Алфи соний билан тенглаштирилгани бу зотнинг нақадар кенг фаолият олиб борганлигидан далолат беради¹. Нафақат қадимий манбаларда, балки замонавий Европа илмий китобларида айтилганидек, тасаввуфнинг «қутб ул-мутаахирин» (охирги қутблар қутби) ва охирги буюк назари-

¹ Равойих ул-қудс, қўлёзма, 264-265 саҳифалар (муаллифнинг шахсий кутубхонасидан).

ётчиси¹ бўлган Саййид Мусохонхожа XVIII асрнинг иккинчи ярмида аълияи нақшбандия силсиласи раҳбари эди.

Мусохонхожа тахминан 1708-09 йилларда Дахбедда туғилади. Унинг отаси Муҳаммад Исохожаи Дахбедий ибн Муҳаммад Бобохожа ибн Муҳаммад Розикхожа ибн Абдулмўъминхожа ибн Хожа Ҳошим ибн Муҳаммад Амин (Хожа Калон) ибн Ҳазрати Махдуми Аъзам бўлиб, давлатда нуфузи баланд эди.

Мусохонхожа ёшлик вақтларида отаси билан Ҳисор шаҳрига яқин Қоратоғ мавзеида яшайдиган тоғаси Муҳаммад Ризохожаникига (Хожа Исҳоқ авлодидан) боришади. Тоғаси Ризохожа самарқандлик Хожа Авлиёнинг (махдуми аъзамийлардан) ва 120 ёшга кирган Султон Ҳофизи Убаҳийнинг халифаларидан эди; у эса ўз вақтида Маҳмуд Исфароинийнинг, у эса Шайх Муҳаммад Саид Муаммар Ҳабашийнинг халифаси эди; у эса «увайсий» саналиб, бевосита Ҳазрати пайғамбар (с.а.в.)га рухониятли байъат қилган ҳисобланарди.

Шундай қилиб, ёш Мусохонхожа отаси ҳамроҳлигида Ҳижоз зиёрати асносида Ҳисорга кўниб, шу ерлик тоғаси Ризохожага инобат келтириб, «Мусофаҳа»² тариқасида иршод олади. Унинг шоҳбози баланпарвоз эканлигини, иршодидан қаноатланмаслигини сезган тоғасининг ишорати билан Ҳиндистон (ҳозирги Покистон)нинг дорул-иршод Жаҳонобод шаҳрига ташриф буюриб, “Мирзои Жаҳоннамои” (“Мирзои Жони Жонон”) исмли машҳур тариқат арбоби орқали пиру муршид Муҳаммад Обид Жаҳонободий билан учрашади ва унга қўл бериб, шогирд тушади.

Ўша вақтда Ҳиндистонда «алфи соний» деган тариқат ҳукм сурарди. Бу тариқат аълияи нақшбандия билан бирга кодирия, суҳравардия, чиштия (ҳамда кубравия)нинг шариф тариқатларини бир-бири билан келиштириб ёки уларнинг маълум томонларини олиб, бошқа бир тариқатни, яъни алфи соний тариқатини тузган Шайх Аҳмад Сирҳиндий мужаддид Алфи Соний³ деган тасаввуфнинг буюк бир намояндасига нисбатан

¹ СВР ИВАН, т III. № 2700. Стр. 368.

² Мусофаҳа – бир-бирига тариқий қўл олиб, қўл беришга айтилади.

³ Тасаввуфий асарларда бу зот «Имоми Раббоний» деган ном билан ҳам зикр этилади.

«Алфи Соний» номи билан аталарди. Юқорида айтилган Шайх Муҳаммад Обид ушбу Шайх Аҳмад Алфи Сонийнинг набира-си бўлган Шайх Абдулаҳад Ваҳдатнинг улуғ халифаси эди.

Шайх Муҳаммад Обид зоҳирий ва ботиний билимлар соҳиби, қаромат ва ҳолати ҳаддан ташқари бир зот бўлиб, умрини халқнинг тариқат тарбиясига ва, шу жумладан, зоҳирий толибларга тафсир, ҳадис ва фикҳдан дарс беришга бағишлаган аллома эди. Кези келганда айтиш жоизки, юртимиздаги «эшони миён» аталган уруғ ушбу Миён Муҳаммад Обид авлодидан эдилар.

Шайх Муҳаммад Обид Мусохонхожа Даҳбедийни яхши кутиб олади ва бошқа шогирдларига нисбатан унга жуда катта илтифотлар кўрсатади. «Мирот ус-солиқин», «Тухфат уз-зоирин» ва «Равойиҳ ул-қудс» китобларида ушбу воқеа тафсилоти келтирилади: бир куни Мусохонхожа бомдод намози вақтидан олдин (саҳарда) тушларида Ҳазрати пайғамбар (с.а.в.)нинг руҳониятлари билан учрашади. Шунда пайғамбар (с.а.в.) тўрт рангдаги чопон (тўн)ни келтириб айтадилар: «Эй фарзанд! Ушбу чопонларни кийинг ва шундан эътиборан сизга силсилаи аълияни ижозатини бердим». Мусохонхожа бу тушларини ўз пирлари Шайх Муҳаммад Обидга баён қилади. Ул зотга бу аён эди ва дарҳол Мусохонхожага иршод бериб, тўрт тариқатнинг рамзи бўлмиш тўрт рангли чопон кийгизади ва дейди: «Эй фарзанд! Сизнинг истеъдодингиз шоҳбози баланд-парвоздир. Энди, шариатга хизмат қилиш йўлини тутинг»¹.

1160 (1746) йилда Ҳазрати Шайх Муҳаммад Обид вафот этгач, унинг ўрнига 35 ёшлик аллома Мусохонхожаи Даҳбедий нақшбандия-муҷаддия тариқатининг энг йирик аълия сулуки раҳбари бўлади. Кўп ўтмай нақшбандия, қодирия, суҳравардия ва чиштия каби тўрт силсиладан² тузилган бу тариқатнинг пешвоси бўлган Мусохонхожа 12 йил³ Ҳиндистон ва Покистонда фаолият олиб боргач, нақшбандия тариқатини янгидан асл ҳолига қайтариб, унинг марказини қайтадан «до-рул-иршод Даҳбед»га олиб келади. Натижада Мовароуннаҳрда аълияи-нақшбандия тариқати фаолияти бошланади. Мусохон-

1 تحفة الزائرین - ناصرالدين بخارى - Бухоро, литог. 1904.

2 Ўша манба, 187-саҳифа (муаллифнинг шахсий кутубхонасидан).

3 Ўша манба (250-саҳифа)да «9 йил фаолият кўрсатган», дейилган.

хожанинг самарали фаолияти туфайли хожাগон-нақшбандия силсиласининг буюк шохаси-сулуки нақшбандия-мужаддиция тариқати Ўрта Осиёда ниҳоятда тараққий этди. Тариқат йўлидан борувчи соликлар айнан Мусохонхожа номи битилган «аълияи мужаддиция» олтин занжирига уланишни ишташар ва шу туфайли бу тариқат ниҳоятда ривожланиб, Хожа Аҳрор Валий даврлари каби яна муҳим аҳамият касб этади.

Қози-муфтий, тарихчи Абу Тохирхожа «Самария» асарида бу ҳақда шундай ёзган: «Самарқанд ва унинг атрофида бўлган бузғунчилик ва вайронагарчилик вақтида Ҳазрати Мусохон Ҳиндистон мамлакатига кетиб, унда Ҳазрати Миён Муҳаммад Обид соҳибга мурид бўлиб, Ҳазрати Миён аждодларининг алфи соний тариқатини янгилаб, шариф боболари силсиласини давом эттирди»¹.

Аҳмад Сирҳиндий Алфи Соний «Мактуботи кудсия» асарида ўзи тузган янги, яъни мужаддиция тариқати соликларининг мақомотини 17 доира-даражага тақсимлаган эди. Мусохонхожа ўзининг «Зубдат ул-ҳақоик» асарида аълия-мужаддиция тариқати мазмун-моҳиятининг сайру саёҳат этиб, руҳониятли устози айтиб кетган тезисларни ва янги тариқат камолоти тафсилани доиралар чизиб батафсил назарий жиҳатдан баён қилиб берган.

Тарихий манбаларда «Қайюми замон»² (“Замон устун”) деган шарафли ном билан аталиб, «қайюмият» мартабасига эришган Мусохонхожаи Даҳбедий нақшбандия тариқатини илмий-амалий жиҳатдан энг улуғ силсилага айлантирди ва бир қўл панжалари саноғида бўлган энг буюк арбоблари ҳисобланмиш Баҳоуддин Нақшбандий, Хожа Аҳрор Валий, Маҳдуми Аъзам Даҳбедий, Алфи Соний-Имоми Раббонийлар билан бир қаторда туради. Зеро, Мақсуд ибн Носириддин Ҳусайн ал-Бухорийнинг «Равойих ул-қудс» асарида ёзилишича, «Ҳазрати пайғамбар (с.а.в.)нинг нури валоят (валийлик)лари» роса минг йилдан сўнг Аҳмад Сирҳиндий – «Алфи соний»³ бошларига

1 Абу Тохирхожа «Самария». Тошкент. «Камалак». 1991. 56-57 бетлар.

2 Равойих ул-қудс, 243, 249 ва 266-саҳифалар.

3 «Алфи соний» – Пайғамбар (с.а.в.)дан кейинги минг йиллик алломаси, дегани.

жилва қилган бўлса, «Алфи соний»дан яна 150 йил ўтиб, бу улуғ валоят (валийлик) нури Мусохонхожа Даҳбедий бошларига тажалли этганининг таъкидланиши тасаввуф тарихида Мусохонхожанинг нақадар юксак даражада турганлигини кўрсатиб турибди.

Мусохонхожа Ҳиндистондан машҳур халифа ва ходимлари билан қайтган эдилар. Ул кишининг тарбиятларини олиб, хизматларини қилган бу кишилар: Халифа Муҳаммад Сиддиқ, Халифа Худоёр, Халифа Маҳмуд, Халифа Абдуқаюм ва Халифа Ҳожи Муҳаммад Юсуф ҳамда мулозимлари Мираж Соҳиб ҳамроҳлигида Даҳбедга келишади. Шу билан нақшбандия тариқатининг асосий сулуки маркази бобокалонлари Маҳдуми Аъзам ва Хожа Ҳошим Даҳбедийлар даврлари каби яна Даҳбедга қайтади. Ҳазрати Мусохонхожанинг ушбу издошлари иршод ҳуқуқини олиб, халқни тўғри, ҳидоят йўлига бошқарганлар. Булардан ташқари, юртимиздан ва ўзга юртлардан гуруҳ-гуруҳ солиқлар келишиб иродат қўлларини ул зотнинг остонасига тутишар эди.

Мусохонхожанинг халафул-хулафолари (бош халифа ўринбосарлари) Халифа Муҳаммад Сиддиқ бўлиб, ул зот Даҳбедни ватан қилган ва вафот этгач, шу ерда дафн этилган эди. Камина муаллиф 2001 йилда Халифа Сиддиқнинг муборак мазори ўрнини аниқлашга муваффақ бўлган. Бу жойни қадимда Даҳбеднинг Бештут маҳалласи деб аташган. Замонасининг энг машҳур пирининг мақбарасини қайта тиклашга масъул идораларнинг тадбирлари ҳам бошланиб қолган. Шояд, яқинда ул зотнинг қабри ҳам обод этилгуси.

Мусохонхожанинг яна бир машҳурроқ халифалари Муҳаммад Амин бўлиб, у Даҳбедда муқим яшаб, халқ орасида “Абулбаракот Эшони пири дастгири Даҳбедий” (“Даҳбедлик қўл олувчи пир Абулбаракот”) номи билан танилган. Бу зоти бобаракот Ҳазрати Мусохонхожага ёш болалик вақтиданок хизмат қилиб кела бошлаган. Асли Самарқанднинг Боғи Баландидан бўлган Муҳаммад Амин ўз пири Ҳазрати Мусохонхожа ва бош халифа Муҳаммад Сиддиқ вафотларидан сўнг нақшбандия силсиласининг бош сулукига раҳбарлик қилади.

Манбаларнинг далолат беришича, Бухоро подшоларидан, Амир Ҳайдар ул зотни ўзига пиру устоз билган. Бундан ташқари, ўша замон Мовароуннахр заминининг улуғ алломалари Самарқанд ва Бухоро қозикалонлари ҳамда шайхулисломлари Қози Мир Абулхай, унинг ўғли аллома Қози Абусаид ва невараси Қози Абу Тохирхожа («Самария»нинг муаллифи) каби машҳур уламолар ҳам ушбу зотга мурид бўлишган. Бу ҳақда «Самария» ва «Равойих ул-қудс» каби асарларда кенг маълумотлар берилган.

Қўлёзма асарларда ёзилишича, Мусохонхожанинг халифалари ул кишининг тахтиравонларини кўтариб юришиб, шу каби камтарликлари туфайли пирлик даражасига етишишган экан. Хонақоҳдаги икки тахтиравоннинг каттаси Мусохонхожага дахлдор бўлиб, (кичикроғи) эса бобокалони Махдуми Аъзамга тегишли бўлган. XX асрда рус профессори Н.Веселовский ҳам Дахбед хонақоҳини кўздан кечираётган вақтда ушбу тахтиравонлар жанубий деворга осиб қўйилганлигини ўз кундаликларида қайд этган¹.

Бобокалони Махдуми Аъзам каби тариқат поғоналарини босиб ўтган Мусохонхожа Дахбедийга ҳам кўп подшо ва халқлар иродатда ва унинг маҳкуми ҳукмида эди.

Мусохонхожа тасаввуф тарихида назариётчи олимлардан бири, деб тан олинган бўлиб, тасаввуф ва шариатга оид бир неча асарлар ёзган; бу асарлар одоб-ахлоқ, панд-насихатлардан ҳам холи бўлмаган. Жумладан, «Касир ул-фавойид», «Жоми Жаҳоннамойи», «Айн ул-маоний», «Дурар ул-асрор ва санад ул-аброр», «Зубдат ул-ҳақойик» «Наводир ул-маориф», «Дар фазилати Пайғамбар», «Дурр ул-макнун», «Махзан ут-тааруф», «Канз ул-фавойид» каби кўплаб асарлари замонасида машҳур эди.

Мусохоннинг ўзлари ҳақида ҳам кўпгина асарлар ёзилган. Айниқса, ургутлик машҳур адиб ва тарихчи Ҳумулий тахаллусли Жумакули Ургутийнинг «Маноқиби Ҳазрати Мусохон» асарида у зот ҳақида жуда аниқ ва диққатга молик маълумотлар берилган.

Нақшбандия силсиласининг охириги қутблар-қутби (қутбул-ақтоби мутаахирин) ҳисобланган Ҳазрати Муҳаммад Мусохонхожа Дахбедий бу сулукга 18 йил раҳбарлик қилгандан сўнг

1 Веселовский Н. Дагбит. ЗВО том III.

1190 (1776) йилда, 17 муҳаррам ойи, сешанба куни вафот этади ва Махдуми Аъзам дахмаси марказида дафн этилади.

Мусоҳонхожанинг тарихий хизмат даражасини шундан билиш мумкин: Пайғамбар (с.а.в.)нинг силсилаи маънавийлари Абу Бакр Сиддиқ (р.а.) орқали Ўрта Осиё тасаввуф тариқати отаси Шайх Ҳамадонийгача етиб келгач, уни муаррихлар «силсилаи сиддиқия» деб атаганлар; Шайх Гиждувонийдан Шох Нақшбандгача етиб келган силсилани «Ҳожагон-нақшбандия» деб; Нақшбандия тариқатини афзаллигини дунёга илк бора ёйган ва биринчи ўринга кўтарган аллома Хожа Аҳрор Валий туфайли «нақшбандия-аҳрория» деб аталган; Алфи Соний ва Мусоҳонхожа туфайли шариф силсила – «силсилаи аълия»га айланади ва «нақшбандияи мужаддидия»¹ деб атала бошланиб, юкорида тарихчи муфтий Абу Тохирхожа айтганидек, «Мусоҳонхожа... алфи соний тариқатини янгилади ва шариф боболарининг силсиласини давом эттирди»². Мусоҳонхожанинг кўп сонли машҳур шогирдларидан икки буюк халифалари – Мавлоно Муҳаммад Сиддиқ ва Эшони пир – Муҳаммад Аминлар Даҳбеддан туриб ислом давлатларига тарқалиб кетган ушбу тариқатни бошқарганликлари туфайли бу сулук «жумбония³-дахбедия» деб атала бошланди. Шу тариқа, Мусоҳонхожа сабаб «аълия-сиддиқия-нақшбандия-аҳрория-мужаддидия-дахбедия» деган машҳур тариқат юзага келган.

Ҳозирги даврда ушбу охирги тариқат сулуки Туркиядан тортиб Индонезияга қадар тарқалган ва барча тариқат йўлидан юрувчи солиқлар ушбу силсила-занжирнинг олтин ҳалқасига даҳлдор бўлишни, шу силсила сулукига қўл беришни афзал кўришлари силсиланинг эътибори нақадар улуғлигини кўрсатиб турибди. Бунда эса ҳиндистонлик Алфи Соний ва мовароуннаҳрлик Мусоҳонхожа Даҳбедий асосий рол ўйнаганликлари тарихий воқелиқдир.

Мақсуд ибн Носириддин Ҳусайний-Бухорийнинг «Равойиҳ ул-қудс» асарида Ҳазрати Мусоҳонхожа

1 Мужаддад – янгидан яратилган, янгиланган, маъносида.

2 Абу Тохирхожа «Самария». Тошкент. Камалак. 1991. 56-57 бетлар.

3 “Жумбонидан” – яъни, қайта тирилтирмак, қайта тебратмак, маъносидаги сўздан.

мадҳида бир шеър келтирилган.

Мазмуни:

Ирфон нурунинг офтоби Хожа Мусохондир,
Жаҳонни равшан этувчи Хожа Мусохондир.
Ҳақиқат нури шуъласи, чеҳраси кўнгул холида
Ҳар замон тажалли урувчи Хожа Мусохондир.
Қофу Қудрат, Аршу Курси кўнглида жо бўлгандир,
Ваҳдат сиридан воқиф бўлган Хожа Мусохондир.
Кўнгул ичра завқни қуёшининг тобидан билгум-
Ким, ул қайнаб берар баҳра Хожа Мусохондир.
Мусо тоққа кўрингандек, бу тариқат посбони,
Ҳар не десам, рост дерманким, Хожа Мусохондир.
Кўнглумда жоним унинг оташин зикридан ёришгай,
Оташин зикр айтувчи Хожа Мусохондир.
Ҳидоят офтобининг нури, субҳдан кўнгли равшан,
Икки оламини равшан этувчи Хожа Мусохондир.
Қудсият офтобининг нури кўнглида тоб бергучидир,
Сино тоғидаги Мусо (а.с.) каби Хожа Мусохондир.
Алҳамдулиллаҳ, роқим (муаллиф) кўзига сурма этар,
Остона ғубориниким, эгаси Хожа Мусохондир.

Даҳбедийлар тариқати сарҳалқаси бошқарувчиси Мусохонхожа Даҳбедий вафот этгач, ул зотнинг маснадига ўғли Хонхожа Накиб, сўнг Халифа Муҳаммад Сиддик, ундан сўнг пири дастгир Муҳаммад Амин Боғибаландий (Эшони пир), Абдурахмон Махдум ибн Халифа Муҳаммад Сиддик, Абдуғаффорхожа, кейинроқ Муҳаммад Аминхожа, Каттахонхожа Даҳбедий каби машҳур муршидлар дорул-иршод Даҳбеднинг пешвою муқтадоси бўлганлар ҳамда халқни ва ҳукмдорларни тариқат ҳидоятига бошқарганлар.

Тўрт тариқатнинг пиру муршиди бўлган Мусохонхожа Даҳбедийдан сўнг ҳеч ким «қутб ул-ақтоб», «қутб ул-олам» ун-вонлари билан манбаларда аталмади. Фақатгина Мусохонхожа Даҳбедийнинг тўртинчи халифалари пири дастгир – Абулбаракот Муҳаммад Амин баъзи манбаларда «қутб» деб аталган. Бундан шу хулосага бориш мумкинки, тасаввуфда «қутб»лик ушбу икки муршид фаолиятлари билан ниҳоясига етган.

ТАРИҚАТНИНГ ОХИРГИ БУЮК МУРШИДЛАРИ

Махдуми Аъзам вафотларидан сўнг Мовароуннахр заминда жуда катта мавкега эга бўлган нақшбандия тариқатининг асосий сулуки мавкеи Ҳиндистонда юксала борди. Бу ўлкада нақшбандия тариқатининг аълия сулуки «алфи сония» номи билан илдиз отади.

Нақшбандия тариқатини Ҳиндистондан дорул-иршод (иршод бериш уйи) Даҳбедга қайта олиб келган зот Мусохонхожа Даҳбедий бўлиб, унинг фаолияти тасаввуф силсиласи тарихида шунчалик таъсирли из қолдирадики, аълияи-нақшбандия тариқатининг деярли барча машхур пирлари ва сулуклари ул зотга бориб уланишни хоҳлар эди. Бошқача айтганда, Индонезиядан то Туркияга қадар тарқалган аълия силсиласида фаолият кўрсатишган охирги энг йирик шоха муршидларининг аксарияти ўз тариқатларини «Қайюми замон» (“Замон устуни”), «Қутб ул-ақтоби мутаахирин» (“Қутблар қутбининг охири”), «Қутб ул-олам» (“Олам қутби”) номлари ила шарафланган Мусохонхожа Даҳбедийга боғлашга интилишар ва шу жиҳатдан, мутаахирин (охирги) муршидлар саноғи ҳам Мусохонхожа Даҳбедийдан бошланган эди.

XVI аср биринчи чорагидан бошлаб нақшбандиянинг шариф силсиласи тариқати, XVIII асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб эса Мовароуннахр, Шаркий Туркистон (Хитой), Афғонистон ва Ҳинд-Покистон худудларида тарқалган нақшбандия тариқатининг энг улуғ аълия сулуки маркази «Дор ул-иршод Даҳбед хонақоҳи корхонасини юргизувчи» муршидлар орқали бошқарилганлиги йирик манбаларга келтирилган (Тухфат уззоирин, Равойих ва б.). Яъни, Даҳбед хонақоҳи ишини юритувчи муршид бир вақтнинг ўзида давлатдаги асосий тариқатни бошқарган.

Тарихшуносликда охири энг улуғ муршидларнинг аксарияти кам ўрганилган ёки умуман ўрганилмай, илм аҳллари назаридан четда қолиб кетмоқда. Биз ушбу бобда, Даҳбеддан туриб ёки иршодни даҳбедий муршидлардан олиб, нақшбандия тариқатини тебратган охирги буюк муршидларни тартиби би-

лан келтирамиз. Уларнинг кўплари Махдуми Аъзам хонадонига алоқалари бўлмаган ҳолда дорул-иршод Дахбеддан туриб нақшбандия тариқатини бошқаришган.

1. Мусохонхожа Дахбедий (Махдуми Аъзамнинг олтинчи авлоди) – сарҳалқаи суфияи аълияи нақшбандия (юртимизда аълияи нақшбандияи мужаддия тариқатининг бош ҳалқаси ва асосчиси) эди. Аввал Ҳиндистонда, сўнг эса Дахбедга қайтиб аълияи нақшбандия силсиласини қайтадан тозалаб янгилаган ва бошқарган. Тасаввуфда Алфи Соний – Аҳмад Сирҳиндий (яъни, Имоми Раббоний)дан сўнгги имом ҳисобланган. Барча қадимий ва хорижий илмий нашрларда нақшбандия силсиласининг «охирги буюк назариётчи олими» ва «охирги кутб ул-ақтоби» (кутблар кутби), «Қайюми замон» (“Замон устуни”) деб аталган¹. Нафақат Ўрта Осиё, балки Индонезиядан Туркияга қадар худудда фаолият кўрсатишган ҳамда унинг силсиласини кенгайтириш ишларини олиб борган эди. Мусохонхожадан сўнг унинг деярли барча издошлари Дахбед хонақоҳи корхонаси ишини бошқариш билан бирга, Мовароуннаҳрда аълияи нақшбандия тариқати раҳбари бўлишган. Ул зот 1190/1775 йилда 66 ёшида вафот этиб, Дахбед хонақоҳидаги Махдуми Аъзам дахмаси ўртасида кўмилади (Мусохонхожа ҳақида юқорида тўлиқ боб берилгани боис мухтасар қилдик).

2. Хонхожа ибн Мусохонхожа Дахбедий. Кутб ул-ақтоб, қайюми замон Мусохонхожанинг тўнғич ўғли. Отаси вафот этгач, халифалар уни жойнишинликка (ўринбосарликка) сайлашади. Отасидан кейин қисқа вақт умр кўриб, дор ул-иршод Дахбед хонақоҳи корхонасини оз муддат бошқарган (шу билан бирга Мовароуннаҳр нақшбандияи-аълия тариқатига раҳбарлик қилади). Охирги аштархоний подшо Абулфайзхоннинг куёви эди. Шу масалага бироз тўхтасак!

Мирзо Шамс Бухорийнинг «Тарихи Бухоро, Хўқанд ва Кошғар» асарида² ёзилишича, охирги аштархоний подшо Абулфайзхоннинг тўнғич қизини манғитлар сулоласининг биринчи хукмдори Раҳимбий Оталиқ ўз никоҳига киритиб, тахтини

¹ СВР ИВАН, т III. №2700. Стр. 368.

² Мирзо Шамс. Тарихи Бухоро... Техрон, 1377/1998. Оинаи мерос. 125-126 саҳифаҳо.

мустаҳкамлайди. Раҳимбий вафот этгач, ушбу маликани Амир Шохмурод ўз никоҳига олади ва ундан Амир Ҳайдар туғилади;

Рус тарихчиси Ефремовнинг ёзишича, Абулфайзхоннинг иккинчи қизи Эрон шоҳи Нодиршоҳ никоҳига киради (бошқа манбага қараганда Нодиршоҳнинг жияни Алиқулихоннинг никоҳига кирган);

Абулфайзхоннинг учинчи қизи Хива хони Ботир Султоннинг ўғли Ғойибхон никоҳига кирган;

Абулфайзхоннинг тўртинчи кенжа қизи эса Муҳаммад Хонхожа ибн Мусохонхожа Даҳбедийнинг никоҳига кирган¹.

Амир Ҳайдар ёшлигида Хонхожани пирларидан бири ҳисоблаб, Самарқанд вилояти нақиб² этиб тайинлаган. Яъни давлат ва вилоятдаги Али ибн Абу Толибдан туғилган барча саййидзодаларнинг раисини “нақиб” деб аташган ва даражасини вилоят ҳокими билан тенглаштиришган.

Хонхожаи Нақиб 1199/1784 йилда вафот этгач, Маҳдуми Аъзам даҳмасида, отаси Мусохонхожанинг оёқ томонида кўмилган.

3. Халифа Мавлоно Муҳаммад Сиддиқ асли ҳиндистонлик бўлган. Мусохонхожанинг биринчи халифаси. Пири Мусохонхожа билан Ҳиндистондан Даҳбедга келиб, муқим яшаб қолган. Пири вафотидан сўнг Мовароуннаҳрда силсила пешвоси, шоҳу гадо муршиди ҳамда Даҳбед хонақоҳи ихтиёри унда қолади. нақшбандияи-аълия тариқатини бошқариб, шу ерда вафот этади. Қабри Даҳбеднинг қадимий Бештут мавзеидаги ўз чорбоғида бўлиб, ушбу сатрлар муаллифи Мавлононинг аниқ қабр ўрнини аниқлашга муваффақ бўлган.

4. Абулбаракот Халифа Муҳаммад Амин (Пири Дастгир Даҳбедий). Асли боғи баландлик бўлса-да, «Даҳбедий» нисбасини олган бу зот Мусохонхожанинг бешинчи халифаси эди. Амир Ҳайдарнинг пири бўлгани учун «Эшони

¹ Абулфайзхоннинг “Шамсия бону” деб аталган ва саййидзодага никоҳланган қизига тегишли авлод ва шажара Макка шаҳрида сақланади; бу ҳақда маккалик олимлар бизга Интернет орқали диққатга молик маълумот ва манбалар юборишган.

² Нақиб – вилоят раҳбари, ҳокими билан тенг лавозим бўлган; барча саййидлар сулоласи раиси бўлган.

пири дастгир» (Кўл олувчи пир) лақабини олган. Ёшлигида Ҳиндистонга бориб, Мусохонхожага мурид тушади ва ул зот билан Самарқандга қайтади. Халифа Сиддиқ вафотидан сўнг Мовароуннаҳр нақшбандияи-аълия тариқатини ҳамда Махдуми Аъзам тариқатини дорул-иршод Даҳбедда туриб бошқаради. Амир Ҳайдар унга кўл бериб мурид тушгач, пирини Бухорога таклиф этади. Эшони Пири Дастгир Бухорога кўчишдан олдин фаолият доирасини иккига бўлади: яъни, Даҳбед хонақоҳи ишини Халифа Абдурахмон Махдум ибн Халифа Муҳаммад Сиддиқ билан Маллахожа Даҳбедийларга, вилоят тариқати раҳбарлигини эса Халифа Муҳаммад Хусайнга топшириб кетади. Вафот этгач, Даҳбед хонақоҳига дафн этилади (Даҳбед хонақоҳи бобига қаранг).

5. Халифа Муҳаммад Хусайн Бухорий. Мақсуд ибн Носирдин Бухорийнинг «Равойиҳ ул-қудс» асарига қараганда, асли Миёнқолдан. Аввалига Мусохонхожа ва ул зотнинг барча халифалари суҳбатларига эришади. Сўнг, Мусохонхожанинг биринчи халифаси Мавлоно Муҳаммад Сиддиқга иродат келтириб кўл беради ва халафул-хулафосига айланади. Пирининг вафотидан сўнг, Самарқанд ва Даҳбед хонақоҳида яшаб нақшбандия-ахрория-даҳбедия силсиласини бошқаради. Бухоро ҳукдори Амир Насрулло унга иродат келтириб, мурид бўлади ва Бухорога таклиф этади. Халифа Муҳаммад Хусайн 1249/1833 йилда Самарқанд вилояти нақшбандия тариқати муршидларига мактуб йўллаб, барча муридларини биринчи халифасига, яъни ўз ўғли Халифа Абдусаттор Махдумга топширганини маълум қилиб, Бухорога кўчиб кетади. Бухорода давлатида Халифа Муҳаммад Хусайн нақшбандия тариқати доирасининг биринчи раҳбари сифатида фаолият кўрсатиб, ўша йили шу ерда 82 ёшда вафот этади.

6. Халифа Абдурахмон Махдум ибн Халифа Муҳаммад Сиддиқ. Пири Дастгири Даҳбедийнинг халифаси. Даҳбедда Махдуми Аъзам хонақоҳи корхонасини бошқарган. Бухоро ҳукмдори Амир Ҳайдар ўз муршиди Пири Дастгирдан ушбу Халифа Абдурахмонни Бухорога тариқатни бошқариш учун юборишни илтимос қилгач, уни Бухорога жўнатишади.

1262/1845 йилда Бухорода вафот этади.

7. Халифа Абдусаттор Махдуми Самарқандий ибн Халифа Муҳаммад Хусайн. Отасининг халафул-хулафоси эди. Ўз замонида Даҳбеддаги Махдуми Аъзам хонақоҳи ишини бошқарган (Халифа Абдусаттор Самарқанд вилояти тариқатини бошқаришни отасининг иккинчи халифаси Халифа Иброҳим Самарқандийга қолдирган эди). Бухоро хукмдори Амир Насрулло Даҳбедга – Махдуми Аъзам қабри зиёратига келганида Халифа Абдусаттор подшоҳни ўз хужрасига таклиф қилиб, икки бўлак қотган нон ва қатик билан зиёфат этади. Амир ҳам Халифанинг ҳар кунлик таомини зўр иштиёқ билан ейди ва унинг фано ҳамда кутбият даражасига етгани ҳақидаги хабарлар тўғрилигига иқрор бўлади. Халифа Абдусаттор Махдум Даҳбедда вафот этгач, Махдуми Аъзам даҳмаси яқинида дафн этилади...

Юқоридагилардан ташқари Даҳбеддаги Махдуми Аъзам хонақоҳида тариқат ишларини бошқаришган муршидлардан: Эшонхожа, Тохирхожа Исҳоқий, Маллахожа, Султонхожа Шайх, Султонхожа Шайхулислом, Умархожа Ғозий, Аҳмадхожа Ҳожи, Ақромхожа Қори, Аминхожа, Каттахонхожа, Қосимхонхожа, Набирахожа, Султонхонхожа, Исмоилхонхожа, Юсуфхонхожа, Қори Мусохонхожа, Саъдуллохонхожа каби даҳбедийлар эди. Ҳозир бу зотларнинг авлодлари қўлдан келганча хонақоҳни халқ зиёратгоҳи учун авайлаб асраб, келгусида бу хайрли ишларда ўз улушларини қўшишни ният қилишмоқда.

ҒОЗИЙ УМАРХОЖАИ ДАҲБЕДИЙ

1868 йил 2 май куни Россия давлатининг босқинчи армияси Самарқандни эгаллаб олишгач, босқинчиларга қарши бош кўтариб чиқишлар ҳам бўлиб турган. Бундай қаршилик кўрсатишга озод халқнинг зўравонликка итоат этмаслигига Китоб ҳамда Шаҳрисабз беқлари Жўрабек ва Бобобеклар бошчилигидаги миллий ҳаракатлар, Бобон Алибой қўзғолони мисол бўла олади.

Босқинчиларга қарши халқ ҳаракати ва қўзғолонларидан энг

муҳими ва аввалгиси шаҳар руслар томонидан эгаллангач, бир ой ўтар-ўтмас, айнан Самарқанднинг ўзида бошланган эди.

...Босқинчи рус армиясининг қўмондони генерал фон Кауфман Самарқандни эгаллагач, бироздан сўнг Бухоро амири Музаффарга (1860–1885 йиллар ҳукм сурган) қарши юришни давом эттиради. Кауфман Самарқандда ўз гарнизонини қолдириб, Зирабулокқа қараб йўл олади. Шаҳарда эса май ойининг охири кунида маҳаллий аҳолининг босқинчиларга қарши қўзғолони бошланади. Ҳозирги давргача қўзғолон ва унга қатнашганлар ва раҳбарлари ҳақида бирор манбада аниқ бир маълумот берилмаган бўлиб, бу воқеа ва шахслар тарихчилар учун номаълум эди.

Яқинда, 1993 йил 2 май арафасида, яъни Самарқанднинг руслар томонидан босиб олинишининг 125 йиллиги арафасида, 1899 йилда «Русский Туркистан» газетасига илова¹ тариқасида Москвада чоп этилган тўплам топилиб қолди. Москва шаҳридан топилган ушбу манба-тўпламнинг ксеро нусхаси бўлиб, унда ўша қўзғолоннинг раҳбари сифатида фақат бир шахснинг – Умархожа Даҳбедийнинг номи тилга олинган (бу манба ва Умархожа ҳақида «Зарафшон» газетасининг 1993 йил 15-май сонида ушбу сатрлар муаллифининг «Қўзғолончилар» деб аталган мақоласи эълон қилинган)².

Бу ҳақда бошқа манбаларда нима дейилган? Мирзо Абдулазим Сомийнинг «Манғит султонлари тарихи ёки Бухоро хонлигининг инқирози» (Тарихи салотини манғития) номли асарининг далолат беришича, Самарқанд қўзғолонининг раҳбарлари сифатида икки киши – Бухоро амири Музаффарнинг тўнғич ўғли шахзода Абдулмалик (қўзғолончилар қўмондони) ва дин пешвоси Умархожа Даҳбедий (қўзғолоннинг ғоявий раҳбари) нинг номлари келтирилган³.

Умархожа Даҳбедий ким эди?

Тарих саҳифаларидан яқиндагина қалқиб чиққан ушбу зот даҳбедий хожалар силсиласига мансуб бўлиб, руслар босқини даврида дин ва тариқат пешволаридан эди. Юқорида тил-

¹ Русский Туркестан (приложение), 1889 г.

² Каттаев К. Қўзғолончилар. Зарафшон. 1993 й. 15-май сони.

³ Мирзо Сомий. Манғит султонлари тарихи. Т.

га олинган Каттахонхожа Дахбедийнинг амакизодаларидан бўлган Умархожа ҳақидаги ҳикояларни ҳозир ҳам Дахбедда эслаб туришади.

Тарих саҳифаларига назар ташласак!

Юқорида тилга олинган Мирзо Абдулазим Сомийнинг аса-рида келтирилишича, руслар Самарқандни босиб олгунга қадар бу ерда “Шерали иноқ” деган киши ҳокимлик қилар эди. Бухоро амири Музаффарнинг тўнғич ўғли шаҳзода Абдулмалик Ғузор ҳокими бўлиб, айна вақтда Самарқанд вилояти ҳокими Шерали иноқга ўринбосар лавозимида эди. Шерали иноқ зулмидан шаҳар аҳли ва шаҳзода Абдулмалик жуда норози эди. Рус босқини арафасида Самарқанд шаҳри аҳолиси Амир Музаффарга хат билан мурожаат қилиб, Шерали иноқнинг зулму зўравонлиги туфайли, унинг лавозимидан бўшатишни талаб қилдилар. Улар ўз илтимосномаларида ёзган эдилар: «Агар бизни Шерали иноқ ҳукмронлигидан халос этиб, бошқа бир ҳокимни тайин қилсалар, бизлар – барча аёлу эрлар, каттаю кичик муҳорабага чиқиб, ораликда (лоақал) бир жон қолгунга қадар насронийлар хужумини қайтаришга бел боғлаймиз».

Лекин Амир Музаффар халқ истагу илтижосини инобат-сиз қолдириб, хатто Шерали иноқнинг сўзларига учди ва бир неча кишини жазолади ҳамда ўғли Абдулмаликни Ғузорга сургун қилади (чунки, Абдулмаликнинг халқ орасида мавқеидан кўрқар эди). Бунинг устига Бухоро амирининг ҳомийлигини олган Шерали иноқ амирга ариза-шикоят ёзган шаҳар аҳлидан қаттиқ ўч олади. Рус босқини арафасида Самарқандда бўлиб ўтган бу каби воқеалар шаҳар аҳлининг ва мудофаачилар-нинг душманга қарши тайёргарлик ҳаракатларини бир қадар сўндиради. Натижада, босқинчилар Самарқандни осонгина эгаллаб оладилар.

Шаҳарни босқинчиларга қарийб курашсиз топширилиши сабабларидан бири, бу шаҳар ҳокими Шерали иноқнинг кўрқиб Бухорога қочиши эди. Боз устига, шаҳарни вайрон бўлишини олдини олиш ниятида бўлса керак, Самарқанд муфтийси Мулло Камолиддинхожа босқинчилар билан келишувчилик сиёсати олиб бориб, шаҳар дарвозаларини очиб беради (кейинрок

муфтий Мулло Камолиддинхожага генерал Кауфман томонидан рус императори юборган заррин чопон тухфа қилинади ва Самарқанд қозикалонлик мансабига ўтқазилади). Лекин булардан ташқари шаҳарда ватан, дин ва тариқатнинг содиқ фарзандлари борлиги Кауфманга қоронғу эди.

Юқорида айтганимиздек, генерал фон Кауфман Самарқандни осонгина эгаллаб, ўз императорига мақтов хатларини юборгач, бироздан сўнг Бухоро амири Музаффарга қарши Зирабулок сари юришни давом эттиради. Самарқанд шаҳар қалъасида Кауфман томонидан бир гарнизон аскар қолдирилган эди.

Мирзо Абдулазим Сомий асарида ёзилишича, Ғузур томонидан шахзода Абдумалик, иккинчи томондан эса Умархожа Даҳбедий катта қўшинлар билан келишиб қўшиладилар ва Самарқандни эгаллаб, ғазовот қўзғолонини эълон қиладилар. Рус гарнизонининг қолган-қутгани Аркда қамалда қолиб, у ердан шаҳарни тўпга тутарди. Бунинг натижасида кўплаб тарихий обидаларга шикаст етади.

...Бухоро кўшини билан жанг қилаётган генерал Кауфманга Самарқандда бошланган қўзғолон ҳақида хабар етказишгач, у Бухоро амири билан сулҳ тузишга киришади; Амир Музаффар ҳам ўзи учун шармандали сулҳ тузиш тарафдори эди. Чунки у ҳам Самарқандда бошланган қўзғолондан саросимада эди. Негаки, бу қўзғолоннинг раҳбарларидан бири бўлган шахзода Абдумаликнинг халқ орасидаги обрўси бениҳоя бўлиб, отаси унинг тахтга даъвогарлигидан чўчир эди. Шунинг учун Амир Музаффар ўзининг ҳийлакор сарой аъени Мўминбек орқали ёлғон хат ёзиб, қўзғолончилар орасида ғулғула солмоқчи бўлди. Хатда, гўёки Бухоро амири рус генерали билан сулҳ тузиб, энди Самарқанд ва Шаҳрисабз сари қўзғолончилар устига кўшин юбораётган эмиш. Сулҳ тузишдан олдин юборилган бу хабар қўзғолончиларга катта таъсир қилиб, улар бирин-кетин шаҳарни ташлаб кета бошладилар. Шахзода Абдумалик ва Умархожа Даҳбедийлар ҳам ноилож Самарқандни жанг қилган ҳолда тарк этадилар. Қамалда қолган рус аскарлари Аркдан чиқиб, мададга келган Кауфман кўшини билан биргаликда қўзғолончиларни таъкиб қила бошлайдилар. Абдумалик

ўз аскарлари билан Дарғом дарёси устидаги кўприкни тўсиб қўяди. Иккинчи томондан, Умархожа Дахбедийнинг ғазовотчи лашкари ҳам етиб келиб, улар ҳам русларга қарши хужум бошлайдилар. Бироқ босқинчиларнинг тўпу милтиклари ёғдирган ўқлардан кўплаб одамдар шаҳид бўлиб, қўзғолончилар енгилдилар. Мард қўзғолончиларга на Бухоро амиридан ва на қўшни вилоятлардан ёрдам келади. Юқоридаги, амирнинг ёлғон хати ўз ишини қилган бўлиб, кўпгина вилоятлар беклари амир ва русларнинг интиқом олишларидан қўрқиб, ёрдамга келмайдилар. Шахзода Абдумалик Шахрисабз орқали Ғузорга кетади.

Хўш, Умархожа Дахбедийнинг кейинги тақдири нима бўлди? Ул зотнинг олдинги ва кейинги ҳаёти ҳақидаги аниқ маълумотларни, 100 ёшга кириб 1969 йилда вафот этган дахбедлик шоир ва тарихчи олим Каттахонхожа Дахбедийнинг «Рисолаи тарихи Дахбедия» номли китобларидан топдик. Ул зотнинг асарида ёзилган: «Ҳазрати Саййид Умархожа хожи ибн Саййидойхожа ибн Саййид Авлиёхожа ибн Саййид Эшонхожа (Хонхожа) ибн Ҳазрати Саййид Мусохон алайхиррахма ва-л-ғафурандурлар, ул зоти бобаракот ўз вақтида фариди замон ва пешвои гадою султон эдилар ва ул зотни нисбати маънавийлари камина роқимни (муаллифни) билганича, «Тўраҳон тўра» лақабли Ҳазрати Султонхожа Шайх (Каттахонхожанинг бобоси. – К.К.)га иродат келтурган эканлар»¹.

Каттахонхожанинг «Рисолаи тарихи Дахбедия» китобида яна келтирилишича, Саййид Умархожа ўз ҳамроҳлари билан ҳажга борганларида, Эрон йўлидан юрган эканлар; Ўшал замон Эроннинг подшоҳи Умархожани ва ул зотнинг ҳамроҳларини ўз саройига таклиф қилиб, зиёфат берган ва Самарқанддаги яшаётган эронликларнинг аҳволидан хабар сўраб, савол-жавоб қилган экан.

Умархожа зиёрати Байтуллоҳдан хожи бўлиб қайтгач, «Рисолаи тарихи Дахбедия»да айтилганидек, «неча вақтдан кейин аҳли насоро хуруж қилиб келганда» Ҳазрати эшон (яъни, Умархожа) Дахбеддан Қаршига ҳижрат қилиб борган замон Амир Музаффар ўз аробаи хоссалар (фойтунлар)ни юбориб, ул

¹ Ушбу асар Каттахонхожа Дахбедийнинг шахсий кутубхонасида мавжуд.

зотни Бухорои шарифга олиб бориб, вақфияи хонақоҳи Шоҳи Аҳсига (яъни, Бухородаги Махдуми Аъзам хонақоҳига) шайх қилиб бошларига тож янглиғ ёрликни кўйиб, мазкур хонақоҳга сукунат қилганларидан сўнг, жамии умаро ва уламою фузало иродатга юз келтирганлар ва (ул зот) Бухорога уч сифат бирла мутаассиф (таниқли) бўлганлар, чунончи «Эшони Ҳожи»; «Эшони Ғозий» ва «Эшони Шайх» деб айтур эдилар»¹.

Кўриб чиққанимиз уч манбада ҳам, яъни Москвада 1899 йилда чоп этилган «Русский Туркистан»нинг илова-тўпламида ҳам, Мирзо Абдулазим Сомийнинг «Манғит султонлари тарихи ёки Бухоро хонлигининг инқироzi» китоби ҳамда Каттахонхожа Даҳбедийнинг «Рисолаи тарихи Даҳбедия» асари далолат беришича, Самарқандда босқинчиларга қарши кўзғолонининг ғоявий раҳбари деб, «эшони ғозий» Умархожа Даҳбедий назарга тутилмоқда.

Қўлимизга тушиб қолган ва Каттахонхожа Даҳбедийга тегишли бўлган, Ҳазрати Пайғамбар (с.а.в.)дан бошланган ҳамда нисбати маънавийни англатувчи «Хатти иршодий» – (иршод хати, яъни пирлик ҳуқуқини берадиган йўлланма)ни ҳавола қиламиз: унда Умархожа Даҳбедийгача ва ул зотдан кейин зикр қилинганлар бўлиб, иршодномани қисқартирилган ҳолда айнан келтирдик.

Мазмуни: «...Ҳожа Убайдуллоҳ Аҳроп Валийнинг кўнгилларига ушбу нисбати маънавий тажалли (кўриниш) қилди ва ул Ҳазратдан Мавлоно Муҳаммад Қозининг қалбларига тажалли қилди, ва ул Ҳазратдан жаддуно (падари бузург) ва саййидуно Махдуми Аъзамнинг қалбларига ...ва ул Ҳазратдан... Саййид Умархон Ҳожининг қалбларига, ва ул Ҳазратдан... ушбу нолойиқ ва қадру ҳолсиз камина (яъни, Каттахонхожаи Даҳбедий)нинг кўнгилларига бу нисбати маънавий етиб келиб, тажалли қилди...»

Ғозий Умархонхожа Даҳбедий 1877 (1295 ҳижрий) йилда Бухорода вафот қилади ва шу ердаги «Хонақоҳи Шоҳи Аҳси» (яъни, Махдуми Аъзам номига қурилган хонақоҳ)га дафн этилади.

Умархонхожа Даҳбедий ҳақида юқоридаги маълумотлардан

¹ Ўша асар, Умархонхожа Даҳбедий боби.

ташқари бошқа манбалар ҳам бор. Чунончи, Ғозий Умархонхожадан набираси Темурхонхожага қолган «Жомеъ ул-мақомот» китобини (китоб муаллифи Хожа Абулбақо) Темурхонхожанинг Пайарикда яшайдиган набиралари ушбу сатрлар муаллифи фойдаланишга беришган.

Ғозий Умархонхожа ва шахзода Абдумалик бошчиликларида бошланган бу қўзғолон жуда катта мухолиф кучга қарши бошланганлиги, салмоғи, ғазовий ва миллий қадриятлар учун курашганлиги, охириги миллий халқ ҳаракатларидан эканлиги ҳамда Самарқанддек шаҳри азимда бўлиб ўтганлиги учун ҳам бошқа қўзғолонлардан фарқ қилади.

Келгусида бу қўзғолон қатнашчилари тарихи ва фаолиятларини кенгрок ёритиш ниятимиз ҳам йўқ эмас.

КАТТАХОНХОЖА ДАҲБЕДИЙ

Даҳбедий хожалар силсиласининг яна бир намояндаси Каттахонхожа (Хожа Калон) Даҳбедий бобокалонлари сингари нафақат тариқатда, балки назму насрда ҳам қалами ўтқир шоир ва тарихчи эди. Ул зот «нақшбандия-аҳрория-даҳбедия-жумбония»¹ аталган силсилаи шариф ва алиядаги асосий сулукнинг охириги муршидларидан эди.

Каттахонхожанинг тариқат халқаси нақшбандиянинг икки улуғ сулукида – силсилаи шариф ва силсилаи аълияда боғланган. Ул зот уланган биринчи силсилаи шариф занжирида юқорида зикрлари келтирилган Умархонхожа Ғозий, Хожа Подшоҳ, Офоқхожа, Хожа Калон, Махдуми Аъзам, Мавлоно Қози орқали Хожа Аҳрор Валийга уланадилар. Иккинчи – силсилаи аълия занжири орқали эса амакиси Муҳаммад Аминхожа, Халифа Иброҳим, Мусохонхожа Даҳбедий, Имоми Раббоний – Алфи Соний, Мавлоно Зоҳид орқали яна Хожа Аҳрор Валийга уланган. Шундай қилиб, Каттахонхожа икки силсила сулукига – силсилаи шариф ва аълияи-мужаддия тариқатларида фаолият кўрсатган эдилар.

Ул зотнинг оталари Муҳаммадхожа (Қулхожа Аҳмад Яссавий хикматларини кўп ўқигани учун Қулмуҳаммадхожа аташ-

¹ Жумбония – тариқатнинг охириги тебратувчилари, маъносида.

ган) эди.

Отасидан ёш айрилган Каттахонхожа амакиси – Дахбед пири Муҳаммад Аминхожа таъсирида ўсади. Аминхожа (1914 й. ваф.) самарқандлик Халифа Иброҳимнинг биринчи халафул-хулафоси эди.

96 ёшга кириб, 1969 йилда Дахбедда вафот этган бу ширин калом зот замона зайли туфайли тўлалигича ўзини намоён қила олмади. У ёзган «Рисолаи тарихи Дахбедия» асари, юзлаб ғазаллар, мухаммаслар ва назмий тарихлар аҳли илм учун номаълум бўлиб келди. Каттахонхожанинг ушбу тарихий асари туфайли биз кўпгина ёритилмаган тарихий воқеалар, шахслар номларини, йўқолган мавзе ва обидалардаги ёзувларни билиб олишимиз мумкин. Шу жиҳатдан асар биз учун қимматлидир.

«Рисолаи тарихи Дахбедия» асари Каттахонхожа мусаввасининг (кундалик дафтарининг) тўртдан бир қисмини ёки 55 варағини ташкил этади. Китоб-мусаввасининг қолган уч қисми эса асосан араб-форс ва ўзбек тилида ёзилган шеър, мухаммас, ғазалиёт, рубоиёт, назмий тарихлардан иборатдир.

Каттахонхожа Дахбедий манбашунос олим сифатида ҳам етарли билимга эга бўлган. Ул кишининг олдиларига Самарқанд, Тошкент ва бошқа шаҳарлардан тарихчи, адабиётшунослар келишиб, ул зот берган манбалардан фойдаланишар, тушунмаган нарсаларини сўраб билиб олишар эди. Чунончи, Ўзбекистон Фанлар академиясининг президенти, академик Қори Ниёзийнинг 1951 йилда рус тилида чоп этилган «Астрономическая школа Улугбека» (Улугбекнинг мунажжимлик мактаби) номли китобини ўтган асрнинг 50-йиллари ўрталарида СамДУ ўқитувчи-олимлари келтириб, Каттахонхожага таржима қилиб ўқиб беришган.

Китобда Хожа Аҳрор Валий ҳақида сўз борган бўлиб, бу буюк зотни ва ислом динини Улугбекнинг шаҳид бўлишига алоқадор (қўли бор), деб айб қўйилган эди. Шунда Каттахонхожа тарихни бу тарзда талқин қилинганидан ажабланиб, Ўзбекистон Фанлар академиясининг президиумига хат ёздириб юборади. Хатнинг мазмуни шундай эди: «Улугбекнинг ўлимига дини исломиянинг ҳам ва Хожа Убайдулло Аҳрорнинг ҳам ҳеч қандай

алоқалари йўқдир; Улуғбек Мирзо ва Хожа Аҳрор учрашмаганлар, деса ҳам бўлади, чунки Хожа Аҳрор 1450 йилда расман биринчи марта, 1451 йилда эса иккинчи марта Самарқандга келган; Улуғбек мирзо эса 1449 йилда ўлдирилган. Тасаввуф пирларидан Улуғбекнинг ўлимига қисман алоқадор киши Мавлоно Низомиддин Хомушдир. Сиз, тошкентлик олимлар Даҳбедга келингиз, токи мен сизларга бир неча тарихий китобларни кўрсатиб, исбот қилиб берай», деган мазмунда Каттахонхожа ўз хатини тугатган. Бу хат ҳозир ҳам Ўзбекистон Фанлар академиясининг архивида ҳозиргача сақланади. Ўша даврда шу хат туфайли Тошкентдан Фанлар академиясининг 2-3 та йирик илмий ходими Даҳбедга юборилган эди. Уларга Каттахонхожа бир неча тарихий китобларни кўрсатиб, ўз фикрини исботлаб берган эди. Шунда улардан бири: «Ҳақиқатан ҳам исботингиз жуда ўринли чиқди; лекин замоннинг поезди юриб кетди, уни бу яқин орада ҳеч ким тўхтата олмайди», деб афсус қилган экан.

Шундай қилиб, тарихий ҳақиқат шулки, Каттахонхожа Даҳбедий ушбу хатлари билан Ўзбекистон тарихида биринчи марта расмий равишда Улуғбек ва Хожа Аҳрорларнинг бирига алоқалари йўқлигини исботлаб берган эди.

Каттахонхожа Даҳбедий назм бобида ҳам ширинсухан шоирлардан эди. Лекин, замона зайли туфайли унинг ўзбекча ва форс-тожикча ёзилган бир неча шеърларигина матбуот саҳифаларида чоп этилди, холос. Масалан, 1983 йилда (Каттахонхожа вафот этгач) «Гулистон» журналида марҳум академик Воҳид Абдуллаевнинг Навоий ҳақидаги «Хамса мадҳи» илмий мақоласи охирида «Монии соний» таҳаллусли Каттахонхожа Даҳбедийнинг Навоийга бағишлаб ёзган шеъри берилган (аслида Каттахонхожа «Музний» (гуноҳкор) деган камтарона таҳаллус билан форсча-ўзбекча шеър ёзар эди; лекин академик Воҳид Абдуллаев: «Ҳозирги даврда бу таҳаллус сизга тўғри келмайди ва ўқувчилар ҳам бошқача тушунишлари мумкин», деб маслаҳат беради ҳамда ўшанда «Монии соний» таҳаллусини Каттахонхожага Воҳид домланинг ўзи қўйган). Қуйида Каттахонхожанинг ушбу назми келади:

Муборакбод бўлсин шул замонки, номдор ўлди
Низомиддин Алишер Навоий ошкор ўлди.
Навоий ёш эди, келди шарафли Самарқандга
Анинг илмларию донишидан баҳравор ўлди.
Низомий, Хусравий, Жомий каломи кўп мадад қилди,
Абуллайсдан ўрганди, камоли комкор ўлди.
Ҳаёт айёмида бадкорлар анга бўлдилар бадхоҳ,
Тамом аркони давлат охирида шармсор ўлди.
Агарчи бир ғазал девонидан соз этса мутриблар,
Эшитган аҳли мажлис оғзида номи шиор ўлди.
Хусусан «Хамса»ким, беш ганжи ўзбеки бор этди
Бу тил дostonсаросин бошлари ҳам тождор ўлди.
Бири Фарҳоддан ёзди, бири Мажнун бўлуб кетди
Барин бўстони сахнида Навоий барқарор ўлди.
Камина Монии соний, Навоий десангиз айтгум
«Хазойинул-маоний», «Хамса»да ғайратбарор ўлди.

Эшони Каттахонхожа Дахбедий кўп кўли очик ва саховатли инсон бўлиб, хайр-эҳсонга ниҳоятда берилган эди. Барчанинг тўю маъракасига, уй қурмоқчи бўлган ночор одамларга, ети-му ғарибларга қўлидан келган ёрдамни аямас эди. Юзлаб кишиларга қарз берса-да, қарз дафтари тутиб юрмас эди. Зинҳор ночор одамлардан қарзини қайтариб олмас ва «Худо йўлига» деб бағишлаб юборар эди. Ҳатто ўзига тўқроқ одам қарзини олиб келса, бирор марта тўлиғича олмас, бир қисмини олар эди, холос. Каттахонхожа Дахбедий ҳар сафар ҳадиси шарифдан ушбу нақлни келтирар эди: «Садақани бой ҳам, камбағал ҳам олади ва лекин қарзни фақат мухтож одамгина сўрайди». Шундай қилиб, таънасиз қарз бериш, ҳадисда айтилганидек, уч қарра савоб экан. Каттахонхожанинг яна бир яхши кўрган мақоли ушбу эди: «Яхшилиқ қил, дарёга сол: билса балиқ, билмаса Холик». Ҳатто ул зот ўз хотинининг отасидан Самарқанд шаҳрида қолган қолган ҳовлини, хотинидан сотиб олиб, кўярда-кўймай унга нарҳини тўлаган, ўша хотиндан туғилган ўғилларига олиб берган эдики, токи фарзандларининг: “От-амиз ўз бурчини тўла адо этмабдилар-да”, демасликлари учун.

Каттахонхожа ёшлиқ вақтларида Бухоро мадрасаларида,

ўз амакизодаларидан (кейинчалик қудаси) бўлган Бузрукхожа Бухорий ёрдамида таҳсил кўради (ушбу Бузрукхожа Бухорий амир Олимхон давлатида катта диний лавозимга эга эди; у киши ҳақида ёзувчилар- Саъдулла Кароматов ўзининг «Бир томчи қон» ва Евгений Березиков ўзининг «Красная Бухара» китобларида ёзишган). Кейинчалик эса Бухоро ва Самарқанднинг «қориюл қурро»си (қорилар қориси) деб ном чиқарган Акрамхожа Даҳбедий даргоҳида «Мухтасарул-виқоя» каби мураккаб асарларни ўрганади.

Самарқанд қозикалони, арабу ажамда машҳур олиму уламо бўлган Муҳаммад Исохонхожа Самарқандий Каттахонхожа Даҳбедийни ниҳоятда хурмат қилган ва айтишларича, Қози Исохонхожа хаста бўлиб қолганида Регистон майдонидаги ийд намозига имомлик қилишни (ёнида Самарқанднинг шунча олиму фозили бўлишига қарамай) ёш Каттахонхожага топширган экан. Шу билан бирга Қози Исохон шогирди Каттахонхожага жиянини никоҳлаб ўзига куёв ҳам қилган эди.

1917 йилги октябрь тўнтаришидан сўнг, кўп ўтмай 1920 йилда Бухоро амирлиги ағдарилгач, 10 йил давомида совет ҳукумати дастидан дўсту ёрларниқига яшириниб юрган Бузургхожа у кишига чет элга бош олиб кетишни таклиф этади. Лекин, Каттахонхожа у кишига: “Сиз катта амалдор эдингиз, сизни тутиб олишса қатл этишади. Шунинг учун ўзингиз чегарадан ўтиб қутулишингиз керак, бола-чақани хавфли чегарада хароб қилишингиз мумкин, уларни ташлаб кетинг”, деб маслаҳат беради. Шунда Бузургхожа болаларини Каттахонхожага, уни эса Худога топшириб, ўзининг тўртта туркман оқсоқоллари бўлган муридлари ёрдамида, Туркменистон ва Афғонистон орқали Саудия Арабистонига ўтиб кетади. Тўрт йилдан сўнг, туркман оқсоқолларининг иккитаси яширинча қайтиб келиб, Бузургхожанинг Маккаи мунаварада икки-уч йил яшаб вафот этгани, қабри «Бақия» қабристонига кўмилганлиги ҳақида хабар ва хужжатлар келтиради. Каттахонхожа ваъда берганидек, дўсти ва амакизодаси Бузургхожанинг қизи Муҳсинахонни ўз ўғли Салоҳиддинхонга олиб беради ва бошқа болаларига ҳам оталик қилади.

Каттахонхожа эса совет комиссарлари тазйиқи натижа-сида Қашқадарёга кўчиб кетади. Қашқадарёликлар шундай бир таъсирли воқеани айтиб беришган эди: «1952 йилда Самарқанд шаҳри НКВД ходимлари бир муртад айғоқчининг хабари туфайли Каттахонхожани излаб Қашқадарёнинг бир қишлоғига борадилар. Тўрт комиссар қишлоққа кириб, иккита 7-8 ёшли гўдак болалардан: «Катта эшонларинг қаерда?» деб сўраганларида, ушбу ёш гўдаклар бошқа тарафни кўрсатиб, уларни алдаб, тезда бу ҳақда оталарини хабардор қилганлар (ҳатто болалар ҳам бу чарм камзулли ходимларни нияти ёмонлигини билишган). Шунда болаларни отаси қир устида ғазал ёзиб ўтирган Каттахонхожанинг олдига келиб, ўз омборидан олиб келган эски, йиртиқ чопонни ул кишига кийдириб, «Омочли хўкизлар билан ер ҳайданг», деб айтган. Ёш болалар алдови туфайли кўп овора бўлган НКВД ходимлари келиб кўришсаки, «Катта эшон» деб мақталган киши ер ҳайдаётган эмиш. Ўша йилнинг баҳорида қишлоқ аҳли Каттахонхожани шу тариқа асраб қолган бўлишса-да, лекин кўп ўтмай ўша йили уни ҳибсга олишиб, Тошкент қамоқхонасига жўнатишади ва, аввалига отишга, сўнг эса 20 йилга ҳукм қилишади (бу Каттахонхожанинг Николай подшоҳ ва шўролар давридаги учинчи қамалишлари эди). Қамоқхонада ҳам ул зот бегона маҳбусларга Қуръону намоздан таҳсил бериб, амри маъруф қилиб туради. Каттахонхожа ўзининг анча ғазал ва мухаммасларини қамоқда ўтириб битган эди. 1954 йилда Сталин вафотидан сўнг ул зот амнистияга тушиб оқланади ва озод этилади. Қатағон давридан сўнг бироз тинчликка эришган Каттахонхожа, қамоқда ёза бошлаган тарихий китоб ва ғазалларини битишни давом эттиради.

Кунлардан бир куни (1969 йил январида) ногаҳон Каттахонхожа дурадгор устани йўқлатиб, чидамли тут ва қайрағоч дарахтидан мустаҳкам тобут ясатишни буюради. Бу сўзларни эшитган оила аъзолари ва кети узилмайдиган меҳмонлар ҳайрон қолишади.

...Бир ҳафтадан сўнг, 1969 йил 2 февралда Эшони Каттахонхожа Даҳбедий бу фоний оламдан боқий оламга риҳлат қилиб, вафот этадилар. Атрофу акноф ва узоқу яқиндан мухлислар-

ни жанозага етиб келишларини ҳисобга олган баъзи одамларнинг илтимосларига кўра, ул зотнинг жасадини икки кун асраб, меҳмон қиладилар. 1969 йил киши ҳамманинг эсида бўлиб, қор ярим метр чамаси ёққан эди. Шунга қарамай, Ҳазрати эшоннинг жанозасига шунчалик кўп одам йиғиладики, тобутини ул зотнинг ҳовлисидан қабристон оралиғидаги юз кадамлик масофага элтиш учун уч ярим соат овора бўлишади. Кўчанинг нариги томонида қабристон жойлашган эди. Таъзияга келганлар Каттахонхожа эшоннинг тобутига қўлларини бир теккизиш ниятида ҳарчанд ҳаракат қилиб, тўрт томондан йўл беришмас эди. Бу ҳаракатларга оддий тобут дош беролмай синиб кетар эди. Энди ҳаммага, Каттахонхожанинг қиш вақти бўлса ҳам, шунчалик пишиқ дарахтдан нима учун синмас тобут ясагани аён бўлган эди. У киши бу тортишувлар бўлишини олдиндан билган экан. Уч соат давомида Даҳбеддан ўтадиган Самарқанд–Бухоро марказий автомагистрал йўли ёпилади. Бу жаноза тафсилоти ҳатто вилоят партия кўмитасида, ички ишлар ва хуфийа хизмат идоралари мажлисларида кўриб чиқилган.

Каттахонхожанинг вафоти марсияларини Исмоилхожа Фақирӣ-Шаҳрисабзий, Қори Масиҳо Тамҳидий Самарқандий (Каттахонхожага уларнинг бири халифа, иккинчиси эса мухлис шогирд эди) каби бир қанча йирик шоирлар ёзишган бўлиб, биз бу ерда Фақирӣнинг ёзган марсиясини келтирдик:

Кетди оламдин жаноби Каттахон,
Қолдириб халқ ичра илмидин нишон.
Олиму фозил суханвор эрди ул
Шоиру доно тарифу нуктадон.
Нақшбандия сулукин тебратиб
Эрди ўз асрида бир шайхи замон.
Ёши тўксондан ошиб эрди они
Оқибат қилди сафар сўйи жинон.
Соли таърихи вафотини фақир
Айладим лафзан халойиққа аён.
Минг тўқуз юз олтмишу тўқуз эди
Феврал ойи қилди ер қўйнин макон.
Ё илоҳо, жумла журмин авф эт

Мурғи руҳин айла жаннат ошиён.

Каттахонхожа Даҳбедий мустабид даврда яшаса-да, тариқатдаги фаолиятини, ижодини тўхтатмади. 1928 йил ермулклари тортиб олиниб, халқ душмани деб эълон қилинди ва кулоқ қилиб сургун этилди; 1930 йилда 5 йилга қамоқ жазосига ҳукм этилди; 1951 йилда ёши 80дан ошиб қолган Каттахон Эшон «тройка» суди томонидан аввал отувга, сўнг 20 йил қамоққа сургун этилди ва яна 10 йил ҳуқуқидан маҳрум этилиб, тортган азобининг ниҳояси йўқ эди. 1954 йил қамоқдан қутулгач, Каттахонхожа умрининг охирларида бор-йўғи 10 йилгина Даҳбедда тинч яшайди.

Даҳбедда ул зотнинг оталаридан сўнг пиру муршид бўлган амакилари Муҳаммад Аминхожа, даҳбедийлар пешвоси бўлган ва самарқандлик Халифа Иброҳимга ҳам пирзода ва ҳам биринчи халифа эди. Муҳаммад Аминхожа 1914 йилда вафот этгач, хонақоҳ даҳмасининг ғарб тарафида, роса 100 қадам узоқликда, девор ташқарисида кўмилган. Ул зотнинг “Қосимхожа” деган ўғиллари ва “Юсуфхожа” деган набиралари ҳам тариқат йўлидан боришган. Ушбу ота-бола – Қосимхожа ва Юсуфхожалар Каттахонхожага бири амакивачча, иккинчиси жиян ҳисобланиб, Даҳбедда тариқат юргазишган. Бу даврда Даҳбедда фаолият кўрсатган ва Каттахон тўранинг амакизодаси – «Машрабсифат Худонинг девонаси», «Фано даражасига етган авлиё» лақабларини олган Султонхон тўра Даҳбедий фаолияти ҳам халқ орасида машҳур эди.

Каттахонхожа Даҳбедий ўзидан кейин кўпгина машҳур халифа-шогирдлар қолдирган: биринчи халифа – юртимиз қорилари пешвоси Қори Мусохон Даҳбедий эди (бу зот ҳақида алоҳида китоб ёзилган бўлиб, ёшлигида Бухорода Бузургхожа Бухорий ҳамда Амир Олимхоннинг ҳуқуқи чегараланган амакиси Исмоилхон ҳомийликларида таҳсил олган ва Бухорога таклиф этилган мисрлик машҳур қори-мударриснинг шогирди бўлган)¹;

Ҳазрати Эшоннинг иккинчи халифаси сарфу нахв ва фикҳ алломаси Султонхон Тўра Ғаллаоролий эди (бу зот юрти-

¹ Мусаев Қ. Эй умри азиз. – Тошкент: Фан. 2006. С. 8–9.

миз олимлари пешвоси бўлиб, сарфу наҳвни домло Саидкул Қизилбулоқийдан ўрганган; Султонхон Тўра 18 йил Сибирда сургунда қамалиб келган)¹;

Олим ва шоир Исмоилхожа Фақирий-Шахрисабзий учинчи халифа²; Тўраҳон Саидатой эса тўртинчи халифа эди. Ҳазрати Эшоннинг кейинги халифалари: Валихон Иштихоний, Темурхон Улёбодий, Музаффархон Тўра Айритомий-Ҳожаисҳоқий, Исмадуллохон Ҳожакалоний, Аббосхон Эмалочий, Саъдуллохон Ҳожаисҳоқий, домло Соҳиб Чўнқаймиший ва домло Низом Махсум Жомий каби аллома-олимлар ҳамда Тўраҳон Нўшийдек шогирдлар Каттахонхожа Даҳбедийнинг тарбиясини олишган.

Аъзамхон Даҳбедийнинг Каттахонхожа Даҳбедийга атаб назмий тарзда ёзган китобининг далолат беришича, замон алломаси, юртимиз уламоларининг улуғ шайхи, Ўрта Осиё ва Қозоғистон муфтийси Ҳазрати Шайх – Қори Зиёвуддин ибн Эшон Бобоҳон³ 1965 йилда Каттахонхожа Даҳбедий учун шахсан ўзи ҳамроҳлари билан машинада Даҳбедга кириб келишди. Ўшанда Каттахонхожа Даҳбедий уйлари олдидаги чорпоёда меҳмонлар келишини кутиб ўтирган эдилар. Ҳазрати муфтий бу зотнинг дарвозага чиқиб ўтирганларини эшитиб, машинани Каттахонхожанинг уйларидан 200 метр узоқроқда тўхтатади. Қолган йўлни пири муршиднинг ҳурматларига пиёда босиб келиб, йиғи аралаш кўришишади ва ул зотни муборакбод этишади⁴. Юқорида зикр этилган машҳур ва табаррук зотларни камина муаллиф ёшлигимдан шахсан танирдим, суҳбатларида қатнашган эдим.

Тарихий-тасаввуфий манбаларларнинг дарак беришича, шогирдлари машҳур олим ва шоирлар бўлишган муршидларнинг улуғлигига бундан равшанроқ ҳеч бир далил лозим эмасдир. **Бунга қўшимча қилиб айтсак, эътиқодсизлик даврида илми**

¹ Аъзамхон Даҳбедий. *Каттахонтўра Даҳбедий-Музнибий Нақшбандия тариқати пиру муршиди*. Тошкент. Навоий номли Миллий кутубхона нашриёти. 2008. С. 58-62.

² Носир Муҳаммад. *Насаф ва Кеш алломалари*. Тошкент. Ғафур Ғулом.

³ Шўролар даврида диний идорани бошқариб, динга ривож берган зот ҳисобланади.

⁴ Ўша асар, с. 23-27.

ва ақидаси туфайли умрининг катта қисмини ҳибсхоналарда ўтказган пиру муршид ва эшонларнинг бошқалардан улуғлигига бундан-да равшанроқ ҳеч далил топилмас. Зеро, кўпгина эшонлар эътиқодсиз муҳит билан келишиб яшашган. Каттахонхожа ҳам бошқа машхур уламою эшонлар каби келишиб яшаса бўларди, аммо у вақтда виждон ва эътиқод қаерда қолади?!

«Шоир Фақирӣ... Шўролар даврининг тазйиқларига қарамасдан, ўз даврининг машхур алломалари – Каттахон Эшон Даҳбедӣ (Музний), қори Абдулла Гулшаний, Домла Ҳиндустонӣ ва машхур шоир Ҳабībӣлардан диний ва дунёвий илмларни ўрганган»¹.

Ҳа, Каттахонхожа Даҳбедӣ тазйиқлар даврининг Домла Муҳаммадҷон Ҳиндустонӣ, Ҳабībӣ каби энг машхур олиму шоир инсонларидан эди, аммо даҳр ул зотларни тўла намоён бўлишларига имкон бермади. Узоқ умр кўриб ёши бир асрга етган пиру муршид Каттахонхожа Даҳбедӣ юртимизни истило қилган Чор Россияси ва шўро коммунистлар иттифоқи билан асло келишишни хоҳламади ва натижада уч қарра узоқ муддатли қамоқ жазосига ҳукм этилади. Ваҳоланки, бошқа пиру эшонлар қатори шўролар билан келишиб тинч яшаши, элга танилиши, юксак илми ва ижодини намоён қилиш имконига эга эди. Аммо, Каттахонхожа Даҳбедӣ истибдодчилар билан келишишдан кўра қамоқни афзал кўрди. Натижада ул зотнинг муборак номи пинҳон қолиб, шогирдлари туфайли онда-сонда матбуотларда ижодлари чоп этиларди. Шукрлар бўлсинки, истиқлол сабаб бу каби инсонлар фаолиятлари ёритилмоқда.

...Шундай қилиб, нақшбандия тариқатининг охириги машхур муршиди Каттахонхожа Даҳбедӣ тўғрисида ёзиб Даҳбедӣ хожалар силсиласи намоёндалари баёни ўз ниҳоясига етди.

¹ Носир Муҳаммад. Насаф ва Кеш алломалари. Т. Ғ.Ғулом номидаги НМИУ. 96-бет.

МУХТОРХОН ТЎРА ХОЖАИСҲОҚИЙ

Аммо, ушбу китобни ёзиб тугатиш жараёнида Даҳбедий хожалар силсиласининг энг ёш вакили бўлган яқин замондошимиз Мухторхон Шукуров (1960–2010) вафот этди ва ул зот тўғрисида гапирмасдан ҳеч иложимиз йўқлигини сездим. Ушбуларни ёзувчи камина роқимнинг ҳаётида нақадар катта из қолдирган ва эрта кетган бу муборак зот ҳақида қаламим агар тебратилмаса, синиши керак. Аслида бу зот ҳақида хотира ёзиш ҳаёлимга ҳам келмаган.

Ул зот мендан бироз ёшроқ бўлса-да, акамдек эдию, фақирни «амактўра» атарди; мени устоз атаса-да, аслида ўзи устозим бўлиб, ҳаёт сабоқларидан дарс берар эди. Таъбир жоиз бўлса, назаримда агар шу даҳр аро авлиё бор бўлса, шу зот эди. Ул зотнинг эрта кетиши гўё бизни етим қилиб кетгандек бўлди...

Устознинг ёшу қариси бўлмайди. Ушбу сатрлар муаллифи жуда йирик устозлар суҳбатларига етишиш шарафига муяссар бўлган. Жумладан, академиклардан Бўрибой Аҳмедов, Ботирхон Валихўжаев, тожикистонлик Расул Ҳодизода, россиялик шарқшунос О.Ф.Акимешкин каби илмлари ва луқмалари тоза алломаларга камина шогирд эди, улар билан илмий фаолият олиб борди. Барчалари Даҳбедий боболарим тарихи билан кизиқишар, манбалар устида баҳс юритиш учун фақир хонадонига кўп марталаб ташриф буюришар, у ёки бу тарзда маслаҳатлар беришарди. Мухторхон тўра ҳам шу алломалар каби каминага ҳаёт чалкашлиklarини енгиш борасида устозлик қилар эди. Аммо фақир ул зотга шогирдликни ўринлата олмас ва натижада кўп ишларда ютқизар эди...

Камина фақир бу даҳр аро баланд насабли инсонларнинг жуда кўпларини таниган ёки эшитган бўлсам-да, аксариятини наслу насаблари билан мағрур юрганларини, обрў-ҳасабларидан бошларини баланд кўтарганларини кўрганман. Ягона Мухторхонгина улар орасида на насабидан ва на ҳасабидан мағрур эди. Орамизда шунчалик камтарин, аммо буюк инсоннинг ёнимизда яшаётганини у кетгандан сўнг билдик. Ул зот насаби улуғ, ҳасаби бениҳоя, бибизоат, аммо маъ-

навийатдан шунчалик бой инсон эдики, тарихда из қолдирган энг машхур даҳбедийлар қатори ушбу китобдан беихтиёр ўрин олганининг ўзи бир қаромат эди.

Ул зот илм аҳлига тоза яшаш тарзини ўргатиш учун келган эди гўё. Ҳаддан ташқари одобли, ориятли ва ибодатли эди, яъни тариқат тили билан айтганда хориқулудда лукмаси жуда ҳам пок, ҳатто тўғри одамларнинг тўю маъракасига борса-да, бирор нарса ейиши қийин эди; майиздек бўлса-да гумонли нарсани емас, назру ниёз у ёқда турсин, четдан тухфа ва хизмат ҳақини ҳам ҳеч олмас эди. Ойликка қараб қолган олим бўлса-да, ҳалол маошини ҳам анча қисмига китоблар олиб тарқатар эди.

Бир сўз билан, холисанлиллоҳ айтганда, юқорида айтилган асосий сифатлар бўйича Мухторхончалик кишини топиш жуда маҳол эди. Ул зот билан бир мартагина сўзлашган одам ўзининг қайсидир бир ёмон хислатини албатта ташлашга ҳаракат қиларди.

Бу зотнинг давримизда яшашининг ўзи бир мўъжиза бўлиб, у билан дўст ва оға тутиниш биз учун жуда катта шараф эди. Ул зот юрган йўлида учраган одамга панду насиҳат, амри маъруф этар, нотўғри иш кўрса, Қуръону Ҳадисдан ёки замонамизнинг яхши шоирлардан назмлар келтирар эди. Буни оқилларгина тушунишар, ғофиллар эса бебахра қолишарди. Ул зот барча яхши-ёмон одамларни ўзидан улуғ кўрар, бу эса камтаринлик билан буюкликнинг мужассамлашиши бўлиб, айнан унинг ўзини назаримизда буюк кўрсатар эди. Улуғлар ҳақида китобларда ёзилган ҳокисорлик, сабру қаноатлик, тозалик каби сифатларнинг барчаси ул зотда мужассамланган эди.

Ҳа, Мухторхон тўра барчадан ўзининг юксак фазилати, ҳаддан зиёдлиги ва ўнлаб, балки юзлаб хислатлари билан фарқ этарди. Унинг энг асосий хислатлари: фақру фано, хоксорлик, ҳалол лукмадан озикланишлик, тақво, тўғрилиқ ва барча молини бошқаларга нисор этиш каби сифатлар бўлиб, нафақат ўзи ишлаётган университетда, балки ташқарида ҳам шу сифатлари билан машхур эди. Ҳатто, унга қаттиқ ёмонлик қилган шахсларни кечириб, ўлимига бир соат қолганида ярим кечаси бўлса-да, маҳалла оқсоқолини илтимос билан касалхонага

чакиртириб, ўша шахсларни кечирганини уларга бориб айтишни ва ризолик сўрашни билдирган эди. Бир сўз билан айтганда, у халқ орасида юрадиган “одоб қомуси” эди. Мухторхон тўранинг жанозасида белбоғ боғлаб юрган бир талабаси ҳикоя қилиб деди: «Касал бўлиб ётиб қолганимда устозим Мухторхон уйимга беминнат 2 ой давомида қатнаб дарс ўтган эдилар».

Мухторхон Шукуров ҳалол яшашда, лукмани пок тутишда, бошқаларга ибратли тақвода, ёмонликлардан парҳезкорликда, камтаринликда ва миннатсиз яшашда самарқандликлар пешвоси эди. Мукамалликка эришган эрса-да, ушбу сатрлар муаллифининг амакиси Собитхонхожа Дахбедийга иродат қўлини бериб, нақбшандия тариқати ҳалқасига уланган эди. Ул зотнинг қабри улуғ бобокалони Хожа Исҳоқ Валий ибн Махдуми Аъзам Дахбедий ёнбошидадир.

Шундай қилиб, мукамал дахбедийлар тариқати пешволари ҳақида ҳикоялар ўз ниҳоясига етмоқда.

МАХДУМИ АЪЗАМ ХОНАҚОҲИ ҚАБРИСТОНИ

Дахбеддаги ўн тўрт гумбаз, минора ва масжидли хонақоҳнинг шимол томонида дахма (мақбара-суфа) жойлашган. XIX асрда Россиянинг машҳур олими профессор Н.Веселовскийнинг ёзишича, Махдуми Аъзам дахмаси Ўрта Осиёдаги дахмаларнинг энг йириги экан. Атрофи мрамор билан сайқалланган дахма 17х18 квадрат метрли сахни эгаллаган бўлиб, баландлиги қарийб икки метрдир. Бухоро хонлигининг нуфузли амалдорларидан Нодир Девонбеги (XVII аср) мақбара атрофини деворлар билан ихоталаб, катта арк ҳамда баландлиги олти метрлик дарвозахона қурдирган.

Дахма устида етти қабртош бўлиб, ёзувларига қараганда улар қуйидагиларга тегишли:

- 1) Махдуми Аъзам Дахбедий (1542 й. вафот этган);
- 2) Муҳаммад Амин – Хожа Калон (1596 й. ваф.);
- 3) Хожа Ҳошим Дахбедий (1635 й. ваф.);
- 4) Хожа Мусо ибн Хожа Ҳошим (1642 й. ваф.);

- 5) Мусохонхожа Дахбедий (1776 й. ваф.);
- 6) Хонхожа ибн Мусохонхожа (1784 й. ваф.);
- 7) Авлиёхожа ибн Хонхожа (1802 й. ваф.).

Ушбу етти пирнинг ҳақиқатан ҳам дахмага кўмилганлиги бир қанча эски қўлёзма китоблар ва ҳужжатлар ҳамда қабртошларидаги ёзувлар бундан дарак бериб турибди. Бу сўзларни келтиришимизга сабаб шулки, кейинги вақтларда баъзи чалкашликларга йўл қўйилган. Масалан, Хожа Калонхожани қабри қаердалиги хусусида турли хил фикрлар мавжуд бўлган. Баъзи китобларда ул зотнинг қабри Бухородаги Ҳазрати Нақшбанд қабрлари ёнида деб ёзса, бошқалари Қашқардаги набираси Офокхожа қабри ёнида, деб ҳам ёзилган. Лекин, аксарият манбалар (шу жумладан, қабртош ёзувлари ҳам) Хожа Калонхожанинг қабри Дахбеддаги дахмада эканлигини кўрсатиб турибди.

Дахма устида Махдуми Аъзам ва ул зотнинг ўғли Хожа Калондан бўлган авлодлар дафн этилган.

Шуни ҳам айтиб ўтиш жоиздурки, баъзи манбаларга қараганда Махдуми Аъзамнинг иршод ҳуқуқини олган фарзандларидан бири бўлган Хожа Абдулхоликнинг қабри ҳам дахма устида бўлиши эҳтимоли баланд. Отасидан иршод ҳуқуқини олган ва таниқли пир бўлиб 1010 (1601) йилда вафот этган бу зот дахмага кўмилгани ҳақиқатга жуда яқин (яна «Мавлоно Поянда зикри» бобига қаранг).

Хонақоҳда яна машҳур шоир бўлган Файзий-Косоний (100 ёшга кириб, 1004/1597-98 йилда вафот этган) кўмилган. У Махдуми Аъзамнинг улуғ халифаларидан бўлиб, Мутрибийнинг маълумотича, номи Амир Дарвеш Муҳаммад ҳамда «Қози Подшоҳ Шерозий» номи ила ҳам машҳур бўлган. Фикримизча, бу зот Махдуми Аъзамнинг амакизодаси ва Бобур мирзонинг илк пири Хожа Мавлоно Қозининг ўғли бўлиши эҳтимолдан холи эмас.

Катта дахманинг ўнг томонидаги кичик дахмада суваб қўйилган синиқ тошга ёзилган: Хожа Калон ибн Хожа Ҳалим ибн Хожа Муҳаммад ибн Хожа Аҳмад ибн Мавлоно Лутфулло (Мавлоно Лутфулло Чустийнинг чевараси). Фикримизча, бу

синиқ тош дахмачага тегишли бўлмай, кейинги даврда пастдан олиниб, таъмир вақтида суваб қўйилган бўлган.

Аслида бу кичик дахма юқорида айтилган шоир Амир Дарвеш Муҳаммад Файзий-Косонийнинг қабри бўлиши керак. Нега деганда, 100 ёшга кириб вафот этган ушбу зот Махдуми Аъзамнинг яқин халифалари бўлиши билан бирга насаб ва ҳасаб жиҳатдан ҳам юқори мартаба эгаси бўлган яқин қариндошларидир. Дахмага эса фақат махдуми аъзамийлар қўмилишган. Шоирнинг улуғ халифа экани, мўътабар ёши асосий дахмага яқин жойдан алоҳида суфага қўйилиши тақозо этилган. Кейинги даврлардаги таъмир вақтида нисбатан кам танилган шахснинг қабртоши пастдан олиниб, суфага қўйилиши барчани адаштирган.

Мусохонхожа Даҳбедийнинг 1228/1812 йилда вафот этган машхур халифаси Муҳаммад Амин Абулбаракот Пири дастгири Даҳбедий (Эшони Пир)нинг қабржойи масаласига келганда, 1991 йил Тошкент шаҳрида чоп этилган «Самария» китобида ёзилган: «Деворнинг ташқарисида, шарқ тарафига яқин жанубий буржида ҳазрат Халифа Муҳаммад Амин пири Даҳбедий номи билан машхур (киши)нинг мозори кичик бир супадир. Бу киши ҳазрат Мусохоннинг муридидир. Бухоро подшоси Амир Ҳайдар у кишига қўл берган муридлари бўлган»¹.

Мақсуд ибн Носириддиннинг «Равойих» асарида эса ушбу пирнинг қабри Махдуми Аъзам мозори муҳоватаси ташқарисида, икки чинор орасида дафн этилган, дейилади.

Носириддин тўра Бухорийнинг «Тухфат уз-зоирин» китобида эса янада аниқроқ ёзилган бўлиб, унда таъкидланади: «... ул зотнинг муборак қабри Мавлоно Хожаги Махдуми Аъзам муҳоватасининг ташқарисида, унинг жанубий буржида икки чинор ўргасидадир».

«Равойих ул-қудс» қўлёзманинг «Халифа Доноқули зикри» деган бобда ёзилган: «Бухоро подшоҳи амир Ҳайдарнинг ишорати билан Халифа Доноқули Даҳбеддаги хонақоҳда жойлашган муршиди Муҳаммад Амин пири дастгири Даҳбедийнинг қабр суфасини мрамрдан таъмир эттирди».

— Демак, Амир Ҳайдарнинг пири бўлмиш Муҳаммад Амин Пири

¹ Абу Тохирхожа. Самария. Тошкент. Камалак. 1991. 57-бет.

дастгирнинг қабри хонақоҳдаги дахмага ҳозирги киравериш эшиги ёнида ўсган икки чинор оралиғида жойлашган бўлган (чинорлардан бири ҳозир мавжуд эмас). Пири дастгир ўз васияти билан муҳовата девори ташқарисида кўмилишни истаган ва ҳозирга келиб ушбу зотнинг суфаси йўқолиб кетган. Ул зотнинг оёқ томонида дахбедий хожалардан бўлган халифаси Маллахожанинг қабри жойлашган. Дахманинг жануб томонида эса Абдусаттор Махдум ибн Халифа Муҳаммад Ҳусайннинг қабри жойлашган бўлиб, у XIX аср ўрталарида Дахбед хонақоҳида, демак нақшбандия сулукига раҳбарлик қилган. Ҳатто унинг олдига Бухоро подшоҳи махсус келиб турган¹.

1995 йилги анжуман тадбири арафасидаги таъмир вақтида топилиб, хонақоҳ қабристонига кўчирилиб кўмилган жасадлар ушбу уч муршидга тегишли бўлиши керак. Афсуски, ўша вақтда улуғ муршидларнинг қабри топилганлигини англамаган эканмиз. Ўшанда қабр-дахма асл ҳолига келтирилиб тикланар эди.

Хонақоҳ дахмасининг атрофи девор билан ўралган бўлиб, жануби-шарқий томондан пештоқли дарвозаси бўлган. Дарвоза устига катта ҳарфларда ҳадис ёзилган². Дахманинг жанубий томонида (девор ичи ва ташқарисида) подшоҳзодаларнинг қатор терилган қабртошлари қўйилган. Дахманинг шимолий ва ғарбий томонларида эса, асосан, дахбедий хожалар ва пиру муршидларнинг қабрлари жойлашган.

Биз куйида дахма атрофида жойлашган қабртошларнинг эгаларини вафот этган йилларига қараб, тизимини келтираемиз:

Абдурахмонбек ибн Ҳожибий – 1007 (1598);
Ҳожи Қурбон – 1015 (1606);
Ибн Санжар мирзо (ибн) Чақарли мирзо – 1021 (1612);
Ибн Ҳожибий – 1024 (1615);³
Ибн Ҳожибий II – 1025 (1616);
Муҳаммад Мирзобий – 1034 (1625);
Шоҳхожа ибн Санжархожа – 1053 (1643);

¹ Ўша асар, с. 138–139.

² 1901 йилда Г.Понкратъев олган фотосурат шундан далолат бермоқда.

³ Ҳожибий – Самарқанд ҳокими. Мутрибий кўп вақт унинг хизматида бўлган (Б.Ахмедов. Тарихдан сабоқлар. Т., Ўқитувчи. 1994. 279-бет).

Муҳаммад Юсуф ибн Мирзо Раҳимқули – 1057 (1646);
Абдурахмон ибн Наврӯзбий Ҳусайн – 1058 (1645);
Ялангтўшбий Баҳодир бин Бойҳожибий – 1066 (1655/56);
(Амир) Султонқули – 1067 (1656);
Малика Иқлимабону Ялангтўшбий қизи – 1068 (1657);
Малика Ойбиби Ялангтўшбий қизи – 1077 (1666);
Шоҳ Ҳидоят ибн Шоҳ Қосим – 1079 (1668) (Афғон шоҳи);
Шоҳ Саодат ибн Шоҳ Ҳидоят – 1100 (1688) (Афғон шоҳи);
Али Саид ибн Маҳтобиҳожи (йили номаълум);
Гулбека бинти Мирзо Чақарли (йили номаълум);
Улуғбека бинти Ражабали (йили номаълум);
Кутлуғбиби бинти Турсунбек (йили номаълум);
Абдукаримбек бин Туманбек – 1267 (1850);
Хизматқор Ғариб Муҳаммад – 1223 (1807);
Саййид Бурҳониддинхожа (Абдулғаффорхожа) ибн Мусо-
хонхожа Даҳбедий – 1250 (1834);

Саййид Муҳаммад Аминхожа садр ибн Қилич
Бурҳониддинхожа ибн Муҳаммад Аминхожа ибн Ҳидоятулло
(Офоқхожа) ибн Юсуфхожа ибн Муҳаммад Амин (Хожа Ка-
лон) ибн Махдуми Аъзам;

Султонхожа Шайх ибн Саййид Бурҳониддин
(Абдулғаффорхожа) ибн Мусохонхожа Даҳбедий (Султонхожа-
нинг лақаби Тўраҳон тўра бўлган ва 1270 ёки 1275 (1853–1858)
йиллар орасида вафот этган.

Султонхожа шайхулислом ибн Хонхожа ибн Мусохонхожа
Даҳбедий – 1865 йил вафот этган;

Мусохожа ибн Хонхожа ибн Мусохонхожа Даҳбедий;

Қориюл қурро (қорилар қориси) Акрамхожа. Манбаларга
қараганда, Даҳбед хонақоҳига энг охирги кўмилган киши; қори
ва олим бўлган ушбу зот 30 йил давомида хонақоҳда имом-ха-
тиблик қилиб, 1320/1901 йилда вафот этгач, хонақоҳнинг шарқ
томонидаги ўз хужрасида дафн этилган. 1995 йилда Махдуми
Аъзам хотирасига бағишлаб ўтказилган анжуман арафасида-
ги таъмир ишлари вақтида Қори Акрамхожа жасади хонақоҳ
қабристонига кўчирилди.

Ундан ташқари Даҳбедга Самарқанддан киравериш йўли

бошидаги «Файзгоҳ» мазорига ҳам кўмишган.

XX аср бошларида Миёнкол генерал-губернатори бўлган Г.Арандаренконинг буйруғи билан хонақоҳга кўмилиш ман этилгач, Дахбеднинг ғарбий томонидан мазор учун ер ажратилган, бу мазор ҳозирги даврда «Ҳожимозор» деб аталади.

Хонақоҳ мазориди булардан ташқари яна ўнга яқин ёзуви ўчиб кетган қабртошлар мавжуд бўлиб, уларнинг ёзувларини ўқишнинг иложи бўлмади.

«Самария» китобида Дахбед хонақоҳида кўмилган пиру муршидлар ҳақида ушбулар битилган...

Мазмуни:

Жаҳон аҳли кўзининг нури бўлишни истасанг,

Дахбедийлар этагининг ғубори бўлгин.

Лаҳад чиллахонасида ором олиб ётган пирнинг,

Пок мазори атрофидан айлансанг, яшарасан.

Самарқанд заминидаги улуғ мазорот бўлмиш Дахбед қабристони зикри ниҳоясига етди. “Файзгоҳ”да ором олаётган бузурглари руҳи ҳаммамизни қўлласин!

ТАСАВВУФ ТАРИХИ

Кейинги бир неча ўн йиллар мобайнида бизга динни хуррофот ва афюн деб ўргатиб келдилар. Атеизмлик нуқтаи назарнинг ислом динига найзасининг ўткир тиғи, айниқса, тасаввуф аҳлига қаратилган эди.

Кейинги етмиш йил мобайнида Ўзбекистонда ислом динини сақлаб қолишда жуда катта роль ўйнаган тасаввуф аҳлининг таълимотларини яратганлар ва уларнинг асосчилари кимлар ҳамда бу таълимотлар қаердан пайдо бўлган?

Шу муносабат билан Махдуми Аъзам ва авлодлари ўз замонларида муқтадолик, раҳбарлик қилган аҳли тасаввуф ҳақида икки оғиз сўз юритмасдан иложимиз йўқ.

Ислом дини пайдо бўлган VII асрда, яъни Пайғамбар (с.а.в.) замонларида ислом динини қабул қилган ҳар кимсани «мўмин» ёки «мусулмон» деб атардилар. Пайғамбар (с.а.в.) суҳбатларидан баҳраманд бўлган кимсаларни «саҳоба» атар-

дилар. Ўша вақтларда «обид» ва «зоҳид» деган иборалар пайдо бўлган (обид – ибодат қилувчи; зоҳид – дунё ишларига қизиқмай, таркидунё қилиб, фақатгина тоат-ибодатда бўлган мусулмонлардир).

Ибн Сино таъкидлаганидек: «Дунё лаззатларидан юз ўгириб, таркидунё қилганларни “зоҳид” деб; бир зайлда рўзаю намоз ва тоату ибодат билан бўлганларни “обид” деб атаганлар». Бу каби мўъмин-мусулмонларнинг энг такводор вакилларини VIII асрга келиб «сўфийлар» деб атай бошлаганлар.

Кўп манбаларда «сўфи» сўзининг маъноси турлича талқин қилинади:

1. Бу калима «суф» сўзидан олинган бўлиб, жундан кийим кийиб юрганликлари учун;

2. «Сафо» сўзидан олинган бўлиб, пок ва тоза яшаганликлари учун;

3. «Сафф» сўзидан олинган бўлиб, қиёмат куни Худонинг наздида биринчи сафда туришлари учун;

4. «Суфо» сўзидан олинган бўлиб, Пайғамбар (с.а.в.) билан бир суфада ўтирганликлари учун ва шу каби бошқа сифатлари учун ҳам «суфийлар» деб аталиб, «тасаввуф» калимаси ана шу “сўфи” сўзидан олинган.

Абдурахмон Жомий ўзининг «Нафаҳот ул-унс» (“Дўстлик боғидан эсган шаббода”) асарида шундай ёзади: «Шом вилоятининг Рум шаҳри амири (амири тарсои) бир куни икки кишини учратиб кузатади ва, кўрадики, улар овқатланиб, зўр суҳбат курадилар ҳамда дўстона хайрлашиб икки томонга қараб кетдилар. Амир улардан бирини чорлаб савол-жавоб қилади. Маълум бўладикки, бу икки суҳбатдош бир-бирини мутлақо билмас экан; уларнинг қоидалари шу эканки, бир-бирини танимаса ҳам биродар тутинар экан ва «суфийлар» деб аталар эканлар. Бунга кўрган амир жуда таъсирланиб кетади ва уларга тўпланиб турадиган жой бино қилиб беради. Рум шаҳрида қурилган бу иморат суфийлар тўпланадиган дунёдаги энг биринчи хонақоҳ бўлиб, Жомийнинг ёзишича, энг биринчи суфий – Абу Ҳошим Кўфий (766 йилда вафот этган) бўлган экан.

Тасаввуф тарихчиларидан Абу Наср Саррож шундай ёзади:

«Ҳар бир синф илм ёки бирор ҳолга мансубдир. Масалан, ҳадис аҳлини “муҳаддис”, фикҳ аҳлини “фақиҳ”, зуҳд аҳлини “зоҳид”, таваккул аҳлини “мутаваккил”, сабр аҳлини “собир”, деб атаганлар. Лекин тасаввуф ёлғиз сифатли кўринишдаги илм эмас, балки жами илмлар кони бўлиб, энг яхши аҳвол ва ахлоқнинг жам бўлгандир. Бинобарин, уларни “суфийлар” деб атайдилар». Сўфийлар дунёвий илмлар «илми фикҳ» ва «илми қол»дан фарқли равишда, илоҳий «Илми ҳол» билан шуғулланганлар.

«Мабоди ул-ислом» (“Ислом асослари”) асарида келтириларича, фикҳ- инсон амалининг ташқи қиёфасигагина алоқадор. У амалнинг тўғри ёки нотўғри бажарилишинигина белгилаб бера олади. Дилнинг ҳолатига аҳамият бермайди. Дилга алоқадор бўлган, унинг ҳолатини белгилайдиган омил эса тасаввуфдир. Айтайлик, фикҳ таҳоратнинг қонунга мувофиқ ёки номувофиқ ҳолда олинганлигини, намознинг Масжид ул-ҳарам (Каъба) тарафга юзланиб ёки юзланмасдан ўқилганлигини – бажарилмаганлигини текширади. Агар намознинг барча қисмларини тўла адо этсангиз, намозингиз фикҳий тарафдан қамол бўлади. Тасаввуф эса дилингизнинг шу намоз пайтидаги ҳолатини текширади.

...Ислом назарида шариат ҳукмларига ички ва ташқи тарафдан тўла эргашган кишининг ҳаёти гўзал бўлади. Юзаки амал яхши бўлиб, ички олами бузуқ бўлган киши руҳидан ажралган жасад қабидир. Ички маънавиятлари қамолга етгану ташқи амали кўзда тутилганидек яхши бўлмаган киши ўзи яхшию, лекин юзи хунук, кўзи кўр, оёғи оқсоқ одам қабидир. Мана шу мисол орқали фикҳ билан тасаввуф орасидаги фарқни билиб олиш енгиллашади.

Таниқли Эрон адиби Али Даштий ўзининг «Суфийлик нима ва суфийлар ким?» асарида машҳур машойихларнинг тасаввуф ҳақидаги фикрларини келтирган:

Абу Сулаймон Дороний (830 йил вафот этган) айтган: «Тасаввуф улдурки, унда шундай феъллар қарор топура, Худодан ўзгани билмас, пайвасталик Худо ила бўлғай (Худодан ўзга ҳеч нарса билмас)».

Зуннун Мисрий (859 йилда вафот этган) айтади: «Суфийлар

Худони барча нарсдан танлайдилар, шунинг учун Худо уларни барча учун танлайди».

Жунайд Балхий (909 йил вафот этган) айтади: «Тасаввуфда суфий заминдурки, яхши-ёмон унинг устидан юргай. Булут каби барча нарсага соя солгай ва ёмғир каби ҳаммани сероб қилгай. (Тасаввуфнинг) зохири сенга бўлсин, зотидан сўрамагилки, бу унга ситам кўргузмокдир».

Демак, тасаввуфда насл-насаб, бойлику давлат инобатга олинмайди; фақат дин ривожланиши йўлида, халқ манфати йўлида қилинган хизмат ва тоат-ибодатлар каби амаллар ҳисобга олинади. Чунончи, Ҳазрати Сўфи айтмишлар, Байт:

Ҳасаб фавки насабмас, эй некхол,
Ипакдин ўтказур кўп ишлаган шол.

Тасаввуф аҳлининг хилма-хил силсила-сулукларининг раҳбарлари орасида оддий халқдан чиққанлар билан бирга саййидларни ҳам учратиш мумкин. Бу аҳл ислом дини замирида кибру ҳавойи нафсдан парҳезда бўлган энг тақводор табақа ҳисобланади. Шу борада даҳбедийлар табақасидан яна бир мисол келтирсак: Хожа Ислом Жўйборийга: «Муҳаммад Амин – Хожа Калонга отамерос бўлган иршод ҳукукини беринг», деб айтганларида, ул зот рози бўлиб, Хожа Калон келсалар, барча меҳмонларга овқат қўйингу аммо Хожа Калоннинг табақини тушириб юборинг». Шунда Хожа Калон меҳмонхонага кириб келганларида ошпаз ҳаммага табак қўйиб, Хожа Калоннинг табақини туширади. Хожа Калон ошпазга ҳеч сўз демай, чиқиб кетади. Буни Хожа Ислом Жўйборийга етказганларида, айтадилар: “Махдумзода Хожа Калонхожага яна озгина димоғдорлик бор экан, иршод ҳукукини кейинроқ, яъни димоғдорлик йўқолгач, берурмиз”, деган экан.

Шу каби Хожа Исҳоқ Валийни ҳам устозлари Мавлоно Лутфулло Чустий синаб кўрадилар; сафарга жўнаш пайтида Хожа Исҳоққа от етмай қолади ва ул киши ҳам димоғдорлик қилади. Шу сабаб туфайли, бу икки биродар димоғдорликларини йўқотиш учун ўнлаб йиллар пирларининг хизмату мулозиматларида бўлишган.

Тасаввуфнинг энг буюк намояндаларидан бири, «хожагон»

тариқатининг асосчиси Хожа Абдулхолиқ Ғиждувонийнинг маънавий фарзандлари Хожа Авлиёи Кабирга қолдирган васиятномалари тасаввуф моҳиятини тушунтиришда шу даражада мураккаб, айна замонда тушуниб олиш учун осон ёзилганки, уни эътиборингизга ҳавола қилишни лозим топдик: (Васиятнома Мусоҳонхожа Даҳбедийнинг «Зубдат ул-ҳақойиқ» китобларидан олинган бўлиб, ушбу сатрлар муаллифи таржимасида берилаетир):

«Мен сенга васият қилурман, эй фарзанд: илм, одоб, тақводорликлар сенга мужассамлашсин; қадимий асарларни ўрган, аҳли сунна ва-л-жамоага мулозаматда бўл; фикҳ (хуқуқшунослик) ва ҳадисни ўрган; жоҳил суфийлар (суҳбатидан) парҳез қил; ҳамиша намозни жамоат билан ўқигилки, имом ва муаззин бўлмаслик шарти билан бўлсин (яъни, уларнинг гарданларида жавобгарлик кўпдир); ҳаргиз шуҳратпарастлик талабида бўлмагилки, шуҳратпарастликда офат бордир; Ва мансабга боғланиб қолма, доим камномлик бўлгин; хужжатларда ўзномингни ёзма; қозихона маҳкамаларида ҳозир бўлма; Амалдор бўлма; Мулк ҳақида ва мулкдорлар билан суҳбат қурма, чунки суҳбатлари кўпинча мол-дунё ҳақидадир); Хонақоҳ қурма ва хонақоҳга ўтирма (гўшанишин бўлмаслик маъносида); Кўп самоъ (зикр) қилмаким, самоъ кўп нифоқлар келтиради ва кўп самоъ кўнгилни қолдиради; Шу билан бирга самоъи (зикр)ни инкор қилмаким, самоъи зикр аҳли ҳам кўпчиликдир. Кам гапир, кам овқатлан, кам ухла ва халқдан шундай қочким, гўё шердан қочган каби (яъни халқ орасида ҳам хилватда бўлмоқ – хилват дар анжуман). Ва хилватда ўзинг мулозим бўл. Амалдорлар ва мубтадиълар (динга янгилик киритувчилар) ва бойлар ва чаласаводлар билан суҳбат қурма; ҳалол луқма егин, шубҳадан парҳез қил; Агар қўлингдан келса хотинни хоҳлама (шаҳвоний нафсни тийиш маъносида)ким, толиби дунё бўлурсан; Кўп кулма ва қаҳқаҳ отиб кулишдан ўзингни тийгилки, кўп кулиш жонга зиёнدير; ҳамма кишиларга шафқат кўзи билан назар қил; ҳеч кимни фақиру ҳақир ҳисоблама (яъни, ўзингга тенг бил, маъносида); Ўзингнинг зоҳирийлигингни кўз-кўз қилмаким, зоҳирийлик

ботинийликнинг хароблиги билан тенгдир (яъни, ўзингни ташқи фазилатингни кўз-кўз қилмаким, ташқи кўринишнинг устунлиги ички фазилатнинг хароблиги билан тенгдир); Халқ билан тортишма (уришма); Бирор кишидан нарса сўрама ва кишига хизмат буюрма; Машойихларга (шайхларга) жону тан ва мол билан хизмат қил ва уларнинг феълларига (қилмишларига) тўскинлик қилмаким, уларга қаршилиқ қилганлар ҳаргиз омонлик топмаганлар; Дунё аҳлига мағрурлик қилма;

Сен кўнглингни ҳамиша ғамгин каби тут, (яъни, қаердадир жабрланганлар борлигини ҳис қилиб, фақат халқ ғамида бўлиш, маъносида) танинг беморсифат, кўнглинг гирён, амалинг холис, дуоинг илтижо, чопонинг эски, дўстинг дарвеш, моянанг фақирлик, уйинг масжид, ёринг Ҳақ Субҳона ва таоло бўлсин».

Мусулмон оламида тасаввуф аҳли бир неча силсила сулуқларига бўлинган (силсила-зинжир; сулуқ-суфийлик йўли). Уларнинг аҳамиятлилари қуйидагилардир:

Жаъфария – асосчиси VIII асрда яшаган Имом Жаъфари Содиқ;

Қодирия – асосчиси XII асрда яшаган Абдулқодир Жийлоний (Ғавсул Аъзами Ҳасайни-Ҳусайни) бўлиб, ота томонидан Имом Ҳасаннинг ўн биринчи, она томонидан Имом Ҳусайннинг ўн нкинчи авлоди бўлгани учун ҳам “Ҳасайни-Ҳусайни” лақабини олган);

Рафоия – асосчиси Абул Аббос Аҳмад Рафойи бўлиб, еттинчи Имом Мусо ал-Козим авлодидан бўлган;

Сафавия – асосчиси Сафиуддин Исҳоқ Ардабилии бўлиб, XIV асрда Эронда яшаган; у Мусо Козимнинг 15-авлодидир.

Неъматуллоия – асосчиси Шоҳ Неъматуллоҳ Вали бўлиб, Имом Жаъфари Содиқга бориб етади;

Ушбу силсила сулуқларидан ташқари яна кубравия, жунайдия, каландария, мавлавия, бектошия, шозалия, чиштия, суҳравардия, бадавия, хилватия, шайхия, тижжания, холидия каби силсила-сулуқлар ҳам бўлган.

Ва ниҳоят нақшбандия – тариқат асосчиси Хожа Баҳоуддин Муҳаммад ибн Муҳаммад Бухорий (Баҳоуддин Нақшбандий)

дир. «Рисолаи Баҳоия», «Сафинат ул-авлиё» каби асарларда келтиришларича, ул зот ўз отаси билан бирга кимхоб тўқиш ва нақшбандлик хунарлари билан машғул бўлганлиги жиҳатидан ҳам «Нақшбанд» лақабини олган эканлар. Яна бир ривоятга қараганда, Худо йўлида хизмат қилишни кўнглига нақш бериб банд қилганлиги, яъни кўнглига жо қилганлиги учун) ва учинчи бир ривоят бўйича эса шогирдларига гўё нақш бергандек бўлиб улардан авлиёларни тарбиялаб етиштирганлиги учун ҳам «Нақшбанд» лақабини олган. Ул зот йирик тасаввуф алломаси Саййид Амир Кулолнинг бевосита муриди ҳамда Хожа Муҳаммад Бобо Самосий фарзандлигига қабул қилинган эди. Ва лекин, «хожагон» силсила тариқатининг асосчиси ҳисобланган Хожа Жаҳон – Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний эса Баҳоуддин Нақшбандийнинг руҳониятли пирлари ҳисобланган. Шул жиҳатдан ҳам ул зот увайсий ҳисобланган. Шу билан бирга ул киши Туркистон машойихларидан Қусам Шайх ва Халил Ота каби бузурғлар хизматларида бўлганлар. Ул зотни кутб ул-актоб (қутблар қутби), ғавсул-вақт (замонасининг мададкори), Хожаи Бузург каби номлар билан улуғлашар эдилар.

Бу буюк зот яратган «нақшбандия» тариқати тасаввуфнинг силсила тариқатлари орасида энг оддий ва шу билан бирга энг улуғ тариқат ҳисобланган. Ул киши тариқати бошқа тариқатларга қараганда мураккаблаштирилмай, балки шунчалик жўн ва оддий, халқ тез тушуна оладиган сифатдаки, мусулмон оламининг аксарияти ушбу тариқатга иродат қилишган.

Баҳоуддин Нақшбанддан: «Сизнинг тариқангизда жаҳр (овозни чиқариб зикр айтиш), хилват (узлатда ўтириш) ва самъо (муסיқада рақсга тушиб зикр айтиш) борми?» деб сўрашганларида, ул киши: «Бунақа мураккабликлар менинг тариқатимда йўқдир», деб жавоб берганлар.

Яна Ҳазрати Хожадан: «Самоъ (зикр) бобида нима қилишни буюрасиз?» деб сўрашганларида, ул зот: «Мо ин кор намекунам, аммо инкор намекунам» (яъни, биз бу ишни қилмаймиз, аммо инкор ҳам яилмаймиз), деб жавоб берганлар.

Манбаларда ёзишларича, Шоҳ Нақшбанд ҳеч қачон ғулом (қул) ва канизак тутмаган эканлар. Ва бу ҳақда ул зот: «Ўзимиз

Худонинг бандаси (кули) бўлатуриб, бошқаларга қандай хўжайинлик қила оламиз», деб айтган эканлар. Бу ул буюк зотнинг фазилатларига хоксорлик билан бирга буюклик мужасамлашганидан дарак бериб турибди.

Шоҳ Нақшбанд Маккаи муаззама зиёратига (ҳажга) борганларида Курбон ҳайити куни ҳамма қурбонликлар қилган вақтида, айтган эканларки: «Менинг ҳам бир ўғлим бор. Уни ҳам Худо йўлига қурбонлик қилдим (бағишладим)», деган экан. Ўша сафарда ул киши билан бирга ҳамроҳ бўлган ҳожи ва дарвишлар бу сўзларни хаёлларига маҳкам тутганлар. Қачонки, Бухорога қайтиб келганларида маълум бўладики, Курбон ҳайити куни Ҳазрати Нақшбанднинг ёлғиз ёш ўғиллари вафот этган экан. Бу воқеа Шоҳ Нақшбанднинг ўзларини ва оилаларини ҳам Худо йўлига бағишлаганидан гувоҳлик бераётир.

Ҳазрати Мухаммад пайғамбар (с.а.в.)дан бошланиб келадиган тасаввуф силсилалари асосчилари ичида энг буюк намояндаларидан ҳисобланган Баҳоуддин Нақшбанд 791 (1389) ҳижрий йили рабиул-аввал ойининг учинчисида, душанба кечаси 73 ёшда вафот этадилар. Вафотларидан олдин ушбу байтни жанозаларидан олдин ўқишни васият қилган экан.

Байт:

Муфлисонема омада дар кўи ту
Саноуллоҳ аз жамоли рўи ту.

(Ё Буюк Оллоҳ! Фақирликда Сенинг йўлингга кирганларни хусни-жамолингдан бенасиб этма);

Ҳазрати Хожа Абдулҳолик Ғиждувонийнинг «хожагон» таълимотидан келиб чиққан нақшбандия тариқатининг асоси ўн уч (13) усулдан иборат бўлиб, Мусоҳонхожа Даҳбедийнинг «Зубдат ул-ҳақойик» асари ва бошқа манбалардан бу таълимотнинг тафсилини таҳлил этиш мумкин:

1. «Хуш дар дам». Ҳар бир лаҳзани англамоқ, яъни, Хожа Баҳоуддин Нақшбанд айтганларидек, ушбу тариқатнинг асосий ташқи рукнларидан¹ бири, шу лаҳзани ҳис қилиб, бир дам ҳам эсдан чиқармаслик; «Хуш дар дам»нинг маъноси шуки, ичкаридан (кўнгилдан) чиқадиган ҳар бир нафас хузур ва огоҳлик

¹ рукн – таянч, устун.

билан чиқиб, бу йўлда (тарикатда) ғафлат йўл топа олмаслиги керак.

2. «Назар ба қадам». Йўл юришда оёққа қараб қадам босиш, суфийлик даражаларидан бирига эришиш йўли (солики мажзуб)дан, яъни мўлжалдан адашмасликка айтилади.

3. «Сафар дар ватан». Солик (тарикат йўлидан юрувчи) ўзининг башарий табиатига кўра сафар қилиб юради, яъни бу сайри нафсоний бўлмай, балки кўнгилдан (ички) саёхат қилиш маъносида ҳам тушунилиб, баъзан буни «Саёхатнинг кўринмас томонларини башорат қилиш» деб англайдилар.

4. «Хилват дар анжуман». Одамлар орасидаги танҳолик, яъни амалда ва ҳаётда одамлар орасида (анжуман орасида) бўлса-да, кўнгил узлатида эса якка Худо билан бўлмоқлик таъкидланади. Хожаи Бузург (Накшбанд)дан сўрадилар: «Сизнинг тарикангизнинг асоси нимадан иборат?» Айтдилар: «Хилват дар анжуман – ба захир бо халқ, ба ботин бо Ҳақ» (яъни, доим одамлар орасида бўлса ҳам кўнгилда Худони зикрини айтиш, зоҳирда халқ билан, ботинда Худо билан) деб ушбу байтни айтганлар:

Аз дарун шав ошнаву в-аз берун бегонаваш

Ин чунин зебо равиш кам мебувад андар жаҳон.

(яъни, Худони сўз билангина эмас, кўнгилдан ва сидқидилдан дўст билиш керакки, бундай тарикат бошқа ерда учрамайди).

5. «Ёдқард». Яъни, буюрилган зикрни ҳамма вақт кўнгилда (хуфия) қайта-қайта такрорлаб туриш англанилади. Баъзан буни «зикри забоний» (тилга олиб зикр айтиш), «зикри руҳий» (руҳий ҳолатда зикр айтиш) ва «зикри хуфий» (кўнгилда зикр айтиш) усуллари орқали амалга оширилади;

6. «Бозгашт». Яъни, зоқир (зикр айтувчи) ҳар гал тилда ва дилда, калимаи тоййибани ўқиб, сўнгида «Худовандо, менинг мақсудим ва ризолигим Сендурсан», деб буюрилган зикрни аксарият вақтда кўнгилда қайтаради. Хожа Баҳоуддин Накшбанд айтган эканларки: «Зикрдан мақсад шуки, кўнгил билан Ҳақ таолони англамоқдур».

7. «Нигоҳдошт». Яъни, хотирани, хаёлни эҳтиёт қилиш маъносида бўлиб, зоқир калимаи тоййибани айтиш вақтида хотир-

ни жам қилиб, бир лаҳза ҳам адашмаслиги керак ва хаёлини адаштирувчи ҳар хил фикрлардан сақлаб, сергак ва огоҳ туриши керак, демакдир.

8. «Ёддошт». Завқ вақтида, яъни олдиндан кўриш (башорат қилиш) вақтида кўнгилдан Худонинг ҳозир у нозирлигини эсдан чиқармаслик, Ҳақ таолонинг муборак номини эсдан чиқармасликдир;

9. «Вукуфи замоний». Вақтнинг тўхташи, яъни одамзод ўз ҳаракатларини назорат қилиши керак; ҳаракатлари, ўтказаетган вақти ўринли бўлса, шуқр қилсин; Агар ноўрин бўлса, қилган ишига тавба қилсин;

10. «Вукуфи ададий». Ҳисобга олиш (ҳисобнинг тўхтатилиши), яъни фикрнинг адашишини ҳисобга олиб, ўқилган хуфий зикрнинг керакли маротаба қайтарилиши ҳисобини олишга айтилади; Бошқача айтганда, зикрни жуфт эмас, тоқ айтиш ҳисобини олиш керакдир, чунки, Худо тоқ – Ягонадир;

11. «Вукуфи қалбий». Қалбни тўхтатиш, яъни бир нафас тўхтаб, кўнгилдан Худони сезиш ва кўнгилда Худодан бошқа мақсад йўқлигини англаш;

12. «Лафзи нисбат» ва

13. «Лафзи бор» (сўз юки, ҳосили маъносида). Бу икки калимани Ҳазрати Хожагон (Абдулҳолиқ Гиждувоний)нинг ишоратлари бўйича гоҳида нисбат дейдилар ва бу тоифа тариқатининг кайфиятини ифодалайди ҳамда кишининг нафс мулки ва сифати ғолиблигининг қай даражадалигини аниқлайди;

Ва гоҳида эса «бор» дейдилар, агарки, киши сулук, тақво ва илм аҳлидан бўлса, бу кишининг нисбати бошқа ҳамманинги нисбатидан юкори туради; Ва ҳар нарсаси, унинг акси бўлса, унда унинг хотирасининг «бори» бўлади ва уни «лафзи бор» дейдилар; Бу борада Навоийнинг «Қаноат тариқига кир...» ғазали жуда ўринлидир:

Десанг хилватим анжуман бўлмасун,

Керак анжуман ичра хилват сенга.

Ватан ичра сокин бўлуб, сойир ўл,

Сафардин агар бўлса меҳнат сенга.

Назарни қадамдин йироқ солмагил,
Бу йўл азми гар бўлса рағбат сенга.
Дамингдин йироқ тутмагил хушни-
Ки юзланмагай ҳар доим офат сенга.
Бу тўрт иш била рубъи маскун аро
Чолинмоқ, не тонг, кўси давлат сенга.
Бу оҳанг ила бўлғасен Нақшбанд,
Навоий агар етса навбат сенга.

Ўрта Осиё, Ҳиндистон, Афғонистон, Хитой, Кавказ ва Туркиягача бўлган ерларнинг халқларигина эмас, балки ҳукмдорлари ҳам, жумладан: темурийлар, шайбонийлар, аштархонийлар, манғитлар каби сулолалар нақшбандия сулуки намояндаларига эътиқод қилишиб иродатда бўлишган.

Жомий, Навоий, Улуғбек каби улуғ алломалар ҳам бу сулука иродатлари бор бўлган.

Тасаввуф силсиласининг ҳар бир кўзга кўринган арбоби бир қанча халифаларни (ўринбосарларни) тарбият қилганлар. Ўз навбатида, ҳар бир халифа пирлик даражасига етгач, ўзи ҳам бир неча халифаларни тарбиялаган. Масалан: Хожа Юсуф Ҳамадонийнинг тўрт халифалари бўлиб, улар қуйидагилар эдилар: Хожа Абдулло Барқий, Хожа Ҳасан Андоқий, Хожа Аҳмад Яссавий, Хожа Абдулхолик Гиждувоний.

Ҳазрати Муҳаммад пайғамбар (с.а.в.)нинг тўрт халифалари (чорёрлар) бўлгани каби аксарият улуғ пирлар ул кишидан ибрат олиб, тўртта халифани тарбият қилганлар. Ушбу халифалар ўз пирларидан иршод бериш ҳуқуқини (иршоднома) олишгач, ҳар бирлари ўз тариқатлари, йўллари (сулуклари) билан кетганлар. Шу тариқа тасаввуф силсилалари бир қанча сулукларга бўлиниб илдиз отиб кетган.

Ислом оламида жамии тасаввуф силсилалари Ҳазрати пайғамбаримиздан (с.а.в.) бошланган.

КАТТАХОНХОЖА ЭШОН ДАХБЕДИЙ
(1868-1969)

Кўриб турганимиздек, тасаввуф пешволарининг баъзиларига тариқатнинг нисбати икки томондан келиб, яна икки (ёки кўпроқ) томонга тарқалиб кетган. Бунга Имом Жаъфари Содиқнинг силсила-нисбати мисол бўла олади. Шу билан бирга, баъзи муршидлар икки ва ортиқ томондан силсилани қабул қилганлар. Мисол учун, Каттахонхожа Даҳбедий «Силсилаи шариф»да Халифа Абдулкаримдан, «Силсилаи аълия»да эса амакилари Муҳаммад Аминхожа Даҳбедийдан иршод олганликлари билинади.

Шу ўринда шу гапни алоҳида таъкидлашимиз жоизки, баъзи тарихчилар тасаввуф силсиласи билан насл-насаб силсиласини чалкаштириб юборадилар, яъни устоздан шогирдга (пирдан халифага) ўтадиган маънавий силсилани, авлоддан-авлодга (отадан ўғилга) ўтадиган насл-насаб (шажара) силсиласи билан чалкаштириб юборадилар. Бу жуда катта хато.

Тасаввуф силсиласи, деб шундай фирқаларга айтилганки, уларнинг асосчилари юқорида зикр этилган машхур ва манзур кишилар бўлишиб, ўз тариқатларини тузишган. Бошқача қилиб айтганда, силсила сулуки асосчилари орасида ҳар хил табақадан чиққан намояндалар бўлишган. Силсиладаги ўринбосарлик ҳуқуқи отадан-ўғилга мерос бўлиб қолмай, балки қилган хизматларига қараб берилган ва бу кишилар билимлари ҳамда алломаликлари туфайли сулук асосчилари бўлиш шарафига муяссар бўлишган.

Тасаввуф аҳлининг пирлари катта нуфузга эга бўлсаларда, жуда ҳам дарвешона ҳаёт кечирганлар ва камбағалпарвар бўлганлар. Келган назр-ниёз ва подшоҳлар ҳадясини ўзларига олмай одамларга, мадраса-масжидларга сарфлаб, ўз томорқаларида етиштирилган мева-сабзавотлардан тановул қилишган.

Бошқа тариқатларга нисбатан нақшбандия таълимоти бошқалар меҳнати ҳисобидан яшашни инкор этади; бу таълимот бўйича инсон фақатгина ўз кучи билан ишлаб топиб, луқмасини пок-ҳалол тутиши керакдир. Чунки, сулуки нақшбандиянинг бир рукни шундан иборатки, четдан келган

нарсани емай, лукмани ҳалол-пок тутиб, Ҳақга етишишдир.

Тавба-тазарру, тоқат-қаноат, тақвордорлик, зоҳидлик, фақирлик, Оллоҳга муҳаббат, Худодан кўркиш, мушоҳада қилиш ушбу алломаларнинг сифатлари ва мақомотлари (фазилатлари) бўлган.

Баъзи муаллифларнинг таъкидлашларича, ҳар замоннинг 356 «мардони ғайб» (Ғайбдан баҳравар мард)лари бўлиб, улар: кутб ул-ақтоб (ёки ғавс), кутб, ахёр, автод, абдол, нуқабо ва нужабо каби етти табақага бўлинган. Бошқа манбаларнинг таъкидлашича, эса авлиёлар саноғи кўпроқ бўлиб қуйидаги ўн табақага бўлинган: кутб, ал-имоман, ал-автод, ал-афрод, ал-абдол ёки ар-руқабо, ан-нужабо, ан-нуқабо, ал-асоиб, ал-хукамо ёки ал-муфрадун, ал-ражабиюн. Ушбу табақа соҳибларининг ҳар бири маълум бир мавзеда яшаб ўзларига буюрилган ишларни бажаришар, агар бирорталари вафот этса, ўз халифалари орасидан янгисини тайинлашар эди.

Ўрта Осиё тасаввуф аҳли, асосан, етти табақага бўлинган бўлиб, улар қуйидагилардир: халифа, шайх, муршид, нақиб, вали ва кутбдир. Тасаввуфда энг олий табақа «кутб» бўлиб, ғавс ул-аъзам, Баҳоуддин Нақшбанд, Хожа Аҳрор Валий, Махдуми Аъзам Даҳбедий, Шайх Худойдод Валий, Алфи Соний ва Мусохонхожа Даҳбедий кабилар ўз замонларида кутб ҳисобланганлар. Ҳеч бир камолотга етган мутасаввиф олим ўз пирининг изни ва рухсатисиз иршод бериш ҳуқуқига эга бўлмаган. Тасаввуф ҳақида машҳур китоблардан бири «Иршод ул-толибин»да Имом Ҳасан Басрийдан нақл келтирилиб, ҳар ким пири комилни изнисиз (рухсатисиз) халқ иршодини қилса, (яъни, халққа тўғри йўл кўрсатишга ҳаракат қилса), бу йўлдан адашганликнинг балгиси эканлиги баён этилиб ёзилган:

«...Билгилки, эй фарзанд, шайхзода шайхлик қила олмас, саййидзода пирлик қила олмас. Ва «Шарҳи машорик» китобида келтирибдурларким, ҳар ким шайхзодалик ва саййидзодалик вақтида (яъни, иршод ҳуқуқи берилмаган ёш вақтида) пирлик даъво қилса, у золу музил бўлур (яъни, йўлдан адашган банда ҳисобланур)¹.

¹ Ўша манба, 282-саҳифа.

Энг биринчи суфийлар инсон қалбини етти қисмга (қисматга) бўлганлар, яъни етти қават осмон каби; ва ҳар қайси қисм маърифатнинг муайян жараёни вазифасини ўтаган:

Биринчи қисм (қисмат) қалб пардаси бўлиб, шайтон васваси ва куфр ишлардан қалбни асраган;

Иккинчи қисм қалбнинг ўзи бўлиб, инсон қоматининг чоп томонидадир ва унинг иймони ҳисобланади;

Учинчи қисм “шиқоқ” деб аталиб, халққа бўлган меҳр-шафқатга айтилган;

Тўртинчи қисм “фуод” аталиб, кўз билан англаб кўриладиган вақтдир;

Бешинчиси «ҳиббат ул-қалб» бўлиб, Худога бўлган муҳаббатнинг асосидир;

Олтинчиси “сувайдо” аталиб, илоҳий сирнинг (шу улуғ кишиларга) анланганидир;

Еттинчиси «муҳжат ул-қалб» аталиб, Худонинг сифатларига айтилгандир;

Тасаввуфнинг тўрт асоси: шариат, тариқат, маърифат ва ҳақиқатдир:

Шариатнинг асосий манбаларига Қуръон, суннат, ижмоъ, киёс, фатво ва одат киради;

Тариқатнинг эса луғавий маъноси «йўл» бўлиб, у тасаввуфнинг бир манзили, нафси тийиб, қалбни поклик томонга йўналтиришга айтилади;

Тариқатнинг турли даража (мақомот)ларни босиб ўтиб, «солики мажзуб» номланган янги босқичга етган суфий ҳақиқат даражасига етган ҳисобланади. Айни вақтда, суфийнинг мақомот даражаларини босиб, ҳақиқат даражасига етиши «ориф» деб аталиб, у маърифат даражасига ҳам етган ҳисобланади. Бошқача қилиб айтганда, тасаввуфнинг бу асосий даражаларини босиб, «инсони комил» (баркамол инсон)¹ йўлига кирган суфийлар Худо томонидан ёрлақалган, авф этилган ҳисобланганлар. Бу аҳл намояндалари ўзларининг риёзат, тақводор ва хоксорликлари билан халқларга, мусулмонларга ибрат бўлиб, шу ишлари билан ислом динининг ривожланишига, юксалишига буюк хизматлар кўрсатганлар. Ушбу аҳл

¹ Инсони Комил – Мухаммад (с.а.в.)га тегишли фазилат.

The page features a wide, intricate decorative border with a repeating floral pattern. In the center, a large, ornate floral frame surrounds the title. At the top and bottom of this frame are smaller, circular floral medallions. The background has a light gray halftone pattern on the right side.

ШАЙХ
ХУДОЙДОД
ВАЛИЙ
ТАРИХИ

хакида ҳатто Қуръоннинг бир неча сураларида айтиб ўтилган. Тасаввуф зухду парҳезгорликдан келиб чиққан бўлиб, Ҳазрати пайғамбар (с.а.в.)нинг ҳадислари бўйича: «Ул дунёнинг саодатига етиштиради»

Хулоса қилиб айтганда, аҳли тасаввуф намояндалари ўнлаб йиллар давомида ёзилганидек, маърифат душманлари бўлмай, балки унинг равнақи учун хизмат қилганлар. Ахир, тасаввуфнинг тўрт асосидан бирининг номи «маърифат» деб бежиз айтилмаган-ку?!

Тасаввуф аҳлининг энг буюк намояндаларини халққа таништириш энг долзарб ва мақсадга мувофиқ ишлардандир.

Ўз юртини тарихини билиш, камида етти ота-бобо ва авлоду аجدодларини таниш, бу – ўзлигини англаш, ақидаси ва қадру қимматини ҳурмат қилиш демақдир. Шундай экан, аввало маслакимизни танишимиз лозим бўлиб, бу – келгуси авлоднинг биз каби чалғимасликлари, ўзлигини билиб олишлари учун зарурдир.

ҲАЗРАТИ ШАЙХ ХУДОЙДОД ВАЛИЙ ШАХСИЯТЛАРИ

Ўрта Осиё тасаввуфи яссавия-султония-жаҳрия тариқатининг етук намояндаси «Шайх Худойдод Валий» номи билан тарихда чуқур из қолдирган бу зотнинг асл номи “Худойберди” бўлиб, унинг аждодлари бир замонлар Хоразмга келиб қолган эдилар ва уларнинг хонадонлари катта обрў-эътиборга эга эди.

Ёш Худойберди отасининг номи “Азизон Ортиқ Шайх” бўлиб, илмли ва ориф кишилардан эди. Ўша замонларда Хоразм вилоятидаги аҳоли орасида ихтилофу гина-кудуратлар ёйилиб кетганлиги сабабли Азизон Ортиқ Шайх ўз биродари Азизон Зикриё Шайхга шундай дейди: «Бу ихтилофлар тугагунча бошқа жойда яшаб турсак яхши бўлармиди!?» Зикриё Шайх дейди: «Бу ишимиздан подшоҳлик амалдорлари инсофга келиб, шариат назоратини кучайтирсалар дуруст бўларди».

Шундан сўнг улар ўз аҳли аёлларини олиб Бухоро шаҳрига кўчиб келишади ва бироздан сўнг катта ва гавжум шаҳардан кўра кичикроқ мавзени орзу қилишиб, Миёнқолдаги Кармана мавзеига кўнишади ҳамда Кармана яқинидаги Саранж (Шаранж) тоғи мавзеида жойлашган туркийзабон қавмлар орасида жойлашишади. Тоғу тошларда фақирона яшайдиган ва «оқ қавм» деб аталувчи бу аҳоли орасида яшашни улар ўзларига маъқул топадилар.

Шу даврга келиб, яъни 1461 йилда Ортиқ Шайх ўғил фарзанд кўради. Манбаларда келтирилишича, кўп саргардончилик ва офатлардан омон қолганликлари учун ҳам Худодан саодатмандлик тилаб, фарзандларига “Худойберди” деб ном кўйишади. Худойберди туғилган кечадан бошлаб қирқ кун давомида кечалари вилоят осмони мусаффо ва чароғон бўлганлиги ул зот тўғрисидаги китобларда келтирилган. Илмли киши бўлган Ортиқ Шайх туғилганидан валийлик асари зоҳир бўла бошлаган ўз фарзандига илк таълимни бера бошлайди.

Ота-онасидан жуда ёш етим қолган Худойберди мактабда илм олишни, қийинчиликлар билан бўлса-да, давом эттиради. Энг аввалги ва саодатли муаллимига ғайбдан бир овоз зоҳир бўлган экан: “Бу ёш гўдакни яхши тарбия қилғилким, қиёмат куни сенинг шафоатингга кўмак бергусидир”.

Ёш Худойберди мактаб таълимидан сўнг Самарқандга келиб, Жавзония мадрасасида шариат илмларидан сабоқ ола бошлайди. Ушбу мадрасада ўқиётган кунлардан бирида Худойбердининг асл она юрти бўлган Кармана Миёнколидан бир неча дўстлари меҳмон бўлиб келадилар. Шунда бир таниш қассоб гўшту ёғ келтириб, уларни зиёфат қила бошлайди. Қассоб бу ишларни бир неча бор қайтариб, Худойбердини сийлагач, у қассобнинг тайёр масаллиқларини ейишни ўзига ор билиб, мадраса хужрасидан бутунлай чиқиб кетади. Бу воқеа ҳали жуда ёш йигит бўлган Худойбердининг шайхлик йўлига кириб, парҳезкорликка ва, умуман, тариқат сулукига жуда эрта кириб келганлигидан далолат бериб турибди.

Шундай қилиб, хужрадан бутунлай чиқиб кетган Шайх Худойберди Регистон майдони яқинидаги Кўйи Бўстони хон мавзеидаги болохонали одми уйда уч йил фақирона умр кечиради. Кези келганда, бу ерда шу воқеани эслаб ўтиш ўринли бўлардики, Ҳазрати Шайх умрларининг охириги йилларида Самарқанд подшоси Абу Саидхон ибн Кўчкунчихон (шайбоний ҳукмдор, 1530-33 йиллар ҳукм сурган) ул зотга мухлис бўлиб, ўз саройига таклиф қилганида, Ҳазрати Шайх саройга бораётиб, ўзларининг болохонали ушбу фақир кулбаларига қараган ҳолда ҳайқириб, афсус чеккан эканлар. Демак, Ҳазрати Шайхнинг мижози шундай тузилган эдики, саройдаги кошонадан кўра ушбу фақирона кулбани афзал кўрар ва бу фано даражасига етишганликнинг белгиси эди.

Шайх Худойбердининг талабалик йиллари ҳақидаги сўзларни давом эттириб, «Ламаҳот» китобидан ушбу нақлни келтираманки, у Ҳазрати Шайхнинг ўз сўзларидан олинган: «Бир куни мен Самарқанддаги Мирзо Улуғбек мадрасасида толиби илмларнинг фалакиёт фани соҳасидаги мунозараларини ҳавас билан кузатдим. Уларни бир-бирига муҳолиф топдим ва ўзим учун риёзатчилигим туфайли самовий сирларни кашф этдим». Бу ёзишмаларда икки нарса биз учун аҳамиятлидир; биринчиси шуки, суфиёна тарбияни олган Шайхнинг фалакиёт соҳасидаги мунозараларга «ҳавас билан» қараши бўлиб, ханузгача бизга тасаввуф аҳлини бу илмга зид бўлиб

келган, деб ўргатишар эдилар; иккинчиси шуки, Шайхнинг Самарқанддаги талабалик йилларида (яъни, XV аср охирларида) ҳам Мирзо Улуғбек мадрасасида илоҳиёт илми олиб борилиб турилганлигини эътироф этилишидир. Чунки, шу чоққача, Улуғбек шаҳид бўлгач, мадраса ва расадхонасида бу илмларни дарс бериш тўхтатилган эди, деб уқтириб келишган эдилар.

Илм ва риёзатчилик туфайли юқори мартабаларга етишган Шайх Худойберди ўзига маънавий пир ахтариб, жаҳрия тариқатининг машҳур арбоби Шайх Жамолиддин Азизоннинг хузурларига боради ва кўл бериб, иродатига киради. Манбаларда қайд этилишича, учрашув чоғида Шайх Жамолиддин ул кишидан: «Исмингиз нима?» деб сўраганларида: «Исмим Худойберди», деб жавоб берганлар. Шунда Шайх Жамолиддин: «Моро Худой дод (Менга сизни Худо етказди), энди сизнинг номингиз “Худойдод” бўлғусидир», деган эканлар. Ва, шундан эътиборан, ул зот “Худойдод” номи ила машҳуру манзур бўлганлар.

Соҳиби каромату мақомат ва ҳаддан ташқари хориқулудда сифатларга эга бўлган Шайх Худойдод кибру ҳавоии нафслардан парҳезда бўлган энг тақводор табақа намояндаларидан бири бўлиб, сабру қаноат ва риёзатчиликлари туфайли фано даражасига етганлар ҳамда «валий» деган улуғ номга сазовор бўлганлар.

ШАЙХ ХУДОЙДОД ВАЛИЙ КАРОМАТЛАРИ

Ҳазрати Шайх Худойдод Валий соҳибкаромат авлиё бўлиб, ғайб асрорларидан огоҳ ва ўткирнафас зот бўлиб, лекин худабехуда каромат кўрсатмай, ўзларини камтарин тутар эдилар.

«Ламаҳот»га кўра, мухлислардан бири бўлмиш Мавлоно Ошубийнинг нақл қилишича, бир куни унинг отаси Шайх Худойдод Валийга шундай савол берган: «Устозингиз Шайх Жамолиддиндан кўп кароматлар содир бўлар эди, лекин негадир сиздан ҳеч бир каромат содир бўлганлигини кўрмаётибмиз?!» Шайх Худойдод Валий шундай жавоб берибдилар: «Сен ўзингни сўфийлардан деб билсанг-да, лекин ҳаром луқмани

еб олдимга келгансан». У киши сўради : «Қанақа ҳаром нарсани еб келибман?» Ҳазрати Шайх дедилар: «Зикрдан сўнг уйингга бориб хотинингга: «Нон келтир!» дединг. Хотининг нон пишириш учун ўтин йўк, деди. Сўнгра ўғлинг Ошубийга ғазаб қилиб, нега ўтин келтирмадинг, деб уни сўкдинг. Шундан кейин Ошубий уйдан чиқиб, фалон кишининг боғига, эгасининг рухсатисиз кириб, бир боғ ток ўтинини ўғирлаб келтириб тандирга солди. Сўнг хотининг нон пиширди. Сен эса ўша ўғирланган ўтиндан пишган нонни еб олдимга келдинг ва мендан каромат талаб қилаётирсан».

Ҳазрати Азизон Шайх Худойдод Валийнинг бу кароматларини ул киши эшитиб, ниҳоятда таъсирланибди ва тезда уйига бориб ўғли Ошубийдан сўраб-суриштира, воқеа Ҳазрати Шайх айтганларидек бўлган экан. Шунда ота-бола бир катта кўчкорни тухфа учун ниёзмандликка олишиб, Шайх Худойдоднинг хузурларига келишибди. Ўшанда Ҳазрати Шайхнинг муборак лафзларидан ушбу сўзлар жорий бўлган экан:

Мазмуни:

Гар каромат қилсак, тухфалар келтирадилар,
Агар қилмасак, чунон гаплар таркатадилар.

Яна ўша манбада “Мавлоно Муҳаммад” исмли машойих шундай нақл келтирган: «Биз зубдат ул-авлиё Ҳазрати Амир Халил Майдонийнинг мажлисида сабоқ олар эдик. Ўша мажлисда Ҳазрати Шайх Худойдод Валий ҳақида сўз бориб, баъзилар: “Ул зот қутблик даъвоси қилиб юрибдилар”, деб гапиришди. Шунда Амир Халил дейди: «Агар Шайх Худойдод билан учрашиб қолсам адабини бериб қўяр эдимки, ўзининг ҳамма даъволарини фаромуш қилар эди».

Неча вақт ўтиб Амир Халил Майдоний сайр учун Карманага борганида Шайх Худойдоднинг манзилларига ташриф буюради. Мулоқотдан сўнг Шайх Худойдод Амир Халилга унинг ўзи ҳақидаги айтган сўзларини эсига солади. Шу пайтда Амининг томоғига бир нарса тикилган каби овоз чиқариб гапира олмай қолади. Шундан сўнг Шайх Худойдод ўз уйларига кириб кетадилар. Ўша мажлис ахлларидан бири савол бериб, бу воқеаларнинг тафсилотини сўраганида, Амир Халил шундай

деган: «Шайх Худойдод ҳақиқатан ҳам валий экан, ҳар вақтки мен ул зотга танбех бермоқ учун оғиз очганимда, томоғимга бир нарса тиқилиб қолиб, сўзимни айта олмасдим».

Шундан сўнг Шайх Худойдод Валий ўз хоналаридан очик чехра билан чиқиб келадилар ва дейдилар: «Энди, гумонли ва инкорли ишларингизни кўнглингиздан чиқариб ташланг».

Шу каби бир неча ажиб воқеалардан сўнг Ҳазрати Шайх Худойдодга «Валий» лақаби мусаллам бўлади.

ШАЙХ ХУДОЙДОДНИНГ ШЕЪРИЯТИ

Кўпгина тасаввуф арбоблари сингари Шайх Худойдод Валий ҳам ўз фаолиятларини сўфийлик одобу ахлоқини тарғиб этувчи мутафаккирлик билан чегаралаб қўймай, балки шеърият бобида ҳам қалам тебратганлар.

Ҳасанхожа Нисорийнинг «Музаққир ул-аҳбоб»¹ асарида шундай дейилган: «Шайх Худойдод гоҳида фикрига келган дурларни назм ипига терибдилар. Бу матлаъ уларнинг шариф мақолатларидандир.

Тонг маҳал жон дилидан оҳ чеккан ҳар банда,
Нола туфайли ўз Худоси томон катта йўл очади.

Шайх Худойдоднинг бу матлаъсидан шу маъно англаниладики, ҳар киши ҳар тонг яхши, эзгу ишларни ният қилиб уйғонса, ул киши ҳақиқат йўлида катта қадам қўйган бўлар экан.

Шайх Худойдод Валий ижодиётига назар қилар эканмиз, уларда ҳикматлар ижодининг асосини ташкил этишини ва бунда Шайхнинг рухониятли пирлари – Хожа Аҳмад Яссавий ҳамда Сулаймон Боқирғонийларнинг таъсири катта бўлганлигини кўрамиз. Шайх Худойдод Валий ўз ижодида халқни сабр-каноатга, ибодатга, меҳр-муҳаббатга, дўстликка ва осойишталикка чақирган бўлса, ҳукмдорларни эса адолатга, шафқатга, тинчликка даъват этганлар. Ул зоти бобаракот ўзларининг тарихий-маърифий фаолиятларини ижодий фаолиятлари билан уйғунлаштириб, булардан жамият манфаати учун унум-

¹ Ҳасанхожа Нисорий. «Музаққир ул-аҳбоб» Т. А.Қодирий.1993. 36-37 бетлар.

ли фойдаланганлар. Ҳазрати Шайхнинг «Маноқиб»ларида келтирилган ана шундай сермазмун ҳикматли ашъорларидан икки шингилини эътиборингизга ҳавола қиламиз:

Кўймағил ҳаргиз бу савдо, ҳам бу савдо ишқида,
Қилмағил холи кўнгулни дардин асло ишқида.
Бўлмадим ушбу жаҳондони жиҳат эрди манго,
Икки олам ичра мен бўлсам ҳувайдо ишқида.
Мен азалдин ёр учун туштум бу савдо йўлиға,
То абад бўлсам тағи ҳайрону пайдо ишқида.
Не жиҳат бўлди менга келмак башарлиғ сорига,
Яъни, ул сир ниҳон тоқи очулса ишқида.
Эй Худойдод, сирни дилни очмағил ҳар хираға,
Кўп риёзатлар керакдур, кўп фаноё ишқида.

* * *

Бевафолиғ олами мандин манго, мендин манго,
Лутфидин қилмоқ вафосидин санго, сандин санго.
Кўп жафолар кўрсаттим ҳам ўзима, ҳам ўзима,
Кўп иноятлар бўлур Сандин санго, Сандин санго.
Неча ноаҳиллиғ қиламен, севмагум ғайрингни мен,
Ҳадди йўқ мунча иноят лутф илан Сандин манго.
Дўстлиғдин халқ қилдинг ғам тоғи лутфинг билан,
Барча оламдин иноят ғам тоғи Сандин манго.
Эй Худойдод, ишқида қилғил таманно васлидин,
Васлини жумла халойиқға тила, андин манго.

Дарҳақиқат, Ҳазрати Шайх Худойдод Валий одамизот учун энг олий мукофот бўлган Худо васлига етишишни, аввало, «жумла халойиққа» тилаб, сўнггина ўзларига ҳам тиланган буюк зот, шу билан бирга фано даражасига етишган етук мутасаввиф алломаи замонликларини нафақат ул кишининг мақомотларидан, балки назмларидан ҳам билиб олишимиз мумкин.

ШАЙХ ХУДОЙДОД ВАЛИЙНИНГ НИСБАТИ МАЪНАВИЯТИ (ЖАҲРИЯ ТАРИҚАТИДА)

«Жаҳрия силсиласи Ҳазрати Расули Акрам саллаллохи алайҳи васалламдан халифаларга, сўнгра эса Имом Ҳасанга кейин Шох Абул Муҳсинга, сўнгра Шох Мусога, сўнг Довуд ал-Муросга, сўнг Яхё Зоҳидга, сўнг Саййид Абдуллога, сўнг Мусо Чангийга, сўнг Муҳаммад Солиҳга, сўнг Ҳазрати Ғавсулсақалайн Шайх Абдулқодир Жийлонийга, сўнг Шаҳобиддин Сухравардийга, сўнг Ҳазрати Султон Хожа Аҳмад Яссавийга, сўнг Ҳаким Отага, сўнг Занги Отага, сўнг Садр Отага, сўнг Ямин (Эламин) бобога, сўнг Шайх Алига, сўнг Шайх Мавдудга, сўнг Ходим Шайхга, сўнг Шайх Жамолиддинга, сўнг Шайх Худойдод Валийга, сўнг Мавлоно Кўҳи Нурийга, сўнг Қосим Шайх Карминагийга, сўнг Пирим Шайхга, сўнг Олим Шайхга, сўнг Мавлоно Усмонга, сўнг жомеъ ус-сулук Мавлоно Муҳаммадга келиб етди».

Ҳазрати Шайх Худойдод Валийнинг энг яқин халифа ва саҳобалари куйдагилар эдилар: Қосим Шайх Азизон; Пирим Шайх Азизон; Хожа Муллои Нурий; Валии Кўҳзарий; Қамбар Шайх Матжоқ Ҳофиз; Бобои Тиркаш; Шайх Дарвеш Азизон; Ориф Сўфий; Мавлоно Хуш Муҳаммад Азизон; Азизон Мавлоно Вали; Шайх Обид; Жон Давлат Хокий; Хузурбўлди Сўфий.

ШАЙХ ХУДОЙДОД ВАЛИЙ ВА МАХДУМ АЪЗАМ ДАҲБЕДИЙ МУЛОҚОТЛАРИ ЗИКРИДА

Ҳазрати Махдуми Аъзам Даҳбедий ва Ҳазрати Шайх Худойдод Валийларнинг ёшлари тенг бўлиб, иккаласи ҳам 1461 йилда туғилган эдилар. Бирлари ўз замонасида энг улуғ силсила ҳисобланган накшбандия-аҳрория-даҳбедия сулукининг назариётчи олими ва пешвоси ҳисоблансалар, иккинчилари эса яссавия-жаҳрия-султония тариқатининг пешвоси сифатида фаолият кўрсатгандирлар.

Ўзаро дўстлик муносабатида бўлган бу икки буюк зот тасаввуфий мунозараю баҳслар олиб боришганликлари туфайли

ўз тариқатларини бир-бирларидан фойдаланган ҳолда бойи-тишган. Махдуми Аъзам Даҳбедий ва Шайх Худойдод Валий ўрталаридаги дўстона муносабатлар, тариқат мулоқотлари ушбу икки силсила намояндалари учун ибратли характерга эга бўлган.

Ўзбекистон Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, профессор домла Ботирхон Валихўжаев 1993 йили 11 сентябрдаги «Зарафшон» газетасида чоп этилган «Махдуми Аъзам Даҳбедий» номли мақолаларида ёзадилар: «...Хожагий Махдуми Аъзам Фазирага етганларида, шу даврнинг танилган шайхларидан Бобо Худойдод Валий билан учрашиб, бир-бирларининг суҳбатларидан баҳраманд бўладилар. Маълумки, Бобо Худойдод Валий яссавия-жаҳрия-султония тариқатининг кўзга кўринган муршидларидан бўлиб, Шайбонийхон ҳамда темурийзода Бобур мирзонинг хурматига сазовор бўлган эди. Махдуми Аъзам Даҳбедий Бобо Худойдод Валийга шундай катта таассурот қолдирганки, натижада Бобо Худойдод Валий туя жунидан ўзларига тўқилган тўнни мамнуният билан Махдуми Аъзамга тухфа қиладилар. Бу ҳол тасаввуф тариқатида эътироф этиш ва юксак даражада қадрлаш рамзи сифатида тушунилади...»

«Жомеъ ул-мақомот»да эса ушбу таъсирли воқеа келтирилган: «Нақл қилибдурлар, қачонки Ҳазрати Махдуми Аъзам Аҳсикат вилоятдан Самарқандга кўчиб келаётганларида Ҳазрати Шайх Худойдод Валийнинг манзилларига (Фазирага) ташриф буюрадилар. Улар орасида ошночилик ва дўстлик мулоқотлари ўша вақт бошланган эди. Ҳазратнинг ташрифларидан хурсанд бўлган жаноби Шайх Ҳазратлари меҳмонга ўзлари хизматда бўлдилар. Онҳазрат (Махдуми Аъзам. К.К.) айтар эдилар: «Сиз ёнимда турунг, токи бир-биримиз билан суҳбатда бўлайлик». Ҳазрати Шайх дейдилар: «Агар туриб қолсам, қўрқаманки мулозимлар хизматида камчилик бўлиб қолиши мумкин, шу жиҳатдан ўзим (меҳмонга) хизмат қилмоқдаман.

Аср вақти бўлгач, муаззин азон айтиб, такбир келтиради. Онҳазрат (Махдуми Аъзам) Ҳазрати Шайхга дедилар: «Сиз намоз имомлигига ўтинг». Ҳазрати Шайх кутиб, индамай турдилар. Иккинчи бора илтимос қилинган, Ҳазрати Шайх

дедилар: «Ҳазрати Махдумано! Аввалги бора имомликка ўтишимни сўраганингизда, узрхоҳлик тариқи юзасидан индамай кутиб турдим ва шунинг учунки, охири вақтларда шу ҳолга тушиб қолганманки тўрт ракаатлик намозларни икки ракаат қилиб ўқийман ва икки ракаатли намозларни эса тўрт ракаат қилиб ўқийман. Ва бу каби ҳаёлий эсдан чиқаришлар менинг ҳолатимда қолиб келгандир». Бунга жавобан Онҳазрат-Махдуми Аъзам дедилар: «Сиз бу мартаба ва мақомдан янада (юқори) ўтибсиз; ва энди бу даражада туриб қолишингиз жоиз эмасдур» (яъни, янада юқорироқ мартабага эришганлигингизни ҳис этишингиз лозимдур, К.К.), дедилар ва ушбу байтни ўқидилар:

Таржимаси:

Эй биродар, бу бениҳоят улуғ даргоҳким,
Тариқат қай даражасига етсанг, тўхтамай ўт.

Икки бузургвор ўз суҳбатларининг адосидан сўнг, Ҳазрати Шайх ўз қўллари билан туя жунидан тўқилган тўнларини ниёз тариқасида улуғ меҳмоннинг муборак қўлларига тутқаздилар.

Онҳазрат (Махдуми Аъзам) ҳам ўз фараж-рўмол ёпинғичларини ул зотга кийгиздилар. Шундан сўнг ушбу икки тариқат (нақшбандия-хожагон ва жаҳрия-султония) раҳбарлари кўп йиғлашиб хайрлашадилар». («Жомеъ ул-мақомот»дан айнан таржима қилинди).

Бу икки тариқат бузургворларининг яна бир учрашувлари «Ламаҳот»да келтирилган: ...Бозор айёмида Мавлоно Хожагий Косоний (яъни, Махдуми Аъзам Даҳбедий) Самарқанднинг Даҳбед мавзеидан Фарғона водийсининг Ахсикат мавзеи томон жамии ёронлари билан бораётиб, Шайх Худойдод Валий яшайдиган Фазира яқинида тўхтайдилар. Шайх Худойдод Валий ул зотнинг келганларини эшитиб, истикболига пешвоз чиқадилар ва ўз манзиллари – Фазирага таклиф этадилар. Лекин, Махдуми Аъзам ҳамроҳларининг ва от-уловларининг кўплигини айтиб, Шайх Худойдодни ташвишга кўймаслик учун узр сўрайдилар. Ночор, Шайх Худойдод Валий уйларига равона бўладилар. Ул зот йўлда ўз ҳамроҳларига дейдилар: «Мавлоно Хожагий Махдуми Аъзамни зўрлик ила ўз уйимизга келтирамиз».

Кеч кириб, оқшом пайти ёмғир ёға бошлагач, Махдуми Аъзамнинг чодирларидан сув ўта бошлади. Шунда Махдуми Аъзам ўз ҳамроҳларига жилмайиб дедилар: «Мавлоно Худойдод бизни ўз уйларига олиб бормагунча, кўймайдилар». Ва жамии ёрону асхоблари билан Шайх Худойдод Валийнинг манзилларига отланадилар. Ўша кеча Шайх Худойдод Валий меҳмонлар шарафига меҳмондорчилик буюриб, эртаси бомдод намозидан сўнг катта маърифий мажлис барпо қиладилар. У мажлисда мезбон меҳмонларга ўз тариқати юзасидан мушоҳадалар билдиради. Меҳмон бўлиб келган Махдуми Аъзам эса бу мушоҳадаларни тинч ўтириб эшитиб борарди. Бу тоифадаги зоҳид кишилар шу одатни қабул қилишганки, мезбон тариқа баёнини сўзласа, меҳмон жим ўтириб эшитиб бориши керак. Шу маънода «Ламаҳот»да айтилишича, қачонки нақшбандия тариқати пешвоси Ҳазрати Хожа Муҳаммад Порсо Ҳирот шахрига келиб, Шайх Зайниддин ал-Хавофийнинг уйларига ташриф буюрганларида мезбон сўзлаган, меҳмон эса куни билан эшитган. Ва аксинча, қачонки бошқа кунида Шайх Зайниддин ал-Хавофий Ҳазрати Хожа Муҳаммад Порсоникига меҳмон бўлиб келганида мезбон сўзлаб, меҳмон эса эшитиб борган.

Ушбу манбада яна бир қизиқ ҳолат баён этилган. Миёнколда яшайдиган Мавлоно Иброҳим садрнинг отасини уйига Махдуми Аъзам, Шайх Худойдод ва Шайх Ҳусайн Хоразмий (кубравия тариқати пешвоси, 1465–1551 йиллар яшаган) каби уч тариқатнинг, яъни нақшбандия, жаҳрия ва самоъия тариқатларининг буюк намояндалари меҳмон бўлиб келишади. Анча вақт бир-бирлари билан мулоқот қилганларидан сўнг, Шайх Ҳусайн Хоразмий машшоқни чақириб най чалишни буюради. Най чалина бошлагач, ул зот ўз тариқалари бўйича самоъия зикрга тушиб кетадилар. Қолган иккаласи тик туриб эшитишади. Кейин Махдуми Аъзам ва Шайх Худойдод Валий ҳам навбатма-навбат ўз тариқатлари зикрларини қилишганда, қолганлари тик туришиб бошқа тариқатга ҳурмат бажо келтиришадилар. Ушбу уч улуғ зотлар бир-бирларининг тариқатларига бундай ҳурматда бўлишлари тасаввуф тарихида катта ижобий рол ўйнагандир.

ШАЙХ ХУДОЙДОД ВАЛИЙ ВА ҲУКМДОРЛАР

Халқ орасида жуда катта шуҳрат қозонган тасаввуф арбоби – Шайх Худойдод Валий ўз замонасида кўпгина ҳукмдорларнинг эътиборида эди. Подшолар кўпинча ул зотнинг ўсиб бораётган нуфузидан ўз манфаатлари йўлида фойдаланмоқчи бўлардилар. Лекин, Ҳазрати Шайх ўз таъсирини фақатгина халқ осойишталиги, фаровонлиги йўлида сарфлар эди. Ул киши ҳеч қачон ҳукмдорлар ҳузурига ўз фойдасини кўзлаб бормаган. Чунонки, Ҳазрати пайғамбар (с.а.в.) ҳадиси шарифларида айтилган: «Олиму донишмандларнинг энг ёмонлари (ўз манфаатларини кўзлаб) ҳукмдорларни зиёрат қилади», деган маънини Шайх Худойдод ўз фаолиятларининг шиори қилиб олган эдилар.

Шунга қарамай Ҳазрати Шайх ва баъзи ҳукмдорлар орасида бўлиб ўтган воқеаларни эслаб ўтсак.

«Тарихи Роқимий»да келтирилишича, 1511 йилнинг кузида Бухоро ва Самарқандни темурий Бобур мирзо эгаллаб, ўзбек султонлари Туркистонга чекинаётганида Шайх Худойдод Валий уларни койиб: «Сенларга ўзбеклар керак эмасму?» деб хитоб қилганлар. (Ўша замон пиру муршидларининг Бобур мирзога қарши чиқишларига сабаб шу эдики, Мовароуннахр аҳлига кўп жабрлар етказган қизилбошлилар билан Бобур мирзо келишган ҳолда ўзбек шайбоний султонларига қарши уруш олиб борган эди).

Айнан шу воқеанинг давоми «Ламаҳот»да янада кенгроқ берилган. Унда келтирилишича, “Амир Набира” номи ила машҳур бўлган “Амир Суннатилло” исмли киши нақл қилибдурки, Шохбекхоннинг (яъни, Шайбонийхоннинг) 1510 йилда шаҳид бўлганидан сўнг жамии ўзбек султонлари Мовароуннахрни ташлаб, Дашти Қипчоққа қочадилар. Ҳокимиятни эса темурзода Бобур мирзо эгаллаб олади. Бир неча муддат ўтгач Ҳазрати Шайх Худойдод Валий ўз саҳобаларидан бири – Ориф сўфийга хитоб қилиб дейдилар: «Ориф, сенга ўзбегинг керакму?» Ориф тавозе ила сукут сақлади. Шунда Ҳазрати Шайх яна дедилар: «Изтироб қилмағилки, яқинда яна ўзбек подшоҳ бўлғусидир».

Шундан сўнг, Убайдуллохон ибн Маҳмуд Султон 1512 йил

бахорида лашкар тортиб Дашти Қипчоқдан келади. Қачонки, Убайдуллохоннинг келаётгани хабари Бобур мирзога етгач, у амирларидан бирини Ҳазрати Шайх Худойдод Валийга юбориб, фотиҳа беришни ва тарафдори бўлишни сўрайди. Ҳазрати Худойдод фотиҳа ўқигач, айтадилар: «Ҳар ким мусулмонроқ бўлса ўша подшоҳ бўлғусидир» (Шайхнинг ушбу сўзлари «Тарихи Роқим» китобида ҳам келтирилган).

Бу сўз Бобур мирзога етгач, ул ҳақгўй подшоҳ буни эътироф этиб шундай деган: «Ҳақиқатан, Убайдуллохоннинг мусулмонлиги биздан ортиқроқдур». Бобур мирзонинг бу эътирофига сабаб шу эдики, у Мовароуннаҳрни қизилбошлилар лашкарлари ёрдамида босиб олган ҳамда бироз бўлса ҳам сунний – Имоми Аъзам мазҳабига зид ишларни билиб-билмай қилиб қўйган эди. Шайбоний Убайдуллохон эса ўз вақтида қасам ичиб: «Агарда Мовароуннаҳрни қайтариб эгаллаб олсам, кейин бир умр диндор ҳукмдор бўлиб қоламан», деб ваъда берган эди. Бу воқеалар, албатта, Шайх Худойдод Валий каби тасавуф арбобларини Бобур мирзодан йироқлаштириб, шайбоний султонларига яқинлаштирди.

«Мақомот»да келтирилганки, юқоридаги вазият юзасидан Бобур мирзо ўз пиру муршиди Махдуми Аъзам Даҳбедийнинг ҳам олдиларига келганида, ул зот: «Сенинг жойинг қора ерда (юртда)», деган жавобларидан Бобур мирзо ранжиган ва: «Ё Раб, бу не юз қаролиғ бўлди», деб ғазалларида фиғон қилганди. Кейинчалик давр тақозоси билан Ҳиндистон (қора) заминига подшоҳ бўлиб, «қора юрт»нинг маъносини тушунгач, муршидига икки дона олтин ғишт, совғалар ва «Рисолаи волидия»нинг¹ ўзбекча назмий таржимасини ушбу рубойига қўшиб жўнатган эди:

Мазмуни:

Ҳавойи гумроҳ нафсимиздан умрни хазон этдик,
Авлиёлар наздида ўз феълимиздан шармандамиз.
Вафо тариқидан бизга бир назар солингким,
Шоҳликни ташлаб, Хожагийга² мурид тушайлик.

¹ «Рисолаи волидия» – Хожа Аҳрор Валийнинг рисоалари назарда тутилмоқда.

² Махдуми Аъзамнинг исмлари Мавлоно Хожагий Косонийдир.

Баъзи манбаларда ёзилганки, подшолар Шайх Худойдодни саройга таклиф этганларида, иштиёқсизлик билан борганлари, тухфалар берганларида қабул қилмаганликлари ҳақида турли воқеаларни келтиришган. «Ламаҳот» муаллифи Олим Шайх Азизоннинг пиру устози бўлган Пирим Шайх Азизон ўз отаси Қамбар Шайх номидан ушбу нақлни келтиради: «Қачонки, Қамбар Шайх Самарқандга келганида ўша замон подшоҳи Абу Саидхон саройига ташриф буюради. Ўшанда Абу Саидхон икки тиззасига оғриқ пайдо бўлиб юролмай ётган экан. У Қамбар Шайхга арз қилиб, қанча малҳам кор қилмаганини ва энди бир умиди Шайх Худойдоддан эканлигини айтади. Бу хабарни Шайх Худойдодга етказганларида ул зот дарҳол Самарқандга етиб келади ва Абу Саидхонга, бугун шаҳар аҳлига ош (зиёфат) беришни маслаҳат беради. Шундан сўнг Шайх Худойдод Валий бутун шаҳар аҳли билан биргаликда Абу Саидхонга дуои хайр қилади ва ўшал онда Абу Саидхоннинг оёғи сиҳат топиб юриб кетади. Маснавий:

Мазмуни:

Биз Ҳақ таолонинг шогирд – табибларимиз,
Ишқимиз Унинг ишқидан сабоқ олади.

Абу Саидхон хурсандчилигидан Шайхга катта инъомлар ниёз қилса-да, лекин Шайх Худойдод уларни олмай, шаҳар аҳлига тақсимлаб беришни буюради. Сўнгра шаҳарда жойлашган ўзларининг хонақоҳларига бориб, ходимга дейдилар: «Менинг қорним оч қолди, бироз егулик олиб кел». Ходим айтади: «Подшоҳнинг зиёфатидан озроқ егулик олиб келган эдим». Бунни эшитган Шайх Худойдод Валий ғзаб билан айтади: «Менинг озикланишим Абу Саиднинг қўлига қараб қолган эмас ва мен подшоҳлар пулидан рўзғор ўтказмайман; ўчоқдаги қозонга сув қуйиб, оловни ёқ, бу ёғи бир гап бўлар». Шу вақтда бир киши бир қуй етаклаб келиб тухфа қилади. Ўша қўйни сўйиб, хонақоҳ аҳлига зиёфат беришади. «Ламаҳот»даги бу лавҳа тасаввуф моҳиятининг баъзи қирраларини тушунтиришда чуқур маъно касб этади. Зероки, тасаввуф таълимоти арбоблари назр-ниёз олишни ўзларига эп кўрмай, фақатгина тухфалар олишган ҳамда лукмаларини ҳалол тутиб, Ҳаққа етишишган. Чунонки,

бу ақида Ҳазрати пайғамбар (с.а.в.)дан қолган удум бўлиб, нақл қилишларича, бир киши Ҳазрати пайғамбар (с.а.в.)га бир коса таом назру ниёз қилганида ул зот ўзлари ҳам емаган ва набираларига ҳам едирмаганлар. Қачонки, ўша киши косани қайтариб олиб кетиб, бошқа косада бошқа таомни келтириб: «Бу тухфа» деб берганларида Ҳазрати пайғамбар (с.а.в.) уни «Бисмилло» деб набиралари ила тановул қилган эканлар. Тасаввуф арбобларининг назр-ниёз олмай, уни халққа тарқатишлари пайғамбар (с.а.в.) қоидаларига, ҳадисларига амал қилиниши туйфалидир.

ШАЙХ ХУДОЙДОД ВАЛИЙ ФАРЗАНДЛАРИ

Турли манбаларда Ҳазрати Шайх Худойдод Валийнинг фарзандлари сонини турлича келтиришган бўлиб, унинг Фазирадаги авлодлари қайси фарзандидан эканлиги талқини ҳам турлича тарзда берилган. Лекин, биз бу рисоламизда асосан «Ламаҳот»дан фойдаландик. Негаки, унинг муаллифи бўлган Олим Шайх жаҳрия тариқатининг ўз замонасидаги муршиди бўлганлиги билан бир қаторда, ўзининг руҳониятли пирларидан ҳисобланган Шайх Худойдод Валий фарзандларининг тарихини яхши билган. Бунинг устига, у Самарқанд мадрасасида дарс берган энг олиму фозил кишилардан бири эди. Шунинг учун ҳам унинг ёзишмалари ва Фазира қабристонидаги қабр тошларида ёзилган насабномалар Шайх Худойдод Валийнинг авлод нисбасини тиклашда биз учун энг саҳиҳ манба деб топилди.

Шайх Худойдод Валий тўрт фарзанд кўрганлар. Қуйида Шайхнинг фарзандларини кўриб чиқамиз:

1. Солиҳ. Бу киши Шайх Худойдод Валийнинг ягона ўғил фарзандлари бўлиб, ўн олти ёшга етгач, уни бир қизга никоҳлаб кўйишади. Лекин, Солиҳнинг у қизга кўнгли бўлмаганлигини кўрган Шайх Худойдоднинг кўнгиллари ғамгин бўлади. Кўп ўтмай ул фарзанд муз устида юраётиб тойиниб кетади ва бўйни синиб вафот этади.

2. Солиҳа Биби. Бу фарзанд Шайх Худойдоднинг тўнғич қизлари бўлиб, унинг бир қизчаси ҳам бўлиб, у қизча

гўдаклигида вафот этади. Қизчанинг онаси – Солиҳа Биби ҳам Шайх Худойдоднинг ҳаётлик вақтларида вафот этган ва ундан фарзанд боқий қолмаган эди.

3. Биби Ҳадя. Ҳазрати Шайхнинг ушбу қизлари саййидлардан бўлган Амир Тақиуддинга никоҳланган. Нисбати маънавиятда Амир Тақиуддин ўз бобоси Амир Шамсиддин ибн Амир Иброҳимга иродатда бўлиб, унга қўл берган эди. У эса, ўз навбатида, Машхур Шайх Розиюддин Алининг муриди эди. Бу ҳужжатда ёзилишича, Амир Шамсиддин теурий ҳукмдорлар Шохрух мирзо ва Улуғбек замонларида аввал Мадинадан Хуросонга, сўнгра эса Самарқандга келиб, подшоларнинг хизматларига сазовор бўлган. Биби Ҳадяга қайтсак, баъзи манбаларга кўра, у Шайх Худойдоднинг тўнғич қизлари бўлган ва отасининг ҳаётлик вақтида вафот этган. Аммо ундан уч ўғил қолган. Улар Хожа Абдулбосит Азизон, Хожа Калон ва Хожа Хурдлардир. Хожа Калон ва Хожа Хурдлардан насл қолмаган. Бу ҳақда «Ламаҳот»да аниқ маълумотлар келтирилган.

Ва лекин Хожа Абдулбоситдан боқий насл қолган бўлиб, ҳозирги Фазирадаги Шайх авлодлари, айнан ушбу Биби Ҳадянинг “Хожа Абдулбосит” деб аталмиш ўғлидан тарқалган. Ҳазрати Шайх Худойдод Валий дахмалари устидаги қабртошда ёзилган «насабнома»да ҳам, қўлимиздаги Шайх Худойдод авлодларининг шажараларида ҳамда «Ламаҳот»да ҳам шу фикр тасдиқланган. Ахир, бу ёзишмалар муаллифи ўз авлодлари ва устозлари нисбаларида адашмасалар керак! 30 ёшда вафот этган Хожа Абдулбосит ҳаммага манзур бўлган ҳамда Қосим Шайхнинг сеvimли шогирларидан бўлган эди.

4. Биби Маҳзуна - «Ламаҳот»да “Биби Маҳзума” деб ҳам аталган бу қиз Шайх Худойдод Валийнинг кенжа ва яхши кўрган фарзандларидан бўлиб, “Амиршоҳ” исмли кишига никоҳлаб берилган. Амиршоҳ хожагон тариқатининг машхур пирларидан бўлган Амир Саййид Кулолнинг халифалари Амиршод авлодидан бўлиб, бу ҳам саййидлардан ҳисобланган. Шайх Худойдод Валийнинг у саййидни ўзларига куёв қилиб олишлари сабаби «Ламаҳот»да ушбу тариқа келтирилган: Амиршоҳнинг отаси Шайх Худойдод Валийнинг яқин муридларидан бўлиб, кунлардан бир кун

Ҳазрати Шайх ул саййиднинг уйига ташриф буюради. Сухбату меҳмондорчилик тугаб, қайтиш вақтида мезбон Шайх Худойдодга бир туяни ниёзмандлик учун тухфа қилади. Шайх ул туяга мина туриб, шундай дейдилар: «Саййидга яхши от ҳам бор эди, уни ҳам ниёз қилиш ниятида эди, лекин ўзларини тариқат ақобирлари ҳисоблаганлар яхши от-уловни ниёз қилишни ўзларига эп кўрмайдилар, бу уларга оғир ботади». Неча кундан сўнг саййиднинг отхонасига ўт тушиб, ўша отни куйдиради ва ул хонадонга азим вабо тарқалиб, саййид вафот этади. Саййиднинг бундай қисматидан таъсирланган Шайх Худойдод унинг уйига яна ташриф буюриб, ўғли Амиршоҳни ўзларига куёв қилиб, қизлари Биби Махзуна (Махзума)ни унга никоҳлайдилар. Амиршоҳ ниҳоятда тақводор ва ибодатли киши бўлиб, Олим Шайхнинг бобоси Дарвеш Шайх билан ҳамсухбат бўлганлиги «Ламаҳот»да келтирилган. Биби Махзунадан фарзанд ва набиралар қолишган, улар Амир Суннатулло, Хожа Абдурашид ва Амир Баҳоуддинлар эдилар. Унинг икки қизи (бири вафот этгач) иккинчиси эса «Ламаҳот» муаллифи Олим Шайх Азизонга никоҳланиб, улардан юқорида зикр этилган “Хожа Абдурашид”, “Амир Баҳоуддин” номли фарзандлар туғилган. Лекин, бу фарзандлардан авлод боқий қолгани ҳозирча бизга номаълум.

Ҳазрати Шайхнинг “Биби Ҳадя” исмли қизларидан авлод қолган, уларнинг зикрлари юқорида келтирилди ва ҳозирги Ғазирадаги хожагонлар айнан ушбу Биби Ҳадядан тарқалгандирлар.

ҲАЗРАТИ ШАЙХНИНГ МАШҲУР АВЛОДЛАРИ ВА ШАЖАРАСИ

Шайх Худойдод Валийнинг ақсарият авлодлари тариқат йўлидан борган кишилар бўлиб, айниқса улардан иккитаси қадимий китобларда алоҳида боблар билан зикр этилган машҳур зотлар эдилар. Булар: Мусохожа шайхулислом ва Абдулхайхожа судур эдилар. Қуйида уларнинг қисқача тавсифи берилиб, авлод шажараси билан биргаликда келтирилади.

ҲАЗРАТИ ХАЛИФА МУСОХОЖА ШАЙХУЛИСЛОМ

Ҳазрати Шайх Худойдод Валийнинг энг машхур авлодларидан бўлиб, «Тухфат уз-зоирин» (муаллифи Насириддин Ҳусайний Бухорий ан-Нақшбандий) асарида бу зот ҳақида алоҳида боб келтирилган.

Мусохожа аслида Нур қалъаси яқинидаги Саримех кишлоғида таваллуд топган бўлиб, ёшлигида мактаб, кейин эса мадраса таҳсилини олган илмли киши бўлиб етишади. Шундан сўнг тасаввуф илмидан ҳам баҳра олиш майлини сезиб, ўша давр Мовароуннаҳри нақшбандия тариқати муршиди “Эшони Пири дастгири Даҳбедий” (даҳбедлик қўл олувчи пир) лақабли Муҳаммад Аминга мурид тушади (асли Боғи Майдондан бўлган бу пир Махдуми Аъзам авлодидан бўлмиш машхур Мусохонхожа Даҳбедийнинг халифа муриди бўлиб, подшоҳ Амир Ҳайдарнинг пири бўлгани учун ҳам «Эшони Пири дастгир» лақабини олган эдилар).

Юқорида келтирилган асарда ёзилишича, кунлардан бир куни Эшони Пир – Муҳаммад Амин ўзининг жамии асҳобу муридлари билан биргаликда Ҳазрати Шайх Худойдод Валийнинг нурга тўла мазорларини зиёрат қилиш учун йўлга чиқишади. Кўҳак (Зарафшон) дарёси лабидаги қовун полизига етишгач, муридларидан бири шу ерга қўниб ўтишни таклиф қилади. Шунда пир дейдилар: «Бул кун жаҳрия тариқати бузурглари-нинг руҳониятли нисбалари шу қадар зухур қилмоқдаларки, андоза ҳисобидан ташқаридур».

Ул зотнинг сўзларини тик турган ҳолда жим эшитиб турган муридларига қараб яна дедилар: «Биз кутайлик, Мусохожа эса жаҳрия тариқатидаги ўз боболарининг удумларидаги зикрга машғул бўлсинларки, биз ул кишига руҳсат берамиз». Шунда Мусохожа (нақшбандия тариқатидаги хуфия зикрда бўлгани ҳолда) ажодларининг жаҳрия оҳангидаги зикрга чунонам тушиб кетдики, бундан пирлари жуда хушнуд бўлиб дедилар: «Бизнинг бузургворларимиз ушбу икки тариқатга ҳам руҳсатлидурлар, шунинг учун ҳам Мусохожага боболарининг жаҳрия зикрига ижозат бердик».

Шул кунгача нақшбандия тариқатида фаолият кўрсатиб келган Мусохожа энди яссавияи-жаҳрияи-султония тариқат сулукига ҳам фаолият кўрсата бошлайди.

Тасаввуф тариқатлари ичида нақшбандия ва яссавия силсила сулуклари бир-бирларига жуда яқин ва маънавий замирлари бир эканлигини ушбу мисол кўрсатиб турибди. Яъни, бир тариқат раҳбари ўзининг яқин шогирдларидан бирини бошқа тариқат учун фаолият кўрсатишга ундамоқда. Нақшбандия-хуфия тариқати ҳамда яссавия-жаҳрия тариқатлари ўртасидаги бу яқинлик ва дўстлик ришталарига Хожа Абдулхолик Гиждувоний ва Хожа Аҳмад Яссавийлар асос солишган бўлишиб, бу муносабатлар Махдуми Аъзам Даҳбедий ва Шайх Худойдод Валийлар томонларидан янада мустаҳкамланган.

Яна Мусохожага қайтсак, ул кишининг номи ва хизматларини инобатга олган Бухоро амири уни Бухоро давлатининг шайхулисломи этиб тайинлайди. Лекин Мусохожа бу лавозимга бир ойгина ишлагач, вафот этади ва шаҳар ичидаги Мавлоно Шариф Жарий мозори ёнидаги тепачада кўмилади.

Мусохожа авлодларидан бири Фориш туманида яшаб ўтган Нарзуллохон Эшон (1908–1986) бўлиб, «Ғарибий» тахаллуси ила ғазалсаро зуллисонан шoir ҳамда илми сарфу наҳв ва шариат арконлари билимдони эди. Ул зот тўғрисида ёзилган мўъжаз рисолада¹ авлод шажараси ушбу тарзда Мусохонхожа шайхулисломга етказилган: Нарзуллохожа ибн Низомиддинхожа ибн Жалолиддинхожа ибн Яҳёхожа ибн Мусохожа (шайхулислом).

ҲАЗРАТИ АБДУЛҲАЙХОЖА СУДУР

Самарқанд вилояти уламоларидан бўлган бу зот вилоят судурлиги даражасига етишган (судур – катта диний ва илмий мансаб бўлиб, асосан вилоят мадрасаларини ҳамда улардаги вақф садорати мулкларини назорат қилади ва бошқаради).

Абдулхайхожа етти восита билан Шайх Худойдод Валийнинг қизлари Биби Ҳадяга бориб этади.

— Машхур тарихнавис Қози Абу Тохирхожанинг аса-
¹ Ў. Нарзуллаев. Ибратли ҳаёт гулшани. Мовароуннаҳр. Тошкент. 2005. 33-бет.

ри «Самария»да шундай келтиришларни ўқиймиз: «Жаноб саййидлар паноҳи, хушёрлик ила тўғри йўл кўрсатувчи Абдулхайхожа судур Шайх Худойдод Валийнинг азиз авлодларидандир. Ҳижрий 1232 (1816) йили Абдулхайхожа судур Ҳазрати Азизон Шайх Худойдоднинг мозорлари устига олий хонақоҳ бино қилдирди. Ҳозирги вақтда у ерда жума ва ийд намозлар ўқилади. Улуғ боболарининг мозорига мутаваллилик қилиш ва Ғазира шаҳарчасининг ҳукумати Абдулхайхожага тегишлидир».

Дарҳақиқат, Абдулхайхожа судур ўз даврида Ғазирадаги авлодининг пешвоси, бошқарувчиси ва раҳнамоси эди.

Камина Ғазирадаги «Шайх бобо» қабристонини зиёрат қилишга ва қабртошларни ўрганишга борганимизда ушбу авлод намояндаси, профессор Саййидмақсуд ака Раззоқов билан биргаликда Абдулхайхожа судурнинг икки бўлакка бўлинган қабртошларини қабристоннинг икки чеккасидан топиб олиб, палеографик жиҳатидан бир қабртош эканлигини аниқлаб, ўқишга муваффақ бўлган эдик (қабристон ҳақидаги бобга қаралсин). Қабртошда ул зотнинг вафот йиллари – 1256 (1839) сана келтирилган. Демак, ул киши хонақоҳдаги олий масжидни қурдиргандан сўнг яна 23 йил яшаган ва бундан узоқ умр кўрганликлари билиниб турибди. Юқорида келтирилган Мусохожа шайхулислом ва Абдулхайхожа судур бир даврда яшаган бўлишиб, бир-бирларига яқин амакизода бўлганликлари эҳтимолдан холи эмас.

Қуйида Ҳазрати Шайх Худойдод Валий авлодларининг шажарасини ҳужжатлар ва қабртошлардаги ёзувлар асосида тузган схемамизни ҳавола қиламиз:

| |
|---|
| Пайгамбар (с.а.в.) |
| Фотимаи Захро – амиралмўъминин Али |
| Имом Ҳусайн |
| Имом Зайнулобидин |
| Имом Муҳаммад ал-Боқир |
| Имом Жаъфари Содик |
| Саййид Исмоил |
| Саййид Ҳусайн |
| Саййид Подшоҳ |
| Саййид Мужтабо |
| Саййид Шарофиддин |
| Саййид Низомиддин |
| Саййид Али |
| Амир Ҳож(и) |
| Имомиддин |
| Саййид Имод ул-мулк ва-д-дин |
| Амир Иброҳим |
| Амир Шамсиддин |
| Амир Маҳмуд |
| Амир Тақиуддин – Биби Ҳадя |
| Абдулбоситхожа |
| Абдуллохожа |
| Абдуллатифхожа |
| Фатхulloхожа |
| Файзуллохожа |
| Лутфуллохожа |
| Ҳусайнхожа |

| | | |
|-----------------------|----------------|---------------------|
| I. Абдулхайхожа судур | II. Султонхожа | III. Абдулҳошимхожа |
|-----------------------|----------------|---------------------|

ҒАЗИРАДАГИ ШАЙХ БОБО ХОНАҚОҲИ ҚАБРИСТОНИ

Масжид-хонақоҳнинг катта икки табақали дарвозахонасидан кирилгач, ўнг ва чап томондаги (дарвозахонага туташ) иморатлар кейинги даврларда қурилган бўлиб, меҳмонхона, масжид котиби хонаси қабилардан иборат. Дарвозахонадан бошланган йўл тўғри хонақоҳ қабристонига олиб боради. Ўнг томонда қадимий ҳовуз ва масжид жойлашган. Бу файзгоҳга ташрифимиздан мақсад Ҳазрати Шайх Худойдод Валийнинг нурли мақбараларини зиёрат қилиш ҳамда ул зоти бобаракотнинг авлодларидан бўлган камтарин профессор Саййидмақсуд Раззоқовнинг илтимосларига кўра, қабристондаги қадимий мармар қабртошлар ёзувини ўқиш эди. Шу билан бирга охириги давр қабртошларини ҳам тадқиқ қилмасдан кетиб бўлмасди.

Қабртошларнинг баъзилари ерга кўмилиб кетган, тесқари ағдарилиб ётган ҳолда бўлиб, уларни ўнглаб ўқишда бизга Саййидмақсуд ака, қабристон нигоҳбони Сиддиқхон Саййидалихон ўғли ва икки ёш йигит ёрдам бердилар.

Қабристон 56 гектар майдондан иборат бўлиб, Ҳазрати Шайхнинг дахма-мозорлари қабристоннинг энг тепа ерида жойлашган. Дахма ёнида отнинг ёлидан ясалган ва узун ҳодачўпларга осилган уч туғ қад кўтариб турибди. Бу туғларни Шайх Худойдод издошларидан уч машҳур шайх тиклашган бўлиб, улардан бири «Ламаҳот» муаллифи, машҳур аллома Олим Шайх эди. Дахма гумбазли том билан ёпилган бўлиб, мазор устида учта мармар қабртош ҳамда дахманинг олд деворида ҳам катта мармартошларда ёзувлар ёзилган. Ёзувларига қараганда ҳамда палеографик жиҳатдан дахманинг устидаги марказда жойлашган кўк мармартош энг қадимий бўлиб, унинг тузилиш услуби ҳам шундан дарак бериб турибди. Чап томондаги ва пастки девордаги қабртошларнинг ёзувлари деярли бир маънодадир. Ўнг томондаги оқ мармартошда эса насабнома келтирилган.

ҚАДИМИЙ ҚЎЛЁЗМА КИТОБ ВА ҲУЖЖАТЛАРДА ШАЙХ ХУДОЙДОД ВАЛИЙ ТАВСИФИ ¹

Ҳазрати Шайх Худойдод Валийнинг сифатлари ва мартабалари ҳақида кўплаб китобларда таърифлар келтирилган.

Ушбу бобда ўтган асрларда ёзилган китоблардан мухтасар ёзишмалар келтиришни лозим топдикки, бундан олдин яшаб ўтган тарихчиларнинг нигоҳида Ҳазрати Шайх Худойдод қандай мақтовли сўзларга сазовор бўлганликларини билиб олиш мумкин. Нақллар фақир томонидан таржима этилган.

«Ламахот мин нафаҳот ул-қудс» китобидан:

«... нақл қилибдурлар, қачонки Азизон Шайх Жамолиддин Ҳирот шаҳрига кўчиб бориб, у ерда муқим туриб қолгач, бир мажлисда ул зотга савол берибдилар: «Тарикатингиздаги суфийлар ва дарвешлар орасида фано мақомига (яъни, тасаввуфда ўзликни йўқотиб бутун борликдан кечиш ва илоҳиётга сингиш даражаси англашилмоқда. К.К.) етганлар ҳозирда борму?» деб сўраганларида Шайх Жамолиддин дебдилар: «Бу ерда йўқ, лекин Мовароуннаҳрда “Мавлоно Худойдод” исмли бир дўстим (шогирдим, К.К.) бор, ул киши фано мақоми даражасига етгандурлар». Байт:

Ҳар ки, дар ў ишқи содиқ омадааст,
Бар сараш маъшуқи содиқ омадааст.

Мазмуни:

Ҳар кимдаки, содиқ ишқ пайдо бўлган экан,
Таҳқиқким, боши узра содиқ ошиқ келгандур.

«Музаккир ул-аҳбоб» китобидан:

«... Ва Ҳазрати Шайх Худойдод Харсанг элидандир. Фақру фаноликда ҳаёт кечириш билан улуғ шухрат топган. Бир куни бир соил (савол берувчи, К.К.) Ҳазрати Жамолиддин Шайхдан фано мазмуни хусусида сўрабди. Дебдиларки: «Тўлақонли жавоб эшитмоқчи бўлсанг, эртага пешинга кел». Ваъда қилинган вақт яқинлашганда Мавлоно Худойдод хизматларига

¹ Бу манбалар давлат ҳамда Шайх Худойдод авлодлари кутубхонасидан олинган.

Мовароуннахрдан Шайх Жамолиддин ҳузурига етиб келибдилар, эгниларида фано нишонаси кўриниб турган либос экан. Мажлис аҳли тарқагач, ҳалиги соил ўрнидан туриб, саволига жавоб талаб қилибди. Шайх Жамолиддин дебдиларким: «Мен сенга фанони намоиш этдим-ку, сен мендан ҳалиям шуни сўраяпсанми?»

Шайх Худойдод кўп мужоҳадлар тортиб, мушоҳада давлатига эришганлар. Ҳеч ким алар камолотига қарши бирон сўз айта олмади. (У киши) жаҳрия силсиласининг бошида турганлардан ҳисобланадилар. Уларнинг олийҳимматлиги шу даражада эдики, баён этишга тил ожиз, ҳар йили ўзининг бор-йўғини тарожга берардилар. Бир куни қиммати баландлик ва саҳийликда машҳур Қози Олнинг уйига келиб тушибдилар. Қози шофиркон ўлчов тоши билан минг манн буғдойни уларга назру-ниёз қилибди. (Шайх Худойдод) дебдиларки: «Марҳаматли Қози жаноблари изҳори ҳиммат қилмоқдалар». Аммо, ўзлари бул матоҳ сари қиё ҳам бокмабдилар ва истиғно (тасаввуфда ўзини барча нарсадан тўқ тутиш қоидаси) водийсига қадам қўйиб, буғдойнинг барчасини битта камбағал кампирга бахшида қилибдилар. Байт:

Икки олам нақдига энмас Бақоийнинг боши,
Боракалло ҳиммати олию истиғносига.¹

«Равойих ул-қудс» китобидан:²

«Ул зотнинг (Шайх Худойдоднинг) лақаби “Ҳожа Азизон” бўлиб, Шайх Жамолиддин саҳобаларидан эди; Султонул-орифин Ҳазрати Ҳожа Аҳмад Яссавийнинг табақаларидан ҳамда соҳиби мақомот, худованд каромот ва хорикот (ҳаддан ташқари) эди. Ва Ҳазрати Мавлоно Муҳаммад Қозининг суҳбатларига етишгандир. Айтишларича, бир куни Ҳазрати Мавлоно Муҳаммад Қози туя устидаги муҳофада ўтириб, ўз ходимлари билан Бухородан Самарқандга келар эдилар. Йўлда уларга Азизон Шайх Худойдод учраб қоладилар ва у киши:

¹ Ҳасанхожа Нисорий. «Музақкирул-аҳбоб» Т. А.Қодирий. 1993. 36-бет.

² Мақсуд ибн Носируддин Бухорий. «Равойихул-қудс». Каттахонхожа шахсий кутубхонаси.

«Туяда ўтирган киши кимдур?» деб сўрайди. Ходимлар айтадилар: «Ҳазрати Муҳаммад Қозидурлар, Бухородан Самарқандга ташриф буюрадурлар». Бу сўзларни эшитган Шайх Худойдод дарҳол туянинг арқонини кўлларига олиб йўлга тушибдилар. Туя устидаги муҳофада ўтирган Мавлоно Муҳаммад Қози сўрабдилар: «Туянинг арқони кимнинг қўлида?» Шайх Худойдод дедилар: «Фақир Худойдоднинг қўлидадир ва туя арқонини бўйнимга боғлаб чунон тортадурманки, қиёмат куни ҳам Ҳазратнинг туялари арқонини ушлаш умидидадурман». Мавлоно Қози иноят қилиб дедилар: «Туя ва унинг соҳиби сизнинг ниёзингиз бўлғай».

Ва яна Ҳазрати Шайх Худойдод Валий Ҳазрати Хожа Махдуми Аъзам Даҳбедий билан бир замонда яшаганлар ҳамда самоъи зикрни дўст тутардилар. Тафрид ва тажрима (яъни, ортикча нарсалардан четлашиш, ўзини ёлғизликка олиш, маъноларида) замоналарида пешво эдилар. Ҳар вақт уйларидаги молларини тарожга бериб, тарқатар эдилар ва бу тажриданнинг нишонаси эди».

«Тухфат уз-зоирин» китобидан:¹

«Султон ул-авлиё ва бурҳон ул-атқиё, ғавс ул-автод – Ҳазрати Шайх Худойдод сулук ва тариқ ҳамда тажримада ягона эрдилар. Ул зотнинг иродат нисбати Шайх Жамолиддин Азизонга бўлиб, ул кишининг тарбияти эса Шайх Ходимдан олинган эди.

Шайх Худойдод туғилган кечадан бошлаб қирқ кечаси вилоят осмони илоҳий нур ила чароғон бўлди. Ва бу шундан далолат берадики, Ҳазрати Шайхнинг ҳидоят чароғидан бир неча издошлари баҳраманд бўлишиб, етуклик даражасигача етдилар».

«Самария» китобидан:²

Ҳазрати Азизон Шайх Худойдод мозори Шероз туманида, “Ғазира” деган ўриндадир. У Шайх Ходимнинг муриди бўлган Шайх Жамолиддиннинг муриди эди. Шайх Ходимнинг қабри Самарқанд шаҳрининг тошидадир. Шайх Худойдод даҳбедлик

¹ Каттаҳонхожанинг шахсий кутубхонаси.

² Абу Тохирхожа. Самария, Т. 1991. Камалак. 59-60 бетлар.

Махдуми Аъзамнинг замондошларидан эди. У киши валоят мартабасида ғоятда юқори эдилар, балки увайсий эканлиги мазори зиёрат қилинганда қабри сочган нурдан билинади. Азизон Шайх Худойдоднинг ўлими 939 (1532) йилдадир. «Бирафт кутби олам» вафотининг тарихидир». («Маноқиби Ҳазрати Худойдод» ва «Самария» китобларида ҳам ушбу тарих яъни, «Бирафта кутби олам» келтирилган. Дарҳақиқат, бу сўзлардаги ҳарфлар абжад ҳисобида бир-бирига қўшган эдик, 939 ҳижрий йили келиб чиқади.

ҲАЗРАТИ ШАЙХ ХУДОЙДОД ВАЛИЙНИНГ ВАФОТЛАРИ

Қизлари Биби Маҳзуманинг издивож (турмушга чиқиш) куни Шайх Худойдод ўз хотинларига шундай дедилар: «Биз Самарқанд шаҳрига ийд намозини ўқиш учун бормоқчимиз ва бир неча кун ўша жойда бўлурмиз. Сиз эса кечиктирмай Амиршоҳ ва Биби Маҳзумаларнинг тўйини ўтказаберинг».

Шундан сўнг Шайх Худойдод Самарқанд сари жўнайдилар ва у ерда ийд (ҳайит) намозини ўтказиб, ўша куниёқ уйларига қайтиб келадилар. Хотинлари бунчалик тез қайтишни сабабини сўрайди. Шайх дейдилар: «Ҳайит куни кўрдимки, шаҳар подшоҳи салтанатни бошқаришда нотавон ва ожиз экан. Машойих-шайхлар, мавлоно ва аҳоли ҳам жуда нотавондурлар. Ҳеч кимнинг парвойига Ҳақ субҳона келмайдир. Бир Худойдодни (ўзимни) тирик кўрдим, бошқаларни ўлган деб ҳис қилдим».

Шу сўзлардан сўнг Шайх Худойдоднинг аҳволлари ўзгаради ва дейдилар: «Эй Худойдод, ким бўлсанг ҳам ўлимга тик бок!»

Ўшал соатда қувватсизлик асари ул зотнинг юзларида зоҳир бўлади. Етти кун касал бўлиб, дармонсиз ётиб, охирида: «Иржаи ила раббика разиятан» («Сен рози бўлганинг ҳолда Парвардигоринг хузурига қайтгил!»),¹ деган ояти карима нидоси кулоқларига етиб, ўша куни бу фоний дунёдан боқий дунёга сафар қиладилар, раҳматуллоҳи алайҳи!

¹ Куръон, «Вал-фажр» (89) сураси, 28 оят.

ОЛИМ ШАЙХ АЗИЗОННИНГ «ЛАМАҲОТ МИН НАФАҲОТ УЛ-ҚУДС» КИТОБИНИНГ ҚИСҚАЧА ТАҲЛИЛИ

Миллий-маданий ва илмий-тарихий қадриятимиздан бири – қадимий кўлэзма китоблардир. Бироқ, надоматлар бўлсинки, олиму фузалолар яратган асарларнинг энг нодирлари, асосан, XVIII асрлардан бошлаб чет элларга олиб кетила бошланди. Буюк Британия, Россия, Туркия, Эрон каби мамлакатларнинг китоб хазиналарида тўпланиб қолган кўлэзмалар фикримизни исботлайди. Лекин, шунга қарамай, ноёб манбалар ҳисобланган нодир китобларнинг бир қисми ўзимизнинг юртимизда, давлат хазиналарида ҳамда айрим кишилар қўлларида сақланиб қолди. Жумладан, Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва Фарғона вилоятларининг кўлэзмалардан ва тошбосма китоблардан иборат кутубхоналарида, юртимизнинг турли бурчакларида яшовчи зиёлилар хонадонларида кўплаб ноёб китоблар мавжуд. Давлат хазиналари ва шахсий кутубхоналардаги нодир китоблар тартибли равишда мутахассислар томонидан ўрганилмоқда.

Қатағон йиллари жабр-зулмларига қарамай, ўз ҳаётларини хавфга қўйиб бўлса-да, ушбу нодир китобларни асраб қолган кишиларга қанча таҳсинлар айтсак оз. Ана шундай нодир китоблардан бири: «Ламаҳот мин нафаҳот ул-қудс» (Муқаддас хушбўйликлардан лахзалар) деб аталиб, илмий жиҳатдан жуда нодир китоблар сирасига киради. Қисқача «Ламаҳот» деб аталган ушбу китоб муаллифи Олим Шайх ибн Мўъмин Шайх ибн Дарвеш Шайх Азизон бўлиб, «Тухфат уз-зоирин» ва «Хужжатул-зокирин» китобларига қараганда ота томонидан биринчи ислом халифаси Абу Бакр Сиддиққа етган. Она томонидан бобоси эса «Самария» китобига қараганда, Тошкент вилоятига қарашли “Қўйлуқ” деган мавзеда яшаган Мавлоно Ҳофиз Қўйлукий бўлиб, у «алавий» насабдан¹ ҳисобланган. У иродат қўлини Пирим Шайх Азизонга берган бўлса-да, Қосим Шайх Азизоннинг муриди бўлган. Аммо зоҳирий илм

¹ Алавийнасаб – ҳазрати Алининг Биби Фотимадан ўзга хотинларидан туғилган фарзандлари.

тахсилини ўша замоннинг машхур алломаси ҳисобланмиш Мавлоно Исматуллоҳдан ўрганган.

Фикҳ (ислом ҳуқуқшунослиги), усул, тафсир, ҳадис, тасаввуф тариқати каби ҳол ва қол илмларини ниҳоят даражада мукаммал эгаллаган Олим Шайх Азизон Мовароуннаҳр юртининг (нафақат Мовароуннаҳрнинг) энг олиму фозил кишиларидан ҳисобланиб, «Ҳамма илмлар соҳиби» деган унвонларга мушарраф бўлган. Дарҳақиқат, бу сўзларда муболаға йўқ. Чунончи, ҳақиқатгўй тарихчи олим ва қозикалон Абу Тоҳирхожа ул киши ҳақида ўзининг «Самария» китобида шундай ёзади:

«...Олим Шайх Азизон 972 (1564) йилда туғилгандир... Ҳазрати Олим Шайх Азизон подшоҳ Имомкули Баҳодурхон даврида Самарқандда аълам эди ва у замонаси имомларининг имоми эди. У Мирзо Улуғбек мадрасасининг жануби-ғарбий тарафида олий хонақоқ бино қилган. Ҳозирда у хонақоқ қолмаган. Ёшлари саксонга бориб қолган эди. У жаҳрияи султония сулоласи баён қилинган «Ламаҳот» китобининг мусаннифи эди ва яна шиа мазҳабининг раддига «Дар радди мазҳаби шиа» номли рисола тартиб бериб, у рисолада чорёрлар улуғлигини кучли далиллар билан исбот қилган. Унинг вафоти хижрий 1041 (1631-32) йилида содир бўлиб, «фахр ул-ислом» сўзи (абжад ҳисобида) вафотининг таърихидир. У кишининг асрида Алиобод мавзеи обод шаҳарча эди ва Ҳазрати эшон у ерга жоме масжиди, хонақоқ ва мадраса бино қилган эдилар. У биноларнинг асари ҳозирда ҳам бор»¹.

Дарҳақиқат, алломаи замон бўлган Ҳазрати Олим Шайх Азизон нафақат олим ул-уламо, балким яссавия силсиласи жаҳрия-султония тариқат сулукининг замонасидаги муршиди эди.

Лекин, Олим Шайхнинг тарихда номини абадий қолдирган нарса у ёзган «Ламаҳот» китоби бўлиб, бу китоб илм аҳли томонидан ниҳоятда қадрланган ҳамда мадрасаларда ўқитилган.

Китобнинг илм аҳли учун энг аҳамиятли томони шундаки, унда нафақат яссавия силсиласи сулуқлари, балки бошқа силсилаларнинг моҳияти, тариқат пирлари сулоалари тарихи ҳам берилган. Шу билан бирга ундаги ҳар бир воқеа ва ривоятлар ҳадиси қудсиялар билан мустаҳкамланганки, булар китобнинг ¹ «Самария», Тошкент, «Камалак» нашриёти, 59-бет.

кадрини ниҳоятда ошириб юборади.

Китобнинг таҳсилига келсак! Китоб, ўтган XIX асрнинг охирларида Тошкент шахрининг Гулом Ҳусайн-Орифжонов матбаасида чоп этилганлиги унвон муқовасида ёзилган.

Асар «Бисмилло...»дан сўнг, «ҳамду сипоси беқиёс мар Ҳудовандиро, ки орифони даргоҳи аҳдият аз идроки камоли у...» деган сўзлар билан бошланган бўлиб, китобнинг кириш қисмида ёзилишича, асар икки «Мақсад»дан иборат: «Биринчи мақсад»да Қуръони карим ва ҳадиси шариф оятлари билан мустаҳкамланган жаҳрия тариқати сулуки афзаллигининг баёни берилган. «Иккинчи мақсад»да эса бу силсила сулукидаги машҳур пирларнинг силсилалари, тарихлари баёни берилган.

«Нафаҳот ул-унс» «нафҳа»ларга; «Рашаҳоту айнил-ҳаёт» «рашҳа»ларга; «Равойиҳ ул-қудс»- «равҳа»ларга (яъни, қисмларга, К.К.) бўлингани каби «Ламаҳот мин нафаҳот ул-қудс» китоби ҳам «ламҳа»ларга бўлинган. Китобда ҳар хил нақллар, назму байтлар келтирилган бўлиб, улар ояту ҳадислар ёрдамида ўринли келтирилгани китобнинг илмий ва бадиий қийматини оширади.

Хулоса қилиб айтганда, «Ламаҳот» асари Марказий Осиё ва Хуросон тасаввуф мактаблари тарихини ёритишда бармоқ билан санарли асосий манбалардан бири ҳисобланади. Китобдан юртимиз тарихининг ёритилмаган жабҳалари, номаълум тарихий шахслар, географик ва топонимик мавзеларнинг номларини қайта тиклашда унумли фойдаланиш керак. Насиб этса, янаги умидимиз Ҳазрати Шайх Худойдод Валий муқтадолик қилган тариқат ҳақида энг мукамал китоб ҳисобланган «Ламаҳот»ни форс-араб тилидан ўзбек тилига ўгиришдир (бу фикрни бизга маслаҳат берган профессор С. Раззоқовга ўз миннатдорчилигимизни изҳор қиламиз).



ШОҲ
НЕЪМАТУЛЛОҲ
ВАЛИЙ ТАРИХИ

ХУЛОСА ЎРНИДА

Назардан ўтказганингиз, ушбу кичик рисолада жаҳрия тариқатининг буюк намояндаси Ҳазрати Шайх Худойдод Валийнинг фаолиятлари, авлодлари, устоз ва шогирдлари ҳаётларидан мухтасаргина маълумотларни бердик, холос.

Ҳазрати Шайхнинг Самарқанд шаҳридаги ҳаётларига боғлиқ кўпгина воқеалар ушбу қисқа рисоладан ташқарида қолди. Масалан, XVI асрнинг 20-йилларида Шайбонийхон мадрасаси учун берилган вақфномада «Бобо Худойдод» маҳалласи тилга олинади. Бундан ташқари шаҳарда Шайхнинг номлари билан аталган «Шайх Худойдод хонақоҳи» ҳам мавжуд бўлиб, Шайбонийхон ва Бибихоним мадраса-масжидлари ўрнининг ўнг томонида жойлашганлигини профессорлар В.Вяткин ва Р.Муқминовалар эътироф этишган. Шунга ўхшаш вилоятимиздаги бошқа мавзе ва обидалар ҳам Ҳазрати Шайх ҳаётлари ва номлари билан у ёки бу тарзда боғлиқ эканлиги шубҳасиздир.

БУЮКЛА Р БЕШИГИ – САМАРҚАНД

Неча машаққатли даврларни ўз бошидан кечирган заҳматкаш халқимиз, охириги бир асрдан зиёд ўтган вақт мобайнида айниқса жуда эзилди, қораланди, қадрияти топталди. Надоматлар бўлсинки, мустамлакачилик найзасининг ўткир тиғи, онгли равишда буюк тарихимизга қарата санчилди.

Бениҳоя шукрлар бўлсинки, мустақиллигимиз шарофати ила шунчалик буюк тарихга эга эканлигимизни энди англаётирмиз. Тўғриси, ҳали тўлалигича англаб етганимизча йўқ. Бутун ислом оламида қадимий юртимиз мовароуннаҳрчалик, Мовароуннаҳрда эса азим самарқандчалик олиму авлиёларнинг қони бўлган муқаддас замин топилмаган ва топилмайди ҳам. Вилоятимиз бўйлаб шу қадар кўп, мисли кўрилмаган алломалар дафн этилишганки, қўниққанимиздан буни оддий ҳол, деб эътибор бермай ҳам кўйдик. Бузурғларимизнинг кўпларини, ҳатто тарихларини билмаймиз, бошқаларини эса асрлар оша ёзилган китобларда номлари чалкаштирилган ёки умуман унутилган. Ваҳоланки, уларнинг кўплари ўз соҳаларининг энг юқори силсиласидаги алломалари эдилар. Ана шундай холис талқин алломалардан бири Шоҳ Неъматуллоҳ Валий бўлиб, унинг фаолияти шаҳримиз Самарқанд билан ҳам бевосита боғлиқдир.

Ул зотнинг авлодлари ҳозирга қадар юртимизда, асосан, Самарқанд заминида яшаб, фаолият кўрсатмоқдалар ҳамда улуғ аجدодларидан қолган меросий манба ҳисобланмиш тарихий ҳужжатларни суронли йиллар алангасидан асраб келмоқдалар. Ҳужжатлар – шажара ва авлодномалардан иборат ва улар халқимиз мероси ҳисобланиб, дарҳақиқат ноёб манба сифатида мангуликка дахлдордир.

ШОҲ НЕЪМАТУЛЛОҲ ВАЛИЙ ТАРИХИ

Юртимизни мустақилликка эришиш шарафига муясар этиб, ўзлигимизни танитган, қадриятларимизни тиклаган Аллоҳга ҳамду санолар бўлсин! Ҳадиси шарифлари билан бутун дунёга ахлоқ-одоб ва ҳикматлар уруғини сочган пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалоту васалламга дуруди саломлар, асҳоби киром ва авлиёву аллома олимларга эса дуолар йўллаб, мақсадга кўчамиз.

Ислом дини замиридаги тасаввуф тариқати силсилалари орасида неъматуллоҳия силсиласи алоҳида ўрин эгаллайди. Бу тариқатнинг XIV асрда ташкил топиши машҳур мутасаввиф аллома Ҳазрати Шоҳ Саййид Неъматуллоҳ Валий номи билан боғлиқ. Шунингдек, бу муборак зот ҳаёт-фаолиятининг бир қисми шаҳримиз Самарқандда ўтгандир.

Шоҳ Неъматуллоҳ Валий ким ва қандай хизматлари эвазига машҳуриликка сазовор бўлган?

Номи “Неъматуллоҳ ибни Абдуллоҳ”, диний нисбаси Нуриддин (дин нури), тасаввуфий нисбаси эса Шоҳ Мир Неъматуллоҳ Валий бўлган ушбу зотнинг тўлиқ номи Мир (ё Амир) Саййид Нуриддин Неъматуллоҳ ибн Амир Абдуллоҳ Кирмоний бўлиб, “Шоҳ Неъматуллоҳ Валий” номи ила тарихга машҳуру манзур бўлган. «Амир» кўшимчасига келсак, саййидлар уруғида бу нисба кўп учраб туради. Масалан, «Амир Саййид Ҳамадоний», «Амир Саййид Кулол» каби машҳур шахслар исмларини олишимиз мумкин. «Мир» эса «Амир» атамасининг қисқартирилган ҳолати бўлиб, бу ҳам бежиз эмас. Машҳур Саййид Мир Барақадан ташқари яна Машҳад имомзодаларнинг бир тоифаси «мираконийлар» аталиб, уларнинг номлари олдида ҳам «Мир» кўшимчаси мавжуд бўлган. Мисол тариқасида, Хуросондан Самарқандга подшоҳлар таклифи билан келиб, муқим яшаб қолган Қози Мир Тоҳир садр Самарқандий ал-Машҳадийни келтиришимиз мумкин. Демак, «Мир» кўшимчаси асосан саййид имомзодаларга ишлатилган¹.

¹ Каттаев К. Махдуми Аъзам ва Даҳбед. Самарқанд; Суғдиён, 1994. 11-бет.

Кези келиб айтиш жоизки, Амир Темурнинг пири Мир Саййид Барака ва Мир Саййид Неъматуллоҳ ака-ука бўлишгани тўғрисида саҳиҳ хужжатли далиллар дарак бериб турибди. Чунончи, Ҳожи Бақохон Мухторов келтирган қадимий хужжатлардан ташқари (ушбу хужжатлар тўғрисида куйида келадиган бобларда сўз юритамиз), яна баъзи қадимий ривоят китобларида келтирилишича, «Амир Темурнинг “Саййид Барака” ва “Саййид Неъматуллоҳ” исмли ака-ука маслаҳатчилари бўлган. Улар кароматли авлиёлар бўлишган. Аъёнларнинг иғвоси оқибатида саройни тарк этишган. Саййид Барака ва Саййид Неъматуллоҳ Самарқанддан чиқиб тоғ устига келишганда, изларидан чопар келиб, Соҳибқирон уларни саройга қайтишларини буюрганини айтади. Саййид Неъматуллоҳ тоғдан пастга тушганлиги учун қайтмайди, Саййид Баракани қайтариб келадилар. Самарқандга Саййид Барака қайтганлиги учун ҳам хайру барака яхши бўлади, дейишади. Саййид Бараканинг укаси Неъматуллоҳ эса тоғдан ошиб Китоб томонга йўл олади»¹.

Мир Саййид Неъматуллоҳ 1330 йилда Ироқда, қадимий Шом заминининг Ҳалаб шаҳрида дунёга келганлиги бир неча саҳиҳ манбаларда келтирилган. Баъзи манбаларда унинг туғилиш жойини Кирмоннинг Моҳон мавзеи деб, адашишади (аслида, у ерда дафн этилган эди). Мустафо бин Абдулло Чалабий (Ҳожи Халифа) ўзининг «Таквим ут-таворих» асарида ёзади: “Шоҳ Неъматуллоҳ ибн Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ибн Камолиддин Ҳалабий Кўҳбаноний Кирмоний, лақаби Нуриддин, тахаллуси Саййид ва Шоҳ Неъматуллоҳ Валий номи ила машҳурдир... 730 ё 731 йилда Ҳалабда туғилган”².

Отаси Амир Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ал-Кирмоний замонасининг машҳур орифларидан ҳисобланган. Мир Саййид Неъматуллоҳнинг ота- боболари ўз даврининг кўзга кўринган арбоблари бўлишган. Насаб жиҳатидан бешинчи Имом Муҳаммад Боқирга бориб етишиши барча диққатга молик китобларда зикр этилган бўлиб, ҳасаб жиҳатидан эса хизматлари

¹ А.Чориев. Ҳазрати Султон ва Ҳазрати Башир тарихи.Т., Шарқ, 1996. 29-бет.

² Таквим ут-таворих. Ҳочи Халифа. Техрон; Эҳёи китоб,1375. Саҳ. 449.

туфайли шуҳратга эришган ҳамда диний, ахлоқий масалаларда ва назмда юртининг пешвоси бўлган. Шу билан бирга, Амир Неъматуллоҳ Имом Муҳаммад Боқир орқали 21 ота воситасида насаби Ҳазрати Пайғамбарга (с.а.в.) бориб етган.

Мир Саййид Неъматуллоҳнинг туғилган жойига доир тарихий манбаларда тафовутлар мавжуд. Манбаларнинг баъзилари уни «Ҳалабда туғилган»,¹ дейишса, бошқалари «Кирмоннинг Моҳон мавзеида туғилган»² деб ёзишади. Яна бир манбада, «Эронда, Нуралишоҳ Исфаҳонийнинг замонида туғилди»³ деб ёзилган. Ҳатто, «Қандия» китобида у кишининг нисбасини «Табризий»⁴ деб ҳам келтиришган. Бунда, бир ҳисобда ул зотнинг узун нисбаси ҳам сабаб бўлиши мумкин.

Аслида эса, Мир Саййид Неъматуллоҳ Шом вилоятининг Ҳалаб мавзеида туғилган ва бу кўпгина диққатга молик манбалар қайд этилган. Нисбани ёзишда баъзан туғилган қишлоқдан ташқари, ўша қишлоқ жойлашган туман, сўнг ўша туман жойлашган вилоятни ҳам қўшишар; баъзан эса бошқа юртларга бориб муқим яшаб қолган мавзеларини, охириги яшаган мавзеларини ҳамда ота-боболари туғилган мавзеларни ҳам тахаллус нисбаларига қўшиб ёзиш ҳоллари удумга айланган эди. Саҳиҳ манбалардан бирида, «Шоҳ Нуриддин Неъматуллоҳ ибн Абдуллоҳ Кирмоний»⁵ деб ёзилган бўлиб, ул зотнинг отаси Кирмондан эканлигига ишора. Шу жиҳат, «Амир Саййид Шоҳ Неъматуллоҳ ибн Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ибн Камолиддин ал-Ҳалабий ал-Кўҳбиноний ал-Кирмоний»⁶ сифатида нисба ёзилган; яъни, ўзи Ҳалабда, отаси Кирмонда, онаси ё бобоси Кўҳбинонда туғилган, деганидир.

Мир Саййид Неъматуллоҳнинг онаси Форс вилоятининг

¹ Ўша жойда; Нашрияи китобхонаи марказии донишгоҳи Техрон, 1339. Саҳ. 84.

² ЭСТ-8, Саҳ. 152.

³ Ҳазраткул М. Тасаввуф. Душанбе; Маориф, 1988. 97-98-бетлар.

⁴ Насафий. Қандия (К.Каггаев тарж. ва таҳририда). Самарқанд, Сугдиён, 1994. 71-бет.

⁵ Нашрияи китобхонаи марказии донишгоҳи Техрон, 1339. Саҳ. 84.

⁶ Таквим ут-таворих. Ҳочи Халифа. Техрон; 1375. Эҳёи китоб, Саҳ. 449.

Шабонкора қавмидан бўлган¹. Ҳожи Бақохон Мухторов келтирган авлодномага қараганда эса, онаси Имом Али Ризонинг “Зулайҳо” номли набираси авлодидан бўлган экан.

Ёш Мир Саййид Неъматуллоҳ илк сабоқни маърифатли оиласи қошида ва сўнг мактаб-мадрасаларда, юртнинг энг зиёли кишилари қошида адабиёт, калом, ҳикмат, фикҳ каби илмларни ўрганган². Шул тариқа Саййид Неъматуллоҳ ёшлик вақтларининг кўп қисмини Ироқ заминида илм олиш билан ўтказди³.

Йигитлик ёшига етган, дунёвий ва диний билимларни мукамал эгаллаган Саййид Неъматуллоҳ олган таҳсилларидан қониқиш туймас, тасаввуфга мойиллиги ошиб борарди. Шунинг учун ислом давлатлари бўйлаб сайру саёҳатга отланади. Бундан мақсад, биринчидан, дунёни кўриш, ўрганган билимларини ривожлантириш, тасаввуф арбоблари билан учрашиб, тариқат сулуқларини ўрганиш билангина чекланиш бўлмай, балки, иккинчидан (бу унинг энг асосий мақсади эди), турли тариқатларни солиштириш ва маъқулини танлаб, ўзига пиру муршид топиш ҳамда унга иродат кўлини бериш эди.

24 ёшли Саййид Неъматуллоҳ саёҳат асносида Маккаи мукарама зиёратига боради ва у ерда машҳур мутасаввиф олим, тарихчи Шайх Орифиддин Абдуллоҳ ал-Ёфеий (768/1367 йилда вафот этган) билан танишади ҳамда уни устоз билиб, силсиласи силкидан жой эгаллайди⁴. У Шайх Ёфеийнинг хизматида етти йил бўлиб, кибру нафсониятлардан холи бўлгач, халифаликка қабул қилинади; Шайхга қўл бериб, силсила доирасида сайру саёҳат этади ва тасаввуф сиру асрорларини ўргана бошлайди⁵.

Агарчи, Мир Саййид Неъматуллоҳ пири Шайх Ёфеийдан иршод олган эрса-да, аммо тасаввуфий қулоҳу жандани (яъни, хирқани) Шоҳ Таййиб қаландардан олган эди. Бу, Абу Тоҳирхожанинг «Самария» асари қўлёзмасидаги «Бобо Ҳожи Сафо» бобида ўз ифодасини топган бўлиб, уни айнан келти-

¹ Ўша жойда.

² ЭСТ-8, Саҳ-152.

³ Нашрияи китобхонаи марказии донишгоҳи Техрон, 1339. Саҳ-84.

⁴ Аббосқули ибн Бокихон. Гулистони Эрам. Баку; Элм, 1991. 130-саҳ.

⁵ Таквим ут-таворих. Ҳочи Халифа. Техрон; 1375. Эҳёи китоб, саҳ-449.

рамиз (ушбу қўлёзма нашр нусхалардан мукамаллиги билан фарқ қилади): «Ҳазрати Бобо Ҳочи Сафо дар беруни шаҳр, дар симти чанубӣ, дар маҳаллаи Қаландархона, ки онро «Тақияи қаландарон» гўянд, воқеъ аст. Эшон кулоҳ ва чанда аз Бобо Ҳочӣ Абдурахим қаландар пўшида, ва эшон аз Шоҳ Маҳмуд қаландар, ва эшон аз Мир Шоҳ қаландар, ва эшон аз Бобо Шоҳ Мусофир қаландар, ва эшон аз Бобо Шоҳ Саид Палангпўш, ва эшон аз Бобо Қул Мазид, ва эшон аз Саййид Мирчон қаландар, ва эшон аз Саййид Шамсиддин, ва эшон аз Мир Чамолиддин, ва эшон аз Мир Ғиёсиддин, ва эшон аз Мир Насриддин, ва эшон аз Мир Ҳамидиддин, ва эшон аз Мир Буғройи қаландар, ва эшон аз Саййид Баҳром, ва эшон аз Саййид Вазуд, ва эшон аз Шоҳ Неъматуллоҳ, ва эшон аз Шоҳ Таййиб қаландар, ва эшон аз Мир Сурх қаландар ва эшон аз Зикриёи қаландар, ва эшон аз Саййид Музаффар, ва эшон аз чаноби фахр ул-имом Ҳазрати Саййид Абдулқодир Чилонӣ Ғавсул-Аъзам, ва эшон аз Абу Аҳмад Абдол, ва эшон аз Султон Фурс Нофакушой, ва эшон аз Султон Иброҳим Адҳам, ва эшон аз Саййид Адҳам Саққо, ва эшон аз Маъруфи Кархӣ, ва эшон аз Ҳазрати Саййид Али Мусо ар-Ризо пўшиданд, ва эшон аз Ҳазрати Имом Чаъфари Содиқ, ва эшон аз Ҳазрати Имом Муҳаммад Боқир, ва эшон аз Ҳазрати Имом Зайнулобидин, ва эшон аз қуррат ул-айни расули сақалайн Имом Ҳусайн, ва эшон аз волиди худ асдуллоҳ ул-ғолиб Али ибн Абу Толиб, ва эшон аз моҳи муқаррами Ҳазрати Муҳаммад мустафо саллоллоҳи алайҳи васаллам.¹ (матн таржимага муҳтож эмас).

Кўриб турганимиздек, манбалардан равшанки, ул зотнинг қўл бериб иршод олган пири ҳам ва хирқа-тўнни кийдирган устози ҳам қодирия тариқатига мансуб бўлиб, бу тариқат асосчиси эса Саййид Абдулқодир Жилоний (Ҳасайни-Ҳусайни) эдилар. Бу ҳол, машҳур мутасаввиф муршид ва шоир Мир Ғиёсиддин Мирак ал-Бадахший «Девони ашъор»ининг кириш қисмида ҳам тасдиқланган².

Шайх Ёфеийдан иршод беришда рухсати куллий ҳуқуқини

¹ Ўша жойда.

² «Девони Мир Ғиёсиддин Мирак ал-Бадахший» қўлёзмаси.

олган ҳамда Шох Таййиб қаландардан эса хирқа кийиб камолга етишган Мир Саййид Неъматуллоҳ, энди халқ орасида Шох Неъматуллоҳ номи ила танила борди.

Етти йил Маккаи мукаррамада пири Шайх Ёфейи хузурида муқим туриб, иршод олгач, ислом давлатлари бўйлаб сайру саёҳатини давом эттирди ва унинг асосий манзили дунёнинг сайқали Самарқанд шаҳри бўлади. Баъзи тарихчиларнинг фикрича, Амир Саййид Неъматуллоҳ ёш йигитлик пайтида, илмга чанқоқ вақтида Самарқандга келган эмиш. Аслида эса, ул зот Маккага неча йиллар муқим яшаб, қўл олиб, иршод ҳуқуқини бериш даражасигача етгач (ўрта ёшда, тахминан камида 35-45 ёшларида), бу шаҳарга келади. Бу вақтда Амир Темур (1369 йилдан) Самарқанд тахтига ўтирган, Шох Неъматуллоҳ эса пиру муршидлик даражасига етган эди. Ул зот Самарқандда чиллада ўтирган ҳолда риёзатлар чекиб шунчалик кучли ибодатлар қиладики, тарихий китобларда бу воқеа ўз аксини топган эди¹. Манбаларда Шох Неъматуллоҳнинг Самарқанд, кейин Ҳирот ва Яздда қилган саёҳатлари ҳақида кам маълумотлар берилган.

Ул зот Самарқанддаги бир неча йиллик сафарини тугатиб, Ҳирот шаҳрига қараб йўл олади. Баъзи манбаларда Шох Неъматуллоҳнинг Самарқанддан кетишини, «Амир Темурга унинг ваъзалари ёқмаган ва шунинг учун кетишга мажбур этишган», деган фикрларни ҳам илгари суришган. Аммо, Шох Неъматуллоҳнинг Самарқандда яшаб келаётган ҳозирги авлодларига қолган ҳужжатда ул зотнинг Самарқандга Амир Темур билан учрашгани, қизгин суҳбати ва соҳибқироннинг унга нисбатан кўрсатилган катта ҳурматини назмий тарзда ҳикоя қилинган. ушбу мумтоз манзум қасидани Шох Неъматуллоҳ ҳақидаги қайсидир бир мақомот ё маноқибдан олганликлари аниқ бўлиб, бу воқеани бўлиб ўтганлигидан далолат бериб туради (назмий қасидани кейинги бобда кўриб ўтамыз).

Шундай қилиб, Самарқанддан Ҳиротга қараб йўл олган Шох Неъматуллоҳ бу шаҳарга келиб, тариқатда бардавом бўлади. Манбаларнинг дарак беришларига қараганда, шунча

¹ Таквим ут-таворих. Ҳочи Халифа. Техрон; 1375, сах. 449.

йил оиласиз мужаррад яшагач, ул зот бу ерда келиб Амир Имо-
диддин Ҳамза ал-Ҳусайний ал-Ҳиравийнинг қизига уйланган¹.
Қуйидаги бобда келтирилган “Насабнома”да ёзилишича, Шоҳ
Неъматуллоҳнинг бу хотинлари, Имом Мусо Козимнинг Гу-
листон вилояти ҳукмдориға никоҳ қилинган “Гулсум” номли
қизларининг авлоди экан. Қайнотасининг «Амир» нисбаси ва
«Ҳусайний» аталиши, унинг зоти ҳам имом Ҳусайн авлодига
мансуб саййидлардан эканлигини англатмоқда.

Шоҳ Нематуллоҳнинг Ҳиротда неча вақт муқим яшаган-
лиги ҳақида аниқ маълумот йўқ. У бир муддат бу шаҳарга
қўним топгач, Яздга қараб йўл олади. Кўпгина манбалар ул
зотнинг охирги 25 йил умрини Кирмоннинг Моҳон мавзеида
ўтказганлигини ёзадилар. Демак, 100 ёш умр кўрган Шоҳ, 75
ёшига қадар турли шаҳарларда сайру саёҳат ва умргузаронлик
қилган экан. Шунга кўра, юқорида келтирилган шаҳарларда
анча муддатдан яшаган кўринади. Баъзи манбаларда, «кейинги
30 йиллик умрини Язд, Шероз ва Кирмонда, сўнгги 25 йилини
эса (Кирмон атрофидаги) Моҳон қишлоғида ўтказган»². (яъни,
умумий охирги 55 йилни шу шаҳарларда ўтказган) деб таъкид-
ланганини инобатга олсак, Маккада яна 7 йил яшаган бўлса,
демак, қолган қарийб 40 йиллик умрини Самарқанд, Қарши,
Миср, Балх ва яна бошқа мавзеда ўтказган бўлиб чиқади ва
бу орада Самарқандда кўпроқ яшаганлигини тушунса бўлади.
Шунга кўра, ул зот Амир Темур даврида шахримизда анча
вақт яшаган ва қолган умрини юртида, Шоҳрух мирзо дав-
рида ўтказган бўлади. Темурий Шоҳрух мирзонинг ҳам катта
хурмат-эътиборига сазовор бўлган ва маҳаллий ҳукмдорлардан
Аҳмадшоҳ ҳам уни хузурига таклиф этган³.

Тавбаю газарру, тоқату қаноат, тақводорлику фақирлик, обид-
лигу зоҳидлик, Оллоҳга муҳаббат ва Ундан қўрқиш, мушоҳада
этиш каби фазилатлар эгасига айланган Шоҳ Неъматуллоҳ
соҳибқаромат ва хорик ул-одат рутбасига қўтарилди ва кутб
ул-актоблик даражасига етгач, аҳли тариқат орасида «Валий»

¹ Ислом энциклопедияси. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Давлат
илмий нашри. Тошкент; 2004. 184-бет.

² Ўша жойда.

³ Ҳазраткул М. Тасаввуф. Душанбе; Маориф, 1988. 97-98 бетлар.

деган шарафли унвон билан тақдирланган, энди ул зотни Шох Неъматуллоҳ Валий деб атай бошлайдилар.

Амир Шох Неъматуллоҳ умрининг охирги чорак асрини ота-бобоси юрти Кирмоннинг Кўҳбинон, асосан Моҳон мавзеида ўтказди. Бу мавзеларда унинг ота-бобоси кўмилган бўлиши керак; чунки, шунча улуг шахарларни ва туғилган юртини кўйиб, кичкина қасабага кўним топиши бежиз бўлмаса керак.

Бир аср яшаган (100 ёшга кирган) Ҳазрати Шох Неъматуллоҳ Валий, саҳиҳ сана – 834/1431 йилда Кирмоннинг Моҳон кишлоғида вафот этадилар¹. Кейинчалик, алломанинг қабри узра юксак эҳтиром билан мақбара қурилди ҳам ҳозирга қадар халқ зиёратгоҳи ҳисобланади.

Кўпгина ишонарли манбаларнинг гувоҳлигига қарамай, тарихчилар ул зотнинг вафот этган йилларини турлича ёзишган. Масалан, Давлатшоҳ Самарқандий тазкирасида ҳам, Мустафо бин Абдулло Чалабийнинг (Ҳожи Халифа) «Тақвим ут-таворих» асарида ҳам 827/1423, «Луғатномаи Деххудо» китобида 843/1439 йил санасини кўрсатишади. Аббосқули Оға ибн Боқиҳон эса ўзининг «Гулистони Эрам» асарида янада узоқлашиб кетади ва “1431 йил туғилиб, 1521 йил вафот этган”, деган ақлга сиғмас фаразни илгари сурган.

Ул зотнинг вафот йилини шундан аниқласа бўладики, Шох Неъматуллоҳнинг охирги халифаларидан бири, шоир Шох Доий Шерозий (асл номи Низомиддин Маҳмуд) 810 йилда туғилган ва 24 ёшлигида, яъни 834/1430 йилда Кирмонга бориб, иродат кўлини Шох Неъматуллоҳ Валийга берган². Бундан шу нарса англашиладики, ўша йилларда Шох Неъматуллоҳ Валий ҳаёт бўлган ва кўл олган охирги шогирдларидан бири ушбу мутасаввиф шоир эди.

Яна ҳам аниқроқ манба «Матлаъ ус-саъдайн ва мажмаъ ул-бахрайн» асари муаллифи Абдураззоқ Самарқандий шундай ёзади: «Саккиз юз ўттиз тўртинчи йили камол аҳлининг саййиди, ҳолл эрларининг хужжати, улуг муртазо, араб ва ажам саййидларига ўрнак, илоҳий нурларни очувчи, ниҳоятсиз (Тан-

¹ Нашрияи китобхонаи марказии донишгоҳи Техрон, 1339. Саҳ. 84.

² Абулхусайни Зарринкуб. Тасаввуф дар Эрон. Ирфон. Душанбе. 199, саҳ-279-280.

гри)нинг сирларидан вокиф бўлмиш амир Нуриддин Саййид Неъматуллоҳнинг руҳи лочини – йигирма бешинчи ражабда (1431 йилнинг 8 апрели) Кирмоннинг Моҳон қишлоғида ранжу меҳнат ваҳшатоходи бўлган бу дунёдан жаннат гулистони томон учди. Унинг қабри ҳам ўша жойдадир. Бу варақларни тўпловчи Абдураззоқ ибн Исҳоқ иттифоқан 845 йил ойларида Кирмон шаҳрига ва Моҳон қишлоғига борди ва Саййид Неъматуллоҳнинг у нурли қабрию хушбўй тупроғини зиёрат қилишга мушарраф бўлди, ва ғоятда улуғвор қилиб қурилган кубба, боргоҳ, гунбаз ва хобгоҳни кўздан кечирди».¹

Кўриб турганимиздек, теурий ҳукмдорлар Шохрух ва Мирзо Улуғбекларнинг тарихини ёритувчи асосий манбалардан бири ҳисобланган «Матлаъ ус-саъдайн ва мажмаъ ул-бахрайн» асари ҳам Шох Неъматуллоҳ Валий вафотининг аниқ санасини, қабр жойининг аниқ ўрнини кўрсатмоқда.

Шох Неъматуллоҳ Валийнинг ҳаётий турмуш тарзи, тариқат фаолияти халқ орасида маълуму машхур бўлган. Унинг обидликдаги куну тун ибодату тақвоси, зоҳидликдаги ойлаб рўза тутиши, ботинликдаги муроқабага кетиши сўфийларга ривоят уибрат бўлиб кетган эди. Шох Неъматуллоҳ Валий ўз қарашларини кубравия, қодирия ва хожагон силсила сулуқлари тариқатларига мослаштирган эди. Ул зот асос солган неъматуллоҳия тариқати тасаввуф силсилалари орасида машхур тариқатлардан бирига айланади. Тариқатнинг дунёқарашини, фаолиятини моҳиятан халқчиллик, асосан хунарманд, деҳқонларнинг, тожир ва қосибларнинг манфаатларини кўзлаш каби эзгу ишлардан иборат эди. Бу тариқат сиёсий жиҳатдан фаол иш олиб бориб, давлатнинг ички ҳаётига қатта ва ижобий таъсир кўрсатган.

Шох Неъматуллоҳнинг тинмай сайру саёҳат этишини, қўп воқеаларни кўришини, тариқат муршидлари ва шоху гадолар билан учрашиб суҳбат қурганлари унинг ҳаётида, илмий ва адабий ижодиётида ҳам чуқур из қолдирган эди.

Шох Неъматуллоҳ Валий нафақат тариқатда фаолият кўрсатган эди, балки илмий, адабий ижодиётлар билан ҳам

¹ Абдураззоқ Самарқандий. Матлаъ ус-саъдайн. 2-жилд, 2-қисм. А. Ўринбоев таржимаси, Тошкент. Ўзбекистон, 2008. 16-17 саҳифалар.

донг таратган арбобдир. Манбалар унинг турли соҳага доир 544 илмий асар ёзганлигини ва шулардан 110 таси бизгача етиб келганлигини уқтиришади. Жумладан, «Рисолаи истилоҳот», «Рисолаи завқ», «Рисолаи нуқот», «Рисолаи маънии ҳастӣ ва нестӣ», «Рисола дар баёни наср», «Рисолаи нур ва маротиби он» ва бошқа асарлар шулар жумласидандир. Шохнинг арабу форс тилларида таълиф этилган асарлари тасаввуф, сайру сулук, ахлоқ ва ҳикмат каби соҳаларни ўз ичига қамраб олган ҳамда катта илмий аҳамият касб этган.

Шох Неъматуллоҳ илмий фаолиятдан ташқари ирфоний-адабий ижод билан ҳам шуғулланган. Унинг 14 минг байтдан иборат 1500 дан зиёд ғазалларидан ташкил топган «Девони ашъор» асари ғазал, қасида, таржеъбанд, маснавий, дубайт ва рубоӣётларни ўз ичига олган. Ушбу девон, аҳли тасаввуф орасида жуда машхур бўлиб, ундаги сўфиёна ашъорлар кўпроқ ваҳдати вужуд, сулукдаги солиқлар йўриғи, адолат, халқ манфаати каби масалаларни ўз ичига қамраб олган. Шохнинг аксарият ғазалиёти ирфоний мазмунда бўлиб, аҳли тасаввуф унинг ашъорини Ҳофиз Шерозий ва Мавлоно Жалололдин Румийларнинг ашъорлари билан тенглаштирар эдилар. Жумладан, «Силсилат ул-орифин» асари муаллифининг ёзишича, Ҳофиз Шерозийни ғазалиёт бобида Шох Неъматуллоҳ Валийнинг пайрави эканлигини таъкидлаган. Шу билан бирга, манбаларда айтилишича, Жалололдин Румий ғазалларидаги шатҳиёт Шох Неъматуллоҳ “Девон”ида тараққий эттирилган. Манбаларда уни XV аср сўфийлик адабиётининг машхур намояндаси, деб бежиз айтишмаган. Ва бу сўзлар Шох Неъматуллоҳ Валийга тарихчи адиблар томонидан берилган жуда катта баҳо эди.

XIV аср охири ва XV аср бошларида, аввалига Шох Неъматуллоҳнинг ўзи, кейинчалик унинг издошлари Эронда шиа ва сунний ихтилофини сулҳ йўли билан келиштиришга интилганлар. Муҳаққиқларнинг маълумотларига қараганда, Эрон заминида шиа оқими сиёсий пешволикни қўлга киритгандан кейин ҳам бу тариқат ўзининг нуфузини йўқотибгина қолмай, балки, обрўси анча ошган ва келишувчилик сиёсати-га киришган. Бу вақтда Эронда тасаввуф тариқатларининг энг

йириклари неъматуллоҳия, хайдария ва кубравиядан ажралиб чикқан заҳабия бўлиб, уларнинг ўзидан ҳам бир неча янги су-луклар тармоқланган эди.

Шоҳ Неъматуллоҳ Валий эътиқодда мотуридий-ашъарийка-лом, мазҳабда шофеиймаром эди. Қодирия тариқатида муқим, аҳли сунна ва-л-жамоада мустақим – бир қадам ҳам чекинмаган зот эди; аммо ул зот вафот этгач, издошлари йилдан-йилга унинг тариқатига ўзгача тус бера бошладилар. Шоҳнинг тариқатидан тузилган неъматуллоҳия силсиласи бошқа мазҳабу фирқалар таъсирида, аввал Эронда, сўнг эса Ҳиндистонда мужтаҳидлик йўллари билан янгиланди, баъзан аҳли сунна ва-л-жамоадан бироз йириклашди ҳам.

Кейинги ўрта асрларда маркази Ҳиндистонга кўчган неъматуллоҳия тариқати энди бу ерда фаолияти йириклашди. “Шоҳ Али Ризо Даканий” номли мутасаввиф “Саййид Маъсум Алишоҳ” номли кишини Эронга жўнатиб, неъматуллоҳия тариқатини ўрганишни ва уни Ҳиндистонга жорий этишни тайинлайди. У неча йиллар тариқат асрорларини ўрганadi. Ҳиндистонда бу тариқатни ёйиб, шуҳратини кўтарган аввалги кишилар Файз Алишоҳ Исфаҳоний (1194-99/1779-84 й. вафот этган) ҳамда унинг зўр истеъдодли ўғли Нур Алишоҳ (Мирзо Муҳаммад Али, 1212/1797) эдилар. Булар неъматуллоҳия тариқатининг бузург машойихларидан бўлиб, Саййид Маъсум Алишоҳ билан Эрону Ироқдаги бу тариқат машойихлари ора-сида асосий воситачи ролини ўйнаганлар. Нур Алишоҳ бу сил-силанинг машҳур қутбларидан бирига айланади.

Ундан кейин эса Ҳусайн Алишоҳ Исфаҳоний (Шайх Ҳусайншайх Зайниддин, 1234/1818 й. вафот этган), Мажзуб Алишоҳ (Хожа Муҳаммад Жаъфар Кабуд) кабилар ҳам ушбу тариқатнинг бузург қутбларидан ҳисобланганлар ва Ҳиндистонда фаолият кўрсатганлар. Нисбатан кейин-ги давр машойихларига Носир Алишоҳ Исфаҳоний, Собир Алишоҳ Жарқўяи Исфаҳоний, Сафий Алишоҳ Исфаҳоний (1316/1898) кабилар ҳам бу силсиланинг охириги қутбларидан ҳисобланганлар.

Неъматуллоҳия тариқатининг XIX–XX асрлар давомида-

ги тарихи кузатилганда, асосан Исфаҳон машойихларининг Эрон, Ироқ ва Ҳиндистон юртларида фаолият кўрсатганлиги маълум бўлади¹.

Кўриб турганимиздек, тариқатнинг Ҳиндистон йўналиши Эрон йўналишидан деярли фарқ қилмаган. Сезиларли фарқлардан бири Эронда тариқат муршидлари номига кўпинча «Шох», «Мир» кўшимчалари кўшилса, Ҳиндистонда эса фақат «Алишоҳ» кўшимчаси кўшилган. Яъни, халифа Имом Али (р), Шох Неъматуллоҳ ва Имом Маҳдиларга ҳурматлари катталиги сабабидандир. Шу билан бирга, кийинишларида ҳам бироз фарқ бўлган. Қутблик, яъни тариқатга бошчилик ва пешволик қилиш мерос бўлиб ўтган.

Неъматуллоҳия тариқати пешволари силсила соликлари учун меҳру зуҳд, вафоу фано, фақру таслим, вараъу ридо каби рукнларни босиб ўтиш лозимлигини уқтирганлар ва шундагина солиқнинг қалб кўзи очилиб, тариқат асрорлари унинг учун аён бўлади ҳамда комилликка эришади, деб билганлар.

Дарҳақиқат, аҳли тасаввуф Мавлоно Жомий айтганларидек, карвонбошидурким, халқни тўғри, ҳидоят ва покланиш йўлига бошлайдилар. Аҳли тасаввуф ислом дини замирида кибру ҳавойи нафсдан парҳезда бўлган энг тақводор табақа ҳисобланади. Уларнинг турли силсила-сулуклари муршидлари орасида халқиядан (оддий халқдан) чиққанлар билан бирга Мир Саййид Али Ҳамадоний, Мир Саййид Кулол, Шох Неъматуллоҳ Валий, Маҳдуми Аъзам Даҳбедий каби ашрафзода саййидларни ҳам учратиш мумкин. Демак, тасаввуфда наслу насаб, молу давлат инобатга олинмайди; фақат меҳнату ҳасаб орқали, дин ривожини ва халқ манфаатини йўлида қилинган хизмат ва ибодатлар каби амаллар ҳисобга олинади.

Тасаввуфда халифалар ўз пирларидан иршод ҳуқуқини (иршодномани, яъни пирлик қилиш ҳуқуқини) олишгач, ҳар бирлари жорий тариқатни давом эттириб, баъзилари эса алоҳида ўз тариқатлари, сулук-йўллари билан кетганлар. Шулар замирида

¹ Чалолитдин Хумоий. Китобхонаи паҳлавий, нашрияи Эроншуноси // Ирфон ва тасаввуф. №1, 1968. саҳ.16; // Аббоскулиёга Бокихонов. Гулистон. Баку, 1991. 203-204 стр.

тасаввуф бир қанча тариқий силсилаларга улар эса ўз навбатида сулуқларга бўлиниб илдиз отиб кетган.

Бу намояндалар ўзларининг риёзатчилиги, тақводорлиги ва хокисорликлари билан халққа, мусулмонларга нафақат ибрат бўлиб, балки шу ишлари орқали ислом динининг ривожланишига, юксалишига буюк ҳиссалар қўшганлар. Бу аҳл ҳақида ҳатто Қуръоннинг бир неча сураларида оятлар нозил бўлган. Асли, тасаввуф зухду парҳезгорликдан келиб чиққан бўлиб, пайғамбар (с.а.в.) ҳадислари бўйича, «у дунё саодатига етиштирган». Бу аҳл пешволарининг руҳониятлари барчамизни тарбият қилсин, омин!

Дарҳақиқат, юртимизда, жумладан Самарқандданеъматуллоҳия тариқати асосчиси Шох Неъматуллоҳ Валийнинг авлодлари ҳозирга қадар яшаб келишмоқда, ўзларини бу муборак зотга алоқадор эканини ҳужжатлар асосида тасдиқлашмоқда. Ушбу сатрлар муаллифи ҳамшаҳарларидан бир неча киши насабини Шох Неъматуллоҳ Валийга бориб тақалишини айтишган. Ҳожи Бақохон Мухторов эса бу зотнинг зурриёти эканлигини ҳужжатлар билан асослади. Ҳужжатларга шубҳа йўқ, чунки уларни қозилар тасдиқлашган.

«Қандия» китобининг «Самарқанд вилоятидаги Шовдор мазоротининг зикри» бобида: «...Ва яна Саййид неъматуллоҳ валий Табризийнинг жасадини бу ерга Амир Темур келтириб, кўмдирган»¹, деб ёзилгани, Шовдор мазоротида Шох Неъматуллоҳ Валийнинг илк фарзанду набиралари кўмилган ва темурийлар уларни шу ерда дафн эттирганлигини англатади. Ана шу илк авлоддан қолган зурриётлар ҳозирга қадар Самарқандда яшаб келмоқдалар («Қандия»да ул зотнинг нисбаларини негадир, «Табризий» деб келтирилган ва бу, ҳаттот хатоси ёки Табризга алоқалари борлигини кўрсатади).

Ҳозирги даврда неъматуллоҳия тариқати юртимизда мавжудми ё йўқми, деган масалага келганда, кейинги асрлардаги фаолиятлари ҳақида бирор манбада учратилмади. Аммо, Носириддин Ҳусайн Бухорийнинг «Тухфат ул-зоирин» номли асарида турли тариқатлар тўғрисида сўз юритилган бўлиб, ундан

¹ Насафи. Қандия. Самарқанд; Сугдиён, 1994. (Каттаев К. таржимаси) 71-бет.

The page features a wide, intricate decorative border with a repeating floral pattern. In the center, a large, ornate floral frame surrounds the title. At the top and bottom of this frame are smaller, circular floral medallions. The background is white with a light gray rectangular area on the right side.

МАХДУМИ
ХОРАЗМИЙ
ТАРИХИ

қаландария силсиласи юртимизда кейинги асрларгача фаолият кўрсатиб келганлигини ҳамда бу силсила неъматуллоҳия силсиласига тариқат жиҳатидан нисбатан яқинлиги ҳақида ишорани сезасиз. Абу Тохирхожанинг «Самария», Мир Ғиёсиддин Мирак Бадахшийнинг «Девони ашъор» асарлари ҳам буни исботлайди. Чунки, иршод (кўл) олиш жиҳатидан бўлмаса-да, хирқа кийиш жиҳатидан қаландария тариқатининг пиру муршиди Бобо Ҳожи Сафонинг силсилавий муршидлари Шох Неъматуллоҳ Валийдан хирқа кийганликлари ҳамда тариқат муршидларининг аксариятида «Шох», «Мир» каби номлар билан аталганини кўрамиз. Ҳозирги даврга келиб, неъматуллоҳия тариқатининг издошлари Эрон ва Ҳиндистонда мавжуд.

ТАҚДИМ

Туганмас ҳамду санолару шукроналар бўлсин меҳрибон Оллоҳгаким, юртимизни мустақилликка эришиш шарафига муяссар этиб, кадриятларимизни тиклатди. Бехисоб дуруду саломлар бўлсин ул ягона Инсони Комил бўлмиш Муҳаммад алайҳиссалоту васалламгаким, ўз ҳадиси муборақлари ила бутун дунёда ақлу заковат ва маданият одобини тарқатдилар. Кўплаб дуойи хайрлар бўлсин ул шарофатлик аҳли байт, асҳоби киром ва уларнинг пайровларигаким, суннати набавия ва шариату тариқатни бизга қадар оқизмай-томизмай етиб келишига сабабчи бўлдилар.

Муқаддас заминимиз ислом дини замирида оламшумул алломаларни жаҳонга тўхфа қилдиким, бу улуғ зотлар турли соҳаларнинг пешвоси, асосчиси сифатида довуғ таратдилар. Улар жумласига: Имом ал-Бухорий, Имом ад-Дорамий, Имом ат-Термизийлар – ҳадисшунослик соҳасида; Имом ал-Мотуридий ва Имом Абул Қосим Ҳаким ас-Самарқандийлар – илми калом ва ҳикматда; Имом ар-Растуғфоний, Имом Абул-Лайсий, Имом Али ас-Суғдий, Имом ан-Насафий ва Имом Бурҳониддин ал-Марғинонийлар – фикҳшунослик соҳасида; Имом аз-Замахшарий (ал-Хоразмий) -тафсир соҳасида; ал-Фарғоний, ал-Хоразмий, Мирзо Улуғбек, Али Қушчи кабилар – фалакиёт ва хандаса соҳаларида; ал-Фаробий, ал-Берунийлар – қомусшуносликда; Ибн Сино ва Юсуфийлар – тиббиёт соҳасида; Абдулхолиқ Ғиждувоний, Аҳмад Яссавий ва Нажмиддин Кубролар ҳамда уларнинг тариқатларидаги машҳуру манзур издошлари бўлмиш Хожаи Нақшбандий, Хожа Аҳрори Вали, Махдуми Аъзами Даҳбедий, Шайх Худойдоди Вали, Шайх Ҳусайн Хоразмий ва бошқалар тасаввуф тариқатлари соҳасида жавлон уриб катта ютуқларни қўлга киритдилар ҳамда юртимиз шўхратини дунёга ёйдилар.

Ана шу улуғ сиймолардан бири – Ҳазрати Шайх Махдуми Ҳусайн Хоразмий ўз замоналарида тариқат пешвоси, Кубравия силсиласи сулуки раҳбари эдилар ва тарихда Шайх Махдуми Хоразмий номи ила машҳуру манзур бўлдилар.

Мустақиллик давригагина келиб, бошқа буюқларимиз

қаторида ул зотнинг ҳам номлари тиклана бориб, хонақоҳлари обод эттирилди, мақолаларда тарихлари ёритила бошланди.

Менинг мактабдош дўстим Темурхон Бобохонов (бу киши Ҳазрати Шайх Ҳусайн Хоразмийнинг бевосита ўғил авлодларидандир) бундан бир неча йиллар муқаддам аجدодларидан марҳум отаси Маъсудхон Бобохоновга мерос қолган “Жодатул-ошиқин” (ёки “Маноқиб Шайх Ҳусайн Хоразмий”) қўлёзма китоби ҳамда бир қадимий хужжат бўлган вақфномани келтириб бизга таништирган эди. Ўшанда, бу машойих ҳақларида илгарилари бобом ва катта онамлардан кўп эшитган эрсам-да, тарихлари билан яқинроқ танишиш шарафига энди муяссар бўлган эдим.

Кўлингиздаги ушбу рисола ни ёзишда асосан “Жодатул-ошиқин” китобидан ташқари яна “Ламаҳот мин нафаҳотул-қудс”, “Равойихул-қудс”, “Жомеъул-мақомот”, “Тўхфатул-зоирин”, “Кашкули Салими”, “Сафинатул-авлиё”, “Тақвимут-таворих”, “Мустафодул-ахбор” “Рисола фи баёни илмул-ҳисоб ван-нужум” каби бошқа кўпгина қадимий китоблар ва хужжатли манбалардан истифода этишга уринилди. Шу билан бирга, замонавий манбалардан ҳам кенг фойдаланилди.

Тарихий манбаларга қараганда, ушбу сатрлар муаллифининг бобокалони бўлмиш Ҳазрати Махдуми Аъзами Даҳбедийнинг яқин дўстлари бўлган Ҳазрати Махдуми Ҳусайн Хоразмий тарихларини китобат этишга агарчи билим ожизлик қилса-да, Темурхон Бобохоновнинг бу таклифини ўзимиз учун шараф деб қабул қилдик ҳамда Шайхнинг ҳаёт-фаолиятларини, айниқса, умрларининг охириги йилларидаги кечмишларини манбалар асосида қадамба-қадам тадқиқ этиб келтиришга ҳаракат этилди.

МАХДУМИ ХОРАЗМИЙ ШАХСИЯТИ

Қадимий Хоразмдан етишиб чиққан ва ислом оламида “Хоразмий” нисбалари билан машхуру манзур бўлган ҳамда дунё илм-фани, кадрияти ривожига сезиларли таъсир кўрсатган зотлар ҳақида эшитмаганлар кам топилса керак. Улардан баъзи бирларининг номларини охириги даврларда атайин халқ хотирасидан ўчиришга ҳаракат қилишган бўлсада, мустақиллик сабаб, халқимиз ўзининг улуғ фарзандларининг номларини ва кадриятларини тиклашга эришди. Кадриятлари тиклана бораётган ана шундай бузург алломаларимиздан бирлари, Кубравия тариқати пиру муршиди, 1465 йилда Хоразмда туғилиб, 1551 йилда Шомда (Дамашқда) вафот этган ва Махдуми Хоразмий номлари ила шуҳрат қозонган Ҳазрати Шайх Камолиддин Хусайн Хоразмийдир.

Бу табаррук зот ҳаётларидаги тариқий фаолиятлари тўғрисида етарли даражада манбалар топилса-да, ушбу маълумотларда ёшликлари, ота-оналари, келиб чиқишлари ҳақида кам ва аксарият умумий гаплар келтирилган. XVIII-XIX асрларда яшаб ўтган Мақсуд ибн Носириддин Хусайн Бухорийнинг “Равойихул-қудс” қўлёзма асаридан бу соҳага таалуқли эътиборга молик маълумотлар олинди.¹¹ Китобнинг “Камолиддин Хусайн ал-Хоразмий” деб аталувчи бобида ушбуларни ўқиймиз: “Камолиддин Хусайн Хоразмий (Оллоҳ унинг қабрини нурга тўлдирсин), Шайх Шаҳобиддин Хусайн Хоразмийнинг асосий самарали шажараси теккан ўғли бўлиб, унинг насаби амиралмўъминин Абу Бакр Сиддиқ розиоллоху анхунинг азалий баланд ва соф насабига етади ҳамда она томонидан сайидзода бўлиб, Шайх Бурҳониддин Қиличга бориб тақалади”.

Демак, Шайх Хусайн Хоразмий ота томондан баланд насаб соҳиби бўлиб, она томондан эса улуғ машойих, Фарғона подшоҳи ва кейинчалик тариқат йўлида тахтдан воз кечган султон Сайид Бурҳониддини Қиличга бориб тақалишлари

¹¹ Жодатул-ошикин, қўлёзма, Т.Бобохоновнинг шахсий кутубхонасида мавжуд, 31-32 саҳифалар.

² Жодатул-ошикин, қўлёзма, Т.Бобохоновнинг шахсий кутубхонасида мавжуд, 31-32 саҳифалар.

ҳамда асл келиб чиқишлари Фарғона вилоятидан эканлиги англанилмоқдаким, “Жодататул-ошиқин” китобининг муаллифи ҳам ушбу тарзда ёзгандир.²

Тасаввуф силсилаларининг Кубравия тариқатида “Хоразмий” нисбаси билан икки машҳур пиру муршид тарихий манбаларда келтирилади. Уларнинг нафақат нисбалари, ҳатто исм ва лақаблари ҳам бир хил бўлган, яъни иккалалари ҳам “Қамолиддин Ҳусайн Хоразмий” деб келтирилган. Аммо, бирлари тахминан XIV асрнинг иккинчи ярмида туғилиб XV асрнинг 20-чи йилларида (аниқроғи, тахминан 1426 йилда) шаҳид этилган бўлса, иккинчилари XV асрнинг иккинчи ярмида туғилиб XVI асрнинг 50-чи йилларида (1551 йилда) вафот этган. Ушбу икки машҳур машойихнинг номлари, юртлари ва тариқатларидаги монандлик туфайли кейинги давр манбаларида уларнинг номлари, насаблари, туғилган ва вафот этган саналари, умуман шахсиятлари борасида баъзи тарихчи олимлар томонидан бирмунча чалкашликларга йўл қўйилганким, шул жиҳатдан биз энг аввало ўзга Хоразмий тўғрисида сўз юритиб, ул зот тўғрисидаги турли китобларда қайд этилган ёзишмаларни кўриб чиқишни лозим топдик:

Алишер Навоий ўзларининг “Мажолисун-нафоис” асарларидаги “Мавлоно Ҳусайн Хоразмий” номли бобда шундай ёзадилар: “Мавлоно Ҳусайн Хоразмий - (бу зот) Хожа Абулвафонинг зоҳир илмида шогирди эрди ва ботин илмида муриди-дур. Мавлоно ўз замонининг машҳурларидиндур ва “Мақсуди ақсо” унинг таснифидур ва Мавлоно Жалолиддин Румийнинг маснавийсиға шарҳ битибдур ва “Қасидаи бурда”ға ҳам хоразмийча турки тили била шарҳ битибдур, ўзга мусаннафоти ҳам бор, аммо ахлоқ ва сифоти ботин илмида ёруғлуқ топқоннинг мунофиси(зидди)дур ва мавлонони Шоҳрух мирзо замонида бир ғазал учун такфир (кофир) қилиб Хоразмдан Ҳирига кетурдилар. Чун донишманд ва истилоҳ билур киши эрди, ҳеч нима собит қила олмадилар, қайтиб яна ўз мулкига кетди... Мавлонони тан сўфи бўлмоғида Хоразмда ўзбек шаҳид қилди. Қабри Хожа Абулвафо қабрининг оёғи сарисидур”. (Навоийнинг ушбу асарини бошқа нусхасида Хоразмийни 839\1435 йилда вафот

этганлиги ёзилган. Бундан ташқари, унинг шарҳий асарлари бошқа қўлёзмаларда ҳам келтирилган.¹ Ҳазрати Навоийнинг ёзишмаларидан кўринаётирки, сўз ўзга Ҳусайн Хоразмий тўғрисида бораётир ва ул зотнинг шаҳид бўлган вақтида ҳатто хали Навоий ҳам туғилмаган бўлганлар ва ушбу Хоразмийнинг Самарқандга келганлиги тўғрисида бирор манба топа олмадик (Иккинчи шахс бўлган Камолиддин Ҳусайн Хоразмий эса Навоийдан 50 йил, биринчи Хоразмийдан эса қарийб 130 йил кейин вафот этганлар).

Юқоридаги ўзга Камолиддин Ҳусайн Хоразмийнинг бузурглигига қарамасдан, бирор тасаввуф тарихига доир мақомот ёки маноқиб китобларида алоҳида мақомоти берилмаган ва Кубравия силсиласининг бизга маълум бирор маънавий сулукига уланганлиги топилмади. Шунга қарамасдан, юқорида Навоий ёзганларидек, ул зот исёнкорли шеърятти, унга қўйилган айби ва шаҳид бўлганлиги билан, асосийси тасаввуфона ирфоний ғазаллари ва шарҳлари билан тарихга қолиб шўхрат қозонганлиги аниқ бўлиб турибди.

Хондамирнинг “Ҳабибус-сияр” асарида у тариқат асосчиси Шайх Нажмиддин Кубронинг авлодларидан эканлиги ва 830\1426 йилда кўчманчи ўзбеклар томонидан шаҳид этилиши келтирилганлиги ҳам унинг машҳур бўлишининг бир омилдир.²

Аммо, бошқа бир манбада Хоразмийни кўчманчи ўзбеклар давлатининг асосчиси Абулхайрхон (1428-1468 йиллар ҳукм сурган) ўзининг ихлос қўйган муршидлардан бири деб билиши, Хоразмийнинг тасаввуф борасида ҳам юртининг кўзга кўринган шахсларидан бири эканлигини англатиши тайин. Ҳофиз Таниш ибн Мир Муҳаммад Бухорийнинг “Абдуллонома”(“Шарафномаи шоҳий”) асарида ул зот тўғрисида шундай ёзилган: “Абулхайрхоннинг ҳолини ихчамлаб айтганда, у хали йигирма ёшга етмаган вақтда давлат ва ҳашамат қуввати билан Хоразм вилоятини... Шохрух мирзонинг ҳукмронлигидан қутқазди ва хонлик тахтига... ўлтирди.

¹ Искандарнома, ЎзФАШИ, инв.№1510, в. 116а.

² Хондамир. Ҳабибус-сияр, т. IV, Техрон, 1333\1954, 9-бет

У... илму фатво арбоблари ва тақво эгаларига кучли эътиқоди бўлиб, ...Хоразм вилоятига ташриф буюрган чоғларида гоҳ-гоҳ... валий мавлоно Ҳусайн Хоразмийнинг... зиёратларига бориб, у кишининг кимё хосиятли ботинларидан ҳиммат ёрдами кўрсатишни илтимос қилган”.¹

Қизиқ ҳолат, барча манбалар Хоразмийни кўчманчи ўзбеклар қўлида шаҳид бўлди, деб ёзишаётирлар. Бу манбада эса кўчманчи ўзбеклар давлатининг асосчиси Абулхайрхон уни ўзига муршид каби ҳисоблаётир!? Тарихчи Хондамирнинг маълумотларига қараганда, ушбу Хоразмий кўчманчи ўзбеклар томонидан 1426\27 йили ўлдирилган. Навоий асарларининг бир нусхасида шаҳид этилди дейилса, бошқасида уни 1435\36 йиллари вафот этган деб маълумот берилган. Унинг куфрга йўйилган шеърятини дин арбобларига ёқмаган ёки ҳокимият арбобларини ғашини келтирган ва шунинг учун шаҳид этилган бўлиши мумкин. Ўз вақтида бу иш ҳам аниқланиб қолар!

Ул зотнинг муршиди Хожа Вафонинг ҳам, агар-чи, Кубравия тариқатига дохиллиги бўлса-да, мақомотини ва силсиланинг қайси сулукга алоқаси борлигининг қайд этилганлигини топа олмадик. Ҳар қалай, замонасининг кўп сонли машҳур бузург муршидларидан бири бўлгани аниқдир.

Энди, чалкашликларга келсак, Самарқанд шаҳри тарихи мутахассиси, рус олими профессор М.Е.Массон ўзининг “Архитектурно-планировочный облик Самарканда времён Навои” номли монография асарида ёзади: “...ва бошқа мавжуд маданий-диний обидалардан зикр тушиш учун ҳужралари мавжуд хонақоҳни айтиб ўтиш ўринлики, уни XV асрда Кубравия тариқати сўфийлари учун 1435\38 йилларда ўлдирилган озод фикрли Шайх Махдуми Хоразмий қурдиргандир”.

Бу ерда Массон икки ерда хатога йўл қўйган: биринчидан, Самарқанддаги хонақоҳни 1435 йилда (ёки 1426 йилда) ўлдирилган эркин фикрловчи шайх (Самарқандга балки умуман келмаган шаҳид Камолиддин Ҳусайн назарга тутилмоқда) қурган демокда; иккинчидан, ўша биринчи шайхнинг номини адашиб, иккинчи Хоразмийнинг номи билан (яъни, Шайх Махдуми Хоразмий билан) адаштираётир.

¹ Ҳофиз Таниш. Абдуллонома, Фан. Т, 1966. 97-бет

Рус шарқшунос олимларининг мақолалари тўплами жамланган “Мавзолей Ишратхана” альбом-китобида¹ ҳам шу каби хатоликлар такрорланган. Аммо, Тожикистонда нашр этилган қомус - Энциклопедияи Совети Тожики кўптомлигининг “Қамолуддини Кубрави” номли бобида² шаҳид Хоразмийнинг отасининг номи, туғилган мавзеи ва асарлари номлари тўғрисидаги янги маълумотларни бериш билан бирга, янги... вафот санаси - 1461 йилни келтиришган.

Шунингдек, рус тарихшуноси О.Сухареванинг “Очерки по истории Среднеазиатских городов” номли тадқиқотида ҳам Махдуми Хоразмийни 835\1431-32 йили вафот этган, дейилиб, биринчисининг хато вафот санасини иккинчисига қўйган.³

Шундай қилиб, замонавий нашрларнинг баъзиларида айниқса, рус олимлари ёзишмалари билан бирликда Тожикистон Қомусида ҳам тариқатнинг икки ҳамном бузурғларининг тарихлари чалкаштирилган ва шундай чалкаштирилганки, ҳар иккисининг тарихларидан бир қисм - бир қисм олиниб, бир киши номига ёзилгандир.

Ушбу рус олимлари ҳақиқатан ҳам Ўзбекистон, хусусан Самарқанд тарихини ёритиш борасида охириги юз йил мобайнида жуда кўп ижобий тадқиқотлар қилишганликларини эътироф этишимиз лозим бўлади. Аммо, шу билан бирга, тарихни ёритиш жараёнида кўпчилик маҳаллий тарихчиларимиз юқоридаги олимларнинг бу каби чалкаш тадқиқотларига ёндашиб хулосалар чиқаришар экан, бу соҳада ҳам уларни танқидий ўрганишимиз лозим кўринади. Шундагина бундай чалкашликлар қайтарилмайди.

¹ Мавзолей Ишратхана. Гос.изд.Худож.Литер. Уз ССР, Т, 1958. 24-стр.

² ЭСТ. т-3, Душанбе, 1987. 205-бет.

³ История и культура народов Средней Азии. Москва, Наука, 1976. 139-стр.

МАХДУМИ ХОРАЗМИЙ ТАРИҚИЙ ФАОЛИЯТЛАРИНИНГ БОШЛАНИШИ

Ўрта асрларда муқаддас юртимизда устувор тариқат ҳисобланмиш Нақшбандиядан ташқари, яна Яссавия, Кубравия, Чиштия, Сўҳравердия, Қодирия каби тариқатлар ҳам халқ манфаати йўлида ўзаро келишувчанлик руҳида фаолият кўрсатиб келганлар.

Ана шундай йирик тариқатлардан бири Кубравия силсиласи бўлиб, асосчиси Шайх Нажмиддин Кубро Хоразмий (асл номлари Шайх Аҳмад ибн Умар ал-Хивақий) эди. Шом ва Мисрда таҳсил олган бу зот Хоразмга қайтиб ўз тариқатларини тузади. XIII асрдаги Чингизхоннинг босқини вақтида Хоразмдаги ўз хонақоҳлари ичида туриб қаршилик қилувчилар раҳбари сифатида босқинчиларга қарши курашган ҳолда 618 (1221) йилда қўлларида озодлик байроғини тутиб, тилларда дoston бўлган ҳолда шахид бўлганлар.

Шайх Нажмиддин Кубро тузган тариқатнинг жуда кўплаб машхур намояндаларидан бири, аълияи Кубравия аталган силсиланинг “Хусайния-Ҳамадония-Кубравия” сулуки йирик намояндаси Шайх Камолиддин Хусайн ал-Хоразмий бўлиб, кейинчалик Махдуми Хоразмий (баъзи асарларда Қутбиддин Хусайн ва Шарафиддин Хусайн)¹ номи ила шўҳрат қозонган. “Махдум” сўзининг маънисини - улуғ зот, бошқалар унга хизмат қилишлари лозим бўлган шахсга айтилади. Юртимизда бир даврда икки зот - Нақшбандия тариқатининг назариётчи пиру муршиди Ҳазрати Махдуми Аъзами Даҳбедий ва Кубравия тариқатининг пиру муршиди Ҳазрати Махдуми Хоразмийлар шундай муборак ва шарафли ном билан шарафланганлар.

“Равойихул-қудс”да² ёзилишича, аждодлари андижонлик бўлган Шайх Шаҳобиддин Хусайн Хоразмийнинг тўнғич ўғли Камолиддин Хусайн вояга етгунга қадар отасидан бирламчи дунёвий ва тариқий билимларни эгаллайди. Отаси Шайх

¹ Ҳасанхожа Нисорий. Музаққири аҳбоб. А. Қодирий, Т. 1993. 331-бетдаги изоҳда.

² Равойихул қудс. Каттаҳонхожанинг шахсий кутубхонасидаги қълёзма, 113-саҳифа.

Шаҳобиддин Ҳусайннинг ҳам “Шайх” ва “Ҳусайн” нисбаси мавжудлиги, унинг ҳам Кубравия тариқатидаги Ҳусайния сулукига алоқаси борлигини билдириб турибди.

Балоғатга етган Камолиддин Ҳусайн аввалига Шайх Умодиддин Фазлуллоҳнинг (яъни, Шайх Хабушонийнинг халафулхулафоларидан бири) иродатига киради ва кейинчалик шахсан ўзининг эътироф этишича, Шайх Умодиддинни ўзига “пири назари” деб қабул қилган экан.¹

Шундан сўнг, ул зот зоҳирий илм таҳсилини олишга таважжуҳ этиб, Хоразмда бағоят солиҳ ва обид мулло сифатида ном чиқарган Мавлоно Муҳаммад Ғиёс исмли донишманднинг наздида дунёвий билимларни эгаллайди. Аммо, ҳар кунлик риёзатга берилган Камолиддин Ҳусайннинг кўнглида тасаввуфга мойиллик жўш уриб, Ҳазрати Нажмиддин Кубронинг макбаралари зиёратига боради ва воқеани кўрадики, бир нур келиб унга таъсир кўрсатади ва у беихтиёр беҳуш йиқилади. Эртаси ҳушига келганда Мавлоно Муҳаммад Ғиёсга воқеани баён қилиб, рухсат олади ҳамда Мовароуннаҳр томонга қараб, Ҳазрати кутбул-аброр Хожа Убайдулло Аҳрорнинг зиёратлари учун Самарқандга сари йўлга тушади.²

“Равойихул-қудс” асарининг далолат беришича, ул зот 18 ёшларида Шайх Хабушоний мулозаматларига етишган экан.³ Лекин, буни тасаввуфга киришган вақти, деб тушунмоқ лозим кўринади. Чунки, бошқа манбалар бўйича, Шайх Хабушоний билан анча кейинроқ учрашишади. Бу ерда ул зотнинг халифалари Шайх Умодиддин Фазлуллоҳ билан илк тасаввуфий мулоқотлари назарда тутилмоқда, чоғи. Асосий манба ҳисобланган “Жодатул-ошиқин” (бу манбани Махдуми Хоразмийнинг ўғиллари ёзгани учун ҳам асосий манба ҳисобланади, негаки, ўғил отаси тўғрисидаги воқеалар санаси борасида адашмайди) китобида машҳур машойих Хожа Аҳрори Валининг вафотлари (1490 йил)дан анча йил кейин Шайх Хабушонийга кўл бериш воқеалари тасвирланган ва бу вақтда Ҳусайн Хоразмий 25-30 ёшлардан ошган бўлган.

¹ Жодатул-ошиқин, 23-саҳифа.

² Ўша китоб. 39-саҳифа.

³ Равойихул-қудс, 113-саҳифа.

Шундай қилиб, Камолиддин Ҳусайн ёшлик айёмидан ўзининг нафис нафсини хилватда жажду жадал-қолипига солиб, дил зикри сайқали билан фатҳият руҳи ойнасини типтиник ҳолда ярқиратган эди ва йигит ёшига етганда пир излаш иштиёқида Самарқанд сафарига отланади ва Ҳазрати Хожа Аҳрори Валини суҳбатларига етишиш мақсадида Хоразмдан тўғри Мовароуннахрга қараб йўлга чиқади ҳамда Бухорога етгач, Ҳазрати Хожанинг яқинда вафот этганликларини эшитиб, йўлидан қайтади.

Шундан сўнг, пирларга интилиш иштиёқи уни Бухорога ташриф буюрган Ҳазрати Шайх Жамолиддин¹ суҳбатлари сари етаклайди. “Жодатул-ошиқин”да ушбу пир ҳақларида номларидан бошқа ҳеч нарса дейилмаган. Назаримизча, бу зот Шайх Ходимнинг халифалари ҳамда Шайх Худойдоди Валининг муршидлари бўлмиш Шайх Жамолиддиндир. “Ламаҳот”да² ул жотнинг зикри берилбан бўлиб, ушбу сатрлар муаллифи ўзининг “Шайх Худойдоди Вали тарихи” номли рисоласида³ ул зотга бир боб бағишлаган эди. Ҳар ҳолда ўша замонда шу номлик бошқа машҳур муршид манбаларда учрамаиди ҳамда боз устига, айна ўша замонда ул зот Бухорода иқомат қилиб турган эдилар.

Шу билан бирга, Ҳусайн Хоразмий ушбу шаҳарнинг қадамжоларини, мазоржтларини зиёратлар этиб туради. Ана шундай зиёратларнинг бирида Бухоронинг Чор Бакр мавзедаги мазоротни дарвешлар ҳамроҳлигида зиёрат қилиш вақтида бир қабр устидаги нуроний билан суҳбат қуради. Бундан хайрон бўлган дарвешлар: “Сен девонамисан? Ўзинг билан суҳбатлашмаяпсанми?!” – дейишган. Кейин маълум бўлишича, ул зот қабр руҳи билан гаплашган эканлар ва қабр билан сўзлашув дарвешларнинг биринчи мартабаси дейилган.

Камолиддин Ҳусайн Хоразмий бир неча муддат Бухорода бўлиб, сўнг Шайх Жамолиддиндан руҳсат олиб Хоразмга

¹ Ўша манба, 39-40 саҳифалар.

² Олим Шайх Азизон. Ламаҳот мин-нафоҳотул-қудс. Тошкент, 1908. Орифжонов чопаси.

³ К.Каттаев. Шайх Худойдоди Вали тарихи. Самарқанд, 1995. СамДУ нашри, 15-16 бетлар.

кайтади. Бу ерда ҳам у ўз тинчини топа олмайди. Бир воқеада (тушида) Ҳазрати Хизр(а) ва Шайх Хабушонийларни кўради ва сайру-саёҳат гаштига тушиб Машҳадга - Имом Али Ризо(р) зиёратларига жўнайди. У ердан Абивардга ўтиб, Шайх Умодиддин Фазлуллоҳнинг суҳбатларига эришади. Асл номлари Умодиддин Фазлуллоҳ ибн Хожа Алоиддин Али ибн Хожа Камолиддин Неъматуллоҳ Барзишободий ат-Тусий бўлган бу зот Шайх Хабушонийнинг улуғ халифаларидан бўлгандир. Ҳасанхожа Нисорийнинг “Музаккирул-аҳбоб” китобига караганда, Шайх Умодиддин Фазлуллоҳ кейинчалик қирк ёшлари атрофида шаҳид бўлган ҳамда Машҳаддаги Али Ризо (р) мақбаралари яқинида дафн этилган экан.

Шундан сўнг, тушида кўрган Шайх Ҳожи Муҳаммад Хабушонийни зиёрату суҳбатларига эришиш учун йўлга тушади ва йўлда ул зотнинг Машҳадга - Ҳазрати Али Ризо зиёратлари сари равона бўлганларини эшитиб, яна Машҳадга йўл олади. Машҳади муқаддасга етиб борса, Ҳазрати Шайх Хабушоний яқиндагина ул ердан туяларига миниб, Хабушонга- ўз юртларига жўнаб кетган эканлар. Йўл азоби - гўр азоби эканлигига карамай, муршид иштиёкида ёнаётган Камолиддин Хусайн Ҳазрати Шайх Хабушонийнинг изларидан Хабушонга қараб йўлга тушади. Кези келганда, ушбуни айтиш жоизким, Шайх Ҳожи Муҳаммад Хабушонийнинг китобларда келтирилган лақаблари “Махдуми Аъзам” бўлган. Маълумки, Нақшбардия тариқатининг назариётчи пиру муршиди Сайид Аҳмад Жалолиддини Косоний - Махдуми Аъзами Даҳбедийнинг ҳам лақаблари шундай аталгандир.

Яна Ҳазрати Хоразмийга қайтайлик! Не азоблар ила Хабушонга етиб келган Камолиддин Хусайн Хоразмий каъбаи мақсуди бўлмиш Шайх Ҳожи Муҳаммад Хабушонийнинг (бошқа манбада Хамушоний, дейилган)¹ суҳбатларига эришиб, иродат қўлини узатади. Аммо, ул зот бу ёш йигитнинг шоҳбози баланд парвозлигини англаб, аввал иродатини қабул қилмай, дейдилар: “Овози духул шунидан аз дур хуш аст”(ноғоранинг овозини узокдан эшитиш ёқимлидир). Ва яна дейдилар: “Шайх

¹ Ўша китоб, 47-саҳифа ва Равойихул-қудс, 113-саҳифа.

Али Лоло дунёни кезиб пир ахтардилар ва охири Хоразмга келиб Ҳазрати Шайх Нажмиддин Куброга инобат қўлларини бердилар. Сўнг силсилани Хоразмдан Хуросонга олиб кетдилар. Мана, ўша замонлардан ҳозирги давргача 300 йил ўтибди. Умид қиламизки, силсила чироғи яна Хоразмга (сиз туфайли) қайтиб бориб чароғон бўлгай”¹.

Дарҳақиқат, сал олдин кетиб шуни айтиш жоизким, Махдуми Хоразмий замонларидан 300 йил илгари Ҳазрати Нажмиддин Кубро асос солган силсилани Шайх Али Лоло Хуросонга этгач, ўша ер тариқат доираси марказига айланган бўлиб, то Кубравия тариқати пирлиги Камолиддин Ҳусайн Хоразмийга етиб келгунга қадар давргача Хоразмдан ул зот даражасига етгулик машойих етилиб чиқмаган эди.

Пиру муршиднинг қўл олмаганларидан кўп хафа ва хайрон бўлган Камолиддин Ҳусайн Хоразмий кечалари ухламай Худоба нолалар қилиб чиқар эди. Ҳасанхожа Нисорийнинг “Музақкирул аҳбоб” асарида ёзилишича, ўша пайтларда Шайх Камплиддин Ҳусайн пиру муршид Ҳожи Муҳаммад Хабушоний даргоҳларидан узоққа кетмай, ошхоналарида ошпазлар орасида ора ва Хабушон қишлоғида иайхнинг Ошхоналари учун ўтинкашлик қалар эди.² Бир кеча вафаккуа гирдобида фарқ бўлган пайтида кўзиг воқеа кўринади. Қарасаки, Ҳазрати Умодиддин Фазлуллоҳ бир қанча авлиё ва ёронлари ила оқ туя минган ҳолда келибдилар ва дебдиларким, “Маккадан келатирмиз ва сен учун Ҳазрати Шайх Хабушонийдан қўлингни олишларини илтимос қилдик”. Бу воқеани кўргач, ул зот ўз хушига келса, намози аср вақти бўлиб, азон айтилаётган экан. Ва тезда ғусли-таҳоратни олиб хонақоҳга боради ва аср намозини шайху дарвешлар билан бирга ўқийди. Намоздан фориг бўлингач, Ҳазрати Шайх Хабушоний атрофга аланглаб сўрайдилар: “Хоразмлик дарвеш қаерда?” Камолиддин Ҳусайн олдинга чиқади. Ҳазрати Шайх дедилар: “Кел, энди бу замон вақт етди ва сенга инобат бериб қўлингни олай!” Бу сўзларни эшитган Камолиддин Ҳусайн ғоят таъсирланган ҳолда ул бузургворнинг оёқлари остига ўзини ташлайди.

¹ Жодат... 54-саҳифа.

² Музақкирул-аҳбоб... 49-саҳифа.

Ҳазрати Шайх Хабушоний Камолиддин Ҳусайннинг қўллари устига қўлларини қўйиб инобат бердилар. Шайх Камолиддин Хоразмий тарих 899 (1493) йилда шу тариқа инобатга мушарраф бўлган эдилар.

Ўша йили Ҳазрати Хабушоний Жомга отланиб, Ҳазрати Аҳмади Жомийнинг нурга тўла макбараларига чилла ўтиришни ихтиёр этдилар. Чилла тугагач, Шайх Камолиддин Ҳусайн Хоразмий ҳам Жомга бориб пирларини зиёрат этади.

Шул залда, 899 (1493) йилдан 910 (1504) йилга қадар – ўн бир йил давомида Шайх Камолиддин Ҳусайн пирлари Ҳазрати Шайх Хабушонийнинг хизматларида халифа бўлдилар. Шундан сўнг, пирлари ул зотга ижозати куллийга рухсат (яъни, пирлик ва иршод беришга тўла рухсат) бериб, Хоразмга жўнатадилар. Шайхликка ижозат олинган санани абжад ҳисобида чақиб кўрсалар, “Шайх” калимаси 910 санага тўғри келган матлуб рақам экан.

Ўз юрти Хоразмга келган Шайх Камолиддин Ҳусайн масжид гўшасида риёзат билан машғул бўлиш билан бирга, инобат талабида келганлардан қўл олар ҳамда зикр таълимидан ўргатар эдилар. “Махдуми Ҳусайн Хоразмий” ёки кейинчалик, қисқача “Махдуми Хоразмий” деган улуғ ном шу вақтдан ул зотга мусаллам қолади.

Баъзи ёронлари ул зотга Хоразмда хонақоҳ қуришни маслаҳат берадилар. Аммо, Шайхнинг кўнгиллари сайру саёҳат ҳамда Каъбаи муаззама зиёратига мойил, Хоразм аҳли эса ул зотни кўчиб кетишларини хоҳламас эди. Охири, Ҳазрати Шайхи Кабир – Нажмиддин Кубронинг марқади мубораклари зиёратига бориб, истихора этадилар ва воқеа кўринадики, Ҳазрати Муҳаммад пайғамбар(с) зоҳир бўлиб буюрдилар: - “катта болор-новдани олиб ушбу заминга экингиз”, - дедилар ва шу мажлисда ҳозир бўлган Шайх Камолиддин Ҳусайннинг тоғобачалари бўлмиш сайид Мавлоно Хожага қараб, - “Шайхни ўз уйинга бошла”, - дедилар. Эртасига тонгда мазкур сайид хоразмлик ақобиру ашрофзодалари билан келиб катта илтимослар ила ўз уйига таклиф этади. Шундан сўнг, бир-неча дарвиш келиб сайиднинг синглиси борлигини ва уни Шайх Камолид-

дин Хусайнга назр этганини ҳамда энди ул зот ушбу бокирани никоҳларига олишлари лозимлигини айтишади. Шайх Махдуми Хоразмий у маъсума сайидзодани никоҳларига оладилар. Бу ул зотнинг биринчи кўчлари бўлиб, ундан ўзларининг тўнғич фарзандлари Шарафиддин Хусайн (“Жодатул-ошиқин” китобининг муаллифи) туғилади. Кўп ўтмай Хоразмда ўзларининг хонакоҳларини ҳам курдириб, шу мавзеда яшай бошлайдилар.

Ҳазрати Махдуми Хоразмийни Оллоҳ кўп сифатлар билан сарафроз этган. Жумладан, ул зотга ҳидоятга бошловчи сифати ҳам берилган эди. Ўша вақтларда Хоразмда Неъмат ҳофиз номлик бир йигит бўлғуси эди. Қуръонни ёддан яхши билар, лекин, майхўрлик одати бор эди. Иттифоқан, бир куни хонакоҳ олдидан беҳуш аҳволда гандираклаб ўтаётганида, Ҳазрати Махдумийнинг кўзлари унга тушади ва таассуф ила бир дарвешга амр қилиб, уни хонакоҳ хужраларидан бирига олиб бориб, уст-бошига кўрпа-ёстик қўйишни буюрадилар. Сўнг, уйларига бориб, Худонинг адашган бандаси учун аччиқ ош тайёрлашни буюрадилар. Эртаси наҳорда ҳофиз ўз хушига келиб ғафлат уйкусидан уйғонади ва - менга нима бўлди, мен қаерда ётибман?- деб сўрайди. Дейишадики, сен Ҳазрати Махдумийнинг хонакоҳларидаги хужрада ётибсан. Ҳофиз жуда хижолат бўлиб сўрайди: “Мабодо, менинг бу аҳволимдан ул зотнинг хабарлари борми?” Дейдилар: “Сени ул бузургворнинг ўзлари бу ерга келтиришни, кўрпа-ёстикка жойлаб қўйишни ва ўзингга келгач, мана бу аччиқ ошни ичиришни буюрдилар”. Бу сўзларни эшитган ҳофиз воҳ деб ўкириб йиғлайди ва дарвешларга қараб дейди: “Менинг тавба қиладиган вақтим келди, чоғи; энди, менга офтоба ва сув келтирингизким, мен ғуслу вузъ қилиб, ул зот мулозаматларига бориб тавба қилай!” Сўнг, ўша соатда покланиб, ул зот хузурларига боради ва қўл бериб инобат этади ҳамда бошқа дарвишлар қатори зикр таълимини олиб, ўзининг ҳақиқий мақсудига эришади.

МАХДУМИ ХОРАЗМИЙНИНГ МОВАРОУННАХР ВА САМАРҚАНДГА САФАРЛАРИ

Тарих 923 (1517) йилда Кубравия тариқатининг таниқли пешволаридан бирига айланган Ҳазрати Шайх Камолиддин Ҳусайн - Махдуми Хоразмий азми сафари Мовароуннаҳрга жазм этиб, биринчи манзил Бухорои шарифга қўнадилар. Шаҳарнинг ақобиру ашрофлари ул зотнинг истикболларига чиқишиб муборакбод этишади. Ул зот шаҳарга кириб, энг аввало Ҳазрати Шайхул-олам Фатҳободийнинг мунаввар қабрларини, сўнг Хожа Абдулло Сафедмуннинг¹ мозорларини зиёратига бориб, мавзедан бир боғ сотиб оладилар ҳамда Сафедмун хонақоҳини қурдирадилар ва халифалари Муҳаммад Хивақийни унга шайх этиб тайинлайдилар.

Бир муддат Бухорода тариқий фаолият кўрсатган Шайх Махдуми Хоразмий Мисру Шом йўли орқали хажга боришга отланмоқчи бўладилар. Бу хабар муридлар орқали Самарқандга ҳам етгач, шаҳарнинг машҳур уламоларидан бўлган Мавлоно Балойи номлик киши ва бошқа Самарқанд аҳли ул зотга назмий хабарнома юборишиб, Самарқандга ташриф этишларини илтимос қиладилар.

Қачонким, Самарқанддан бу хабару илтимоснома келгач, ул зот ёронларига қараб,- ”ул диёр зиёратини кўзлаб турган эдик, энди у ердагиларни ҳам мунтазир этмай, Самарқанд сари йўлга отланурмиз”,- дедилар. Дарвишлар ул зотнинг бу сўзларидан хушҳол бўлишиб, Самарқандга ғиждувон орқали боришни маслаҳат берадилар. Бу гап ҳам ул кишига хуш ёқиб, дедилар: “Ҳазрати Хожаи Жаҳон - Хожа Абдулҳолиқи ғиждувонийнинг нурли мозорларини ҳам зиёрат этиб ўтиш бизга жоиздир”.

Шул тариқа, неча муддат орасида йўл-йўлакай зиёратлар этиб азим Самарқандга ҳам етиб келадилар ва шаҳар четидаги “ори Ошиқон” деб аталган мавзегга (ҳозирги Қаландархона яқинига) келиб тушадилар. Баъзи манбалар бу ғорни Ҳазрати Махдуми Хоразмий қаздирганлар дейишса,² бошқалари, ул зот

¹ Нажмиддин Кубронинг халифалари Сайфиддин Бохарзий ва Сафедмунийлар назарда тутилаётир.

² Абу Тохирхожа. Самария. Т. Камалак. 1991. 22-бет.

шаҳарга келган вақтларида ҳам илгаритдан шу номлик мавзе бўлганлигига ишора қилади. Ҳар қалай, ғор ичидаги хужра-хоналарни Ҳазратнинг ўзлари қаздирганлари аниқ бўлса керак.

Бир муддатдан сўнг, шаҳар ақобиру уламолари келишиб, ул зотни зиёратлар этишади ва шаҳар ичкарасига киришларини илтимос қилишгач, Регистон яқинидаги Шох Малик мадрасасига келиб нузул этадилар.

Кўп ўтмай Регистон мавзеининг шарқ тарафида жойлашган мавзедан ҳовли-боғ сотиб оладилар. Бу ер Ҳазрати Имом ал-Мотуридийнинг мунаввар мазорлари жойлашган муқаддас Чокардиза қабристонига олиб борадиган катта йўл устида жойлашган эди. Ва шу мавзеда хонақоҳ солдирадилар ва унинг баъзи бинолари бизнинг давримизгача тубдан қайта қурилган ҳолда етиб келгандир. Ушбу хонақоҳнинг Шайх Махдуми Хоразмий даврида бўлган-бўлмаганлиги ва қачон қурилгани тўғрисида турли тафовутли фикрлар мавжуд бўлиб, биз бу масалани алоҳида хонақоҳ бобида кўриб ўтамиз.

Ул зотнинг Самарқандда муқим яшаган даврларидаги фаолиятлари кенг қамровли тус олган бўлиб, нафақат ўз тариқатларидаги муридларни тарбиялаш ишлари ҳамда ҳукмдорларни адолатга чақириш масалалари каби ишлар билан чегараланмай, балким бошқа тариқат муршидлари билан ҳам алоқаларини узмай, доимий мулоқотлар олиб борганлар. Яссавия тариқатининг таниқли пиру муршиди Олим Шайх Азизон (1564-1633) ўзларининг “Ламаҳот мин-қудс” асарида келтиришларича, Самарқанддаги Амир Темур Кўрагоний қурдирган масжидул-жомеъда (ҳозирги даврда Бибиҳоним жомеъи деб аталади) ҳар-ҳар замонда Яссавия тариқатининг (Ҳазрати Шайх Худойдоди Валининг вафотларидан кейинги) муршиди Ҳазрати Шайх Сайид Аҳмад ва Кубравия тариқатининг муршиди Ҳазрати Махдуми Хоразмийлар ўртасида мулоқотлар бўлиб туриши ҳақида маълумотлар беради. Ана шундай маълумотларнинг бири қуйидагичадир: “Накл борким, Ҳазрати Шайх Сайид Аҳмад жума намозини Самарқанддаги Амир Темур Кўраган қурдирган масжиди жомеъда ўтказиб, ўз тариқаларидаги дарвешлар билан суҳбатга машғул эдилар. Ва Ҳазрати Шайх Махдуми Хоразмий ҳам ўша масжидда жума намо-

зи адосидан сўнг дарвешлари ила ўз тариқаларига доир суҳбатда эдилар. Тариқий суҳбатлар ниҳоясига етгач, ушбу икки азиз масжид саҳнида бир-бирлари билан мулоқот қилдилар ва анча муддат бошларини эгиб муроқаб¹ этадилар. Шундан сўнг, бир-бирлари билан хайрлашиб ажраладилар. Мухлислар икки азизнинг ҳар бирларидан қилган суҳбатлари аҳволидан савол беришди. Ҳар икки бузургвор бир тарзда жавоб беришадик,- бу муроқабда Ҳазрати Муҳаммад мустафо саллоллоҳи алайҳи васалламнинг мулозаматларига етишдик ва ўз тариқаларимиз арзини етказдик. Он Ҳазрат(с) дедиларки,-“ҳар иккинги бизнинг мақбулимизсиз ва биринги биродарим ва яна биринги фарзандим. Ул иккиси ҳақида ниҳоятда тўғри мисол”.

Самарқанд сокини бўлиб, муқим яшаб қолмоқчи бўлган Шайх Махдуми Хоразмий илк бора Ҳазрати Хожа Убайдуллоҳ Аҳрори Валининг нуру файзга тўла мазорларини зиёратига бордилар (ёшликларида Ҳазрати Хожанинг маҳкуми ҳукмлари ва иродатларига кириш учун Хоразмдан Самарқандга келаётиб, Бухорога етганда ул зотнинг вафот хабарларини эшитиб орқага қайтганларини аввалги бобда гапириб ўтган эдик). Шайх Хоразмийнинг истикболларига Ҳазрати Хожа Аҳрорнинг кўплаб авлодлари чиқишади ва барчалари биргаликда мазорни зиёрат этишади. Ҳазрати Хожа Аҳрорнинг улуғ ва кибор авлодларидан (набираларидан) бири бўлган Хожа Абдулҳақ ва Шайх Махдуми Хоразмий ўрталарида тасаввуф моҳияти ва узлатда ўтириш борасида қизғин суҳбатлар бўлиб ўтади. Ушбу мажлисда, барчанинг саволларига Шайх Хоразмийнинг босавоб жавоблари ва мулоҳазаю мушоҳадалари ул зотнинг илмий-тасаввуфий салоҳиятини намойиш этади.

Байт:

Илм агар бар дил занад ёри шавад,
Илм агар бар тан занад мори шавад. (“Ламаҳот”дан).

Мазмуни:

Гар илм юракка сингиса, ёр бўлғусидир,

¹ Муроқаб¹ - дунёга таалуқли фикрлардан узоклашиб, кўнгилда Худо билан бўлиш.

Гар илм танага (унвон учун) кибрланса, илон бўлғусидир.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизким, ўша вақтларда Самарқандда Ҳазрати Хожа Ахрори Валининг саясий ҳаракатлари туфайли энг йирик силсилага айланган Нақшбандия-хуфия тариқати (ўша пайтларда тариқат муршиди Ҳазрати Махдуми Аъзами Даҳбедий эдилар) ҳамда Яссавия-жаҳрия тариқати (ўша пайтлардаги тариқат муршиди Ҳазрати Шайх Худойдоди Вали эдилар) қизғин фаолият олиб борар эдилар.¹ Уларга қўшилиб, Кубравия-самоъия тариқати Ҳазрати Махдуми Хоразмий тимсолида халқ орасида ўз фаолиятларини бошлаб юборишади.

Турли тариқатларга мансуб ушбу уч улўғ алломалар кўрсатган ўзаро фаолиятлар тасаввуф тарихида бошқа учрамаган бўлса керак! Чунки, уларнинг бир-бирларини ўзаро қўллаб-қувватлашлари, ҳар бирларининг ўзга тариқатларга нисбатан кўрсатган ҳурматлари, айниқса, тез-тез бир ерга йиғилишиб, тариқий мулоқотлар этишлари албатта, нафақат улар пешволик қилаётган халқ орасида, балким, султону ҳукмдорларга жуда катта ижобий таъсир кўрсатиб келар эди. Халқни тўғри йўлга, тинчликка бошлаш, ҳукмдорларни эса адолатга, эзгу ишларга ва ҳалолликка чақириш уларнинг асосий шиору дастурлари бўлиб келган. Шу билан бирга, ўзаро дўстлик муносабатида бўлган бу уч буюк зот тасаввуфий мунозаралар ва баҳслар олиб боришликлари туфайли ўз тариқатларини бир-бирларидан фойдаланган ҳолда бойитардилар. Бу дўстлик ришталари ва тариқий мулоқотлар ушбу уч тариқат намояндалари учун ҳам ибратли характерга эга бўлган, албатта.

Олим Шайх Азизоннинг “Ламаҳот мин кудс” китобида Шайх Ҳусайн Хоразмийнинг Самарқандда яшаб турган вақтларида тарихий аҳамиятга молик қизиқ бир воқеа баён қилинган. Миёнколда яшайдиган Мавлоно Иброҳим садрнинг отасини уйига Ҳазрати Махдуми Аъзам Даҳбедий (1461-1542), Ҳазрати Шайх Худойдоди Вали (1461-1532) ва Ҳазрати Махдуми Хоразмий (1465-1551) каби уч тариқатнинг (яъни, нақшбандия-

¹ К. Каттаев. Шайх Худойдоди Вали тарихи. Самарқанд, 1995. СамДУ. 19-21 бетлар.

хуфия, яссавия-жаҳрия ва кубравия-самоъия тариқатларининг) уч улуғ пиру муршидлари меҳмон бўлиб келишишади. Анча вақт бир-бирлари билан мулоқот қилганларидан сўнг, Шайх Ҳусайн Хоразмий машшокни чорлаб най чалишни буюрадилар. Най чалина бошлагач, ул зот ўз тариқалари бўйича рақсу самоъ зикрига тушиб кетадилар. Ул икки бузургвор эса самоъий зикр хурматига оёққа тик турадилар. Сўнгра, Махдуми Аъзами Даҳбедий нақшбандия тариқаси бўйича кўп ваъз зикрини айтдилар. Қолган ул икки бузургвор тик оёққа туриб хурмат бажо келтирдилар. Сўнгида Шайх Худойдоди Вали ҳам жаҳрияи-яссавияи-султония тариқатлари бўйича зикри аррага машғул бўладилар. Ул икки бузургвор эса бу зикрнинг хурматига тик оёққа турган ҳолда истимоъ¹ қилиб турдилар. Бу иш то пешин вақтигача давом этади. Сўнг, бу уч азиз инсонлар бир-бирлари билан иссиқ хайрлашиб, ўз йўлларига равона бўладилар.

Дарҳақиқат, муршидларнинг бу тарздаги дўстона муносабатлари нафақат тариқатларининг ривожига, балким халқларнинг тинч-тотув ҳаёт кечиришларига имкон яратувчи ҳукмдорларнинг бир-бирлари билан келишувчанлик сиёсати олиб боришларида ибратли таъсир кўрсатар эди.

Носириддин Бухорийнинг “Тўҳфатул-зоирин” асарининг “Мўсохожаи шайхул-ислом” аталган бобида келтирилган ушбу тариқий ўта таъсирли воқеа тариқатлар ўртасидаги хурмат ва илиқ муносабатларнинг яна бир ёрқин мисоли бўла олади.

“Яссавия тариқатининг пешвоси Ҳазрати Шайх Худойдоди Валининг авлодларидан бўлган Халифа Мўсохонхожаи шайхулислом аввал мадраса таълимида зоҳирий билимларни мукамал эгаллагач, тасаввуф илмидан ҳам баҳра олиш майлини сезиб, Нақшбандия тариқати муршиди Эшони пири дастгири Даҳбедийга (яъни, Бухоро подшоҳи Амир Ҳайдарнинг пири Муҳаммад Аминга) мурид тушиб халифа бўлади. Кунлардан бир куни Ҳазрати Эшони пир - Муҳаммад Амин ўзларининг жамии асҳоб ва муридлари билан биргаликда Ҳазрати Шайх Худойдоди Валининг нурга тўла мазорларини зиёрат этиш учун йўлга чиқишади. Кўҳак (Зарафшон) дарёси лабидаги қовун по-

¹ Истимоъ - эшитиш, тинглаш.

лизига етишгач, муридларидан бири шу ерга қўниб ўтишни таклиф қилади. Шунда пир дейдилар:- “бул кунда жаҳрия тариқати бузурглариинг руҳониятли нисбатлари шул қадар зиёда зухур қилмоқдаларким, андоза ҳисобидан ташқаридур”.

Ул зотнинг сўзларини тик турган ҳолда жим эшитиб турган муридларига қараб яна дедилар: “Биз кутайлик, Мўсохожа эса жаҳрия тариқатидаги ўз боболарининг удумларидаги зикрга машғул бўлсинларки, биз ул кишига бу ишда рухсат берамиз”. Шунда Мўсохожа, ўзи Нақшбандия тариқатидаги хуфия зикрида бўлгани ҳолда, муршидининг рухсати билан аждодларининг жаҳрия оҳангидаги зикрга чунонам тушиб кетдики, бундан пирлари жуда хушнуд бўлиб дедилар: “Бизнинг бузурворларимиз ушбу икки тариқатга ҳам бирдек рухсатлидурлар. Шунинг учун, бугундан бошлаб, Мўсохожага боболарининг жаҳрия зикрига ҳам ижозати куллий бердик”.

Шул тарика, кўп силсила намояндалари фаолият кўрсатиб келаётган азим Самарқанд шаҳрида Кубравия тариқати муршиди Шайх Ҳусайн Хоразмий ҳам кўним топиб, ўзларининг тариқий ишларини давом эттирадилар.

МАХДУМИ ХОРАЗМИЙНИНГ САМАРҚАНДДАН ҲАЖ САРИ САФАРГА ЧИҚИШЛАРИ

Шайх Камолиддин Ҳусайн – Махдуми Хоразмий 923 (1517) йилда Хоразмдан Мовароуннаҳрга ташриф буюриб, 956 (1549) йилга қадар, яъни 33 йил давомида шу юртда муқим яшадилар. Шулардан аксарият вақтларини Самарқандда ўтказдилар. Вақти-вақти билан Бухорога ҳам бориб турар эдилар. Бу орада бир марта Марвга ҳам бориб келадилар.

Шайх Махдуми Хоразмий ўз умрлари давомида неча бор ҳаж сафарига отлансалар-да, аммо бирор сабаб ила бора олмади колардилар. Ваҳоланки, ул зотнинг ҳаёти дунёдаги асосий мақсудлари ҳаж эди. Ниҳоят, 956 (1549) йилда азми зиёрати ҳажга астойдил жазм этиб сафарга чиқадилар.

Ҳасанхожа Нисорийнинг “Музақкирул-аҳбоб” асарида,¹ ул зотнинг ёшлари улуғлиги ва бадан заифлигига қарамай ша-

¹ Музақкирул-аҳбоб... 49-бет.

риф ҳарамлар - Макка ва Мадина шаҳарлари зиёратига отла-
ниб, тавофга мушарраф бўлганлар, деб бежиз ёзилмаганидек,
қарийб тўқсонга (аниқроғи 85-86 ёшда) кирган мўйсафид ки-
шининг отда, туяда, пиёда, иссиқликда, сувда ва қурукликда
не машаққатлар ила ярим йиллик йўлда сафарга чиқиши
ҳазилакам иш эмас эди. Бунинг учун жуда катта эътиқод ва
ирода талаб этилади, албатта.

Энди, бу сафар ҳеч бир баҳона ул кишини тўхтатиб
қолмаслиги учун ҳаммага, -“Самарқанд мазоротларини зиё-
ратига чиқдик”,- деган маънини уқтириб, шу баҳонада йўлга
отландилар. Аввалига, Ёрйлоқ¹ томондаги Хожа Зикриё
Фоқининг мазорларини зиёрат этадилар (Қандия китобида
“Хожа Зикриё Боғининг мазори Боғи деҳасидадур”-дейилган,
балким булар бир киши бўлиши мумкин)² ва шу манзилда бир-
икки кун кўнадилар. Бу вақт ичида, бу манзилда ул зотга бир-
қанча одамлар иродат кўлини беришади. Сўнг, Шаҳрисабзга
келиб, бу ерда ҳам бир-неча кун кўним топадилар ҳамда бу
ердаги бузурғлар мазоротларини зиёрат этадилар. Кейин бу
шаҳардаги аҳоли билан видолашиб, Қаршига етадилар. У ердан
ўтиб Бухорога ташриф буюрадилар ва Сафедмун хонақоҳига
кўнадилар.

Шайх Махдуми Хоразмийнинг энг яқин асҳоб ва халифала-
ридан ҳисобланган Шайх Ортиқ Манқишлоқий ўша кунни бир
туш кўрадики, тушида Бухоронинг жамии бузурғлари ва авли-
ёлари тўпланишиб, Ҳазрати Хоразмийнинг сафарлари ҳақида
гапиришар экан ва охирида улар ҳаж сафарига руҳсат бери-
шиб, - “аввало бизни зиёрат этиб, кейин видолашсин”,- деб ай-
тишади. Шайх Ортиқ тушидаги бу кашфни Шайхнинг тўнғич
ўғиллари Шарафиддин Ҳусайнга (яъни, “Жодатул-ошиқин”
асари муаллифига) келиб айтади. Шарафиддин Ҳусайн ҳам ўз
навбатида оталарига халифанинг тушини етказди. Бу кашфни
ёшитган Ҳазрати Хоразмий тезда от ва туяларни эгарлашни бу-

¹ Самарқанднинг қадимий туманларидан, шаҳарнинг шимоли-шарқ
томонида жойлашган.

² Қандия. Таржима ва тадқиқот муаллифи К.Қатгаев. Самарқанд. Сўғдиён,
1994. 71-бет.

юриб, Бухоро зиёратига отланадилар ҳамда энг аввало Ҳазрати Шайхул-олам Сайфиддин Бохарзий¹ мазоротлари зиёратига ташриф буюрадилар ва қолган барча авлиёлар мазоротларини ҳам зиёратлар этадилар.

Қачонким, Бухородан азми байтуллоҳ зиёрати сари жазм этиб чиққанларида барча дарвешу мухлислар фиғону фарёд кўтарадилар. Ул зот шаҳар чеккасидаги Чор Бакр мазороти яқинидаги Жўйбор мавзеида шу мавзе шайхзодаларининг бирини уйини илк манзил қиладилар.

Ўша кеча ул шайхзоданинг иродат қўлини олиб, зикр таълими бераётган вақтларида Ҳиндистонда ҳукм сурган темурий подшоҳ Заҳириддин Муҳаммад Бобуршоҳнинг (1483-1530) фарзандларидан мактуб келиб қолади. Мактубда Ҳинд шаҳзодалари Ҳазрати Шайх Хоразмийнинг ҳаж сафарига отланганликлари хабарини эшитишиб, сафарни Ҳиндистон орқали амалга оширишларини ҳамда ул муборак зотнинг зиёратларига эришиш шарафидан маҳрум бўлиб қолмасликларини илтимос қилишган эдилар.

Ҳазрати Шайх Хоразмий Ҳинд шаҳзодаларига ташаккурнома юбортириб, ўша кеча маофага (тахти равонга) ўтирадилар ва сафарни Қарокўл сари давом эттирадилар. Йўлда ул зотни кузатиб келаётган муриду мухлисларига панду насихатлар ҳамда васиятлар қилиб, уларни бирма-бир қайтишга рухсат берар эдилар. Носириддин Ҳусайн Бухорининг “Тўхфатул-зоирин” китобида² келтирилишича, ул зотнинг Бухоро яқинидаги Қарокўл туманига тобеъ бўлган Пойканд мавзеида яшовчи улуғ асхобларидан бўлмиш Халифа Тангрибердини ўз ўринларига иршод маснадига ўтқазиб, йўлларига давом этдилар. Муриду мухлислар эса гирён бўлиб, фотиҳалар олиб ўз диёрларига қайтардилар.

Бу ўртада, Самарқанддан келган дарвешлар жамоасига рухсат бераётиб, дедилар: “Ҳукмдор Абдуллатифхон³ бизга инъом этган ушбу саман отни Самарқандга элиб ул ерда қолган

1 Шайх Кубронинг машҳур халифалари Шайхул-олам Фатҳободий, 1190-1261 йилларда яшаган.

2 Тўхфатул-зоирин... 1909. Бухоро чопаси. 34-саҳифа.

3 Шойбонийлардан, 1549-1552 йиллар ҳукм сурган.

бизнинг фарзандларимизга топширингиз”. Дарвешлар канча ҳаракат қилишмасин, ул отни жойидан қимирлата олмадилар. Қамчин зарбаси ҳам унга таъсир этмади. Охири, ул от сахрога қараб чопа кетди. Шайх Махдуми Хоразмий маофани кўтариб йўлга давом этишни амр қилдилар. От сахродан қайтиб келиб, Шайх ўтирган маофага бошини суқади. Буни кўрган дарвешлар жамоаси бу ҳолни мушоҳада этиб жуда таъсирланишади. Охир-оқибат ул от улардан ажралмай, Макка йўлида жойлашган Кўфа мавзеигача бирга келади. Ҳазрати Шайх ўша мавзедан дарё кемасига чиқиб йўлни давом эттиришни ихтиёр этиб, шу ерда барча от ва туяларни дарвешларга таъин қолдирадилар.

Адмон сўфи Қошғарий номлик дарвеш орқадан етиб келиб кемага чиқди ва Ҳазратга деди: “Сизнинг фурқатингизда ул от ўзини ерга урарди ва билмаймиким, бу ҳолни охири не бўлур?” Бир гуруҳ дарвешлар дарёдан ўтишгач, орқада қолган иккинчи гуруҳ дарвешлар ҳам бир неча кундан сўнг етиб олишгач, келиб дедиларки: -“ўша от уч кунга қадар ҳеч нарса емади ва фақат кишнар ҳамда ўзини ерга урар эди, охирида Ҳазратнинг фироқида жон берди. Уни ёриб кўрганимизда юрагу жигари қонга беланганини кўрдик”. Ушбу воқеани эслаб, анча йиллар кейин ёзилган “Жодатул-ошиқин” китобининг муаллифи Шарафиддин Ҳусайн ҳайқирадики,- “от ҳайвон бўлатуриб Ҳазратнинг фироқида юраги қонга тўлган экан, ҳайф бизгаким, ул зотнинг суҳбатлари қадрига етмай, маҳрум бўлиб ўтирибмиз”.

...Яна бироз орқага қайтиб, қачонким, Ҳазрати Махдуми Хоразмий Қароқўлга келиб ўз халифаларидан бири Шайх Абдулло Хоразмийнинг хонақоҳига келиб тушган вақтларидан сўзимизни давом эттирамиз. Ул зот хонақоҳ эгасидан ота-боболари машғул бўлган жаҳрия зикрини айтишни амр этадилар. Бу, ўзга тариқатларга бўлган ҳурмат рамзи эди. Ўша кеча Шарафиддин Ҳусайн оталарининг хужраларига кирганда, Шайхнинг назарлари ўғилларига тушгач, ходимга,- фалон хирқани (тариқий чопонни) келтир,- деб буюрадилар. Хирқа келтирилгач, дейдиларки:- “биз ушбу хирқани шу замонгача асраб келдик ва сендан афзалроқ кимсага кийгизмоқчи бўлдик, аммо

топа олмадик, кел энди, сенга ушбуни муносиб топдик”,- деб фотиҳа ўқидиларда, хирқани Шарафиддин Ҳусайнга кийгиздилар. Бу воқеадан, Шарафиддин Ҳусайнга пири хирқа - оталари эканлиги билиниб турибди.

Қачонким, Махдуми Хоразмий Хива шаҳрига ташриф буюрганларида машҳур халифаларидан бири Шайх Мақсуднинг хонақоҳларига келиб тушадилар. Шайх Мақсуд гоҳ-гоҳида белига арқон боғлаб, шаҳар ташқарисига чиқар ва биёбонлардан ўз хонақоҳининг ошхонаси учун ўтин орқалаб келар эди. Буни сезган Шайх Махдуми Хоразмий халифани чорлаб дедилар:- “агар яна ўтин учун чиқмоқчи бўлсанг, бизга ҳам арқон ҳозирла, биз ҳам ўтин орқалаб келайлик”. Бу воқеа бир томондан, пир ва муриднинг бир-бирига эҳтироми ва камоли итоатини англатса, иккинчи томондан эса Ҳазрати Хоразмийнинг нақадар камтарона сифатларга эга эканликларини кўрсатиб турибди. Шундай қилиб, Ҳазрати Махдуми Хоразмий ва ёронлари Шайх Мақсуднинг хонақоҳида ўша йил қишлаб қолишади.

Баҳор келиб, наврўз айёмида сафарни давом эттириш олдидан Самарқандлик дарвеш ва мухлисларга ҳамда фарзандлари Шарафиддин Ҳусайнга мактуб ила бир ғазални иншо этиб юборадилар ҳамда ўз аҳлларини бу навозишномалар орқали ҳижоз сафарига тарғиб қиладилар. Фарзандлари Шарафиддин Ҳусайнга юборган мактубларида Хивага қиш фаслини ўтказганликлари сабабини ёзиб, барча фарзандларига баҳор фаслининг бошланишида ҳаж сафарига отланувчи дарвеш ва ёронлари ила Хивага келишларини тайинлайдилар.

Шарафиддин Ҳусайн мухлису ёронлари ҳаж сафарига тарғиб этиб, оталарига яқин ёронлари орқали илгаритдан мактуб ва ғазал иншо этиб юборди.

Хивага самарқандлик ҳожилар карвонини келишини кутаётган Махдуми Хоразмий охири бетоқатлик ила эгарни отга қўшишни буюрадилар ва ярим кунлик йўлга чиққанларида ўғилларидан мактуб келтираётган хабарчи-ёронлар етиб келишади. Кўп вақт ўтмай, ҳожиларнинг асосий карвони ҳам етиб келади. Бундан жуда хушхол бўлган Шайх Хоразмий Хивага қайтадилар. Хива ҳукмдорлари ҳам уларни истиқболларига

шаҳардан чиқишиб навозишлар этишади. Барчалари бир бўлишиб Ҳазрати Шайх Нажмиддин Кубронинг файзли мазорлари зиёратига боришади ва ажиб суҳбату мажлислар барпо этишади.

Алқисса, улар Хоразмда яна бир ой давомида қўним топишгач, жавзо ойини ҳам ўтказишиб Ҳожи Тархон (Астрахан) йўли орқали сафарга чиқишга тайёргарлик кўришади. Шунда Қолхон ва Юнус Султон каби Хоразмнинг ҳукмдор, ақобир ва ашрофлари келишиб Шайхдан саратон ўтгач, кузга яқин йўлга чиқишларини сўрайдилар. Чунки, иссиқ ҳаво ва сувсизлик азоби сафардагиларни қийнаб қўйиши мумкин эди. Уларга жавобан Шайх Хоразмий дейдилар: - “биз бу йўлга қадам қўйишдан олдин ҳамма мушкулотларни бошдан кечиришга тайёрландик ва Ҳазрати Вожибул-Вужудга (яъни Оллоҳга) таваккал қилганмиз”.

Шул тариқа, хожилар Хоразмдан чиқишиб, бир-неча кун йўл юришади. Ҳаво иссиқ, сув йўқ ва ҳамма ҳолдан тойган эди. Шунда ул зот иссиқ офтобга ўтириб олиб, Ҳақ таолога муножот этиб, мадад сўрайдилар. Эртаси куни Шайх Махдуми Хоразмий карвонни тўхтатиб, чодир чаюла тикишни буюрадилар. Ногаҳон, қибла тарафдан булут пайдо бўлади ва натижада уч кеча-кундуз ёмғир ёғади. Чўлу биёбон, дашту саҳро, жонивору гиёҳлар ҳамда сафарда юрганларнинг барчаси Шайхнинг бу кароматларидан сувга тўядилар.

Ва яна йўл юришиб, Сарожук мавзеига етиб келадилар. Бу манзилга ўн кун қолиб бир хонақоҳ қуриш ниятлари борлигини баён қилганларида баъзи ҳамроҳлар норозилик билан жамoadан айрилиб, чиқиб кетадилар. Ва улар йўлда кўчманчи ўзбеклар қўлига тушиб кўп азоблар тортишади. Бу хабарни эшитган Махдуми Хоразмий ўғиллари Шарафиддин Хусайн ва дарвеш Мавлоно Маҳмудларни зудлик билан юбортириб, уларни озод эттирадилар. Ҳазрати шайхнинг иродалари ила Сарожукқа ўн кун туришгач, ўн биринчи куни яна йўлга чиқишади.

Ва хожилар ўзларининг кейинги манзиллари Ҳожи Тархонга (Астраханга) етиб келишади. Бу ерга келиб кўрсаларки,

бир-неча кун олдин рус лашкарлари дарё ва курукликдан шаҳарни қуршаб олиб, уч кунга қадар қатлу ғорат этишган экан. Агарда, карвондан ажралган жамоанинг қистови билан ўша дамда йўлга чиқилса эди, бу қатлу ғоратга дучор бўлиб ҳалок бўлишлари муқаррар эканлигини тушунган аҳли карвон Ҳазрати Шайхнинг кароматларига таҳсинлар ўқидилар. Чунки, ул зот Сарожуқ мавзеида карвонни мажбуран ўн кун бежиз ушлаб турмаган эди.

Шул тариқа, Ҳожи Тархонда ҳам бир ой туришгач, шаҳардан чиқиб Азов (денгизи) сари йўл оладилар ва кемага чиқиб денгиз саёҳати орқали ҳаж йўлида давом этадилар. Кеманинг чайқалишлари туфайли барчанинг боши айланар, айникса таҳорат ишлари масаласидаги мушкулотлардан Махдуми Хоразмийнинг ҳафсалалари пир бўлиб, ҳар замонда, -“курукликдан борсак яхшимиди?!”-деб кўяр эдилар.

Нихоят, кема курукликка етиб, сайёҳлар Қрим (ярим ороли) ва Кўфа шаҳрига етиб келадилар. Бу шаҳар ҳокимининг номи Гаройхон бўлиб, ҳеч шайху муршидларга эътиқоди йўқ эди. Ўша куни, иттифоқан жума куни эди ва барча масжидга борадди. Жума намозидан фориг бўлгач, Гаройхоннинг кўзи Махдуми Хоразмийга тушади ва беихтиёр олдиларига бориб ул зотни зиёрат этади ҳамда ўз уйига таклиф этади. Ўша куни кечгача унинг уйида мажлис оро этилади ва унинг фарзандлари отасининг буйруғига кўра тик оёққа туриб меҳмонларга хизматда бўладилар.

Кема саёҳати ҳаммани бош чайқалишидан огоҳ этгани боис ҳам энди, курукликдан ҳаж сари равона бўлишиб, Туркиянинг Истамбул (Константинопол) шаҳрига элтувчи Оқ Кирмон ва Хон Кирмон номли икки қасаба йўли орқали сафарга отландилар. Бу йўлдан Ҳалаб, Шом ва ҳатто Маккаи муаззамагача куруклик йўли бор эди.

Қримдан кўп жамоа Шайхга ҳамроҳ бўлишади. Бу жамоалар орасидан яхудийлар жамоаси ва бир мусулмон киши тез юришиб улардан ажралиб, илгарилаб кетишади. Бир-икки кун ўтгач, узоқдан бир отлик кўринади. У тезда етиб келиб отдан тушади ва келиб Шайх Хоразмийга дейди: - “Қаерга қараб бора-

ётирсизким, йўл устида сизларни 300 та жангари ғайридинлар кутиб туришибди. Мен яҳудийлар билан борганимда улар бизни асир этиб, қатл этмоқчи бўлишди. Шунда яҳудийлар ёлборишиб дедилар:- “бизни ўлдирмангиз ва икки кун кутиб турунгузлар; шу йўлдан Ажам вилоятилик бир Шайх ўз ёронлари билан ўтади ва уларда молу дунё кўпдир. Агар сўзимиз ёлғон бўлса, майли ўлдирунгузлар! Ғайридинлар бу сўзларни эшитиб, уларни қатл этмадилар ва мен буларни кўриб тезда қочиб қолдим; улар ҳар замон келиб қолишлари мумкин”, - деб сўзини тугатади. Шайх Хоразмий унинг бу сўзларини эшитиб хушхол бўлдилар ва дедилар: “бундан гўё бизга ғайбдан хабар бўлгандек бўлди”.

Кейинчалик эшитсак, ғайридинлар ҳамма яҳудийларни қатл эттирган ва молларини тароҷ қилган эканлар. Авлиёларнинг кароматларига ҳеч шубҳа бўлиши мумкин эмас, чунон тариқат пешволари бўлмиш валийуллоҳлар ҳақида ушбу тарзда шундай келтиришганким, байт:

Авлиёро ҳаст қудрат аз Илоҳ
Тире часта боз гардонанд зи роҳ.

Мазмуни:

Авлиёга етар қудрат Илоҳдан,
Тир-ўқни қайтара олишар йўлдан.

(“Жомеул-мақомоти Махдуми Аъзам”қўлёзма китобидан)¹

Шул каби, сафарда кўп ажойибу ғаройиб воқеотлар бўлиб ўтгач, тарих 956 (1549) йилнинг баҳор фаслида Махдуми Хоразмий Истамбулга ташриф буюрадилар.

...“Жодатул-ошиқин” асари муаллифи Шарафиддин Хусайн негадир адашиб Истамбул (Рум) ҳукмдорини Хонқори Аъзам деб атади.² Аслида, Туркияда ўша санада Султон Сулаймон-И Қонуний (1520-1566 йиллар давомида ҳукм сурган) подшоҳлик қиларди. У Усманийлар сулоласининг ўнинчи ҳукмдори ҳамда Султон Салим-И (1512-1520)нинг меросхўри эди.³ Тарихчи Муҳаммад Салим ибн Муҳаммад Раҳим ҳам ўзининг “Каш-1 Абул Бако. Жомеул-мақомот. қўлёзма, Каттахонхожанинг шахсий кутубхона, 122-саҳифа.

² Жодат... 159-саҳифа.

³ ЭСТ - 6. Душанбе. 1986. Давлат нашри. саҳ.-211.

кули Салими” китобида Усманийлар сулоласининг ўнинчи подшоҳи Султон Сулаймон Ғозий 926 (1520) йилда тахтга чиқиб, 974 (1566) йилгача ҳукм сурганини ёзади. Қўлёзма китобда ё ҳукмдорнинг исми ўзгартирилган ёки гап пойтахт ҳокими устида бораётган бўлиши мумкин.

Шундай қилиб, Истамбул (Рум) султони Хонкори Аъзам шаҳардаги ғулғулани эшитиб нима бўлганини сўрайди. Унга дейишадики, Мовароуннаҳрдан Шайх Махдуми Хоразмий уч юзга яқин ёронлари ила ҳаж сафари асносида шаҳримизга ташриф буюрдилар. Ҳукмдор беҳабар қолганидан узр қилиб, саройга таклиф этади. Ҳазратни тахтиравонга ўтқазиб сарой сари элтар эканлар, йўлда учраган барча халойиқ ул зотга таъзиму илтифотлар кўрсатар эдилар. Ўша кун саройда катта мажлис оро этилади. Шайх Хоразмийнинг бузургликларидан ғоят таъсирланган Рум ҳукмдори неча муддат Истамбулга қолишни ул зотдан илтимос қилади. Шайх ҳаж йўлида ушбу сафарни давом эттиришларини билдиргач, йўлда қанақа харажат ва асбоблар кераклигини сўрайди. Ул зот бу ёрдамни рад этсалар-да, ҳукмдор етти туяга озиқ-овқат, харажатлар ҳамда асбобларни жойлатиб, яна бир кишини ҳамроҳ қўшиб жўнатади ҳамки, улар қайси манзилдан ўтишса, у одам илгари бориб хабар бериши лозим эди. Шу зайл ҳар манзилда Шайх Махдуми Хоразмийни яхши қаршилаб олар ва кузатар эдилар.

Шуни таъкидлаш жоизким, ўша даврда Усманий турк ҳукмдорлари икки муқаддас ҳарамайн (яъни, Макка ва Мадина)нинг хизматкори деган шарафли унвонга сазавор эдилар, бошқача қилиб айтганда, Каъба жойлашган Арабистон ярим ороли бу даврда Усманий туркларга тобеъ замин бўлиб турган эди. Шунинг учун ҳам уларнинг амри билан ҳожиларимизга яхши илтифотлар кўрсатишар эдилар.

Зиёратчилар карвони яна йўл тадорукини кўриб, Шом (қадимда Сурия давлати ва пойтахти Дамашқ шаҳрини Шом деб аташган) сари отландилар. Йўлда ҳаждан қайтаётган Шайх Абдуллатифнинг карвонлари билан учрашишади. Ул зот билан Шайх Махдуми Хоразмий ҳампир (яъни, бир пирдан рухсат олишган) эдилар. Чунонким, Шайх Махдуми Хоразмий

Мовароуннахрдан келсалар, Шайх Абдуллатиф Шомдан келар эдилар. Бу ажиб учрашувни “Жодатул-ошиқин” муалифи Шарафиддин Ҳусайн Ҳазрати Алишер Навоийнинг ҳаж сафаридан қайтиб келган пиру устозлари Ҳазрати Жомийга атаб айтган рубойлари билан безагандир:

Инсоф бидеҳ эй фалаки минофом
То 3-ин ду кадом хўбтар кард хиром.
Хуршеди чаҳонтоби ман аз чониби субх
Ё моҳи чаҳонгарди ту аз чониби Шом.

Мазмуни:

Эй фалак, инсоф қилиб айтгил калом
Аларнинг қайси бири сарви хиром.
Ё менинг субҳда чикқан офтобимми
Ё сенинг жаҳонгаштанг-фарзанди Шом.

(Китоб муаллифи отасининг шарқдан келаётганига шама қилиб, Навоийнинг ушбу рубойларининг учинчи ва тўртинчи мисраларидаги “сенинг” ва “менинг” сўзларини ўрнини жуда ўринлатиб алмаштирганлиги¹ туфайли таржимада ҳам ўрин алмашга мажбур бўлдик ва бундан Навоий рубойларининг мазмуни камаймаган, К.К.).

Ҳожилар яна йўларида давом этишиб, Истамбул султони Хонкори Аъзамнинг ўғли Султон Боязид ҳокимлик қилаётган шаҳарга ҳам қўниб ўтишади. Ҳоким ул зотга инобат қўлини беради ва Ҳазрат ҳақларидаги мақомот китобини турк тилида таржима эттиради. Бу ерда Шайх Махдуми Хоразмий халифаларидан бири Мавлоно Камолиддин Маҳмуд Ғиждувонийнинг “Мифтоҳ ут-толибин” (Толиблар калиди) китоби назарда тутилаётир. Чунки, асосий мақомот китоби ҳисобланган “Жодатул-ошиқин” асари хали ёзилмаган эди. Шундан сўнг, йўл-йўлакай Қунияга – Оқ шаҳарга етиб боришади. Бу шаҳарнинг хавоси Мовароуннахр хавосига монанд бўлиб, унда машҳур зотлардан Ҳазрати Шайх Садриддин Қуниявий, Ҳазрати Мавлоно Румий, Ҳазрати Султон Валад ва Ҳазрати Ҳисомиддин Чалабийлар-

¹ Равойихул-қудс... 66-саҳифа.

нинг нурли мазорлари жойлашган эди. Бу ерда Шайх Махдуми Хоразмийни бошқалар қатори Ҳазрати Мавлави Румийнинг авлодлари ҳам пешвоз чиқишиб кутиб олишади ва ўша куни ул зот мазори яқинидаги хонақоҳда катта мажлис оро этилади.

Зиёратчилар Қуниядан ўтиб қадимий Антокия шаҳрига етишади. Ҳазрати Ҳабиби Нажжорнинг мазорлари ушбу ердадир. Шайх Ҳусайн Махдуми Хоразмий бошчиликларидаги зиёратчилар Антокияга бир ҳафта туришиб, сўнгра Ҳалаб (ҳозирги Сурия давлатида жойлашган) шаҳрига ташриф буюришади. Бу шаҳарга киришгач, “Боби Оллоҳ” (Оллоҳ дарвозаси) деган мавзедаги боғнинг соҳиби Хожа Гелоний деган шахснинг кўп илтимосига кўра шу ерга кўнишади. Ҳалаб шахрининг муршиди Шайх Али Гелоний ўз ёронлари билан ул зотнинг ҳузурларига ташрифи муборак этиб келишади. Неча муддат Ҳалабда турганларида атрофу акноф жавонибдан кўп уламолар келишиб мажлис оро ташкил этишар эди.

Шундан сўнг, Шайх Махдуми Хоразмий ўз ёринлари билан Ҳалабдан ҳам чиқиб Шом вилоятига ташрифи қудум этишади. Бу вилоятда аввало Ҳумод ва Ҳумс¹ шаҳарчаларига тушадилар. Иккала шаҳарча ҳам қадимий бўлиб, Ҳумод шахрининг ажойиботларидан бири, бу - “Дўлоби Муҳаммади” номланган сув чархпалаклари бўлиб, унинг баъзиларини ҳажми энига ва бўйига 40 газ келар эди (1 газ – 91,5 см.га тенг).

Ҳазрати Хоразмийнинг Шомга ушбу илк ташрифлари вақтида энг аввало Кўк майдон деган мавзегга нузул этадилар. Шу вақтда ёронлари яхши бир ҳовли ёки хонақоҳ солишни маслаҳат беришади. Хожагон силсиласидан бўлган Мавлоно Ложурдий ва Мулло Оғо Табризий деган кишилар ташриф буюришиб, Мулло Оғонинг яхши ҳовли жойи борлигини айтишади ва ўша ерда тушишларини илтимос қилишади. Ул зот бу таклифга рози бўлиб, ўша ҳовлига кўнадилар.

Истамбул ҳукмдори Хонкори Аъзамнинг гумашталаридан ва мавзе ҳокимларидан бўлган Фарҳод Пошшо ул зотнинг таърифларини ғойибона эшитиб, зиёрат ташрифига келади. Шайх ходимларига дейдилар: -“Бу юрт подшоҳу ҳокимлари

¹ Ҳозирги Суриядаги Ҳама ва Ҳумс шаҳарлари.

ўзларига такаллуф этишларини жуда ёқтирадилар, шунга қараб дастурхон созлангиз!” Ходимлар ҳам айтилган зайлда мажлисни подшоҳона базмга айлантирадилар. Ўша мажлисда Фарҳод Пошшо Ҳазратга қўл бериб иродатга киради ва ўрнидан туриб дейди: -”Қани энди, қолган умрни дарвешлар хизматида ўтказсак! Аммо, не қилайликким, Хонкори Аъзамнинг фармони билан Яманга ишга жўнаётирмиз ва бу ниятимиздан маҳрум қолаётирмиз”. Видолашув чоғида Ҳазрати Хоразмий табассум ила Фарҳод Пошшонинг юқоридаги сўзига жавоб тарзида ушбу байтни ўқийдилар:

Гар дар Ямане¹, ки бо мане, беш мане
Дар пеши мане, ки бе мане, дар Ямане.

Мазмуни:

Гар Яманга мен ила борсанг, мен ошиқчаман,
Лекин, менсиз борсангда, Яман менинг ёнимда-

дир.

Шом вилоятида ҳам ташрифларини адоғига етказган ҳожилар қарвони Каъбатуллоҳ зиёрати сари Маккага қараб йўлга тушадилар. Ва уларнинг бу йўлдаги биринчи манзиллари бўлган Музайрабга қўнадилар. Чунки, Шом тарафдан келган ҳожиларнинг қўналға маскани ушбу мавзе эди. Ҳожилар бу ерда тўрт кун тургач, Рум (Истамбул) ҳукмдори Хонкори Аъзамнинг вазирларидан бири бўлмиш Аҳмад Пошшо ул зотнинг ўғиллари Шарафиддин Ҳусайнни чорлаб деди:- “Агарчи, Ҳазрати отангизнинг асл мақсудлари тавофи Макка бўлса-да, Ҳақ таоло Ўзининг бул бандасини ҳақиқий Каъбасига етказгандир. Энди, илтимосимиз шулким, бизни ул зот ҳузурларига олиб борингиз, то биз ул зотга инобат этиб, зикр талқинини ўрганайлик”. Унинг Илоҳий Ёр (яъни, Оллоҳ) тавфиқида юргани ва тавба маҳали келгани боис Шайх Хоразмий ҳузурларига олиб боришади. Пиру муршид эса унинг қўллари устига қўллари қўйиб тавба берадилар ҳамда ўша мажлисда зикр талқини қилдириб, ҳар куни неча маротиба зикр айтиш вазифасини юклайдилар.

Шундан сўнг, ҳожилар бу манзилдан ҳам ўтиб Айнул-зула-

¹ Арабистон ярим оролининг жанубий қисмидаги мамлакат.

фога етадилар. Бу мавзеда баъзи ёронлар касалликка чалиниб қоладилар. Шайх Хоразмий уларни “Қудси Халил” деган манзилга юборадилар. Соғайганларидан сўнг яна чорлаб, тасаллилар берадилар ва йўлни давом эттиришга ундайдилар.

Уларнинг кейинги манзили “Нужлистони оси” деган мавзе бўлиб, бу ерда неча йиллардан бери сувсизликдан ерлар қакраб кетган ва сув топиш маҳол эди. Шайх Махдуми Хоразмийнинг бу манзилга ташриф буюрган кунлари чунон ёмғир ёғадики, барча буни ул зотнинг кароматларига йўйишади. Бу манзилда ҳам бир-неча кун туришгач, “Ҳайдар қалъаси” орқали ўтишиб, “Ғулом” номлик манзилга етадилар ва бу мавзе Мадина шаҳрининг яқингинасида жойлашган эди.

МАДИНА ШАҲРИГА ТАШРИФ

Ниҳоят, ҳожилар карвони Мадинаи мунаввара шаҳрига кириб келадилар. Бундан аҳли карвон шул қадар шодмон эдиларки, тасаввур даражасига сиғмас эди. Ўша кеча улар Он Ҳазрат - Пайғамбаримиз(с)нинг муборак равзалари¹ зиёратига боришади ва зиёратдан сўнг ёронлар муршидларини йўқотиб қўйишади. Эртасига маълум бўладики, Шайх Хоразмий кечаси билан узлатда ва хилватда ўтириб чиққан эканлар.

Кейинги куни Шайх Махдуми Хоразмийни зиёрат этишга кўп одамлар келишади. Охири Шайх Хоразмий ўринларидан туриб яна Пайғамбар(с) зиёратларига боришларини айтиб, ташқари чиқадилар ва Расуллуллоҳ равзаларига бориб деворларига қўл тегизиб, юзу соқолларига силайдилар ҳамда йиғлаб нола этган ҳолда ушбу байтни ўқийдилар:

Пирона саркашидам, сар дар раҳи сукконат
Мўи сафед кардам чурўби остонат.

Мазмуни:

Кекса ҳолимда сокининг йўлида бошимни қурбон этгум,
Оқарган сочимни мақбаранг остонасида супурги этгум.

Алқисса, Мадинадан чиқишиб, бир манзил йўл юришади ва “Пир Али” деган мавзегга етишади. Бир вақтлар бу ерда Ҳазрати

¹ Равза - жаннат боғи, бу ерда Пайғамбарнинг мақбаралари назарда тутилаётир.

амиралмўминин Али(р) ҳадис айтган эканлар. Баъзи ҳожилар шу ерда ҳам эҳром киярдилар. Махдуми Хоразмий ҳам ушбу манзилда чодирлари ичига кириб ўзларининг кийимларини ечиб, ғуслу вузўъ этиб эҳром кийдилар, бошларига лўнгу кофурини боғладилар ҳамда елкаларига бурди яманийни ташлаб, “Лаббайк” дея яланг оёқ ҳолда чодирдан ташқарига чиқдилар.

Пир Алидан карвон қўзғалиб, “Бадри Хатан”га етади, бу мавзе ислом фатҳи ва Хусайн (р) воқеотлари билан боғлиқ эди. Шундан сўнг, ул мавзедан ҳам ўтиб, Ҳазрати амиралмўминин Абу Бакр Сиддиқ (р) га тегишли бир мавзегга етишади. Бу мавзеда катта бир ҳовуз бўлиб, ёнидаги масжидда ҳожилар тавакқуф этишар ва бирор нарса ёзишар эди. Бу манзилдан ҳам ўтишиб, неча кун сафардан сўнг “Фотима водийсига” етадилар. Бу манзилда ҳеч ким ҳис-ҳаяжонини яширолмас бир аҳволда туришар эди. Чунки, бу манзилдан Каъбаи муаззамагача бир кунлик йўл қолган эди, холос.

Шундан сўнг, ёронлар маслаҳат этишиб, Махдуми Хоразмийга бир манзил ахтаришади. Миср ва Шом карвонлари қўним топган жойда бир киши иморат солиб, номини “Хусайния” қўйган экан. Дарвишлар бориб ўша ҳовлини олишга жазм этишади. Ҳовли эгаси ҳам Шайх Махдуми Хусайн Хоразмийнинг ташрифларини эшитиб, бир каромат туфайли “Хусайния” деб ном қўйганлигини фаҳмлаб, ҳовли-жойини Ҳазратга ниёзмандлик этади ва улар ушбу ҳовлига кўчиб ўтишади.

МАККАИ МУЗЗАМАГА ТАШРИФ

Ҳожиларимиз Макканинг “Боби салом” дарвозасидан киришиб, зиёратлар ила барча аҳли Макка қатори Арафот тоғи сари йўлга отланишади ва тоққа етишгач, чодир тикишади. Манбаларда келтирилишича, Арафот тоғида ҳар ҳаж мавсумида 600.000 киши тўпланишар, агарда бирор мавсум бу санокдан қанча кам бўлса, шунча малоикалар ҳожилар сувратига киришиб, ушбу санокни тўлдиришар эканлар. Жамии ҳожилар пешин ва аср намозларини биргаликда ўқишса, шом ва хуфтан намозларини эса мазҳабларига биноан (бизнинг ҳожилар Имом Аъзам мазҳабларига биноан) ўқишар эдилар. Арафотда

туриш фарз бўлиб, бу ерда хатиб минбарга чикиб хутба ва дуо ўқирди ва ҳамма ҳожилар “омин” деб турар эдилар.

Ҳожиларимизнинг баъзилари от ва туяда, баъзилари эса пиёда Арафотдан тушиб Муздалифага йўл олдилар ҳамда хуфтан намозини шом намозига қасру жам этиб ўша ерда ўқидилар. Кечаси ўша масканда қарор топишиб, эрта саҳарда курбонликлар келтиридилар ва уч кеча ўша ерда қолдилар. Ва яна Маккага, Байтул-ҳарамга қараб йўл олдилар ҳамда ҳажнинг қолган арконларини ҳам охирига етказдилар.

Қачонким, ҳожиларимиз Каъбаи муаззама ва мукаррама ҳажини адо этишгач, яна Мадинаи набавияга боришиб, уч кеча-кундуз унда бўлишади. Шундан сўнг, уларнинг карвони Шомга қараб йўлга тушади.

Шомга қайтгач, Шайх Махдуми Хусайн Хоразмий барча фарзандлари ва дарвешу ёронларини ёнларига чорлаб дедилар: - “Биз ҳаммангиздан розимиз ва сизларни Худонинг паноҳига топширдик. Ҳар қайсингиз қайси тарафдан келган бўлсангиз яна ўз ватанингизга қайтингиз. Биз ҳам ўз жойимизни топдик ва йиллар оша Мовароуннаҳрда яшаб ушбу диёр (Шом)нинг интизорида эдик, чунки бу ер кўп улуғларни етиштирган муқаддас заминдир. Қолган умримизни шу заминда ўтказмоқчимиз”.

Шайх Махдуми Хоразмийнинг фарзандлари ва ёронлари ҳарчанд нолаю зорлик ила илтижо қилмасинлар, уларнинг бу муболағаларини қабул қилмай дедилар: -“Бизнинг вақтимиз яқинлашган. Шом юрти аксарият пайғамбару авлиёларнинг таваллуд ва мадфун этилган маконидир. Оллоҳдан шул умидда-дурмизким, қиёмат куни ушбу анбиёю авлиёлар ўртасида бош кўтарайлик!”

Эртаси куни Шомнинг барча ақобиру ашрофлари йиғилишганда, дарвешлар учун бир манзил ажратиб сотиб олиб, бундан кейин ҳажга Мовароуннаҳрдан ким келса, шу манзилга тушсин, деган мақсадда у ерда бир хонақоҳли қароргоҳ барпо этишни буюрадилар. Сўнг, отга миниб, Шом аёнлари ила сайрга чиқадилар. Кўк майдондаги олдинги сафар ул зот қўнган ўша боғни ёқтирганликлари учун шомлик ёронлар уни ул зотга

сотиб олиб берадилар. Боғнинг ишини адо этишгач, дарвешлар билан боришиб, Шайхнинг хонақоҳлари ва охиратгоҳларининг тарҳини соладилар. Боғ ва хонақоҳ “Солиҳия” аталмиш мавзе баробарида солинган бўлиб, тоғнинг этагида жойлашган ва бу мавзе пайғамбаримиз(с) қадамгоҳлари бўлиб, қадамгоҳ устидаги тоғда гумбазли иморат қурилган эди. Ул зот ўша ерларни зиёрат этиб яна дедилар: “Шом биҳиштдир, Шайх Муҳийиддин ал-Араби ва Шайх Фахриддин Ироқи каби ҳазратларнинг қабрлари ҳам ушбу “Солиҳия” дадур. Баским, табаррук маскандур”.

Шундай қилиб, Ҳазрати Шайх Махдуми Хоразмий Шом заминини ўзларининг охиратгоҳлари қилиб белгиладилар.

ҲАЗРАТИ ШАЙХНИНГ ОХИРГИ САФАРЛАРИ

Шайх Махдуми Хоразмийнинг Мавлоно Али Курдий номлик халифалари бўлиб, илми ботиний ва зоҳирийда олим-уламо эди. У хонақоҳ қурилишида орқасига гишт ташиб меҳнатлар қилар ва шу билан бирга Шайх Хоразмийга жуда садоқатли ҳам эди. Бир куни яқинлари ва баъзи дарвешлар унга дейишадик, ўз диёримизга бориб молу кўчларимизни олиб Шомга қайтсак ва яна Ҳазрати Шайхнинг хизматларида бўлар эдик. Бу сўзларни Шайх Хоразмийга етказишгач, ул зот дейдилар: Бу иш яхши бўлар эди ва биз ҳам сиз билан бирга йўлга отланамиз, аммо бизнинг сафаримиз Ҳалабдан нари бўлмас!

Шундай қилиб, Шайх Камолиддин Ҳусайн - Махдуми Хоразмий тарих 958 (1550) йилда Шомдан Ҳалаб сари йўлга чиқадилар ва бу билан ўзларининг охирги сафарларини амалга оширадилар. Халифа Мавлоно Али Курдий ул зотнинг маофалари¹ ортидан икки кунлик йўлгача яланг оёқ ҳолда югурарди. Қайтишини қанча илтимос қилсаларда, у кўнмайди. Шунда Шайх Хоразмий маофадан тушиб, ўз хиркаларини ечиб унга берадилар ҳамда Шомга қайтиб, баъзи юмушларни бажаришни буюрадилар. Ўзлари ҳам тез кунда Шомга қайтишларини таъкидлайдилар.

Ва ўша ёз фасли охирларида Шайх Махдуми Хоразмий

¹ Маофа - тахтиравон.

Ҳалабга¹ етиб келадилар. Шаҳар уламолари пешвоз чиқишиб ул зотни кутиб олишади ва илгари ҳаж сафари вақтида Ҳалабга келганларида “Боби Оллоҳ” аталган манзилга тушгани каби, бу сафар ҳам ўша манзилни ихтиёр этдилар.

Ташрифдан бир неча кун олдин Ҳалаб шаҳар қозиси туш кўрсаки, тушида имомлар имоми - Ҳазрати Имоми Аъзам(р) Ҳалабга ташриф буюриб, касалликка чалинадилар ва шу ерда вафот этар эканлар. Тушини у барчага айтади ва ҳамма бундан мутаассир бўлиб, қандайдир воқеа рўй беришини кутадилар.

Алқисса, Шайх Махдуми Хоразмий Ҳалабга ташрифи қадам ранжида этганларидан сўнг, ўша кеча мажлис оро этадилар. Мажлисда ташриф буюрган Ҳалаб ақобиру уламолари ул зотнинг ҳақоиқ ва маорифдан сўзлаган ҳикматларидан жуда таъсирланадилар. Ҳазратнинг ўзлари ҳам ўша мажлисда одатдан ташқари хушҳол эдилар.

Мажлис тарқаб, ҳамма ўз гўшасига равона бўлишгач, Шайхнинг ходимларидан бўлган Дарвеш Камина номлик киши Шарафиддин Ҳусайннинг хонасига югуриб келади ва Ҳазратнинг ногаҳон тоблари қочиб қолганлигини баён қилади. Шунда, Шайхнинг тўнғич ўғиллари Шарафиддин Ҳусайн, иккинчи ўғиллари Шаҳобиддин Ҳусайн ва бошқа барча қолган фарзанду аъёнлар Махдуми Хоразмийнинг хоналарига қараб югуришади. Кўрсаларки, ул зотнинг чехралари заъфарон ҳолда экан. Ўзларига келиб оҳиста дейдилар:- “Менга не ҳол бўлди - билмадим, ўзимни жуда ҳолсиз сезаётирман”. Шу сўзларни айтиб, яна беҳол бўладилар. Бироздан сўнг, яна ҳолларига қайтиб Дарвеш Каминани чорлайдилар ва дейдилар:-“офтобага сув келтирки, таҳорату вузў олай”. Атрофдаги фарзанду ёронлар Дарвеш Каминадан сўрайдилар:- Нега ул зот бу ҳолга тушдилар? Дарвеш деди: Ҳазрат мажлисдан фориг бўлгач, хоналарига кирганларида бирдан ранглари ўзгариб ҳолсизландилар ва менга дедиларки,- эй Камина, Шом жуда яхши гўшалардан, биз ўз жойимизни шу мавзеда қарор этдик.

Сўнг, Шайх Махдуми Хоразмий ҳолсиз ётган жойларидан видолашув яқинлигини белгисини бердилар. Ҳар бора “Оллоҳ”

¹ Ҳалаб - Ҳозирги Суриянинг шимоли-ғарбидаги шаҳар.

деганларида икки қўлларини оҳиста юқорига кўтарар эдилар.

Ҳазрати Камолиддин Ҳусайн – Махдуми Хоразмий касалликларининг олтинчи куни Ҳақ субҳона ва таолонинг ушбу - “Иржиъи ила раббика розиятан марзия” (Сен рози бўлган, рози бўлинган ҳолда Парвардигорингга қайт!) ояти¹ муборак кулоқларига эшитилиб, бунга жавобан - “Инна лиллаҳи ва инна илайҳи рожиъун” (Албатта биз Оллоҳнинг \бандаларимиз\ ва албатта биз У зотга қайтгувчилармиз) ояти² калимасини муборак лафзлари ила қайтариб, азиз жонларини Ҳақ таолога таслим қиладилар, раҳматуллоҳи алайҳи.

Ул муборак зот ва муқтадои замон Ҳалабда ҳаёти дунёдан кўз юмганларидан сўнг, ўша диёр уламою акобирларининг илтимосларига кўра ҳамда суннати набавияга амал қилинган ҳолда вафот этган мавзелари бўлмиш “Боби Оллоҳ”даги ўз хоналарида дафн этишни лозим топдилар.

Қачонким, бу воқеадан олти ой ва йигирма кун ўтгач, Ҳазрати Шайхнинг жасади муборакларини ўз васиятларига кўра Ҳалабдан Шом (Дамашқ) шахрига олиб боришиб, катта маросим ила қайта дафн этишади.³

Мақсуд ибн Носириддин Ҳусайн Бухорийнинг “Равойихул-қудс” асари ҳам бу воқеани қисқача, деярли “Жодатул-ошиқин” китобида ёзилган тарзда тасвирлайди: “Айтишларича, умрининг поёнида мағфиратга бурканган Ҳижоз йўлида карвон ила сафарда бўлади. Хоразмдан Хуросонга, у ердан эса жаннат маконли Боғдод йўлидан Ҳалабга етади. Ҳалабда ул зотнинг тоби қочади ва ҳарорати ошиб, изтиробу беоромликдан ётиб қолади ва ҳар сафар “Оллоҳ” дер эди. Касаллигининг тўққизинчи куни тарих 959 йилда Ҳақ таолога жонини таслим этди”.

Шайх Хоразмийнинг вафот этишлари санаси ва ҳажга бориш йўли борасида “Жодатул-ошиқин” ва “Равойихул-қудс” қўлёзма китоблари ўртасида бирозгина тафовут бор, холос. У ҳам бўлса, биринчи асарда ҳажга бориш йўли Ҳожи Тархон орқали амалга оширилди дейилса, иккинчи манба бўйича эса

¹ Вал-Фажр сураси, 28-оят.

² Бақара сураси, 156-оят.

³ Жодат... 202-203 саҳифалар.

Хуросон орқали, дейилмоқда. Иккинчидан, биринчи манбада касаллик олти кун чўзилгани ёзилса, иккинчи манбада тўққиз кун касаллик чўзилиб, сўнг вафот этганлари ёзилмоқда. Бу қадимий кўлёзма асарларда учраб турадиган аҳамиятсиз камчиликдир. Учинчидан, “Жодатул-ошиқин”да вафот санаси 958 йилда Ҳалабда рўй берилиб, ярим йил ўтгач жасадлари Шомга кўчирилди, деб ёзилса, “Равойихул-қудс”да фақат 959 йилда вафот этдилар, деб ёзилаётир. “Музақкирул-аҳбоб” асарининг Шайх Шарафиддин Ҳусайнга бағишланган “Шайх Шарифий” номли боби изоҳида¹ Махдуми Хоразмийнинг вафот этган кунларини 21-август деб ёзилгани эътиборга олинса, масала ойдинлашгандек бўлади. Чунки, агарда 958 (1550) йилнинг 21-августиди вафот этган бўлсалар, олти ярим ойдан сўнг қайта дафн этилган вақтлари 959 (1551) йилда киш фасли чиқиб, баҳор арафасида тўғри келади. Бу вақтда хали ҳавонинг салқинлиги инобатга олинган, яъни жасадни Ҳалабдан Шомга қадар бўлган узок (харитага караганда, қарийб 400 км) масофага олиб бориш машаққати иссиқ фаслларда тўғри келмаслиги ҳаммага аёндыр. Демак, “Равойихул-қудс”да келтирилган 959 (1551) санаси ул зотнинг қайта дафн этилган санани билдириб турибди.

Сайид Роқимнинг “Тарихи касира” номли асарида шундай келтирилган: “Ўша 958 санада қутбул-ақтоб, ғавсул-аҳбоб, фатво даргоҳининг яқини Ҳазрати Камолиддин Шайх Ҳусайн Хоразмий қаддасу сирраҳу Ҳақ раҳматига етди. Жасадини тупроқ хилватхонасига кўйдилар. Фозиллардан бири ул зот вафоти тарихини шундай ёзди, тарих:

Соли тарихро хирад меғуфт,
Оҳ қутбе бирафт аз олам (958)”.

Мазмуни:

Вафот йили тарихини хирад айтди:
Оҳким, қутб оламдан кетди.

Абжад ҳисобида ўгирсақ, кейинги мисрадаги ҳарфлар ййғиндиси ҳақиқатан 958 га тўғри келар экан.

1 Музақкирул-аҳбоб... 331-бет.

Демак, “Охким, кутб оламдан кетди”, мисрасининг форсийда айтилиши абжад ҳисобида 958 ҳижрий йилга тўғри келади-ган матлуб рақам бўлиб, милодий йилга ўгирилганда 1550 йилга тўғри келади ва бу Ҳазрати Махдуми Хоразмийнинг вафот этган йилларидир. “Тарихи касира”даги ушбу назмий марсия “Жодатул-ошиқин” қўлёзмасида айнан ва тўлиқ ҳолда келтирилган бўлиб, фикримизча, бу назм Шайх Махдуми Хоразмийнинг тўнғич фарзандлари - китоб муаллифи Шарафиддин Ҳусайннинг қаламига мансуб кўринади.

Ҳиндистонлик бобурийлар сулоласи шахзодаси Доро Шукуҳ ёзган “Сафинатул-авлиё” китобининг биз кўриб чиққан ҳар икки қадимий нусхасида (бири қўлёзма нусхаси бўлиб, 1270\1853 йилда кўчирилган; иккинчиси эса Ҳиндистоннинг Навалкишвари “Мунши” тошбосмаси)¹ Ҳазрати Махдуми Хоразмийнинг вафот саналарини негадир 956 йил деб кўрсатилганлигига қарамай, Ҳазратнинг ўғиллари- Шарафиддин Ҳусайн келтирган сана - саҳиҳ сана бўлиб, ўз отасининг вафоти санасида Шарафиддин Ҳусайндек олим, шоир ва фозил киши ҳеч адашмаслиги аниқдир. Боз устига, кўпгина бошқа манбалар ҳамда марсиядаги аниқ абжадий ҳисоб бундан дарак бериб турибди.

Шундай қилиб, Кубравия тариқати Ҳусайния сулукининг замона пешвоси Ҳазрати Шайх Камолиддин Ҳусайн Махдуми Хоразмий 958 (1550) йил 21 августда² Ҳалабда вафот этиб, олти ойу 20 кундан сўнг, 959 (1551) йилда қиш ўтиб, баҳор айёми арафасида муборак жасадлари Шомга кўчирилиб қайта дафн этилгандир.

ШАЙХ ХОРАЗМИЙНИНГ ПИРЛАРИ ВА МАЪНАВИЙ СИЛСИЛА

Бошқа тасаввуф силсилалари каби Кубравия тариқатида ҳам турли сифатлардаги пирлар қабул қилинган. Жумладан, 1) пири тарбияти; 2) пири назари; 3) пири шариати; 4) пири

¹ Каттахонхожанинг шахсий кутубхонасидан.

² Музақкирул-аҳбоб... 331-бетдаги изоҳ.

тариқати; 5) пири хирқа; 6) пири иршод ва баъзан: 7) пири увайсий сифатларидаги пирлар ҳам келтирилади.

Ёш Камолиддин Ҳусайннинг пири тарбиятилари ўз отаси эди. “Жодатул-ошиқин” китобининг хабар беришича, ул зот болалигида воқеани кўрадики, гўё Ҳазрати Али (р) га иродат кўлини берган экан. Шул жихатдан ҳам Камолиддин Ҳусайннинг пири увайсийлари¹ Ҳазрати Имом Али (р) ҳисобланганлар; пири шариатилари Мавлоно Муҳаммад Ғиёс бўлган ва бу зотнинг ўз вақтида ёш Камолиддин Ҳусайнга шариат илмларидан сабоқ берганликлари зикрини юқорида кўриб ўтдик. Пири назарилари Шайх Умодиддин Фазлуллоҳ бўлиб, тасаввуф доирасига киришда, илк сайр этишда ул зот эътибор ва назар этгандир. Пири иршоди ва пири тариқати (яъни, асосий муршид)лари Шайх Хабушоний ҳисобланган. Агарчи, пири хирқа, яъни хирқани² кимдан кийганликлари биз кўриб чиққан бирор манбада айтилмаса-да, ушбу пир ҳам Шайх Хабушоний эканлиги англанилмоқда. Ул зотнинг вафот санасини Доро Шукуҳнинг “Сафинатул-авлиё” номли биз назардан ўтказган ҳар икки кўлёмзада ҳам 937 (1520) йил деб келтирилган.³ “Музақкирул-аҳбоб” китобида эса ул зотни Хоразмнинг Вазир қишлоғида дафн этилганликлари ёзилган.⁴ Бу пирлар фаолиятини қисман бўлса-да бошда кўриб ўтдик.

¹ Увайсий - пири кўрмасдан, илгари вафот этганларга руҳониятли иродат этиш.

² Хирқа - пир томонидан кийдириладиган иршод ҳуқуқини берувчи тўн.

³ Сафинатул-авлиё...кўлёмза. 214а, 215б - саҳифалари.

⁴ Музақкирул-аҳбоб... 88-бет.

ШАЙХ ХОРАЗМИЙНИНГ ХАЛИФАЛАРИ

Ўтмиш юртимиз Мовароуннахр тасаввуфида сўфиёна фаолиятари билан чуқур из қолдирган муршидларнинг аксариятлари аввало машхур халифаю шогирдларни етиштирганликлари учун ҳам тарих зарварақларида мангу кўним топганлар. Ҳазрати Нажмиддин Куброни “пири валитарош” (валиларни тарошлаб етказувчи пир),¹ Ҳазрати Махдуми Аъзами Даҳбедийни “пири шасти” (олтмиш валини тарбиялаган пир)² каби фахрли номлар ила манбаларда сарафроз этилишлари бежиз бўлмаган. Зеро, Ҳазрати Хожа Аҳрори Вали, Шайх Худойдоди Вали, Имоми Раббони-Алфи Соний, Мўсохонхожа каби барча тасаввуфий манбаларда зикр этилган алломалар бир ҳисобда, турли ўлкаларга тарқалиб кетишган халифа-шогирдлари туфайли ҳамда ўзлари бу силсила-сулуклар доираси марказида турганликлари учун ҳам машхуру манзур бўлишган.

Машхур мутасаввуфларнинг мақомотларига назар ташласангиз, уларнинг барчалари йигитлик вақтларида юртлар кезиб, ўзларига мақбул пир ахтаришган. Ҳазрати Хожа Аҳрори Вали ҳам ёшлиқларида кўп вақт пир ахтарганликларига сабаб шул эдики, бевосита Ҳазрати Нақшбанднинг қўлларини олган муршид излаган эдилар.

Пирлар орасида энг улуғ мартабалироғи ҳам ўша ҳисобланганким, қайсиларининг силсилаи шарифлари Ҳазрати Пайғамбарга(с) тез етса, ўша пир нисбатан мўътабарроқ ҳисобланган. Насаб шажарасида ҳам худди шул каби, яъни ёшидан қатъий назар, ота насаби жиҳатидан Ҳазрати Пайғамбарга(с) ёки Ҳазрати чорёрларга қанчалик тез етса, улар шунчалик кўп эъзозланган. Кези келганда шуни айтиш жоизким, баъзи олимлар, “силсилаи аълия” фақат Нақшбандия тариқатида мавжуд, деб билишади ва хато қилишади. Ҳар бир силсиланинг ўз олий, яъни асосий сулуки бўлади. Насаб шажарасида ҳам шундай, яъни ҳар бир машхур авлоднинг ўз ичида

¹ Жодат... 100 - саҳифа.

² К.Каттаев. Махдуми Аъзам ва Даҳбед тарихи. Самарқанд. Сугдиён. 1994. 69-бет.

асосий йўналиши бўлиб, уларни барча маноқиб китобларда - “самараи шажараи тайиба” (яъни, авлоднинг машҳур зурриётлари шохаси) деб келтиришган.

Аммо, тасаввуфда насаби, яъни келиб чиқиши инобатга олинмай, аввало, ҳасаби, яъни хизмати туфайли орттирган обрўси шарафланган.

Байт:

Ҳасаб фавқи насабмас, эй нек ҳол,
Ипакдин ўтқарур кўп ишлаган шол.

Бошқа пиру муршидлар каби, Шайх Махдуми Хоразмийнинг ҳам камолотга етилган халифалари бисёр эди. “Жодатул-ошиқин” китобида халифа Хожа Муҳаммад Хивақий, халифа Хожа Муҳаммад Сайид Ҳусайн, халифа Шайх Мақсуд, Сўфи Султон, Шайх Ортук, Хожа Ҳусайн Марвий, Хожа Фахриддин Аҳмад, халифа Ҳожи, Ҳамза Содик, Муҳаммад Ориф, Шайх Аҳмад Чоржуи каби шогирдларнинг номларини келтирган эрса-да, улар орасидан Хожа Муҳаммад Хивақийни халафул-хулафо, яъни бош халифа деб келтиради. Ул зот ижозати куллий олгач, Ҳисорда фаолият кўрсатган эди.

Ўз навбатида, Носириддин Бухорийнинг “Тўхфатул-зоирин” асарида эса ҳажга жўнаш асносида халифа Тангрибердини ўз ўринларига шайхлик маснадида жойнишин-ўринбосар этиб кетганликлари айтилади. Бу зот, асли Бухоронинг Пойканд мавзеидан бўлиб, кейиналик шу ерда дафн этилган. Бизнингча, уларнинг ҳар иккаласи ҳам катта асхоблардан бўлиб, бирлари Ҳисорда, иккинчилари эса Бухорода туриб Кубравия тариқатини тебратганлар.¹ Ҳеч шубҳасиз, Шомда ҳам Шайхнинг бошқа бир халафул-хулафолари тариқий ишни давом эттирган бўлиши керак.

“Тўхфатул-зоирин”да яна икки машойих Шайх Ҳусайн Хоразмийнинг халифалари аталганким, улар Мавлоно Поянда Соктари ва Шайх Халилуллоҳдир. Ўша манбада яна келтирилганидек, Жоме ус-сулук лақабини олган машҳур эшони Имлонинг силсиласи айнан ушбу Мавлоно Поянда Соктари орқали

¹ Тўхфатул-зоирин... Бухоро чопаси. 1909. 34-саҳифа.

Шайх Махдуми Хоразмийга етар экан.¹

Аммо, Ҳазратнинг халифалари ичида нафақат Кубравия, ҳатто Нақшбандия силсиласида ҳам машҳуру манзур бўлганлардан бири Шайх Якуби Сарфи бўлиб, ул зотга бағишланган алоҳида катта боб “Равойихул-қудс” кўлөзма китобида² келтирилган ва бу ерда ундан парча келтиришни жоиз деб ҳисоблаймиз.

“Шайх Яъқубнинг лақаби “Сарфи” бўлиб, назмда ҳам шу номни тахаллус қилиб олган эдилар. Махдуми олам Камолиддин Хусайн Хоразмийнинг халифаларидан бири бўлган бу зот кўп сайру саёҳатлар қилиб, икки шариф ҳарам (ҳаж) зиёратига етади ва пайғамбар ҳадислари исноди таҳсилани Ҳижозда муҳаддислар таянчи Шайх (ибн) Ҳажр Ҳижозийдан олади... Айтишларича, у 918 (1512) йилда туғилган бўлиб, болалигидан хушёрлик ва тез фаҳмлаш сифатлари унда зоҳир бўлган ва етти ёшлигида Қуръонни ҳифз қилган. Зоҳирий билимларни Ҳазрати Мавлоно Жомийнинг шогирдлари бўлган Мавлоно Муҳаммад Онийдан ўрганган. Шундан сўнг, унда илоҳий жазаба бошдан оёқ қолиб бўлиб, кўп сайру саёҳатлар этган ва кўп бўзурглр билан суҳбатлар қилган. Охири, Самарқанд доруссалтанатида Махдуми олам Хусайн Хоразмийга етишиб, Кубравия тариқатини ул зотдан эгаллайди. Турон, Хуросон, Эрон, Ирок, Ҳижоз ва Ҳиндистон мамлакатларида саёҳатлар қилиб, ўзининг асл ватани Кашмирга (Ҳиндистонга) қайтади ва умрининг охиригача китоб ёзиш таснифоти билан машғул бўлади.

Ул зотнинг камоли даражасини шундан ҳам билиб олиш мумкинким, кутбул-офоқ Ҳазрати Мужаддад Алфи Соний - Имоми Раббоний, яъни Шайх (Аҳмад) Сирҳандий Деҳли шаҳрида ул зотнинг суҳбатларига етишиб Кубравия тариқатининг файзу баракотларига эришганлар. Баъзи ривоятларга қараганда, ҳатто ҳадис санадини ҳам Ҳазрати Алфи Соний ул зотдан ўргангандир, балким.

Шайх Яъқуб Сарфининг вафотлари Кашмир вилоятида... 1003 (1594) йилда содир бўлгандир”.

1 Ўша китоб, 31-32 саҳифалар.

2 Равойихул-қудс... 114-114 саҳифалар.

Энди, ҳақиқат қилиб айтганда, ислом дини тасаввуфининг энг буюк намояндаларидан бири бўлган Мужаддад Алфи Со-ний- Имоми Раббонийга устозлик қилиш шарафига муяссар бўлганининг ўзи - ул зотнинг миқёсини айтиб турибди ва Шайх Ҳусайн Хоразмийнинг бул каби шогирдларига ортиқча изоҳ беришдан қалам ожиздир.

ШАЙХ МАҲДУМИ ХОРАЗМИЙ ФАРЗАНДЛАРИ

Шайх Махдуми Хоразмийнинг фарзандлари тўғрисида фақат ўзларининг мақомотлари бўлмиш “Жодатул-ошиқин” асари маълумот беради, холос. Тўғри, ушбу китобдан бироз олдинроқ ёзилган ва Шайх Махдуми Хоразмийга бағишланган “Мифтохут-толибин” асрининг муаллифи Мавлоно Камолиддин Маҳмуд Ғиждувоний ҳам бу масалада ёзиб ўтган бўлиши мумкин. Ушбу асар билан танишмаганимиз боис бизга бу қоронғу. Аммо, ҳозирги даврда, Самарқанднинг Махдуми Хоразмий маҳалласида яшовчи махдумзодаларнинг қўлларида аждодларидан мерос қолган бир вақфнома ҳужжатидан ҳам анча-мунча маълумотларни билиб олиш мумкин.¹

Шундай қилиб, мавжуд манбаларга қараганда, Шайх Махдуми Хоразмий серфарзанд инсон бўлганлар.

Ул зотнинг тўнғич фарзандларидан бири Шарафиддин Ҳусайннинг, юқорида айтиб ўтилганидек, онасининг насаби Шайх Сайид Бурҳониддин Қиличга бориб етгани учун ҳам фарзандлари орасида сайид-ашрофзода ҳисобланган ҳамда Шайх Махдуми Хоразмийнинг самараи шажараи тайибалари айнан ушбу фарзандлари орқалидир. Шарафиддин Ҳусайннинг таваллуд йили китобларда ёзилмаган. Аммо, унинг ўзи ёзган “Жодатул-ошиқин” китобида келтирилишича, 910 (1504) йилда шайхликка ижозати куллий олган Шайх Камолиддин Ҳусайн юрти Хоразмга қайтиб ўша йил сайидзода тоғобаччаларига уйланадилар. Ушбу биринчи кўчдан, яъни биринчи хотинларидан Шарафиддин Ҳусайн туғилади. Демак, ул зот 1505 йил атрофида туғилгандир.

Шарафиддин Ҳусайн ёшлик пайтларидан бошлаб бузург от-

¹ Вақфнома Темурхон Бобохонов хонадонидан сақланади.

асига хизматлар қилиб келганлиги тўғрисида баъзи манбаларда зикр этилган бўлиб, тариқий хирқани ҳам отаси қўлларидан кийиб, халифаларидан бири бўлганлиги айтилган.

Шарафиддин Хусайннинг насрдаги салоҳияти унинг “Жодатул-ошиқин” мақомотидан билинса, назмдаги маҳорати эса Ҳасанхожа Нисорийнинг “Музаккирул-аҳбоб” асарида¹ шундай сўзлар билан келтирилган:

“Шариф кишилар қаймоғи Шайх Шарифийнинг муқаддас ёди. (Ул зот) жаноби Шайх Хусайн Хоразмийнинг ашрофзода ўғлидир. Кичик ёшидан шариф отаси хизматида бўлиб, абадий бойлик ва улуғ давлат касб этди. Мақтовли ахлоқи ва ёқимли васфи бор. Ҳасаби латофати ва насабининг поклиги эл орасида ва тариқат ишида нурли офтобдек чароғон ва олийжаноб лутфи хосу ом учун баробардир. Халафликнинг беҳилоф байроғини ёйган ва Хусайния силсиласи ошиқларини бенаво қолдирмаган ҳолда ўринбосарлик мақомида муқим ўлтириб, янгидан-янги футухотлар ва чексиз фазилатлар ортишига сабаб бўлмоқда. Олий мутоалали йиғини олимлар ва фозиллар тўпланадиган қароргоҳдир. Барча фозиллар шайх хизматида жону дил билан ошиқадилар ва фазилат ҳосили билан уюлган хирмонидан бир бошоқ олиб қолишга шошиладилар. Аниқ таъби сўз таҳқиқида олий даража ва юқори мартабага эгадир. Сўз фурсатини бир он бекор ўтказмайди. Олий отаси мақомотини яхши йўсинда жамлаган ва кўп маъноларни ихчам, мўъжаз лафз асносида “хайрулкалом” дамли ҳамда дилга ёқувчи нутқ билан баён этади... Шеър соҳасининг барчасида сўз айтган. Дилфиреб ашъори ва ғаройиб гуфтори фозиллар тилида зикр этилади ва шоирлар орасида машхурдир... Айни кунларда Худо ҳимоясига олган Самарқанд шаҳрида соқиндир.”

Нисорийнинг бу сўзларидан Шайх Шарафиддин Хусайннинг ёқимли васфи бўлиб, “Шарифий” тахаллуси билан шеъру ғазаллар айтгани, мақтовли ахлоқи ва фазилатлар эгаси бўлганлигидан нафақат тариқий, балки назмий мажлисларда ҳам машхуру манзур эканлиги англанилмоқда. Асосийси, Нисорий ул зот ҳақидаги фикрини,- “айни кунда Самарқандда яшамокла” деган сўзлар билан тугатгани, “Музаккирул-аҳбоб”

¹ Музаккирул-аҳбоб... 217-бет.

ёзиб тугалланган пайтда ҳам Шарафиддин Ҳусайннинг ҳаётда эканлигини билдирмоқда. Агар, Мавлоно Мутрибийнинг тазкирасидаги маълумотга қараганда, Шарафиддин Ҳусайннинг (яъни, Мавлоно Шарифийнинг) Ҳиндистон сафари вақтида 70 ёшида вафот этгани ҳисобга олинса, унда ул зот 1574\75 йилларда вафот этган бўлади.

Шайх Шарафиддин Ҳусайннинг жасади Самарқандга келтирилиб, отасининг хонақоҳида дафн этилган. Ул зотдан уч ўғил боқий қолган: Хожа Мирак, Муҳаммад Боқи ва Муҳаммад Тоҳир. □ Ҳозирги пайтда Самарқанднинг Махдуми Хоразмий аталган маҳалласида яшаётган махдумзодаларнинг аксарияти - Бобохоновлар оиласи ўзларини айнан ушбу Шайх Шарафиддин Ҳусайннинг зурриётлари ҳисоблайдилар.

Шайх Махдуми Хоразмийнинг бошқа фарзандларини яна “Жодатул-ошиқин” асарининг муаллифи ёзишмаларидан билиб оламиз. Махдуми Хоразмийнинг иккинчи фарзандлари Шаҳобиддин Ҳусайн бўлиб, ўз оталарининг номи билан уни атаганлар. Бу ўғил отаси билан Шомга сафар қилган ва ўша ерда вафот этиб, қабри ҳам Шомдадир. Шарафиддин Ҳусайн ушбу тўнғич укасининг вафотини китобида келтиргани, унинг акасидан илгари вафот этганлигини аниқлатмоқда. Шаҳобиддин Ҳусайннинг Шомга сафари вақтида оиласи Самарқандда қолганлиги манбада келтирилган.

Шайх Махдуми Хоразмийнинг учинчи ўғилларининг номи Шайх Абул Қосим Ҳусайн бўлиб, отасининг вафотларидан кейин Қудси Халил шаҳрига бориб тариқий пирлик фаолияти билан шуғуллангани ва ўша ерда вафот этгани ҳақида “Жодатул-ошиқин” китобида келтирилган.

Ҳазратнинг кейинги ўғилларининг номи Мир Ҳошим Ҳусайн бўлиб, у ҳам ўз хонумонини тарк этиб, отаси билан ҳаж сафарига отланган. “Жодатул-ошиқин”да вафоти келтирилмаганидан шу тушуниладики, у муаллиф акасидан кейин вафот этган, кўринади.

Ҳазратнинг яна бир ўғилларининг номи Шайх Нажмиддин Ҳусайн бўлиб, ул зот ҳам отаси билан ҳаж сафарига чиққан ва Шомда вафот этиб, қабри отасининг яқинидадир.

Шайхнинг яна бир ўғиллари Шоҳ Махдум Ҳусайн аталиб, пиру муршид Хожа Муҳаммад Хабушонийнинг қизидан туғилганлиги китобда зикр этилган. Бундан, Шайх Махдуми Хоразмийнинг иккинчи кўчлари, яъни хотинлари ушбу пирнинг қизлари эканлиги аниқланади. Шоҳ Махдум Ҳусайн оталаридан ташқари яна Шайх Шоҳдан ҳам иродат олган ва тариқатда кенг қамровли, зоҳиру ботин илмида олим бўлган. Самарканддан Ҳиндистон орқали ҳаж сафари сари бораётиб вафот этганлиги асарда келтирилган. Демак, бу ҳам муаллиф акаси Шарафиддин Ҳусайндан олдин вафот этган экан.

Ушбу сатрлар муаллифига Шайх Махдуми Хоразмий авлодидан бўлган Темурхон Бобохонов келтириб берган ва Хоразмийлар хонақоҳига тегишли ҳамда 1136 (1723) йилда Бухорода ёзилган бир вақфноманинг ксерео нусхасига қараганда, унда келтирилган шажара ушбу Шоҳ Махдум Ҳусайннинг авлодларига тааллуқли бўлиб чиқди. Ҳужжатдаги ёзувларга қараганда, Шайх Махдуми Хоразмийнинг кенжа ўғилларидан бири Шоҳ Ҳусайннинг авлодидан бўлган Хожа Муҳаммад Содикнинг Шайх Махдуми Хоразмийга ҳақиқатан ҳам авлод-зурриёт эканлиги ҳамда хонақоҳ вақфиясига дохиллиги борлигини тасдиқланган. Вақфномада Махдуми Хоразмийнинг номлари Шайх Шарафиддин Ҳусайн ал-Хоразмий тарзида келтирилган бўлиб, “Шарафиддин” ул зотнинг диний лақабларидан бири эканлигини юқоридаги “Махдуми Хоразмий шахсиятларидаги айрим чалкашликлар” бобида кўриб ўтган эдик. Ва шажара ушбудир:

1. Шайх Махдуми Хоразмий
2. Хожа Шоҳ (Ҳусайн)
3. Хожа Саид Бурҳониддин
4. Хожа Мир Юсуф
5. Хожа Шаҳобиддин
6. Хожа Абдураззоқ
7. Хожа Баҳоваддин
8. Хожа Абдулғаффор
9. Хожа Муҳаммад Содик

1723 йилда ёзилган ушбу вақфномада келтирилган шажарага кўра, Шайх Махдуми Хоразмий даврларидан ўртача 200 йил

ўтгач, авлодлари саккиз воситага кўпайганини кўрмоқдамиз. Агар, (бошқа авлодий шажараларга қиёслаб) 1723 йилдан то бизнинг давримизгача яна 280 йил ўтганлигини ҳисобга олганда насллари шу тарзда яна камида саккиз воситага кўпайса, демак, ҳозирги даврда яшаётган мавжуд авлодлар Шайх Маҳдуми Хоразмийга тахминан ўн тўрт (14-16) восита ила етишар эканлар.

МАХДУМИ ХОРАЗМИЙ ВА ҲУКМДОРЛАР

Кубравия тариқати пиру муршиди Шайх Маҳдуми Хоразмий ҳам бошқа тариқатнинг машхур пешволари каби ҳукмдорларнинг назарига тушиб қолган эдилар. Агарчи, ҳукмдорлар, пиру муршидларнинг ўсиб бораётган нуфузларидан ўз манфаатлари йўлида фойдаланишлари бир ҳисобда одатий ҳолга айланган эрса-да, Шайх Маҳдуми Хоразмий ўз таъсирини фақатгина халқ манфаати, осойишталиги ва фаравонлиги йўлида сарфлар эди. Чунон, Ҳазрати пайғамбаримиз(с) ҳадиси шарифларида марҳамат этганларидек: “Яхши ҳукмдор олиму донишмандларни зиёрат этади, ёмон олим эса (манфаати йўлида) подшоҳларни зиёрат этади”, қабилидаги моҳиятни ул зот каби муршидлар ўз фаолиятларининг шиори қилиб олган эдилар.

Замон ҳокиму султонлари Шайх Маҳдуми Хоразмийга катта ҳурмат назари билан қараганлар. Ул зот устозларидан пирлик иршодини олиб Хоразмга борганларида у ернинг ҳокиму арбобларидан Қолхон, Юнус Султон кабилар Шайхга катта сарафрозликлар этишган.

Қачонким, Шайх Маҳдуми Хоразмий Мовароуннахрнинг Самарқанд шаҳрига кўчиб келганларида, ўша пайтларда “Самарқандда ҳокони саъиди аъзам Абу Мансур Кучкунчихон, Бухорода эса илоҳий каломи мажид (яъни, Қуръони карим) муфассири Убайдуллоҳон Ғозий ҳукм сураар эдилар”.¹

Самарқанд шаҳар шахзодаларидан энг аввал ул зотга ниёзмандликлар қилган киши Фўлод Султон (1530 йил вафот этган) эди. У Шойбонийхоннинг тўнғич ўғли бўлган Темур Султоннинг фарзанди бўлиб, онаси Меҳр Султонхоним эса

¹ Жодаг... 122-саҳифа.

Самарқанддаги Шойбонийхон мадрасасини (Кўш мадрасани) солдиргани билан тарихга қолгандир.¹

Фўлод Султон Шайх Махдуми Хоразмийга иродат қўлини бериб, ул зотнинг мажлисларидан завку шавқлар олиб, гирён йиғлар эди. “Жодатул-ошиқин” асарида ёзилишича, бир мажлисдан олдин Ҳазрати Шайхнинг асоларини олиш ҳамманинг хаёлидан чикиб кетган пайтда, ул султоннинг ўзи тезда қайтиб бориб, олиб келиб берган. Шунда Шайх султоннинг бу камтаринлиги учун кўп дуолар қилган эканлар.

Фўлод Султондан ташқари, яна шайбонийлардан бўлган Ўғон Султон ибн Абу Саъидхон ҳам ул зотга иродат қўлини берган эди. Мажлисларда ушбу султон бошқа дарвешлар каби жазабага тушиб, шул қадар самовий зикр машғулида наъралар тортар эдики, беҳолликдан ёқаларини йиртиб гирён этарди. Охири, ушбу саодатли султон улуғ мартабага эришиб, хусравона давлатдорлик тожини тарк этиб, маънавий салтанатнинг фақирлик хилъатини кийиш даражасига етади.

Шундан сўнг, Султон Саъид ибн Абу Саъидхон келиб ул зотга инобат этиш даражасига муяссар бўлади. Бу султон шайбонийлар сулоласининг ҳукмдорлари бўлмиш Кучкунчихоннинг (1530 йил вафот этган) набираси ва Абу Саъидхоннинг (1533 йил вафот этган) ўғли эди. Тарихдан маълумки, Султон Саъид 1552 йилдан 1554 йилгача Тошкент ҳокими Наврўз Аҳмадхон Самарқандни эгаллагач, шерикликда шаҳар ҳокими бўлади ҳамда 1558 йилда Абдуллохон-II даврида яна Самарқандда ҳоким бўлган.

“Музаккирул-аҳбоб” асарида келтирилишича, Шайх Ҳусайн Хоразмий бир куни Шатрий кишлоғида ариқ казиб юрган эканлар. Ва салтанатпаноҳ Султон Саъид ҳам ёнларида оғир-оғир тошларни енгилгина кўпориб, уларга ёрдамлашар эди. Шайх Хоразмий ушбу Султонга қараб “бу киши бизнинг Кўхканимиз” (Фарҳоднинг тоғ қазувчилиги учун олган лақаби, “тоғ кўпоровчи”),- деганлар. Шунга кўра Султон “Кўхкан” иборасини ўзининг тотли шеър ва ширин гуфторида тахаллус қилиб олади.²

Ушбу шоиртабиат султон 1572 йилда вафот этиб, жасади

¹ Р.Мукминова. Вакфнаме. Ташкент, Наука. 1966. 66-стр.

² Музаккирул-аҳбоб... 49-бет.

Регистон қаршисидаги Кучкунчихон мадрасаси сатҳида, отаси ва бобосининг ёнида дафн этилган. Мозори устидаги кўк нақшинкор ёзувли мармар қабртоши ҳозирги даврда Самарқанд Давлат музейининг намоиш залида мавжуддир.

Шайх Махдуми Хоразмий Самарқанддан Бухорога борганларида хонақоҳда катта мажлис оро қилиниб турганда, Убайдуллохон Ғозидан хабар келади. Унда подшоҳ дарвешлар мажлисида иштирок этиш хоҳиши борлигини айтади ва лекин, ул зотдан тасарруф этмасликларини сўрайди. Чунки, Убайдуллохон Ҳазрати Махдуми Аъзам Даҳбедийнинг муриди бўлиб, Нақшбандия тариқатида эди (бу ерда эса Ҳазрати Шайх Хоразмийдан Кубравия тариқатига ҳам киришга ундамасликлари сўралмоқда). Дарҳақиқат, кизик ҳолат, шайбоний подшоҳ ва ҳокимларнинг бирлари Нақшбандия тариқатининг пайровлари бўлишса, уларнинг биродарлари ёки фарзандлари Яссавия ёки Кубравия тариқатларига иродат этишганлигини кўрмоқдамиз. Демак, улар ўзлари ҳам ва уларнинг раиятига кирган халқлар ҳам бу уч тариқат орасида ҳеч бир фарқ қилмай, бирдек кўришган.

Нафақат, шайбонийлар сулоласи ҳукмдорлари, балким темурийлар сулоласи ҳукмдорлари ҳам бир даврда уч тариқатнинг пешволари бўлишган Махдуми Аъзами Даҳбедий, Шайх Худойдоди Вали ва Шайх Махдуми Хоразмийларнинг ўзларини ҳам, тариқатларини ҳам бирдек ҳурмату инобат этишганлиги ҳақида манбалар дарак беришаётир. Жумладан, темурийзода Бобур мирзо Ҳазрати Махдуми Аъзамни ўзига пиру муршид билгани билан,¹ Ҳазрати Шайх Худойдоди Валига жуда катта эътиқод кўйганлиги ҳақида “Ламаҳот мин қудс” асари дарак берса,² Ҳазрати Шайх Махдуми Хоразмийга Бобур мирзонинг ҳукмдор фарзандлари нақадар катта эътибор берганликлари ҳақида юқоридаги бобларда айтиб ўтган эдик.

“Жодатул-ошиқин” асари жумладан, Хоразм ҳукмдори Элбарсхоннинг биродарларидан бири Шайх Хоразмий қошига хонақоҳга келиб, инобат этгани, ногаҳоний жазабага эришиб

1 К.Катгаев. Махдуми Аъзам ва Даҳбед тарихи. Самарқанд. Сугдиён. 1994.

2 К.Катгаев. Шайх Худойдоди Вали тарихи. Самарқанд. СамДУ. 1995. 22-23 бетлар.

тарки салтанат этгани ҳамда хонақоҳ қурилишида ғишт ташувчилик қилгани ҳақида маълумот беради. Сидқидиллик ихлоси учун унга Сўфи Султон номи берилади. Унинг нақли ўз замонасида машҳур бўлиб, Шайх Махдуми Хоразмий ул ҳақида ушбу назмни айтган эканлар:

Демаки бу ишқ йўли - бас осондур,
Бу ишқ йўлинда бас, жигарлар қондур.
Улким, бу йўл ичра қадам урди, дуруст,
Бу барча халойиқ ичинда Султондур.

Бундан, Шайх Махдуми Хоразмийнинг шеърият бобида ҳам нозик таъбу маҳоратлари борлигини кўриб турибмиз.

Манбаларнинг маълумот беришича, шойбоний шаҳзодаларидан яна хисорлик Темур Аҳмадхон ва Қилич Қаро Султонлар ҳам Шайх Хоразмийга инобат қилган эканлар. Юқоридаги бобларда айтиб ўтилганидек, Самарқанд ҳукмдори Абдуллатифхон ҳажга отланган Шайх Махдуми Хоразмийга ўзининг отини тўхфа этганини кўриб ўтган эдик.

Ҳукмдору амалдорларнинг пиру дарвешларга ихлоси, уларга ўзларини нисор айлаши, бир томондан уларнинг мардонавор камтаринликларини кўрсатса, иккинчи томондан эл назарида, тарих назарида уларнинг янада буюк эканликлари намойиш этилади. Шулар назар билан-да, бир неча юз аскар ила юз минглаб, балки миллионлаб фуқарога эга бўлган Ҳиндистондек юртни фатҳ этган теурий саркарда Бобур мирзонинг ўша ердан туриб пири Махдуми Аъзам Дахбедий (яъни, Мавлоно Хожаги Косоний)га олтин ғиштни тўхфа қилиб, унга қўшиб юборган ушбу рубойиси, ҳукмдорларнинг афзали-уларнинг камтаринлигида эканлигига мисол бўла олади.

Мазмуни:

Адашган ҳавойи нафсимиздан умримиз зое кетди,
Дин аҳли наздида бу атвордан шармандамиз.
Вафо йўлидан бизга ҳам бир назар этингким,
Подшоҳликни қўйиб, Хожагига мурид бўлайлик.

МУНДАРИЖА

| | |
|-------------------------------------|----|
| Муқаддима..... | 5 |
| Саййид ота ким эди?..... | 7 |
| Саййид ота ва ўзбекхон..... | 10 |
| Хожа аҳмад яссавий..... | 12 |
| Халифалари..... | 13 |
| Биринчи халифа – Мансур ота..... | 14 |
| Иккинчи халифа – Саид ота..... | 14 |
| Учинчи халифа – Сулаймон ота..... | 15 |
| Тўртинчи халифа – Ҳаким ота..... | 15 |
| Занги ота..... | 17 |
| Узун ҳасан ота..... | 18 |
| Саййид ота..... | 19 |
| Исмоил ота..... | 20 |
| Садр ота..... | 20 |
| Бадр ота..... | 21 |
| Саййид ота авлодлари тўғрисида..... | 22 |
| Саййид Абдулло Зарбахш..... | 23 |
| Саййид Аҳмадхожаи Нақиб..... | 28 |
| Ҳазрати Саййид ота шажараси..... | 30 |
| Соҳадаги баъзи чалкашликлар..... | 31 |
| Яссавия пирлари ва мақомотлари..... | 39 |
| Шайх Худойдод Валий..... | 39 |
| Қосим шайх Азизон Карминаги..... | 41 |

ХОЖА АҲРОР ВАЛИЙ ТАРИХИ

| | |
|---|----|
| Мирзо Улуғбек фожеасига ким айбдор эди?..... | 46 |
| Хожа Аҳрор Валий маънавияти..... | 48 |
| Хожа Аҳрор ва Мирзо Улуғбек муаммолари..... | 55 |
| Улуғбек фожиаси сабабчилари..... | 59 |
| Хожа Аҳрор хонақоҳи, қабртоши ва мадраса..... | 65 |
| Хулоса..... | 73 |

МАХДУМИ АЪЗАМ ТАРИХИ

| | |
|---|-----|
| Соҳага доир илк тадқиқотлар | 78 |
| Султон Бурҳониддин Қилич ва Махдуми Аъзам насабномаси..... | 81 |
| Саййид Аҳмад-Махдуми Аъзам фаолиятининг бошланиши | 87 |
| Пиру муршид мавлоно муҳаммад қози..... | 90 |
| Махдуми Аъзамнинг нақшбандия тариқатидаги фаолиятлари | 93 |
| Махдуми Аъзамийларнинг ҳукмдорлар билан муносабатлари..... | 95 |
| Махдуми Аъзам ва Бобур Мирзо муносабатлари | 103 |
| Соҳадаги баъзи илмий чалкашликлар..... | 105 |
| Махдуми Аъзамийлар ижодиёти | 118 |
| Махдуми Аъзамийлар ёзган асарлар..... | 128 |
| Махдуми аъзамнинг халифа-шогирдлари | 130 |
| Махдуми Аъзам фарзандлари ва аҳли байтлари..... | 135 |
| Муҳаммад Аминхожа (Хожа Калонхожаи Даҳбедий) | 137 |
| Хожа Исҳоқ Валий | 143 |
| Хожа Ҳошим Даҳбедий | 147 |
| Амир Ялангтўш Баҳодир..... | 154 |
| Шарқий Туркистон хожалари | 161 |
| Хожакалоний Офокхожа..... | 162 |
| Хожа Абдулло (Хожам подшоҳ)..... | 166 |
| Саййид Мусохонхожа Даҳбедий..... | 169 |
| Тариқатнинг охирги буюк муршидлари..... | 177 |
| Ғозий Умархожаи Даҳбедий..... | 181 |
| Каттахонхожа Даҳбедий | 187 |
| Мухторхон Тўра Хожаисҳоқий | 197 |
| Махдуми Аъзам хонақоҳи қабристони | 199 |
| Тасаввуф тарихи..... | 204 |

ШАЙХ ХУДОЙДОД ВАЛИЙ ТАРИХИ

| | |
|--|-----|
| Ҳазрати шайх Худойдод Валий шахсиятлари..... | 220 |
| Шайх Худойдод Валий кароматлари | 222 |
| Шайх Худойдоднинг шеърляти | 224 |
| Шайх Худойдод Валийнинг нисбати | 226 |
| Шайх Худойдод Валий фарзандлари..... | 233 |

| | |
|---|-----|
| Ҳазрати шайхнинг машхур авлодлари ва шажараси | 235 |
| Ҳазрати халифа Мусохожа шайхулислом | 236 |
| Ҳазрати шайх Худойдод Валийнинг вафотлари | 244 |
| Хулоса ўрнида | 248 |

ШОҲ НЕЪМАТУЛЛОҲ ВАЛИЙ ТАРИХИ

| | |
|------------------------------------|-----|
| Буюклар бешиги – Самарқанд | 250 |
| Шоҳ Неъматуллоҳ Валий тарихи | 251 |

МАҲДУМИ ХОРАЗМИЙ ТАРИХИ

| | |
|---|-----|
| Такдим | 266 |
| Махдуми Хоразмий шахсияти | 268 |
| Махдуми Хоразмий тариқий | 273 |
| Фаолиятларининг бошланиши | 273 |
| Мадина шахрига ташриф | 297 |
| Маккаи муззамага ташриф | 298 |
| Ҳазрати шайхнинг охирги сафарлари | 300 |
| Шайх Хоразмийнинг пирлари | 305 |
| Шайх Хоразмийнинг халифалари | 306 |
| Шайх Махдуми Хоразмий фарзандлари | 309 |
| Махдуми Хоразмий ва ҳукмдорлар | 313 |

Комилхон КАТТАЕВ

ТАСАВВУФ АЛЛОМАЛАРИ

Саййид Ота
Хожа Ахрор Вали
Махдуми Аъзам
Даҳбедий
Шайх Худойдод Вали
Шоҳ Неъматулло Вали
Махдуми Хоразмий